



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

2

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудир)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАЙПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Шокоҳонада бир соат



УЙГУН

УТМИШНИ ЭСЛАГАНДА

ШОИР БИЛАН СУХБАТ

«Совет ёзувчиси» деган улуғ унвонга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун қобилиятга эга бўлиш, асар ёзишнинг ўзигина кифоя эмас. Совет ёзувчиси авваламбор совет позициясида мустақкам турмоғи керак, унинг зўр ва маҳкам эътиқоди бўлиши керак.




Шоғрийят

СИРОЖИДДИН САИДОВ


ТҮПОЛОНДАРЕ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Достон

Бунда туғилажак ҳар битта фарзанд,
Ишонғум туғилар туғёни билан
Ва бу туғён билан нурга белади;
Дунёни: замин у осмони билан.



Ҳикоялар ҳазиниши



АНДРЕ МОРУА

ҚАЙТИШ

Ҳикоя

Оддий китобхон асар жозибасидан мафтун бўлишни ўйлаб қўлига китоб олмайди. У ҳаётда курашларга қодир бўлиш учун асардан маънавий куч-қудрат кидиради...



Аваз Угар

Ҳуррият

*Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат.*

*Кетиб зулму ситамнинг зулмати бўлмиш жаҳон равшан,
Адолат офтоби мамлакатга кўргузуб талғат.*

*Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир тан,
Билурга борча илм ила ҳунарни яшасун миллат!*


*Жаҳон аҳли, манга сизсиз севукли жон азизимдин,
Эурмиз бир-биримизга ёқин гўёки бир ихват.*


*Яшанг, эй қаҳрамони ҳурриятпарвар биродарлар,
Олиб ҳур миллати мазлум учун сиз қилдингиз хизмат.*

*Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,
Ватанни қилғоли обод лозим айласак ғайрат.*

*Аваз бир минг доғи уч юзда ўттуз беш эди тарих,
Етушди ҳурриятдин миллатимни жониға қувват.*

1917





Шукур Холмирзаев

ЙУЛДОВЧИ

Роман

VI

Пункт дарвозасидан кирган ерда — чапдаги ям-яшил қулоқ чиқариб қолган буталар қошида бир рўдапо ўтирарди. Эғнида эшакка жул ўрнида солса бўладиган эски пальто, соқоли ўсиб кетган; кўзининг ости ҳалқа-ҳалқа бўлиб осилган, бутун қиёфасида аянч-изтироб ифодаси бор. «Москвич»ни тошлоқ майдонда қолдириб, ичкарига киришаркан, Метин:

— Ҳа, Беғамбой? Қалай? — деганича шошиб киссасини кавлади ва битта уч сўмлик чиқарди-да, кўришаётиб кафтига қистирди.

Кимса пулни чўнтагига тикқач, Бекдавлатга қаради. Бу одам аллақачон сондан чиққан, ароқ хароб қилганди. Одатда бундай кишиларга Бекдавлатнинг раҳми келмас, бироқ бўлса — чақа берарди. Ҳозир Метин унга пул бергани учунми, дафъатан хурсанд бўлиб кетди ва унинг чучмал башарасини кўрмаслик учун тезгина бурилди. Бурилгани билан уни эсдан чиқаролмади: бундайларни шаҳарда учратгич эди.

— Алкашми? — сўради у.

Метин бош ирғади.

— Э, бахтсиз одам, ака... Лекин, лекин мен шу одамни, — у туйқус асабланиб сўзланди, — Қаландаровдан аъло кўраман! — Тўхтаброқ тушунтирган бўлди: — Бунинг бори сиртида: сўрайди, тиланчилик қилади. Лекин... бировнинг киссасига қўл суқмайди. Тўғрими гапим? У даҳшат, анави — даҳшат! — Сўнг рўпарадаги кичкина дарага ўхшаб турган — икки томонида паст-паст уйчалар бор, улар орасида машина ўтгудек йўл қолдирилган — усти ёпиқ жойга йўл оларкан, тўнғиллаб гапида давом этди: — Тузук... бир фақиргина одам эди... Бу Беғам. — Кейин бирдан қайрилиб бақирди. — Самандар ака қаерда?

Стулга ўтириб, чамаси, пулни сийпалаб кўраётган Беғам ирғиб туриб, ўнг томондаги узун тушган иморат-айвон адоғини кўрсатди. Метин ўша ёққа йўналди.

— Узим кўрмаганман... Чиройли хотини бор экан. Шобой деган бир чиқурифуруш алдаб опқочиб кетган. Кейин бу шўрлик уйига ўт қўйиб, тентакхонага тушган. У ёқдан сал тузалиб келди-ю, ичишга берилди. Уроқ аканинг «Водовоз»и йўқ маҳалда кўчаларга сув сепаб юрарди. Кейин бу ерга келди.

Бекдавлат мактабда ўқиб юрган кезларида бир фаррошни кўрарди: кечга томон салқин туша бошлади дегунча иштонини лила уриб, қийшиқ челагида

кўчага сув сепар, ўз ишининг ҳавосини шунчалик олгандики, гоҳо ўткинчилар тўхтаб уни томоша қиларди.

Қариялар чойхонаси билан ҳаммом оралиғидаги йўлнинг икки томонидан ариқ ўтган, унинг бўйларида толлар қад кўтарган. Ариқнинг ҳар ўттиз-қирқ қадам оралиғига банд ташлаб қўйилар, сув ўша ердан кўллаб ўтар, Беғам (агар ўша бўлса) ариқнинг бир лабига бир оёғини, иккинчи лабига иккинчи оёғини тираб олганча йўлга челакни ярим қилиб сув сепар, сув йўлнинг нари чеккаси-га бориб тушар ва шундай сочилиб тушардики, тангача ер қуруқ қолмасди. Қизиқ, Беғам гўё сув сепаетган томонига қарамасди; қаддини кўтариб-эгиб сув отаверар, сув тегишли жойга бориб ёйилаверарди.

Бекдавлат орқага ўгирилиб қаради-да:

— Танисам керак,— деди.— Лекин, яхши қилдингиз пул бериб... Кўнглингиз яхши, Метинжон. Аммо ичмаса бўлмасмикан-а?

— Э, ака, қўяверинг... — Кейин у бирдан тўхтади. — Мен «бизнес» билан қандай гаплашсам экан.

Бекдавлат «и-я», дегандай унга ҳайрон бўлиб қаради.

— А, ўзи чигит бериши керакми?

— Бўлмасам-чи! Рўйхат бериб қўйилган. Фақат Денов аканинг чигити қолган бўлиши керак.

— Ундай бўлса бераверади-да?

— Гўрни беради! — Метин истеҳзо билан кулди. — Нима, ҳали чигит керак бўлмайди, деб ўйлайсизми? Ҳе, ёмғир бор, дўл бор... Шу ерда ишлаётганимга уч йилдан ошяпти. Бирон йили дўл ёғиб, беш-ўн гектар ғўзани уриб кетмаганини билмайман. Қайта экишга тўғри келган. Қуриб кетсин... Афғон шамоли бўлиб, ернинг намини олиб кетгандаям бир дард бўлади: қатқалоқни юмшатиш керак. Баъзан чигит унмай қолади. Ёғин кўп бўлсаям бир бало — чигит чириб кетади... Ҳали чигит керак бўлади.

— Ҳа-а.

— Ҳа-е! Юринг-чи!

Самандар Қаландаров айвоннинг сўнгидаги сиртига сопи қизил белкурак, чўкич ва иккита ўтўчиргич илиб қўйилган хонада — омборда экан. У қўлидаги газетани столга ташлаб юбориб:

— Э, келинг-э! Метинмисиз? Кун қаяғдан чиқди? — дея секин ўрнидан турди.

Қурғур чиндан ҳам келишган одам. Эгнида пахталик қавима қора тўн, оёғида кирза этик, бошланг ҳолда ҳам зиёлинамо бўлиб турибди. Метин Бекдавлатнинг биллагини қаттиққина қисиб қўйиб, олдинга босди. Икки қадам юргач тўхтаб, уни олдинга ўтқазди. Бекдавлат плаш, шляпа ва галстукда тус зиёлининг ўзи эдики, бу тупроқда кам бўлишлиги назарга олинса ва бош агрономнинг иззат қилиб олдинга ўтказгани ҳам кўзда тутилса, шубҳасиз, уни қаңдайдир амалдор ё обрўли бир меҳмон деб ўйлаш мумкин эди. Самандар Қаландаров эса — бунақа либосларга кўзи ўрганиб кетган ва унча-мунча «олифта»ни назари илмайдиган «йўғон» Бекдавлатга унча парво қилмади. Метин билан кўришгач унга ҳам қўл бериб, бурилишда иккита стулни олиб, ўртадаги стол ёнига қўйди.

— Қани, марҳамат қилинглар.

— Бекдавлат ака, ўтиринг, — деди Метин. — Самандар акамиз бундан ҳам йўғон тортиб кетсинлар! Хўш, — у ён-верига, тарози ва тўрдаги турфа ялтироқ қопларга қараб олди, — бундан ҳам катта омборлар насиб этсин!

— Ҳе, бизга шунисиям бўлади, — деди Қаландаров. — Қани, чопиб журибсизми, Метинбой?

— Раҳмат.

Қаландаров стол тагидан хитойи термосни олиб, пиёлани чайркан, пих-пихлаб, семиз гавдаси силкиниб кулди.

— Қайси кун бизнинг кичкиналар Илонқочтидан қатиқ апкелишяатган экан, отангизди кўриб қолишипти. Бир тепаликнинг остида ўтирганмиш. Туман тушиб турипти, ҳаво бузуқ, у киши ғор оғзида ўтирипти, дейишади. Сўрашдиларингми, салом бердиларингми, дедим. Ҳа, дейишди. У ғор десангиз, ҳалиги тандир-пандирга ишлатиш учун тупроқ олгани қовланган ғор экан... Ҳе, Тўғонбой қиёмат-да! Шу ғорлардан бир нарса топадими энди? — У кулиб,

пиёлани узатди. — Басмачилар даврида тилло кўмган, муллалар ғорларга китоб яширган дегич эди. Шунинг излармикан...

— Йўқ, — деди Метин алланечук тиришиб, лекин асабини босиб. — Сиз айтган тепаликларнинг кўпи қадимги шаҳар мазорлари экан; Самандар ака. Отам у ерлардан тилла изламайди... Уша ерлар ҳам ўзлаштирилади.

— Ҳа, энди у ерларни текислаб юборишади... Муродбойнинг шу кетишда бўлса Улкантовдан Кўксувниям ҳайдаб келади. У ерларга сув боради-да. Сув бормагандаям, у ерлар — лалмикор. Макка эксангиз, ҳеч бўлмаганда, силос оласиз.

Тўғон ака — эскитдан Ўрта Осиёнинг антик тарихига қизиқувчи киши, музейга ўтгандан буён бу соҳага бот берилган, Сурхондарёдаги жуда кўп антик шаҳарлар, тураржой биноларининг қолдиқлари кўпинча боягидек ер ўзлаштириш-ер текислаш вақтларида тракторчи, бульдозерчилар томонидан очилганини яхши билар, шунинг учун ана ўшандай хавф дориш эҳтимоли бор ва бирон бир кент чиқиши мумкин деб ҳисоблангани тепаликларга бориб, ўзича у ёқ-бу ёғини кавлаб кўрар, бирон бир белги чиққудек бўлса, тезликда Термиз музейига хабар қиларди. Музейнинг собиқ директори Фаёз ака Абдурахмоновнинг жўраси. Фаёз аканинг ўзи ҳам ҳозир археология илмида «Фаёзтепа» деб аталадиган антик шаҳар қабристонини тепалик остидан топган, ўзига хос бир ватанпарвар киши — Абдурахмоновнинг маълумотини тезликда Тошкентга етказарди.

Шу аснода улар учта қадимги работ изларини топишган, ундан чиққан айрим нишонларни ўз музейларида олиб қолишган эди. Тўғон ака гоҳо бу тўғрида Метинга тўғиллаб гапириб ўтирар, ўзича тажангланар ва айрим нодонларнинг уни «тилла қидиряпти» деган гапини айтиб, болохонадор қилиб сўкар, кейин ух тортиб ётиб қоларди.

— Бу ўзлаштиришлар яхши-ю, ўтмишимиздан қолган ёдгорликларни йўқ қилиб юборишлариям мумкин-да, — деди Метин. — Баъзан бульдозер ерни сурганда чиққан деворларда суратлар кўринармиш-у, бир зумда йўқ бўлиб кетармиш...

Бекдавлат ҳамма нарсани, нечун бу ерга келганларини ҳам унутиб, гапларига қулоқ берарди: ахир, у ҳам Тўғон аканинг маслаҳатлари боис мозийга қизиққан ва фалакнинг гардиши билан археологлар ичида юриб, ўтмишнинг ўзига яраша билгичи ва ишқибозига айланган эди-да.

— Бу... гаплар жуда тўғри! — деди ҳаяжон билан. — Бироқ археологлар, Метинжон, айрим кишиларнинг ўз бошига қазув ишлари олиб боришларини баъзан... «зарарли» дейишади.

— Мен у томонларини билмайман, — деди Метин. — Лекин бизнинг чол яхши ниятда исқаланиб юради, Самандар ака... Умуман, у кишига айтиш мумкин: шунақа гаплар бор, зарарли экан, деб.

— Йўқ-йўқ, нега энди...

— Ҳа-е, — деди Қаландаров. — Кексайганда бўям бир эрмак-да, Метинбой... Қани, бу, биз томонларга қадам ранжида қилиб қолиптилар. Ё омборди жолайми? Уйга борамизми? Ўзи, бизда ишам адо бўлди ҳисоб... Бировининг уч-тўрт тонна чигити билан дориси қолди. Ҳе, кемаепти. Билмайман, унинг ерига бошқа экин экишадими.

— Кимнинг? — сўради Метин.

— Анави муаллимни-да... Деновми дейди исмини. Боғбон чолнинг боласи.

— Бўлди, — деди Метин. — Ҳозир ўзлари келадилар.

— Э, шундай қилсин-э!

— Энди гап шундаки, — деди Метин. — Денов ака бизда пудратга ўтган ягона бригадир.

— Шундай денг. Тошев... Э-ҳе, азамат бало экан! Шу кетишда герой бўп кетсаям ажаб эмас.

Бекдавлат бирдан тоқат қилолмади:

— Эй, герой бўлиш шунчалик осонми?

Метин ҳам, Қаландаров ҳам унга ҳайратланиб қарашди. Қаландаров мийиғида кулимсиради.

— Метинбой, гапингизни бўламан, биз чўлда ишлаб юрганда областдан хат кеп қолди. Биз — совхоз директори, Мурод Тангриқулов энди партком

секретари бўлиб борган, бошқа совхозга. Лекин салом-алигимиз бор. Энди, бировни мукофотга тавсия этадиган бўп қолдик. Шуни бир жигитга беришимиз керак. Ёши ўттизга кетмаган бўлсин, тагин, уйланган бўлсин, яна тракторчи бўлсин, дедик. Ўттизга етмаган болалар ҳам кўп. Лекин трактор ҳайдайдигани жўқ. Бир-иккитаси бор эди, улар — миханик. Бирта қарес бор — у буғалтир. «Ундайи бизда жўқ», дедим. Салдан кейин шу мукофот Тошевга берилди. Эшитсак, у қурмағурнинг ёши анчага бориб қолган экан-у, йигирма тўққизга кирди, деган ҳужжат олибди.

— Йўғ-э!

— Рост. Кимдир биров унга маслаҳат берган-да. Балки Муродбой айтгандир... Уч кунда янги паспорт олиб, ёшини ўзгартириб борибди. Ҳе-хе-хе. Қўрғур-ей. Одам денг, сал қизиқ бўларкан. Менинг сал аччиғим чиқди.

— Ҳайвон экан,— деди Метин.

— Эй, кўп қизишасиз-да, Метинбой! — кулди Қаландаров. — Ёшсиз-да. У паспортига ёздиргани билан ўзгариб қолдимми... Э, қўйинг-е уни. Қаяғданам эсимга тушди... Ҳа, бу укамиз герой бўлиш осонми, дедилар. Ҳе, ука-е... Метинбой, бу кишини таништирмадингиз?

— Ўзимиздан, — деди Метин кесиб. — Жуда... бизнинг ҳурматимиз, ихлосимизни қозонган акаларимиздан.

— А-а, кимлардан бўладилар?

— Мен шу ерликман, холос, — деди Бекдавлат. Кейин Метинга қараб ғамгин кулди. — Тошев ҳақиқатан паст одам экан.

— Ҳе-хе-хе, — Қаландаров маза қилиб силкиниб кулди. — Сиз уни айтасиз. Унга нима... Мукофот кимга ёқмайди? Шуни берганларни айтинг-да!

Бекдавлат унинг гапи остидаги маънони англаб бирдан ичи жизиллаб кетди: Қаландаровнинг мулоҳазаси ҳақ эди. Бироқ... унинг «хе-хе»лаб кулиши бошқа — катта бир нарсадан кулиш эдики, Бекдавлатнинг тоқати тугаб, энди бу ердан ё бирон ёққа чиқиб кетишни, ё анави одам билан уришишни истай бошлади. «У!.. Кимдан кулаяпсан, аблаҳ?!.. Ушундай мукофотлашнинг ўзи — хато. Қандайдир... бемаънилик. Бироқ, сен... уни берганлардангина кулмаяпсан-ку? Сезилиб турипти-ку?!»

— Ҳа, — деди Метин синиқ илжайиб. — Шундай ишларам бўлади. Бўлиб турипти, Самандар ака... Бизнинг бу ерга келишимизнинг боиси шундаки, Денов ака пудратчи бригадир. Мурод Тангриқулов ҳам, Кимё Тўхтамишева ҳам у кишининг бригадаси яхши натижага эришувини ишташяпти. Хўш, шунинг учун биз ҳам у кишига ёрдам берайлик, деб ўйладик, ака.

— А, маъқул, — деди Қаландаров. — Пудратни ҳозир ҳамма катталар қўллаяпти.

— Раҳмат... Шунинг учун мана сиз ҳам бир жиҳати пахтакор. Мана бу чигит деганини-ку пирисиз! Хўш, — Метин атай ўзи ўйлаб қўйган ва амалга оширишни шарт деб билган масалада гап очди: — Бригада пудратига ўтган хўжалик оқ пахта эккани тузукми, ипак пахта? А, Самандар ака?

— Энди-и, — Қаландаров ҳали ўқиб ўтирган газетасига ишора қилди, — анавиңдаям ёзипти: пудратчилар ҳар нарсадан тежаши, ортиқча харажатга йўл қўймаслиги керак, депти... — Бекдавлат газетага қаради, уни олиб кўрмоқчи бўлди, кейин бирдан аҳд қилди: «Пудрат ҳақида ўқиш керак... Э, область газетасини ўқиш керак-да!» Қаландаров эса Бекдавлатнинг назарини кўздан қочирмай, босиқлик билан давом этди: — Шу жиҳатдан қарасангиз, ука, э... ўзингиз яхши биласиз-ку?

— Йўқ, шундай деманг.

— Хўп, ана, ипак пахангизнинг меҳнати оғир бўлади. Тўғрими? Бунинг устига, кеч пишади. Шунинг учун мавсум охирида сортлар ҳам бир-бирига аралашиб кетади. Лойга аралашган падборни теришга тўғри келса, турган-битгани зиён бўлади... — Кейин яна боягидек пих-пихлаб кулди. — Катталаримизга ҳайрон қоламан, Метинбой... Жерга тўкилган бир чигитниям териб олиш керак, дейди. Мана, газетачиларам шуни ёзади. Ашилачилар ҳам шуни айтади... Унинг турган-битгани зиён: одам ҳалак, машина ҳалак... Кошки ўшаларнинг

ҳақини қоплай олса. Бир кило пахтангиз фалон пул бўлади. Йил бўйи қилган меҳнатингиз — бир пул. Ҳе-ҳе-ҳе.

Бекдавлат: «Сизга ёқади-я? Мунча хурсанд бўлиб гапирясиз? — деди ичида. — Лекин нимага куласиз? Ачинмайсиз... Бошқа ёқдан келиб қолган одам!»

— Жуда тўғри айтдингиз! — деди Метин. — Денов ака ипак пахтадан экса, куни қисади. Тағин денг, бешта одам билан ишламоқчи.

— Ҳўй!

— Демак, оқ пахта қулай?

— Ҳа. Шуниси тузук. Лекин, ука...

— Тушундим нима дейишингизни. Ҳозир область ипак пахтага ўтаяпти.

— Балли.

— Лекин Денов акага оқ пахта эктираамиз!

— Майли.

— Ф—108 дан борми?

Қаландаров унга ўйчан тикилди. Ф—108 нави, яъни, Рамишевский нави 1947 йилда яратилгани билан ҳамон ўзгаргани йўқ. Бу орада юзлаб навлар яратилди: деярли барчаси ўзгариб-айниб кетди.

— Борми? — қайта сўради Метин.

Қаландаров тўрға қаради.

— Бўлсаям оздир-ов... Э, иним, заводинг бўлмагандан кейин шу-да. — Урнидан турди-ю, яна пих-пихлаб кулди. — Бу сув масаласида гап кўп, Метинбой. Эшитгандирсиз? Ҳаёл қиламан-да: шу булоқларнинг суви тортилиб қолса, тамом, пахтангизам тамом бўлади... — Сўнг ўзича сўзланиб, тўрға йўналди. — Аслида-ку, шу адирларни тоқзор қилса бўларди. Лалмикор...

Метин ҳам ўрнидан турди.

— Ундай деманг. Унда яна чўлга қайтиб боришингизга тўғри келади.

— Э, энди гўргаям бормаيمان. Бир таёк, бир сурув мол бўлса — бўлди.

Метин Бекдавлатга қия қараб, аччиқ шивирлади:

— Шахсий моли кўп. Ҳалиги Илонқочди деган жойда бир суруви бор деб эшитаман. Болалари қатиқ опкелаётганда, бизнинг отани кўришипти-ку!

— Ҳа-ҳа, — деди Бекдавлат ва уям ўрнидан турди. — Бир сурув моли бор?

— Ушоқ молдан... Э, ака, бу одамларнинг давлати катта. Шунинг учун юрган-да...

— А, уни... юқори билмайдими?

— Юқори... — кулимсиради Метин. — Келинг, юқорига тегмайлик.

— А-а, у ерлар ҳам Кимёга қарайдими?

— Йўқ, чорвачилик совхозига. Ўзи районда бешта совхоз бор-да. Узумчилик-боғчилик, чорвачилик, мана шу — «Шунқор», яна бедачилик совхозии...

Қаландаров қайтиб келди.

— Бор экан-у, жуда оз экан-да, Метинбой.

— Қанча?

— Э, жида кам... Деновбойнинг жери неча гектар? — стол тортмасини кавлай бошлади.

— Эллик гектар.

— Шунча озми? Лекин шунгаям саккиз тоннача чигит кетади. Бизда бори уч ярим тоннанинг нари-бериси.

— Бўлди! — Метин қувончини яширолмаб Бекдавлатга қараб олди. — Шу бўлади!

Қаландаров қаддини ростлади.

— Тавба! — У термосдан пиёлага яна чой қўйди. — Ҳазил ўз йўлига-ю...

— Бу ҳазил эмас... Лекин, — уқтириб деди Метин. — Пучи бўлмаслиги керак.

— Ҳе, мен унинг ичига кириб чиқибманми, ука.

— Қани, мен бир кўрай.

— Майли... — У Бекдавлатга пиёлани узатди. — Ичинг, ука. Метинбой, бу киши ўзимизда ишлайдиларми?

— Ўзимизда, — деди Метин. — Бу кишиям шу Денов аканинг бригадаси пудратдан яши чиқсин, деб юриптилар.

— А-а, — у очич эшикка ўгирилди. — Келмаяпти-ку? Тоза бечара одамда

шу Деновбой. Ҳа, энди тўғри иш қилган: бирон сўм кўпроқ топаманми деб мактабни ташлаган... Мактабларда ҳозир ўқитувчилик қилиб пул топиш қийин.

Бекдавлат иттифоқо шу ерда — «Навоий» мактабига қатнаб юрган чоғларида ўқитувчиларнинг ҳамма вақт яхши кийиниб юришларини эслади: районда улардан башанг кийинувчи одам бўлмас эди. Шунинг учун унинг ўзи ҳам кўчада биронта ғарчли этик, жужун китель кийган кўрса: «Салом, муаллим!» деб ўтар эди. Кўксувда-чи? Хусусан эрта куз паллаларида тошқалама девор ортидан — тор кўчадан шляпа кийган отли ёки эшакли одам ўтиб қолса, «муаллим, муаллимлар ўтаяпти», деб кўни-кўшнилар томга чиқиб қарашар эди. Жуда обрўли, бунинг устига Мурод акаю Тўғон Абдурахмоновга, Шомир муаллимга ўхшарди кўпчилиги.

Шомир муаллим Бекдавлатни Кўксувда тўртинчи синфгача ўқитган ўқитувчиси: у киши дарсдан чиққач чопон кийиб, эшак ё от миниб юрарди. Деҳқондан фарқи йўқ — ўт ўрар, том сувар, мол сўяр, ҳашарга чиқарди. Бироқ сой бўйидаги йўнғичқапоя четида қўнқайган бир хонали мактабга костюм-шим кийиб, галстук тақиб келар ва икки гапнинг бирида: «Биз маданиятли бўлишимиз керак... Шаҳарга борганда биласизлар...» — дер эди.

...Бекдавлатнинг шаҳарга, олис уфқларга интилишига шу гаплар ҳам сабаб бўлгандир. Ҳарқалай, Бекдавлатнинг Чопартепада ва бошқа жойларда мумкин қадар яхши-башанг, зиёлинамо кийинишига ўша насиҳатлару ўзга ўқитувчиларнинг ҳам бежирим либослари сабаб бўлганига шубҳа йўқ.

— Э, унчалик ҳаммас-е, — деди Метин. — Оталари деҳқон-боғбон ўтган...

— Ҳа-а, Қўлдош ака шу Ниёз чолдан бизга тўртта Тошканди гул кўчати олиб берган эди. Тошканди гилосниям Чопартепага шу чол тарқатганди, чоғимда?

— Шу-шу, — деди Метин ва у ҳам очиқ эшикдан дарвоза томонга қаради.

Бекдавлат бир дақиқага хаёлланиб, жилмайди: пушти атиргулни ўша чоғларда ўзлари ҳам «Тошканди гул» дейишарди. Уни инқилоб даврларида Чопартепага келиб қолган Қори ака деган киши ҳовлисида ўстирар, унинг Қирмоч деган етим хизматкори ёз оқшомлари бир челақ-бир челақ чиқариб бозор дарвозаси оғзида сотарди. Вой, бу гулнинг ранги!.. Ҳидичи, хиди? Бекдавлат кейин билса, ундан аллақандай қимматбаҳо шоколаднинг бўйи келаркан. Ушани бир ҳидлаш, томоша қилиш учун ҳам Бекдавлатнинг бозор дарвозаси оғзига борган пайтлари кўп бўлган, Қурғур Қирмоч ҳидлатишгаям ҳақ олгудек бўларди. Гилос... Ҳақиқий гилосни ҳам ана ўша Қори ака ҳовлисида ўстирар, ерлик халқ қизил олчани гилос деб атар эди. Ҳозир у номлар, яъни, «Тошканди» деб аташ истеъмолдан чиқиб кетган.

Дарвоза ортидан бип-биплаган сигнал эшитилди. Беғамбой туриб кетди. Метин беихтиёр ташқарига йўналаркан:

— Бекдавлат ака, кетдик, — деди. — Самандар ака, бизга жавоб-да?

— Э, элан-қаран бир кепсизлару мундай бўлмайди-да, — деб эргашди Қаландаров. — А, бу жигитти олиб бизнинг уйгаям бир боринг, Метинбой. Биздан ҳам бир пиёла чой ичсинлар... Э! Отангиз-ку энди музейдан бўшамайди...

Қаландаров бу гапларни шунчаки мулозамат йўлида айтганга ўхшаса-да, аслида уйига казо-казо кишиларнинг, айниқса, раҳбарларнинг, ижроком катталарининг бориб туришини, меҳмонхонасининг обод бўлишини чин кўнгилдан истарди. Мана, йиллар ўтиб, амалдан амалга пасайиб, туғилган қишлоғига ҳам келиб қолди. Иши ёмон эмас. Лекин, баъзан ўзини районда бегонадек, муваққат яшаётгандек сезади. Четда яшаш тузук эканми, нима бало. Уша чоғлар районга бир қадам ранжида қилса, қўлма-қўл бўлиб кетарди...

Орқасига тележка маталган «Белорусь» дарвозадан кириб кела бошлади.

— Ҳа эса, — деди Қаландаров Метинга ва иккиси ҳам ўгирилиши замон юраги беўхшов увишиб кетди. «Э, булар бежиз келмаган-а?» деган ўй кўнглидан ўтди-ю, фаши-алами келиб кетди.

У бундай ишлаб ўрганмаган: катта еб, катта кийиб, ман-ман деганлар билан ошна-оғайнигарчилик қилиб юрган; дейлик, тарозидан уриб қолиш, пахтанинг сортини тушириш хавфи остида ё намга кўп чиқариш тазийқи остида... бир нарсаги бўлиш — унинг учун бачкана киссовурнинг иши эди. Чигитдан пора ундириш... Йўқ, булар унинг учун арзимас, ҳатто шахсини-ғурурини ҳақоратлай-

диган гап-ку! Ҳа, Самандар Қаландаровни арслонга ўхшатиш мумкин: бу ҳайвон фақат ўзи ўлдирган йирик жонзотнинг гўштини ейди, егандаям жигарини, юрагини ейди ва бир тотинган емагига қайтиб келмайди. Бироқ арслон кучдан қолса-чи? Қари бир антилопани ҳам ололмайди. Кейин ночорликдан гиена-сиртлонга ўхшаб бошқа ҳайвонлардан қолган қолдиққа қаноат қилишга рози бўлади.

Самандар Қаландаровнинг ҳозирги қиёфасини ўша қари арслоннинг ачинарли аҳволига ўхшатиш мумкин. Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийғи чиқади, кишини расво қилади. Қаландаров-ку расво бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди, гирибонидан тутилсаям қутулиб кетишига ишонади. Бироқ эндиликда майда-чуйда ўғирликлар қилиши унинг ғурурини ҳақоратлайди, холос. Мана, Метин бола билан бу шляпали йигит келибди, Деновбойга далолатчи бўлиб...

Қаландаров улар нарига ўгирилишлари ҳамон буни пайқаб, ичида бирдан алам-нафрат жумбуш қилди: иложи бўлса, шу тракторда келаётган Деновбойни қайта унга ёндашолмайдиган қилиб ташласа! Уриб эмас, сўкиб эмас...

Қаландаров улар билан қўл бериб хўшлашаркан, ҳамон жаҳлидан тушмаган эди. Денов аканинг тиржайиб-титраб келаётганини кўриб, бирдан унга раҳми келиб кетди.

— Кенг-э, Деновбой!.. — «Буларни овора қилмай кела берсангиз ҳам бўларди-ку?» дейишдан ўзини аранг тийиб қолди-да: — Ҳа, эса, Метинбой, кеп туринглар-э! — деди.

Метин трактор ёнидан ўтаркан, кабинадан бошини чиқарган Денов акага:

— Мен айтган гапдан чиқманг, — деди. Кейин бирдан овозини баланд кўтариб гапирди: — Самандар акам нима десалар, хўп денг!

У Қаландаровга қувлик ва хушомадомуз нигоҳ билан қараб жилмайди-да, Бекдавлатнинг билагини қисиб қўйиб жилди. Бекдавлат гарангсиб, бир Денов акага, дам Қаландаровга қараб, Метинга ёндош бўлди.

Дарвозадан чиқиб, машинага ўтирдилар. Машина жиларкан, Метин бу ёққа чиқиб илжайиб турган Беғамбойга қош қоқиб, сигнал берди. Кейин машинани шаҳд билан ҳайдаб кетди.

Қаландаров Денов ака билан одатдагича қўл учида кўришди-да, «келинг» ҳам демасдан омборга йўналди. Оғир юриб бориб, стулга чўкди. Газетага кўзи тушиб, ёнига келиб тик турган Денов акага юз бурди.

— Пудратга ўтганмисиз?

— Ҳа, Самандар ака... Шундай бўлиб қолган. Лекин бултур...

— Эшитиб эдим.

Нима, Самандар Қаландаров шу ерда — омборда пахта қабул пунктининг директори — бошлиғи тирик тургани ҳолда, омборчи-тарозибон-товаровед экан, икки йилдирики Ҳикмат Башановнинг айрим бригадалари планини гоҳ «пахта сотиб олиб», гоҳ «йўқни йўндириб» бажаришини билмайдими? Аксинча, шу ишларнинг бошида: улар бир-бирларини Музработдалик чоғидан танир, Ҳикмат Башанов — бу давлатманд одамни астойдил «отахон» деб атар, унга қандайдир ҳавас билан ҳам қарар, тўғри, гоҳо жуда рашкиям келиб кетар, ўзининг ўшандоқ бўлишга сира қурбиям, иқтидориям етишмаслигидан бундай қобилиятлар ўзида йўқлигидан ўқинарди ҳам, бироқ айни чоғда гоҳо уни итидан ҳам ёмон кўриб кетарди.

Бу воқеаларни кузатиб турган китобхон ишонмаслиги мумкин, лекин «бизнесмен» деган лақабни ўша одам қўйган, унинг замирида Қаландаровдан ҳам фахрланиш, ҳам нафратланиш туйғуси ётарди. Алқисса, Денов ака Ниёзовнинг аҳволини Қаландаров беш қўлда биларди. Биларди-ю, писанд қилмас, унинг учун бу зот — чала одам, «бечора» эди. Шу боис ундан пора сўрашни ўзига эп билмагани учун... ёмон чигит берганди бултур.

— Айтмоқчи, Самандар ака, кечирасиз... Мен шошилишда рабоби опкемапман.

Қаландаров:

— А-а, — деди. — Ҳеч нимаси йўқ, домилла. Ана, Беғам бор. Юз граммга берсангиз, ортиб беради. — Кейин кулди. — Керак эмас. Ўзим айтаман. Э, Деновбой-э...

— Раҳмат.

— Чойдан ичинг... Ичинг!

— Хуп.

— Бола-чақалар омонми?

— Раҳмат.

— Отангиздан биз миннатдормиз. Берган тўрт туп гуллари қирқ туп бўп кетди... — Шундай деб, юраги сув очди: қанийди, мисол учун, совхоз директори бўлсаки, чиройли бир дача қурдирса, бу одамни дачага боғбон қилиб олса! Жуда гуллатарди-да... Рўзгорининг емагиям дачадан кечарди. Маоши ёнида қоларди. Яна тағин... Аттанг. — Ҳа, майли, ука. — Бирдан ташқарига қараб қолди. — Анави шляпали бола ким эди?

— Ҳазимиздан. Шу ерлик, — деди Денов ака ва пиёлани столга қўйиб тушунтирди: — Ҳўқшдан кетиб қолган эди... Қўп зарбдор қурилишларда ишлади.

— Касби нима ўзи, касби?

— Касбини... мен ҳам аниқ билмайман, Самандар ака. Бироқ анча-мунча иш қўлидан келади.

— Кийиниши тузук-ку?

— Шундай, шундай. Лекин, бизга механизатор бўлиб ўтдилар.

— Трактирчи?

— Ҳа.

— Исми Бекдавлат...

— Бекдавлат Бекназарович.

— Ҳзи кимлардан бўлади?

— Энди... бу ерда унинг бир тоғаси бор. Ашур Яшаров!.. Ҳа-а, техникумнинг директори.

— Э, Ашурбой денг?

— Шу-шу.

Қаландаров кулимсиради.

— Сиз чойни ича беринг-чи, — дея ташқарига йўл олди. Эшикдан чиққан ерда, узун тушган айвоннинг бурчагида ғингиб, ер тирнаётган Кобрага қараб, шу бўйи уюб қўйилган селитрага кўзи тушди. — Деновбой, ўғитам керакдир-да?

— Ҳғит? Э, қанийди, жон ака!

Қаландаров бош ирғаган бўлиб, Бекдавлатлар ҳали дарвозадан кирганида дарага ўхшаб кўринган икки уйчага қараб йўналди. Уйчаларнинг бири — лаборантлар хонаси, иккинчиси — тарозибон хонаси. Оралиғидан йўлак ўтган. Қаландаров ўз хонасига кирди. Ҳриндиғига сирилган матаҳи титилиб кетган стулга чўкиб, чанглигидан бармоқ излари қолган телефон апаратини олдиға тортди. Ҳйланиб, Ашур Яшаровнинг номерини тера бошлади. Шайланиб, қулоқ тутар экан, трубкани ҳеч ким кўтармади. Тағин бироз кутди-да, ричағни таппа босиб, район милицияси қошидаги паспорт стол бўлими номерини терди. Зумда таниш-ҳадикли овоз эшитилди:

— Жовли Пардаев эшитади!

— Э, Жовлибой... Мен, Самандар акангиз, — деди Қаландаров. — Қалай энди?

— Раҳмат, ака! — Қаландаров унинг ўрнидан туриб кетганини ҳис қилди ва бундан бир ой бурун берган пулини сўраш учун кўнғироқ қилмаётганини англитиш мақсадида:

— Ҳе, биз томонларга ўтмай қолдингиз? — деди. — Соғиниб қолар экан одам. Бир-икки марта болаларни чиқардим. Йўқ деб келишди. Бир ширвоз сўйға эдик, баҳам кўрамизми деб эдим.

— Раҳмат, ака. Ош бўлсин... Э, аттанг, беҳабар қопмиз-да.

— Э, сизнинг тият ингиз ҳам турипти, иним. Бошқа бир масалада телепон қилаяпман.

— Ҳўш-ҳўш?

— Бекдавлат Бекназаров деган жигитти биласизми? Деновбойлар ўқитган экан...

Жовли Пардаевнинг қошида секретари Асила ўтирган эди. Унга шахд билан

¹ Тан, улуш (шева).

ташқарини кўрсатди. Жувон илжайиб чиқиб кетгач, стулга ўрнашиб олиб:

— Уни биламан, — деди. — Ҳа, биламан. — Ичига чўғ тушгандек жизллаб кетди. — Нима бўпти? Нима қипти?

— Э, ҳеч ишам қиғани жўқ. Шу жигит районга кепти-да. Деновбойнинг бригадасида миханизатор эмиш.

— Кепти?

— Ҳа...

Жовли Пардаевнинг қулоғига Қаландаровнинг гапи давоми кирмай қолди: «Кепти...» деб шивирлади ўзича ва юраги баттар аланга олди. У ўшанда... Томчибулоқ даласида, чуйка бўлиб ётган Холлининг устида турганида келгани ҳолда, кўз ўнгида намоён бўлди. Кейин у билан ўша ерда гаплашаётгандек алланарсаларни пичирлай бошлади-ю, Қаландаровнинг дўқидан ҳушёр тортиб кетди.

— Нима? А? Аммо лекин Тангриқуловга шогирд бўлади у... такаббур!

— Тангриқуловга?

— Ҳа-да. Бир гала бетгачопарни тарбиялаган... синф раҳбарлигидан фойдаланиб! Яна...

— Секин-секин.

Жовли Пардаев атрофига аланглаб қолди. Кейин телефонда айтаётган гапларининг маъносига ақли етиб, бирдан синиқ-чучмал илжайди-да:

— Ҳазил-ҳазил, — деб пичирлади.

— Э, ҳазилингдан айналай!

— Ҳа, бизга нима хизмат бор эди?

— Хизмат? Хизматам жўқ... Шу бир келиб эди-да бизга, пунктга. Пасонгина экан. Метин билан кеп кетди.

— Нимага?

— Эй, чигит учун. — Қаландаров ҳиринглаб кулди. — Чигитнинг тўқидан олмоқчи эканлар. Ҳайронман бу одамларга! Чигитти биз заводдан оламиз. Берганини тарқатамиз. Ундан пуч чиқса, биз айбдарми? Ҳе, гап-да.

Жовли Пардаевнинг хаёли чалғиб кетди.

— Нимага пуч чигитти юборар экан-а?

— Уруғлик пахта жетказадиганлардан сўранг, Жовлибой! Э, бу гапларни кавласанг, гап чиқа беради... Ҳа, эса хайр.

— Йўқ-йўқ. Мен нима қилай?

— Шу болага бир қизиқибми кўрсангиз деб эдим. Ҳеч миханизаторга ўхшамайди.

— Ўхшамайди? Ҳа...

Жовли Пардаев — ана шундай серҳаяжон, довдирнамо киши. Доим қулоғи динг туради: қандайдир хавфли, кўрқинчли бир иш содир бўладигандай. Ҳолбуки уни ҳеч ким ҳеч қачон кўрқитмаган. Тўғри, алдаганлар, ёлғон гапга ишонтирганлар кўп. Масалан, Асила ҳам уни кўп «туширади»: ачиган сомсаларни ҳам едириб, ошқозонини бузган... Бу довдир тағин унинг ҳазилларига чиппа-чин ишонади. У бўлса, Пардаевнинг орқасидан кулиб, қилиқларини латифа қилиб айтиб юради. Ўзи — бир қарашда беозор, ҳатто камсуқум-камтар. Одамлар билан эгилиб-букилиб кўришади, лабидан табассум аримайди. Аммо, назарида, ножўя ҳаракатни кўрса, тамом ўзгариб кетади: ўзини бошқаролмай қолади. Марҳум дадаси Пардабой ҳам шунақароқ экан: вақтида хийла фаол бўлиб, тиллоси бор деб гумон қилинганлар уйини тинтиб юрган кезларида ўз хотинининг бўйнидаги мунчоқ тизимида битта «зарби Бухоро» тиллосини кўриб, тўппончадан ўқ узган, ўқ аёлнинг бир қулоғини олиб ўтган, кейин шўрлик анча кун хўмрайиб юрган ва шу асно яна кимгадир бир қалтис ҳаракат қилиб, ўз-ўзидан қамалиб кетган, лекин қамоқда-ям: «Мен ҳақман!» деб юрганини ҳали-ҳамон эски қариялар ҳикоя қилишади. Шундай мўмин, кези келганда болаларниям сизлаб гапирадиган ва интизом деганда ўзини томдан ташлайдиган, баъзи ўқувчилар, дейлиқ, кинога кўпроқ тушиб қолса, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашишдан ҳам асло эринмай-диган, биронта ўқувчининг папирос чекканини кўрса ё эшитса, тунлари уйқуси қочиб, сўкиниб-ғудирлаб чиқадиган бу одамнинг каттакон пахта даласида, талай ўқувчиларнинг кўзи олдида бир етимчани... Холлини «партизанлик қилгани» учун қувиб уриб ва тепиб, майиб қилиши ғалати-я?

Аммо бу воқеа содир бўлди. Пардаев ҳали-ҳамон бирон муносабат ила ўша дамни эсласа, ўзининг оғзидан кўпик келиб: «Тўхта! Тартибни бузма деяпман! Бу пахта-я! Қара, бир чаноқ қилиб кетибсан? Бойлигимизни-я!» дея, Холлининг изидан ҳаллослаб — ғўзаларни шатирлатиб бораётгани, унинг талмовсираб тўхтагани ва иккинчи марта шундай қилмасликка сўз бергани, кейин эса, яна унинг кўзини шамғалат қилиб қўшни пайкалга киргани... ўзининг кўзига қон қуюлиб елиб бораётгани келади. Кейин, қараса, Холли эгатда кулала бўлиб ётибди. Ўзи унинг тепасида гангиб-қалтираб турабди.

Энди, Жовли Пардаевнинг Холли ётган касалхонага бориб, унинг тилидан «Мени Пардаев муаллим урмади» деб тилхат ёздириб келишига киши ишонадими? Тўғри, ишонмайди. Ҳақиқатда эса, бу иш хотинининг маслаҳати туфайли бўлган, бу жараёнда у кўп изтироб чеккан, уялган, Холли билан гаплашиш ҳам бир машаққат бўлган. Хайрият, Холли ўша майибликда бир умр қолишини билмагани учунми, Пардаев олиб борган қирқ беш сўмлик костюмшига «берилиб» ўша тилхатни ёзиб берган. Тилхатни кўлига олгач Жовли Пардаев антиқа ҳолга тушгани ҳамон эсида: наздида, ҳақиқатан ҳам ўзи урмагану Холли-йиқилиб тушгандек. У конференция минбаридан сўзлаётганда, бу нарсага бус-бутун инонган эди.

Кейин... Холли Термиздан келди: унинг ўзиям ўзгарган, фожеасига ақли етган шекилли, Мурод Тангриқулов идорасига чақириб гап сўрашга улгурмасданоқ Пардаевнинг Термизга боргани ва ўзини алдаганини айтиб бердики, ниҳоят, бу иш ўқитувчилар кенгашида кўрилиб, Бекдавлатнинг «ўқитувчиликка нолойиқ» деган гапи бот-бот такрорланди ва у педагогликдан қатағон қилинди.

Аксар кишиларда, балки, умуман одамзодда айбини бировдан кўриш хусусияти бўлади; айб бировдан кўрилса, кўнгил, ҳечқурса, тасалли топади. Жовли Пардаев мактабдан кетгач уйдан чиқмай қолди. У нима қилишини билмас эди: хотинини уришай деса, у туфайли икки-уч ой мактабда турди. Уришмай деса, ичи ёнади. Охири бошига тушган бу фожеанинг асосий сабабчиси деб Бекдавлатни билди-ю, улуғ бир кашфиёт очгандек бўлди: ахир, ўша-да, гапни кўзгаган! Ўша-да, конференцияда ҳалигидай деган. Ана шунинг учун бошқа ўқитувчилар ҳам унинг гапини такрорлашди! У бўлмаганда...

Бу нарса унинг кўнглида қолди. ...Қолган эдики, Қаландаровдан номини эшитибоқ сирли ваҳимага-ҳаяжонга тушди: наздида у тағин бир ёмонлик қиладигандек.

— Ҳа-е, бир кўрасиз-да, — деди Қаландаров дудмал қилиб. — Э, Жовлибой, учрашиб турайлик мундай, ўтар дунёда... — Трубкани жойига қўймоқчи бўлди-ю, тағин бояги пул масаласи ёдига тушмасин учун, тушган бўлса кўтарилсин деб: — Сиз бизнинг ҳалиги катаканизмиз учун хижолат чекманг, ука, — деди. — Новосибирга борипти-ку! Тинч жой.

Қаландаровнинг районда «отнинг қашқаси» бўлган шўх ўғли ҳарбийга кетган, ота уни қолдиришни Жовли Пардаевдан сўраган, уч юз сўм бериб, «Ваянкамат билан яқинлигингиз бор, комиссар билан ўтиришга тўғри келар. Чиқимдор бўлманг» деган, Жовли Пардаев қўллари қалтираганча пулни олган, «Хўп-хўп, ҳаракат қиламан» деган, бироқ район ҳарбий комиссари Садриддин Сирожов билан анча эркин муомила қилса-да, бу борада гап очишни ўйлаши ҳамона қизариб кетган, шу бўйи пул унинг ёнида қолган, бола бошқа айрим кишиларнинг ҳам далолатига қарамай ҳарбийга жўнатилган эди.

Шундан кейин Жовли Пардаев Қаландаровдан анча қочиб юриб, дуч келганда: «Ака, ўзингиз биласиз. Доно одамсиз. Шунақа бўп қолди, — деб чайналган. Кейин давомини дангал тўқиб юборган эди: — Сирожов гапимни эшитиб, тупуриб юборишига оз қолди, ака! У жуда қаттиққўл одам экан! О, ўзи сақласин ундан... Ўрнига сиз борасизми, сизни юборайми, а, деб дўқ қилди. Ёмон кўрқиб кетдим... Шу. Пулингизни бераман».

Кузатганимиз: бундай одамлар бир тийинга зор бўлса ҳам ҳеч нарса кўрмагандек юраверади-ю, кўлига пул тушса, кўзлари ўйнаб кетади — бағрига босади...

— Хўп, ака, текшираман. Мен уни қўймайман! — деди Пардаев.

Иккиси бир вақтда трубкаларни жой-жойига қўйишди. Қаландаров тарозибон хонасидан чиқиб, Беғамбойни қўли билан имлади-да, омбор томон кетди. Тоққа қараб, чуқур-чуқур нафас оларкан: «Ҳе, бир Илонқочтига

бораман... — деб ўйлади ва ёдига Ашур Яшаров тушиб: — А-а, униям опкетаман. Шунда зарил бўлса, суриштираман бу болани...» деди.

VII

«Москвич» Денов аканинг шийпонига борганида «Водовоз» четда турар, Уроқ ҳовуз бўйида Тўхтамиш чол билан гаплашиб-чўнқайиб ўтирарди.

— У-ў! — деб кўзгалди. — Бўримми, тулки?

Метин унинг гапига атай парво қилмай, отага уқтирди:

— Мен Туркманни опкеламан, ота. Сизлар чигит димлайдиган ўраларингни тозалаб турунглар. Денов ака ҳозир келади... Бек ака, хўш-да!

— Яхши. Мен шу ерда... Энди шу ердаман! — деб кулди Бекдавлат.

— Ҳой, нимага биз билан сўрашмайсиз, аграном? — Уроқ солланиб «Москвич» томонга кела бошлаган эди, Метин:

— Вақтим йўқ «г.воз»чилар билан сўрашгани! — деди-да, кула-кула машинани тислантириб чиқаркан, отага бақирди: — Денов акага айтинг, куёвини опкесин. Аҳмадни! Йўғасам, теплицасини буздирар экан денг... Башанов келса, «Тағин битта трактир керак экан», денг!

Тўхтамиш чол бош ирғай-ирғай, Бекдавлатга қаради.

— Нима гап, улим?

— Бригадангиз тикланди, — деди Бекдавлат. — Каминаям энди ўзларининг ёнларида туриб ишлайди... Уроқ, маъқулми? — Шунда ҳозирроқ ечиниб, коржомасини кийиб олишни ўйлади.

— Эшим айтди... Қалай, «бизнес» билан танишдингми?

— А-а, қизиқ одам у!

— Мен ул-бул опкеган эдим.

— Шошма. Мен ечиниб чиқай... — шундай деб, бу шийпонга ҳуқуқи борми-йўқми экани хаёлига келар-келмас, ётоқ жой — ўзига бошпана муаммоси оғир юкдаин борлигини босди-ю, шу оннинг ўзида Ашурнинг каттакон дарвозаси, тошкентликларникига ўхшаш иморати, ишкоми кўз ўнгига келди. Паришон тортиб, ўша дарвоза ичкараси қандоқлиги, чамаси, хоналар кўп эканини ўзича тусмоллашни истади-ю, бирданига... анави каналнинг у бетидаги — Чопартепа орқасидаги ҳовли-вайрона эсига тушди. Кўнгли синиқиб, агар ўша ҳовли бузилмаганда, албатта, у ерда туришига шубҳа бўлмайдигандек баттар гангиб орқасига қаради-ю, Тўхтамиш ота билан Уроқни нимагадир куттириб қўйганидан шошиб уларга савол назари билан боқди.

— Ҳа? Ечинсанг ечин. Шунча олипта бўлиб юрганинг етар.

Уроқ шундай дегач, ўз гапидан ўзи ҳайрон қолди: Бекдавлатни мана саккиз-ўн йилдирки бошқа-одми коржомда кўрмаган эди. Ғалати бўлиб:

— Эй, чини билан механизатормисан энди? — деди.

Тўхтамиш ота ҳам Бекдавлатга қизиқиш-ла қараб турарди. Лекин ичида шошяпти: ҳали булар келишини ўйлаб дамлаган чойи совуб қолган бўлса керак.

— Э! — Бекдавлат кулиб юборди. — Ишонмайсанми? Ота, шийпонда ечиниб келсам, майлими?

— Энди ўзингиздиям шийпон-да, — деди чол жилмайиб. — Хоҳласангиз, шу ерда гангир-гунгир қилиб жотаберамиз.

Бекдавлат кўзини ялт-юлт қилиб:

— Э, бу жуда зўр таклиф бўлди-ку! — деди Уроққа. — А, мана тайёр уй...

— Эса-чи, — деди чол. — Караватам бор.

Уроқ иккиланиб турар, чехрасида Бекдавлатга нисбатан қандайдир ачиниш зоҳир бўлган эди.

— Рост, — деди негадир ўзидан ўзи ғаша келиб. — Бўри ейдими сени! Даланинг боши! — Кейин илжайди. — Узинг яхши кўрадиган жой. Тушингга Қозоқ чол кириб чиқади.

— Бўлди, — Бекдавлат чарм жилдини кўтарди. — Ота, хонани ўзингиз бир кўрсатинг! — У чол билан ёнма-ён илдамлаб бораркан, оқ-пушти гулга бурканган ўриққа қараб ва ғув-ғув нағмалар қулоғига чалиниб, бирдан бахри-дили очилиб кетди. Этакдаги собиқ Қуралай даштига энди бошқача, янада меҳрли кўз билан қаради. Сувоғи кўчиб, сомони чиқиб қолган хирмонга ҳам кўз

ташлаб олиб, қандайдир шишиниб, ғайрати тошиб кетди. Шу ерда... даланинг бошида яшайди. «Э, ишлаганга яраша, шундай жойда яшаб ишласанг-да!»

Чолга эргашиб айвонга кўтариларкан, назарида, Чопартепага қадами етмаёқ шу ерда — шу кулбада яшашга аҳд қилиб қўйгандек эди. Ичкарига киришди. Турфа шароитларда — вагон-уйлару қўлбола қапа, палаткаларда яшаб ўрганган йигит бу хонада, кўзни қамаштирадиган бирон-бир жиҳоз бўлишини эмас, унинг шунчаки ётиб-туришга нечоғлик қулай эканини билиш нуктаи назаридан қарар эди.

Хона салқин, зах. Деворлар қумсувоқ қилинмаган, лойсувоқдан кейин оқланган, оҳак остидан нотекис жойлар яққол кўриниб турардики, бу ҳам йигитга фавқулудда ёқиб кетди: у сезмасдики, анави вайрона-ҳовлининг хоналари ҳам шу тахлит оқланган эди. Унг томонда — бурчакда ёлғиз, очилмайдиган дераза остидаги эски, кенг столни кўриб: «Ҳа-а!» деди худди кўпдан бери қиладиган ишига имкон энди туғилгандек. Жилдни стол устига қўйди-ю, шу заҳоти олиб, нарига ўтди: ёлғиз курсига қўяркан, стол ости қат-қат газетага тўла эканини, айримларининг чет-чети сарғайиб қолганини кўрди.

— Газета-журнал оласизлар-а?

— Ҳа. Кеп туради. Лекин уч ойдан бери узилди. Бултур Деновбой ёзилмаган экан.

Бекдавлат ўзини ишга, қандайдир ишларга шай сезар ва тинимсиз гапиргиси, ҳар нарсага қандайдир муносабат билдиргиси келарди.

— Ҳа, у киши кетишни ўйлаб ёздирмаган-да, — деди билагонча оҳангда. — Аммо бу газеталарниям ўқиш мумкин... — «Ҳа, пудратга бағишланган мақолалар бўлиши керак», деб ўйлади ва Қаландаровнинг омборда ўқиб ўтирган газетасига ишора қилганини ёдига олиб, ўша газетадан топишни дилига тугди.

Шунда тўрдаги бурчакка — қозикча илиғлик узун сариқ пўстин билан ирғай соппи қамчинни кўрди:

— Ота, — дея уларнинг қошига борди.

— Ҳа, танидингиз-а? — деди Тўхатамиш чол ҳавас билан жилмайиб. — Уша кунлардан қолгани шулар.

— Да-а, бу яхши одат! — Бекдавлат ўзи ҳам айрим қурилишлардан ҳечқурса биронта суратни эсдаликка олиб юришни эслаган ҳолда, қамчин сопини ушлаб кўрди. — А-а, бу кўп ишларга гувоҳ! Э, қамчи, қамчи! — Сўнг кулиб юборди. — Шунга қараб монолог айтиш мумкин, ота. Чехов... Чехов деган ёзувчининг қайсидир пьесасида бир қаҳрамон шкафга қараб сўзлайди... Ҳа-а. Бу пўстин ҳам — эсдалик. Яхши, ота! Дидингиз яхши.

— Мана бу каравотда ётсангизам бўлади, — Қария тахта сўричани босиб босиб кўрсатди.

— Э, йўқ. Бунда сиз ётасиз. Мен раскладушка топаман.

— Ҳалиги, йиғма каравотни айтасизми? Ундан бор. Гаражда жотипти, биртаси. Маматбой тайлаб кетиб эди.

Бекдавлат унга кескин бурилди.

— Қанақа Мамат?

— Мамат қора-да. Э, уни билмайдиган одам жўқ.

Бекдавлат чолдан кўз узмай турарди.

— Қаерда у?

— Шу сапхўзда. Уям бригадир. Э, бултур планини ошириб жубарди. Пахтаниям зўр терди-ю, ипак пахта — ипак пахта-да.

Бекдавлат бир он иккиланишда қолди: Мамат қора ҳақида яна сўрасинми? Ёки «ипак пахта — ипак пахта-да», деди чол. Мамат «зўр терган» бўлса-ю, яна... Бекдавлат пахта теримига чиқиб юрган вақтларда ингичка толали нав ҳозирги-чалик кенг ёйилмаган эди. Тўғри, ундан ҳам теришган, тоза қийналиб теришган: чаноғи кичкина ҳамда чаноқнинг учидаги илгаклари нақ қармоқнинг ўзи; бармоғингга қадалса, юлиб олади. Бироқ... Мамат қора қўлда термагандир-ку? Ногоҳ Қаландаров билан Метиннинг пахта навлари ҳақидаги гапларини эслаб қолиб:

— Кечирасиз, ота, ипак пахтани машинада териш ҳам шунчалик қийинми? — сўради Бекдавлат.

— У-ў! Бурунлар жипак пахтани мошинада териб бўлмайди деб

ҳисоблагич эди, — деди чол. — Термиз томонда бир колхоз раиси... Тўраев дермидилар-ов, ўлиб кетди... Шу одам машинада теришни бошлаб берган экан. Э, унгаям ишонмаган одамлар кўп бўлган. Ташкандан бир-икки олим келибам колхозида ётиб олган. Ишанмаган. Кузатган... Ана шундан кейин уни мошинада териш расм бўлиб кетди. Э, ҳалиям терганингиз ўнмайди, улим!

— А?

— Чанағи кичкина. Тарози босмайди... Маматбой ҳам шундан паст кетди-да. Бўлмасам тоза зўр бериб терган экан. Одамлар айтади-да. Кечалариям терган экан.

— Хўш?

— Кам терган-да. Оқ пахтадан терган механизаторлар сезонда икки юз-уч юз тонна берган бўлса, у бечора эллик тонна терган. Меҳнатни улардан кўп қилган бўлса — қилган, оз эмас. Лекин улоқни улар опкетишди.

— Энди тушундим.

— Шундан Мамат хапа бўлиб, Башановни бир урмоқчиам бўлди, чоғимда.

— Нимага?

— Э, ким билади дейсиз. Башанов унга бирон нарса ваъда қилгандирда бошда... Шу ўтган кузда бир-икки кун шу ерга келиб жотди. Маматти айтаяппан. Милтиги билан. Қизилга тушиб, чил овлади бир-икки кун. Шунда ҳалиги йўғма каравотдан бировини опкелган эди. Жотипти гаражда...

— Ҳа-а, жуда соз! — Бекдавлат ҳеч қачон овга қизиқмаган, бироқ Қизилнинг жарларида чил-какликдан кичик, бироқ эркаги ундан фарқ қилмайдиган ва чулдираб сайрайдиган камёб қушнинг борлиги ва унинг тилга олинганидан бир карра хурсанд бўлса, Маматнинг шу ердалигидан икки карра хурсанд бўлиб кетди. — Жуда соз! — деб бурилди-ю, айвонда турган Уроққа қараб яна кулди. — Биз шу ерда ётамыз энди!

Уроқ ҳам бир буханка ноннинг мағзини олиб, ичига кабоб солиб келган экан. Қўлбола стол ёнига ўтириб, бир-бир жаздан олишгач, Бекдавлат тагин кўлиб юборди.

— Эй, мен шу ерга келгандан бери эсарроқ бўп қолаяпман, ўртоқлар! — Сўнг шитоб билан туриб хонага кирди-да, кийим-бошини ечди. Жилддан ғижим бўлган коржомасини олиб, наридан-бери текислаган бўлиб кийди-да, ўзини қушдек енгил ҳис қилиб, илжайиб чиқди.

— Қалай?

— Тус миханизатор бўлдингиз, — деди чол. — Бу... ўша кийимингиз эмасми?

— Йўқ, — деди Бекдавлат ҳамон хурсанд ҳолда. — У, сиз кўрган титилиб кетди. Буни бултур олганман... — Тагин кула-кула скамейкага ўтирди. — Битта кийимни яхши кўрсам устимдан ташламайман-а, жура! — деди Уроққа. — Хотинимниям ғаши келиб кетарди. Мен бўлсам, устимдан ташламас эдим.

— Аслида-ку миханизаторларга сапхўзнинг ўзи форма бериши керак, — деди чол. — Кирза этикдан тортиб...

Бекдавлат бирдан чимирилди.

— Ўзлари талаб қилишмасдир-да?

— Э, олгани билан киймадиям баъзиси, — деди Уроқ. — Ҳали Метин Туркман деган йигитти айтди. Зўр сувчи, а, ота? Зўр йигит... Кеч кузлардаям, далага яхоб суви бераётганидаям яланг оёқ юрганини кўрганман.

— Жони қаттиқ, — деб қўйди чол.

Бекдавлатга бу гап ҳам жуда завқли туюлди.

— Яхши! — деди. — Ота, бизда туркманлар кўп-а?

— Термизнинг учдан бири туркман-ку, — деди Уроқ. — Паттақесар, бу ёғи Чоршангигача. Лекин мард йигитлар келади — улар. Гал дедими — гал.

— А-а, — Бекдавлат хаёлланиб, далага боқди. Қаердадир ўқигани туркманларни юнон тарихчилари «трухменлар» деб атагани, уларнинг ғоят жанговор бўлганлари, бошларининг узунчоқ экани... ёдига тушди.

— Учқизил томонда авғонларам бор, — деди чол. — Қорадан келади, тили тожикларди тилига ўхшайди.

— А-а, — Бекдавлат қанд шимиётган боладек тамшаниб қўйди. — Кабобдан олинглар.

— Эса сизлар таомга қарай беринглар, — деб қўзғалди Тўхтамиш ота. — Мен анави ўраларди тозалаб қўяй.

— Э, бирга тозалаймиз!

— Ҳей, мундай ўтир! — деди Уроқ жаҳл билан. — Нимага мунча чўпчийсан?¹ Керак бўлса, бирга қилармиз. Мундай... Мен соғиндим ахир! Ҳей, ишсиз қолиб, қўли қичиб кетаётгандай! Ҳали ишлайсанам, жонинггаям тегади. Бу ерларнинг пашшаси чаққанда, мол бўкириб юборади!

— Э-ҳа, — деди Бекдавлат. — Айниқса кечки пайтлар. Лекин ўшанда ариқдан чиқарди-я?

— Хў-ўп, демак, шу ерда яшайсан?

— Ҳа, жўра.

— Балки бизнинг уй қулайдир?

— Э, йўқ. Раҳмат... Укол қилдингми?

— Ҳа. Бўлмаса бирон тўшак опкеб берай.

— Э-э!..

— Овора бўлиб нима қиласан, де?

— Ҳа...

Уроқ, сирасини айтганда, Бекдавлатни ҳеч қачон бундай ҳолда-вазиятда кўрмагани — бир сари, унинг бутун туриш-турмушидан аллақандай бир ҳаяжон, паришонлик, ҳатто ваҳимага ўшаб кетадиган бир ёқимсиз кайфиятни сезиб турардики, бунинг сабабини билмасди: Бекдавлат, унинг наздида, худди бир ёққа жуда-жуда шошиляпти-ю, бу ерда муваққат тўхтаб, сирини айтмай, майнавозчилик қилаётгандек. Чиндан ҳам Бекдавлатнинг ички оламини озми-кўпми ҳис қилиб турган ва унинг бу томонга гангиб келиб қолиши сабабларидан боҳабар бўлган киши Уроқнинг тусмолига тан бермай қолмас.

— Нима... — деди Уроқ. — Бу... хотининг тинчми?

— Тинч.

— Ҳим, бу ерда бутунлай қоладиган бўлсанг... уф, гапларинг тўмтоқ-да, жўра.

Бекдавлат тикилиб турди-да, кафтларини очиб, уни ўзидан нари итаргандай бўлди.

— Бас, жўра. У тўғрида... сўрама!

Уроқ бошини эгиб жим қолди. Бекдавлат унга қараб туриб бирдан ёмон таъсирланиб кетди: ахир шу йигит... шу садоқатли дўст, дўст кўнгли деб оёғини арига чақтирган; жўрачиликка не бир ихлос, фанатикларга хос «кўр-кўрона» ишонч билан қарайдиган шу йигит Бекдавлат мактабдан кетгандан кейин... нима қилганди?

У ҳам мактабни ташлаганди. Шунга биров ишонадими? Уроқ... Унинг бунчалик тажанг бўлиб сўрашида жон бор: бунга йигитнинг юз фойиз ҳаққи бор. Бироқ Бекдавлат унга ўз аҳволини қандай тушунтирсин? Ўзи ҳам қандайдир нозик, ҳатто шубҳали бир аросатда-ку?!

— Уроқжон, — деди бирдан. — Мен сени яхши кўраман... Сенам мени яхши кўрасан... Яхши кўрсанг, кўп суриштирмай тур. Хўпми? Ўзим ҳам сал...

— Бўпти, — деди Уроқ. — Мен кетдим. Кўрпа-тўшак опкеламан. Яна нима керак?.. Тўхта, Ашурникига бормайсан-а?

Бекдавлат қисиниб елкасини қисди.

— Йўқ. Унинг оиласи бор. Кейин, йўл узок. — Бирдан жонланиб кетди. — Энди, ишлагандан кейин даланинг бошида бўл-да! Шийпон — деҳқоннинг иккинчи уйи, деган гап бор.

— Оқшом бирон нарса ерсан?

— Энди...

Уроқ айвондан тушди.

— Отабой, хўш бўлмасам! Бизнинг ошнани ишлатинг. Тоза ишга чанқов бўп кетди... Сариосиёдаям ишлатгансиз-ку?

— Ҳе, у даврлар ўтди. Бироқ бобонгиз шундай кўрингани билан ҳали сизлардай бир жигит билан курашга тушгудек ғайрати бор, — деди чол.

— Кураш дедингизми? Сиз билан охири бир олишмасам, мана! — У иягини соқол бордек тутамлаб қўйди.

¹ Сапчийсан (шева).

Уроқ «Водовоз»ни буриб йўлга чиқиши замон Бекдавлат қайтиб, чолнинг ёнига келди. Чол ярим газ чуқурликдан шоҳ-шабба олар, улар тагида кул, кўмир кўринар ва аллақандай дори ҳиди анқирди. Бекдавлат энгашиб ўрага тикилди.

— Шунга чигит димланадими? — деди. Кейин ҳушёр тортиб, шудгорга қаради. — Ер нам эмасми?

— Эртагача оби-тобига кеп қолади, — деди чол. — Эса гаражга бор. Бурчакда бир-иккита курак жотипти. Опке... — Сўнг илжайди. — Энди иш буюра берамиз-да?

— Э, ана шундай бўлсин-да!

Бекдавлат илдамлаб гаражга етди. Тўкиб қўйилган, Орол тузига ўхшаш шовдираб турган селитра ёнидан унга қарай-қарай ўтиб, мой тўкиғлик ерни четлаб бурчакка етганда, ўнг томонда дўмбоққина бўлиб турган «Саратов» холодильнигининг бир маромда ғувиллаётганини эшитди. Қандайдир хурсанд бўлиб эшигини очди: анча нарса бор: бир сонча гўшт, бир ҳовуч помидор қоқи, нишлай бошлаган пиёз, бир косада тўғнаб қолган мой. «Дуруст-ку?» ўйлади Бекдавлат ва тўрда ётқизиб қўйилган бел билан куракни олди. Тагида каламуш бор экан, қочиб қолди. Бекдавлат гараждан чиқиб:

— Зўрсиз-ку, ота? — деди. — Холодильник ҳам бор... Фақат ҳалигидан етмас экан!

— Э, у билан ишимиз жўқ, — деди қария. — У даврлар қоп кетди, улим.

— Бекор гап. Ҳалигина айтдингиз-ку, кураш тушишга ярайман деб.

— Э, болам-е, шу исқотидан вақтида камроқ жутганимизда шу паллалар кураш тушиш ҳам гапми, Уроқбойларди бир ушлашишда урар эдим. Рост. Кўп қувватли жигит эдим. — Ўрнидан туриб кулимсиради. — Бизнинг отамизам кўп полвон одам ўтган экан. Энамиз айтгич эди: отамизни тажикнинг бир полвони бир тўйда урган экан. Отамиз шунда ёш, уйга хапа бўп кепти. Момамиз хўп сўрапти. Билгач: «Қани, менинг улимди ургич полвоннинг энаси қандай аял экан? Бир кўрай», деб шу полвоннинг қишлоғига борипти. Суриштириб, унинг уйини топипти. Қараса, полвоннинг энаси бир кампир экан — эшиқдан зўрға тошиб чиқипти. Момамиз у билан салом-алик қипти-да, индамай изига қайтипти. «Ҳа, энаси шундай бўлгач, боласининг улимди урганига ишандим», деган экан.

— Ота, сиз асли... бу ерлик эмасми?

— Э, бу жерда ўзи тубжой одам жўқ. Биз асли Хомконданмиз, улим. Қариндошлар ҳам кўп эди. Бировлари Шерободда деб эшитаман. Бойсин томондаям кўп. Биз энди нон-насиба тортиб, шу жерга кеп қолганмиз. Кимянинг энасини Термиздан опқочиб кеб эдим. Уйинчи эди.

Бекдавлат кулиб, тоғаси Яшар полвоннинг ҳам Кўксудан раққосага эргашиб келиб қолганини эслади.

— Ҳа-а. Чиройли бўлган бўлишлари керак?

— Чиройли бўлмаса, ҳалак бўп журармидик... Шуйтиб, қоп кетдик-да-е. Сариясиада ўша ишлар бўлмаганда, ким билади, бу жерга келишим гумон эдим...

— А-а... Яхши! — Бекдавлат ғалати бир нарсаи кашф этгандек бўлди: ўзи, бу тупроқда муқим қолиб ишлаган одам оз экан. Мана, район халқи ҳам қаёқлардандир келиб қолган. Ё ўзи расми шундай бўладими? Шаҳар дегани-ку одамни ўзига тўплайди...

Бу мулоҳаза билан ўзининг аллақандай «қусри»ни оқламоқчи эди, миясига бошқа аён фикрлар келди: йўқ, тубжой одамлар кўп. Асл тошкентликларнинг авлоду аждодлари ўша ерда яшаб келган. Ёки бўлмасам бошқа шаҳарлар... Бухоро, Шаҳрисабз. Ана Бойсун одамлариям бир алоҳида одамларга ўхшайди...

Ураларни тозалаб бўлишганда Денов ака тракторини гуриллатиб, юк ортилган тележкасини шарақ-шуруқ қилиб келиб қолди. Булар хурсанд бўлиб унга пешвоз чиқишди.

— Айтмаб эдимми ҳеч қаяққа кетмайсиз деб, Деновбой? — деди чол.

— Ҳа, айтганингиз келди, — дея кабинадан тушди Денов ака. — Бекжон, ҳаммаси яхши бўлди-ю, оқ пахталиги бўлмади-да, ука... — Кейин инжиқланиб

чолга зарда қилди. — Ота, айтганим келади, ниятим холис деб, бултирги ишларни такрорламанг.

— Бултур... нима гуноҳ қиппиз?

— Яхши биласиз. Ўша нашаван, лаққи ошнангизнинг номини эшитишга тоқатим йўқ. Бултур икки марта қарилар чойхонасининг олдида тутиб: «Чигитингга дам солиб бериб эдим,» — деб мақтанди. Охири: «Ана, дам солганингиз учун ҳаммаси расво бўлди», дедим... Тавба, ўзингиз вақтида колхоз раиси бўлгансиз. Коммунист бўлгансиз. Энди бу бемаъни ирим-чиримларга ишониб юрганингизга ҳайрон қоламан... Гап тамом. Чой-пой борми?.. Метин қаёққа кетди, Бекжон?

— У киши... қандайдир Туркман деган кишини опкеламан деятувди. Айтмоқчи, сиз куёвингизни қақирар экансиз. Шундайми, ота?

Чолнинг юзи аянчли тиришиб, ерга боқиб деди:

— Рост.

Денов ака бир он ўйланиб қолди-да:

— Тушундим, — деди. — Бўлмаса сизлар қопларни туширинглар. Бекжон, ёмон чарчадим. Қаландаров қурмағур бошда Беғамбойни чақириб, кўмаклаш, деди-ю, кейин қандайдир ишга юборди. Бир ўзим юкладим. У кулиб қараб ўтирди.

Бекдавдат унинг «қараб ўтиргани»дан нафратланишга улгурмай ич-ичидан уялиб кетди.

— Мен билмапман, Денов ака. Йўғасам ўша ерда қолар эдим. Ҳеч ўйламапман.

— Э, ҳечқиси йўқ, ука, — у кулимсиради. — Кийимларни алмаштириб опсиз?

— Ҳа, энди...

Прицепдан қопларни тушириб, бир қисм чигитни ўраларга тўкиб, сўнг эллик-олтмиш челақдан сув сепиб, аралаштириб, устларини эски намаат, шолча билан ёпиб ташлагунча кун ботиб кетди. Шийпон пештоқидаги чироқ ёруғида Ўроқ олиб келган кадобнинг қолганини еб, чой ичиб ўтиришаркан, Бекдавлат жуда хурсанд эди: у ҳар қалай толиққан, иш қилгани... янги ерда илк марта оз бўлсада тер тўкканидан хурсанд, бўлажак пахтага улуши қўшилганидан хурсанд, буларнинг олдида қандайдир даражада юзи ёруғлигидан хурсанд. Ҳамон димоғида чигитнинг... ўрага тўкилган чигитнинг доғланмаган ёғ ҳидига ўхшаш исини туйиб турар, ҳамон уни тўкиб, курак билан аралаштираётган чоғларида дафъатан ёдига тушиб кетган, мутлақо унутилмас бўлиб қолган олис-ажиб-тансиқ бир хотиранинг жунбуш қилган кучи аъзойи баданига ҳордиқ-роҳат каби ёйилар, уни тотли-хотиржам бир оҳангда юзага чиқишини истарди. Гап шундаки, у Давлварзинтепада — археологларга қарашиб юрган чоғида... (Йўқ-йўқ, ҳадемай ўзининг оғзидан чиқади: ҳикоя қилиб беради. Бунга қулай пайтни кутаяпти-ку илжайиб!)

Денов аканинг ҳам бу орада асаби босилган, оқ пахта чигитидан экишларига кўниккан, бироқ тез-тез соатиға қараб кўяр, на Метиннинг, на Эшим Қўшоқовнинг, қолаверса, Ҳикмат Башановнинг келмаётганидан сал-пал диққати ошиб қолар, туриб-туриб, бу йил ҳам ишлари кўнгилдагидек чиқмаса, райондан «чиқиб кетиш»дан бошқа чораси қолмайдигандек синиқ жилмайиб гапирар, Мурод Тангриқуловнинг олдида уятли бўлиб қолишдан сўзлар ва Фаттоҳ Зокировнинг номини ҳар тилга олганда бошини сарак-сарак қилар ва тағин на Метин Абдурахмоновнинг, на Эшим Қўшоқовнинг, на-да Ҳикмат Башановнинг келмаётганидан хавотирланар эди.

— Шартномани шу кеча тузмасак бўлмайди. Шу кеча... — Охири ўрнидан ирғиб турди. — Мен куёвимни айтиб кўяй, ота. Тағин саҳарлаб бирон ёққа жўнаб қолмасин... Уф! Башановга нима бўлди энди? Ахир, битта трактир билан неча гектарни экамиз? У-ку, аслида, бизга дўст эмас-а!

— Э, кеп қолишар-е, Деновбой, — деди Тўхтамиш ота. — А, ўзингиз туза берсангиз-чи, шартномани?

— Мен? Йўқ, мен бунинг масъулиятини бўйнимга ололмайман! Ўзлари бизни оталиғимизда дейишди. Ўзлари бош бўлишлари керак. Агар шу кеча келишмаса, эртага экишням тўхтатиб тураман.

— Эрта чошгоҳларгача ер об-тобига келмас-ов. Тумандан олдин тушган

ёмғир ерни жида захлатиб жиборган экан. Ҳали ораласам, бир-икки жойига этигим ботиб кетди.

Денов ака тағин соатига қараб олди-да, тракторининг прицедини ажратиб, тислантирди-да, тез ҳайдаб чиқиб кетди. Унинг ортиқча ташвиш тортишлари Бекдавлатга неғадир маъносиз туюлса-да, бу гаплар-ташвишлардан чиндан-да ишнинг ичида эканини ҳис этиб анчайин қаноатланар, назарида, улар келиб қолишса, тағин қандайдир юмушлар чиқади-ю, шошилинч бажаришга ўзини таппа-тахт сезарди.

— Ота, радионгиз йўқми?

— Бор-у, овози паст.

— Майли. Керак эмас.

— Эса мен ҳалиги йиғма каравотни опкелай.

— Қаерда?

— Сен чойди ичгин... Бекбой, шу кабоб билан қорнинг тўйдими, улим? Гўшт қовурайми?

— Йўқ-йўқ, отабой. Раҳмат. — Шундай деб, ичида ўйлади: «Эрта гўшт-пўшт опкеб қўйиш керак...»

Чол гаражга кетгач, Бекдавлат пиёлада қолган чойни ичди-да, сигарета тутатиб ўрнидан сапчиб турганди, аъзойи-баданида ширин бир толиқишни туйди. Бундан хиёл ҳайрон бўлди-ю, кеча поезда дуруст ухламагани, умуман, олис йўл чарчатганини ўйлади. Шунга қарамасдан, илжайганча айвондан тушиб, беихтиёр ўрик остига борди. Арилар нағмасини эшитадигандек, оқариб турган шохларга боқди ва шундай чуқур нафас олдики, бу гуллар тўпидан таралаётган бутун нозик атирлар ўпкасига шундай киргандек бўлди. Кейин унинг хушбўйлигини қаттиқ ҳис этиб, шу ерда — районда, қаерлардадир, қачонлардир ўрик ва олмалар гуллаган чоғларда — боғларда кезганини ғира-шира эслади. Эслабоқ, бирданига бугун Ашурнинг уйига бораётганида, бедапояда кўргани ўрик кўз олдига келди. Беҳол тортди. «Ашурникига бормадим...» деди-да, ўзини ноқулай сезди ва иттифоқо унинг уйига жўнайдигандек кайфиятда ҳовуз томонга қаради.

Ажаб! Энди шу ҳовузнинг ўрнида... қачонлардир бир кичкина, ҳамиша итбалиқларга тўла бўладиган кўлча бўлишини, моллар тиззаларигача ичкарига кириб сув ичишини эслаб қолди. Шунга баробар, худди Қозоқ чол кулба биқинида дўмбирасини чертиб ўтиргандек, уёққа кўз ташлаб олди. Ундан кейин анави — каналнинг у томонидаги Чопартепа, ҳовлилари ёдига тушди.

Ҳовуз томонга йўналди. Шунда у бирданига ҳовузчада бири қўйиб, бири «олаётган» бир жуфт қурбақанинг товушини эшитиб, ўта қизиқиш билан қулоқ солди. Секин бораркан, энди уларнинг товушини бир-биридан ажрата бошлади: бири муттасил қуриллар ва ўқтин-ўқтинда дам оларди; худди эриниб, зерикшидан қуриллаётгандек. Иккинчиси бамисоли «тойчоқ»дек. Йўқ, оғзига сув олиб, томоғида ғарғара қилаётгандек. «Кўрйпанми, бу менман. Овозимни эшитиб қўй!» деяётгандек. «Ошиқ-маъшукларми?» деб ўйлади Бекдавлат зимдан қувониб ва тағин бир неча қадам босмасдан ҳозир кўкламнинг айна гуркираган чоғи экани, барча жонли жониворлар, парранда, дарранда — бутун маҳлуқотнинг жуфт-жуфт бўлгани — ғоят табиий ва қонуний бир гўзал паллани бошдан кечираётганликларини ўйлади.

Бекдавлат беихтиёр хўрсиниб, — у ҳам шу маҳлуқотнинг бири-да, — кўнглига ёқимли бир мунглар чўкиб, ихтиёрсиз бир тарзда Ҳабибани эслашга мойил бўлаётганини туйди-ю, ҳовуз бўйида таққа тўхтади: бир эсласа-чи?.. У паришонқол тураркан, неғадир кўз олдига келмаётгани, ҳатто бунга интилиш ўзининг қандайдир эътиқодларига номувофиқ эканини ҳис этди. Сўнг ҳаво етишмаётгандек чуқур нафас олиб, қаршисида қорайиб турган Чопартепага қаради-ю, синиқ кулиб: «Бахт уйи тушади-я. Зағс-да», деди ичида. Кейин қандайдир ҳашаматли, атрофи ойнабанд иморат хаёлида жамол кўрсатгани қўйи орқасига ўйрилди.

Чол ўрик остига йиғма каравотни ёзиб, устига тап-тап урар эди.

— Э, отабой-е, раҳмат-э!

— Уроқбой ҳам ваъда қилиб, кемай, кетди, — деди чол.

— У келади! — деди Бекдавлат.

— Ҳм... Бизга энди нима иш беришар экан?

— Ота, пудратга ўтган одамларнинг бариси бир-бирига тенг ҳисобланади. — деди Бекдавлат. — Бирининг ишини бири қип кетавериши мумкин.

— Уйда ётамиз... Ҳозир ташқарида ётиб бўлмайди.

— Менга барибир, — Бекдавлат шундай деб, ичкаридаги газеталарни кўриш, варақлашга бирдан жазм қилди-ю, тагин Ашур тоғаси ёдига тушиб, унинг уйига боришга қўли тегмаганини сира тан олмай, бунга ўзини яна айбдор деб билди-да, бирдан тек қотиб: «Энди кеч бўлди. Шу маҳал овқатланаётганим, — деб уйлади. — Тўхта, бордим-ку бугун? Йўқ экан. — Кейин Ашурнинг собит-хотиржам ўтириши, мисқоллаб тарозида тортилгандек қиладиган гап-сўзи ва мулоҳазаларини эслаб ва бундан юраги сал-пал сиқилган ҳолда: — Шу боришим учун ҳам дакки беради, — деди».

Унинг фикри туйқус узилди: магазинлар беркилгани, демак, қўли қуруқ ҳолда бормаслиги аён ҳақиқат бўлиб туюлди. Бироқ шунда унинг ўғлига олажак арзимас совғасига нисбатан минг чандон арзирли нарсаси — Белоруссияда — Яшар тоғасининг қабри тепасида тушган суратлари борлиги, агар Ашур — ўша боалигидаги Ашурдан тамоман ўзгача бўлмаса, демак, бу суратларни кўзига тўтиё қилишига амин бўлди. Ахир, у-да — отасининг Ватан урушига кетиб «йўқолгани» («бедарак йўқолгани») ҳақида гоҳо вазминлик — ёшига ярашмайдиган вазминлик билан, гоҳ алам-надомат билан гапириб, шу асно ўзини ўзгалардан, яъни, отаси урушга бормаган (аксарининг урушга борар ёшда бўлмагани) болалардан устун эканини не бир ички ғурур билан ҳаргиз эслатиб турарди. Бу ҳол ўша кезлар Бекдавлатнинг тилини икки ҳисса қисқ қилар, отаси у туғилган йили — 47-йил 19 ёшида Кўксувга бир сабаб билан «ём» бўлиб кетган, шўнга қарамасдан — айни чоғда, Яшар тоғаси урушда «йўқолгани» билан фахрланар ҳам эди-ю; тагин, Ашурга пастдан тепага боққандек қарар, табиий унинг тоғаси ўрнида тоға экани билан ифтихор қилар эди. Кейинчалик нима ҳам бўлди-ю, Ашур отасини кам эслайдиган, кам тилга оладиган бўлди. Умуман, у тўғрида гапиришини тарк этди.

Яшар тоғасини суриштириш Бекдавлатнинг ёдида йўқ эди. Тўғри, ҳарбийга борганида ҳам, Берлинда ҳам, кейин Ҳабиба билан Чехословакияга — сайёҳ бўлиб борган чоғларида — Прагадаги «Дўстлик қабристони» — совет солдатига ўрнатилган ҳайкал остида ҳам чуқур ғам билан эслаган, ҳатто ҳайкал ортида — кенг майдонда саф-саф бўлиб ётган қора мрамар тошлардаги битикларни ўқир экан тоғасининг исми-шарифи чиқиб қолишига ҳам негадир кўз тутган эди. Кейин... Ғалаба байрамларида тоғани эслар ва фашистларнинг тор-мор қилинишида у кишининг ҳам ҳиссаси борлигидан чуқур қаноатланар эди-ю, уни суриштириш, дарақлаш фикри калласига келмасди.

Бекдавлат уйчага қараб жилар экан, чолдан каравотни олиш учун яна изига қайтди-да, ҳеч кутилмаганда лол қолди: ахир, у Мажид Самадовнинг маслаҳати билан — тоғасининг қайси юртга, ҳарбий қисмга тушганини билиш учун худди шу ерга — Чопартепа район ҳарбий комиссариатига хат орқали мурожаат қилди-ку! Кейин буёқ билан ёзишма узилган эса-да, наҳот энди район ҳарбий комиссари, — ахир эндиги мурожаат СССР Мудофаа Министрлиги қошидаги Давлат архивида бўлишлиги тўғрисида маслаҳат ёзилган мактубнинг тагида ҳарбий комиссар полковник С. Сирожов деб ёзилган эди: ҳа, нақ комиссардан жавоб қайтган эди, — наҳот ўша одам райондаги ягона «Санъат билим юрти»нинг директори Ашур Яшаровни билмаса? Унга айтмаса?

Унга бир оғиз: «Яшаров деган кишини суриштиришди, Тошкентдан. Балки, у одам сизга... «Э, йўғ-э,— деди хўрсиниб Бекдавлат.— Унда Ашур дарҳол мендан суриштирган бўларди!..» Шунда тагин — Ашурнинг кейинги йилларда отасини эсламай қўйгани эсига туша бошлар экан, ич-ичидан яна ўкинди: «ўшанда хат ёзишим керак эди! Э, суюнчи олишим керак эди...»

Бекдавлат Минск ҳарбий комиссариатидан «тоғангиз Яшар Уринбоев Поляна қишлоғида, дўстлик мозорида ётибди. Келар бўлсангиз бизга телеграмма жўнатинг, сизни кутиб оламиз ва биргаликда қаҳрамонлар қабрини зиёрат қилгани борамиз!» деган хатни олганида карахт бўлиб ўтириб қолганди. Кейин сапчиб кетган эди: «Ашурга хабар беришим керак!» Кейин эса... уни овози қилмаслик учун ўзи Минскка боришга жазм этган, уёқдан қайтиб дарҳол Ашурга хат ёзиш, расм юборишга отланган, бироқ Ҳабиба... майин жилмайиб: «Ихтиёр ўзингизда-ю, ўрнингизда мен бўлсам, тоғангизга сюрприз қилардим.

Ахир, қишлоққа борасиз-ку? Мана тўртинчи йил бўлаяпти бормаганингизга...» дейиши билан бу мулоҳаза Бекдавлатга чандон ёқиб кетиб: «Э, уч-тўрт йил бормаган одам мундай янгилик билан борса, о, зур-ку?» деб ўйлаган, «қишлоққа бориш» эса, яна икки-уч ой чўзилган, табиий бу вақтда ўша дамдаги эҳтирос сўниб, оддий туйғуга айланиб қолган эди.

У Тўхтамиш чолнинг қўлидан каравотни олиб, уйга кирди. Ашур, тоғасининг қабри топилиши, Сирожов ва ҳозир қилажак иши хусусида бирон-бир тўхтама келолмай каравотни ёзаркан, бирдан кулиб юборди.

— Ота, ҳозир улар келишади-я?

— Кеп қолар. Кеча узоқ. Э, деҳқоннинг уйқуси бузилди энди, Бекбой.

— Ҳа-а...

Йиғма каравотни кираверишдаги деворнинг чап ёнига қўйишди. Чол Бекдавлатнинг қаршилигига қарамай битта кўрпачасини ёзиб ташлади, болиш ўрнига пўстинни қўйди. Бекдавлат дарҳол чўзилиб ётди-да, шифтга — текисланмаган хариларга боқиб, энди умри... бир муддатлик, балки анча муддатлик умри шу ерда кечиши, унинг бир қисми шу каравотда ўтишига иқрор бўлгани ҳолда, бундан ҳам қувониб, ҳамда... негадир йиғлагиси келиб, бошини пўстинга ишқади.

Пўстиндан кўтарилган ҳид уни чолга қаратди: ўша совуқ қиш кунларида Тўхтамиш раиснинг кўпинча шу энгилга ўраниб юриши кўз ўнгига келди. Шунга баробар унинг кайф қилган чоғларида Кимёни... эслаши ёдига тушди-ю, бугунги Кимё... идора тўрида ўтирган, қўйкўзлари тик боқувчан, жилмаювчан жувон хотирасида суратдек намоён бўлди. Худди Абдуқаюмнинг меҳмонхонасида, хонаки фотомонтаж қаршисида тургандек хаёлидаги суратга тикилди. Энди унинг шакли бирдан йўқолиб, гаплари... кескин-кескин, ҳокимона сўзлари қулоғига эшитила бошлади.

VIII

Бекдавлат кўзини очиб, тепасида ишшайиб турган қорамағиз, соқоли ўсиқ башарани кўрди. Шифтга — лампочкага кўз отди-ю, унинг ўрнида нурсиз пуфакни кўрди. Аммо уй ёруғ эди. Кейин бу ёруғлик сирли башаранинг ортидаги деразадан ва очиқ эшикдан кириб турганини англаб, тағин кимсага тикилди.

— Мамат?!

— Бир урайми? Жуда қулай ётибсиз-да!

Бекдавлат унинг гапини тушунмади. Бироқ алпанг-талпанг қўл узатди. Мамат эгилиб, унинг бўйнидан қучди. Бекдавлат унинг чаккаларидан ўпиб:

— Э, э! — деди-да, бирдан бурилиб, кўзғалмоқчи бўлди. Шунда, наздида, ечиниб ётган-у, уят бўлгандек ўзига боқди ва кеча ечинмасдан ўхлаб қолганини англади. Бундан-да мамнун ҳолда, аини чоғда юзини дарҳол ювишни ўйлаб, каравотдан тушди. Маматга қараб тағин: — Э! — деб кулди ва бирдан қўлларини бошида силкитиб: «Ҳозир! Ҳозир,» — дея ташқарига отилди. Отилибоқ худди пойабзали йўқдек оёғига қаради: туфлиниям ечмай ётган экан. Боз хурсанд бўлиб, айвонга чиқди.

Чиқди-ю ҳовуз томонроқда талай кишилар гаплашаётганини эшитиб, шийпоннинг ўнг томонидан бурилиб ўтди. Кеча тузук ювинишга улгурмагани осма душга бориб салафан пардани шарт очиб кирди. Челакнинг тагидаги мурватни бураб, бошини тутди. Ювиниб, кеча чигит димлангандан кейин бу ерга кирганида қолдиргани сочиқни миҳдан олиб чет-четига артинди. Кейин шу бўйи ҳовуз томонга боришни ўйлади-ю Маматни айвонда тусмоллаб, келган йўлидан қайтди.

Мамат қора чиндан ҳам айвонда — столга орқасини тираб, шудгорга боқиб турарди.

— Салом! — деди Бекдавлат. — Э, кел-е, ука. Тағин бир кўришайлик!

— Рост айтасиз-э, биздан нима кетди! — деди Мамат.

Улар яна қучоқлашиб, бир-бирини кўтаришиб ерга қўйишди. Сўнг Бекдавлат скамейкага илиниб ўтирди.

- У ёқда кимлар бор?
- Э! Гала бекорчи!

Бекдавлат кулимсираб унинг қўлидан тортди.

— Вой, Мамат, Мамат... Мен сени кеча кутгандим.

— Вақт бўлмади. Башанов кеч айтди. Тракторнинг ремонт талаб жойлари бор эди... — У бирдан бурилди. — Қани бир кўринг. — Юриб гапида давом этди: — Сиз бўлмаганда, Денов акага думимниям тутқизмас эдим. Булар техникага қарашни билмайди.

Бекдавлат унга эргашиб бораркан, чин кўнгилдан завқланар, бу йигитнинг ҳамма вақт яхшиликниям, ёмонликниям ажабтовур бир хотиржамлик билан қила олишига ўзича ҳайрон, ҳовуз бўйидагиларга қарар эди: Метин Башанов билан гаплашяпти. «Москвич» ҳам шу ерда. Кажавали мотоцикл ҳам пайдо бўлибди. Эшим Қўшоқов блокнотни тиззасига қўйиб, чўнқайганча ниманидир ёзаяпти. Тўхтамиш ота гараждан сим элак олиб чиқди.

Агар бегона киши Мамат билан Бекдавлатни ёнма-ён турғизиб қараса, уларни тус ака-ука деб ўйлайди. Чиндан ҳам бўйларининг сал пасту баландлигини ҳисобга олмаса, афт-ангорлариям бир-бирига жуда ўхшайди. Бироқ Мамат қоранинг анча чуқургина кўзларида бир ғашлик, чарслик ва асабият яққол сезилиб туради. Бекдавлатнинг кўзларида эса фавқулодда бир соддалик, ҳайрат ва кучли... нур бор. Бекдавлат Денов аканинг тележкаси ёнидан ўтгач, Маматга «ҳозир» деди-да, жадаллаб ҳовуз бўйига борди.

- Салом бердик, Метинжон!
- Э! Калла пишдимиди?

— Узр, йўл толиқтирган экан. Лекин кеча...

— Кечадан гапирманг! Биз соат бирга яқин кетдик... Мана, Башанов латифа айтиб, бир соат кулдири. Шундаям уйғонмадингиз!.. Э, нега бу киши билан кўришмайсиз?

Бекдавлат унга елка ўгирди.

— Арзимаиди бу киши. — Сўнг Метинга ночор жилмайди. — Ухлаб қопман.

— Яхши-да! ўзимиз уйғотмадик. Отаям «ухласин» дедилар... Шартномани туздик. Сизниям ўқиб қўл қўйишингиз қолди. Эшим! Бер бу кишига!

Ҳикмат Башанов синиқ ишшайиб туфлиси билан нам ерни чизар, чеҳрасида: «Начора, кўнамиз-да энди, бу киши ёш бола бўлса...» мазмунли ифода бор эди.

Бекдавлат Эшим тарафга ўтаётгани, Мамат чақирди:

— Бек ака, кемайсизми энди? Улар билан кейинам кўриша берасиз. Гижингтойни кўринг.

Унга қараб Метин бақириб юборди:

— Сизниям уйда йиғлаётган болангиз йўқ! Сабр қиласиз! Бек ака, шартномани кўринг. Мана бу... арзимаидиган одам идорага опкетиши керак. Анавининг зарда қилишини қаранглар-а! Ҳей, бир нарсани ўтқазиб қўйгандай... Шу икки йил ётиб келди-ю, тил чиқарди. Кимга бўлса, муштумини кўрсатади... Ҳей, геройнинг набираси, туядан катта филлар бор. Юрган йўлида бақириб, сўкиниб юради деб, битта акт тузайлик. Бўлди! Назаров икки йилга яна икки йил қўшиб келган томонингга жўнатади!

Мамат қора илжайди.

— Ҳе, дарров одамнинг ёқасидан оласиз-а, — деди, — Бек ака, шу одам менадан ниҳоятти бир ёш катта. Бир синф юқорида ўқиган. Нуқул шуни пеш қилади: мен — катта, менга қулоқ сол, дейди.

— Бугина учун эмас! — яна бақирди Метин. — Гапини қаранглар. Орамизда ер билан осмонча фарқ бор... Менинг бўйимни кўринглар — шамшоддек. Унинг бўйига қаранглар — карлик!.. Тагимда қолса, бўғилиб ўлади... Бундан ташқари, ўртоқлар, мен олий маълумотли агрономман! У ким? Институтдан ҳайдалган безори... Бўлди! Кўп гапирма! Бекдавлат аканиям мундай дўқ қилиб чақирма.

— Э, биз Бек ака билан қандай эканимизни сиз қайдан биласиз, — деди

Мамат. — Тўғрими, Бек ака? Булар шу қишлоқдан чиқмаган бир сояпарвар болалар-да.

— Вой, яна гапиреди! — чинқирди Метин. — Ҳей, Башанов, тилингиз борми, унинг оғзини ёпинг!

— Башановми? — кулди Мамат. — У кишида тил йўқ. Бир парча олқинди бор.

— Улинг-э, Башанов! — деди Метин. — Шу одамгаям гапингизни олдириб қўйганмисиз? Ахир, ўзингизнинг кучингиз етмаса, уйдаги чурвақаларингизга айтинг, бир ёқли қилишсин! Бир йўла сиз ҳам қутуласиз, бошқалар ҳам.

— Э, кўп ёмон ният қилманг, — деди Мамат. — Узим кетаман! Бариларингдан тўйдим.

Бекдавлат Маматнинг қошига қайтиб, яқинда ювилгани шундоққина билиниб турган «Белорусь»га қаради. Сўнг кабинасини шарт очиб, ичкарига қаради.

— Топ-тоза. Моеи ҳам етарли. — Мамат тракторнинг уёғига ўтиб, тагига, филдиракларига, сўнг ортида кўтариб қўйилган сеялкага қаради. Ҳаммаси жойида.

Бекдавлат ҳаяжонланиб кабинага тикилди: шу ерда ўтириб ишлайди энди. Кўп вақт ишлайди! У зинага оёқ қўйиб лип этиб кўтарилди. Уриндиққа ўтиргач, худди Мирзачўлда Дренажстройга ўтишдан олдин тўрт ой ишлагани тракторга яна мингандек тўйди ўзини.

— Калит, — деди. — Аккумулятори қалай?

— Янги! — Мамат калитни узатиб илжайди. — Биласиз-а, аккумулятор масаласи чатоқ, аккумулятор бўлмаса, ёнилғидан ютқазасизлар. Ҳе, бир ҳафтада анча ёнилғи кетади. Ўзи, шу ҳафта ичида экиб тамомлайсизларми? Бекдавлат буни аниқ билмаганидан уялиб кифтини учирди.

— Билмадим.

Шунда кўча тарафдан би-биплаган ингичка товуш эшитилди. Мамат ўша ёққа қараб:

— Денов ака келди, — деди. — У, Туркманиям опкепти-ку! Ана бу бошқа гап!

Бекдавлат бурилиб, орқа деразадан қаради-ю, буни тариллатишга кейин ҳам улгуриши учун аста сурилиб, ерга тушди.

— Кўринг-кўринг-э, шундан фойда сизга! — деди Мамат. — Трактор ҳам бир-бирдан фарқ қилади.

— Хўп. Ҳозир... Раҳмат сизга.

— Мени сизлаяпсизми?

— Шундайми? — Бекдавлат кулиб, унинг бўйига разм солди. — Орадан анча иил ўтди, Маматжон...

— Э, биз ўсмаймиз. Уша-ўша...

Денов ака ҳовлиқиб, икки филдиракли мотоциклдан тушди-да, турганлар билан бир-бир кўришиб, Қўшоқовнинг қўлидаги блокнотга қаради. Сўнг уни олиб тикилди. Метин бўлса Башановнинг кифтига қоқиб қўйди ва ўра бошида кулни элаётган Тўхтамиш чол томонга жиларкан:

— Яшанг, ота! — деди. — Қари билганни пари билмас деганлари шу. Нима дединг, Мамат? Сен ҳам чигитни кул билан қўшиб экдингми?

Мамат хўмрайди.

— Ажаб саволларни беради бу одам.

— Бу ажаб савол эмас, муҳим савол, ғалча! — У бу ёққа йўналди. Чолга қарашгани жилаётган Бекдавлатнинг билагидан ушлади. — Текшириб кўрдингизми?

— Э, мундай трактир сапхозингизда битта! — деди Мамат.

Хўп, ҳозир кўрамиз-да, мулла йигит. — Метин трактор атрофини айланиб, бирдан кабинага кирди. Калитни излаганди, Бекдавлат узатди. У моторни ўт олдириб, шундай тариллатдики, карнайидан чиққан тутун атрофни босди. Мамат ҳой-ҳойлади. Метин парво қилмади. Кейин бирдан ўчириб, пастга тушди. — Тузук, кепак еса кўппак бўлади, — дея сеялка томон ўтди. Ундаги бункерларни очиб қараб, қимирлатиб кўриб, бирдан энгашди-да, чигит тўкиладиган ерини пайпаслай кетди. Кейин ишшайиб, аста қаддини кўтарди. — Э, ўл-э!

— Э, ўзингиз ўлинг, — деди Мамат.

— Буларни хонавайрон қилмоқчи экансан-ку?! Э, отинг ўчсин!..

— Нима, нима қилдим мен? — Мамат хезланиб унинг олдига келди. — Нимага мунча бобиллайсиз?

Ховуз бўйидагилар ҳам булар сари жилишди. Чол ҳам элашдан тўхтаб қаради.

— Нарн тур! Бир ураман, ерга... миҳ бўлиб кириб кетасан, правакатор!

— Ҳой, одамлар! Бу одам нималар деяпти? — чийиллаб юборди Мамат.

— Одамлар керакми сенга? Бери келинглар, келинглар, ўртоқлар! — Метин тисланиб, Денов акага буюрди. — Домла, бункернинг тешигини кўринг. Кўринг-кўринг!

Денов ака гангиб тешикка энгашди. Пайпаслаб кўриб, қаддини ростлади.

— Тешикдақа тешик.

— Сизнинг бункерларингизнинг тешигиям шунақами?

— Шундай шекилли.

— Шекиллини кўйинг! Бу-ку эгов билан кенгайтирган. Сиз нима билан кенгайтирдигиз?

— Биз ҳам энди... чигит кўпроқ тушсин деб... — Шунда Денов ака бирдан оғзини очиб қолди.

— Ҳа? — деди Метин — Гапиринг!

Денов ака бирдан бош чайқаб қолди:

— Э, сизга раҳмат, Метинжон...

— Ана шундай бўлади!

Мамат ҳамон гап нимадалигини англамас эди.

— Нима бўлди ўзи?

— Гўр бўлди, ер бўлди! Нодон! — Метин қўлини пахса қилиб тушунтира кетди: — Бу тешикдан ҳар чуқурга неча чигит тушади?

— Сўкинмай гапира беринг. Тушганча тушади-да.

— Ўл! Ўнтадан кам тушмайди: Тўғрими?

— Ҳа, саккизта-ўнта тушади.

— Баракалло! — Метин чуқур нафас олди. — Энди, Эшим, ҳисоблаб кўр! Уч ярим тонна чигит шу тушишда неча гектарга етади?.. Мамат, сен айт. Ўзинг айт-чи, жўра?

— Ҳе, энди йигирма-йигирма беш гектарларга етади.

— Ана, эшитдингизми, Бекдавлат ака? Йигирма беш гектарга етармиш! Биз бўлсак эллик гектарга етказишимиз керак! Шундайми? Худди шундай... Э, яшанглар-э! Денов ака, сиз ҳам, а? Мен сизни мусичадек одам деб юрардим.

— Э, бўлди-е! — бақирди Мамат. Бизам бир нарсани билиб шундай қилгандирмиз-да! Нима, тушган бари чигит униб чиқадими?

— Биздики униб чиқади, — деди Метин. — Чиқмаса қулоғидан тортиб чиқарамиз. Жуда кучимиз етмаса, Қаландаровни ёрдамга чақирамиз.

Мамат қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қаландаровни! Унинг ўзи шундай чигитдан берган бўлса-чи?

— Жавобини беради.

Мамат бир пас жим турди-да:

— Ҳей, ўртоқлар, бу аграномда ўзгариш бор-ку! — деди. — Кун қаёқдан чиқди? Кечагача Тошевнинг пайкалидан чиқмас эди. Биз билан ишиям...

— Сенинг ниманг билан ишим бўлсин? — энди Метиннинг овози чиндан ҳам қалтираб кетди: жилла ҳазил оҳанги сезилмас эди. — Э, қуриб кетинглар бариларинг! — Кейин бирдан Ҳикмат Башановга ҳужум қилди: — Сиз айбдор. Бақрайиб туришларини қаранг!... — Сўнг бирдан синиқиб, Бекдавлатга тушунтирди: — Буларнинг ўғринча ери кўп, Бек ака. Эшитяспизми? Алмашлаб экишга ажратилган ерларгаям чигит экиб юборишган, нокаслар. Эртанги кунни тирноқча ўйласа, тил тортмай ўлай... Шу Маматми ўйлайдиган? Ҳе Ҳали айтди-ку, барингдан безорман деб... Сал пули кўпайсин, ё сал обрўи ошсин, бўлди! Бунинг учун дала нимаю завод нима! Бари бир... Ҳайронман, — Мамат нимадир демоқчи эди, ҳайқириб берди: — Жим тур! Биламан, кўпроқ пул топиб, институтга бормоқчисан. Ўқишингни вастанавит қиласан.

Мамат кулиб юборди:

— Ана шу ерда хатога кетдингиз, акам.

— Ҳа, бўлмаса нима мақсадинг бор?

— Эй, нимага менга мунча бақирасиз-а? Арпангизни хом ўрдимми Ишламайинми? Ана, бригада? Ана, дала... Ҳей, Башанов, ҳозир бориб эгалик қилишингиз мумкин!

— Э, сенам қизишма-да, Маматжон, — деди Ҳикмат Башанов. — Ўртоқ Абдурахмонов ҳаммамизнинг фойдамизни ўйлаб гапиряптилар. Раҳмат деб турмайсанми?

— Сиз раҳмат деб турасиз... Турасиз-у, билганингиздан қолмайсиз. Э... тулкилик менинг қўлимдан келмайди. Майли, ростданам тўйдим.

Метин бирдан илиқ-кинояомуз жилмайди:

— Қаерга борасан? Тўлаган Тўраевни топаман десанг, тўй сезонигача сабр қилишинг керак.

Бутун давра, жумладан, Бекдавлат ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Гап шундаки, бундан тўрт йил бурун Бекдавлат билан Ҳабиба ҳам иштирок этгани — Денов аканинг қиз чиқариш базмида Мурод Тангрикулов: «Эндиги тўйларга хизмат қилишни районнинг ўз ҳаваскор санъатчилари қўлга олиши керак. Ҳар қандай саяёқ созандаларни тўйхонага йўлатмаслик керак!» деб нутқ сўзлашадан олдин хунук бир воқеа рўй берган эди. Мамат қора... мана шу йигит университетнинг шарқшунослик факультети иккинчи курс студенти, жияни ҳурмати учун, яъни бўлмиш куёв ҳурмати учун иттифоқо марказдаги Қариялар чойхонасига қўнган бир «состав отарчилар»ни базмга айтиб келган; уларнинг устаси Тўлаган Тўраев деган тилла тишли йигит анча-мунча ўйноқи қўшиқлар айтиб, озғингина, нозиккина, бироқ ўлгудек чайиргина раққосасини ўйнатган: раққоса ўлгур ҳам уста экан, пулини ўзидан қизғанадиган кишиларни ҳам чўнтагини кавлатган, хуллас, устанинг тор ғилофи майда-катта пулларга тўлдим деганда даврага янги ижроқўм раиси Мурод Тангрикулов билан Нозим Оллоқуловлар кириб келишган: шивир-шивир асноси Тўлаган Тўраев бирдан ўртага чиқиб, катта лампочканинг тагида туриб олган, тўйда хизмат қилаётган Маматнинг қизил белбоғини ечиб олиб ғилофдан бор пулни унга ағдарган, сўнг ғоят ҳайратомуз нутқ ирод қилган: яъниким: «Ўтиб кетаётган эдим, бизни тўйхонага лутфан таклиф этдилар. Мамат акамнинг сўзлари ерда қолмаслик учун бу даргоҳга келдик. Билсак, педагогнинг тўйи экан. Жон деб хизмат қилишга тайёрмиз. Бироқ, тўйга тўёна билан келиш — халқимизнинг азалий одати. Биз қуруқ келган эдик, мана, ҳиммат қилиб шунча ахчани чиқариб ташладингизлар. Энди мурод шулки, шу пуллар ёш келин-куёвларимизнинг осойишта кунларига асқатсин. Биламиз, ҳали олдинда танқисчилик кунлар ҳам келади. Энди, ўртоқ педагог Денов ака Ниёзовдан илтимос, шу пулни олсинлар! Биздан ҳадия-тўёна!» деб, рўмолни учма-уч қилиб тўй эгасини қидирган, уни топиб қўлига тутқазган эди.

О, ўшанда торгина давра вулқон каби ёрилгудек бўлганди: ҳеч бир кўрилмаган ҳол ахир!.. О, санъатчиларга ёғилган тасаннолар!.. Уларни янги-янги тўйларга таклиф этишлар!.. Бироқ... ордан ўн минут ўтар-ўтмас маълум бўлдики, Тўлаган Тўраев даврада нутқлар сўзланаётганидан фойдаланиб «состави» билан чиқиб кетган, чиқиб кетгани майли-ю, анави тўёнани ҳам Денов акадан олиб... жўнаб қолган.

Ўшанда Маматнинг илон чаққандек зир югуришлари! Ўшанда бу қайсар йигит микрофонни олиб: «Уни бир шарманда қилмасам бу юртнинг сувини ичмайман!» деб қасамёд қилган эди. Қурмағур онтида турган экан. Тошкентга қайтиб боргач, уч ойдан кейин Тўлаган Тўраевнинг дарагини эшитди: фалон ўртоғининг пистон қўшниси уйда — тўйда. Учта ўзига ўхшаган тезоб сурхондарёлик бола билан тўйхонага боради. Удум дегандай, уларни ҳам қабул қилишади, ўтқозишади. Булар Тўлаган Тўраевдан қасд олишга қулай фурсат кута бошлашади. Ниҳоят, уста ҳожат учун четга ўтади. Халажой ҳовлининг бурчагида. Мамат қора дарҳол шериклари билан етиб боради ва биттаси билан ичкарига кириб, Тўлаган Тўраевни шир яланғоч ҳолда ҳайдаб чиқади.

Қарабсизки, уни даврага қараб судрашяпти. Мамат бақирармиш: «Бу ўғри! Бу тулки! Алдамчи! Номард бу...» Бундай пайтда ким уларнинг тарафини олади? Маҳалланинг милиционери ҳам шу атрофда экан. Унга Мамат билан бир йигитни тутиб беришади. Судда Мамат қора бутун айбни ўз бўйнига олади.

Шериги шартли равишда бир йилга кесилади. Мамат «инсон шахсини ҳақоратлаган»и учун икки йилга ҳукм қилинади.

...Метин «Тўлаган Тўраевни топаман десанг, тўй сезонини кутишинг керак» деганида ўша ишга ишора қилган, гарчи бу гап ҳазил, демак озор етказ-маса-да, кулгига бопти келган эди.

— Ҳе, ўша тилла тишни... — деб сўкинди Мамат. — Ҳадеб қўзғайверар экансиз-да! — Кейин тажангганиб бақириб юборди: — Ўрмонга кетаман! Лесхоз катталари «жой бор» деди!

Метин яна кулгига бурди:

— Ўртоқлар, эшитдингларми, бу ўрмонга кетар эмиш! Бошимни олиб кетаман дегани-да!

— Э, боринг-э! Тўғри гапниям эгрига буради. Ҳа, энди... — Бирдан тек қолди. Сеялькага тикилди ва аста бориб бункерлар тагини тимирскилаб кўрди. Кейин негадир бармоғига қаради ва кулди. — Нима қилай?

— Нима қилай эмиш. Механикка обор! Тешикни торайтириб кел! Э, қизиқ одам бу! Ўрмонга кетиб қолганидан кейин...

— Сизга одамлардан кулиш бўлса, — Мамат кабинага интилди. — Тагин агроном эмиш... Яна уялмасдан ортиқча ери бор буларнинг, дейди. Алмашлаб экиш дейди...

— Мама-ат! — Метин кўзлари олайиб қақирди. Бироқ овозини тракторнинг гуриллаши босиб кетди.

У аламини ичига ютиб, ғамгин жилмайди-да, Башановга қараб, худди уриб юборадигандек муштумини кўрсатди. Кейин бурнини жийириб, Башановнинг пешонасига бир чертди-да, Бекдавлат сари жилган эди, Ҳикмат Башанов жаҳл билан унинг тирсагидан ушлади. Метин қаттиқ силтаниб кетди. Башанов ҳансираб турди-турди-да, пешонасига шарқ этказиб бир шапати урди. Кейин кажавали мотоциклга шартта ўтириб, сапчителиб ҳайдаб кетди.

Мамат тракторини бураётганини кўриб Денов ака ҳам терлаган пешонасини артиб, кабинага чиқди. Ҳадемай у ҳам тракторини қайириб Мамат қорага эргашди.

Бекдавлат англаб-англамай қолган нозик гаплар бўлган эди. Чунончи, Мамат қора Метинга бўлимнинг ортиқча ери борлигини билиши, бироқ ҳеч нарса қилмаслиги, аксинча, «уялмасдан» айтишини писанда қилиб кетди. «Тошевнинг пайкалидан чиқмай юради», деган ачитқи гапидан асаби қақшаб турган Метин «Мама-ат!» деб бақириб юборди. Агар Мамат вақтида тракторини тариллатиб жўнаб қолмаганида Метин нима қилиши мумкин эди? Номаълум. Бироқ, унинг Башановни манглайига чертиши ҳам — бўлим бошқарувчиси учун фавқулодда тенгсиз ҳақорат бўлдики, шу боис Башанов унинг тирсагига ёпишди. Ҳолбуки, Башанов Метинга қўл узатиш уёқда турсин, унга бирон-бир қаттиқ гапдан ҳам ўзини тиядиган, боягидек — Маматга: «Хўп демайсизми? Ўртоқ Абдурахмонов фойдамизни кўзлаб гапиряптику?» деганига ўхшаш гаплар билан қаноатланадиган киши эди. Ҳар қалай, иккаласи ҳам бир даража қушоққондан чиқиб кетишди, демак, шу дамгача давом этиб келган аҳвол уларни «тўйдирган». Тўйдиргани шунчаликки, барча катталару бригада аъзолари ҳам билгани ҳолда энг яширин саналадиган сир оғизларидан ошқора чиқди.

Бу эса Метин учун ҳам, Башанов учун ҳам, қолаверса Мамат қора учун ҳам хавфли. Хавфлилиги нимада? Буларни совхоз ёки район катталари бу тариқа гап-сўзлари учун омбирга олишадими? Олиши мумкин. Бу — қўрққулик ҳол, албатта. Бироқ энг ёмони — бу ишларнинг бевосита мутасаддилари, дейлик, совхоз раҳбарлари — директор ёки партком секретари ҳам эмас, район катталари ҳам эмас, балки... шуларнинг ўзлари бўлиб чиқадиларки, вақти-соати келганда анавилар четда қолиб буларнинг ўзлари жавобгар бўлиши мумкин. Ахир, жўнгина қилиб айтилса, шундай қилинглар, деб у раҳбарларнинг биронтаси на оғзаки, на-да ёзма равишда фикр билдиришмаган, табиий, билдиришмайди ҳам...

Ҳа, бу ерда анча нозик, қалтис гаплар айтиб юборилди. Ёки аччиқ устида оғизларидан чиқиб кетди-ю, сал совушгандан кейин ўша гапларга пушаймон еб, демак, айтганларидан тониб, камида бир-бирига сирли кулимсираб, имижимида бости-бости қилиб кетишадими? Бу — мулоҳаза, ўтган вазиятнинг тах-

миний ва холис таҳлили, холос. Аён ҳақиқат шундан иборатки, Метин ... Метин Абдурахмонов ҳамон ўзини босолмай тракторлар орқасидан қараб турар, ранги қув ўчган, шу тобда Башановни эмас, балки мутлақо айбсиз бир кишини ҳам, агар сал ғашига тегса, чертиш уёқда турсин қулоқ-чаккасига тортиб юбориш даражасида эди.

Бироқ бу ерда юқорида айтилган барча ишларга «холисона» аралашган яна битта киши бор: у — Эшим Қўшоқов. Совхознинг бош бухгалтери! У йигит нима учун яқинда Тошкентга бориб, халқ хўжалиги институти ўқитувчилари билан бригада пудрати хусусида гаплашиб, аспирантурага кириш ва шу мавзуда илмий иш қилишни келишиб келди? Ва нима учун бригада пудратига бунчалар ёпишиб олганки, Денов ака директор кабинетида ўзининг мактабга қайтишини айтиб ўтирганида, Эшим буни эшитиб фавқулодда ёниб-тутаб кетди? Хўш, нечук энди уёқда ўз ишини, ведомость-чўтини қолдириб, бу ерда ўралашиб юрибди? Ёзиб олаяпти? Тўғри, қандайдир фактлар унинг илмий ишига керак, албатта. Бироқ, наҳот унинг собит нияти фақат... кандидатликни ёқлаш, олимлик унвонига эга бўлиш бўлса? Сиртдан кузатган киши жуда унақа шуҳратга суяги йўқ одам деб ўйламайди. Аксинча, негадир «ғамгин, фақиргина бола» деб ўйлаши мумкин. Дарвоқе, у илгари шундай эди. Тошкентдан келганидан буён ўзгариб, ҳатто жонсарақ бўлиб қолди. Демак, бу ердаям бир сир бор! Бу — Эшим Қўшоқовга тегишли холис мулоҳаза. Бироқ, шу тобда унга тегишли аён ҳақиқат шундан иборатки, Эшимнинг чеҳрасида гоҳ изтироб аломатлари пайдо бўлар, гоҳ ишшайрди.

IX

Бу ердаги учинчи киши — ранги ўчиб кетган милиционер кўйлагида ва шимида: усиқ сочлари диккайган, қотма, юзининг териси суягига ёпишган, уч йилдан буён Тошевнинг бўлимида сувчилик қилаётган, Қурисойнинг нари бетидаги мол бозори орқасида бир неча уруғдошлари билан яшайдиган Туркман эди. Унинг асл исми Даврон бўлиб, Чопартепага келгач, Туркманга айланиб кетганди. Ўзи Паттакесардаги «эрсари» туркманларидан. Анча мард, шу билан бирга анча ҳовлиқма, болтадан тоймас, учта хотин олиб фарзанд кўрмагач, ниҳоят, тўртинчиси*яқинда ҳомиладор бўлган йигит эди.

Милиционерлик даврида кўрмаган-билмаган нарсаси кам қолган. Мушталашига бемалол аралашиб кетаверар ва ўз ҳаракатларининг қонуний эканини ҳам ўзича исботлашга қодир эди. Бу ердагилардан фақат Метинни тан олар, Тўғон ака таги «юзжуз» уруғидан бўлгани, у уруғни «туркман туёқли», яъни, «бир оёғи ёхуд туёғи туркман» деб ҳам аталиши боис ҳеч иккиланмасдан: «Асли сизлар бизлардан!» деб юрар ва унга садоқати Уроқнинг Бакдавлатга садоқатидан кам эмас эди:

— Бўлдими? Жанжалларинг битдими? — деб бақирди у ва оёғи тагида ётган, оғзидан кетмон сопи чиқиб турган қопни олиб буёққа илдам йўналди.

Метин истаб-истамай:

— Шу Туркман, — деди Бекдавлатга. — Сувчиларинг... Тошевдан бутунлай узилиб келдингми? — сўради ундан.

— Мен унга ҳисоб бермайман, — деди Туркман. — Башанов билан сал ғирпиш¹ бўлди. Майли! — У келишда Бекдавлатга қўл узатди. — Салом, қардош!

Бекдавлат унинг кимлигини эшитибоқ чеҳраси очилган, бу ерда ўтган гап-сўзларни исиз унутгандек унга қандайдир ҳавас билан қараб турарди.

— Салом. — Бекдавлат унинг қўлини олиб, қўлни эмас, тош қотиб кетган бир балони ушлагандек бўлди. Бундан завқини яширмай билагига қараб олди. — Тузук!

— Тузук бўламиз-да, — деди Туркман-Даврон. Ота, омонликми? Элакни қўйинг-э, ўзимиз элаймиз.

Бекдавлат ҳушёр тортди.

— Кенг, улим, — деди чол. — Э, бу ишларди иш деманг.

— Барибир-да! Чолларни ҳурмат қилиш керак... Тўғрими, Метин ака?

У ланжлик-инжиқлик билан бош ирғаб, айвонга чиқди. Скамейкага ўтириб, сигарета чиқарди-да:

¹ Ит-мушук маъносида.

— Бек ака, келинг-е, — деди. Кейин Туркмандан сўради: — Башанов Тошев билан айтишиб қолдимми?

— Э, Башановнинг айтишгани нима бўларди. Хотинча қилиб қарғади, кейин кулдирди, кейин яна қарғади... Лекин Тошев бир кунмас, бир кун менга ёмонлик қилади, Метин ака. Кўрасиз. Лекин ўшанда ўзим созлайман! А, ота? Ёмонлик қилганга ёмонлик қилиш керак... Унинг мана шу юраги қора: ичи ириб кетган. Ҳеч кимни кўролмайдди. Ўзидан ошганни оёғидан чалай дейди... Биламан, унинг орқасида кимлар турипти! Керак бўлса, Московга ёзишим мумкин. У ясама одам, ота! Топган шўхратидан тортиб, планларининг юз бўлиб кетишигача ёлғон аралаш.

— Шунни билар экансизлар, қараб турасизларми? — аста сўради Бекдавлат.

— Э, унинг орқасида катталар турган бўлса, дардингизни кимга айтасиз, қардош? Ҳе, жойи келса, Кимё опагаям қулоқ солмайди у. Менимча, шу тўнғиз Мурод акагаям бўй бермаса керак, а, Метин ака?

— Кўй шу гапларни.

— Сизниям номингизни тилга олди ҳали! — Метин унга тикилди. Туркман қопни айвон четига қўйиб, устига ўтирди. — Чилимдан битта олинг... Бу гап бош аграномдан чиққан дейди. Қаранг-а! «Бош аграномни аралаштирма. Ўзидаям калла бор!» дедим. Қурғур кеча гаплашганимизни кўрмаган эди, тусмол қилаяпти-да. Майли. Ит ҳуради, карвон ўтаверади.

Тўхтамиш чол элакни тўп бўлиб турган кул устига ташлади.

— Метинбой, ўзи ораларинингдан нима гап ўтиб эди?

Метин Бекдавлатга скамейкадан жой кўрсатиб:

— Мана бу туячи айтсин, — деди.

— Мен сув қуяётиб эдим, — деди Туркман илҳомланиб. — Бултур. Охирги сув маҳали. Ғўза бу ёқда шоналаяпти. Ҳар икки эгатдан бирига сув қуя бердим-да. Биласиз-ку, ота, ғўза шундаям бемалол сув ичади. Шилта қилиб суғоргим келмади. Ғўза ғовлаб кетиши мумкин. Шу денг, устимга келиб қолди. «Нима қилаяпсан?» дейди. Мен тушунтирдим. Ахир, сувчиман мен! Биламан. Пахтанинг ичида катта бўлдим... Ўзи ўшанда сувам камчил эди. «Қизғанма, барига қуй!» деди. Энсам қотди. «Барига қуй, — деб бақиради яна. — Керак бўлса, Қурисойнинг сувини тортириб келаман!» дейди. «Ҳа, ака, сиз — зўр. Лекин пахтаи ўйланг... Хўп, ана, бош аграномдан сўранг. Бир оғиз сўранг. У киши мутахассис. Қани, нима дер эканлар», дедим. «Мен ўзим — бош аграном. Пахта учун мен жавоб бераман!» деди. «Э, бор-э, қўймадинг-да», деб қулоқнинг бошига жўнадим. У ит ғингиб келаяпти, қарасам. «Сув қуйишни сен биласанми, мен биламанми?» дедим. «Ҳей, сен туячига ким қўйипти бу гапларни!» деса бўладими. Ҳа, боболаримиз туячи ўтган бўлсаям, ўзимиз пахтакоримиз. Буниғиз устига, у мени ҳақорат қилгандай бўлди. Кўрииб турипти-ку?! «Ҳей тўнғиз, шу кетмон бошингга тушади. Йўқол ҳозир», дедим. Бу гап, ҳа, ўтди-кетди. «Бор-э!» деб бошқа жўякларгаям сувни очиб юбордим. Ўлай агар, шу пайкалдаги пахта яхши бўлмади. Лекин у бошқа йўл билан бўлдирди... Ўша куни денг, кечқурун бўлимнинг идорасига кириб қолдим.

— Э, чўзасан-да, — деди Метин. — Сен гапириб тур бўлмасам. — Метин ирғиб туриб, пастга тушди-да, Бекдавлатга синиқ жилмайиб қўйиб, хирмонжой биқинидан ўтган сўқмоққа тушди.

Туркман унинг шудгорга етгунча орқасидан қараб турди.

— Хуллас, кириб қолсам, пудрат советининг аъзолари ўтиришипти. Тошевининг ўзи, бош инженери, буғалтери, яна Метин ака. Ўзим уч-тўрт кун жавоб олгани кириб эдим. Тўй мавсуми бошланган. Қардошларга боришим керак. Жуда вақтида кирган эканман. Худди шу — менинг ишим тўғрисида гапиришиб ўтирган эканлар. Қараб тураманми! Дарров гапга қўшилдим. Бу орада Метин акаям менинг тарафимни олиб қолдилар. Тушунади-да, бу одам, Тошевини Тошев қилганлардан-да!.. Бирдан ғала-ғули бўлиб қолди. Менга жавоб берди. Кейин эшитсам, Метин ака билан айтишиб қолган экан. Билмадим-е, «сен бўлимга ишқибоз» деганми. Инженери бир кар-девор одам. Шу айтиб эди. Хуллас, Тошев: «Э, ўртоқ Абдурахмонов, шу замонда мен ўламан деган жўн деҳқон ҳам пахтачиликни бир аграномчалик билади», депти. Метин ака индамай чиқиб кетиптилар. Кейин билсак, тўнғиз бу кишини пудрат советидан ҳам ўша куни чиқариб ташлаган экан.

— Тавба, — деди чол чўнқайиб олиб. — Жигитга ўлим жўк, ўзини ўзи тигга уради дейдилар, бу димоғи билан кўпга бормайди, улим. — У ўкинч билан хўрсинди. — Кўрганмиз-да мундайларни... Ҳа, ўзимизам бир вақтлар...

— Ана шундай қилиб, Метин ака бирдан унинг бўлимидан оёғини тортди: Ахир, уят-да қардош? Сиз билмассиз, бу — жуда оғир гап.

— Мен тушундим. — деди Бекдавлат. — Аграном одам аграномликдан четлатилса...

— Э, балли! Ана, билар экансиз! Шундай бўлди. Четлатиш бўлди! Лекин Метин акам, шундай кўрингани билан, оғир одам... Директоргаям айтмадилар шекили.

Бекдавлат унга майин тикилди.

— Директор нима қилиши мумкин эди?

Туркман бир сония гангиб қолди-да:

— Рост айтасиз! — деди. — Сиз маладес экансиз! Нима қилоларди?

Бекдавлат ўйчан тортиб, совхоздаги бу ғалати, бир қарашда майдачуйдадек кўринадиган, бироқ кишиларнинг нафсониятига тегиб, ишдан қўлини совутишга қодир машмашаларга ҳам беихтиёр аралашаётгани, бироқ энди хурсанд бўлиш ўрнига сиқилаётганини англади ва ўзини сал чалғитиш учун Тўхтамиш чолга зимдан қаради-ю, қараганидан туйқус мамнун бўлди. Ахир, қизи ҳақида ҳам гап кетаяпти! Наҳот чолда бирон ўзгариш бўлмаса? Наҳот улар буткул бегона?..

Тўхтамиш чол:

— Ҳе-е — деб тағин элакни олди. — Лекин мени айтди дерсизлар, у боланинг эртаси жўк.

— Йўқликка йўқ! — деди Туркман ва яна хиёл гангиб, қаттиқ қимирлади. — Лекин, ота, ҳозир замон шунақа: орқанг бўлиши керак. Унинг орақаси бор!

— Э, барибир, — деди қария. — Замон шундай дейсиз. Замон ҳам ўзгаради.

— О, сиз оптимистсиз, ота! Яшанг! Умуман, киши, ўзи, шунақа бўлиши керак. Нима дедингиз, қардош? Кечирасиз, мундай танишиб олсак. Янги одамга ўхшайсиз?

Метин кафтида бир ҳовуч тупроқни эзгилаб, негадир бирдан хаёлида кўринган Башановнинг билагидан тортганини эслаб, ғамгин кулимсирар экан: «Ўзимниям тилим қисик-да», — деб ўйлади-ю, торс ёриладигандек бўлди: нима қилсин? Бу сирли тўрдан-қафасдан қандай қилиб чиқсин? Чиқса бўладими ўзи? Доди кимга етади?.. Ҳа, у Тошевдан хафа бўлиб юришни билади, холос! Унчалик эмас: ундан қандайдир ўч олишнциям ўйлайди, албатта... Шуни ўйлагани учун ҳам бирданига Денов аканинг ишига бош қўшди. Йўқ, бирданига эмас, илгарироқ ўйлаб қўйган эди: шунинг учун Кимёга ҳам: «Домлага ёрдам бериш керак», деган эди... Ёрдам бериш... Ажабо, ёрдам бериш йўлида ўз-ўзидан Самандар Қаландаровга нисбатан кўнглидаги нафрат бирданига аланга олди. Хайрият, у билан мулоқот яхшиликча тугади. Мана, Мамат қора ҳам унга таъна қилиб кетди, беписандлик билан устидан кулди. Рост. Унинг ҳақиқи бор. Гарчи ўзидаям ортиқча ер бўлиб, амал-тақал қилиб пахта ланини бажарётган бўлса ҳам. Агар бошда бу ишлар бўлмаганда у шундай дермиди? «Бу аҳвол қачонгача давом этар экан?» Метин шу саволни бутун вужуди-борлиғи билан ҳам ўзига, ҳам қимларгадир бериб, шартта изига қайтиб келар экан, оёғи тушаётган ер-тупроқ нечоғлик бепарво ва лоқайд экани, унда-мунда товуш чиқараётган чирилдоқлар ҳам шунчалик бепарво эканликлари, қуёш уфқдан бемалол чиқиб келаётгани — булар бари унга таъсир этиб, аста-секин асабини босди.

Шийпонга етганида анча хотиржам тортган, кўзланган мақсад — Денов, акага ёрдам қилиш борасидаги тутган йўли — тағин асосий йўл, очиқроқ айтганда, Метинни бирон-бир даражада тинчитадиган, ҳатто совхоздан олгувчи маошини ҳам оклайдиган ягона йўл бўлиб қолдики, у тағин ўша нохушликларга қарши бирон бир исён кўтарар бўлса, шу йўлдаги астойдил хизматдан келиб чиқиши, балки шу хизматнинг ўзи эканига иқроп бўлди. Балки отаси айтганидек, «Бу кунлар ҳам ўтар...»

Метин кафтидаги тупроқни чолга кўрсатмоқчи бўлди-ю, унинг қайтиб қолганини кўрди. Четга отиб юбориб:

— Икки соатлардан кейин экишни бошласа бўлади, — деди. — Намлик-ка нам-у, иккинчи тарафдан чигитни шу намга ундириб олсак, марра бизники. — Сўнг Туркманга: «Гапингни адо қилдингми?» деб ҳазиллашмоқчи эди, гараждан берироқда чўнқайиб ўтирган Эшимга кўзи тушиб: — Э, сен ҳалиям шу ердами? — деди. — Тавба, бунинг бор-йўқлигини билмайсан-а, киши!

— Э, ака! Яқинда менам ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман! — деб ирғиб турди Эшим. — Ҳозир нима қилай?.. Бункернинг тешигини кенгайтириб қўйилиши ҳамма ерда борми?

— Тошкентдаям бор, Қаршидаям бор. Ҳозир ҳамма жойда тош-тарози бир бўп қолган, ука. — Шунда бир нарсага ачинди: келиб ҳамма билан ҳазил-ҳузил қилиб кўришгач, табиий, Денов акага: «Чигит ошини қачон еймиз?» деб уни насияга қарздор қилгач, кетмоқчи эди. Учинчи-тўртинчи бўлимларда хомток қилиш бошланган, полизчилик бригадаларида карам, помидор кўчатлари ўтқазиларди: уларнинг бошида бўлиши керак. Улкантоғнинг бир бағридаги арпа ўн-ўн беш кундан кейин ўроққа келиб қолади, тўғри, шимолдаги буғдойзорларнинг пишуви августгача чўзилади-ю, улардан ҳам хабар олиши лозим. Бунинг устига район милиция бошлиғи Абди Назаров ўтган кун «Бизга бир ўтинг, рейд қилайлик. Экинга мол тушаётган эмиш», деган эди: балки улар билан бирга чиқишига тўғри келар?

— Тош-тарози бир-у, акабой, лекин пудрат шуни бузади! — деди Эшим Қўшоқов. — Ана кўрасиз, бузади... Бу усул ҳозир Россия, Грузия томонларда яхши натижа берапти. Айниқса қурилишларда! Ҳали кўрасиз, агар ҳақиқат бўлса, биздаям кенг тарқалиши баробар Ўзбекистон ҳукуматининг қарориям чиқади!

— Мундай гапларинг чиройли! — деди Метин. — Биттаям стилистик хатоси йўқ.

— Булар— ўйланган гаплар.

— Яхши. Мен кетдим... — Бирдан Бекдавлатга ялт этиб қаради. — Иш. Бекорчиликдан юрамиз-да, ака.

— Э, нега, сиз...

— Отабой! — Метин негадир бармоқларини кулнинг ичига тиқиб кўраётган чолга яқинлашди-да: — Э, ўрани бир очинг! — деди.

Чол қўлларини қоқиб, ўра устига ёпиғлиқ наमतни кўтарди. Бекдавлат билан Эшим ҳам булар қошига келишди. Урадан буғ кўтарилар ва димоққа дори аралаш кўланса хид уриларди. Ажаб, бир кечада чигитлар шишиниб, худди девзира гуручдек диркиллаб қолибди.

— Яхши, — деди Метин. — Кулни ўзингиз...

— Э, қилиб юрган ишимиз-ку, улим.

— Бултурам қилганмидингиз?

Тўхтамиш чол ўрани ёпди. Ғамгин-истеҳзоли кулимсиради.

— Деновбой қўядими дейсиз... Улим, бизга ишонишмайди. Шу. — У ерга тикилиб жим қолди. — Бултур Абрай чолга бир ҳовуч чигитга дам урдириб келиб эдим. Яхши ният-да! Энди пайкалга сочганимда... сиз йўқ эдингиз... «бу нима?»лаб соқолимни юлгудек бўлди. Кулниям ирим қилган эдим.

— Ирим... — илжайди Метин. — Бек ака дейман, масалан, дам солдирилган чигитдан ирим қилишнинг ўзи... иримчилик эмасми?

Бекдавлат кўзларини катта очиб кулди.

— Жуда тўғри айтасиз! — Сўнг сўради: — Абрай чол деганингиз муллами?

— Мулла?! — Метин хахолаб кулди. Чол ҳам жилмайди. — А, Холли синфдошингизнинг бобоси-да! Нашаван... Қайтамга унинг нафаси теккан чигитга зарарли ҳашарот яқинлашмайди. Шундайми, ота? Дарров ўлдирди. Э, Денов ака-е!..

— Кул яхши-да, — минғирлади чол. — Чигитга озиқа бўлади, ҳалиги тешиклардан тушувиям енгил бўлади.

— Ана, гап қаерда! — деди Метин.

— Пирматбой нуқул «кулдан кўпайтиринг» дер эди... Бизнинг устоз-да. Ўзлари фарғоначи эдилар. Э, машҳур раис эди. Ўлиб кетди бечора. Ўзи раис-

лик қилган колхозга номини қўйишипти, деб эшитдим. Тоza билимдон дехқон эди... Шуларнинг қўлида тарбия кўрганмиз-да, улларим. Эсага биз пахтагани қайдан билардик.

— Сиз хотинни билардингиз-а, ота? — беозоргина сўради Метин.

Чол ҳиринглаб кулди.

— Рост. Шуни деб бориб эдик-да. Яшлик экан.

— Ҳа, лекин барибир фойда қипсиз, ота! Ҳақиқий пахтакор бўпсиз-ку?

— Э, охирида...

— Ҳечқиси йўқ. — Метин ўйланиб, олдин шудгорга, кейин отага қия назар ташлади. — Шу ернинг, сизнингча, нима камчилиги бор?

— Мендан сўраяпсизми?

— Ҳа.

Эшим бурнини тортиб, чолга чаккасини тутди.

— Хўш-хўш?

Тўхтамиш чол далага аста юзланиб, кўзлари киртайганча анча тикилди-да:

— Текис, текис, — деди. — Пирматбой айтгич эди: эгат олганда икки нарсага эътибор қилиш керак деб. Биринчидан, ғўза кўтарилиб кетган-даям ичига кун нури тушиб турсин. Экинчидан, бемалол шамол юриб турсин, эгатнинг ичидан. Шунда ғўза ичи пўк бўлмайди. Шираям тушмайди, дегич эди раҳматли.

— Шундай қилиб жўяк тортиш мумкин эмасми?

— Мумкин. Айтдим-ку, жер яхши деб. Мана, товдан шамол эсиб туради. Ана пастдан кун юради. Пақат эгатти калта-калта олиш керакми дейман. Қаранг, анча нйшоб. Сув тўхтамай кетади.

— Шундай қиламиз. Эшитдингми, Туркман?

— Жуда соз! — деди сувчи. — Лекин терим маҳали, айниқса культивация пайтида ариқларни кўмиш керак демасаларинг.

— Кўмасан-да!

— Бўпти. Э, менга шерик борми, Метин ака? Бировини айтаётиб эдингиз?

Метин тажанг ҳолда кўча томонга қаради.

— Кеп қолар, — деди, кейин юмшаб. — Денов ака билади... Хўп бўлмаса, Бек ака. — У одатича илиқ жилмайиб, қўл узатди. — Биз барибир шу атрофдамиз!

— Раҳмат!

— Эй, араб, «Шартнома»ни кўрсатдингми?

— Оббо!

— Бўлмаса қоласан. Мен кетдим.

— Жон, ака бир минут тўхтанг... — У қўйнидан буклоғлик қоғоз чиқарди. Бекдавлатнинг ёнига келиб, очди. Унга тутиб, шариллатиб ўқий кетди: «Бизким, Денов Ниёзов бошлиқ бригада аъзолари, «Шунқор» совхози дирекцияси билан шул тўғрида шартнома тузамизким, 50 гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириб...»

Бекдавлат ийманиб, табассум қилиб, қоғозни олди-ю, ўзининг бригада аъзоси эканига тағин бир бор иқрор бўлгани ҳолда, Метинни йўлдан қолдираётгани бирдан миясига уриб кетди: шундай эса-да, ёзувга тезлик билан кўз югурта бошлади. Айрим гапларни тушунмади. Лекин «ягона наряд асосида ишлаймиз», деган жумладан кейин Денов акага — 140 сўм маош қўйилгани, Туркманга — 135, ўзига — 125 сўм қўйилганини кўриб, кўзларини пирпиратди.

— Бу ягона наряд эмас-ку?

— Ҳим, бир хил пул қўйилмаганини айтаяпсизми? — деди Метин. — Биз, ака, кеча анча ўйлашиб кўрдик. Тошевнинг бўлимидаги тажрибам шуни кўрсатдики, масалан, иккита ишни бир ўзи қиладиган одамларнинг маошини ҳарқалай кўтармасак, инсофсизлик бўлар экан... Қаранг, отагаям 130 сўм белгиладик. Бу киши ошпазликниям қиладилар: кечки овқатни... Қоровулликниям. Тағин худди сизнинг сеялькангизга ўтирадилар ҳозир!

— А, унда яхши! — деди Бекдавлат. — Мен бу ёғини ўйламапман. Пахтада оз ишлаганман-да!

— Ничево! Мана, аванс — 45 сўм. Бўладими? Қолган пулларинг

тураверади. Хўш, план ошириб бажарилса, устама мукофот. Мен энди тежаш-пежаш ҳақида гапириб ўтирмайман. Уни биласиз. Ҳозироқ...

— Тушундим.

Метин Эшимни «Москвич»га ўтқазиб жўнаркан, Бекдавлатга қўл сил-китиб, Тўхтамиш отага:

— Хайр, — деди-да, кулиб бақирди: — Биз сизга ишонамиз, ота! Мени билинг, пахтани билинг!..

Улар йўлга чиқишгач, ўнг томонга бурилиб кетишди: идора ёққа. Булар — икковлон бир фурсат тек қолишди-да, бир-бирларига қараб кулимсирашди.

— Ота, чой-пой ичдингизми?

— Ўзим ҳам шуни айтмоқчи эдим.

— Мен бир марказга бориб келишим керак экан-да.

— Ҳе, қисинманг, улим.

Туркман қопидан кетмонини олиб, пешини эговлай бошлади.

— Бир ишлайлик! Тошев жиёғанак бўлсин! — у каналга қараб олди. — Жуда соз! Сув ҳам ёнимизда. — Чолнинг ўра бошидаги шох-шаббаларни кўтараётганини кўриб: — Чой қиласизми, ота? — деди. — Мана, биз-даям егулик бор. — Қопдан оқ қийиққа ўралган бир нарса чиқариб, столга қўйди. Ўзига ўта қизиқиш билан яқинлашаётган Бекдавлатга бирдан илжайди-да: — Қалай бизнинг кетмон? — деди. Шарт сопидан ушлаб, салмоқлади. — Пешини кўринг, пешини! Э, қўлда ясаганман буни. Мол бозорининг олдида темирчи дўкони бор. Ўзи ҳам устамисан, уста! Шунга ўттиз сўм бериб ясатганман. Дастаси тутдан.

— Совхоз бермайдими? — аста сўради Бекдавлат.

— Нимага бермайди? Беради. Магазинникидан-да! У бўлмайди... Э, мен шу сапхоздан олмайман. Резина этигиниям олмадим. Барибир пойдаси йўқ. Лой кўтаради, эгатти бузади. Яланг оёқ бўлсангиз, ширпиллаб кета берасиз.

— Сувда ҳамиша кечиб юриш зиёнмасми? — Бекдавлат шундай деб, Наманган каналидаги Рўзибой бўльдозерчини эслади. У бир куни ўзининг каналга келиш сабабини айтиб: «Додамиз сувчи ўтган. Ревматизмдан нолиб юардилар...» деган эди.

— Ҳа, осон эмас... Сезонда тиззагача мой суртаман. Айиқ мойидан... Бир хотинимиз Панжобдан — тожик эди. Ажралишга ажралдик-у, қариндошлари билан оға-инидек бўп қолдик. Шулар мойдан қарашиб туради... Энди, ишлаганга яраша яхши ишлаш керак-да! Орқангиздан биров сўкмасин! Тўғрими гапим?

— Жуда тўғри, — деди Бекдавлат бу йигитга тобора ҳаваси ортиб ва унинг одам, одамзонинг қандайдир табиий такомили ҳақидаги, қолаверса, ўтмишу туркманлар тарихи ҳақидаги, тагин унинг ҳаётда қандай... мақсадлари борлигини билгиси келиб. — Илгари милиса эдингизми?

— Ҳа. Зўр ишлар эдим. Лекин битта чакана савдогарга ёмонлик қилдим. Уни яхши билмас эканман-да. Гуруч сотар эди. Томорқасида шоли битмайди... Қайдан битсин! Сув бўлмагандан кейин! Лекин гуруч сотади. Қизиқиб юардим. Бир кун шундан икки кило олмоқчи бўлдим, отасининг баҳосини айтди. Шартта ушладим-у, милисага обордим. Акт туздим. Начальник милиса Абди Назаров жуда мард йигит-да, ишини дарров прокурорга ўтказди. Гуруч-фуруш икки йил олиб кетди. Шундан кейин денг, хотин-бола-чақаси мени қўймади-да. Ҳар куни милиса дарвозасига келиб ўтиради: «Бизни боқ энди, эр-кагимизни қаматдинг», дейди. Болалари этагимга ёпишади. Бир ҳафта шундай бўлди. Тоқатим тугади, қардош. Шунчалик харобми булар, деб уйини текширдим. Ҳақиқатан ҳам аҳволлари чатоқ экан. Ўзганда яшайдиган бир қариндоши юбориб турадиган гуручдан уч-тўрт килосини сотишар экан.

— Кейин нима қилдингиз?

— Ойига ўттиз сўмдан бериб турдим. Нима қилай?

— А-а...

— Шундай кейин кетмонни қўлга олдим.

— Эшитганман.

— Бор гап шу... Лекин начальник кўрдим — Абди акадайини кўрмадим. У чистий содда-ўзбек-да. Эгри-бугри йўлни билмайди. Прямой! — Сунг бирдан қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. — Қаландаровни биласизми? Омборчи? Биз-

нес дейишади... Ҳа, балли! Ана ўшанинг ўғли бўларди. Ҳозир армияда. Отаси чўлда ишлар, у бу ерда энаси билан турарди. Қаландаровнинг у ёқда ўйнаши бор эди... Лекин боласига яхши қарарди. «Запорожец» олиб бериб қўйганди. Тоза безори эди-да, уккағар! Ешгина бола маст бўлиб денг... Хуллас, Назаров Қаландаровни чақирди. Боланиям топиб келдик. Иккаласини ўтқазиб қўйиб гаплашди. — У яна қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. — Ўша ерда бўлсангиз, кулиб ўлар эдингиз. Ота ундай жойда ўтирипти, бола мундай жойда. Начальник тўрда. Мен эшик оғзида. Мени сал промойлигим учун начальник яхши кўрарди... Энди денг, Назаров болани дапрос қилаяпти: «Нега ўша куни қизчанинг орқасидан машина билан қувдинг?» — «Қувмадим», дейди бола. Ҳеч бир айбини бўйнига олмайди. Ана энди Назаровники тутди: «Ҳей, ҳаромзода, Абрай чолдан наша сўраганинг ҳам ёлғонми?» дейди. У ёқда боланинг отаси ўтирипти. Парво қилмайди. Шундай одам-да, у! Қаландаров оғир одам экан, курғур. Мен уришиб кетади, деб эдим: У кулаберди... Ака, милисанинг сўконғичи бўлади. Назаров бўлса... э-ҳе! Лекин мен сўкмас эдим. Нега сўкиш керак. Тўғрими? Аммо гоҳо урардим. Бунгаям рухсат йўғ-у, лекин ўзингни тутолмай қоладиган пайтлар бўлади.

Бекдавлат Мурод Тангриқуловнинг ҳам қандайдир шофёрни идорани занжирлаб олиб урганини эшитганди. Алланечук бўлиб кетди-ю, кейин... ўзининг ҳам, кези келганда ташлашиб қолишдан тоймаслиги, Тошкентда қўшнилари Боқибойни ёмон ургани... анави Маматни ҳам бир уриб ўн минутча гангитиб қўйгани, пироварди, Ҳикмат Башановни ҳам солганини эслаб, бу ишларидан ҳозир қандайдир уялган эса-да, ҳарқалай, анавиларда ҳам шу одат борлигидан сал таскин топди.

Гараж биқинидан тутун буриқсир эди. Изига қайтиб келаётган Тўхтамиш ота иккинчи ўранинг ҳам оғзини очиб қўйди-да:

— Туркманбой, ҳалиям гап сотаяпсиз-ку? — деди.

— Кечирасиз, ота! Айб бизда... Э, ҳозир боплаймиз. Шеф айтмасаям шу тутларнинг тагини тозалайман деб келаётган эдим.

— У ишлар ўзимизданам қолмас эди-ю, экиланиб туриб эдик-да, — деди чол.

— Ана, тугунда патир билан қовурдоқ бор. Бемалол... Биз кетдик. Қани, олдин бир разведка қилиб чиқайлик!

Маматнинг трактори ғувуллаб-шалдираб кириб келганида улар айвонда нон-чой билан татил қилиб ўтиришар, Бекдавлат қуёш нури ярқироқ гиламдек ёйилган шудгорга қараб, бир замонлар — бола маҳалида Томчибулоқ далаларида худди шундай саҳар паллалари уфқдан кўтарилаётган қуёш нурида намхуш сўқмоқлардан ўрлаган чанг сап-сарик бўлиб кўринганини ғира-шира тасаввур қилганча: «Да-а, биринчи кун. Биринчи нонушта...» деб ўйлаётган эди. Маматнинг ёнида қотма, қўллари узун-узун, кўзлари қандайдир ҳаракатсиз йигитча ҳам бор экан.

— Бизнинг жиян. Денов аканинг куёви Аҳмад! — деб таништирди Мамат ва Бекдавлатга иссиққина кулди. — Тўйида бўлгансиз-ку? Ҳе, машхур тўйда?

— Ҳа-а, — деб хаёлчан жилмайди Бекдавлат ва негадир ўша базмда — аёллар сафида, Ҳабибанинг шундоқ ёнида ўтирган Кимёни... эслаб қолди.

Ҳа, ўша ўтирган эди. Кейин унга сўз берилганда, бир алфозда — латта этик ва кирчимол кўйлақда ўртага чиқиб, худди ўзининг нақ даладан келганини намоёиш қилмоқчидек: «Келинимиз билан куёвимизни мен шахсан чўлга таклиф этаман!» деб нутқ сўзлаган эди.

— Келинг, ука, — Бекдавлат унга қўл узатди. — Яхшимисиз? Биз сизнинг тўйингизда бўлганмиз. Сўз айтмаган бўлсак ҳам, яхши ниятларга қўшилиб ўтирганмиз.

Аҳмад билинар-билимай жилмайиб, бошини эгди.

— Сувчилик қилганмисан? — сўради Туркман.

— Қилган. Қолганини сен ўргатасан-да, — деди Мамат. — Бек ака, чўлқуварлик касали бунгаям юққан. Бешқўтонда икки йил ишлаб келди... Энди бўлса, юрист бўламан, дейди. Ёғли жойни кўзлаб қопсан-да ҳозирдан десам, жаҳ-

ли чиқади. Ҳазил-ҳазил... Сен юрист бўласан, жиян! Ҳозирам уйига кирсам, қандайдир қонунларни ўқиб ётган экан.

— Нима, бу ерга келишларини билмасмидилар? — сўради Бекдавлат.

— Билганакан. Денов ака айтган экан. Узи келишни хоҳламаганакан.

— Пахтада ишлашни ёмон кўрасизми, Аҳмад?

— Нимаси яхши? — деди Аҳмад пинак бузмай. — Ишлаб кўрдим. Қизиғи йўқ. Эгри йўллар кўп...

— О! — Бекдавлатнинг кўзлари чақнаб кетди. — Маматжон, зўр-ку жиянингиз?

— Бизниям танқид қил туради... Шунинг учун юрист бўлмоқчи-да! Кейин турмушни тузатмоқчи... Тузатасан-тузатасан, жиян! Ҳозирча мана шу Туркман аканга шоғирдсан. Бу киши милисадан чиққан. Қонунни билади. Истаган саволингга жавоб оласан. — Кейин Бекдавлатга қараб илжайди. — Мана, Бекдавлат акамиз ҳам, шундай кўринганлари билан... бир олимча нарсани биладилар. Камтарлик қилманг, Бек ака! Биласиз!

Бекдавлат бу йигитчанинг бор-борлиғини англаб етгандек туйди ўзини. Шу пайт Денов ака ҳам тракторини гуриллатиб келиб қолди. Улар ҳаш-паш дегунча ишга тушиб кетдилар: ўрадаги чигитдан олиниб, кулга аралаштирилиб, сеялкалар бункерларига солинди. Гаражда эскидан қолган иккита қийшиқ карсон бор экан, уларни ҳам тўлдириб, бункерлар орасига жойлаштириб, боғладилар. Ниҳоят, тракторларни жилдириб, пайкал ёқасига олиб боришди.

Бекдавлатнинг ўзи ҳайдагиси келиб турган эди, Мамат қора: «Қошимда бир оз ўтиринг. Ҳавосини олинг. Юрганда билинади», дегани учун индамади. Бироқ пайкалга ҳайдаб киришни... ирим қилгандек, яъни, ўзи ҳайдаб кириши шартдек турар экан, антиқа бир ҳолатни сезиб қолди: ён-веригаги таниш бўлиб қолган кишиларнинг — Тўхтамиш отанинг ҳам, Денов аканинг ҳам, ҳатто Туркман билан Аҳмаднинг ҳам чехрасида фавқулодда бир шошқинлик, ҳаяжон бор: жуда катта, антиқа-қизиқ ишга бел боғлашган-у, ҳозир унга қўл уришлари замон ажабтовур ўзгаришлар бўлиб кетадигандек. Денов ака дамба-дам юзини артиб, олисларга қарайди. Тўхтамиш ота қўлини қорнига қўйиб эгилганча бир нималарни пичирляпти. Туркман кўзларини катта очган, худди пайкални ҳам «разведка» қилаётгандек ҳар ёққа ўқрайди; нималардир деб гўлдираб кўяди. Аҳмад далага манглайи остидан боқади, кўзлари жуда ўткир; амакиси Маматнинг гапи билан «ҳозирча» буларга қўшилган экан, бирданига ўзининг нимага қодир эканини кўрсатадигандек. Ҳатто Мамат қора ҳам нари-бери юриб, қўлларини белига тираганча кўзлари киртайиб, олисларга суқланади, негадир тракторининг дуч келган жойини шапатилаб кўяди.

Уларнинг ҳолатлари Бекдавлатга бирдан юқиши асноси ҳаяжонланиб кетди: ахир, у ... чигит экади! ...Уша чигитдан! Далварзинтепада тоштобуддан чиқиб қолган чигитга ўхшаш чигитдан... Кейин, у ўсиб... икки кулоқ бўлиб чиқади. Кейин...

Унинг нигоҳига қандайдир оқлик... оппоқ дала кўрина бошлаганида, Мамат:

— Ҳа-е! Ота, ҳа деворинг, энди! — деди. — Ер яхши. Моладан ҳам яхши чиққан. Асли Денов акам қайтиб далага тушишларини билар эканлар!

Денов ака синиқ жилмайди-да, чолга тикилиб қолди. Кейин унинг ёнига келиб, худди тинтув қиладигандек қаққайди-да, бирдан сўради:

— Ҳа, ота, кайфият жойидами? Нималарни пичирляяпсиз? Овоз чиқариб айтинг.

— А-а! — деди Мамат. — Айтинг, ота!

Шунда Бекдавлат Денов аканинг қандайдир масъулиятларни, албатта, Метин ёхуд Эшим Қўшоқовларга юклашни исташи ва уларсиз экишни «бошламайман!» — деганини эслаб қолди.

— Ҳай, йўқ эса, — деди чол ҳаммага бир-бир қараб. — Бундан буёғи... офат балосидан сақласин. Ишимиз илгари босиб, юзимиз ёруғ бўлсин...

— Айтганингиз келсин, — деди Мамат қора.

— Келади, — деди Туркман.

Денов ака мамнунлик билан молаланган майдонга қаради-да:

— Кетдик! Аҳмад, сен бу сеялкага ўтир, — деб кабинага чиқди.

Мамат ҳам зинага интилди-ю, бирдан кулиб, Бекдавлатга илтифот қилди:

— Марҳамат, ака!

Бекдавлат янги мавсумда... балки ўзи учун қандайдир охирги мавсумда трактор кабинасига илк бор кираётганини чуқур ҳис этиб ва бундан ҳаяжонланиб кетди-ю, сеялкани туширадиган ричагга қўл узатди. Денов ака икки йилдан бери трактор минса-да, ўта эҳтиёткорлик билан шудгорга киргизди. Уч-тўрт қадам илгари жилгач сеялкани таппа туширди. Сўнг газни босди. Трактор оғир ўкириб борар, орқасида тўртта из қоларди. Бекдавлат у кишининг беш-олти қадам нарига кетишини кутиб тургач, энди пайкалга оралаган эди, Денов аканинг трактори тўхтади. Ўзи тушиб, ариқ пуштасидан юриб қайтди ва ҳозиргина сеялка ўтган ерга келиб, чигит тушган чуқурчаларни кавлаб кўрди: чигитни олиб санаган бўлди, унинг қанчалик чуқур тушганини ўзича тусмоллади. Кейин:

— Метинбой ҳам бевақт кетади-да! — дея ҳаллослаб борар экан, бункерлар орасида тик турган Аҳмадга: — Кавла-кавла! — деди.

Аҳмад қўлидаги ёғоч билан бункердаги чигитни тез-тез кавлади. Буни кўриб, Бекдавлатнинг сеялкасида ўтирган Тўхтамиш ота ҳам ҳаракатга келди. Трактор тезлайбошлади. Бекдавлат илк эгат олишда эҳтиёткор бўлиш кераклигини яхши билар, зеро бошда аниқ олинган ариқ кейинги культивацияларнинг тўғри чиқишини таъминлаши маълум эди.

Х

Бекдавлат баттар ҳаяжонланди: худди тўғри бормаётгандек, рул ўзига бўйсунмаётгандек. Гоҳ ўннга, гоҳ орқага қарайди. Олдинроқда бораётган Денов аканинг изига, унинг четки ариқчасига қарайди. Узининг ўша томондан олаётган ариғи униқидан қанча берида эканига диққат қилади. У олға жилаётгани, шудгорнинг боши — тутзор ортда қолиб бораётганини сезади ва туйқус қувонч худди йиғидек томоғини бўғиб-бўғиб қўяди.

Рўпарадан учиб келаётган бир неча майна бирдан тепада айланди-да, Денов аканинг трактори изига — қора-жигарранг тусда очилиб қолаётган эгаларга пасайди ва баҳайбат товуқнинг кетидан эргашган очофат жўжалардек учиб-кўниб йўлакай бир нималарни чўқиб-еб кета бошлади. Уларнинг шовқини, тракторларнинг тариллаши, олдиндан — карнайдан пот-потлаб отилаётган тутун ва Бекдавлатнинг ўтирган ерида олға силжиб бораётгани — буларнинг бари бир-бирига қўшилиб кишида қандайдир шошқинлик-ошиқишни пайдо қилади. Кўкка қарасанг — тиниқ, олдинга ва чапга қарасанг — поёнсиз «дашт»-шудгор — сен ажабтовур «тулпор»да — темир отда наъра тортиб бораёпсан. Ернинг, яқиндагина ағдар-тўнтар қилиб ишланган ернинг бағрини тилиб бораётирсан! Бу — ер учун азоблими? Роҳатми? Билмайсан, ўйламайсан. Аммо олдинга жилганиндан хурсандсан. Чунки бу хурсандлик тагида — шундай қилишим лозим эди, уни қилаяпман, деган қайсар ва оддий фикр-ётади. Бу фикрни чақиб, мағзини тотмоқчи бўлсанг, ҳадемай шу ер устини яшиллик қоплаб олиши, дала яшнаб кетиши хаёлинга келади ва дуруст иш қилаётганинга яна бир қарра имон келтирасан. Одамзод фикр билан, режа билан, тўғрироғи, ҳаракатга айланган фикр ва режа билан олға босади. Урушда бу нарса яққол билинса керак: ёвни қириб-топтаб олға юрасан. Унга ачиниш қайда! Йўқ, аксинча, хурсанд бўласан ва шундай қилиш керак эди, қилаяпман, деб ўйлайсан: бу ишинг тезроқ амалга ошаётган бўлса, боз устига хурсанд бўласан.

Бекдавлат кўнглидан ўтаётган, соя солаётган турфа ҳислар ва шошқин туйғулар оғушида алланечук кўпириб ва шишиниб тобора олдинга борар экан, бир-икки марта кўзи — ўнг томондан — йўл ёқасидан тобора яқинлашиб-қорайиб кўринаётган қоратолга тушди. Кейин унга бирдан ўткир тикилди-да: «А, бизнинг тол!» — деб ўйлади. Куни кеча шу тол остида тургани, унинг пўстлоғини сийпаб кўргани эсига тушиб, ўшанда тол шохидан учган майналар ҳозир анави трактор изидан эргашган қушлар орасида йўқмикан, деган ўй ёдидан ўтар-ўтмас, орқа ойнадан ортига қаради-ю, элас-элас чанг пардаси ортида ўзига ҳам эргашиб келаётган гала қушларни кўзи илди: каптарлар ҳам бор... Хонаки каптарларга ўхшайди. Яна зағчалар!..

Жониворлар чангга беланиб учишяпти: ҳадемай туслари чанг рангига кириб қолади.

«Енглар, енглар, — деди Бекдавлат уларнинг юзага чиққан қурт-қумурсқаларни териб-еб келаётганини ҳатто ўйламай. — Яшаш учун кураш-да бу! Ҳа, биз ҳам... — Негадир Ҳикмат Башановнинг, Наманганда шекилли, шу гапни такрорлагани хотирасида ўғониб, ғижиниб кетди. — Курашмай ўл!.. — деди-ю, қаердадир, шубҳасиз «Наука и жизнь» да ўқигани — дельфинлар пода-пода майда балиқларни боқиб юриши, лекин улар орасида ҳам дангаса, ўғрилари бўлиши, пайт пойлаб подадан юлиб қочиши, қолаверса, бундай такасалтанглар ҳатто асаларилар орасида ҳам борлиги, бироқ ҳар икки ҳолда ҳам ўша жонзотларнинг ўз қонунларига кўра-да, улар иккиси ўлимга маҳкум этилиши ҳақида ўқигани эсига тушиб, ич-ичидан хурсанд бўлди. — Табиат қандай адолатли! Э, ҳалоллик, ҳаромхўрлик тушунчаси уларгаям хос: фақат бошқача — инстинкт шаклида бўлса керак».

Пайкалнинг адоғига яқинлашиб борар экан, энди секинлатиб, Денов аканинг қандай қилиб буриб олиши ва қаердан тушишини ўйлай бошлади. Денов ака четга етганида сеялкани кўтарди-да, тракторни буриб олди. Кейин уни яна тупроққа тушириб, энди Бекдавлатга бетма-бетроқ бўлиб кела бошлади.

Улар юзма-юз бўлганда, Денов ака жилмайди. Бекдавлат ҳам жилмайиб, «Мен юриб келаётган йўлга қараб ўтинг, қандай экан?» дегандай имо қилди ва бураверишда тракторни тўхтатиб, чигитлар қанча чуқурликка тушаётганини билмоқчи бўлди.

Бу ёқда Мамат қора шудгор бошида чўнкайиб ўтириб олиб кесак уқалар, «Бекдавлат... Сафари қариб Бекдавлатки келибди, демак... Маматнинг ўзи энди яна аллақаяқларга бориб, масалан, ўрмон хўжалигига ишга ўтиб нима топади?» — мана шуни ланжлик билан ўйлар, ўзи ишонгани ва тақлид қилгиси келадиган киши далани кўзлабди, бунда чуқур бир гап бор? — ана шуниям ўйлар ва кўнглининг туб-тубида бу қарорга нисбатан қаттиқ эътирозни ҳам туярди. У Музработда бир ярим йил ишлади. Бу ердаям ишлаётганига икки йилдан ошаяпти. Озгина пулдан бошқа нима топди? Уни ҳам «бор-э!» деб бир эски «Жигули»га урди, «Чопартепа ресторани»нинг официант қизи Ақлимани икки марта Душанбега олиб бориб: «Хоҳлаган нарсангни ол-э!» деди, совуриб келди. Аслида-ку Мамат қандайдир ҳарбий одам, камида учувчи бўлишни орзу қиларди. Инчунун бобоси Самад заргар Ватан урушида юксак унвонга сазовор бўлган, тўғрироғи, шу тўғридаги фармон газетада эълон қилинган, бироқ ўша кунни унвонни «ювиш» маросимида иккита шериги билан душман блиндажидан битта офицерга қўшиб олиб келгани — олти шиша шнапсни ичиш асноси кайф қилиб жанжал чиқарган ва Қизил Юлдуз нишонидан маҳрум бўлган, бироқ чол ўша газета нусхасини кампининг ишқутисида сақлаб келар ва болаларию невараларига қизиққон бўлмаслик, тартибга бўйсуниб, иложини қилса ҳарбий киши бўлишни маслаҳат берарди. Чол ҳамон бу ҳақда ўзининг аллақандай мулоҳазаларига асосланиб: «Маладес руслар, маладес грузинлар! Минг-минглаб геройлари бор. Болалари ёшлиқдан военний бўлишни орзу қилади. Сизлар бўлсангиз... Ота-оналарнинг гапига кўнманглар. Улар... эгаист. Ҳарбий бўлинглар, бунда ҳикмат кўп...» дер ва чурвақаларни милтиқ билан муомала қилишга рағбатлантирар эди.

Шу боис Мамат қораям милтиққа меҳр қўйган, тоққа — каклик овига, Қизилга — чил овига бориш — ёшлиқдан унинг энг суюмли машғулотига айланиб қолган эди. Лекин қўшнилари тожик бўлгани, уларнинг болалари билан мулоқот асноси тожикчага тили югурик бўлиб қолгани учун у университетнинг шарқшунослик факультетига киришга қарор қилди. Тўғрироғи, бу маслаҳатни Самад чол билан ўқтин-ўқтин чойхона орқасидаги Яккачинор остида чойхўрлик қиладиган Тўғон ака Абдурахмонов берган эди. Бироқ бобосидан «интизомсизлик» қон орқали ўтганми, ўқишни расво қилди...

Ҳикмат Башанов билан танишганда, у қурмағур чиндан ҳам: «Гапимдан чиқма, герой бўласан!» деган эди. Мамат унинг чизиғидан чиқмади: ўлиб-тирилиб меҳнат қилди. Бу йўлда минг тонналаб пахта териб, шухрат орттирган машҳур кишиларнинг кези келганда «йўқни йўндиришлари»ни ҳам ўрганди: у ҳам алмашлаб экишга ажратилган ерини — йигирма беш фойиз ерини пах-

тага айлантриб юборди. Бироқ улардай ёхуд Тошевдай бўлиш учун... тагин бошқа нарсалар керак, ҳатто оқ пахта терган механизатор билан ипак пахта терган механизаторнинг ишини бир-биридан фарқлаш... фақат тоннага қараб баҳо беришдек кўзбўямачиликларга чек қўйилиши керак экан. Мамат қора бош-даям герой бўлишига сал-пал шубҳа билан қараган эди-ю, бултур дав-сум охирида бу шубҳаси рад этилмас ҳақиқат эканига юз фойиз ишонди. Ишон-ди-ю, ишдан кўнгли совуди. Барибир нимадир қилиши керак: шуни ўйлаб-ўйлаб, милтиқ билан қилинадиган ишгина ўзини қаноатлантиришига амин бўл-ди. Ундай иш бугунги замонда фақат ўрмон хўжалигида — қоровулликда... Ме-тинга ҳали «Лесхозга... ўрмонга бораман» дегани билан, у хўжаликнинг бошлиқ-лари билан гаплашмаган эди.

Мамат кесакни ғижимлаб ўтираркан, Метинга ўша гапни... уни таҳқир-лайдиган таънали гапни айтганига бирдан пушмон қилди: «Нима кераги бор эди! Ҳамма билади-ку!» Бекдавлат яқинлашиб келар экан, Мамат ўрнидан тур-ди. Унинг чакноқ кўзларига кўзи тушиб ва ифодасидан уни нечундир ёш болага ўхшатиб, суюб кетди: «Яхши йигит-да, яхши-е!» деб хўрсинди-да, ҳеч қачон ун-дай бўлолмаслиги, у ўзидан юз бош баланд эканини яна тан олди. «Аммо дав-лат ишига приципиал, — деб ўйлади ва кулиб юборди. — Ушанда бемалол боп-лаб кетишим мумкин эди».

Ўшанда... Мамат қамоқдан чиқиб, мутасадди берган ўн сўмга мунг-ли тикилганча, дарвоза оғзида туриб қолди: «Э, нима қип қўйдинг?» деди-да, Тўлаган Тўраевдан барибир бошқача йўсинда бўлса-да ўч олиши керак-лиги ва уни олишига амин бўлди. Энди нима қилиш керак? Шунда йўл ёқасида тўхтаган «Заказной» автобусдан мўралаган киши кимнидир чақирди: «Чорвоқ-қа! Чорвоққа девомман-ку?»

Мамат унга гарангсиб қараб турди-да, Чорвоқнинг тоғли жой экани, демак ўзи кўп сайр-саёхатлар қилгани — севгани Улкантоққа ўхшашлигини тусмол-лаб: «Э, бир томоша қип келай! Бир тоғ ҳавосидан нафас олай!» деди ва бир-дан югуриб қолди. Эшикдаги кишини туртиб, ичкарига кириб олди: «Менам Чорвоққа, ака!» — деди шофёрга. «Ўша ёқда ишлайман, дейсиз-да?» — деди шофёр. Мамат тушунмади: «Нима-нима?» — «Ўша ёқда — қурилишда иш-лайман дейсиз-да, сўрашса!» — олайди шофёр. Мамат, ниҳоят, тушун-ди: «А, милиса сўраса, контролёр сўраса...» Кейин машина йўловчи ташимайди-ган хилидан экани, шофёрнинг эҳтиёткорлигида жон борлигини ўқди.

Ҳадемай шаҳардан чиқдилар. Мамат дераза тагида ялпайиб ўтирар, тот-ли-тотли хўрсинар ва ўзини шу қадар эркин-озод сезардики, хоҳласа, ҳозир шартта тушиб бошқа ёқларга ҳам жўнаб қоладигандай...

Сув омборидан тўрт-беш чақирим беридаги чинор тагидаги чойхона ол-дида автобусдан тушди. Бу баҳайбат дарахтларни ҳам, улар ортидан кўриниб турган яланг тоғни, йироқда оқариб тушаётган шаршарани ҳам ўзи Улкантоғ-да кўрган айрим-чинор ва яланг чағатларга ўхшатиб, шу туфайли бу ер-дан бегонасирамай чойхонага чиқиб борди. Туш пайти, одам кўп, бир стол-да тўртта ширакайф йигит ўтирарди. Мамат қора уларга яқин бориб, бўш сўрига чўкди. Худди Чопартепа чойхонасида ўтирган кишидек: «Ҳой, чойдан битта бўл-син!» деди. Ҳеч ким жавоб бермади-ю, анавилардан биттаси — япалоқ юз-ли йигит бир пиёла чой келтириб тутди. Мамат ҳайрон, ҳатто ўзини йўқот-гудай: қамоқда бундай мулозимат-илтифотни унутган, тўғри, у ерда ҳам биров-ларнинг чой келтириб тутган маҳаллари бўлган, бироқ... кўрқиганидан туттишар эди.

У яси юзли йигитга юз бор қуллуқ қилиб, раҳматлар айтиб, пиёлани ол-ди. Қора чой экан. Уни илгаритдан хуш кўрмаса-да, маза қилаётгандек бўлиб ичди. Энди пиёлани қайтариш керак: қандай қилиб олиб борсин? Ёнига бир чойнак чой қўшибми? Шунда ўша столдагилар кўзғалиб қолишди, Мамат ҳам ўрнидан туриб, тавозе билан кузатди. Япалоқ юзли йигит мезбон экан: улар-ни ошхона томонга кузатиб чиқиб, эски «Волга»га ўтқазиб хайрлашди-да, зинадан қайтиб тушаётиб, пиёла тутганча тик турган Маматни кўрди ва чойхона томонга қараб бақириб юборди: «Пази-ил, апкесенг-ши, э, шешенгди...»

Мамат кулимсираб, уни сўрига таклиф этди. У келиб, бемалол ўтир-ди-да, этик кийган оёқларини таранг чўзиб керишди. «Оғайнилар эди, — деди. — Ўзим Қозоқ қишлоқда милисаман. Формада келишнинг иложи йўқ...

Узимам қозоқман». — «Исмингиз?» деди Мамат ўзиникини айтгач. — «Сойимжон», — «Сойимжон, менга бу ер ёқиб қолди. Узимам асли тоғданман-да. Мен-боп иш топилармикан? Лой иши бўлсаям қип кетавераман...» Мамат қамоқдаёқ Чопартепага бир йўла бормаслигини биларди. Аммо бу ерда ишлаш фикри бирданига калласига келганди.

Сойимжон унинг кимлиги ва ҳоказоларни билиб, ҳужжатларини кўргач: «Э, сизнинг юртингизда бир оғайним бор, — деди. — Меровой йигит. Узиям сизга ўхшаб кетади...» Шундай қилиб, омбор яқинидаги янги қурилаётган шаҳарчага олиб борган, «меровой йигит» — қурилиш прорабларидан бири — Бекдавлат экан. Э, кўришиб қолишдилар-е! Ҳол-аҳвол сўрашиш дегандай...

Бекдавлат унинг қамалганини эшитган, бироқ тафсилотини билмас экан. Мамат айтиб бериб, ниҳоят, мақсадини баён қилди. Ёғоч уйнинг тўрида, чойнак ва пиёлаларнинг изи қолган стол ортида ўтирган Бекдавлат бош чайқаб қолди-да: «Ҳужжатларингни бер-чи», деди. Мамат чиқариб, узатди. У энди кўраётганида телефон жиринглаб қолди. Бекдавлат гаплашиб: «Хўп-хўп», деб трубкани қўйди-да, ҳужжатларни кўриб бўлиб: «Ука, мен сенга ишонаман. Илгаритдан ишонар эдим, — деди. — Лекин... сени бу ерда билмайдиганлар кўп... Хуллас, сенга ўхшаш кишиларни бир ой-икки ой синаш одати бор». Мамат жуда хурсанд эканини айтди. Кейин Бекдавлат: «Ўтира тур. Йигитлар келса, кутсин», деб тез чиқиб кетди.

Мамат ўтирди-ўтирди — зерикди. Кўзғалиб, бурчакдаги кичкина холодильник олдига борди. Очиб қаради. Бир шиша «Тошкент суви» бор экан. Ола солиб, тиши билан очди. Қулқиллатиб ичаётган эди, иккита йигит кириб, Бекдавлатни сўради. Мамат: «Кутар экансизлар. Келади», деди. Йигитлар чиқишди. Мамат шисани ярим қилиб, тағин жойига қўйди-да, деворга қоқилган, ёнғинга қарши плакатларни томоша қила-қила стол қошига борди. Унга қўлини тираб кулимсирадида, шартта ўтиб, Бекдавлатнинг стулига ўтирди. Суянчиққа ястанди-ю, шундоқ ёнида оғзи очиқ турган карзинага кўзи тушди. Таниш... жуда таниш қоғозлар йилтиради. Энгашиб қараса, пул... Бешталиқ, ўнталик, учталиқ — даста-даста. Мамат худди пулни эмас, илонни кўргандек аста кўзғалиб, четга, эшикка яқин турган стулга бориб ўтирди. У қалт-қалт титрар эди. «Нега карзинани очиқ қолдириб кетди? Қизиқ экан-ку? — деди ва стулга ботиб кетгандек бўлди. Беҳол тортиб: «Ҳали мени синаган бўлмасин тағин?» — деб ўзидан сўради. Кейин унинг қамоқдан чиқишни кута-кута, хусусан, сўнги ойлари, кунларда кутавериш қақшаб қолган асаблари иш кўрсатди. У беихтиёр қўллари мушт бўлиб, ирғиб турди: Бекдавлат кириши замон башарасига мушт солади.

Бекдавлат келди. Қовоғини солганча: «Янги иморатнинг пойдеворига яқин ўтган қувурда нинанинг кўзидек тешик бор экан. Аблахлик! Қандай қилиб-а?...» дея жойига ўтаётган эди, Мамат кулимсиради: «Бизни синаяпсизми, ака?» Бекдавлат унинг гапини уқмади: «Нима?» — «Нима-нима? Менинг кимлигимни ҳалиям билмас эдингизми? Э, номард! Сизни одам деб юрсам...» Бекдавлат баттар қовоғини уйди: «Жинни бўлдингми? Нималар деяпсан? — «Тушуниб турибсиз! Анави нима? Нега уни очиқ ташлаб кетдингиз?» — Мамат карзинага ишора қилиб, стол қошига келди. Бекдавлат карзинага қаради. Ҳамон гап нимадалигини фаҳмламай елкасини қисди. Кейин: «Хўп, ташлаб кетган бўлсам нима?» деди-ю, энди англай бошлаган, жилмая бошлаган эди, Мамат қоранинг тоқати тоқ бўлиб бақирди: «Нимага ўзингизни гўлликка соласиз?» Бекдавлат сўмрайди: «Нари тур. Бор, ўтир!»

Мамат беихтиёр тисланди-ю, унинг башарасига тушириб қолганини ундан кейин сизди. Аммо ўзини четга олмади: олайган Бекдавлатга тикилганча қолди. Бекдавлат эса кўзи билан уни аврагандек икки қадам босиб яқинлашди-да: «Хўп уришни ўрганибсан!» деб қўлини кўтарди. Мамат сал энгашган эди, кўтарилган мушт унинг нақ бошига келиб тушди. У ёғи номаълум: кўз олди қоронғи тортиб, бир ёққа шунғиб кетди. «Тошкент суви»нинг қолгани кўйлақларини ҳам хўл қилиб, томоғига тикилгач, ўзига келди. Кейин... Уч-тўрт кун боши оғриб, қалтис ҳаракат қилганда кўз олди-олами айланиб кетиб, гандираклаб юрди.

...Бекдавлат тракторини буриб олар экан, Мамат унинг ёнига тушиб, бош-малдоғини гажак қилди.

— Михдай!

— Чигит қандай тушаётган экан, чигит? — деди Бекдавлат. — Сак-киз-ўн сантиметр чуқурликда бўлиши керак-а?

— Э, ерга қарайди, ака. — У исқалангансимон тупроққа тикилиб, пуш-танинг ён-верини кавлаб кўрди. Тупроққа қўшилиб чиққан чигитни санаб: — Уч-та! — деди-да, яна кўмиб кўйди, — Яхши!.. Ака, мен энди кетсамми? Аҳмад-нинг теплицаси очиқ қолиб эди... Суриб, бу ёққа ҳайдаб келдим-да!

— Боринг-боринг. Ишдан қолманг, Маматжон, — деди Бекдавлат. — Ўзингиз далангизни экиб бўлганмисиз?

— Э, кеча эди тугатганим!.. Ака, бирон нарса керакми? Ашур тоғангизга айтайми келганингизни? Ё...

— Керак эмас. Ўзим бораман, Маматжон. — Шунда ундан кичкина бир бозорлик қилишни ўтинмоқчи бўлди-ю, ўйидан қайтди: тушлиқда ўзи бориб келар.

Трактор ҳамон тариллар, карнайидан ҳалқа-ҳалқа тутун отиларди. Бекдавлатнинг наздида анчагина ёнилги бекорга сарф бўлгандек бирдан юргизиб, Денов ака бурилиб ўтган жойнинг у чеккасидан тушди. Энди яна адоққа қараб, бир қадар ишонч билан рулни бошқариб бораркан, аста-секин ўзини босиб олган, анча хотиржам тортиб бемалол ўйлашга мойиллик сезар ва буни сезиши ҳамона бу даланинг ўтмишидан баъзи лавҳалар кўз ўнгида кўриниб-кўриниб кетарди.

Тўртинчи марта дала адоғига қайтиб боришида — этакдаги паст-баланд тепачалар орасидан силлиқ бўлиб, аллақандай либосидан айрилгандек кўринган чўқмор қояга кўзи қадалди-ю, юраги тотли орзиқиб кетиб: «Шу ерда эди...» деди.

Уша ерда — қоя биқинида у археологлар билан танишган эди. Армиядан келган пайтлар, тўғрироғи, Тошкентда бир неча ой ишлаб — зилзилада бузилган иморатлар вайронасини кўчирувчилар орасида ёши ташувчилик қилиб, Тошкент театр ва рассомчилик институтида ўқиётган Ашурга қўлидан келган ёрдамни қилиб, районга қайтиб келган чоғлари эди. Уроқ билан кечқурун Чопартепа ўркачида чекишиб ўтираркан, қоронғи тушганини сезмай қолди. Кейин эса, Қуралай этагида милт-милт ўт шуъласи кўрина бошлади-ю, Бекдавлат: «У нима? «Ёш болалар гулхан ёқиб ўтириптими?» деди. «Э, ҳозир катталар ҳам гулхан ёқиб ўтирадиган бўлган», деди Уроқ. Бекдавлат бироз қараб турди-да, дўстининг тирсагидан олди; «Юр, борайлик!»

Икковлон адирни кесиб ўтиб боришса, чўнг қоянинг ортида — шамолпанада оқ палатка тикилган, сал берирокда ўт ёнар, ўт атрофида — суянчиқсиз йиғма курсиларда талай йигитлар, аёллар ўтиришар, ўртада пастак хонтахта бор эди. Булар салом бериб, кўрга қўшилишди. Гап-сўз асноси уларнинг ўткинчи археологлар экани, жарликдаги Етимчўққи бетидан, айниқса, кун чиққан пайтда аниқ кўринадиган соч ўрамига ўхшаш бўртмаларни текширгани кўнишгани маълум бўлди.

Соч ўрамига ўхшаш бўртмаси бор тоғлар, қоялар ҳақида нафақат Ўзбекистонда, балки, умуман, Урта Осиёда бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган афсона яратилган. Эмишки, бу соч ўрамлари — қирқин қизларнинг сочлари бўлиб, ёвдан қочишганда ва тоққа, қояга: «Бизни яшир», деб ялинишганда, тоғ-тош ёрилиб, бағридан жой берган, қизлар кириб олишган-у, шошилишда соч ўрамлари ташқарида қолган эмиш. «Ёрилтош» эрагини ҳам эслатадиган бу нақл бу ердаям бор, Бекдавлат ёшлигида унга ишонишар ҳам эди. Қайсидир куни Тўғон Абдурахмонов шу хусусда савол берган болага жавобан: «У бўртмалар — табиатнинг ижоди. Бироқ унда яна бошқа сир ҳам бўлиши мумкин...» деб мулоҳаза билдирган, шу тариқа Бекдавлатлар бу хусусда иккиланишда қолишган эди.

Лекин Бекдавлат гоҳо эчкиларини шу ерга ёйиб қўйиб, қоянинг жанубга қараган томонига ўтиб, худди... Улкантоғ-Кўксув шимолидаги Куношар чўққисида гумгурс бўлиб ётган харсанг панасида ўтириб, этакка қизиқиш ва ҳаяжон билан тикилганидек, уфқларга боқиб ўтираркан, баъзан ён-вери деярли силлиқ бўлиб қолган, тепасида бургутнинг ини бор Етимчўққига анграйиб қолар,

кейин дам у ёнга ўтиб-дам бу ёнга ўтиб чўққи бағридаги ўрамларга боқар ва бирдан хаёлга толиб, тагин этакларга тикилар, наздида, ёв... дубулғали, қилич-қалқонли ёв ўша ёқдан — жарликлар оша елиб — учқур отларда елиб, тўзон кўтариб келгандек, қирқин қизлар ҳам елиб-учиб келиб қояга ёлворгандек туюлар ва ўзини худди ўшалар ичида ҳис қилар, сўнг-сўнг ҳушёр тортиб, тагин этакка боқар ва у томонларга кетиб-кетиб юборгиси келарди. Бекдавлат, айниқса, мактабни ташлаган... кезларида бу ерга кўп келар, унинг азиз-муқаддас маскани шаҳар марказида абадий қолган-у, бошқа — ажиб, дилга яқин манзара ва масканлар энди унинг бойлиги-суянчиғи каби... жумладан, бу чўнг қоя ҳам уни қандайдир оғир хотиротлар чангалидан қутқарувчи азиз бошпанга айланган эди.

Археологлар ана ўша афсонани сўрашди. Бекдавлат дам кулиб, дам қизишиб, эшитгани ва билганини айтиб берди-да: «Бизнинг тарих муаллимимиз бунда қандайдир сир бўлишиям мумкин, деган эдилар, — деди. — Борми?»

Археологлар бошлиғи — Ўзбекистоннинг жанубида энг кўп қазув ишлари олиб борган, собиқ Қўшонлар империяси даври осори-атиқаларини топиб намойиш қилган ва ўша давр буюк эллинистик санъати, яъни, грек-ҳинд-бактрияликлар санъати омухтасида бино бўлган қоришма мўъжизанинг билимдони Галина Анатольевна... ҳа-ҳа, Галина Анатольевна Пугаченкова — қотмагина, ориққина, серҳаракат, Оврупонинг «грек профилли» деган талабига мутлақо жавоб бергувчи кексагина аёл ҳаракатларидек тезликда жавоб берди: «Бўлмасам-чи? Ўқитувчингизнинг фикрида жон бор... Улкан қояларга улкан қилиб солинган-нақш этилган суратлар-ҳайкаллар «чиқаётгани»га юз йиллар бўлди. Чиқаётганига деймиз, яъни, минг-минг йиллар бурун яратилганига демоқчиман... Жўнроқ қилиб айтсам, Ҳиндистондаги Гандхара санъати намуналари ҳақида эшитганмисиз? Оқриткаларда бор-ку? Юнонистондаги ҳайкаллар ҳақида эшитгансиз албатта? Бу тупроқда бундан икки минг йилдан кўпроқ бурун Буюк Қўшонлар империяси донг таратган экан ва ундан бурунроқ бу ўлка Грек-Бактрия деб аталган экан, демакки, Ҳиндистондан Будда дини, Грециядан ўзга дин қаноатлари ҳам бу ерга кириб келган экан, ўшанда дин билан бевосита боғлиқ бўлган санъат кириб келмаганми? Жуда кириб келганда, азизим... Урта Осиёдаги йигирмадан ортиқ топилган Буддапарастлар ибодатхоналари, ана, Термиз... Эски Термиздаги Қоратепа остида жойлашган шундай ибодатхонадан чиқиб қолган мрамор, ганч ҳайкаллар ўз-ўзидан бино бўлганми? Айтаяпман-ку, ўшанда бу тупроқда эллинистик санъат пайдо бўлган ва камолга етган! О, ана шунинг учун буюк француз олими Шлюмь Бержега ўшаганлар бу тупроқнинг ўтмишига қизиқанда, худди Грециядаги каби азим қасрлар вайроналарини кўришга кўз тутган!.. Лекин у билмаганки, бу мамлакатнинг мрамор қасрлариям, инсон кайфияти бемалол акс эттирилган афсонавий қахрамонлари ҳам, оддий деҳқон, жангчи, фуқаро образи тасвирланган шундай шакллар ҳам аллақачон урушлар, уруш-қирғин довуллари таъсирида ер билан битта бўлган, тўғрироғи, ер тагига шўнғиб кетган: улар устида култепалар пайдо бўлган... Бироқ, ана ўшаларни ўйласанг, наҳот ушбу Етимчўққи бетидаги соч ўрамларидаям бирон сир йўқ бўлса, деб қолишинг табиий. Шунинг учун, азизим, ўша тарихчи муаллимингни фикрларида жон бўлиши мумкин дегим келади менинг ҳам...»

Бекдавлат оғзини очиб ўтирар, унинг учун олиманинг ҳар бир сўзи — тоғлар каби улкан янгилик ва улар салмоғидек куч елкасидан босар, ўзини шу қадар майда-хашакдек туюрдики... қанийди бу сирли одамлар паноҳида ивирсиб юрса! Ахир, булар ўтмишни... сирли ўтмишни очишаётган экан! Ахир, анчайин ўқитувчи ҳам айтарди-ку: кечаги кунни билмай туриб, бугунги кунни англаш қийин, деб. Демак, бусиз эртанги кунни тушуниш, мумкин эмас!

Бекдавлат эса, бугунги кунда яшаб, қандайдир даражада эртанги кун манфаатларига хизмат қилмоқчи... У бу хизматни, табиий, улкан, қурилишлар, пахта далалари, сув омборлари, катта-катта наҳрлар қазилишида ёхуд машхур заводларда-цеҳларда кўрарди. Мана, армияда бўлиб келди. Чет элда — Берлинда бўлди. Ватан ҳимоясида — чегарада хизмат қилди. Бундан ғоят руҳий ҳаловатда. У ёғини сўралса, Бекдавлатнинг ҳарбийда буткул қолиб, офицер бўлиб кетиш хоҳиши йўқ эмасди. Бироқ, бир ерда муқим қолаверишни ўйлашқоқ унинг юрагини тарс ёриб юборади.

Археологлар гурунги асноси олиманинг ёрдамчиси Бекдавлат билан Уроқдан ўзларига ишчи кучи керак экани, масалан, қазувда, юк ташувда, лозим пайтда улов ҳайдаб юришда; топилмасми эканини сўраши ҳаммоно Бекдавлат Уроққа ялт этиб қаради-да: «Мана, биз бор-да!» — деди ва юраги гурсиллаб уриб, ҳаяжонланиб кетди. — Рост, ишонинглар!»

Унга ишонишди. Эртаси куни кечки томон Етимчўққи бетдаги соч ўрамалари чиндан ҳам табиат кучлари — ёмғир, қор, довуллар ижоди экани дарҳол аниқлангач, Бекдавлат Уроқ билан хўшлашди. Қоратол яқинида Уроққа: «Келаман, келаман!» дея тўрт филдиракли, усти брезент билан ёпилган машинага чопиб тирмашар экан, назарида бир ёқларга кетмаётгандек, балки... ер остига — ер қаърига тушиб кетаётгандек туярди ўзини.

... Бекдавлат тракторини тагин айлантириб, шудгорга тўғриладида, ёрқин-ёқимли хотирадан жилмайиб турган юзи шийпонга рўпара бўлиб, ўрик остида тўхтаб турган ГАЗ—69 йўлтанламас машинани кўрди. Машинадан берирокда олмагулли шол қийиқ ёпинган аёл билан шляпали пакана йигит бу томонга аста келишар, қатор тутлар тагида ёққан гулханларини тепкилаб ўчиргандек тутун буриқситган Туркман улар томонга йўртиб борарди.

Олдинда кетаётган Денов ака тракторини негадир анча тез ҳайдаб шудгор жиягига етдим деганда тўхтатди. Кабинадан тез тушиб, уларга пешвоз чиқди. Олмагулли қийиқ боғлаган жувон Кимё экан. Бекдавлат беихтиёр уни эслаган чоғида — ўзини таниди. Таниди-ю, негадир бирдан хурсанд бўлиб кетди. Худди ўзини унга кўрсатмоқчидек! Унга нисбатан кўнглида қандайдир миннатдорчиликни ҳам туйди. Шундан кейин бу туйғу қандайдир фахр туйғусига айланди: у билан... Кимё билан фахрланармиди?

Жувоннинг оёғидаги яшил резина этикни кўриб, баттар қувониб кетди. «А, бу бошқа гап!» дейиши замон унинг... Денов аканинг маълум ва машҳур тўйчиғида кўргани қиёфаси тасавурида уйғонди. Ана шу қоришиқ ҳис-туйғулар қамровида тракторни тўхтатди-ю, тушсами-йўқми эканига иккиланиб қолди. Ана, Денов ака жуда мулозамат билан гаплашяпти.

Бекдавлат эшикни очиб, бошини чиқарди. Кимёнинг чақноқ кўзларига нигоҳи тўқнашиб, худди унинг сирли — илонники каби аврашига илингандек тезгина ерга тушди-да, кафтлари ҳали кир бўлишга улгурмаган, чангга ҳам беланмаган эса-да, қўлларини ёнига уриб-суйкаб, улар даврасига борди. Борибоқ шляпали, паст бўйли йигитни таниди: ўзи мактабдан кетгач, ўрнига комсомол ташкилоти секретари бўлган Кенжа Пухтаев.

Район жойларда ўзи гирт қишлоқда туғилиб, кейин бир муддат шаҳарда яшаган ёки ўқиган, кейин яна қишлоғига қайтган ғалати бир нав одамлар бўлади: улар шаҳардан кийинишни ва унча-мунча шаҳарча сўзларни тез ўзлаштириб келишади ва ўрни борми-йўқми, барибир ўша сўзларни қўллаб кетишаверади. Ҳатто умрида бўйинбоғ нималигини билмаган калта бўйнига туғуни катта, боғичи резинали галстукдан тақиб олади-да, куннинг иссиғига ҳам қарамай бўғилиб-терлаб юраверади. Табиий, ғаши келади, лекин, бўйинбоғ тақиши керак — вассалом! Шунинг учун чидайти. Бу тур одамларнинг юриш-туриши ҳам жуда антиқа бўлади. Масалан, айрим ҳаракатларида шаҳарча назокатга хос нималардир сезилиб қолса, аксар ҳаракатлари худди шу қишлоқдан чиққан, галифе шим кийиб, этигини ялтиратиб юрадиган эски раҳбарларнинг юриш-туришини эслатади: унда қишлоқлик билан шаҳарлилик гўё шу ўринда уйғунлашади. Бироқ у ўзича ақлли: жуда унақа шаҳарлик бўлиб кетишни истамайди, чунки қишлоқ аҳли кулишини сезади. Шунинг учун уларга жиндак ён бергандек бўлади: хусусан, салом-аликда лабидан майин-хайрихоҳона табассум армайди. Турган гап, ёшроқ йигитни кўрганда, овозини томоғидан чиқариб: «Қалай энди, ўсаясизми, йигит?» деб қўяди. Ўзидан катталар олдида бир гапдан қолишнйам билади, аммо улар сал ошириб юборишса, қандайдир ачиниш ва ғурур билан шундай силтаб ташлайдики, қўяберасиз.

Бундай одамларда хушомад, раҳбарлардан кўрқиш ва уларга кўр-кўрона таъзим қаёқдан пайдо бўлади? Ақл бовар қилмайди. Ҳар қалай, ақл билан иш тутмайдиган тақлидчи — нодон тақлидчиларнинг кўпчилиги шундай бўлиши аёнки, балки ана шу жиҳат билан унинг муомаласини изоҳлаш мумкин?.. О, унинг, дейлик, қишлоқ кўчаларида юриши жуда томошали бўлади: майда-

майда қадам ташлаб, қандайдир эгилиб кетаверади-да, ўқтин-ўқтин бошини гоҳ ўнга-гоҳ сўлга кескин буриб, кимгадир — ўткинчидами, бир вайрона ёхуд дарахтгами жиддий кўз тикиб қўяди. Ишонинг: шунда унинг кўзи ҳеч нарсани кўрмайди — шунчаки жиддий қараб қўяди, холос. Ақлли одамларнинг олдида эса жим-жит бўлиб олади. Аммо бошларини гоҳ салмоқ билан шундай силкитиб қўядики, ҳамма нарсани тушуниб турипти, ҳамма нарсани билади, деб ўйлаш мумкин. Ана шунда мабодо унга гап берилса-ю, фикр айтиши талаб этилса борми, агар кулгига буриб, бир нима деб қутилмасдан мулоҳаза билдиргудек бўлса... кўнглингиз озиб кетади: афтига тупуриб юборгингиз келади.

Кенжа Пухтаев сиртдан кузатганда худди ана шундай «ажаб» одамлар тоифасидан эди. Бироқ у университетнинг тарих факультетини битирган, ҳозир район қишлоқ хўжалик бошқармасида партком секретари эди.

Бекдавлат уни таниб:

— Э, салом, Кенжажон, — деб қўл узатди.

Пухтаев табассум қилиб турганди, сал ғалати бўлди-да, оғалардек салмоқ билан:

— Салом-салом, — деб унинг қўлини олди. Аммо дарҳол уларга юзланиб, суҳбатларига алоқадор гап қилди: — Гўнгни қишда бериб яхши иш қилган экансиз-да, домла!

Бекдавлат сал ноқулай аҳволга тушиб Кимёга қаради-ю, тагин унинг кўйкўзларидан чиқаётган ўткир нурга қадалиб, ундаги ажиб бир жозиба юрак-бағрига ўтиб, айни чоғда жувоннинг қиёфасида фақат ўзигина англаши мумкин бўлган бир самимий ҳамфикрлик борлигини туюб, яна вақти хуш бўлиб кетди.

— Келинг, Кимёхон, — деди.

— Ишларингни кўрайлик деб тўхтадик, — деди Кимё ҳамон куйдиргувчи табассум билан. — Яхши бошлабсизлар!.. Бек ака, йўлнинг ёқасида-да ерларинг, ҳамманинг кўзи тушади. — Сўнг кулди. — Биз бўлсак, мана, бошқармагаям, юқоригаям далаларимизга чигит экиб бўлинди, деб рапорт берганмиз.

Бекдавлат тахта бўлиб қолди:

— Нима учун? — Кейин сал пушмон еди: ҳамма жойдаям шундай-ку? Кимёни хижолат қилди.

Кимёнинг табассуми қиңояга айланди.

— Мурод акаям шундай дедилар, — дея Пухтаевга кўз ташлаб олди. — Умуман, шундай бўлиши керак... — кейин асаби бузилди. — Бироқ бизни ўзлари ўргатиб қўйганлар. — Кейин Пухтаевга қараб беписандлик билан кулди. — Мана, булар талаб қилишади... Э, Бек ака! Ҳали бу ишлар ҳолва!

«Мурод акаям шундай деган бўлсалар, яхши-ку?» деб ўйлади Бекдавлат. Кенжа Пухтаев эса:

— Ҳолва, ҳолва, — деб Кимёнинг гапини маъқуллади. — Лекин қишлоқ хўжалигида бўлар экан-да, ўртоқ Тўхтамишева. Ахир, биздан ҳам талаб қилишади.

— Тўғри-тўғри, — деди Денов ака. — Биз шу ҳафта ичида экишни тугатамиз.

Пухтаев тагин бояги гапини салмоқ билан такрорлади:

— Аммо-лекин гўнгни қишда сочиб яхши иш қилган экансиз, домла! Кимё кулди.

— Яхшиликка яхши-ю, кетаманга тушиб, бошқа гўнг тўпламаганлари чатоқ! — деди. — Тошев фермадаги бор гўнгни ташиб опти! — Кейин ғусса билан: «Ўлгур Башанов алмашлаб экишни йўлга қўйганда, фермасиям бўларди. Гўнг дейишга тилиям узун бўларди», дейишдан ўзини тийиб қолди. — Ҳар қалай ерларинг янги, келаси йиллардан қийинчилик туғилади, — деб қўйди.

— А-а, ернинг кучи кетади-да? — деди Пухтаев.

Кимё «кашфиётингиз учун раҳмат» дегандай истехзоли бош ирғаб, Бекдавлатга бирдан директор назари билан боқди.

— Бек ака, бизнинг ҳисобга ўтишним эсдан чиқарманг, — деди. — Малол келмаса, битта ариза, а? — Кейин бирданига завқ билан шийпонга қараб олди. — Шу ерда яшайсизми энди? Умуман-ку менинг қаршилим йўқ! — У Денов акадан шу гапни эшитиши билан: «Ё, тавба, шу нарса кўнглимдан кечган эди-я?» дея ажабтовур бўлиб кетганди. — Бизга қолса, бари деҳқонимиз

даланинг бошига чиқсин! — Сўнг беозор кулимсиради. — Тоғангизни кўрдингизми? У кишининг данғиллама ҳовлиларига бир бригада жой бўлади! — деди. — А, ўртоқ Пухтаев, яхши жойдан берганмиз-а, томорқани?

Пухтаев гапнинг қофиясига сал-пал тўғри қилиб:

— Шунақа-да, фойдаси тегадиган одамларга яхши жойлардан бера-сизлар! — деди. — Бизлар ҳалиям обшижитда яшаяпмиз.

— Э, гина қилманг, — деди Кимё. — Обшижитдан маъқули йўқ экан. Тепадан қарайсан, ҳамма ёқ сеникидек кўринади. Яхши бу, яхши-я, Бекдавлат ака? Хусусий мулкни сезмайсан!

Бекдавлат жилмайиб тинглар экан, унга дафъатан тик қараб олди.

— Ҳа-ҳа, — деди нафаси ичига тушиб.

Кимё хиёл чимирилди.

— Нега бошқача бўлиб кетдингиз?

— Мен? — Бекдавлат кулди. — Йўқ-йўқ, бир нарса эсимга тушди. — Шундай деб беихтиёр шийпонга қаради-ю, биратўла гулга бурканган, асалариларга макон бўлган ўрикка ҳам кўзи тушиб, жуда ҳайрон қолди: назарида, бу ерни ётишга-яшашга бекор танламагандек, худди шу ерда яшаш учун... Чопартепага келгандек бўлди. Кейин ҳаяжонланиб: «Ҳа-ҳа, орзу қилардим-ку шунини? Уша эмасми шу?» деди.

Кимё уни бир сония ҳайрат ичра кузатди-да:

— Қани, қағи, эсингизга тушган нарсани айтиб беринг, — деди. — Айтсинлар-а, домла?

— Майли-майли, — деди Денов ака соатига билинар-билимас кўз қирини ташлаб.

Бу қараш Кимёнинг нигоҳидан яширин қолмади.

— Ҳечқиси йўқ. Икки минут сизга рухсат, — деди Бекдавлатга. — Тўғрироғи...

— Ҳа, унчалик бўлса, айта қолинг, — деди Пухтаев ҳам. — Биз ҳам эшитайлик.

Пухтаевнинг олифтагарчилигини Бекдавлат энди пайқаб:

— Э, айтсак айтамыз-да! — деди. — Лекин сизнинг тушинишингиз муш-кул, Кенжабой... — Пухтаев кўп нарсаларни тушунмасдан қилишини Бекдавлат билар, ўшанда — мактабдан кетгач, комсомол карточкасини олгани ўзининг собиқ кабинетига кирганида бунга амин бўлганди: «нега, нега энди мактабдан кетасиз?» — сўради Кенжа. — «Кетиш керак бўп қолди-да, Кенжа». — «Бўлма-са объекти ёзинг!» — «Нима деб?» — «Сабабини кўрсатиб-да!» Бекдавлат сабабини тушунтириш қўлидан келмаслиги, қолаверса, асосий сабаб... Ашурда ва оилада бўлиб, уни баён этиш «яхшиликни миннат қилиш»дек туюлиши учун тилини тийди: яхшиликни миннат қилмаслик ҳақида унинг теран ақидаси бор эдики, унинг ўзи бир тарих... — «Эй, берасанми, йўқми?» — деб юборди Бекдавлат. — «Сенламанг, ўртоқ Бекназаров, сенламанг!» — «Э, ўтир-э жойингга! — деди Бекдавлат. — Узи ўқишингни зўрға эплар эдинг. Жамоат ишидан минг километр узоқда юрар эдинг! Барибир тушунмайсан... Тушунмаганинг учун конференцияда Жовли Пардаевнинг ёнини олган эдинг!» Ҳа, Кенжа Тўғон Абдураҳмоновдан олдин: «Бекдавлат Бекназаров ўқитувчи шаънига тўғри келмайдиган гапларни айтди. Менимча, бундай комсомоллар... ўзи комсомол бўлиш, ўқувчи бўлишга нолойиқ,» — деган эди. Тўғри залда жуда ғала-ғовур бўлиб кетган, бироқ айтилган гап — отилган ўқ.

Пухтаев сал оқарди-ю, тагин майинлик билан кулимсираб:

— Хўп, биз тушунмас бўлсак, тушунтиринг. А, ўртоқ Тўхтамишева? — деди.

Кимё унга парво қилмади.

— Хўш, Бек ака?

Бекдавлат қўлини белига тираб турган Туркманга, кейин чигити бункерларга ағдарилган карсонни кўтариб кетаётган Тўхтамиш отага қараб олиб:

— Э! — дея хўрсинди. Боқибойнинг семиз, доимо кўйлагининг олд тугмалари ечилиб юрадиган қиёфаси кўз олдиға келиб, кейинчалик у билан яқин бўлиб кетган эса-да, ўшандаги қилғилиғи учун тагин жаҳли қистаб гап бошлади. — Бир қўшимиз бор эди-да, Боқивой деган. Тошкентда. Ҳовлида, — деди.

— Тошкентда ҳовлингиз ҳам борми? — Пухтаев чамаси бир сония бурунги ғашлигини унутиб савол берди.

— Бор! — деди Бекдавлат. — Катта ҳовли бор... Сиз бу ердан жой ололмайд юрибсиз экан. Тошкентга борсангиз, ижарагаям жой тополмайсиз!

— Кечирасиз-кечирасиз...

— Э, бўлди, Пухтаев! — деди Кимё. — Бир гапдан қолинг... Гапга гап қўшиб туриш одатингизни ёмон кўраман-да. Ҳа, Бек ака. Ҳовлингиз бор...

— Ҳабибахоннинг ҳовлилари, — деди Бекдавлат. — Шу... Яшаб турардик-да...

— Хўш-хўш?

— Шунинг бир қанот девори нураб тушди. Зилзилада. Кейинги силкинишда. Узи зўрға турганди... Қўшнимиз дала боғига кўчиб кетганди. Мана шу кунлар эди... Соқивой ака, ўзлари ёмон одаммас. Шу, ўғиллари сал бошқача эди. Гоҳо «Поездга осилиб келгансан», деб кўярди. — Кимё жилмайди, кейин синиқди. Бекдавлат тезлаб, давом этди: — Ана шу Боқивой келиб қолди. Мен деворнинг тагини тозалаб, кесаклари, гуваласини йиғиб, лой қилиб, тўрт ғишт кўтариб қўйган эдим. Ғишт кўп эди, кўпларнинг уйи бузилган, материал сероб эди... Шунинг устига Боқивой келиб қолди. Деворни кўриб хурсанд бўлди-да: «Бизам кўшилардик. Девор ўртада-ку?» деди. Кейин тагига қараб, чийиллаб кетди: «Ярим ғишт биз тарафга ўтиб кетипти-ку? Бу қанақаси бўлди, кўшни?» Яна хунук гаплар айтди. «Одамларга ҳайронман. У қилиб-бу қилиб, бировларнинг уйига кириб олади-да, бошқаларнинг уйигаям ола кўз билан қарайди», деди. Мен жуда ўсал бўлиб қолдим.

— Сиз ичкуёв эдингиз-да? — аста, эҳтиёткорлик билан сўради Кимё.

— Шундай бўлади-да, — деди Кенжа Пухтаев.

— Ҳа! — деди Бекдавлат кесиб. — Шу, уйлари катта эди. Ёлғиз ўғиллари билан турар эдилар.

— Давом этинг, Бек ака.

Бекдавлат негадир: «Шу одам эшитмасин. Наридан бориб турсин!» дея гап отиб қолишдан ўзини аранг тийиб, бироқ баттар асаби бузилиб давом қилди:

— Шу денг, ғишт теришдан олдин режа тортиб эдим, — худди ўша режани — каноп ипни кўраётгандек ерга тикилди. — Эҳтиёт бўлиб эдим. «Ундай эмас, Боқивой», дедим. «Э, сиз биласизми, ман биламанми?» деб бақирди. Нима қилай?... Деворни буздим, нуратдим. Улар тарафга бир бўғин ҳам ўтмаган экан. Боқивой узр сўради. Лекин мен... хафа эдим. Шу билан девор битди. Соқивой ака келди. Келишдик. Лекин, — у кўз олдини парда тўсгандек Кимёга беҳол боқиб, уни негадир зўрға кўриб тураркан, овози бўғилди: — Уша «ярим ғишт» деган гапи эсдан чиқмай қолди. Жуда... Кечаси бир маҳал ташқарига чиқдим. Ана, анави ўрикка ўхшаб турарди олча. Гуллаган эди. Зинапояга ўтирдим. Ҳаво салқин. «Ярим ғишт» деган гап сира тилимдан тушмас эди... Кўп ўйладим. Биласиз, Кимёхон, Лев Толстой яхши айтган, бир эртагида. Бошқирдлардан ер сотиб олишга борганлар ҳақида... Ер учун талашади, тортишади одамзод. Лекин оқибат икки газ ерга эга бўлади, деган... Тўғри-да. Бу — доно гап... Бунда, энди, нима десам экан, жуда хусусий мулк туйғуси кўпда: ярим ғиштда... Узи, одамзод пайдо бўлиптики, ер учун талашади. Урушлар бўлади. Катта урушлар... Инсон қаноатни билмайди. Қаноат қилиш ҳам эски тушунчадир-у, аммо инсон манфаатини кўзлаб айтилган ҳикмат.

Кимё унга қараб турар экан, уни... Бекдавлатни қайтадан кашф этаётгандек эди: «бунинг сўзлари — чин ҳақиқат: унинг титраб, энтикиб, ёш болага ўхшаб қолганини кўринг!»

— Ҳа-ҳа! — деди Кимё бирдан. — Тўғри айтаяпсиз, Бек ака. — Қизиқ, ўзининг ҳам овози қалтираб кетди. — Кейин нима бўлди? Хулосангиз?

— Хулоса шу бўлдики... — Бекдавлат шикаста табассум қилди. — Мени афу этасиз, мен жамиятдан четга чиқиб яшашни тасаввур қилолмайман: ўзим... имкон борича жамиятнинг қайнаган ерида бўлгим келади. Бироқ... — У бир нафас жим қолди. — Бироқ энди, айтишга мажбурман... Кенжа, сиз эшитмасангизам бўлади. Сиз барибир тушунмайсиз. Жим туринг! Э!.. Хуллас, — у энтикиб, шийпон, ўрик ёққа қаради. — Сентименталлик десангизам майли.

аммо ўша кеча... салқинда, олча тагида туриб ўйлагандим-да, йўқ, истагандим-да: бир... тепача бўлса, устида бир кулба бўлса.

— Гапиринг. Хўш?

— Уф... Шу... атрофда девор, дарвоза бўлмаса. Бутун... тўрт тараф баралла кўриниб турса.

— А-а!..

— Ана шу... Шу нарса ёдимга тушиб кетди ҳали... Сиз обшежитдан қарасанг бутун атроф сеникидай туюлади деганингизда... Уша тепадан, кулбадан қараса одам... атроф, кенгликлар бари сеникидай... — Пухтаевга кўзи тушиб, бирдан жимиди. — Бўлди!

— Бек ака?

— Мен мана шу шийпонда яшайман!

— А-а, майли-майли... — Кимё бурилди. — Ҳа-а, яхши! — Унинг кўзлари чақнаб кетди. — Анави ўрик ҳам...

— Олчага ўхшайди, — шивирлади Бекдават.

Кимё унга яна-да чақнаб қаради-ю — одамзод қизиқ-да! — ўша олчага рашки келиб кетди: уни Бекдаватнинг хаёлидан мутлақо чиқариб ташламоқчи, ўрнига мана шу ўрикни ўрнаштириб қўймоқчидек бир ажиб аҳд-қасд билан:

— Жуда яхши! Сиз шу ерда яшайсиз! — деди. Кейин ғамгин кулди. — Хоҳласангиз, шу ўрикни олча деб атанг!

Бекдават хушёр тортиб, худди бир шеърдан сатрлар эшитгандек бўлди. «Қандай яхши! Бу гап жувоннинг тилидан шунчаки чиқиб кетдими? Бу гапда чуқур маъно бор-ку!» У... Бекдават, чамаси, худди ўша хаёлидаги манзарани топди-ку? Топгандаям қаердан топди? Қачон топди?..

— Раҳмат, сиз... — Бекдават у ёғига нима дейишни билмади.

Бироқ инсон руҳи шундайки, йигитнинг ҳолати нурдек, ҳаводек, йўқ-йўқ, замонавий тилда-ташбеҳда айтилса, биотоклар орқали Кимёга бемалол ўтган эди.

— Раҳмат, сизга... — деди у ҳам беихтиёр.

Бу ҳолатлар Кенжа Пухтаевга ўтмади: бояги ташбеҳдан яна фойдалансак, унинг ҳисларига етмади буларнинг биотоклари. Чунки у ҳам одам эса-да, номақбул-қуруқ фикрлар, ўйсиз мулоҳазалар таъсирида туйғулари-ҳислари уйғонмай қолган: бамисоли оҳанрабои занг босган эди.

— Хўп бўлмаса! — Кимё бирдан Бекдаватга қўл узатиб, унинг панжаларини шундай қисдики, — Бекдават билан илк кўришувида ҳам қисган, биз унда эркак боланинг қўлини қисиш — нима бўларди, дегандай қилган эдик, — ҳозир... Бекдават бунни сезибгина қолмади, вужуди титраб, ичидан аланга чиққандай бўлди: Кимё уни куч билангина эмас, эҳтирос билан ҳам қисган эди.

Бекдават яна:

— Раҳмат, раҳмат, — деб қолди.

Кейин Кимё эркакшодалик билан Денов акага қўл берди.

— Ишларга муваффақият эмасам! Демак, шу ҳафта экиш тугайди?

Ҳе, домлажон-э... Уртоқ Пухтаев, домламиздан айрилиб қолишимизга оз қолиб эди! — деб кулди, кейин. — Аммо кетганларидаям ўзим билардим: маорифга телефон қилиб, а?..

— Ҳе, сиз аломат. Сиз қилоласиз... — деди Кенжа Пухтаев.

Кимё унга тепадан қараб турди-да:

— Кўрдингизми, домла? — деди Бекдаватга ҳам тегишли қилиб. — Мана шундай партия ходимлари бизга комплимент қилади. Сизлар бўлса... — У ясама кулиш билан Туркманга қаради. — Хўш-да, туркман халқининг ўзбек фарзанди! — деди. — Улоқни олиб бермасангиз, ҳисобмас! Тошевнинг гапларига парво қилманг, у бизнинг парткомга сиздан нолипти ҳали.

— Дарров-а?

— У киши шундай. Бу соҳадаям тезотар. — Кейин жим, сўмрайиб турган Аҳмадга гап отди: — Куёвбола, ғайрат қиласиз энди! Бир ёғи қайнотангизнинг еридасиз!

Ниҳоят, Бекдаватга ўтли-жозибали нигоҳ қадаб олди-да, тагин боғи-дек — фақат Бекдават англаши мумкин бўлган бир самимият, айни чоғда, Пухтаевга беписандлик билан... унинг тирсагидан олди.

— Хайр!

— Хайр, хайр... Раҳмат, ўртоқ Тўхтамишева, — деб қолди Денов ака ва унинг борида товуши чиқсин учунми дарҳол тракторига миниб, тариллатиб юборди.

Бекдавлат тотли илжайиб, Кимё қисган бармоқларини ғалати силаб турарди. Шийпондан карсонни кўтариб қайтаётган Тўхтамиш отага кўзи тушиб, худди... унинг келишини кутаётгандек бўлди ва тракторни Денов аканинг нари ёғидан пайкалга солиб, чолни қаршиларкан, шавқ билан кулиб қўйди-да: «Яхши!» деб юборди. Ундан кейин паришон тортиб, Нозимни эслади: афтини беҳол изтироб қоплади. Кейин совуқ тус касб этиб, гўё Кимёнинг бу ерга келиши ҳам, қўлини қисиши ҳам ғоят табиий ҳол, чунки у директор-да, жавобгар шахс, дегандек жиддий, хотиржам бўлиб, бироқ юрагидаги пинҳон жумбушни кители остида яшираётгандек шоша-пиша тугмаларини қадай бошлади.

Кимё Кенжа Пухтаев билан кетаркан, тўрт-беш қадам юрмасдан Бекдавлатнинг бармоқларини сиққанда унинг қути ўзгариб кетганини эслаб, кулиб юборди. Шундай завқи келди, шундай маза қилди!

— Аммо-лекин, масалан, Тошкент томонларда, хусусан, Бўка тарафларда пудратни гектарчиликка ўхшатиб қўллаш усули расм бўлаётир эмиш, — деб минғирлади Пухтаев Кимёнинг ҳали тирсагидан ушлагани, демак, ўзини яқин тутгани, демакки, унга қандайдир фойдали бир нарса дейиш учун. — Бунга қандай қарайсиз, Кимёхон?

— Э, дардим шуми?! — Кимё гапириб қўйгач, ҳоврини босди. — А, уми? Бўлмасам, корандага ер бериб, шоли эктиришга ўхшар экан-да, уларнинг ишлари?

Пухтаев бу гапни кутмаган эди.

— Бироқ, улар яхши натижага эришаётган эмиш? — деди.

— Э, қўйинг! — Кимё яна аслига қайтди. — Бизнинг парткомни яхши гапи бор: пудрат ҳам — бир эксперимент!

— А-а, у кишиям ўзларича ҳақ, — деди Пухтаев. — Биз энди, ўртоқ Тўхтамишева, ҳаммамиз ҳам... сизга яхши бўлсин деймиз-да. Сиз районимизда ягона директор — хотин-қизлардансиз. Мен жуда хурсандман: ўртоқ Тангриқулов сизга анча қайишадилар. Бироқ, — у шикастагина кулиб қўйди, — домламизнинг қаттиққўлликлариям борки, одам, рост, баъзан кўрқиб кетади.

Кимё оромда ётганида ташқаридан хавфли товуш эшитгандек бошни кўтарди.

— Лекин сизга хайрихоҳ, ўта хайрихоҳ, — Кимёнинг кўнглини тўқ қилгудек бўлди Пухтаев.

— Сизга-чи? — Кимё унга чақчайиб қаради. Чиндан ҳам Мурод Тангриқуловнинг бу одамга муносабати қандайлигини Кимё билмас, бунга қизиқиш хаёлигаям келмаган эди.

— Менга? — Пухтаев елкасини қисди. — Мен у кишини ҳурмат қилсам... Бизни ўқитган... озроқ ўқитган бўлсаларам, устоз деб юрсам..

Мурод Тангриқулов Кенжа Пухтаевга деярли эътиборсиз, чамаси, уни шунчаки бир раҳбар — ишлаши керак бўлган, маош олиши зарил бўлган бир ходим, деб ҳисобларди. Пухтаев бу эътиборсизликни ҳар қадамда сезар, у кишига яқинлашишга интилар, аммо... у киши сўкиб берадигандек, ҳа-ҳа, негадир уришиб берадигандек бўлаверар ва «фақирнинг жойи панада» дегандек иш кўришга мажбур эди. Кўнглининг тагида эса Мурод акани ёмон кўрар, ундан кўрқиб — унга нафратга айланиб турарди: чунки у одамнинг эски раҳбарларга ва Пухтаев қаддини тиклагандан бери давом этиб келаётган айрим раҳбарлик йўриқларига баъзан ёвузлик билан қараши — Пухтаевни ғоят чўчитарди.

Бу ҳолатларнинг сабаби бизга маълум: Кенжа Пухтаев Мурод акаю Тўғон акалар мактабдан кетишгандан кейин, аниқроғи, ўшаларнинг кетиши муносабати билан мактабда пайдо бўлган ўзгача — дейлик, катталарга, хусусан, педагогларга таъзимона ҳурмат, «домланинг қилганини қилма, айтганини қил» қабилидаги руҳ пайдо бўлган чоғда ўзини тутиб олган, балки ўз табиатида мавжуд бўлган — ҳалиги руҳга мос жиҳатларнинг жавлон уришига монанд майдон очилганда «эсини таниб», ана ўша кайфиятда «одам бўлган» йигит эдики... Мурод Тангриқуловнинг тагин кўтарилиб, кўтарилгандаям район

раҳбари бўлиб келиб, амалга ошира бошлаган айрим «қалтис» ишлари Пухтаевни гоҳо даҳшатга соларди.

Кимё Термизга чақирилган маҳалларда ёхуд тоғ сафарларида шофёр чақирар, бошқа вақт ГАЗ—69 ни ўзи ҳайдаб юрарди. Кабинага киришгач, жувон манглайдаги кўзгучага қараб, пешонасига тушиб қолган сочини тагидан кўтариброқ қўйди. Сўнг сирли бир иш қилгандек... жилмайиб қўйди-да:

— Тошевга борамизми? — деди.

— Тошевга, Тошевга! — деди Пухтаев. — Шу азаматга қойилман-да! Ҳе, меҳнат қилсанг ўсар экансан-да!

Кимё ижирғаниб, унга ачитадиған бир нарса демоқчи бўлди-ю, бу хушомадгўй-тойлоқдан қўрққулик экани учун — Кимё Пухтаевни биларди — миқ этмасликдан маъқули йўқ деб, тағин... кўзгуга қараб олганини сезмади. Сўнг бирдан жилмайиб ва роҳатланиб: «Ёқаман... Нега ёқмайин? Йигит киши-ку?» — деб ўйлади. Кейин дили хира тортиб, ўзини пастга ургандек туюлди. Туюлди-ю, Бекдавлатнинг ҳалиги гапи... олча таги, «ярим фишт» миясида чақнаб, негадир бирдан йиғлагиси келиб кетди. Ҳа-да, Кимё ҳам қандайдир даражада Бекдавлатнинг орзуси рўёбида эди...

У албатта истиқболда бошқача... бир иморатларда яшашни ўйламаса-да, бунга беихтиёр амин. Бироқ ҳозирча... унинг завқи, руҳий қаноати бошқа нарса-да: пудрат раҳна солаётган... лавозимида эдики, энди ўзи англамаган ҳолда, тағин... бир завқ манбаи очилаётгандек, балки очилгандек эди. Акс ҳолда, у боядан бери бунча кўп завқланмаган бўлармиди? Сираси, бу «завқ манбаи» жуда унчалик ғойибдан келган эмас, балки ўзига илгаритдан таниш... гоҳо қалбини жуда-жуда орзиқтирган, тўғри, кейинчалик йўқолиб, ҳатто арзимас бир нарсага айланиб қолган «манба» эди.

— Кенжа ака, ифор тугаб бўлдимми? — Кимё саволни бергандан кейин ҳайрон қолди.

— Иформи? Гуллаган бўлса керак, — деди Пухтаев ва аъзойи бадани ёқимли бир ҳисдан бўшашиб кетди: жувоннинг оғзига қаради. Кейин: — Бу йил ифор едингизми ўзи? — деб мунисона сўради.

— Иформи? Йўқ. — Кимёнинг кўз олдига қандайдир тепалик, тошлоқ тепалик келди. (Ифор одатда шундай тошлоқ тепаликларда битади). Кейин эса, оқ халатли тўлагина жувон кўринди. У кулди. (Оқ халатли жувон — мактаб-интернатнинг директори эди). — Лекин чиқаман, — деди бирдан. — Арпани кўришим керак!

Пухтаев оҳиस्ताгина сўради.

— Бизам борсак бўладими?

— Сизми? — Кимё қаҳ-қаҳа отиб юборди. — Йўқ! Сиз... анави Бекдавлат ака билан чиқасиз! — У тағин баттар хахолай кетди. — Э, Бекдавлат ака-е!

— Э, номини тутманг, — Пухтаев ўриндиқда ўнгланиб олди. — Ҳайронман, қилча ўзгарिश йўқ. Димоғи бир қарич... Ўзи ким-у... Бир саёқ...

Кимё тўғри кетаётган машинани атай чуқурга тушириб олди. Буям етмагандек рулни ўнгга-сўлга буриб Кенжа Пухтаевни анча силкитди: ҳушёр қилди.

— Сиз шофёрингизни ишлатмайсиз-а? — деди Пухтаев.

— Ҳа! — деди Кимё кескин. — Нима кераги бор, ўзим ҳайдашни билганимдан кейин? Ана, Канада ҳақида бир фильм кўрдим. Ман-ман деган миллионер фермер самбреро деган шляпани бошига мундоқ кўндириб, машина ҳайдаб юради. Яши-да!

— А, улар аломат.

Охири келгуси сонда



Сирожиддин Саидов

Тўполондаре билан хайрлашув



Достон

Тавалло

Одамларни даъват этиб инсоф, имонга,
Гоҳида шодмону гоҳ мотамсаро,
Қуруқликда сурон солди менинг бонгларим.
Сенга ёлвораман энди, жон дарё!

Кимдан боғлар қолди. Кимдандир доғлар...
Кимдан тақдир қолди — тап-тақир сахро.
Узинг армонимга оби ҳаёт бер,
Сенга ёлвораман энди, жон дарё!

Тўлкинлар чўққилар пойини ювди,
Гиёҳлар юз очди тармалар аро.
Қотган юракларнинг музликларида
Узинг қўлла энди, мени, жон дарё!

Мақсадим зар, шонга ўраниш эмас —
Инсон камол топсин еру кўк аро.
Йўлимда ястанган руҳий чўлларда
Узинг қўлла энди, мени, жон дарё!

Умрлар кўрдим мен — хасдек бенишон,
Умрлар — замин у замондан айро.
Ҳаёт дарёсидан четроқда қолсам
Ўзинг қўшиб қўйгин мени, жон дарё!

Энди занг босган сабр-қаноат эмас,
Туғёнлар жонимга киргайдир оро.
Дардларнинг ғов босган туғонларида
Ўзинг туғён бергин менга, жон дарё!

Мулла Оқилнинг Ваҳоб шоир билан суҳбати

(XIX асрнинг охири. Тўполондарё қирғоғидаги чайла)

... — Биз қаридик, бу дарё тинмади, тинмади. Умр — дарё, дегувчи эдилар. Бу дарё...

— Икки ўғлим бор эди, мулла. Қаторда турган нор эди, қизлар уларга зор эди. Кўксим тўла доғ эди. Уғилларим тоғ эди. Ай, дунё! Нима қилдинг-а! Юрак-бағрим тилдинг-а! Тўнғичим ўн тўққиз ёшда эди, мулла! Бўйнига тош боғлаб шу дарёга чўктирдилар. Кўз ёшимни тўктирдилар. Ай, дунё!..

— Биз эрта-индин ўтамиз. Бу дарё...

— Бу дарё — менинг ўғлим, мулла!

— Бу дарё туман йиллардан бери оқяптими-ей, биз унинг соҳилига келиб кетган бир шабада эканмиз-да...

— Бу дарё ўн тўққиз ёшда, мулла!

— Биз яшадик, ували-жували бўлдик. Бу дарё...

— Бу дарё уйланмаган, мулла!

— Улларимиз ҳам улғайиб, уйланиб, ували-жували бўляпти. Бу дарё...

— Бу дарёнинг фарзанди йўқ, мулла!..

— Мен сизга айтсам, армоним кўп, дармоним йўқ. Бу дарё...

— Бу дарё — менинг армоним, мулла!

— Мен сизга айтсам, қарилликка даво йўқ экан. Бу дарё...

— Бу дарё — менинг дармоним, мулла!

— Мен сизга айтсам, озми-кўпми — гуноҳимиз бор. Элга нима деймиз? Элни нима дейсиз? Эл... Нима дейсиз?

— Ҳеч кимни элдаин етим қилмасин, мулла!..

Ўттизинчи йиллар. Аскарлар. Бетоб ётган Ваҳоб шоирнинг сўзи:

Давроннинг далғовини
Мен кўрдим десам бўлар.
Бу ўғлонлар соғ бўлса
Беармон кетсам бўлар.

Мен балки эрта-индин
Қилгайдирман жон таслим.
Бу ўғлонлар соғ бўлса
Улмагай менинг наслим.
Ўз юртин кўксига ўқ
Отганларни кўрганман.
Элдан чиқиб элини
Сотганларни кўрганман.
Қолса мендан Сўз қолар:
Дондай сочиб юрганман.
Буюк халқ бирлан буюк
Муҳтожликни кўрганман.
Кунларимдан айтайми?

Тунларимдан айтайми?
Омонликдан айтайми?
Емонликдан айтайми?

Жувонмарг бўлган гулдан,
Дилдан сўйлайинми ё?
Армонларда қоврилган
Элдан сўйлайинми ё?
Барисин айтаверсам
Дунё боз ғамга тўлар.
Мозорлари чинқириб
Юртим аламга тўлар.
Мен осмон бўлдим — етар.
Мен хазон бўлдим — етар.
Кўра-кўра охири
Зўр армон бўлдим — етар.
Бу армоннинг элимдай
Ранг-рўйи сомондирми?

Шукрим, кўрдим охир
Эшниеъ командирни!
Бунда менинг ўғлим йўқ.
Лекин менинг кўнглим тўқ:

Бу ўғлонлар соғ бўлса
Ватанимга ўлим йўқ!
Демак... яна кетгайсиз,

Довонлардан ўтгайсиз.
Мен қолдим энди чоғи...
Сиз манзилга етгайсиз.
...Тоғларда акс садо,
Зириллайди осмонлар.
Мен ётибман,
Кўксимда
От сурмоқда замонлар.

Нидо

«Мен сизга айтсам, елкамда болам, кўлимдаги тугунчада бир сиқим тутмайиз, дарё ёқалаб кетяпман, кетяпман. Дарёки аждарҳодай тўлғанади, вишиллади. Кўрқиб кетяпман денг, елкамдаги чирқиллаб «нон», дейди. Мен эса кетяпман, кетяпман. Ҳеч зоғ йўқ. Фақат дарё. Йўл юраман, йўл юраману пичирлайман. Уша маҳаллар йўллар ҳам узун экан-да. Дунёда мендан бошқа ҳеч ким йўқдай, гўёки дунёнинг ўзи ҳам йўқдай, кетяпман. Қаерга кетяпман — билмайман, нимага кетяпман — билмайман, лекин кетяпман. Бир маҳал соҳилда нимадир ялт этди, яна кўрқаман денг, яқин бориб қарасам — бешик, олтин бешик! Сувда чайқалиб, қалқиб турибди. Карахт бўлиб қолибман. Гойибдан «ол» деган садо келгандай бўлди. Болани ерга қўйиб, довдираб қўл узатдим — етолмадим. Ҳар қанча уринсам ҳам кўлим етмади. Чайқалиб, чайқалиб оқиб кетди. Ҳай, аттанг, ҳай, аттанг!
Шундан кейин тўрт болам очликдан ўлиб кетди. Сизлар кўрмагансизлар-да, билмайсизлар...»

[Хумор амма гурунгларида.]

* * *

Очликдан жон берган болалармиз, биз:
Туршак шимиб, гоҳи атала хўплаб
Юрган бўлсак ҳамки бари бир ўлдик.
Мана бу муштдайин тепа — Тошпўлат.

Мана бу — Роҳила.

Буниси — Қодир.

Очликдан жон берган болалармиз, биз.
Ёғоч қошиқлардай қатор қўлчалар...
Дунёнинг энг ҳазин нолаларимиз.

Турдининг отаси ўлганда жангда,
Бунда укаси ҳам ўлди — кўнғир сочлиги.
Кўрдик: теграмизни қуршади бирдан.
Улуғ Ватан уруши билан
Улуғ Ватан очлиги!

Жангда ярадорни қутқармоқ мумкин.
Бунда очлик «яраласа» ўлдирар эди.
Уввос солганида қаранг жувонлар
Биз мўлтирар эдик. Мўлтирар эдик.

Мўлтираб-мўлтираб ўтдик дунёдан:
Хайр келажакнинг иссиқ нонлари!
Шамоллар уйғотар буғдойзорларни
Тонглари.

Тонглари.

Тонглари.

Фақат оқибатдан хавотирдамиз.
Бағрин кенг очаркан пурнеъмат ҳаёт,
Бизни ҳам ёдига келтирармикин
Очлик нималигин билмаган авлод?..

¹ Эшниеъ Юнусов — Сурхондарёда босмачилик ҳаракатига қарши тузилган кўнгилли отряд командири.

Хотира

«Уруш экан-да, 43-йил, госпиталдан чиққанимда уйга бориб келишга рухсат беришди. Келдим. Йўлхалтамда яримта нон. Вокзалда бир муштипарга кўзим тушди, ёнида боласи — иккови ҳам зор-зор термилади. Яраланган вужудим яна ўқ егандай зирқираб кетди. Нонимни бердим. Ўзим дарё ёқалаб тахтакунжара чайнаб кетдим. Йўловчилар берган тахтакунжарани.

Айтсам ишонмайсизлар...

Ҳеч кимнинг бошига солмасин у кунларни, ҳеч кимнинг!..»

(Отамнинг ҳикояларидан.)

* * *

Тинчликда кун кечирдим,

ҳаётим-чун бежирим,

Ота, мени кечиринг!

Мусаффо осмон учун, миллионлаб қурбон учун,

Яшолдимми ЭЪТИҚОДни тирикликка кўчириб?

Ота, мени кечиринг!

Кўкрагимга санчилади аламларнинг ханжари,

Кўряпман:

зор кетяпсиз

кўлингизда кунжара...

Ота, мени кечиринг!

Кечиринг, чўнг умрингизнинг.

бори дарду ғам бўлди.

Нега бугун нон кўп,

бироқ меҳру шафқат кам бўлди?

Ному мансаб,

шону шуҳрат жангларида қурбонлар

Бериб,

нечун инсонлигин йўқотар бу инсонлар?

Саҳро бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди.

Дарё бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди.

Шунинг учун кўз олдимда тўлиб-тошиб ҳозир ҳам

Утаверар Тўполондарё — ҳеч туганмас ХОТИРА.

Ҳозир

Сўз аввал дарёга

Булоқлар ёшидан пайдо бўлдим мен,

Чўққилар «тожи»дан пайдо бўлдим мен.

Туғилдим чақинлар тўполонидан,

Шунданми Тўполондарё бўлдим мен?!

Кўклам селларининг хўйи мендадир.

Асл гиёҳларнинг бўйи мендадир.

Бағримга босдим мен қалдиروقларни —

Тошқинларнинг «сайил-тўйи» мендадир.

Минг йиллик чинорлар фарзандим менинг.

Ҳайқирар ҳар тошу харсангим менинг.

Асрангиз балиқлар, ўсимликларни,

Табиат — энг сўнгги асрандим менинг.

Беиз йўқолмасин то оҳуларим,

Токи зангор қолсин бу соҳилларим.

Булғамай қолдиринг соф бир жилғамни,

Токи уруғ очсин гулмоҳиларим.

Энди даштлар учун баҳор бўламан,

Энди тошқинларга хумор бўламан.

1 Гулмоҳи — фореель балиғи.

Беш юз миллионлаб тошқинни тўплаб
Сувоьбор бўламан! Сувоьбор бўламан!

Арчалар артинар теграларимда,
Қорлар сочиқлардай елкаларида...
Табассум бўламан — юз минг табассум,
Юз минг гектарларнинг чеҳраларида!

* * *

Ҳозир бу ерларда бульдозерларнинг
Суронлари ичра от-улов хайрон.
Дарёнинг туғени эшитилмайди —
Ҳозир бу ерларда гурлайди замон.

Кўчма кранларнинг «қўли» тинмайди,
Зингиллаб югурар кафтдек текис йўл.
Новак чуққисида нафасинг ростлаб,
Дарада меҳнатнинг тошқинини кўр.

Бунда бир замонлар эшак йўқотиб,
Кимдир байтлар тўқиб изғиган ҳар ён.
Энди Ниҳондара прожекторларидан
Тунда тулкилар ҳам қолмагай ниҳон.

Ҳозир бу ерларда ғам мунги эмас,
Бунёд этилмоқда бир буюк битик.
Тоғнинг энг покиза бўйлари билан
Димоққа урилар қорамой ҳиди.

«Эсиз, гулдай дарам хор бўлди», дебон
Балки, қай бир йўлчи писанда қилар.
Лекин соҳилдаги янги уйларга
Ҳавасинг келару ҳавасинг келар.

Ҳордиқ чиқармоққа фурсатга гал йўқ,
Ҳозир бу ерларда тизилган «ЗИЛ»лар.
Йил ўтиб айланиб келсанг, кўрасан
Қатор бўй чўзганин кўркам массивлар.

Бунда туғилажак ҳар битта фарзанд,
Ишонгум туғилар туғени билан.
Ва бу туғён билан нурга белади
Дунёни: замин у осмони билан.

Фарзанд

Токарь Баҳодир Шамиев оиласида фарзанд туғилди. Бу Тўполон-дарё сувоьборида қурилган ишчилар посёлкасининг биринчи граждани эди. Шу сабабли қурувчилар посёлкага ҳам, янги меҳмонга ҳам рамзий маънода Фарҳод деб исм қўйишди.

Сен дарё бўйида дунёга келдинг, —
Дарёю замоннинг тўфонларида.
Исмингни ёзишди остоналарнинг
Ҳали қуримаган бетонларига.

Ҳайқириб турарди у пайт қоялар.
Осмонларда — чақмоқ, гулдирак —
Сен тошқин қўйнида дунёга келдинг.
Демак,

кўнглинг тошқин,
ўзинг тошқин бўлмоғинг керак!

Сенинг бешигингни тебратди еллар,
Гиёҳлар безатди уйқуларингни.

Анов чўққилардан охулар тонгда
Кўрди лабингда илк кулгиларингни.

Буларнинг барчаси Ватандир,
Ватан!
Товонинг ўпажак ҳар бир тош — Ватан!
Сен ҳали билмайсан — янги айвоннинг
Шифтига ин қўйган қалдирғоч — Ватан!

Тилларанг сувлардай равон бўлганда,
Бургутлар учганда тоғдай дилинган.
Юракнинг энг юксак чўққиларида
Бир кун учрашасан, сен, Ватан билан!

Унинг бир кунига ярамоқ учун,
Оғир дамларида бўлмоқ-чун тирак,
Озлик қилар фақат жим севиб юрмоқ.
Ўзинг имон,
кўнглинг имон бўлмоғи керак!

Ватан, деб ўзини ёқлаб, алдаса —
Нопоклар алдаса,
Чапаклар алдаса,
Ҳамма ҳар йўсинда уни таласа —
Сен ўз юрагингни юлмоғинг керак!

Сен ўз юрагингни юлмоғинг керак!
Виждон тешасини уриб бефарёд,
Ростликни манзилга элтмоғинг керак.
Жуда қийин йўлдир бу йўллар, Фарҳод!

Шунданми,
бу ерда,
улкан қояда
Оппоқ ҳарфлар билан безаб жисмини,
Қурувчилар ўрнатишибди:
Сенинг Навоийдан қолган исмингни!

Сувомбор қурилишидан репортаж

Тўғон қад кўтарар Ниҳондарада.
Ниҳон замонлардан хотира тўқиб
Қоялар юзида сирғалар шамол.
Ўнг томонда — чўққи.
Чап ёнда — чўққи.

Шамолим, неларни сўйлаётирсан,
Адашган қиз янглиғ тентираб сарсон?
Балки ҳув қорлардан пинҳон хатинг бор,
Уни ўқий олмас ҳеч ким, ҳеч қачон.

Сув бўлиб эрийди тоғлар, кетасан,
Кетасан — сочларинг кўринмас, ниҳон.
Метин одамларнинг сенга иши йўқ.
Муҳими — бетондир.
Муҳими — тўғон.

Тўғон! Менинг сирли дарам ошкор ларзада.
Харсанглар ағанар сувга. Чанг-тўзон.
Экскаваторлар — темир динозаврлар
Тўрт ёндан ҳамлага шайланар. Тўғон!

Тўғон!
Асрларим сел бўлиб оқди.
Боболарим чопди:
— Жон даштим, уйғон!
Қурғоқчил замонлар, камчил давронлар,
Қатма-қат армонлар — ҳаммаси тўғон!

Тўғон! Енган бўлсам ростлик деб ёндим.
Лекин англаб етдим: Ҳар неки ёлғон,
Худбинлик, дабдаба, сўзбозлик, ғараз —
Бари юрт камоли йўлида тўғон!

Тўғондир мешчандил, семизқоринлар,
Юртдан фойда пойлаб юрганлар, тўғон!
Муқаддас сўзлардан шиорлар тузиб,
Узи виждон пуллаб турганлар, тўғон!

«КраЗ», «БелАЗ»ларнинг шовқини аро
Кўксимга урилди ногоҳ зўр туғён:
Ёмонлик йўлини тўсмоққа эзгу
Одамлар тўғондир. Мен ҳам бир тўғон!

Гоҳида дарёдай ҳайрон кетдим мен,
Унг томонда — ёлғон, чап ёнда — ёлғон.
Инсоний бир нигоҳ, бир кафт, бир калом
Билан сиз ёлғонга бўлдингиз тўғон!

Менинг умрим надир? —
Тошқиндир, селдир,
Оққувчи кўнгишлар кўклами томон.
Ёмонлик ёмондир — тўғонлари бор,
Ундан ҳам бетуғён омонлик ёмон!

* * *

Абдусаттор — менинг синфдошим:
Тўғонда ишлайди бетончи бўлиб.
Унинг юрагига туташ иплардир,
Шу тоғларнинг ҳар сўқмоқ йўли.

Илдизлар туташдир.
Гиёҳлар, гуллар
унинг жон-жонига бўлганлар пайванд.

У айтар:
— Сен мени газетга ёзма,
Мен бир оддий одам.
Мен арзимамайман.

Унинг ишдан бошқа қилар иши йўқ.
Яғир жомакорлар — умрий қисмати.
Силлиқ йиғинларда тилга олинмас
Бундай фидоларнинг жимжит хизмати.

Абдусаттор!
Қайдин бу сўзлар:
«Мен бир оддий одам. Сен — катта одам?»
Одам деган сўзнинг оддий шаънидан
Баланд кетган бўлсам — мен қандай одам?!

Абдусаттор, бу ноаён фарк
Бизнинг ўртамизда рўй берди қачон?
Биз якдил болалар эдик ҳаммамиз,
Якдил орзу эдик. Якдил тўполон.

Йилларми ва ёки тақдирлар сабаб
Ўртада пайдодир ҳадик — чегара.

Кўришганим чоғда нега иймандинг,
Нимани ўйладинг? Сен-ку беғараз,
Ўзинг айтгандайин оддий одамсан.
Лекин онглари пуч, мансаб тагида,
Бетлари қип-қизил, маишатпараст,
Абдусаттор, кимдир атрофдагилар?
Кимдир у — энг тоза либослар кийиб,
Элдан юз ўгириб турганлар, кимдир?
Фақат қоғозлардан план «дўндириб»,
Жарақ-жарақ даврон сурганлар кимдир?

Бундайларни кўрсанг четга чиқасан,
Ойлаб фарқ бўласан иш — ташвишингга.
Қора терга ботиб кунларинг ўтар,
Сен парво қилмайсан ёзу қишингга.

Кимдир у? Саволлар лашкардай тайёр,
Жавоблардан эса баъзан дарак йўқ.
Лекин сен ишлайсан. Миллионлар ишлар,
Шул сабаб Ватаннинг доим кўнгли тўқ.

Сен тўғон қурасан. Менинг зиммамга
Метин сўзлар тушган, о, Абдусаттор!
Юк пойлаб тизилган «БелАЗ»лар янглиг.
Бурчлар кутар мени қатор ва қатор.

Фақат бир нарсани биламан:
Менинг,
Сенинг, шу дарёнинг йўлимиз бирдир.
Бу йўл келажакка элтади бизни,
Келажакнинг эса манглайи нурдир.

Уй

«Менга ҳам тинчлик керак. Танка миниб келсанг ҳам ҳеч қаерга кетмайман. Етти пуштим шу ерда кўмилган бўлса... Душоҳ чўққисига чиқиб чодир тикиб ўтираманки, илло, бу тоғлардан кетмайман. Урушда қатнашган бўлсам, индивалид бўлсам, катта ўғлим муаллим, кенжам пионер бўлса. Яна бирови армияда юрибди. Эрта-индин кириб келса-ю, «Ота, уйимиз қани?» деб сўраса, сенинг булдузўрингни кўрсатаманми?...»

**(Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Нарзиқул Норовнинг
бригада мажлисида айтган сўзидан.)**

* * *

Сизнинг ҳаётингиз бус-бутун бўлсин,
Насиб этсин сизга шодлик ила куй.
Кўз олдимдан кетмай мени ўртайди,
Отам ярмисини қуриб кетган уй.

Отам ярмисини қуриб кетган уй
Тиззалаб келади сўзлари билан:
«Мендан шу уй қолар...» Ва йиғлайди уй
Ойнасиз ромларнинг кўзлари билан.

Эшиклар ҳангу манг. Кесакиларда
Болғасини кутиб михлари қолди.
Отам қайга кетди? Битган дунёда
Битмаган ёлғиз уй йиғлади, қолди!

Устувор устунлар! Сиз нима дейсиз?
Нега жим турибсиз битмаган шифтлар?
Чала хоналарда армоним менинг,
Бўғотларда эса қушларми қишлар?

Умрлар умидин сарф этди бунга,
Отам йиллаб курди бу иморатни.
Хаёт-ниҳояга етмаган ишлар,
Кемтик қувончлардан ё иборатми?

Отам ярмисини қуриб кетган уй...
Шул сабаб умримда соғинчлар ярим.
Елкадош бўламан устунларингга,
Остонангда эзилар бағрим.

Дил билан оқлайман деворларингни,
Отам ярмисини қурган уй — юртим.
Гарчи бир манзилга зор бўлиб баъзан
Кўча-кўйларингга ҳайрона юрдим.

Кўнглимда фироғу аразим йўқдир,
Отам ярмисини қурган уй — юртим.
Мен ҳам бир меъморман. Юксак тоғлардай
Юксак туйғулардан мен сени қургум.

Мен бир қурувчиман. Бунёд этгайман
Сени руҳимдаги ёлқинларимдан.
Сўзма-сўз,

қадма-қад,

заррама-зарра

Кўрк бергум дилдаги тошқинларимдан.

Деворлар қургайман ишончларимдан.
Қувончларим билан кўчаларингни
Чироклар сингари мунаввар этгум.
Нурларга тўлдиргум кечаларингни.

Сўнгра кириб боргум бунёдкор каби,
Кўнгли яримларнинг кўнгилларига.
Сўнган умидларнинг чирокларини
Алмаштиргум янгиларига.

Токи, ҳар бир уйда, Бахт тўйи бўлсин!
Токи, ҳар бир тўйда, Бахт бўйи бўлсин!
Токи, ҳар бир орзу — Бахт куйи бўлсин!
Токи, ҳар бир кўнгил, Бахт уйи бўлсин!

Эсдалик

Қирғоқлар сўроғидан
Қароғимга ёш олдим.
Тўлқинларнинг кафтидан
Етти дона тош олдим.
Кўзу қошим шу дарё,
Мавжлардан қуёш олдим.
Балиқларни қўйвориб
Етти дона тош олдим.
Мангу тўполонингга
Жон-дилим пайванд, дарё.
Фарзандлар қаторида
Мен ҳам бир фарзанд, дарё.
Қояларни қайрадинг.
Харсанглар — равон-равон.
Мени қайради йиллар.
Юрагимда тўполон.
Сени бошқа кўрмайман.
Хотирам — сув,
тош,
қумлар.

Сен қоласан,

Мени-чи,
Олиб кетар тошқинлар.
Ҳув боққан оҳуларнинг
Рухимдадир оҳлари.
Бир зум чайқалиб қолар
Кундаи Жувоз боғлари.
Энди бу ерларда мен
Бургутхаёл юрмайман.
Учратолмайман сени,
Сени бошқа кўрмайман.
Энди уйғонсам керак
Кечалари салқинлаб,
Остонамга бош уриб
Келаверар тўлқинлар.

Тоғларни ўйлағайман
Бетонларда ўтириб.
Харсанглар келаверар
Арслон янглиғ бўкириб.
Шамоллар кўчиб келар
Фариштадай уйимга.

Чинқириб сўқмоқларим
Осилади бўйнимга
Ва ёзув столимдан

Мисли етти митти жон,
Етти дона тош боқар —
Етти дона тўполон.

Даъват

Юракдаги туғёнлардан
Пайдо бўлинг! Пайдо бўлинг!
Инсон учун, иқбол учун
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!
Ўзгалар-чун ўзингиздан
Айро бўлинг! Айро бўлинг!
Куйиб, қақраб қолсангиз ҳам
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!
Бу дунёнинг ишларига
Майли лолу ҳайрон бўлинг!
Сахро бўлса бошқалар, сиз,
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Тўлиб-тошиб яшанг фақат,
Тўлиб-тошиб адо бўлинг!
Кўлмак эмас, не бўлса ҳам
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Ўзбекистон, ташна юртим,
Тупроқларинг нурга тўлиб
Тошганини кўрганман мен
Дарё бўлиб! Дарё бўлиб!
Фақат Аму, Сирдарёмас
Яшнатгувчи саҳроларинг —
Усмон Носир, Қодирийлар
Сенинг улуғ дарёларинг!
Алар ёди, абётидан
Онглар гулга бурканар.
...Юрагини кўкрагида
Тошдай олиб юрганлар
Тирик ҳали...

Бу сўзлар ҳам
Тошқин тўзонларидай.
Виждон отлиғ дарё бўлинг
Замон ўзанларида!

Хотима

Дарё билан хайрлашаман!
Хайрлашгандай сурон билан.
Лекин қанча виро айтсам

лабларимда армон билан,

Ошно бўлиб бормоқдаман

туғён билан,

туғён билан.

Туйғуларим жой талашур замин билан,

осмон билан.

Шиддатларнинг тилларида

дунё билан дардлашаман.

Мен, дардлашиб дарё бўлдим.

Мен, хайрлашиб дарё бўлдим...

Дарё билан хайрлашаман!

Йиллар билан ташлашаман.

Дарё билан хайрлашаман!

Пахса уйлар сўнгги марта тўлқинларда қалқирлар.

Боболарим кулбасида сайр этмоқда балиқлар.

Йўллар билан аҳдлашаман.

Дарё билан хайрлашаман!

Барчасини айтолмадим.

Соҳилларим тор келди.

Қанча дарё бўлса кўнглим

шунча ташна, зор келди.

Лекин кўрдим.

Юракларга баҳор келди!

Баҳор келди!

Мен, дилимни, энди тинмас сел — тошқинга

алмашаман.

Дарё билан хайрлашаман!

Хайрлашаман.

Лекин бунда,

қоялардай ёдим қолар.

Оҳуларга макон излаб


чўққиларда додим қолар.

Жарларда фарёдим қолар.

Менда бир дарёдил қолар.

Дарё билан хайрлашаман!

Дарё бўлиб хайрлашаман!



Эйисир Қошмалов

ИККИ КАРРА ИККИ-

2x2=5 Б Е Ш 2x2=5

самурилик қисса

Бу қисса бошдан-оёқ эксцентрик услубда қурилган. Начора, «ошириб ёзишлар» ҳақида озми-кўпми, ошириброқ ёзиш керак-да! Асарнинг талай саҳифалари қоғозга тушаётганида ўзим ҳам кулдим. Лекин бундан беш-олти йил илгари унда тасвирланган воқеаларнинг кўпини ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитганимда... Йиғлагим келган эди.

МУАЛЛИФ

Биринчи боб

Касаллик тарихи

— Э, дўхтиржон! Қийнаб нима қиласиз, одамни! Айтяпман-ку, соппасоғман! Раҳмат, яхши даволадинлар. Эсингиздами, баннисага келган кунларим, бир лунжим оқиб тушган нондек осилиб ётувди. Оғиз — ёмғирда қолган ўчоқ! Қўлим билан тўғрилайман, деб ҳарчанд уринаман, қани жойига келса, тағин қийшайиб қолади, хумпар! Кўзнинг ҳам биттаси катта, биттаси кичкина эди! Мана, ҳаммаси бип-бинойи! Энди, дўхтиржон, бизга жавоб берсангиз... Нима? Яна сўрайсиз-а? Жиноятчисан деб терговчи дапрос қилса, жиннисан деб, дўхтирлар дапрос қилса... Нима қилай, ахир? Кимга айтай додимни!

А? Ҳеч қанақа касал бўлган эмасман! Болалигимда ҳам, ундан кейин ҳам... Ангина-мангина, қизамиқ-пизамиқ — биронтаси бизга йўлаган эмас! У ёғини сўрасангиз, беш ёшга тўлгунимчаям яланғоч юрганман! Нима? Ҳа, қишдаям!

Хлоппункт ёнида каттакон ҳовуз бўларди. Мабодо пунктдаги бундларга ўт кетса, «пажарний» чақириб овора бўлиб юрмаслик учун атайлаб ҳовуз қазиб, сув тўлатиб қўйишарди. (Ҳар йили бўлмаса ҳам, йил оша пахта бундга ўт тушиб турарди. Бир гал электрдан, бир гал қуёш тафтидан)... Бир куни десангиз, қаҳратон қишда ҳовузнинг музини ёриб, ичига тушиб олганман. Дадам уч оёқли велосипед олиб бераман, деб ваъда қилмагунча, ҳовуздан чиқмаганман. Ушанда онам «вой, энди нима қилдим, болажоним ўлиб қолади» деб чирқиллагани эсимда... Балоям урмади... Қайтага мазза қилдим: яланғоч одам эркин нафас олади-да, тўғрими? Одамнинг ҳамма жойи нафас олиши керакми ахир? Э, сизам онамнинг гапини айтасиз-а! Кичкина пайтимда онам нуқул тутиб олиб, яланғоч кетимга шапатиларди. «Ҳамма оғзи-бурни билан нафас олса, сен бошқа жойингдан оласанми, жувонмарг!» дерди. Кечирасиз-ку, дўхтиржон, кимнинг қаеридан нафас олиши ўзининг иши! Тўғрими-йўқми? Қолаверса, инсон боласи

ўзини-ўзи чиниқтириши керак. Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз, дўхтиржон! Раис бува ҳам доим шунақа дерди. Айтган гапани маъқулласам, «Ана энди ўзингга келдинг, Қўшовой, ақлинг тошни ёради», дерди.

Оббо! Яна ўша саволми? Айтяпман-ку, умрим бино бўлиб грипп бўлган эмасман, томоғим оғриманган, ичкетар бўлмаганман. Тошни есам, қум қилиб юбораман!

А? Авариядаям қолган эмасман! Жўрам Шодивой билан бир марта авария қилишимизга сал қолган-у, худонинг ўзи бир асраган.

Нима? Йиқилишга-йиқилганман! Ёнғоқдан! Қир учидан! Ўзиям ёнғоқмисан-ёнғоқ эди-да! Ёнғоқ-ку, томорқада эди. Аммо шунақанги тарвақайлаб кетгандики, томорқадаги дарахтнинг сояси кун тиккага келгунча ҳовлимизнинг ярмисини қоплаб ётарди. Пахтага дори сепадиган самолёт қишлоғимиз устидан учиб қолса, бизнинг ҳовлини теппасига келганида вариллаб, ҳаволаб кетарди. Бир сафар пастроқ учган экан, битта қаноти узилиб ёнғоғимизнинг шоҳига илиниб қолган. Ун кунгача даканг варракка ўхшаб лапанглаб турган. Темир шапка кийган одамлар осмон барабар нарвон келтириб амаллаб тушириб олишган. Мен ана ўша ёнғоқнинг қир учидан йиқилиб тушганман. Нима? Неча ёшдалигимни қаёқдан билай? Хуллас, ҳали мактабга бормаган пайтларим эди-да!

Гира-шира эсимда. Томсувоқ бошланган кезлар эди. Томсувоқни биласизми? Ҳа, яшанг! Томорқадаги худди ўша ёнғоқ тагидан лойхандақ қазиб, сомон босишди. Лойни сомонга аралаштириб роса қоришди. Дадам шимининг почасини қайириб, лойхандаққа кирди. Ҳашарчиларнинг пақирига пайдар-пай лой солиб турибди. Ҳашарчилар зипиллаб ташиб турибди. Э, дўхтиржон, сиз билмайсиз! Қишлоқ жойда ҳашар деса ҳамма ёпирилиб келаверади. «Қаёққа, нимага» деб суриштириб ўтириси — номардлик бўлади. Хуллас, ҳовлимизга тумонат одам тўпланди. Қарасам, башанг кийиниб олган ўзим тенги бола ёнғоққа кесак отяпти. Шунақанги дўмбоқ, шунақанги думалоқ болаки, хўппа семиз қуёнга ўхшайди. Отган кесаги том барабар кўтарилса, ўла қолай! «Ҳой, кимсан?» десам, йиғламсираб, «ёнғо-оқ» дейди. «Отинг нима, ҳой бола!» десам, яна «ёнғо-оқ» дейди. Чаққонлигимни бир кўрсатиб қўйгим келди. Кафтимга туфлаб туриб, ёнғоққа тирмашганим эсимда. Меҳмон болани ёнғоқ билан сийлай қолай деб маймундек типирчилаб, дарахтнинг қир учига чиққаним ҳам ёдимда. Ёнғоғимиз ҳам хўп мева солган экан ўзи! Ҳар биттаси олмадек келади жонивор! Тағин ғуж-ғуж. Энг юқоридаги шохни силтаганимни биламан. Бир маҳал қарасам... телевизорда кўрсатадиган сувга шўнғувчилар бор-ку, ўшанга ўхшаб лойхандаққа калла ташлаб тушяпман. Оёқ-қўлларимни жуфтлаб олганман, денг. Ҳали тушяпман, ҳали тушяпман, қани лойхандаққа етсам! Бир маҳал «шўлқ» этган овозни ўзим ҳам эшитгандек бўлдим. У ёғи эсимда йўқ. Кейин айтиб беришди. Лойхандақнинг қоқ ўртасига бошим билан санчилиб қолибман. Дадам ишга қизиқиб кетиб сезмабдиям. Ҳатто бир-икки марта кетмоннинг орқасини жуфтлашиб турган оёғимга қоқиб, лойини тозалабди. Қозиқ деб ўйлаган-да! Анчадан кейин чарчаб «перекур» қипти. Носқовоғини товонимга уриб-уриб тагидаги ёпишиб қолган носини кўчирмоқчи бўлган экан, қитиғим келиб, оёғимни типирлатиб қолибман. Қитиғим ёмон-да! Отам турган жойида тахта бўпқопти. Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетибди. Кўплашиб лойхандақдан суғуриб-олишибди. Ювиб-тараб, мундай қарашса, бошим тарс ёрилиб кетганмиш. Мен бўлсам йиғлаш ўрнига кули-иб ётганмишман. Тўғриси айтмайми? Ўшандан бери ҳеч йиғламаганман. Нуқул куламан. Ўшандаям онам «вой, болажоним, сенга нима бўлди» деб йиғлаганида кулиб тураверибман. Сал-пал эсимда бор, негадир ўшанда онам кўзимга иккита бўлиб кўринди. Овози битта-ю, ўзи иккита.

— Тирикмисан, болажоним! — деди овози битта, ўзи иккита онам.

— Тирикман, эна, — дедим илжайиб.

Кейин бошимга отам эгилди.

— Нима бўлди, Қўшовой?

Негадир дадамнинг кўзи тўртта бўлиб кўринди.

Ун қўлимнинг тўртта бармоғини диккайтирдим.

— Кўзларингизга қўлларимни тикиб олайми?

Дадам ҳуркиб, ўзини орқага ташлади.

Йўқ, уч кун ичида ҳеч нима кўрмагандек ўйнаб кетдим. Дадам жўраларига мақтанди: «Бизнинг ўғил маладес! Тегирмонга тушса бутун чиқади!»

Ҳа, айтмоқчи, ўша куни уйимизга меҳмон келди. Худди ўша — «ёнғоқ» деб йиғламсираган дўмбоқ бола. Оти — Шодивой экан. Буни қарангки, Шодивой отасини бошлаб кепти. Раис буванинг ўғли экан. Раис бува кўлимга зарқоғозли ишкалад берди.

— Шодивой билан қиёматли жўра бўлларинг! — деди.

Майли, Шодивой билан жўра бўлсам, бўларману, ўша кундан бошлаб ғалати одат чиқардим. Бир қарасангиз миям, тракторчи кўшнимиз Турсунбой аканинг пат-патига ўшаб қарсиллаб ишлаб кетади, бир қарасангиз ҳеч балога ақлим етмайди. Устига-устак, тагин битта айбим бор: лоф-қофи билан гапирмасам, кўнглим жойига тушмайди. Ўзимдан бир ёш кичкина Жу деган синглим бор. (Оти Мавжуда, мен уни «Жу» дейман). Масалан, дадам синглимга дўппи олиб келса, кўчага чиқиб, шовқин соламан.

— Дадам Жуга тўртта дўппи олиб келди!..

Сигиримиз туғса, яна кўчага югураман.

— Суюнчи беринглар! Сигиримиз учта туғди! — Буёғиниям бир зумда тўқиб ташлайман. — Иккитаси урғочи, учинчисиям урғочи!

Бирпасда онамнинг рўмоли саккизта, дадамнинг этиги ўн тўртта, ўзимнинг ботинкам ўн олтита бўлди! (Кошки ботинка кийсам!)

Турсунбой акамнинг мотоцикли битталигини биламан. Аммо бутун қишлоққа хабар тарқатиб келдим: «Турсунбой аканинг олтита пат-пати бор!»

Кечқурун Ойсара янгам бизнига чиқиб, онамга ҳасрат қилди.

— Қўшовой тушмагур ҳаммаёққа Турсунбой ака олтита пат-пат сотволди деб гап тарқатибди. Опажон, ўзи янги рўзғор бўлсак. Шу битта пат-пат ўргурниям раис бова олиб берди: куёвингиз яхши ишлагани учун. Билмаганлар, булар битиб кетган экан, демайдими? Болангизни тийиб қўйинг, опажон!

Ойсара янгамни яхши кўраман. Онамнинг айтишича, қишлоғимиздаги энг сулув жувон шу эмиш. Колхоз кутубхонасида ишларкан. Шунақа-ку, янгамнинг гапи менга ёқмади. Ҳозир калтак ейман, деб чўчиб турган эдим, ундай бўлмади.

Онам бепарво кўл силтади.

— Бола-да, ўргилай келин, бола! Нима қипти, ўғирлаб обди демабди-ку. Яхшилигингизни ошириб, ёмонлигингизни яширса ёмонми!

Энамни шунақанги яхши кўриб кетдимки, кечқурун дадам ишдан келиши билан мақтандим.

— Дада-чи, дада, энам бугун сизга уч қозон палов дамлаб қўйдилар!

Онам, хурсанд бўлиш ўрнига, дадамга ҳасрат қилди:

— Бу тентагингиз қачон одам бўлади-а, номусга ўлдиряпти-ку! Бир ҳафта олдин сигиримиз учта туғди, деб ҳаммага айтиб чиққан эди. Бугун Ойсара келин ҳасрат қилиб чиқди. Бечораларнинг битта пат-патини олтига деб гап тарқатибди.

Қараб турсам, дадамнинг ўнг лунжи учяпти. Кошки, одатини билмасам! Лунжи уча бошладими, жаҳли чиққани шу!.. Аслида дадам менга ҳам, Жугаям бирон марта кўл кўтарган эмас. Онамнинг айтишига қараганда, отам уруш битай-битай деб турганида фронтга кетган экан. Уша ёқдан шунақа баджаҳл бўлиб қайтган эмиш. Тўйдан кейин менинг битта акам, яна битта опам туғилибди-ю, акам чилласи чиқмай, опам ёшига тўлмай ўлибди бечора. Шунинг учун «Кўша-кўша фарзанд кўрайлик», деган ниятда бизга Қўшоқвой деб от қўйишган экан. Болани яхши кўргани учун дадам бизни уришмас экан.

Уша куниям дадам лунжи учиб-учиб қўйдию, бари бир койилади.

— Уғлим, — деди елкамга қоқиб, — Одам бошқа нарсада адашса майли, лекин ҳисобда адашмаслиги керак. Мен — буғалтирман-ку, биламан-ку. Мана, сендан кичкина синглинг мактабга қатнаёпти. Эрта-индин сен ҳам борасан. Қани, айт-чи, йигирмани-йигирмага кўшса, қанча бўлади?

— Эллик! — дедим ўйлаб ўтирмай.

— Дард! — Дадамнинг жаҳли чиқиб кетди. Ўнг лунжи пайдар-пай уча бошлади. — Мисол учун, сенда иккита йигирма тийинлик бор. Хлоппункт ёнида ўтирадиған Раҳмон пистачидан семичка олмоқчидан. Бир истикон пистичка йигирма тийин туради. Икки истикони қанча бўлади?!

Раҳмон пистачидан семичка олавериб пишиб кетганман.

— Қирқ тийин! — дедим ишонч билан.

— Бўпти-да, улим! — Дадам қувониб кетди. — Ҳисобда адашиб бўлмайдди. Адашсанг, ўзингга жабр қиласан!

— Адашмасам-чи?

Қизиқ, дадамнинг лунжи тагин учди.

— Ундаям жабр бўлади, — деди хўрсиниб. — Раис, ҳисобдан адашмаганим учун ёмон кўряпти-да мени. Унга ҳисобни билмайдиган буғалтир керак.

Дадамнинг гапини унча тушунмадим. Лекин, мактабга боргунча ҳисобни бинойидек ўрганиб олдим. Қўшиш, кўпайтириш... Айниқса, пул ҳисобини...

Тўғриси айтсам, ўшандаям лоф-қори билан гапириш одатим қолмаган экан. Мактабга борган биринчи кунимоқ шу дардим қўзиб қолди.

Иккинчи боб

Мактабга кириб олдим

Мактабга онам қўлимдан етаклаб олиб борди. Гулзор ҳовлининг икки томонидаги қатор-қатор оппоқ хоналардан бирига кирдик.

Чиройли кийинган, сочини силлиқ тараган бир қиз стол ёнида ўтирган экан. Лип этиб, ўрнидан турди.

— Мана, Муҳаббатхон, сизга яна битта ўқувчи олиб келдим! — деди онам илжайиб.

Ўқитувчи опа бошимни силади.

— Вой, қандоқ яхши... Бу — Мавжуданинг... — шундай дедию, бир менга, бир онамга қараб, анграйиб қолди. Чамаси, тойлоқдек бўйимни кўриб ҳайрон бўлди: мен Жунинг укасиманми, акасиманми?

— Акаси! — деди онам тушунтириб. — Сал тоби йўқроқ эди.

Ўқитувчи опа яна бошимни силади. Фақат бу гал қоқ икки паллага бўлинганида томорқадаги ўқариқдек чуқур из қолган бошимга бармоғининг учини тегизиб қўя қолди.

— Ажаб қипсиз! — деди кулишга уриниб, ўзи куляптию, афти худди йиғлаётган одамга ўхшайди.

— Фамилиянг нима, болакай? — деди менга юзланиб.

— Салимип! — дедим бақириб.

— Салимовми? — У столдаги каттакон дафтарни очиб, тез-тез ёзди.

— Отинг?

— Қўшовой!

— Қўшоқвой дегин... Яхши. Ёшинг нечада?

Худди шу пайт эски дардим қўзғаб, лоф-қоф билан айтиш касалим тутиб қолди.

— Ўн беш.

Ўқитувчи опа бир чўчиб тушди. Кўзимга хавотирланиб қараб қўйди. Онам думбамни шу қадар ачитиб чимчиладики, илжайиб, қўйдим.

— Нечанчи йилда туғилгансан ўзи?

— Отмиш тўрт!

Ўқитувчи опанинг кўзи олазарак бўлиб қолди.

— Вой! Олтмиш тўртинчи йилда туғилган бўлсанг бундан чиқди... ҳали туғилмаган экансан-да!

Оббо! Туғилган йилимга анча-мунча кўшиб юборибман-ку!

Онам яна думбамни чимчилади. Бу сафар ҳафсала билан, худди омбир қисгандек бураб-бураб олди. Санаб турдим: саккиз марта.

— Муҳаббатхон! — деди кулимсираб. — Қўшоқвой ҳазиллашди, ўзи шунақа ҳазилкашроқ бола. Эллик тўртинчи йилда туғилган. Тўққиз ёшга тўлди.

Ўқитувчи опа яна йиғламоқдан бери бўлиб кулди.

— Шунақа денг... Майли, Мавжуда қизимиз пишиқ, — деди онамга. — Аъло ўқияпти. — Кейин мендан сўради. — Бошқа сингилларинг ҳам борми?

— Бор. Унта!

Ўқитувчи опанинг пастки лаби осилиб кетди. Оғир-оғир киприк қоқиб, онамга узоқ тикилиб қолди. Чамаси, тўққиз йилда ўн иккита бола туққан хотинни биринчи марта кўриб турган бўлса керак.

Онам думбамни чимчилашдан иш чиқмаслигини пайқади шекилли, биқинимни ўймалаб олди. Қитиғим келганидан ҳиринглаб кулиб юбордим. Уқитувчи опа гоҳ онамга, гоҳ менга қараб, қисқа-қисқа нафас ола бошлади. Қўлидан ручкаси тушиб кетди.

— Қўшоқвой, — деди қўрқа-писа. — Дадангиз?..

— Иккита! — дедим шоша-пиша.

— Нима?

— Иккита!

Шу гапни айтганимни биламан! Онам уч қадам орқага тисарилди. Эскирган чит кўйлагининг ўнг енгини шимарди-да, юзимга чунонам тарсаки тортиб юбордики, хонадаги деразалар жаранглаб кетди.

Юзим оғриганидан эмас, кулгим қистаганидан кўчага отилдим.

— Тўхта, ер юткур! — Онам кетимдан чопди. — Тўхта, жувонмарг!

Тўхтаб бўпман! Ҳаллослаб, дадамнинг олдига чопдим. Биламан, дадам колхоз идрасида катакакдек хонада чўт қоқиб ўтиради.

— Дада, — дедим илжайиб. — Онам мени келисоп билан урди. Ун марта урди. Юз марта урди!

— Қўявур, ўғлим! — деди дадам мени юпатиб. — Энанг сени келисоп билан урган бўлса, мен ҳам уни ураман! Ёмон ураман!

Ўша куни дадам айтганини қилиб, онамни кечаси билан калтаклаб чиққан бўлса кераг-ов! Нега деганда, онам эрта билан сақич чайнаб, минғиллаб ашула айтганча, ҳовли супуриб юрганини кўрдим. Эрталаб дадам ўз қўли билан етаклаб мактабга олиб борди-ю, директор билан гаплашиб, мени ўқишга «жойлаб» қўйди.

Учинчи боб

Бизни синфда қолдирадиганнинг боши ўнта!

Б уни қарангки, биринчи кунданоқ Шодивой билан битта партада ўтириб қолдик. Ҳов ўшанда, уйимизда томсувоқ бўлган куни «ёнғо-оқ» деб йиғламсираган, Раис бува «икковларинг қиёматли жўра бўлларинг!» деган Шодивой билан, қуёндек юмшоққина, дўмбоққина Шодивой билан.

Иккаламиз биринчи партада ўтирган эдик, ўқитувчи опамиз мени таниб қолган эканми, фамилиямни айтиб, койиди:

— Салимов! Орқа партага ўт! Бўйингни қара! Орқангда ўтирганлар доскани кўролма қолади-ку!

Бизга барибир! Орқага ўтсак-ўтаверамиз-да! Менга деса деразага ўтқазиб қўймайдими!

Энди ўрнимдан тураётган эдим, Шодивой билагимга осилди.

— Опа... — деди йиғламсираб. — Қўшоминам бирга ўтираман!

— Сен кичкинасан-ку!

— Бирга ўтираман... — Шодивой яна йиғламсиради.

Уқитувчи опамиз иккиланиб қолди. Мен олдинда ўтирсам, бошқалар доскани кўрмайди, Шодивой орқага ўтса, у ҳеч нимани кўролма қолади.

— Биланларингни қил! — деди опамиз зарда билан. Кейин журнални очиб йўқлама қила бошлади.

— Алимов! (Қаранг Шодивой жўрам билан фамилиямиз ҳам уйқаш. Уники — Алимов. Меники — Салимов).

— Мен! — Шодивой бурнини торта-торта ўрнимдан турди.

— Бақоев!

— Мен!

— Ваҳобов?

— Мен!

Бора-бора йўқлама «С» ҳарфига келди.

— Самадов!

— Мен!

— Салимов!
 — Биз! — дедим ўрнимдан сакраб туриб.
 Ўқитувчи опамизнинг қоши чимирилиб кетди.
 — «Биз» эмас, «мен» дегин, Салимов! — деди тушунтириб. — Синфимизда битта Салимов бор. Уям бўлса сенсан! Тушундингми?
 — Тушундим!
 Опамиз қайтадан ўқиди.
 — Салимов!
 — Биз!
 — Вой, қанақа боласан ўзи? Сен биттасан! Салимов Қўшоқвой! Нега «биз» дейсан?
 «Биз» дейманми, «мен» дейманми, нима иши бор! Ўқишни қойил қилсам бўлдимми?
 Ростини айтсам, ўқишни бопладим! Ўзбек тили, табиат — ҳаммасини дўндираман! Расм чизишдан бир марта «беш» ҳам олдим. Фақат математика масаласида ўқитувчим билан ҳеч келишолмаймиз.
 Опамиз ҳамма қатори мениям доскага чақиради.
 — Қани айт-чи, Қўшоқвой, иккини иккига қўшса қанча бўлади?
 — Беш! — дейман бақириб.
 Синфдаги болалар хаҳолаб кулади. Ўқитувчи опа икки чаккасини чангаллаб жойига ўтириб қолади.
 — Қўшоқвой! — Дейди жиғибийрон бўлиб. — Масалан, сенинг қўлингда тўртта олма бор...
 — Ёнғоқ! — дейман бақириб.
 — Нима?
 — Мен олма емайман. Ёнғоқ яхши.
 — Бўпти! — Ўқитувчи опамиз уф тортади. — Сенда ёнғоқ бор. Иккитасини менга бердинг...
 — Йўқ!
 — Нима?
 — Ёнғоғим ўзимга керак. Сизга бермайман!
 — Мен мисол учун айтяпман, Салимов! Айиришни мисол қиляпман, тушундингми?
 — Айиришни билмайман! — дейман мен ҳам зарда билан. — Қўшишни яхши кўраман.
 — Бўпти! Сенда олтита ёнғоқ бор эди. Мен тўртта қўшдим. Ҳаммаси қанча бўлади?
 — Ўн битта!
 — Қўшоқвой! — Ўқитувчи опамиз қайтадан тушунтиради. — Мана қараб тур... — У бармоқларини букиб санашга тушади. — бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... Яна тўрттасини қўшамиз. Демак, етти, саккиз, тўққиз, ўн... Кўрддингми? Ҳаммаси қанча бўлди? Унтами?
 Унта бўлганини ўзим ҳам биламан. Лекин ҳеч бўлмаса, битта қўшиб айтмасам, ақалли жиндек лоф қилмасам бўлмайди-да, нима қилай?
 — Ўн битта!
 Болалар яна хаҳолайди. Ўқитувчи опамиз астойдил ялинади:
 — Жон, Қўшоқвой! Унта дейқол.
 — Ўн бир.
 ...Папкални кўтариб уйга киришим билан онам сўрайди:
 — Неча баҳо олдинг?
 — Олти! — дейман илжайиб.
 Синглим ёмон-да!
 — Қани, ака, кундалигингизни бир кўрай! — деб папкални титкилайди.
 — Эна! Акам учта «икки» опти!
 Онам шавла юқи капгирни бошимга ўқталади.
 — Нима ҳунар кўрсатдинг яна, ярамас?
 — Олти олдим!
 ...Онам ота-оналар мажлисига кулиб кетадию, қовоқ-тумшуғи осилиб қайтади.
 — Қачон одам бўласан-а? — дейди зор қақшаб. — Ҳеч бўлмаса, синглинг-

дан уялсанг бўлмайдимиз? Сендан бир синф юқорида ўқийди. Ҳамма баҳоси — беш...

Дадам келганида мени ёмонламайди-ю, ҳасрат қилади:

— Шу... ўғлингизга ҳайронман-да, дадаси... Бошқа дарслардан бинойидек ўқиркан-ку, ҳисобни билмасмиш...

...Биринчи синфни-ку амаллаб битириб олдим. Иккинчига кўчганимда ўқитувчи опамизнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, дарсдан кейин мени олиб қолиб, тайинлади:

— Бугун кечкурун отангни олиб келмасанг, мактабдан ҳайдатиб юбораман.

Кечкурун ота-бола бошлашиб, директорнинг хонасига кирдик. Мактабимизнинг директори похол шляпа кийиб юрадиган қоп-қора одам. Қорни жуда ғалати. Худди кетма-кет бир эмас, иккита тарвуз ютганга ўхшайди. Қорнинг тепа қисмида тахминан менинг бошимдек, пастроғида ўртача қозондек тарвуз тикилиб қолган...

Эшикдан кириб борсак, директоримиз уёқдан-буёққа бетоқат юриб турган экан. Икки қадам ташлайди-да, тўхтаб қолади. Уч қадам юради-да, тагин дам олади. Қорнидаги тарвузлар бир-бирига урилиб ичини оғритса керак-да.

Дераза олдида ўқитувчи опамиз ўтирибди. Қовоғи солиқ. Кириб келганимизда менга қарамади ҳам. Дадамнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, салом берди. Аммо ўша заҳоти яна қовоғини солиб олди.

Директоримиз негадир йўталиб қўйди. Дадам билан қўшқўллаб кўришди-да, қорнини силади.

— Ҳў-ў-ўш! — деди чўзиб. — Сиз, Салимжон ака, ҳурматли одамсиз. Биз сизни жуда яхши кўрамыз, мактабимизга кўп ёрдам қилгансиз. Ремонт-пемонт, шипир-мипир, ўтин-кўмир дегандек... Лекин... — у жуда чуқур ўйланиб қолди шекилли, яна қорнини силади. (Чамаси ақли қорнида, йўқ, қорнинг ўзида эмас, ичидаги қўшалок тарвузларда бўлса керак.) — Бу Қўшоқвойнинг ўзлаштириши чатоқ-ку.

Шунақа дейишга деб қўйдию, яна пайдар-пай қорнини силай бошлади. Назаримда юзиям ёришиб кетгандек бўлди.

— Йўқ, Салимжон ака, биз Қўшоқвойни ёмон демаймиз, ўзи зўр бола. Интизоми дуруст, зеҳни ўткир. Қайси куни хўрознинг расмини чизган экан. Кўриб ҳавасим келди. Узиниям худди тирикка ўхшатворибди, азамат! Э, отангга раҳмат, девордим!

Директоримизнинг гапи иликдек ёқиб кетди. Мазза қилиб, илжаяётгандим, ўқитувчи опамиз, дик этиб ўрнидан турди.

— Кечирасиз-ку, — деди негадир қизариб-бўзариб. — Салимов математикадан — ноль! Иккинчи синфга аранг кўчирдик. Шу кетиши бўлса...

— Энди, Муҳаббатхон, сизам қизишманг-да, синглим. — Директор инсофга чақиргандек қисқагина йўталиб қўйди. — Бола — ёш. Вақти-соати билан ўрганиб олади...

Вой-бў, ўқитувчи опамнинг жаҳли шунақа ёмонлигини билмаган эканман.

— Ўрганиб олади-и? — деди овози ингичкалашиб. Икки юзи шунақанги қизариб кетдики, биров бехосдан гугурт чақиб юборса, лов этиб ёниб кетгудек аҳволда эди. — Қачон ўрганади? Қачон? — У энтикиб қолди. — Яхши, — деди дадамга қараб. — Қўшоқвойга битта савол берсам майлими? Боғча боласиям биладиган савол...

Мундай қарасам, дадам директорга, директор дадамга тикилиб турибди. Иккаласидан ҳам садо чиқадиган эмас.

— Майли, — дедим. отамнинг ўрнига ўзим жавоб бериб. Аниқ сезиб турибманки, ҳозир қўшиб ҳисоблаш касалим кўзғамаяпти. Ақлим, Турсунбой аканинг пат-патидек қарсиллаб ишлаб турибди.

— Марҳамат! — Ўқитувчи опам тантана билан гоҳ директорга, гоҳ дадамга, гоҳ менга қараб олди. — Икки карра икки қанча бўлади?

— Тўрт!

Дадам билан директор ярқ этиб ўгирилишди. Йўқ, менгамас, ўқитувчи опага. Ўқитувчи опам, негадир кўзимга узоқ тикилиб қолди. Бир-икки ютуниб қўйди.

— Беш карра беш? — деди нафаси ичига тушиб.

- Йигирма беш!
- Тўққиз карра тўққиз?
- Саксон бир!
- Саккиз карра ўттиз уч?
- Икки юз олтмиш тўрт.

Ўқитувчи опамнинг ранги қув ўчиб кетди. Директоримизнинг ичидаги тарвузлар бир-бирига пайдар-пай урила бошлади, шекилли, қорни ўзидан-ўзи лапиллаб кетди.

— Етмиш учдан ўн саккизни айирса-чи? — деди ўқитувчи опам. Хайронман, бу сафар овози шу қадар ҳорғин, шу қадар йиғламсираб чиқдики, саволини зўрға эшитдим.

Айтяпман-ку, мен айиришни билмайман. Фақат кўпайтиришни қойил қиламан. Навбатдаги саволга нима дейишни билмай турган эдим, жонимга директор оро кирди.

— Бўлди! — Хайронман, директорнинг овозиям жаранглаб кетди. Ўқитувчи опамизга қараб, қўлини пахса қилди. — Ҳамма саволингизга мендан яхши жавоб бериб турибди-ку! Тагин нима керак? Нега қийнайсиз болани?

Ростини айтсам, ўқитувчи опамга раҳмим келиб кетди: Худди мўъжизага дуч келгандек нуқул ғалати илжаяди. Оғзи ҳайҳотдек очилиб қолган.

— Шошманг, домла, — дадам директорга илжайиб қараб қўйди. — Муҳаббатхонни хафа қилманг. Қўшоқвой, — деди тантанавор алпозда ёнимга келиб. — Бир сўм олтмиш тийинга уч сўм йигирма тўрт тийинни қўшса қанча бўлади?

Кўпайтириш жадвалини сув қилиб ичиб юборган одам, қўшишни билмайманми? Айниқса, пулни пулга қўшиш бўлса! Ўзиям каллам худди электрон-ҳисоблаш машинасидек ишлаб кетди-ёв!

— Тўрт сўм саксон тўрт тийин!

Директоримизнинг қорни шитоб билан лапиллай бошлади. Шунақанги лапилладики, ўзиям тисарилиб бориб-бориб мошранг мовут қопланган узун столга думбаси билан урилди, орқаси озор чекди шекилли, афти буришиб кетди.

Чамамда ўқитувчи опамиз ҳушидан кетиб қолди-ёв! Ора-чора «ҳиқ-ҳиқ» деб овоз чиқариб қўяди. Директор ҳам эсдан оғиб қолганмикан, десам, йўқ эс-хуши жойида. Тепамга келиб, иккига айрилиб кетган, қоқ ўртасида ўқариқдек из қолган бошимни силади. Меҳр билан, узоқ силади.

— Рухсат сизга, Қўшоқвой, — деди овози товланиб. Товушидаги меҳрдан кўра сизлаб гапириши айниқса ёқиб тушди. Шу пайтгача мени ҳеч ким, «сиз»ламаган ҳатто синглим ҳам камдан-кам «сиз» дейди.

— Майли, — дедим эшикка йўналиб. — Раҳмат!

Йўлакка чиқсам, аллақачон қоронғи тушиб қопти. Ҳаммаёқ жимжит. Йўлакда ҳам, мактаб ҳовлисида ҳам одам зоти кўринмайди. Туриб-туриб зерикиб кетдим. Ҳеч зоғ бўлмаганидан кейин, йилт этган нур кўринмаганидан кейин зерикади-да одам.

Қарасам ҳозиргина ўзим чиқиб кетган директорнинг хонасидан чироқ нури тушиб турибди. Йўқ, хонанинг ўзидан эмас, эшик зулфинидан. Аввал калит солинадиган тешикдан ичкарига мўраладим. Ҳеч нима кўринмади. Кейин жиллақурса ўша ёқда нима гап бўлаётганини эшитгим келди. Ҳарчанд қулоқ солмай, ҳеч балони эшитмадим. Охири, зулфинга қулоғимни қапиштириб олдим. Директоримизнинг зардали овозда гапирётгани қулоғимга кирди. Аниқ-тиниқ кирди!

— Сиз, ўртоқ Икромова, шаҳардан келган одамсиз, — деди директор тажанг оҳангда. — Ёшсиз. Аммо билиб қўйинг. Қишлоқ — шаҳар эмас! Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?

Бир зум сукунат чўкди. Дадамнинг гўлдираган товуши қулоғимга кирди.

— Қўйинг, ўртоқ директор, Муҳаббатхон ёш... Уғлимизнинг ўзиям...

Зулфин тешигига қапишиб турган қулоғимга ўқитувчи опамнинг ҳиқиллагани эшитилгандек бўлди.

— Мен... Мен... Болалар саводсиз бўлмасин, илм олсин, дейман... Болалар шу ҳолда кетаверса... эртага ҳаммаси чаласавод...

— Бас! — Директорнинг овози ўқдек қарсиллаб кетди. — Билиб қўйинг,

ўртоқ Икромов! Бу — сизнинг Тошкентингиз эмас! Бизга оқбилак интеллектлармас, дала заҳматкашлари керак! Беш йиллик қаҳрамонлари! Пахтакорлар! Мактабимиз бўйича юз процент ўзлаштириш берамиз деганимизда сиз ҳам бормидингиз?! Педсоветда қўл кўтарганмидингиз?

Директоримиз яна жимиб қолди. Чамамда, қорнини силаб қўйди шекилли.

— Хўш, нега энди ўзингизни пананага оласиз? Нега райОНО олдида, облОНО олдида бизни шарманда қиласиз?!

Тағин жимлик чўкди. Қулоғимни эшикка янаям қаттиқроқ босдим.

— Майли, энди, маълимжон... — Бу — дадамнинг овозилигини сездим.

— Йўқ, майлимас! — Директоримиз тўсатдан чинқариб юборди. Овози ўқитувчи опамникидан ҳам ингичкароқ чиқди. — Гап шу! Эртадан бошлаб биронта болага «икки» қўймайсиз. «Уч» ҳам қўймайсиз! Керак бўлса, боланинг уйига бориб ўқитасиз. Ёнида ётиб қоласиз. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз катта кўча. Поезд билетини олиб берамиз. Саккиз сўм туради. Жонажон давлатимиз ҳар бир ўқувчи учун йилига юз сўмдан...

Ичкаридан тарс-турс қадам товушлари эшитилди. Эшикка янаям қаттиқроқ ёпишдим.

Шу пайт... Эшик чунонам зарб билан очилдики, биров ўнг қулоғимга... йўқ тарсаки билан эмас, нақд ўртачароқ кетмон билан тушириб қолгандек бўлди. Ўзим ҳам камида олти марта ўмбалоқ ошиб кетдим-ов! Тўрт оёқлаб турганча мундай қарасам, ўқитувчи опамиз нимқоронғи йўлакда чопқиллаб кетяпти. Пошналари «тарс-турс», «тарс-турс» қилади.

Эмаклаб ўрнимдан турганча, гир-гир айланаётган бошимни ушлаб кўрдим. Хайрият, жойида экан! Ўнг қулоғим ловуллаётганига қарамай илжайиб қўйдим.

Ўқитувчи опам математикадан эндиям «икки» қўйиб кўрсин-чи! Хоҳласам, икки карра икки йигирма икки дейман! Хоҳласам, бешни бешга қўшса, эллик беш бўлади дейман. Мени синфда қолдириб бўпти!

Тўртинчи боб

Хих, Тулпорим, хих!

Тўртинчи синфни битираётган кезларим эди. Бир куни эрталаб, папкама яримта нон, бир ҳовуч ёнғоқ, беш-олтита попук қанд солиб, чиқиб кетаётсам, дадам тўхтатди.

— Шошма, ўғлим! Бугун бозор борамиз.

Анграйиб қолдим. Ҳар куни таёқ олиб мактабга ҳайдагудек бўладиган отам, бугун бунақа деяпти.

Ҳовли бурчагида бутига челак қистириб, сигир соғиб ўтирган онам ҳам дадамнинг гапини эшитди. Онам, ўзи жуда ювош-ку, бир жахли чиқса, шунақанги бобиллаб берадики, мен тугул отам ҳам қочгани жой тополмай қолади.

— Хой! — деди онам сигир соғишда давом этиб. — Нима деб алжираяпсиз? Болани ўқишдан қолдиргунча ўзингиз ишга борсангиз ўласизми? Раис бова нима дейди?!

— Бормайман! — Дадамнинг лунжи учиб кетди. — Ишламайман ўша Раис бованг билан, тушундингми, ишламайман!

Онам сигирни чала-чулла соғиб, ярим пақир сутни кўтарганча яқин келди.

— Нима бўлди? — деди ҳуркиброқ.

— Ишла-май-ман! — Дадам айвон пешида ўтирганча тиззасига шапатилди. — Алдам-қалдамга тоқатим йўқ!

Онам бирпасда шалпайиб тушди.

— Майли-ку, — деди ялиниб. — Кап-катта одам ишламай қўйсангиз... Буёқда бола-чақа...

Дадамнинг лунжи баттар уча бошлади.

— Мен қамалиб кетсам, бола-чақани сен боқасанми, аҳмоқ хотин! — деб муштани дўлайтирган эди, онам пақирни лапанглатиб қочди.

— Майли, ўзингиз биласиз, — деди нарироқ бориб. — Аммо шу топда Қўшони бозорга...

— Ишинг бўлмасин! Юр, улим, Чиялига борамиз!

Суянганимдан папкамни ҳовлига улоқтирдим.

Чияли бозорни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Бу бозорда-чи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, одамдан бошқа ҳамма нарса сотилади. Тўғнағичдан тортиб бульдозергача, сичқондан тортиб филгача! Овқатларнинг зўрлигини айтмай-сизми? Хоҳласангиз серқатиқ тўппа ош ичинг, хоҳласангиз — арча ҳиди анқиб турган тандиркабоб енг! Биламиз-да! Бултур келганимизда онам мени кабоб билан сийлаган.

Балки сиз Чияли бозор ғиж-биж чайқовчига тўлиб кетган деб ўйларсиз? Бекорларнинг бештасини айтибсиз! Бозор куни ҳамма ёқни апталапқа босиб кетади. Бир гал онам апталапқадан ялтироқ кўйлақлик олмоқчи бўлган-у, пули етмаган.

Эсимда. Онам:

«Кристаллингиз неча пул?» деса, бошига чўгирма кийиб олган сотувчи: «Олтмиш сўм,» деган.

Онам:

«Бир кийимлиги олтмиш сўмми?» деса, чўгирма кийган сотувчининг аччиғи чиққан.

«Магазиннинг моли кийимлаб сотилмайди, эна, метри олтмиш сўм!» деб жеркиб берган.

Онамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетган.

«Мен биламан, давлат баҳосида метри ўн етти сўм туради!» деган.

«Йўлингдан қолма, эна!», деган сотувчи сансираб.

Онам ўзидан каттани сансираш мана бунақа бўлади, деб мелиса бошлаб келган.

Мелиса яхши киши экан. Онамни юпатган:

«Хафа бўлманг, эна, нариги апталапқадан олақолинг!»

Онам иккаламиз нариги апталапқага борсак, худди ўшанақа ялтироқ матонинг бир метри етмиш сўм экан...

Чияли бозори ана шунақа! Бутун бошли Ўзбекистонни ўн марта, боринги, ўн бир марта айланиб чиқсангиз ҳам бунақа бозорни тополмайсиз!

Ростки, дадам мени бозорга етаклаб қолдими, бундан чиқди, аввало қорним ёрилиб кетгунча меҳмон қилади! Кейин бош-оёқ ясатади. Ким билсин, балки пат-пат ҳам олиб берар! Турсунбой акамнинг «пат-пат»ини ҳавас қилиб юрганимни онам дадамга айтган бўлса — айтгандир-да! Нима қипти! Яккаю ёлғиз ўғлимиз!..

...Ажаб! Дадам тандиркабоб тугул айрон ҳам олиб бермади. Мотоцикл бозори уёқда қолиб, эшак бозорига судради. Эчкидеккина хўтика харидор бўлди. Савдолашиб-савдолашиб, йигирма сўмга «бор, барақа топ!» қилди.

Ростини айтсам, хўтигим хунуқкина эди. Қилтириқ, қулоқлари шалпайган, узун-узун оёқлари қалтираб турибди.

— Билиб қўй, улим! — деди дадам тантана билан. — Кўрасан, мана шу жонивор ҳали сенга кўп хизмат қилади!

Янаям ростини айтсам, уйга етаклаб келгунча хўтигим ўзимгаям ёқиб қолди. Ювошгина экан. Катта-катта, қоп-қора кўзлари одамга маъюсланиб термулади. Ҳанграмоқчи бўлади-ю, эплотмайди. Оғзини ланг очиб, ингичка овозда «ҳҳи-ҳҳи» қилиб қўяди. Худди кулганга ўхшаб.

Эртасигаёқ бутун мактабга хабар қилиб чиқдим:

— Менинг филдек ҳанги эшагим бор. Оти — Тулпор! Бир тепса, туяни сулайтиради!

...Бекорга мақтанмаган эканман! Икки йил ўтиб, олтинчи синфга кўчганимда Тулпорим чунонам ҳанги эшак бўлиб етилдики, кўрсангиз ҳавасингиз келади. Юрса ер титрайди, югурса «ман-ман» деган пойгачи отни ярим йўлда қолдириб кетади. Бекорга Тулпор деб от қўймаганман-да! Ақллилигини айтмайсизми? Қишлоғимиздаги одамларнинг қоқ ярмиси соатини эшагимнинг ҳанграшига қараб тўғрилайди. Эрта билан будильникнинг жиринглаганидан эмас, Тулпорининг ҳанграганидан уйғонаман. Роппа-роса соат еттида роппа-роса етти марта ҳанграйди.

Дадам ҳам эшагим ҳанграши билан йўлга отланиб қолади. Энди колхоз идорасида чўт қоқмайди. Хлоппункт ёнидаги дўкончада газета сотади.

Онамнинг айтишига қараганда, Раис бува инсоф қипти: дадамнинг гуноҳидан кечиб, газета сотувчи қилиб қўйганмиш. Лекин дадамнинг ўзи бу тўғрида оғиз очмайди.

Тулпорим бўлса, ҳар соатда ҳанграб туради. Кун бўйи. Бир минут ҳам кечикмай! Қўшни колхозда турадиган тоғам Тулпорингни «Жигули»га алмашасанми, деганида жон-поним чиқиб кетди. Эсимни ебманми, алмашиб? Эшак қаёқдаю, аллақандай «Жигули» қаёқда! Мана, мен санаб турай, сиз бармоғингизни букиб туринг.

Биринчидан, машинага бензин керакми? Керак! Бензин дегани осонгина топила қолса экан! Бир марта эшагимни миниб узум олиш учун район марказидаги бозорга тушганимда ўзим санаганман. Бензоколонкада бир юз ўн тўққизта машина сафга тизилган аскардек қатор турган экан. Шўпирлар сўкинган, машиналар пайдар-пай сигнал берган. Ушанда Тулпорим машиналар ҳадеб библиайверганидан ғаши келдими, бутун кучини тўплаб шунақанги ҳанграб бердики, тоғдек келадиган самосвалларнинг ҳам дами ичига тушиб пилдир-пис бўлиб қолди. Шундай қилиб, машина зоти бензинсиз бир қадам юролмайди. Эшак-чи? 93 бензин уёқда турсин, солярка ҳам керакмас!

Иккинчидан, ҳар қадамда ГАИ тўхтатмайди. Бўлар-бўлмасга талонингни тешаман деб дўк урмайди. Демак, бу томондан ҳам пулингиз ёнингизга қолади.

Учинчидан, сиз томонларда қанақа билмадим-у, бизнинг районда пахта терими бошланиши билан шахсий машиналарда юриш тақиқланади. Тўғри-да, ҳар ким ўзининг машинасида катайса қилиб юраверса, пахтани ким теради? Шунинг учун кўчада кетаётган машинани таққа тўхтатишади-да, шўпирнинг ҳам, машинада ўтирганларнинг ҳам қўлига этак тутқизишади. Марҳамат қилиб, 20 килодан пахта териб берасиз-да, кейин тўрт томонингиз қибла! Этак тўлмагунча кетиш йўқ. Ун чақирим юрмасингиздан яна тўхтатишади. «Ҳозиргина териб бердим-ку», десангиз «у совхознинг пахтаси эди, энди колхозникини терасиз» дейишади. Тоғам айтиб берган. Бултур янгамни район марказидаги туғруқхонага олиб кетаётганда уч жойда тўхтатиб «ҳашар» қилдиришибди. Янгам туғруқхонага етиб боришни кутиб ўтирмай машинанинг ичида туғиб кўя қопти. Шунинг учун жиянимнинг отини, эркалаб «Жигули полвон» деймиз. Узиям полвон бола. Кузда тили чиқди. Эна дебмас, дада дебмас, «па-па-а-п» деб чиқди. Қаранг, машина ичида туғилгани эсида бор экан. Ақлла бола-да!

Хўш, энди айтинг-чи, эшак миниб кетаётган одамни биров тўхтатиб, пахта тер дейдими? Демайди. Одамлар шуни билиб қолишган. Хотини айни кузда туғмоқчи бўлса, машинага ўтқазиб эмас, эшакка мингаштириб оборишади туғруқхонага.

Тоғам айтган: битта ғилдирак давлат баҳосида етмиш сўм тураркан. Аммо устахонада ғилдирак йўқлиги учун бозордан икки юз сўмга оларкан. Битта аккумулятор олтмиш сўм тураркан. Устахонадаги қадрдони уёққа югуриб-бу ёққа югуриб аранг бир юз йигирма сўмга топиб берибди. Тоғам хурсанд бўлиб кетганидан ошнасига яна ўн сўм қўшиб берибди. Аккумуляторни «ювиш» учун...

Эшакка-чи! Запчаст керакми? Керакмас. Хуллас, санайверсам, Тулпориннинг мақтовига сўз тополмайман. Меҳрибонлигини айтинг. Ҳар куни охириги дарс тугаши олдидан нуқул деразага қарайвераман. Худди ўзим билганимдек, деразада аввал бир жуфт диккайган қулоқ, кейин Тулпориннинг тумшуғи кўринади. У кулранг-кўкиш лабларини чўчайтириб, ҳавони ҳузур қилиб искайди-да, бошини силкитиб-силкитиб, пишқириб қўяди.

Ўқитувчилар ҳам таниб қолишган уни.

— Ие, Қўшоқвой, дарс тугаб қопти шекилли, эшагинг келди,— деб қўйишади. Қўнғироқ чаладиган навбатчи адашса-адашадикки, Тулпорим хато қилмайди. Чиқишга ўз вақтида қўнғироқ урмаса секунд-секундини тўғрилаб ҳанграб юборади. Ҳанграганда ҳам қанақа денг? Нақ деразага тумшуғини тираб ўкиради. Ҳар биттаси тахминан ярим метр келадиган қулоқлари диккайиб, думи хода бўлиб кетади. Уша заҳоти қўнғироқ — чалинади. Чалинмаса дераза ортидан ўқитувчига жаҳл аралаш адоватли қараб қўяди-да, икки бикини кириб-чиқиб, кириб-чиқиб ҳирқиллай бошлайди. Хафа бўлганидан шунақа қилади, деб ўйлайсизми? Ҳечам-да! Тулпорим янгидан ҳанграш учун куч тўплаётган бўлади. Ўпкасини свежий ҳавога лиқ тўлатиб олиши керакми ахир? Агар ўшандаям

қўнғироқ чалинмаса, шунақанги шовқин соладики, фақат бизнинг синфимиз эмас, бутун мактаб титраб кетади. Деразалар жаранг-журунг қилган, шифтнинг оҳак сувоғи кўчиб тушган...

Йўқ, кўпинча иш бунчаликка бориб етмайди. Тулпоримнинг овози билан дарсдан чиқишга чалинган қўнғироқ деярли баравар жаранглайди.

Синфхонадан отилиб чиқамизу Шодивой иккаламиз эшагимга мингашиб оламиз. Шодивой яхши бола-да, ўзи! Ҳаққончилар уёқда турсин, директоримиз ҳам уни «сиз»лаб гапиреди. Шодивой ҳам менга ўхшаган биттаю-битта ўғил. Фақат менга ўхшаб синглиси эмас, опаси бор. Тўртта. Ҳов ўшанда, иккинчи синфда ўқиб юрганимда директоримиз ўқитувчи опамизни роса уришганини айтгандим. (Ушанда ўқитувчи опам эшикни қалтисроқ очган эканми, бошимдаги тухумдек ғурра салкам икки ойгача кетмади. Ғуррам жойига тушгунча ўқитувчи опанинг ўзи ишдан бўшаб кетди. Сабабини кейин билдим. Опамиз мен тугул, ҳатто Шодивойдек боланинг ҳам чорагига «икки» чиқармоқчи бўлган экан. Директоримиз шунисига чидалмабди).

Кейинги пайтларда Шодивой янаям семириб, янаям дўмбоқ бўлиб кетди. Аввал икки юзи лўппигина нонга ўхшарди. Ҳозир камида бир кеча-кундуз ошиб ётган хамирдек бўлиб кетган. Баъзан ҳазиллашиб жўрамнинг юзини силагим келиб қолса, бир юзини икки қўллаб силайман.

Шундай қилиб, Шодивой иккаламиз синфхонадан отилиб чиқиб эшагимга мингашиб оламиз. Мен-ку Тулпоримга минавериб уста бўлиб кетганман. Лип этиб устига чиқиб оламан. Папкални тизсамга қўйиб, Шодивойни имлайман.

— Келавер!

Шодивой эшакка мингашгунча терлаб, сув бўлиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олганча, гоҳ ўнг томондан келади, гоҳ чап томондан... Тулпорим бўлса тақдирга тан бергандек қимир этмай туради. Эсли-да, Шодивой қилўтмас ўртоғимлигини билади!

Жўрамнинг қўлтиғидан тортиб эшакка мингаштиргунча ўзим ҳам терлаб кетаман. Дадам минганида қилт этмайдиган Тулпорим Шодивой мингашиши билан орқага чўнқайиб ўтириб олгудек, бир силкинади. Чамамда, орқа оёқлари букилиб кетади-ёв! Аммо сир бой бермайди. Аввалига уч-тўрт қадам гандираклароқ боради-да, кейин йўрғалашга тушади.

— Хих, Тулпорим! — дейман бақириб.

Мактабдан чиқаётган болаларни бир зумда қувиб ўтамиз. Кейин катта кўчага чиқамиз. Автобус бекатида дўппи кийган кишилар, атлас кўйлаги офтобда товланиб турган хотинлар бизга ҳавас билан қараб қолишади. Баъзилари негадир афсусланиб бош чайқайди...

Шу... Хотинларга ҳам ҳайронман-да! Атлас кўйлак кийишни яхши кўришади-ю, қурт боқиш азобидан хабари йўқ. Уйласа керак-да, атлас дегани магазинга чиқадию, дўкончига эллик сўм қўшиб берса, пештахта тагидан бир жўра атласни олиб, газлаб бераверади, деб!

Пилла боқиш осон эканми? Сўри қуриш бор. Ғанақ қилиш бор. Сийракла-тиш бор, сўри тагини тозалаш бор. Ерга тушиб кетган қуртларни битта-биттадан териб, жойига қўйиб бор, Жимитдек қутидан чиққан қуртлар ўн беш кунда бутун уйни эгаллайди. Авваллари жой топилмаганидан қурт учун мактабдаги бир-иккита синфхонаниям бўшатиб беришаркан. Йўқ, кейинги пайтда Раис бува «қуртни одамлар уйида боқсин» деб буйруқ берган. Тагин бу қурт демагани шунақанги таннозки, хона иссиқ бўлсаям ёқтирмайди, совуқ бўлсаям. Ҳаво сал қовоғини солса, аzza-баzza печка ёқасиз. Ҳаво исиб кетса, деразани қия очиб, салқинлатасиз. Шунинг учун апрель ойи охирлаши билан одамлар уйини қуртга бўшатиб, ўзлари ҳовлида ётишади.

Энг кийини бу ҳам эмас. Пилла қурт деганинг даҳаси бўлади. Биринчи даҳа, иккинчи даҳа... Бешинчи даҳага кирганида ҳар биттаси аждардек очофат бўлиб кетади. Барг дегани ялмамай ютади. Етказиб бермай кўринг-чи! Айниқса, катта даҳага кирганида кўрсангиз! Мингтачаси баб-баравар бошини кўтариб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб туради.

Аммо, қани ўша барг? Авваллари пахта пайкаллари четида қатор-қатор тутзорлар бўларкан. Раис бува, бўлтак-сўлтак ерлар кўпайиб кетган, техникага кенг майдон керак, деб тутларни кестириб ташлаган.

Ушандан бери пилла қурти катта даҳага кириши билан югур-югур



Расмларни Р. ЗУФАРОВ чизган.

бошланади. Бизнинг колхоздагилар юк машинасига ўтириб, нариги, колхозга борса, нариги колхоздагилар бир эмас, иккита машинага ўтириб, бизнинг колхозга келади. Дадамнинг айтишича, бир сафар бизнинг колхоз пиллачилари тутнинг конини топишибди. «Правда» колхозида каттакон тутзор бор экан. Ярим кечада бориб чопқи билан роса барг кесишибди. Машинага босишибди. Шопир машинани ҳайдайман деса, ғилдираги дақир-дуқир қилармишу юрмасмиш. Тушиб қарашса, машинанинг тўрттала балони ёрилиб ётганмиш. «Бировнинг молини ўғирлаш шунақа бўлади!» — дебди мўйловли бир киши уларнинг ёнига келиб. — Пилла керак бўлса, ўзларинг тут ўстир! Раҳмат, ишимизни енгиллатиб бир машина барг кесиб бердиларинг».

То бу ёқдан бошқа машинада тўртта балон оборгунча тутзор эгалари тайёр кесилган баргларни ташиб кетишибди.

Бу гапларни айтмасдиму, нима қилай, бизникида ҳам бир қути пилла борда! Ҳозир катта даҳага кирган. Эрталаб дадам, «Ўғлим, Тулпорингни эгарлаб барг қидирмасанг бўлмайди», деган.

Шуни ўйлаб кетаётсам, орқамда мингашиб ўтирган Шодивой биқинимга туртиб қолди. (Муштиям биққигина, юмшоққина. Ўзи ўнг биқиним қичиб турган эди, жоним роҳат қилди).

— Қўшовой! — деди жўрам. — Хлоппунктга бормаймизми? Бугун кино бор экан. Индийский кино...

— Э, кинони бошимга ураманми! — дедим тўнғиллаб. — Барг топмасам, дадам ўлдиради! Хих!

Эшагим шошиб турганимни сизди. Йўл четидаги тошларни шақир-шуқир босиб, илдамлаб кетди. Шодивойни ҳар куни Тулпоримга мингаштириш малол келмаса ҳам бугун алам қилди. Мен буни текиндан-текинга уйига обориб қўяман, бу мазза қилиб кино кўради. Мен бўлсам, ҳали барг излашим керак! Шодивойнинг уйи яқин бўлсаям гўрғайди. Йўл ўлгудек айланиш! Аввал идора ёнидан ўтамиз. Кейин атрофини аллақандай жилонжийдалар, юлғунзорлар ўраб ётган чакалакзор мозор четидан ўтамиз. Ана ундан кейин Шодивойнинг уйи келади.

— Баргни қаёқдан оласан? — деди Шодивой яна биқинимга туртиб.

— Мен қаёқдан билай? Хих, Тулпор!

Эшагим янаям илдамроқ дикиллаб кетди.

— Қўшовой! — деди жўрам бир маҳал. Овози ғалати, сирли чиқди. — Бир эшак барг топиб берсам, кинога борасанми?

Севинганимдан бутун гавдам билан ўғирилдим уртоғимнинг юзидан ўпиб олдим. Узим бир тоғора хамирнинг бир бурчидан ўпгандек бўлдим.

— Ростданми? — дедим бақириб.

Мувозанат бузилди шекилли, эшагим мункиб кетди. Лекин дарров қаддини ростлаб яна дикир-дикир қилиб йўлида давом этди.

— Ростдан, — Шодивой елкамга қоқди, — юравер бизникига!

Раис буванинг «Жигули» у ёқда турсин, ЗИЛ ҳам, борингки танк ҳам сиғадиған кунгурадор дарвозаси олдида тўхтадик. Шодивой ерга тушиши билан эшагим хўрсиниб-хўрсиниб нафас ола бошлади. Қарасам, икки лаби кўпириб, сарғимтил тили осилиб кетибди. Ханграйдиган вақти бўлган эканми, бир-икки ҳирқиллаб ўкиргиси келди-ю, мадори етмади шекилли, пишқириб қўя қолди.

Жўрамникига шунча келган бўлсам ҳам ҳовлисига кирмаган эди. Ҳозир ҳам ичкарига киргим келмади.

— Юравер! — деди Шодивой дарвоза ёнбошидаги эшикни очиб. — Ўзимизнинг тутимиз бор. Баргини кесиб оламиз.

Қўрқиб кетдим.

— Дадам биллиб қолса-чи?

— Дадам ишда.

— Энанг-чи?

— Юравер! — Шодивой қўлимдан тортди. — Энам Сожида опамнинг бешик тўйига кетган.

Йўлакка киришим бир бир эмас, учта машинага кўзим тушди. Биттаси оқ «Волга», биттаси қизил «Жигули», энг ичкарида ҳаворанг «Запорожец» турибди.

— Кимники? — дедим «Волга»га имлаб.

— Дадамники.

— Дадамг «Нива»да юради-ку!

Жўрам кулди. Икки юзи қизариб, янаям лўпиллаб кетди.

— Униси — давлатники! Бу — ўзимизники!

— У-чи?

— Буми? — жўрам юмшоқ кафти билан қизил «Жигули»нинг томига шапатилаб қўйди. — Кичик поччамники. Дадам поччамга айтганди. «Ўғил кўрсанг «Жигули» сеники» деганди. Сожида опам ўғил туғди. Энди поччам машинани олиб кетади.

— Буниси-чи?

Шодивой ҳаворанг «Запорожец»га менсимайроқ қараш қилди.

— Буниси меники. Дадам ваъда қилган. Еттини битирган кунинг калитни қўлингга бераман деган. Янаги йил минаман...

— Узимнинг Тулпорим яхши! — дедим паст келишни хоҳламай.

Ҳовлига кириб, анграйиб қолдим. Худди томошабоғнинг ўзи! Олмалар, гилослар қатор-қатор экилган. Уртада катта гулзор. Атиргуллар очилган. Гулидан ғунчаси кўп. Гулзор ўртасида мармар фонтан. Ҳали сув отилмаяпти-ю, аммо мармар устунчалари ювиб қўйилган. Ҳовлининг тўрт томонида қатор-қатор уйлар. Устун нақшланган айвонлар...

— Қани тут, Шоди? — дедим гарангсиб.

— Ана! — жўрам ҳовли бурчагига имо қилди. Қарасам, жудаям бизнинг ёнғоқчалик баҳайбат бўлмаса ҳам камида ўшанинг ярмидек келадиған тут савлат тўкиб турибди. Фарқ пишганини айтмайсизми? Ҳатто тагига, асфальт босилган ерга анча-мунча тўкилибдиям.

Ғайратга кириб кетдим.

— Дасткалланг борми? — дедим ҳовлиқиб.

— Нима у дасткалла?

— Чопқи-да, ишқилиб, ошпичоққа ўхшаган! Барг кесадиған...

Шодивой узоқ ўйлаб қолди.

— Болта бор! — деди ниҳоят.

— Обкел!

— Йиқилиб тушма! — деди Шодивой тутга тирмашаётганимда.

Учи булутга тегиб турган ўзимизнинг ёнғоқдан калла ташлаган одамга

аллақандай тутга чиқиш нима бўпти. Болта бандини камаримга қистирдим, бир зумда тут шохига миниб олдим.

Болтани бир урганимни биламан! Бошим устидан дув этиб тут ёғилди. Тагин қанақа денг? Марварид тут! Ҳар биттаси бармоғимдек келади.

Шошма! Нуқул барг кесавериб, тут ейиш эсимдан чиқиб кетибди-ку! Аввал бир тўйиб олай! Қўлим етган жойдаги шохларни синдириб тутларни капалаб оғзимга тикавердим. Шунақанги ширинки, ирис ишкаладга ўхшайди.

— Қўшовой! — пастдан жўрамнинг ингичка овози эшитилди. — Бўл тез! Ҳозир энам кепқолади!

Онаси билан нима ишим бор! Шипиллатиб тут ейишга тушдим.

Эрталабдан бери қорним очиб кетгани учунми, шунақанги иштаҳага кириб кетдимки, шу очофатлигимни кўрса, катта даҳага кирган қуртлар ҳам бир чеккага чиқиб таъзим қилиб турган бўларди.

— Қўшо! — Шодивой пастдан туриб ялинди. — Жон Қўшо! Сенга бир тоғора тут бераман! Йўқ, ўн тоғора! Ўзим уйингга обориб бераман! Тезроқ бўла қол, жўражон...

Тезроқ бўлармишман! Шошиб нима қилдим! Ана, ҳаммаси тайёр! Тут ўзимга, барг — қуртимга. Тутни капалаб еявердим-еявердим, охири, қорним дарангос бўлиб қулдур-қулдур қила бошлаганини сездим. Чамамда, қорним қорин эмас, шинни тўлдирилган хўмга айланиб кетди-ёв! Бўпти, энди ишга киришамиз.

Узимча дарахтдаги тутнинг ярмисини еб қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ, ҳали кўп экан. Болта билан битта шохни кесгунимча юзта тут ерга дув тўкилади. — Тезроқ! — Шодивой турган жойда ер тепди. — Бўлсанг-чи!

— Шохларни эшакка ортавер! — дедим бақириб. — Мен кесиб тураман, сен ташийсан.

Шундоқ қилдик. Мен пайдар-пай шох кесиб турибман, Шодивой пайдар-пай ташиб турибди.

Одам бир ғайратга кириб кетса, нима қилиб қўйганини ўзи билмай қоларкан! Бир маҳал қарасам, бутун бошли тутнинг қир учида учтами-тўрттами шох қопти! Худди қамиш учидаги попилтириқдай.

— Қўшо-о! — пастдан Шодивойнинг йиғламсираган овози келди. — Эшагинг кўринмай кетди. Ҳаммаёғи шох!

— Қўявур! — дедим илжайиб. — Тулпорим бир эмас, иккита ЗИЛнинг юкини кўтаради.

Худди шу пайт дарвозахона томонда янграган аянчли хитоб қулоғимга чалинди.

— Ё тавба! Ё худо! Вой... Вой. Вой-до-о-од!

Аввал ўзим ерга сакрадимми, ё мен тушишимдан олдин ер қимирладими, билмайман. Шундоқ қарасам, камида бир кўрпага етқулик қора атласдан кўйлак кийган хотин кўзлари шокосасидан чиққудек бўлиб чалқанчасига гурсиллаб ерга йиқилди. Қўлидаги тугун анча нарига отилиб кетди. Назаримда, уйлару айвонлар ҳам, яланғочланиб қолган тут ҳам силкиниб кетгандек бўлди.

— До-о-од! — Хотин шунақанги йўғон овозда ҳайқирдики, худди станциядаги тепловоз гудок чалгандек икки қулоғим чиппа битиб қолди.

— Вой-дод! Уйим куйди!

Қарасам, боғ этагида бир нима қорайиб кўриняпти. Кейин тушундим: ўзини томорқага урган Шодивойнинг думбаси эшикка тиқилиб қолган экан.

Мен ҳам вақтни ғанимат билиб, кўча эшикка отилдим. Бояги семиз хотин бўлса каловланиб қаддини ростлашга уринар, филнинг қулоғидек осилиб кетган юзини юлиб, нуқул дод соларди:

— Уйим куйди! Уғри босди!

Ер билан битта бўлиб етган тутларни босиб кўчага отилдим. Қарасам, дарвозахона рўпарасида ўртачароқ юк машинасига ортса тахминан чорак қисми ортиб қоладиган барг ғарами турибдию эшагим кўринмайди.

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. «Тамом бўлдим! Ҳозир Шодивойнинг онаси чиқиб, мени тагига бир босса, бургадек пирт этаману, жоним чиқади-кетди!»

— Тулпор! — дедим чинқириб. — Тулпорим!

Камида бир ярим машинага юк бўладиган барг хирмонининг қоқ ўртасидан «хирқ» этган товуш келди.

Бор экансан-ку, Тулпорим!

Типирчилаб-типирчилаб барг ғарамининг қир учига чиқиб олдим. Шодивой ҳам маладес-да! Шохларни шу қадар шиббалаб юклаган эканки, хирмон бошига чиққунимча биттаям барг тўкилмади.

— Хих, Тулпор, хих! — дедим бақириб.

Худди шу пайт кунгураддор дарвоза шарақлаб очилди. Шодивойнинг онаси эшикдан чиқай деса сиқилиб қолишини билиб, дарвозани ланг очиб қўя қолганини тушундим. Чамамда, у дарвозанинг ярмини эгаллаб турарди. У, ўзидан-ўзи судралиб бораётган ғарамга, ғарамнинг қир учига чордона қуриб ўтирган қоп-қора болага, яъни менга кўзи тушдию ранги докадек оқариб кетди.

— Бис-бис-бисмилло! — деди дудуқланиб. Таппа ўтириб қолди. Уша заҳоти яна ер қимирлагандек бўлди. Узим ҳам хирмон устидан учиб тушай дедим. Лекин эшагимнинг қорни ўрнига тут шохларини тепкилаб бақирдим.

— Хих!

Хайрият, хавфли жойдан узоқлаб кетдик. Катта йўлга чиққанимизда бир нарсани пайқадим. Велосипеду мотоцикллар уёқда турсин, юк машиналари ҳам бизни четлаб ўтяпти. Мотоциклчилар ўз йўлига. Ҳатто шопирлар ҳам эллик метрча олдинга ўтиб машинасини тўхтатади-да, аzza-баzza ерга тушиб, орқасига қараганча анграйиб қолади.

Мен бўлсам, фил устида ўтирган подшодек буйруқ бераман:

— Ҳа, Тулпор!

Тулпорим дикир-дикир қилиб илдамлайди. Донолигини қаранг. Ўзи-ку устига кўрпа ёпилган мушўкдек шохнинг тагида кўринмай кетган. Йўлни қаёқдан топиб боряпти, билсам ўлай! Устига-устак, ҳар соатда минут-минутига-ча аниқлик билан ханграйдиган эшагим, мана, орадан уч соатча вақт ўтибдики, фик этиб овоз чиқармайди. Яхши-да! Одамлар қойил қолсин! Бир ярим машина тутбарг ўзидан-ўзи Қўшовойларникига ўрмалаб кетяпти. Баракалла, Тулпорим! Маладес!

Хайронман, хаёл олиб кетибдими, онаминг фалокат қош билан қовоқ ўртасида туради, дегани ростми, нима бўлганини ўзим билмай қолдим.

Бир маҳал эс-хушимни тўплаб олсам, каттакон чорраханинг қоқ ўртасида турибмиз. Эшагим ғазабнок ҳиқилляпти. Аввал ўнг томонимга қарадим. Ҳеч гап йўқ. Кейин чап томонимга қарадим. Ҳеч нима кўринмайди.

— Хих! — дедим ҳайқириб. — Хих, Тулпор!

Бироқ қадрдон эшагим қилт этмай тураверди. Аламли пишқириб қўйди. Ўтирган жойимда мундоқ орқамга ўгирилиб қарасам, не кўз билан кўрайки, аллақандай қирчанғи бир эшак биз не машаққатлар билан кесган баргларни бемалол кавшаяпти.

Кўлимни мушт қилиб бақирдим.

— Йўқол!

Вой сурбет-ей! Парво қилмайди! Тут баргини узиб-узиб олади-да, ҳузур қилиб кавшайди. Ростмана ханги бўлсаям майлия, Тулпоримнинг ярмича келадими-йўқми-ю, ғолибона пишқириб қўяди.

— Хих! — дедим чинқириб. — Хих, ҳаром ўлгур!

Тулпорим, бунақа дағдағани ўзига тегишли деб ўйладими, жаҳли чиқдими, унисини билмайман. Шуниси эсимдаки, эшагим нафрат тўла оҳангда ханграб юборди. Хирмон ўзим билан қўшилишиб, роппа-роса бир юз саксон градус айланиб кетди. Шунақанги кескин айландики, ерга чилпарчин бўлиб тушишимга бир баҳя қолди. Бегона эшак хирмон тагида шундоқ қудратли рақиб борлигини билмаган экан шекилли, шаталоқ отиб қочиб қолди. Тулпорим ҳам уч соатдан бери жим турганининг хуморидан чиқиш учун тўхтовсиз ханграганча тоғ бўйи хирмонни, хирмон устида ўтирган мени ортмоқлаб «ўғри» эшак орқасидан йўртиб кетди.

Ўғри эшак қанча тез чоғса Тулпор ҳам шунча тез йўрғалайди. Ўғри эшак думини чотига қисиб нола чеккандек ҳиқ-ҳиқ қилади. Тулпорим ғолибона ханграйди. Қарасам, ўғри эшак мазористон ёнидаги жилонжийдалар, қорати-канлар чирмашиб кетган чакалак орасига ўзини урди. Чакалакка қириб кетаётганда алам қилсин, дегандек икки марта шатта отиб ҳам қўйди.

— Ишш! — дедим жон ҳолатда. — Иш-ш! Жон Тулпор, иш-ш!

Қаёқда? Тулпорим биттаям гапимни эшитмади. Ё эшитсаям қирчанғининг ҳақоратига чидолмадим, билмайман. Аввал оёқларимга, кейин қўлларимга, ундан кейин юз-кўзимга тиканлар санчила бошлади.

— Иш-ш! — дедим бақириб. Жилов қўлимда бўлсаки, тортсам. — Иш-ш!

Алам билан охириги марта қичқирганимни биламан. Анчадан кейин кўзимни очсам, тут барглари орасида ялпайиб ётибман. Ҳаммаёғим ловуллаиди.

Йиғламоқдан бери бўлиб эшагимни чақирдим.

— Тулпор!

Қаёқда! «Ўғри» эшакдан ҳам, Тулпоримдан ҳам дарак йўқ! Амаллаб ўрнимдан турдим бир тутам тут баргини қучоқлаб, туртина-туртина йўлга тушдим. Чакалакзордан чиққунимча кун ботди. Йўл-йўлакай баданимга санчилган тиканларни санаб олиб ташлай-ташлай уйга келсам, Тулпорим эшик олдида рақибини енган аскардек «смирно» турибди. Мени кўриб қулоқлари динг бўлиб кетди. Ҳатто ғолибона ҳанграб ҳам қўйди.

Бешинчи боб

Мушак сабзи

Баргдан-ку ажрашга ажрадим, икки орада Шодивой отасидан сўкиш эшитгани қолди. Эртасига дарсга ўртоғим қовоқ-тумшуғи осилиб келди. Онаси, уйимни ўғри босди, деб ёмон қўрққан экан. Раис бувага йиғлаб шикоят қипти.

— Дадам райондаги катталарни тутхўрликка айтиб қўйган экан, — деди Шодивой минғирлаб. — «Жўранг ақалли биттаям шохини қолдирмабди, қўлимга тушса бутини йиртиб ташлайман» деяпти, отамнинг кўзига кўринмай тур, Қўшо...

Одамнинг бути йиртилгандан кўра йиртилмагани яхшилигини ўзим ҳам биламан. Шунинг учун Раис буванинг кўзидан узоқроқ юрган эдим, бугун қўлга тушиб қолдим.

Ҳаммасига онам сабабчи бўлди. Эрталаб далага чиқиб кетаётганида қаттиқ тайинлади:

— Урадан ярим пақир сабзи олиб Ойсара янгангникига чиқариб бер. Ош қилмоқчи экан, сабзиси қолмабди.

Урадан сабзи олаётганимда хаёлимга бир гап келди. Сабзидан кўпроқ олиб чиқсам, Ойсара янгам пат-патга минишимга кўнармикан? Ойсара янгам ўзи яхшию ўлгудек зикна. Турсунбой ака олган мотоцикл доим бостирма тагида туради. Турсунбой акамга «менгаям пат-пат ҳайдашни ўргатинг» десам, «пат-пат меникимас, янгангники», дейди. Қўрқади-да, хотинидан.

Ойсара янгам сабзини кўриб зора ийиса. Ҳеч бўлмаса эгарга миниб, бир-икки бибиplateтай. Ширин хаёллар билан сабзи тўла пақирни кўтариб, Турсунбой акамнинг эшигига келсам, тақа-тақ берк. Итариб кўрдим, муштлаб кўрдим. Ҳеч ким йўқ. Бундан чиқди Ойсара янгам кутубхонасига кетибди-да.

Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келаётган эдим, дераза тагига етганимда ичкаридан Турсунбой акамнинг Ойсара янгам билан ғўнғир-ғўнғир гаплашаётган овози келди. Қаранг, иккаласиям уйда ўтирган экан-ку, дарвозани очмайди. Яқин келиб овозим борича бақирдим:

— Ойсара янга!

Ичкаридан жавоб чиқмади. Қайтага иккаласи жимиб қолишди.

Ҳовлимизга қайтиб кириб, ўйлаб қолдим. Онам Ойсара янганга ярим пақир сабзи олиб чиққин деганми, деган! Ярим пақир эмас, нақ бир пақир сабзи олдимми, олдим! Шунча овора бўлганимдан кейин Турсунбой акамнинг пат-патини бир мартагина миниб кўришим керакми, керак! Бўпти-да, эшикдан кирдим нимаю, девордан ошиб тушдим нима. Уртамиздаги девор пастаккина бўлса!

Тагимга курси қўйиб осилдим-да, лип этиб деворга миниб олдим. Бир сакраган эдим, қарабсизки ўзим ҳам, челақ тўла сабзи ҳам Турсунбой акамнинг ҳовлисига тушибмиз. Бундай қарасам бостирма тагида пат-пат гижинглаб турибди. Бориб мингим келди-ю, инсоф қилдим. Аввал сабзини берай, кейин хоҳлаганча минавераман.

Айвонга чиқиб чақирдим.

— Ойсара янга!

Бирпас қулоқ солиб турсам, ҳаммаёқ жимжит. Нима бало, булар боласини боғчага жўнатиб, ўзлари қайтадан ухлаяптими? Қўлимдаги пақирни саланглатиб энди уй томон юрган эдим, ойнаванд эшик шарақ-шуриқ қилиб очилди. Очилди-ю... остонада Раис бува пайдо бўлди! Шодивойга «жўранг қўлимга тушса, бутини йиртиб ташлайман» деган Раис буванинг худди ўзи! Шифтдай бўлиб эшик кесақисидан ушлаб турибди. Эгнида кулранг кител, почаси кенг шим. Шунақа-ку, негадир этиги йўқ, оёқяланг...

Қўрқиб кетганимдан сабзи тўла челақни кўтарганча орқага тисарила бошладим. Ҳайронман, Раис бува мени кўриб негадир остонада турганча қотиб қолди. Пишиллаб-пишиллаб нафас ола бошлади. Назаримда пастки лаби осилиб кетгандек бўлди.

— Ие, сенмисан? — деди ғалати илжайиб. Овози ялиниброқ, йиғлам-сираброқ чиққанга ўхшади. — Нима қилиб юрибсан, тутхўр?

«Тутхўр» дедими? Бундан чиқди ҳалиям эсида экан-да. Баттар қўрқиб кетдим.

— Мен... мен, — дедим тутилиб. — Сабзи...

Раис бува бир менга, бир айвон кавшандозиди қийшайиб ётган жигарранг этигига қараб қўйди-да, яна илжайди.

— Оббо сен-ей, нима қилиб юрибсан?

Илжайганидан сал дадил тортдим.

— Узим... сабзи...

Шу пайт Раис буванинг орқасида Ойсара янгам кўринди. Негадир ранги ўчиб кетган, қўли титраб ҳадеб сочини тузатарди.

— Вой, ўзимизнинг Қўшоқжон-ку! — деди-да, Раис буванинг қўлтиғи тагидан лип этиб ўтди. — Сиз билмайсиз, Қўшовоёқ шунақа яхши болаки! Пат-пат мингинг келдимини, Қўшоқжон?

Ойсара янгамнинг меҳрибонлигидан талтайиб кетдим.

— Минаверайми? — дедим илжайиб. Қўлимдаги пақирни энди Ойсара янгамга узатмоқчи эдим, тўсатдан Раис буванинг қиёфаси ўзгарди. Кулиб турган одам дағдаға билан сўради:

— Шошма, ўв! Қаёқдан келдинг?

— Девордан, — дедим ростини айтиб. — Ошиб тушдим.

— Нима?! — Раис бува ялангоёқ ер тепинди. — Эшиқни бир тақиллатдинг, икки тақиллатдинг, кетавермайсанми йўлингга, қанақа сур боласан?

— Секи-и-ин! — Ойсара янгам Раис бувага ялиниб қаради. — Билмаганда, Қўшоқжон яхши бола!

Қизиқ, Раис буванинг баттар жаҳли чиқди.

— Шу яхши болами? — дедию устимга бостириб кела бошлади. — Сўроқсиз бировнинг тутини каллаклаб кетса, сўроқсиз бировнинг уйига девор ошиб тушса! Тўғриси айт, ким юборди сени?

Қарасам вазоҳати ёмон.

— Турсунбой акам! — дедим бақириб.

— Секин! — Ойсара янгам товуши титраб ялинди. — Жон Қўшоқжон, секинроқ!

— Турсунбой акам айтдилар! — дедим овозимни янада баралла қўйиб. — Бугун ош ейдиган кун дедилар. Иккаламиз сабзи олиб келдик...

Ойсара янгам икки қўллаб юзини чангаллади.

— Вой шўрим!

Раис буванинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Нима?

— Дарвозани галма-галдан тақиллатдик.

— А? — Раис бува мен буёқда қолиб кавшандоз томон югурди. Ерга ўтириб олиб қўллари қалтираганча пайтава ўрай бошлади. Раис буванинг



кўрққани таъсир қилдим, ё ўзимнинг ақлим қарсиллаб ишлайдиган пайт келиб қолдим, унисини билмайман.

— Шунча тақиллатдик, ҳеч ким жавоб қилмади! — дедим атайлаб кўча эшик томонга қараб.

— Бўлди-и-и! — Раис бува ўтирган жойида менга елкаси оша қаради. — Кар одам йўқ-ку, нега чийиллайсан!

Шунча ёлғон тўқиганда буёғи нима бўпти дедиму, тагин бақирдим:

— Кейин Турсунбой акам айтдилар; Қўшовой, девордан ошиб туш, дедилар.

Ойсара янгам дағ-дағ титраганча мени қучоқлаб, илтижо қилди.

— Қўшожон, жон укам! Барака топкур укам, бўлди, секинроқ...

Тўғриси айтсам, Ойсара янгамга раҳмим келди.

— Пат-пат минсам майлими? — дедим овозимни анча пасайтириб.

— Пат-пат сендан айлансин! Юз марта мин, минг марта мин! Акангга айтаман, ҳайдашни ўргатади. — У ҳамон мени қучоқлаганча Раис бувага ўшқирди. — Бўлсангиз-чи...

— Этик... сиғмаяпти. — Раис бува пайтавани чала ўраганми, уввало уринади — қани этигини киёлса! Бечора бирпасда терлаб кетди. Этик оёғини сиқаётган бўлса керак, оқсоқланиб дарвоза томон юрган эди, Ойсара янгам инграгудек хитоб қилди:

— Қаёққа? Қанақа одамсиз ўзи?

Раис бува аланг-жалаң бўлиб тўхтаб қолди.

— Нима қилай ахир? — деди йиғламсираб.

— Бугун ўргатадиларми? — дедим Ойсара янгам ваъдасини унутмасидан туриб тасдиқлатиб олиш учун. — Турсунбой акамни чақирайми?

Айвондан сакраб тушишим билан, Ойсара янгам сабзи тўла пақир устига ўтириб қолди.

— Шўрим қурсин! — деди инграб. — Сўяди! Тикка сўяди!

Раис бува қўлимдан чангаллади.

— Учир-е! — деди рапидадек кафти билан оғзимни тўсиб. Негадир қўлидан атир ҳиди келарди. Нафасим қайтиб кетди. Типирчилаб кафтини қайириб ташладим. Оғзимни тўсиб турганида ичимга анча-мунча ҳаво тўпланиб қолган эканми, чунонам ҳайқирдимки, Тулпорим ҳам бунчалик ҳанграмаса керак.

— Турсунбой ака-а-а!

Кучим борича кўча эшик томон югурган эдим, Раис бува орқамдан лўкиллаб келиб, уй бурчагида етиб олди. Маҳкам қучоқлаб, қулоғимга эгилганча шивирлади:

— Юргин, буёққа юргин, ўзинг яхши боласан-ку.

— Нега бўлмаса оғзимни тўсасиз? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Бўпти, иккинчи бунақа қилмайман. Юргин, жон болам...

Хоҳламайроқ орқамга қайтар эканман, ноз қилдим:

— Турсунбой акам дарвозани очасан деганлар, кутиб турибдиларда.

Қарасам Ойсара янгам ҳамон пақир устида ғужанак бўлиб ўтирибди.

— Ўзинг катта йигитсан-ку, тутхўр, — Раис бува эркалаб елкамга қоқди. —

Пат-патни яхши кўрасанми?

— Жудаям!

— Шодивойникига ўхшаган велосипед олиб берайми?

— Йўқ, пат-пат! — дедим қовоғимни солиб.

— Бўпти. — Раис бува яна елкамга қоқди. — Янганг ваъда бердику.

Турсунбой аканг пат-пат ҳайдашни ўргатади. Ўзим сенга зўридан падарка қиламан.

— Қачон?

— Кетсангиз-чи! — Ойсара янгам йиғлаб ўзининг тиззасини чимчилади. —

Шўрим қурсин! Иккита болам етим бўлиб қолади энди.

— Нима қилай? — Раис бува гоҳ Ойсара янгамга, гоҳ менга қараб типирчилади. Тағин Ойсара янгамга ичим ачиди.

— Юринг, — дедим хотиржам илжайиб. — Бизникидан чиқиб кетасиз.

— Нима? — Раис бува аввалига ҳеч нимани тушунмади шекилли, бир зум талмовсираб турди-да, маҳкам қучоқлаганча шапиллатиб пешонамдан ўпди. — Раҳмат, тутхўр! Яхшилигингни унутмайман!

— Деворга осилинг, — дедим маслаҳат бериб. — Қўрқманг, йиқилсангиз мең борман.

Раис бува деворга тирмашди. Қўрқиб кетганиданми, шу пастаккина деворга чиққунча ҳам қора терга тушиб кетди. Кийимлари тупроққа беланди.

— Уйингда ким бор? — деди деворга миниб олиб.

— Пат-патни қачон олиб берасиз?

— Қачон десанг! Ким бор уйда?

— Ҳеч ким. Отам ишда, энам ишда. Жу мактабда. Қўрқманг.

— Билиб қўй. — Раис бува мен томонга эгилиб астойдил йиғламсиради. —

Мен сенга оталик қиламан.

Раис бува девордан нариги томонга ўзини ташлади. Бурилиб қарасам, боядан бери пақир устида ўтирган Ойсара янгам айвонда чўзилиб ётибди. Пақир думалаб, сабзилар сочилиб кетган.

Қўрқиб кетдим. Ўлиб қолмасайди, бечора. Ошхонага кириб, ёғлоқда сув олиб чиққунимча анча вақт ўтди. Худ-бехуд бўлиб ётган янгамнинг оғзига сув тутдим.

— Ичинг.

Ойсара янгам сувдан бир-икки хўплади.

— Кетдимми? — деди инграб.

— Ичаверинг! Турсунбой акам ҳам кетиб қоптилар.

Ойсара янгамнинг кўзи ярқ этиб очилди.

— Ростданми? — деди-ю, сувдан мўлгина ичиб, чуқур уф тортди. —

Худога шукр... — Бирпас ўйлаб турди-да, йиғламсираб ялинди. — Ўзинг эсли боласан-ку, Қўшоюн. Бу ерда Раис бувангни кўрганингни...

— Минаверайми? — дедим пат-патга имо қилиб.

— Минавер, жон укам, минавер. Аканга айтаман, ҳайдашни ўргатиб кўяди. Ҳар куни ўргатади.

Пат-патнинг эгарига минаётганимда Ойсара янгам айвонда сочилиб ётган сабзиларни йиғиштиришга тушди.

— Сабзинг мунча чиройли, Қўшожон! — деди овози товланиб. — Мушак сабзи экан!

Эгарга миниб олдим-да, пат-патни бибиблатавердим-бибиблатавердим, охири сигнал жонивор мушукдек биғиллайдиган бўлиб қолди.

Олтинчи боб

«Запорожец»дан туғилган «Волга»

Еттини битириб каникулга чиқишимиз билан чопиққа тушдик. Эрталаб-дан гўза чопиқ қилавериб, қорним таталаб кетди. Тулпорим тушлик бўлганини мендан яхши билади. Аввал мени излаб мактабга борарди. Энди далагаям топиб кепти. Пайкал четига келиб бир ҳанграган эди, баҳона топилганига суюниб, ўша томонга югурдим. Шийпонда салқинлаб ўтирган бригадир:

— Ҳой, бола, қаёққа? — деган эди, йўл-йўлакай бақирдим:

— Эшагимнинг жаҳли ёмон, Тўлаш ака! Бормасам, ўзи ёнимга келади. Бир гектар пахтазорни пайҳон қилиб ташлайди.

Тўлаш ака ирғиб ўрнидан туриб, чинқирди:

— Тезроқ йўқот, палакат эшагингни!

Кетмонимни эшагимнинг гарданига кўндаланг қўйганча, лип этиб миниб олдим. Тулпорим буйруғимни кутиб ўтирмай, уй томон йўрғалади.

Кўчага киришим билан эшигимиз олдида турган ҳаворанг машинага кўзим тушди. «Тоғам кепти-да», деб эшагимни ниқтадим. Яқинроқ келиб қарасам, йўқ, «Жигули» эмас, «Запорожец». Чап эшиги очик. Жонажон жўрам Шодивой бир оёғини ташқари чиқариб, рулни чангаллаб ўтирибди. Иссиқдан икки юзи қизариб, тандирдан янги узилган нондек ялтираб турибди. Мени кўриб, севиниб кетди.

— Қаёқда юрибсан? — деди илжайиб. — Боядан бери кутаман.

— Ким билан келдинг? — дедим эшагимдан тушмай.

— Ўзим!

Бундан чиқди, Раис бува ваъдасининг устидан чиқиб, Шодивойга «Запорожец» совға қипти-да!

Раис бува менга ваъда қилган пат-пат эсимга тушди. Ойсара янгамку сўзининг устидан чиқди. Эрига «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, Қўшовой ўзингизнинг укангиздай гап, шу боланинг пат-патга ишқи тушибди, миндира қолинг», деб ҳол-жонига қўймаганидан кейин Турсунбой акам мотоцикл ҳайдашни унча-мунча ўргатди. Аввал мени лулкага ўтқазиб учирди, кейин эгарга минғизиб ҳайдатди. Аммо Раис бува пат-пат тугул велосипед ҳам олиб бермади.

— Ўзинг ҳадаб келдингми? — дедим алам қилиброқ.

— Бўлмаса-чи!

Ростини айтсам, ғайирлигим келди.

— Ким ўзарга ўйнаймизми? — дедим Тулпоримнинг жоловини ғолибона силтаб.

— Қўйсанг-чи! — Шодивой машина рулини чангаллади. — Юр, катайса қилдириб келаман.

Иккиланиброқ эшакдан тушдим.

— Ҳайдашни биласанми, ўзи?

— Шу ергача ким ҳайдаб келди бўлмаса! — у ўтирган жойида эгилиб, ўнг эшикни очди. — Утир! — Шундай деб ўнг томондаги суюнчиқни эгди. — Орқага ўт, ёнимда ўтирсанг, халақит берасан.

— Менам пат-пат минишни биламан, — дедим мақтаниб.

Шодивой индамади. Иккала эшикни қарсиллатиб ёпди-да, худди минг йил

шопирлик қилган таксичилардай ишонч билан моторни гуриллатиб юборди. Худди шу пайт эшагим айна мен ўтирган ойнанинг рўпарасига тумшугини тираб ўкинч аралаш ҳангради. Хайрлашди-ёв!

Машина вариллаганича тор кўчада ғизиллаб кетди. Кўшнимизнинг тупроққа бағрини бериб ётган курк товуғи қақоғлаб қочди.

Катта йўлга чиқишимиз билан «Запорожец» ўқдек учиб кетди. Санаб турдим: олтита тележка, учта юк машинасини қувиб ўтдик. Қарасам, машинанинг ғилдираги ердан узилиб осмон-фалакка учиб кетадиган.

— Шоди, — дедим елкасига туртиб. — Секинроқ...

— А? — У менга бутун гавдаси билан ўгирилиб қаради. Кўзлари ола-кула, ранги ўчиб кетган. — Нима? — деди овози ингичкалашиб.

Эллик қадамча олдинда сарғиш «Волга» кўринди. Тўппа-тўғри устига бостириб боряпмиз.

— Йўлга қара, йўлга! — дедим чинқириб.

Шодивой чўзиб-чўзиб сигнал берди. Масофа борган сайин қисқариб борарди.

— Чапга бур, аҳмоқ! — дедим бақириб.

— Нима? — Шодивой яна орқасига ўгирилди. Ўзимни ерга отай десам, эшик йўқ. Кўзимни чирт юмиб олдим. Бир маҳал қулоғимга Шодивойнинг чийилдоқ овози кирди:

— Амаки, «Запорож»ни биласизми?

Кўзимни очсам, «Волга»ни ўнг томондан обгон қилиб ўтяпмиз. Бир зумда «Волга» орқада қолиб кетди.

— Секинроқ! — кучим борича Шодивойнинг елкасига муштладим. — Тўхтат!

Худди шу пайт «Волга» бизни қувиб ўтди. Назаримда, минг километрга босиб ўтди-ёв ўзиям!

— Тўхтат! — дедим жонҳолатда.

Қаёқда, зум ўтмай яна «Волга»га етиб олдик. Пешонадаги ойнакдан кўриб турибман. Шодивой кўзлари аланг-жалаңг бўлиб яна бибиллатди. «Волга» чор-чор тагин ўзини чапга олди.

— Амакижон! «Запорож»ни биласизми? — Бу сафар Шодивойнинг овози йиғламсираб чиқди.

Бир маҳал олд томонда бедаси ўриб олинган аллақандай кенг майдон кўринди. «Запорожец»имиз қурбақадай сакрай бошлади. Ҳаммаёқ дақир-дуқир, дақир-дуқир қилади. Бошим пайдар-пай машина шифтига урилади. Назаримда ичакларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди-ёв.

— Тўхтат!

Шодивой яна орқасига ўгирилди.

— Қ-қанақа... қ-қанақа қ-қилиб...

У сўзини тугатолмади. Рўпарамизда бостирмадек узун-узун оқиш бинолар, ўтлаб юрган ола-була сигирлар пайдо бўлди.

...Бир маҳал ҳушимга келсам, ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Негадир димоғимга пичан ҳиди кирди. Бошимни ушлаб кўрдим: жойида. Оёғимни силаб кўрдим: бутун.

— Шоди! — дедим кўрқа-писа.

Қоронғилик ичидан ингичка овоз келди:

— Ҳа-а!

— Тирикмисан?

— Шунақа шекилли.

— Қаёққа кепқолдик?

— Билмайман.

— Ў-ў-ўл! — дедим чўзиб.

Ғира-шира қоронғиликка охири кўзим кўниқди. Шунда пайқадимки, иккаламиз ҳам тирикмиз. Машина ичида ўтирибмиз.

— Эшикни оч! — «Эшшак» дегим келдию, Тулпорим эшитиб қолса хафа бўлишини ўйладим. — Эшикни оч, ҳўкиз!

Шодивой ўтирган жойида минғиллади:

— Очолмаяпман.

— Қаттиқроқ итар!

Пўписам таъсир қилди шекилли, аввал эшик ғийқиллади, кейин шитир-шитир овоз эшитилди. Шодивой омон-эсон ерга тушиб олди чоғи нимқоронғилик орасидан минғирлаган товуш келди:

— Тушавер, Қўшо...

Қизиқ, унинг овози ғилдирак тагидан эшитилгандек бўлди. Олдинги ўриндиқ суянчиғини пастга босган эдим, қўлим рулга тегиб кетди. Машина «беп» деб қўйди. Қоронғида ғалати эшитиларкан.

— Сигнал чалма, аккумулятори ўтириб қолади, — деди Шодивой негадир қув-қув йўталиб.

Э, аккумуляторинг билан қўшмозор бўл! Ўзим эшикни тополмай гарангман-ку!

Эшиқдан тушишим билан юзимга хас-хашак урилди. Қаддимни ростламоқчи эдим, устимдан аллақандай оғир юк босаётганини пайқадим. Димоғимга чанг аралаш пичан иси кирар, қуриб қолган ўт-ўланлар бурнимга тегиб акса ургим келарди.

— Қаёқдасан? — дедим бақириб.

— Билмайман, — Шодивойни яна йўтал тутди.

Охири аллақандай хашак ғарами орасида юрганимизга ақлим етди. Оёқ-қўлимни баравер типирлатиб, ўзимга йўл очганча, эмаклаб кетдим. Олд томонда нур кўринди. Хайрият, ёруғ дунёга чиқиб олдим.

— Келавер, Шоди! — дедим ўзим йўл топиб чиққан тешикка энгашиб.

Шу пайт қоқ бошим устида ғўлдираган овоз эшитилди:

— Ҳов жўжаҳўроз! Нимага ўзингдан катта одамни майна қиласан?

Қарасам, шундоқ тепамда калта энгли кўйлак, жинси шим кийган, қора кўзойнак таққан киши икки қўлини белига тираб турибди. Билагининг ҳар пайи чойнақдай келади. Юз қадамча нарида, симтўсиқ ортида боя ўзимиз қувиб ўтган сарғиш «Волга» қийшайиброқ туриб қолган.

— Амаки... — дедим ялиниб. — Менмас...

Пичан ғарами шитир-шитир қилди. Шодивой қорни ер супургудек бўлиб эмаклаб чиқиб келди. Жўрамнинг афти-ангорига қараб бўлмас, аъзои-баданига хас-хашак ёпишган, икки қулоғига салкам бир қулочдан пичан илашиб қолган эди.

— Сенми шопир? — қора кўзойнакли киши Шодивойнинг устига бостириб борди. — Нега одамни майна қиласан? «Запорожец»ни кўриб қўй демоқчимисан?

Шодивой юмронқозикдай тисарилиб тешикка қайтиб кириб кетди. Секин бошини чиқариб мўралади.

— Амаки... — деди-ю кетма-кет олти марта акса урди. — Мен... ап-шу! «Запорожец»ни... ап-шу, тормози... ап-шу, тормози қаёқда бўлади демоқчийдим. — У гапининг якунига яна бир марта акса уриб қўйди.

Қара кўзойнакли киши инсофга келиш ўрнига баттар жаҳли чиқиб кетди.

— Чиқ буёққа! — деди-да, бир чанг солиб Шодивойни қўлтиғидан тортиб чиқарди. Уртоғим бечора худди қассобнинг қўлига тушган биққйгина қуёндек осилди-қолди. Нуқул питир-питир қилади. Қарасам, «қора кўзойнак»нинг важоҳати ёмон. Қочиб қолай десам, жўрамни кўзим қиймайди.

— Мен нима қилдим? — деди Шодивой баттар типирчилаб.

— Нима қилди-им? — кўзойнакли кишининг афти аламдан қийшайиб кетди. — Сени қуваман деб рессордан айрилдим. Тўлаб бер машинани!

Худди шу пайт бостирмага ўхшаш оқ бинодан бир киши отилиб чиқиб биз томонга югуриб келаётганини кўрдим. Оёғида Раис буванинг кийиб юрадиганига ўхшаш жигарранг этик, қўлида паншаха! Паншахаси офтобда шунақанги ялтирайдики, қорнингга санчилса борми, курагингдан тешиб чиқади. Худди кабобни сихга тортгандек! Бақириб юбордим.

— Қоч, Шоди!

— Қаёққа? — Қора кўзойнакли киши бир қўлида Шодивойни чангаллаб турганча иккинчи қўли билан човут солиб менинг ҳам билагимдан ушлаб олди. Шунақанги қисдики, суяқларим қисирлаб кетди. Уртоғим бечора боядан бери типирчилаётгани бежиз эмас экан-да.

— Рессорнинг ҳақини чўз! — «Қора кўзойнак» иккаламизни баравар силкита бошлади.

Шу орада паншаха кўтарган киши ҳам етиб келди. Паншахасини негадир менинг қорнимга тиради.

— Нима қилдинг? — деди ўшқириб. — Искирдни нима қилдинг, уйинг куйгур! Бўлинмас фонд эди-ку, бу ғарам! Сийирларни нима қилдинг! Бўвозлари бола тайлаб қўйса ким жавоб беради? — У паншахани қорнимга қаттиқроқ тиради. Қочай десам, «Қора кўзойнак» чангаллаб турибди. Паншаха қорнимга ботиши билан қитиғим келиб, ҳиринглаб кулиб юбордим. Паншахали кишининг жайра найзасидек яккам-дуккам мўйлови диккайиб кетди. Паншахани қорнимга янаям қаттиқроқ ботира бошлаган эди, Шодивойнинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Унақа қилманг, Ферма тоға!

«Ферма тоға» мен билан андармон бўлиб Шодивойни пайқамай қолган эканми, ялт этиб ўгирилди-ю тўсатдан юзи ёришди. Назаримда диккайган мўйлови ҳам шалпайиб қолгандай бўлди.

— Ия, полвон! — деди илжайиб. Қўлидан паншаха тушиб кетди. — Хуш кўрдиқ, палвон, хуш кўрдиқ! — Аммо ўша заҳоти қийиқ кўзларида тагин ўт чақнади. Сийрак мўйлови қайтадан типпа-тик бўлиб кетди. Ерда ётган паншахани олиб таҳдидли силкитди.

— Жубор! — деди ҳайқириб. Паншахани «Қора кўзойнак»нинг қорнига тиради. — Қўйиб жубор!

«Қора кўзойнак» ҳамон бизни чангаллаганча орқага чекина бошлади.

— Қўясанма-жўқма?

— Қанақа одамсиз ўзи? — «Қора кўзойнак» қўлини бўшатди. Шодивой уёққа, мен буёққа қочиб ҳар эҳтимолга қарши ўн қадамча нарига бориб олдик. — Рессорим...

— Жўлингдан қолма! — «Ферма тоға» паншахани бир силкитган эди, «Қора кўзойнак» ит қувган соқовдек симтўсиқ томонга қочди. Узиям шунақанги тез югурдики, агар «Пахтакор»нинг ўйинчилари шунақа чопса, рақиб дарвозасига бир минутда бешта голни бемалол урган бўларди! Зум ўтмай сарғиштоб «Волга»нинг эшиги очилиб-ёпилди. Машина бедаси ўриб олинган майдондан бешиктебратардек чайқалиб-чайқалиб юриб кетди.

— Оббо, полвон-ей! — «Ферма тоға» Шодивойнинг елкасига қоқди. — Шўхлиқ қибжатибман, денг! Аммо сийирларни кўрқитиб жубордингиз-да, полвон!

Қарасам, беш-олтита сигир олисдаги бино панасида тўдалашиб турибди. Биттаси, ҳалиям эс-ҳуши жойига келмаган шекилли, думини хода қилиб, уёқдан-буёққа шаталоқ отади. Кирроқ оқ халат кийган хотин сигир кетидан қувяпти. Бир томонда тўппа уюми, бошқа томонда гўнг уюми тоғдек савлат тўкиб турибди.

Шуни англадимки, бизнинг азамат «Запорожец» симтўсиқни қаҳрамонона янчиб ўтиб, ўзини фермага урган экан. Ҳовли ўртасидаги пичан ғарамига чунонам калла қиптики, у томонидан кириб, бу томонидан чиқиб кетмаганига ҳайронман. Ҳатто изиям қолмабди. Ғарам аввал қандай турган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай. Сим-сим эшиги қайта ёпилиб қолганга ўхшайди. Яхшиям «Ферма тоға» Шодивойни таниб қолгани, бўлмаса иккаламиз паншахага тортилиб, шашлик бўлармидик.

— Журинғизлар, жигитлар. Чой ичабиз. Кўк чой. — «Ферма тоға» бир гапириб, ўн кулиб бизни азиз меҳмондек оқ бино томонга энди етаклаган эди, ҳовлининг нариги бурчагидаги дарвозада «Нива» машинаси кўринди.

Шодивой аввал тўхтаб қолди, кейин бир қадам орқага тисарилди, ундан кейин икки қадам... Ана ундан кейин машинамиз калла урган пичан ғарами томонга тирақайлаб қочди. Улганнинг кетидан шайид деб мен ҳам орқасидан чопдим. Йўл-йўлақай «Ферма тоға»нинг қувончли хитоби қулоғимга чалинди.

— Ия, Раис бова-ку!

Шодивой нега қочганини энди тушундим. Дадасидан кўрқяпти. Ҳаллослаб хирмон орқасига ўтсам, хирмоннинг бир бурчагида ўртоғим ғужанак бўлиб ўтирибди. Шундоқ семиз жўражонимнинг гавдаси ингичка тортиб кетгандек. Ёнига келиб ўтиришим билан «жим» деб имо қилди.

Аксига олгандек, мотор товуши гувиллаб пичан хирмонига яқинлашиб келарди. Узиям хирмоннинг нариги томонига тумшуғини тираб тўхтади-ёв. Эшик қарсиллади. «Ферма тоға»нинг овози товланиб чиқди.

— Хуш кўрдик, Раис бова, ассалом алайке-е-ем!

— Қалайсан, Мусайип?

Шодивой дадасининг овозини таниб, ранги ўчиб кетди. Шитир-шитир қилиб орқаси билан хирмон ичига киришга уринди.

— Жотибмиз, Раис бова!

— Сен шунақа ётишни биласан. — Бирпас жимлик чўкди. Кейин яна Раис бованинг овози эшитилди. — Эртага камиссия келади.

— Келса жахши.

— Яхши-я, яхши! Бу галгиси анойи эмас. Областан келади.

— Жахши!

— Яна яхши дейди! Фермангга қара! Ахлатхонага айланиб кетибдику!

— Маъқул, Раис бова, тозалайбиз.

— Тозалайсан... Менга қара, Мусайип, гўшт планини қанча деб ёзгансан?

— Жуз ўттиз поиз! Январда дўндирганмиз.

— Испарапкалар жойидами?

— Жойида, Раис бова.

— Сут-чи?

— Ҳар сийирдан икки минг уч жуз кило.

— Қоғози борми?

— Бор, Раис бова!

Яна жимлик чўкди. Урнимдан турмоқчи эдим, Шодивой кўлимдан силтаб тортди. Дўмбоққина муштини дўлайтирди. Хирмон орқасидан тагин Раис бованинг овози келди:

— Мусайип! Бу — қўзилатишни қанақа деб ёзувдинг?

— Жуз совлиқдан жуз жетмиш жетти.

— Жетмиш-петмиш демасдан икки юз қилиб қўяқолсанг ўласанми?

— Узи тувғани жуз ўнта, Раис бова!

— Нима? — Раис бованинг овози жаранглаб кетди. — Виставкага боришни биласан. Медал олиб, мажлисларнинг тўрида ўтиришни биласан. Буёғиниям тўғрилаб кўй-да. Туғмаса туғдир! Етмаса ўзингникини қўш!

— Маъқул, Раис бова, тувдирабиз.

Шу гапдан кейин Раис бува машинасига ўтириб жўнаб қолади, деб ўйлагандим. Йўқ, мотор гурилламади. Қайтага, Раис бованинг овози янаям тажанг чиқди:

— Мана бу рўдапони қачон йўқотасан?

— Камиссия курса жахши-ку, Раис бова. Бир жилда икки жиллик жем-хашак...

— Сен камиссияни ўзингга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлайсанми? Тўрт йилдан бери шу хашакни рўкач қиласан!

Гурс-гурс қадамлар ғарамни айланиб ўта бошлади. Шодивой иккаламиз пичан ичига ўрмалаб кириб кетишни ҳам, қочиб қолишни ҳам билмай турган эдик, ғарам бошида Раис бува, унинг кетидан чопқиллаб келаётган «Ферма тоға» кўринди. Раис бованинг эғнида доим кийиб юрадиган кулранг кительшим, бошида дўпписи қийшайиброқ турарди.

— Ановилар нега думалаб ётибди иш пайтида? — Раис бува аввалига бизни танимади шекилли, қўлини пахса қилди. — Ухлаб ётибсанларми?

«Ферма тоға» негадир илжайиб кўйди. Раис бува таққа тўхтаб қолди.

— Ия? — деди гоҳ бизга, гоҳ «Ферма тоға»га юзланиб. — Нима қилиб юрибди булар, Мусайип?

Уртоғим иккаламиз ўрнимиздан туриб, эғнимизга ёпишган хас-хашакни тозалаган бўлдик. Шодивой миқ этмай тургани учун ўрнига мен жавоб қилиб қўяқолдим.

— Шундай, ўзимиз...

Раис бува лабининг бир бурчи билан жилмайди.

— Сенам жўранг билан келдингми, тутхўр?

Пат-патни эсига солгим келди-ю, кўрқдим.

— Ҳа... — дедим минғирлаб.

Шу... «Ферма тоға» ҳам ғирт жинни экан-да! Жим турақолса-ку олам гулистон эди.

— Раис бова, — деди илжайиб. — Полвон бир шўхлиқ қипти-да.

— Нима? — Раис бува бирдан жиддий тортиди.

— Мошин миниб...

— Қанақа мошин?

— Жахши кўрмадиму... ранги кўкимтир-ой. Тўвримми, полвон?

— «Запорож»ми? — Раис буванинг кўзи олазарақ бўлиб кетди. — Минувдингми? Қани, мошин?

«Ферма тоға» мўйловини учириб, ғарамга имо қилди.

— Искирдда, Раис бова.

Раис бува оғир-оғир киприк қоқди. Тез-тез юриб, бутун ғарамни айланиб чиқди.

— Қани? — деди Шодивойнинг тепасига келиб.

Шодивой ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Ичида, — деди бурнини тортиб.

— Ниманинг ичида? — деди Раис бува тажанг овозда. — Қандоқ қилиб кирди?

— Жигит-да, жигит! — «Ферма тоға» Раис бувани юпатди. — минғиси келган.

— Қамчибек! — Раис бува кафтини карнай қилиб бақирди. Зум ўтмай Раис буванинг коптокдек дум-думалоқ шопири чоғиб келди.

— Сим топ! — деди Раис бува шопирга. — Узунроқ!

Бир оздан кейин шопир узунлиги йигирма қулоч келадиган йўғон симнинг бир учидан судраб келди. Раис бува «кир» дегандек имо қилди. Аммо шопир ғарамнинг қаёғидан киришни билмай, митти кўзларини жавдиратди.

— Менга беринг! — дедим симга қўл чўзиб. — сиз тополмайсиз.

Симнинг илгак қилинган учини чангаллаганча эмаклаб боя ўзимиз чиққан тешикка кириб кетдим. Ҳали унчалик сезмаган эканман: ғарам ораси ўлгудек иссиқ экан. Буям камлик қилгандек пичан босилиб ётавериб, димиқиб кетганми, ачимсиқ хид димоғимни ёрай дейди. Бирпасда нафасим қайтиб, терлаб кетдим.

То машинага етиб олгунча бир кун эмаклагандек бўлдим-ов. Ниҳоят кўлим машинанинг темирига урилди. Қоронғида сим улайдиган жойини тоғиб бўлса экан?! Йўқ, охири топдим шекилли. Зўрмиз-да, ўзимиз ҳам! Йўғон сим қўлларимни қайириб юборганига қарамай, илгакни чандилаб маҳкамладим.

Яна эмаклаб ёруғ дунёга чиққанымда. Шодивой бир чеккада шумшайиб турарди.

— Аҳмоқ! — деди Раис бува ясамароқ дағдаға қилиб. — Жўрангга ўхшаб уқувли бўлсанг ўласанми?! Қара, Қўшоқвой қандоқ ақлли бола! Сен нуқул бузишни биласан. Қани, Қамчибек, обке машинангни.

Шопир хирмон орқасига югурди. «Нива»ни гуриллатиб келиб, хирмонга рўпара қилди. Кабинадан чаққон сакраб тушиб, симнинг бир учини «Нива» илгагига боғлади.

— Торт! — деди Раис бува қўл силтаб.

«Нива» чираниб тисарилди. Сим таранг тортилиб, ғарам устидан палахсапаласха пичан кўчиб туша бошлади.

— Қоч, ҳамманг! — Раис бува тағин қўл силтаб буйруқ берди. — Наритуринглар!

«Нива» девдек ўкирар, сим рубобнинг торидек таранг тортилиб кетган, аммо «Запорожец»дан дарак йўқ эди. Ниҳоят, хирмон тағидан қалдир-қулдир, қалдир-қулдир деган овоз келди. Қарасам, негадир «Ферма тоғанинг» ҳар мўйлови найзадек типпа-тик бўлиб кетяпти. Бир маҳал хирмон орасидан оппоқ бир нарса чиқиб кела бошлади. Тушимми-ўнгимми? Шодивойнинг «Запорожец»и ҳаворанг эди-ку! «Нива» яна бир ғайрат қилган эди, яп-янги, оппоқ «Волга» ерга ёнбошланганча ёруғ дунёга чиқиб келди, Оббо! Қоронғида симни эшик тутқичига боғлабман-да. Бунисиям майли-ку, Шодивойнинг машинаси ҳаворанглигини биламан, «Запорожец»лигини биламан, буниси оқ-ку, «Волга»-ку!

Ён томонимда ғалати овоз эшитилгандек бўлди. Талмовсираб ўгирилсам, «Ферма тоға» жўхори тиқилган хўроздек бўйинини чўзиб, «ғийқ» деб қўйди.

Кейин қийиқ кўзларини чирт юмиб олди-да, диккайган мўйловини кучи борича чангаллаб, тагин икки марта «ғийқ», «ғийқ» қилди.

— Нима бу? — Раис буванинг ҳокимона хитобидан чўчиб тушдим.

— Сендан сўраяпман, Мусайип?

«Ферма тоға» аввал битта кўзини очди, кейин иккинчисини... Кейин бир йўла оғзини ҳам очиб қўя қолди. «Нива»нинг шопири эсанкираб қолдими, тормоз бериш ўрнига газни босиб юборди шекилли, мотор бир варанглади-ю, «динг» этган овоз эшитилди. Таранг сим қоқ ўртасидан узилиб кетди. Боядан бери ёнбошлаб ерга судралиб келаётган «Волга» бир силкинди-да, оёғи осмондан бўлиб ағдарилди. Ойналари чил-чил синди. Томи пачақланиб, ялпайиб қолди. Машина тўнтарилиб ётса, ғалати бўларкан. Худди оёғи осмондан бўлиб қолган кўнғиздек.

— Ҳов, Мусайип — Раис бува «Ферма тоға»га чақчайди. — Нима бу? «Ферма тоға» жуда ғалати илжайди.

— Мошин...

— Мошинлигини кўриб турибман, кимники?

— Сиздиқи! — деди «Ферма тоға» пинагини бузмай.

— Меники «Запорож»ку, — деди Раис бува хуноб бўлиб.

«Ферма тоға» яна илжайди.

— Тувибди-да.

— Нима?

— «Запорож»инғиз бўвоз экан. «Волга» тувиб берди, Раис бова. Қутти бўлсин!

Раис бува нима дейишини билмай қолди.

— Бултур «Жигули» олиб берувдим-ку, битта машина камлик қилдими, нокас! — деди қўлини паҳса қилиб.

«Ферма тоға» ялпайиб ётган машинага тикилганча товуқнинг оёғига ўхшаган бўйинини чўзиб тагин бир марта «ғийқ»деб қўйди.

— Сиздиқи, — деди. яна. — Қутти бўлсин.

— Э, ўл-а! — Раис бува негадир ҳиқиллаб кулиб юборди. — Мошин сигирмиди, туғадиган?

— Тувади! — «Ферма тоға» нинг мўйлови учиб қўйди. Фақат бу сафар хомушроқ, маъюсроқ учди. — Тувмаса тувдирабиз.

— Бўпти, мошиннинг боласини сенга бердим. Юр, буёққа.

«Ферма тоға» фарзанди ўлган одамдек пачоқ «Волга»га охирги марта қараб қўйди-ю, чор-ночор Раис бувага эргашди.

— Обтуш! — деди Раис бува бақириб. Шопир йигит «Нива» ичидан магазинларда конфет солинадиган яшикка ўхшаган картон қутини олиб тушди. Қути оғирроқ шекилли, икки букилганча пишиллаб кўтариб келди-да, «Ферма тоға»нинг оёғи остига қўйди. Ичида бир нима шиқирлади.

— Нима бул? — деди «Ферма тоға» қовоқ-тумшуги осилиб.

— Атир! — Раис бува қошини чимирди. — Эрталаб ҳар бир сигирнинг устига сепасан. Камиссия келганда атир ҳиди анқиб турсин. Сенлар баққа юр.

Шодивой иккаламиз «Нива»нинг орқасига ўтирдик. Раис бува шопирнинг ёнига.

— Мусайип! — деди Раис бува машина ўрнидан жилганда. — Эшитиб қўй, ҳаммаёқ чиста бўлсин. Испарапкалар бехато бўлсин. — Кейин илжайиб қўшиб қўйди. — Скирдни очиб, «Запорож»ни бизикига обориб қўй... Хафа бўлма, янаги йил юз совлиқдан икки юзтадан кўзи олсанг, ўзим «Волга» падарка қиламан.

Еттинчи боб

Симли атлас

Р аис бува «Ферма тоға»га янги «Волга» совға қилдими-йўқми, унисини билмайману мен пат-патдан аллақачон умидимни узиб қўйганман.

Авалари Турсунбой акамнинг мотоциклига миншимга жон-жон деб рози бўладиган Ойсара янгам ҳам тўсатдан айнади-қолди.

Бир куни кечқурун пат-пат миниш илинжида уйларига кирсам эр-хотиннинг жанжали устидан чиқиб қолдим. Ҳовли ўртасида ўнтача пахта гулли пиёла, иккита чойнак, сопол лаган чил-чил бўлиб ётибди. Айвонда Ойсара янгам сочи пахмайиб йиғлаб ўтирибди. Чап юзи моматалоқ бўлиб кетган. Турсунбой акам олма тагида турганча қўлини пахса қилиб, аллакимни бўралаб сўқяпти. Юзи тирналган.

Анграйиб қопман. Секингина жуфтакни ростлаб қолмоқчи эдим, бирдан Турсунбой акамнинг кўзи менга тушди.

— Ҳа, Қўшовой, пат-пат мингинг келяптими? — деди сўкишдан тўхтаб. Ҳатто ғалатироқ илжайиб ҳам қўйди. — Жуда яхши-да, укам! — У тирналган юзини кафти билан силади. — Мана калит, минақол! — деди чўнтагига қўл сўқиб.

Айвонда хун-хун йиғлаб ўтирган Ойсара янгам ҳамма гапни эшитиб турган экан. Учиб ҳовлига тушди.

— Белингиз оғриб топибсизми, пат-патни! — деди чинқириб. — Буёққа беринг калитни!

— Ҳа-а! Жонинг ачидими? Бундан чиқди... Сенинг белинг оғриган экан-да! — Турсунбой ака аланг-жалаңг бўлиб қолди. — Ҳозир! — деди ҳайқириб, — ҳозир дабдала қиламан!

У югуриб бориб тандир тагида ётган тешани юлқиб олди. Ойсара янгам дод солиб тешанинг бандига ёпишди. Турсунбой ака уёққа тортади, Ойсара янга буёққа. Уй ичидан калта кўйлак кийган қизалоқ билан оёқяланг болача чиқиб, чирқиллаб уларга ёпишишди.

Вақт ғаниматда оёқни қўлга олиб кўчага зинғилладим.

...Ўшандан бери Тулпоримни миниб тинчгина юргандим. Уёғини сўрасангиз бу йил ўнинчини битирамиз. Давлат имтиҳонига тайёрланиш керак. Ўзим билан ўзим овора бўлиб, аравамни тортиб юрсам, бугун Раис бува яна эски ваъдасини эсимга солди. Йўқ, ундан ҳам каттароқ ваъда бериб юборди.

Папкамни салаңглатиб, кўчага чиқсам, эшигимиз олдида «Нива» турибди. Дарров танидим: Раис буванинг машинаси. Раис бува бизникига келиб нима қилади? Отам ишда, онам билан синглим далада. Бундан чиқди машина бузилиб қолган бўлса, Қамчибек ака тагини кавлаштириб ётгандир-да.

Шу хаёл билан яқин борсам, рулда Раис буванинг ўзи ўтирибди. Мени кўриб, эшикни очди-да, ерга чаққон сакраб тушди.

— Нега чопиққа чиқмадинг? — деди тўсатдан.

Эсанкираб қолдим. Ҳайронман, довдираб қолганимда миям қарсиллаб ишлаб кетади.

— Уч кундан кейин имтиҳон, Раис бова! — дедим тантана билан. — Шодивой иккаламиз ёзмадан тайёрланмоқчи эдик.

Раис бува аланг-жалаңг бўлиб, бизнинг эшик томонга қаради.

— Шоди сеникидами? — деди овозини пасайтириб.

— Йўқ. Мен сизларникига бормоқчи эдим.

— Маладес! — Раис бува эркалаб елкамга қоқди. — Тўғри ўйлабсизлар. Давлат имтиҳонига яхши тайёрланиш керак. — У бир зум жимиб қолди-да, кўшнимизнинг дарвозасига зимдан қараб қўйди. — Уёқда ким бор?

— Билмадим, — дедим ростини айтиб.

Раис бува тагин елкамга қоқди.

— Бўйингни қара! — деди илжайиб. — Оббо, тутхўр-ей! Мендан ҳам ўсиб кетибсан-ку. Овозинг ҳам дўриллаб қопти. Отангга айтаман, уйлантириб қўяди.

Лабим ўзидан-ўзи бир томонга қийшайиб илжа бошлаган эдим, Раис бува бирдан жиддий тортди. Ҳатто қовоғиям осилиб кетди.

— Менга қара, тутхўр! — деди хўмрайиб. — Ойсара янганг анчадан бери ишга чиқмаяпти. Касал бўпқопти. Мана шу китобни обкириб берасан. — У машина эшигини очиб ўриндиқ устида ётган, газетага ўроғлиқ китобни олди. — Ма! Раис бова китобингизни бериб юбордилар. Эртадан бошлаб ишга чиқаркансиз, Раис бова яна китоб ўқигилари кепти, дегин, уқдингми? — У китобни қўлимга тутқазди. — Югур! Шошма, папкангни ташлаб кетавер.

Қарасам газетага ўроғлиқ нарса — юмшоқ. Турсунбой акамнинг уйидаги

уруш-жанжални эслаб, гашим келди. Устига устак, Раис бува ваъда қилган пат-патдан ҳамон дарак йўқ.

— Турсунбой акамга берсам ҳам майлими? — дедим илжайиб.

Раис бува мендан ҳам ёйилиброқ илжайди.

— Турсунбой акамг далада. Ойсаранинг ўз қўлига бер! Бўл тез!

Оғриниброқ ҳовлига кирсам, Ойсара янгам айвонда хамир қориб ўтирган экан. Мени кўриб, қайрилиб ҳам қарамади.

— Манави китобни Раис бова бериб юбордилар! — дедим гўлдираб. — Узлари кўчада машинада ўтирибдилар. Тезроқ ишга чиқиб, яна китоб бераркансиз.

— Нима? — Ойсара янгам дик этиб ўрнидан турди-да, айвон лабига келди. Хамир юқи қўли билан газета қатини очган эди, ловуллаб турган атласнинг бир учи ергача чўзилиб тушди. Оғзини ланг очилиб қолди. Аҳир бу ялтироқ сим атлас-ку! Энам неча марта отамга айтган: «Мовжунинг тўйига ақалли бир жўра «сим атлас» олиб қўймасак уят бўлади», деган. Отам «бир жўра «сим атлас»инг чайқовда уч юз сўм туради, қаёқдан оламан», деб тўнғиллаган.

Қаранг, Ойсара янгам шундай нарсанинг қадрига етмадия! Хамир юқи қўли билан атласни шарт-шурт газетага қайтадан ўради-да, қўлимга тутқазди.

— Раис бовангга айт! — деди лаби титраб. — Ўқийдиган китоби кўпайиб кетган! Ушаларни ўқийверсин, хўпми?

Турсунбой юриб, жойига бориб чўнқайди-да, хамир эмас, Раис бованинг бошига ураётгандай хамирни шиддат билан муштлай кетди.

Менга нима! «Китоб»ни қўлтиғимга қистириб кўчага чиқсам, «Нива» жойида йўқ. Йўл четида папкам ёнбошлаб ётибди. Энди ўша томонга юрган эдим, орқа томондан дағдағали овоз келди.

— Шошма, Қўшо! Анави нима?

Қайрилиб қарасам, ўн қадамча нарида Турсунбой акам қовоғини солиб турибди. Бошида унниқиб кетган эски дўппи. Кўйлак-шими бир энлик чанг.

Довдираб қолдим.

— Атлас, — дедим тилим тутилиб.

Унинг ранги қув ўчиб кетди.

— Қанақа атлас?

Баттар эсанкираб қолдим.

— География атласи, Турсунбой ака, — дедим минғиллаб. — Тарих атласи... Имтиҳонга...

— Бўпти, кетавер... — У тишларини ғижирлатганча уйига кириб кетди.

Раис бованинг «Нива»си икки кўча нарида турган экан. Эшикни очиб, имлаб қақирди.

— Бўлдими, тутхўр? — деди машинадан тушиб.

— Манг! — газетага ўроғлиқ атласни қўлига тутқаздим.

Раис бува кўзимга хавотирланиб қаради.

— Нима бўлди?

— Бошқа китобларни ўқиркансиз!

У атласни шоша-пиша ўриндиққа ташлади.

— Турсунбой сени кўрмадими?

— Кўрди.

— Нима деди?

— Қўлинггаги нима, деб сўради.

— Сен нима дединг?

— Атлас, дедим.

— А?! — Раис бованинг кўзи олайиб кетди. — Атласлигини қаёқдан билдинг, аҳмоқ!

Ие, нега менга ўшқиради бу!

— Ойсара янгам очиб кўрди! — дедим бақириб. — Сим атлас экан. Чияли бозорида уч юз сўм турадиган атлас экан! Аммо-лекин олмади!

— Бўлди, тутхўр, бўлди, — у пешонамни силамоқчи эди, бошимни орқага тортдим.

— Ўзи олмаса мен нима қилай!

— Ажаб қибсан, хўп қибсан, олмаса садқаи — сар! Турсунбой сени кўрмадими ахир?!

— Кўрди деяпман-ку!
 — Қаерда?
 — Кўчага чиққанымда.
 Раис буванинг ранги гезариб кетди.
 — Ростдан-а?!
 — Нега ишонмайсиз! — Хуноб бўлиб бир бақирган эдим, Раис бува кучоқлаб олди.
 — Ишонаман, тутхўр, сен яхши боласан, кейин нима деди?
 — Ким? — дедим қовоғимни солиб.
 — Турсунбой.
 — Қўлингдаги нима, деди, деяпман-ку!
 Раис бува шилқ этиб, машинага суялиб қолди.
 — Қанақа атлас, деб сўрагандир? — деди овози титраб.
 — Сўради.
 — Сен нима дединг?
 — Сим атлас дедим!
 — Ким берди, дедими? — Раис бува оғир-оғир киприк қоқиб ингради. — Сен нима дединг? Раис бова, демадингми, ахир?..
 Қарасам, Раис буванинг аҳволи чатоқ. Юпатгим келди.
 — Индамай кетавердим! — дедим тантана билан.
 — Маладес! — Раис бува бирдан жонланди. — Энди бундай қиламиз, тутхўр. Агар Турсунбой яна сўраб қолса, онам атлас олиб келган экан, қимматлик қипти, шунинг учун янгамга олиб чиққан эдим, дейсан. Уқдингми?
 Қўрқиб кетдим. Отам бу гапларни эшитса, теримга сомон тикади. Онам ҳам соғ кўймайди.
 — Турсунбой акам энамдан сўраб қолса-чи? — дедим тўнғиллаб.
 — Сўрамайди! — Раис бува мамнун жилмайди. — Бу ёғини Ойсара янгангнинг ўзи тинчитади. Турсунбойни шунақанги бурайдики, ҳеч кимга оғиз очмайдиган қилиб кўяди. Сен бир-икки ой жим юрсанг бас. Тушундингми?
 Индамай бурилиб кетаётган эдим, Раис бува чақириб қолди:
 — Шошма, ўв! Ҳали Шоди билан дарс қиламан деган эдинг-ку! Утир!
 У машинага чақон миниб, ўнг эшикни очди.
 — Мин, — деди меҳри товланиб. Чадагача жим кетдик. Ушшайиб ўтирганимдан хавотирга тушди шекилли, хлоппункт ёнидан ўтаётганимизда тўсатдан гапириб қолди. — Сен маладес боласан, тутхўр! Ҳов бирда пат-пат олиб бераман дегандим. Мен бирсўзли одамман. Пайти келиб албатта олиб бераман. Унгача бир иш қиламиз. — У менга қараб, кўз қисиб кўйди. — Жўранг, Қўшо Тошканга бормаса, мен ҳам институтга кирмайман, деяпти. Иккалангни битта институтга жойлаб қўяман. Тошканда бизнинг жўралар кўп, билдингми? Бу ёғидан хотиржам бўлавер, тутхўр. Институтга кирдинг ҳисоб!

Саккизинчи боб

«Кампир қонуни»

Адабиёт ёзма-оғзақисидан-ку амаллаб ўтиб олдим. Жудаям «беш» бўлмаса ҳам уч-уч ярим дегандек. Лекин буёқда ҳали физика турибди. Энг ёмон кўрган фаним — физика! Адабиётни яхши кўришимнинг ҳам, физикани ёмон кўришимнинг ҳам сабаби бор. Адабиёт ўқитувчимиз — яхши одам. Бечоранинг тўққизта қизи бор. Уқитувчимиз ҳар гал энди ўғил кўраман деб орзу қилаверган, хотини пайдар-пай қиз туғаверган.. Уғли йўқлиги учун ҳам адабиёт муаллимимиз билан қадрдон бўлиб қолганмиз: раҳмим келади. Ўт юлганимда Тулпоримга икки боғгинасини ортиб, уйига обориб ташлайман. Томорқасида жўхори узса қарашвораман. Еттинчи синфдан буёғига кузда ҳар куни атайлаб эшигининг олдидан ўтаман. Бари бир кўмир олиб келади-ку! Физиллатиб ташиб бераман. Шунинг учунми, ўзим адабиётдан зўрманми, хуллас, шу ўқитувчим мени яхши кўради. Жудаям «беш» кўймай-

ди-ю (бешни Шодивойга қўяди), ҳар қалай, мендан «тўрт»ни аямайди. Мана, давлат имтиҳонида ҳам ёзмадан «уч», оғзакидан «тўрт» олдим.

Физика ўқитувчимиз — ёмон! Ислон Қиличев деса бошқа маълимлар уёқда турсин, директоримизнинг ўзи ҳам типирчилаб қолади. Ислон ака урушда бўлган: чап қўли йўқ. Лекин, қўли битта бўлсаям, бизларни шунақа ушлайдики...

Ислон акадан «беш» оладиганнинг боши ўнта. Ҳаммани «икки» билан сийлайди. Йўқ, ошириб юбордим-ов! Бултур синглим Жу бошқа фанлардан «тўрт» олса ҳам худди шу Ислон ака «беш» қўйган. Чорақларига ҳам, йиллигига ҳам, ҳатто имтиҳонда ҳам.

Эсимда, эрта ёзда шу маълим бизникига келган эди.

«Салимжон, жўра, қизингиздан малакали мутахассис чиқиши мумкин, политехника институтининг АСУ факультетига юборинг», деганида дадам негадир узоқ ўйланиб қолган, «биламан, маълим, нима қилай, менинг ортиқча жамғармам йўқ-да», деб қўя қолган эди. Ислон ака, «сиздақа фронтовик одамдан шунақа гап чиқса», деб яккаю ягона қўлини жаҳл билан силтаганида онам ўртага тушган эди: «Қиз болага институтни ким қўйибди, шаҳарга борса айнаб кетади». Жу бечора ўшанда роса йиғлаганди.

Гап бундай эмас... Жонажон ўртоғим Шодивойни бутун мактаб, ҳатто РайОНО ҳам олтин медалга тайёрлаётган экан. Тўққизинчи синфдан шу — Ислон ака физикадан дарс ўта бошладию Шодивойнинг кундалиги «уч»га тўлиб кетди. Ушандан бери айтишларича, Раис бува маълимимиз Ислон Қиличевни ёмон кўриб қолганмиш. «Шу маълимни пенсияга чиқариб қутулмасам бўлмайди», деганмиш. Тағин уёғини билмадим-у, шуниси аниқки, жўрам олтин медал ололмайди: Устига устак, эртага физикадан давлат имтиҳони топширамиз.

... Имтиҳонга райондан, ҳатто областдан одамлар келади, дейишганди. Ҳеч ким келмади. Шодивойнинг фамилияси Алимов эмасми, Ислон ака, биринчи бўлиб жўрамни чақириб қолди.

Ўн йил ўқиб, биронта маълимдан қўрқмайдиган Шодивой шу — Ислон акани кўрса, оёғи қалтирайдиган бўлиб қолган. Ҳозир ҳам фамилиясини айтиб чақиритганини эшитмади. Ҳаммамиз йўлакда типирчилаб турибмиз.

— Алимов! — қия очиқ эшикдан Ислон аканинг зардали овози келди.

— Сени чақиряпти! — дедим секингина жўрамнинг биқинига туртиб. Шодивой гарангсиз оғзини каппа-каппа очди:

— А!

— Кир! — Каттиқроқ бақириб юбордим шекилли, кимдир елкамга мушт туширди.

— Секин-е!

— Қўрқиб кетяпман... — Шодивой кўзимга шунақанги илтижо билан термулдиги, ўзим ҳам қўшилишиб йиғлаб юборай, дедим.

— Шпаргалкани чўз! — Ўртоғимнинг қалин қилиб тугилган чучварадек қулоғига шивирладим. (Шпаргалкаларнинг зўри Шодивойда бўлади-да. Бошқа болалар далада ғайрат билан ишлаётганда жўрам уйига кириб олиб ғайрат билан шпаргалка тайёрлаган: ҳаммамиз учун) — Деразанинг олдига ўтир. Билетингнинг номерини айтсанг, ошираман.

Шодивой ихчам қилиб букланган қоғозни чўнтагидан олиб қўлимга тутқазди.

— Алимов! — Қия очиқ эшикдан боягидан баттар зардали овоз келди.

Шодивойнинг қўлтиғига кириб, судрагудек олиб бордим-да, эшикни каттароқ очиб, гарданига бир мушт туширган эдим, сузонғич буқадек бошини елкаси орасига тортганча, тўппа-тўғри Ислон аканинг устига бостириб бора бошлади.

— Жиннимисан! — Ислон ака ўрнидан туриб кетди. Ягона қўлини қўтариб, калла қўйишни мўлжаллаб келаётган Шодивойнинг пешонасига кафтини рўпара қилди.

Шодивой таққа тўхтаб қолди.

— Билет ол! — деди Ислон ака Шодивойга шубҳалироқ қараб.

Тезроқ синфхонанинг нариги томонига етиб бормасам бўлмайди. Папканинг бандидан чангаллаганча йўлакдан югуриб кетдим.

Имтиҳонни далада топширганимиз қандоқ яхши эди-я! Баҳо қўйишда бригадиримиз Тўлаш ака кўмаклашиб юборарди. Бир гектар ўтоқ қилганга — «беш». Ярим гектарга — «уч»... Шу... Раис бувагаям ҳайронман-да! Давлат имтиҳони қонуний бўлсин, ўнинчилар мактабнинг ўзида синовдан ўтсин, комиссия келиб қолиши бор, дебди-да! Мана энди ўзининг ўғлига жабр бўлди!

Имтиҳон бўлаётган синфхонанинг деразаси олдига етиб олгунимча ҳали қанча бор! Аввал узундан-узоқ коридордан ўтишим керак. Кейин ҳовлига чиқаман. Ундан кейин мактаб орқасига ўтаман.

Ҳаллослаб чопиб боряпману, бир нарсани ўйлайман. Меҳнат дарсидан зўри йўқ экан-да, ўзи! Масалан, менга энг яхшиси — меҳнат дарси! Маълимлар нуқул савол беравериб бошингни қотирмайди... Шунисига хурсандманки, меҳнат дарси бизда айниқса кўп бўлади. (Бошқа жойда қанақа, билмадим-у, бизда шунақа.) Ғўза сал қаддини ростлаши билан ягана бошланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қорғи оч тўртта одамнинг олдига битта ликопчада ош қўйиб, «қани, олинг-олинг» десангиз, тўртталаси баравар чанг солса, нима бўлади? Ҳаммаси оч қолади, тўғрими? Ғўзаям шунақа-да! Бундан чиқди, биттасини қолдириб, бошқаларини юлиб ташлаш керак. Бирми? (Бармоғингизни букиб, санаб туринг). Ундан кейин... Тўртта ғўзадан учтасини юлиб ташлаганингиз билан бошқа ошхўр топилмайди дейсизми? Сиз-ку, ерга минг хил «палов» берасиз, маҳаллий ўғит, минерал ўғит (вой, ҳиди қурсин! Одамни заҳарлаб ўлдираман, дейди-я!) Сиз-ку «палов»ни пахтага берасиз. Аммо унинг насибасига шерик бўладиган бегона ўтлар ҳам чиқади-да! Ушанақа текинхўрларни таг-томири билан қуриштиш керакми-керак! Бунинг оти ўтоқ дейилади. Иккита бўлдимми? Ана ундан кейин чопиқ бошланади. Пахтаиям жони бор. Нафас олмаса, ўлиб қолади. Сиз билан биз-ку оғиз-бурнимиз билан нафас оламиз. Пахта бўлса, илдизи билан нафас олиши шарт. Демак, чопиқ қилиш керак. Кейин пилла мавсуми келади. (Бунисини айтиб берувдим, бошқа гапириб ўтирмайман). Кетидан пичан ўриш кампанияси бошланади. «Ферма тоға»нинг сигирлари пичан емаса — ҳаром ўлиб қолмайдими? Ундан кейин, яна чопиқ, ғўза суғориш... Бу — пахта дегани сувга чунонам ўчки, жуда отчалик ичмасаям, камида менинг Тулпоримчалик симиради қўриб кетгур!

Пахта очилганидан кейин-ку... далада байрам бошланади. Аввал, биринчи сорт пахта терасиз, кейин, иккинчи терим, учинчи терим. Шу пахта дегани хўп эринмаган нарса-да! Бугун териб олсангиз, эртага яна илжайи-и-б, очилиб тураверади. Кейин падбор терасиз, яъни машина териб кетганида ариққа тўкилиб қолган пахтани йиғиб оласиз. Чаноқда ярим-ёртиси қолсаям увол-да! Ундан кейин кўрак териш, кетидан кўрак чувиш... Охири далалар қип-қизил бўлиб қолганида ғўзапоя юласиз...

Ана энди ўзингиз ўйланг! Меҳнат дарсидан зўри борми? Ҳар куни очиқ ҳавода юрасиз. (Биология маълимимиз айтгандек, «очиқ ҳаво — танга даво»). Уқитувчилар ҳам қийнаб ўтирмайди. Биринчи сентябрдан ўқишни бошлайсизу олтинчи сентябрдан теримга тушасиз. Ўнинчи декабрда мактабга қайтиб келсангиз, журналлар тўлдирилган, чорак баҳолар чиқарилган!

А? Нима дедингиз? Катталар нима иш қилади, дейсизми? Ким айтди сизга катталар бекор ўтиради деб?

Масалан, менинг отам ҳам Ислом акага ўхшаган уруш инвалиди. Раис бува дадамни, лунжи учинини ёқтирмагани учун буғалтирликдан бўшатиб, газета сотувчи қилиб қўйган бўлсаям терим бошланганида отам дўкончада «кепқолинг, газета опқолинг» деб ўтиради дейсизми? Ҳечам-да! Синглим Жу, отам, онам тонг отмасдан далага чиқиб кетишади. Қоронғи тушганда қайтишади! Не машаққат билан етиштирилган «оқ олтин»ни ерда қолдириш ғирт гуноҳ-ку!

Бошқаларми? Кечирасиз! Бизнинг «Машъал» колхозида текинхўрлар йўқ. Ҳамма ишлайди. Раис буванинг жияни томорқасида кетмон чопади. Куёви ҳисобчилик қилади. Яна битта куёви — агроном. Кенжа куёви — экономист. Қайниси — дўконда атир-упа сотади... Булар — эркаклар! Аёлларнинг ярмиси далада, ярмиси — уйда. Нега дейсизми? Аёл бўлгандан кейин туғиши керакми, ахир? Масалан, бизнинг қишлоқда ўттиз битта Қахрамон она бор. Битта боласини туғиши билан иккинчисига заготовка тайёрлаб қўяди...

Э, унақа чалғитманг-да, одамни! Жонажон жўрам Шодивойга шпаргалка узатмоқчи эканимни айтувдим-ку!

Мактабнинг узундан узоқ биносини айланиб ўтгунча жиққа терга ботиб кетдим. Кун иссиқ. Бошқа синфлар чопиққа чиқиб кетгани учун мактаб жимжит. Ўзим ҳам шунақанги тез югурибманки, нафас оламан, десам, ичимга ҳеч ҳаво кирмайди. Бундай қарасам, тилим таҳминан бир қарич осилиб қопти. (Қўлим билан тиқиб, жойига киргизиб қўйдим.)

Шодивой маладес-да! Ўзим айтганимдек, дераза ёнида ўтирган экан. Очиқ ойнадан бешта бармоғини кўрсатди. Демак, бешинчи билет!

Ерга таппа, ўтириб олиб, имтиҳон билетлари ёзилган дафтарчани титкилаб кетдим. Аксига олиб, ҳеч тополмайман.

Шодивой, қийналиб кетганимни тушунди шекилли, калта, йўғон бўйинини чўзиб, қаттиқ шивирлади:

— Кулон қонуни! Эшитдингми, Қўшо! Кулон қонуни!

Кулон қонуни бўлса, Кулон қонуни-да! Ҳозир топамиз!

Шпаргалканинг қатини ёйишга тушдим. Шодивой ҳам бутун китобни кўчириб чиққанми, нима бало! Шпаргалка қатини очганим сайин Шокир абзийнинг гармонидек чўзилиб кетяпти. Атайлаб қилгандек Кулон қонуни ёзилган жой ҳеч чиқмайди. Бир маҳал кимдир «гармон»нинг ерга чўзилиб ётган учидан тортиб кетаётгандек бўлди. Кўрқа-писа қарасам, қай кўз билан кўрайки, Тулпорим шундоқ тепамда туриб олиб тасмадек шпаргалкани бир четдан ямлаб ютаяпти.

— Қўйвор! — дедиму, жон ҳолатда қоғозни тортқиладим. Шпаргалканинг бир қисми сўлакка қоришиб эшагимнинг оғзидан қайтиб чиқди. Узиям ранги суйкалиб, мажақланган гулсафсардек илма-тешик бўпкетибди.

Тулпорим, ҳарқалай ярим қулочгинасини узиб олишга улгурган экан. Ҳузур қилиб чайнади-да, ғўлқ этиб ютиб юборди. Еқиб қолди шекилли яна «гармон»га талпинди. Урнимдан сакраб туриб, қулоқ чаккасига тарсаки тортиб юбордим! Биласиз, Тулпорим калтак еб ўрганмаган. Кўзимга бирпас қараб турди-да, шунақанги алам билан ҳанграб юбордики, кўрқиб кетганимдан «тишш» дедимми, «ишш» дедимми, эсимда йўқ.

Деразадан қараб турган Шодивойнинг лўппи юзи қийшайиб кетди. Папкамни шоша-пиша титкилаб, «Физика» китобини олдим.

— Мана! — дедим эшагимнинг ҳанграб турганидан фойдаланиб, — ёзиб ол, Шоди! Вакуумда жойлашган зарядли қўзғалмас нуқтавий икки жинснинг ўзаро таъсир кучи...

— Алимов! — синфхона ичкарасидан дағдағали хитоб янгради. Назаримда Шодивойнинг кўзи ғилай бўлиб кетди. Бир кўзи менга қараб турибди, биттаси Ислому акага! Эшагим ҳам тақа-тақ жимиди-қолди.

Худди шу пайт синфхона ичида ғала-ғовур бошланди.

— Домулло! Қанақасиз ўзи! — деган товуш шанғиллади. — Нима қиласиз болаларни қийнаб. Бўлинг-да, тезроқ. Чопиқ қолиб кетяпти.

Топдим. Бригадиримиз Тўлаш аканинг овози!

— Чиқинг! — Ислому ака столни бир қўллаб муштлади шекилли, алланима қарсиллади. — Чиқинг! Ким сизга рухсат берди, давлат имтиҳонига бостириб киришга!

— Имтиҳон-ку ўз йўлига... — Тўлаш аканинг товуши энди ялиниброк чиқди. — Аммо, буёқда шунча иш... домулло...

— Йўқол! Қачондан бошлаб, сен саводсиз менга... қирқ йиллик педагогга... Ҳаммаёқ гумбир-гумбир бўлиб кетди.

— Шоди! Ма! — дедим бақариб. Фурсатдан фойдаланиб «Физика» китобининг ўн беш варақчасини йиртиб, деразадан узатдим.

Синфхона томонидан Тўлаш аканинг алам тўла товуши келди.

— Домулломан, деб кўп керилманг, домулло! Раис бова келса ўзингиз жавоб берасиз.

Папкамни чангаллаб, мактаб дарвозаси томонга югурдим. Кетимдан Тулпорим эргашди. Дарвозанинг қоқ ўртасида Тўлаш аканинг боши бошим билан уришиб кетишига сал қолди. Унинг икки юзи хўрознинг тожисидай қипқизариб кетган, ҳансираб нафас оларди.

— Шошмай тур! — деди муштини дўлайтириб. — Ҳозир Раис бованинг ўзи келади!

Кўрқанимдан лип этиб четга ўтдим. Тўлаш ака нарироқда турган кажавали мотоциклга минди, чунонам патиллатдики, қулоғим ёрилиб кетай деди.

Чопиб, синфхона эшигига келсам, Шодивой илжайиб турибди.

— Тўрт! — деди икки юзи юмронқозиқнинг лунжидек ялпайиб. — Кир. Сени чақиряпти.

Кўлимдаги папкани дўстимга узатдим.

— Югур! Дераза олдида бор!

— Шпаргалкани чўзмайсанми?

— Чўзилиб бўлди! — дедим тўнғиллаб. — Китобни йиртавер.

Синфхонага кирсам, Ислом ака доска олдида турганча уёқдан-буёққа бориб-келяпти. Бутун гавдаси муттасил чайқалади.

— Бемаънилик! — деди овози титраб. — Бориб турган бемаънилик!

Билет олишга шошилмасдим. Аввал Шодивой деразага етиб олсин!..

— Шармандалик! — маълим лаблари титраб ингради. — Аллақандай чаласавод... Билет олмайсанми! — деди тўсатдан.

Кўрқа-писа, стол устида ётган узунчоқ қоғозларга қўл чўздим. Титраб турган бармоғимга илашиб чиққан биттасини чўғ ушлагандек чимчилаб тортдим.

— Ун уч... — дедим талмовсираб.

— Бемаънилик! — Маълим яна бир хитоб қилди-да, негадир овози майинлашди. — Ўтир, ўғлим, тайёрлан. Шошилмасдан, ўйлагин, хўпми?

Очиқ дераза ёнига бориб ўтирдим. Биринчи саволнинг маъносини энди тушундим: «Ампер қонуни...»

— Кўшо... — дераза орқасидан минғиллаган товуш келди. — Кўшо... Саволинг нима?

Кўз қири билан қарасам, дераза тагида Шодивой бўйинини чўзиб турибди.

— Ампер қонуни! — дедим қаттиқ пичирлаб.

Айтдим-ку, маълимимизнинг ўзи ёмон деб.

— Ким у? — Маълим югургудек бўлиб тепамга келди. — Қуртинг борми?

Нимага типирчилайсан?

— Ўзим, — дедим илжайиб. — Овоз чиқармасам, масала ечолмайман, маълим.

Ислом ака ҳар эҳтимолга қарши дераза томонга қараб қўйди. Мен ҳам кўз қиримни ташласам, ҳеч ким йўқ. Шодивойнинг ақли тошни ёради-да! Аллақачон қуённи суриб қопти!

Маълим бир қўллаб шарақ-шуриқ қилиб деразани ёпди. Доска олдида кетди. Уша заҳоти дераза ортидан яна Шодивойнинг баркашдек юзи кўринди. «Оч» деб имо қилди. «Иложим йўқ», дегандек бош чайқадим.

Шодивой дераза ёпиқ бўлгани учун мендан яшққа ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлади, шекилли, китобни очиб олиб, ойнага юшан келтирди.

— Ёз, Кўшо! — деди овози борича бақириб. — Ўзидан ток кучи ўтказаятган ўтказгичнинг узунлиги...

Шипиллатиб ёзиб кетдим. «Ўзидан ток кучи...»

— Кичик кесимга у билан бурчак ҳосил қилувчи...

Шипиллатиб давом этдим: «Кичик кесимга...»

— Индукция магнит майдони... — деди Шодивой овозини янаям баландроқ қўйиб.

— Салимов! Доскага!

Ноилож Ислом аканинг ёнига бордим.

— Бўлдингми?

— Бўлдим... Биринчи саволни.

— Қани эшитайлик...

Икки минут олдин Шодивой қанақа бақирган бўлса, мен ундан ўн ҳисса қаттикроқ ҳайқириб жавоб бера бошладим:

— Ўзидан ток кучи ўтказувчи ўтказгичнинг...

Худди шу пайт синф эшиги тарақлаб очилди. Шунақанги шиддат билан очилдики, каптархонага беҳосдан мушук оралаб қолса қанақа бўлади? Ҳамма каптарлар ҳар ёққа патирлашиб учиб кетадими? Мендаям худди шунақа бўлди. Калламда ҳеч вақо қолмади, худди у қулоғимдан кирган шамол ғувиллаб бу қулоғимдан чиқиб кетаётгандек. Қарасам, остонада Раис бува турибди. Кун

исиқлигига қарамасдан эгнига қора костюм кийиб олибди. Кўкси тўла — медаль. Орқасида Тўлаш ака. Раис буванинг қўлтиғидан мўралаб-мўралаб қўйяпти. Худди эчкининг чотидан бошини чиқариб мўлтираётган улоқчадек.

— Маълим... — Раис бува ғалати илжайди. — Рухсат этсангиз кадрларимизнинг илмини бизам кўрсак.

Ислом аканинг юпқа лаби титраб кетди.

Раис бува рухсат кутмай, биринчи партага ўтириб олди. Тўлаш ака унинг ёнига чўкмоқчи эди, қорни сиғмади. Эшик олдига қайтиб бордию, қўл қовуштириб тураверди.

— Умуман, Ампер, зўр олим бўлган! — дедим янаям қаттиқроқ бақириб. — Ўзи немис бўлган, маълим. Электрни ҳам шу одам топган. Яъни, маълимжон, Ампер қонуни...

— Маълим! — Раис бува ўрнидан силтаниб турди. Парта тарақлаб кетди. — Кўрдик, балога ақли етяпти, болаларни. Аллақанақа «Кампир қонуни» деб шунчалик чўзгилаш шартми?

— Кампирмас, Ампер! — Назаримда маълимимиз йиғлаб юборгудек ингради. — Қачонгача саводсиз бола тарбиялаймиз!

Раис бува бир зум ўйланиб қолди. Билмадим, маълимдан уям ҳайиқарканми ё андиша қилдими, ҳар қалай уялиброқ жилмайгандек бўлди.

— Қўйинг, энди, — деди илжайиб. — Эшитдик, облОНОдан камиссия келмайдиган бўпти. Йигитларимиз маладед! Йулини топиб кетади. Кўриб турасиз, институтларни каттасига қиради булар!

— Қандоқ қилиб? Пора берибми?

Маълимнинг гапи жон-жонидан ўтиб кетди шекилли, Раис буванинг юзи қаҳрли тус олди.

— Ҳов, маълим! — деди ҳар сўзни чертиб. — Ҳар йили иш айна қизиганда бир ишқал чиқарасиз. Нима, булар ҳезалак, оқбилак бўлсинми? Мана шу бола... — У менга қараб бармоғини бигиз қилди, — мана шу азамат кечаси билан тонготар ухламай ғўза суғориб чиққанини биласизми?

Раис бува рост айтди. Жудаям тонготар бўлмасаям ой чиққунча ғўза суғорганим рост.

— Келажакни шу авлод яратади! — Раис буванинг овози шу қадар ҳоқимона жарангладики, тўртта партада ўтирган синфдошларим пилдир-пис бўлиб қолишди. — «Кампир қонуни»ни бошига урадимиз булар! Уйланг-да, сиз ҳам, маълим.

Ислом ака ёмон дедим-ку! Тўсатдан униқиям тутиб кетди.

— Ҳов, Раис! — деди титраб. — Қўлингиздан келса оттирворинг. Мен саводсиз кадр тайёрламайман! Мактабда медаль олиб, институтга борганда «икки»га тортолмайдиган болани ёмон кўраман!

Анграйиб қолдим! Шу пайтгача биронта одам Раис буванинг кўзига тик қараб, бунақа гапирмаган эди. Раис бува ҳам бир зум эсанкираб қолди. Лекин ўша заҳоти шиддат билан ҳайқирди:

— Болалар яхши илм олмаган бўлса айб сизда! Билиб қўйинг, шу болалар институтга қиради. Албатта қиради!

Ажаб, Ислом ака кулди. Кулгандаям, бўғиқ, хириллаб кулди.

— Сизнинг ўғлингизми, Раис? Хоҳласангиз олим ҳам қиласиз уни.

— Сенга нима?

Баттар довдираб қолдим. Маълимнинг ёши Раис бувадан камида беш ёш, бўлмаса ўн ёш катта. Сочлари оқариб кетган. Раис бува уни бемалол сансира-япти!

— Тўрт йил олдин пенсияга чиқишинг керак эди! — деди Раис бува баттар тутақиб. — Нимага ивирсиб юрибсан?

— Яхши... — Ислом ака чуқур уф туртди. — Бўшайман. Ўзимниям жонимга тегди... — У негадар жилмайди. Пастки лабини тишлаб узоқ жимиб қолди. — Сенгаям боққан бало бордир... — деди секин.

— Э, ўчире, иғвогар! — Раис бува илдам келиб, менинг қўлимдан тутди. — Юр, тутхўр!

Талмовсираб орқасидан эргашдим.

Ҳовлига чиқсам Шодивой кутиб турган экан.

— Нечча қўйди? — деди кўзимга тикилиб.

Индамадим.

— Шу палид домланинг гапи учун ҳам иккалангни юрист қиламан! — Раис бува бир қўли билан Шодивойни, бир қўли билан мени билагимдан олиб судраб кетди.

Дарвоза олдига келсак. Тулпорим мени кутиб турган экан. Бошқа жой қуриб қолгандек нақ дарвозага кўндаланг туриб олибди. Четлаб ўтиб кетсак ҳам бўларди-ку, Раис бува келиб-келиб эшакка йўл бўшатишни хоҳламади шекилли, дағдағи қилди:

— Хих!

Тулпорим узун қулоқларини осилтириб хаёл суриб тураверди. Боя нега урганимни ўйлаётган бўлса керак.

Раис бува Шодивой билан менинг қўлимни қўйиб юборди-да, эшак бошида мушт кўтарди.

— Хих!

Тулпорим бошини хотиржам буриб, ўгирилди. Лабларини чўччайтириб Раис буванинг қулоғини ҳидлади. Кейин тилини икки қарич чиқариб унинг юзини ялаб ҳам қўйди.

Ҳозиргина маълим билан уришиб ғазабланиб турган Раис буванинг жон-пони чиқиб кетди.

— Хихе, ҳаром ўлгур! — дедию икки қадам орқага тисарилиб, кучи борича эшакнинг қорнига тепди. Тулпорим бир силкиниб кетди. Кейин секин-секин бурилиб, роппа-роса тўқсон градус ўгирилди. Бир нимани нишонга олгандек, орқасига қараб қўйди. Ана ундан кейин Раис буванинг қовуғини мўлжаллаб туриб чунонам тепдики, Раис буванинг ичидан «ғиқ» деган овоз чиқди: Тупроқ йўлга чалқанчасига йиқилди.

Шодивой иккаламиз анграйиб қолдик.

— Тўхтат! — Раис бува инқиллаб ўрнидан кўзғалди. — Тўхтат дейман. Кимнинг эшаги бу?! — У орқасига ёпишган чангни қоқиб қаддини ростлагунча Тулпорим шаталоқ отиб ғойиб бўлди.

Тўққизинчи боб

Биз студент бўламиз!

Осмон-фалакда учиб кетяпмиз! ЯК-40 да! Ёнимда Шодивой ўтирибди. Оғзи қулоғида! Устара тегмаган мўйлови қийматахадан ўтказса, бир қозон чучварага бемалол етадиган дўрдоқ лабини янаям қалин қилиб юборгандек. Юзига ҳуснбузар тошиб, афти — устига унда-мунда тош тўкилган асфальт кўчанинг ўзи бўлиб қолган. Тиғ тегмаган мўйлов билан ҳуснбузар масаласида ўзимиз ҳам журамиздан қолишмаймиз. Шодининг юзигу сийрак тош сачраган асфальт. Бизники-чи? Нақ тош йўлнинг ўзгинаси!

Олдинги ўриндиқда Раис бува ўтирибди. Шляпасининг қирраси ўриндиқ суянчиғига тегиб қийшайиброқ турибди. Раис бува бунақа самолётларда учавериб, кўзи пишиб кетган шекилли, аллақачон етти уйқуни уриб бўлди-ёв. Ора-чора ўртачароқ овозда хуррак тортиб ҳам қўяди.

Умрим бино бўлиб, самолёт уёқда турсин поездга ҳам минмаганман. Шунинг учунми, трапдан кўтарилаётганда юрагим салгина така-пука бўлди. Аммо дарров ўзимни юпатдим. Самолёт Шодивойнинг «Запорожец»и эмаски, «Ферма тоға»нинг ғарамига калла қилса! Ростдан ҳам «ЯК-40» жоннинг роҳати экан! Қилт этмайди-я! Худди бир жойда қотиб тургандек. Шундоқ тагимизда оппоқ, дўмбоқ булутлар сузиб юрибди. Шунақанги хўппа-семизки, пахта хирмонидан фарқи йўқ. Устига чиқиб ирғишлагинг келади. Ола-чалпоқ «йиртиғи»дан ерга тушиб кетмасанг бас! Жўрамнинг биқинига туртиб, юмалоқ деразадан «кўриб қўй» дегандек, булутларга имо қилдим. Шодивой «зўр» дегандек бош бармоғини диккайтириб қўйди.

Шундоқ қилиб, яқинда биз студент бўламиз! Аслида-бу бунақа ўй етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

Ўшанда Раис бува «сенларни юрист қилмасам, раис отимни бошқа қўяман»

дейишга деб қўйдию, палакат босиб Тулпоримдан тепки егандан кейин, бу гап паққос эсидан чиқиб кетгандир, деб ўйлагандим. Биринчидан, Тулпор майдалашиб ўтирмайди. Тепса бирваракай тепиб қўя қолади. Раис бува уч кунгача ҳеч кимга кўринмади. Шодивойнинг айтишига қараганда, дадаси уч кунгача райондан массажчи чақириб, вазелин билан қовуғини силатганмиш. Иккинчидан, Раис бува эшак меники эканини билган. Билмай қаёққа борарди: Тулпоримни мингта ҳанги орасига қўйиб юборинг: мана-ман деб ажралиб туради.

Хуллас, Раис бува Шодивой иккимизни институтга киритиб қўйишнинг худди мотоцикл олиб беришга ўхшаб аллақачон эсидан чиқариб юборди, деб ўйлагандим.

Йўқ, унутмаган экан. Уч кун аввал саҳарлаб туриб эшагимни суғораётсам ҳарсиллаб-гурсиллаб, Шодивой келиб қолди.

— Чамадонингни тайёрла! — деди дўриллаб. — Тошкан борамиз.

— Нега?

— Ўқишга кирамиз. Юридическийга!

Юридический деганини жудаям яхши тушунмасам ҳам озми-кўпми ақлим етарди.

— Нима, одамларни қамайсанми?

Шодивой ҳам буёғини ўйлаб кўрмаган эканми, иккилаб қолди.

— Узимга қолса-ку, — деди минғиллаб. — Физкультурнийга кирмоқчийдим. Ҳозир юз кило штанга кўтаряпман.

— Мен анавинақа турникка осиладиганига кирардим, — дедим худди дадам дарров жавоб бера қоладигандек.

— Шунақа-ку, — Шодивой яна минғиллади. — Физкультурнийда дадамнинг жўраси йўқ экан. Кейин... юристлар михдай яшармиш.

Ҳафсалам пир бўлди.

— Боравер!

— Йў-ў-ўқ! — Шодивой бошини сарак-сарак қилди. — Сен бормасанг, менам кирмайман ўқишга! Дадам жўрасига айтиб, сениям жойлаб қўядиган бўлди.

Дўстим рост айтган экан. Кечқурун онам эшикдан ҳовлиқиб кириб, Раис бувани алқашга тушди. Раис бува онамни атайлабдан идорага чақириб олиб айтганмиш.

«Шундоқ-шундоқ, янга, Кўшоқвойни азалдан яхши кўраман. Уям ўзимнинг ўғлимдек, гап. Шодивой иккаласи ўқиб, юрист бўлиб келади!»

Ҳовли супураётган синглим энамнинг гапини эшитиб негадир ҳиринглаб кулди.

— Сиздан юрист чиқмайди, ака!

Супада жўхори уқалаб ўтирган дадамнинг ўнг лунжи уча бошлади. Онамга қараб қақчайди.

— Илоннинг ёғини ялаган ўша Раис оталик қилармишми, менинг ўғлимга? Раҳмат! Берадиганини белбоғига боғласин!

Онам кўзига ёш олди.

— Доим шунақа кажбахслик қиласиз. Биров сизнинг ўғлингизни ўқитаман, одам қиламан, деса...

Дадам сўтани улоқтирди-да, жаҳл билан қўл силтаб кўчага чиқиб кетди. Кеча Шодивой яна келди. Чўнтагидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Кўриб қўй! — деди мақтаниб. — Иншонинг зўри мана бунақа бўлади! Адабиёт маълумимизнинг ўзи ёзган.

Эсим оғиб қолай деди.

— Ҳой, жинни! — дедим бақириб. — Тошкандаги институт сенинг мактабингми, шпаргалка кўчирсанг индамай турадиган! Деразадан ўзингни улоқтириб юборар!

— Улоқтирмайди. Дадамнинг жўраси бор.

Кечқурун отам ишдан келдию, айвон ўртасида турган бир дастурхон патир, бир тоғора бўғирсоқни кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима бу?

— Йўлга! — деди онам тушунтириб. — Болам бечора мусофир юртда оч-

наҳор юрадимми? Жилла қурса юз сўмгина беринг. Нонушта қилиши бор, исталавойга кириши бор...

Дадамнинг бир эмас, иккала лунжи уча бошлади.

— Эҳтиёт бўл! — деди тўнғиллаб. — Уғлинг космосга учиб кетяпти... Кўрасан ҳали, ҳафта ўтмай қайтиб келади тўрвасини кўтариб.

Онамнинг жазаваси қанақа тутишини айтувдим-а? Ҳозир ҳам шунақа бўлди.

— Ҳой, — деди икки қўлини тиззасига баравар шапатилаб. — Одамлар боласини ўқишга жойлайман деб сигирини сотади, мошинини сотади. Белига жарақ-жарақ пул тугиб, домланинг уйига боради. Раис бовадек одам бош қўшиб турганда сиз биттаю-битта ўғлингиздан юз сўм аяясизми? — У тўсатдан йиғлаб юборди. — Майли, узугимни сотаман, сирғамни сотаман! Керак бўлса, Мавжунинг тўйига атаб қўйган гиламни сотаман!

— Бўлди! — дадам, боши муттасил чайқалиб шимининг чўнтагини кавлади, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни хонтахтага улоқтирди-ю, ҳовлига тушиб кетди.

Онам дарров овуниб қолди. Шолчага чўнқайиб ўтирганча бош бармоғини ялаб ҳафсала билан пул санади, рўмолини ечиб, пулни чандилаб боғлади.

— Ма, белингга тугиб ол! Шаҳар ёмон бўлади. Битта-яримтаси киссангдан олиб қўймасин.

Онам чамаси кечаси билан ухламади-ёв. Аллақаяқдан эски чамадон топиб келди. Иссиқ тўркўйлак (шамоллаб қолмаслигим учун), битта қора костюм (дадамники, куядори хиди келиб турибди), иккита шим, икки жуфт пайпоқ (дўкандан 3 сўм 60 тийинга опти), ўн олтига патир (ўзим санаб турдим), бир тўрва ёнғоқ (ўзимизнинг томорқадаги ёнғоқдан), бир тўрва туршак (тоғамникидан келган, қуртлаганидан билдим), ярим тўрва қурут (ўзимизнинг қатиқдан), ярим тўрва бўғирсоқ (кеча пиширилган) яна аллақанча нарсаларни жойлаб, қопқоқни ёпган эди, чамадон аждарнинг оғзидек бир очилганча устига миниб олиб, боссам ҳам қайта ёпилмади.

Онам ишнинг кўзини билади-да! Дадамнинг эски шимидан қалинлиги беш энли келадиган камарни ечиб олиб, бир тортган эди, чамадоним оғзини юмди. Фақат эшагимнинг хуржунидек икки томонга тарвақайлаб, дўмбаийиб қолди.

Тонг саҳарда туриб, ташқарига чиқдим у энг аввал ёнғоғим билан хайрлашдим.

— Хайр, қадрдон ёнғоғим! Устингдан йиқилиб, бошим ёрилган бўлсаям бари бир сени яхши кўраман! Сенинг меваларингни еб, ақлим тўлишди. Эртаиндин студент бўламан! Мабодо тош отиб, шохингни синдириб, хафа қилган бўлсам, рози бўл.

Ёнғоғим қилт этмади.

Кейин оғилхонага кириб, Тулпорим билан хайрлашдим.

— Хайр, меҳрибон Тулпорим. Имтиҳон куни сени урмоқчи эмасдим. Ўзинг шпаргалкани еб қўйиб чатоқ қилдинг. Хафа бўлма! Рози бўл, Тулпорим. Ҳар куни мактабнинг деразаси олдига бориб турардинг. Энди мендан ким хабар олади?

Эшагим юзимга қараб бир хўрсинди, икки хўрсинди. Кейин энтикиб-энтикиб ҳанграб юборди. Қарасам, ўзим ҳам йиғлаб юборадиганман. Чопиб ҳовлига чиқдим. Синглим тандирга ғўзапоя тиқиб энди гугурт чақаётган экан.

— Хайр, Жу! — дедим йиғламсираб. Синглимни бағримга босиб, пешона-сидан ўпдим. — Калишимни йиртиб қўйганингда сўккандим, рози бўл.

— Вой қўлим куйди! — Синглимнинг афти буришиб кетди. — Қанақа калиш?

Қаранг, аллақачон эсидан чиқиб кетган экан-ку, мен бўлсам...

Айвонда турган онам ўпкаси тўлиб, мени бағрига босди.

— Хайр, энажон, рози бўлинг! — деган эдим, хўнграб йиғлаб юборди.

— Вой, болажоним, энагинангни ташлаб, қаёқларга кетяпсан?

— Хайр, дадажон! — Уй томонга қараб хўрсиниб қўйдим.

— Даданг аллақачон ишга кетган! — Онам рўмолининг учига бурнини қоқди.

Қаранг, дадам узоқ сафарга кетаётганимни кўра-била туриб, хайрлашгиси ҳам келмабди. Шу қилганига Тошкентга бориб олим бўлиб келаман! Праписир бўлиб келаман! Бир уялсин!

Мана, кетяпмиз энди ЯК-40да! Самолёт деразасидан қараб боряпману бундан беш йил аввал қазо қилган моможонимнинг гапини эслайман. Бир куни моможоним мақтанган эди. Бу дунёда кўрмаган жойим қолмади, болам, буёғи Шалдирамасоягаям бориб келдим! (Шалдирамасой бизнинг қишлоқдан олти қақирим нарида. Эшакда бир соатли йўл.)

Самолёт манзилга яқинлашди шекилли, пастлай бошлади. Ип тортилгандек тўппа-тўғри йўллар, оппоқ бинолар, поезд изи кўринди.

Олдинги ўриндиқда ўтирган Раис бува самолёт ерга қўнғандан кейингина уйғонди. Суянчиқ устидан бизга мўралаб қаради. Юзи қип-қизариб кетибди. Кафтининг орқаси билан сўлагини артиб, қийшайиб кетган шляпасини тўғрилаб олди.

— Келдик, полвон! — деди илжайиб. Менга айтдими, Шодивойгами, тушунмадим.

Вой-бў! Тошкент дегани ҳам хўп ғаройиб шаҳар экан-да! Одамлар мунча кўп! Тагин ҳаммаси шошилади. Кўпқарига келган чавандозга ўхшайди-я! Машиналарнинг ғизиллашини айтмайсизми! Биз ўтирган такси осмон баравар бино олдиға етиб келгунча эллик саккизта машинани қувиб ўтди. Санаб турдим.

Шодивой ўзининг чамадонини, мен ўзимнинг дўмпайиб кетган чамадонимни кўтариб, тепасига қарасангиз дўппингиз тушиб кетадиган бинога кирдик. Раис буванинг қўлида юк йўқ ҳисоб. Ихчамгина «дипломат» кўтариб олган. У, кетимдан юрларинг, дегандек имо қилди-да, аллақанча одам тўдалашиб турган ойна тўсиқ олдиға борди. Бинонинг ичи салқингина экан. (Одамнинг ухлагиси келади). Шодивой иккаламиз чамадонни кўтарганча Раис буванинг кетидан сафға турдик. Ойнаванд тўсиқ ортиға секин мўраладим. Шодивойнинг «Запорожец»ига ўхшаган ҳаворанг кўйлак кийган хотин баланд суянчиқли курсида ўтирибди. Аввалиға хотин памилдори еб ўтирган экан, деб ўйладим. Йўқ, лаби шунақа, қип-қизил экан. Қошини айтмайсизми, қошини! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қилдан ҳам ингичка. Бечора онасининг қорнидан қошсиз туғилган бўлса, уялғанидан қалам билан чизиб қўйгандир-да, деб ўйладим. Йўқ, разм солиб қарасам, «қил»нинг таги кўқариброқ турибди. Дадам соқолини гузардаги сартарошхонаға кириб, Собир чўлоққа олдириб келган куни шунақа кўқариб қолишини кўрганман. Бундан чиқди, зангори кўйлакли хотин ҳам кун ора сартарошхонаға кириб Собир чўлоққа ўхшаган сартарошға қошини кирдирар экан-да! Оғригандир, бечоранинг қовоғи!

Хотин сариқ телефонни қулоғига босиб, аллаким билан гаплашарди.

— Гуличка! Лёля эрини разводға берибди... Нима? Йўқ, пиёнистамас! А? Инженер эди-да! Оладиган юз сўми йўлқирасидан ортмасди. Тагинам Лёля бечора олти ой чидади!

«Сафимиз»нинг олд томонида асабий овоз янгради:

— Қизим!

Бўйнимни чўзиб, буёққа қарадим. Саратон бўлишиға қарамай телпак кийиб олган чол туйнук томонға энгашиб ҳайқирди:

— Менга қара, қизим!..

— Минуточку! — Хотин телефонни қулоғидан нари суриб, чолға юзланди: — Жой йўқ!

— Қизим...

— Менинг отам кўқариб чиққаниға ўн тўрт йил бўлди. — Хотин телефонни яна қулоғига босди. — Гуличка, эшитяпсанми? Эртаға судға бораркан. Нима, квартираними?

— Жон опа! — Бояғи чол овозини баландроқ кўтарди.

— Минуточку! — Хотин ипдек қошини чимирди. — Менинг укам йўқ!

— Опажон! — Чол ялинишға тушди. — Ўғлим узум сотгани келган эди. Бозорда қўлға тушиб иши судға оширилибди.

— Чайқовчи жазосини олиши керак. — Хотин телефонни қулоғига босди. — Эшитяпсанми, Гуличка! А? Лёля дурочками, квартирани бериб қўядиган. Инженернинг кетига битта тепса...

Телпакли чол жой олишдан умидини узди шекилли, нари кетди. Аввал Раис бува, кетидан Шодивой, Шодивойнинг кетидан мен — чамадонни кўтарганча роппа-роса бир қадамча олдинға жилдик. Мундай орқаға қарасам, яна йигирматача одам тўпланиб кетибди. Вой-бў, бирпасда-я!

— Лёля Айрапетян билан гаплашибди...

Чолдан кейин турган, бошига рўмол ўраган қоп-қора хотин энди биринчи бўлиб қолганига қувонди шекилли, шанғиллади:

— Синглим?!

— Гуличка, минуточку! — Зангори кўйлакли хотин телефонни яна қулоғидан узоқлаштиришга мажбур бўлди, — Опам учта! — деди миҳ қоққан-дек қарсиллатиб. — Тўртинчи опам борлигини билмасдим.

Қора хотин бало экан.

— Мен — Қахрамон онаман! — деди чертиб-чертиб. Бир эмас, ўнта миҳни баравар қоққандек қарсиллатиб ташлади. — Ун битта болам бор.

Зангори кўйлакли хотин пинагини бузмади.

— Табриклайман!

— Олтинчи қизим — оғир касал. ТошМИга ётқиздим. Кўчада тўрт яшар кенжам турибди.

— Қанақа одамсиз ўзи, ёш болани кўчада қолдириб бўладими? Машина уриб кетса буниям ТошМИга оборасизми? — У яна телефонни қулоғига босди, — Гуличка! Лёля Айрапетян билан гаплашибди. Айрапетян айтибди. «Эринг яхшиликча уйини бўшатмаса қаматиб юбораман» дебди. Нима? — Зангори кўйлакли хотин қувонч билан хитоб қилди. Ҳатто ўрнидан туриб кетди. — «Жи-жи?» Арабскийми? Йўқ, биттамас, иккита! Кейин... Биттагина «Адидас»... Шефингга айтсанг...

Қора хотин ростдан ҳам тўрт яшар боласини машина уриб кетишидан қўрқди шекилли, ерда ётган тугун-терсақларини кўтариб ташқарига отилди. Яна бир қадам сурилдик.

— Гуличка! — Зангори кўйлакли хотин телефонни қулоғига янаям қаттиқроқ босди. — Шефингга айт: ноинсофлик қилмасин. Шапкасини бошқаларга қўйсин.

Олд томондан ёлдираган овоз келди:

— Опажон!

Қарасам, айвони катта шляпа кийиб олган йигит туйнукка энгашиб ялиняпти:

— Жон опа!

Хотин бу гал телефонни қулоғидан олмади. Шляпалига қарамадиям. Ўнг қўлидаги ручка билан туйнукнинг ярмисини тўсиб турган тахтачага нуқиб қўйди. Бўйнимни янаям чўзиб қарасам, тахтага ҳар биттаси ўрта бармоғимдек келадиған ҳарфлар билан «Жой йўқ!» деб ёзиб қўйилибди.

— Гуличка! — Хотин сирли жилмайди. — «Жи-жи» билан «Адидас»ни тўғрилаб берсанг, — деди овозини пасайтириб, — битта «Лама» биздан! — У хандон отиб кулди. Аммо ўша заҳоти жиддий тортди. — А? Губа — не дура! Ўзининг баҳоси етти юз тўқсон-ку!

— Опажон! — Шляпали йигит астойдил ялинди. — Олисан келганман.

— Узбекмисиз? — Хотин бу гапни «Гуличка»га айтдимиз, шляпали йигитгами, билмадим. Ҳар қалай, шляпалига айтган экан. Йигит қувониб кетди.

— Ҳа, опажон, ўзбекман!

— Ўзбек бўлсангиз мен ҳам ўзбек тилида айтяпман. Жой йўқ! Тушунарлими?

— Ахир мен узоқдан келганман! Анжандан!

— Эҳ-ҳе! Мен Аргентинадан деб ўйлабман. Қирқ саккиз, Гуличка! Иккинчи рост. Сенинг размеринг.

Хайрият-эй! Раис бувагаям гал келди.

— Жой борми? — деди Раис бува негадир илжайиб.

Зангори кўйлакли хотин биз томонга қарамади. «Жой йўқ!» — деб ёзилган тахтачага ручкаси билан нуқиб, давом этди:

— Еқмай ўлсин! «Мистер — Д»дан тўртта керак. Фикон бўлсаям майли. Марат акамга! Еқаси қирқ бир...

— Жой борми? — Раис бува бу гал дағдағалироқ хитоб қилди.

— Савод борми? — Хотин яна тахтачага нуқиди. — Гуличка! Эшитдингми, қирқ бир! Э, жинсани бошига урадимиз? Узида тиқилиб ётибди.

Раис бува тахтани шахд билан юлқиб олиб нари суриб қўйди.

— Бизгаям-а!

— Минуточку, Гуличка! Бу нахаллар... — Тўсиқ орқасидаги хотин қошини чимириб, биз томонга ярқ этиб қарадию, тўсатдан юзи ёришди. — Ие, — деди жилмайиб. Телефонни қулоғига босиб, ниҳоятда майин, ниҳоятда мулойим гапирди. — Гуличка, уч минутдан кейин телефон қиламан. — Трубкани қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

— Бормисиз, Тошмамат Алимович! Нимага очерид кутиб турибсиз? Буёқдан келавермайсизми?!

— Ишингиз қийин экан... — Раис бува оғир-оғир бош чайқади. — Ҳар куни шу аҳволми?

— Э, шуларни деб гипертоник бўп қолдим, Тошмамат Алимович! — У шу қадар озор чекиб икки чаккасини қисдики, қўйиб берса ҳозир йиғлаб юборгудек эди. Хайрият йиғламади. Кулранг телефонни кўтариб шоша-пиша рақам терди.

— Мухочка! — деди овозини пасайтириброқ. — Етти юз ўн тўққизнинг эгаси келди. — Кейин мулойим жилмайиб, Раис бувадан сўради. — Бир ўзингизми?

— Кўпчилик! — Раис бува Шодивой иккаламизга имо қилди. — Кадрларни олиб келдик. Уқишга кирмоқчи...

Хотин бир қўли билан телефонни қулоғига босган қўйи туйнукдан бошини чиқариб, аввал Шодивойга, кейин менга қаради.

— Сизам хитирсиз! — деди Раис бувага қошини учираиб. — Уғлим битта деб юрардингиз-ку!

Раис бува биз томонга қараб қўйди.

— Битталikka битта! Буниси, — деб менга имо қилди. — Бунисиям яхши бола, ўзимизнинг колхозни кадри.

Хотин туйнукдан бошини ичкари тортди.

— Муха! Ҳозир чиқишади. Уч киши! Нима? Йўқ, аёллар йўқ. Менга қара! Яна битта номер топасан.

— Керакмас! — Раис бува илжайиб қўл силтади. — Кадрларни жойлаштирайлик. Мен... Биласиз-ку, Ойдин! Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ!

— Сизам хитирсиз! — Хотин қип-қизил, узун тирноқли бармоғи билан лўписа қилди.

— Юрларинг! — Раис бува қовоғини солиб Шодивой билан менга буюрди.

Уртоғим иккаламиз жонҳолатда чамадонларга ёпишган эдик, Раис буванинг жаҳли чиқиб кетди. Менгамасу Шодивойга ўшқириб берди:

— Қўй, жойига, нока! Ўзлари обчиқади.

Аммо ўзи қўлидаги дипломатини ташламади. Шодивой зина томонга йўналган эди, тагин ўшқирди:

— Шошма, буёққа кел!

Негадир зина эмас, аллақандай жигарранг эшик олдига бориб қолдик. Икки кўзим Тулпоримнинг хуржунидек дўппайиб кетган чамадонимда! Нон билан бўғирсоқ, ёнғоқ билан қуртлаган туршак-ку майли. Аммо чамадонимда дадамнинг костюми бор. Онам нақд уч сўм олтмиш тийинга сотиб олган пайпоқ бор. Бир эмас, икки жуфт. Биров лип этиб ўмариб кетса...

Шу пайт жигарранг эшик ўзидан-ўзи шиғиллаб очилди. Ичидан қора кўзойнак таққан малласоч чол билан худди қишлоғимиздаги боғча болаларни-кига ўхшаган калта иштонча кийиб олган кампир чиқиб келди. Анграйиб қопман. Чол-кампирлар аллақандай тилда «ве-о-ве-о» деганча нари кетди.

— Кирсанг-чи! — Раис бува қўлимдан тортиб эшик ичига олиб кирди.

Тушундим. Лифтга чиққан эканмиз. Зум ўтмай тагин эшик очилди. Раис бува ихчам портфелини саланглатганча дераза олдида турган стол томон борди. Хаёлим чамадонимда! Ёнғоқ билан туршак-ку, майли... Нақд 3 сўм 60 тийинлик пайпоғим... Дадамнинг костюми...

— Бормисиз, Мухаббатхон! — Раис буванинг қувончли хитобидан ҳушим жойига келди.

Устига мошранг мато ёпилган, бир чеккасига телефон, бир чеккасига гулдон қўйилган стол орқасида ўтирган хотин дик этиб ўрнидан турди. Бу хотин ҳам худди пастдаги аёлга ўхшаб калта энгли зангори кўйлак кийиб олган, фарқи шуки, гавдаси пастдаги хотинга тахминан бир яримта келар, аммо Шодивойнинг

онасидан, яъни ҳовлисида тут барги кесганимда йиқилиб тушиб, ер қимирлатиб юборган Жамила холамдан анча ихчам эди.

— Узингиз камнамосиз, ўртоқ раис! — У Раис буванинг кафтини чангаллаб, қўшқўллаб қисди. Шунда билдимки, ҳар билаги менинг сонимдан йўғон бўлса борки, ингичка эмас. — Эсон-омонмисиз? Планлар юзми? Бола-чақалар омон-эсонми?

У қўлини ҳар силкитганида Раис буванинг чайир гавдаси силкиниб-силкиниб кетарди.

Пастдаги хотин «Муха» деганида пашшадек қилтириқ аёлни кўз олдимга келтирувдим. «Муха»си шунақа бўлса, фили қанақа буларкин?

«Муха» опа, яъни Муҳаббат опа стол тортмасини шарақ-шуриқ қилиб очдию, бандига тухумдек ёғоч илгич осилган калитни олиб, йўл бошлади. Тавба! Шундоқ семиз хотин, шунақанги зипиллаб юришини биринчи кўришим. Йўлакка тўшалган чўғдек гилам ўстида юриб эмас, учиб бораётгандек.

«Муха» опа йўлак адоғига етай деганда бир эшик олдида тўхтади. Калит солиб очди.

— Марҳамат қисинлар!— деди ёш келинчаклардек таманно билан икки қўлини семиз кўксига қўйиб.

Аввал Раис бува, кейин Шодивой, ундан кейин мен ичкари кирдик. Вой-бў! Гастинса дегани зўр бўларкан-ку! Ерга оловдек гиламлар тўшалган. Бир томонда диван, бир томонда ёғоч каравот. Бурчакда холодильник...

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. Майли, Шодивой каравотда ётсин, менга диван ҳам бўлаверади. Шунақа-ку, чамадоним қаёқда қолдйкин? Яхшиям онам дадамдан олиб берган бир юз ўн тўрт сўмни белимга тугиб олганман. Бўлмаса, уям кетарди-да қулоғини ушлаб!

Шуни ўйлаб турсам, эшик журъатсиз тақиллади.

— Да!— деди «Муха» опа зардалироқ оҳангда.

Эшик очилиб, иккита чамадон кўтарган, бошига зангори шапка кийган шопмўйлов киши кўринди. Хайрият-ей, чамадоним омон экан!

Мўйловли киши иккала чамадонни ерга қўйиб, уф тортди. Энди бурилиб кетаётган эди, Раис бува тўхтади.

— Шошма!— Чўнтагини кавлаб қип-қизил ўн сўмлик чиқарди.— Раҳмат! Мўйловли киши негадир хижолатли илжайди:

— Кўп-ку, Раис ака!

— Бўпти, боравер!— Раис бува қовоғини солган эди, мўйловли киши пулни чангаллаганча, тисарила-тисарила йўлакка чиқиб кетди.

Чамадоним омон-эсон топилганига қувониб кетдим. Буёғи-ку жойида! Шодивой каравотда ётса, мен диванда ётсам, Раис бува нима қилади?

Худди шуни кузатиб тургандек, «Муха» опа ёнбошдаги эшикни очди. Кўкимтир парда орқасидаги эшикни кўрмай қопман.

— Марҳамат!— деди таъзим қилиб.— Буёғи ётоқхона.

— Қорин оч!— Раис бува яна қошини чимирди.

— Ресторан соат еттигача перерив...— деди «Муха» опа айбдор алпозда жилмайиб.— Шуёққа заказ қиласизми?

Раис бува норозироқ алпозда хўрсинди:

— Нима бор ўзи?

— Аниқ билмадим-ку, антрекот, кавказский шашлик, киевский котлет, табака, мампар, лағмон...

— Бўпти!— Раис бува унинг гапини кесди.— Табака обчиқ.

— Учтами?

— Тўртта! Қорин пиёзнинг пўсти бўп кетди.

«Муха» опа, негадир кетишга шошилмасди.

— Раис ака,— деди эшик олдида тўхтаб.— Бу... болалар билан сиқилишиб қолмасмикинсиз... Қанчага келгансизлар ўзи?

— Мен билан ишинг бўлмасин!— Раис бува биз томонга қараб қўйди.— Кадрлар... Хуллас, ўқишга жойлашиб, бир ёқлик бўлгунча туради. Хоҳласа, бир ой, хоҳласа, икки ой.

— Уэлари-чи, хўжайин?— «Муха» опа жилмайиб, қошини учирди. Икки қўлини ўғирдек белига тираб, қилпангламоқчи бўлган эди, яхши уддалай олмади. Қорни лопиллаб кетди.

— Гапни кўпайтирмай табакани обчиқсанг-чи!— деди Раис бува ўшқириб.
«Муха» опа чиқиб кетиши билан Раис бува Шодивой иккаламизни ичкари хонага бошлади. Қарасам, бояги хона бунинг олдида ип эшолмайди. Деразаларга пуштиранг пардалар тутилган. Икки дераза олдида иккита каравот. Шунақанги каттаки, Тулпорим кўндаланг ётса, думи кўринмай кетади. Бир бурчакда рангли телевизор! Бир бурчакда магнитофон.

— Ие, японский шекилли?— Шодивой энди магнитофон томонга юрган эди, Раис бува бақириб берди.

— Аҳмоқ! Уқишга киришга келганмисан, музика эшитишгами?..

Шодивой хона ўртасида таққа тўхтаб қолди.

— Унақамас-да!— деди Раис бува сал ҳовуридан тушиб.— Аввал институтга кириб ол...Кейин...— Шундай деб гурс-гурс қадам босиб, нариги хонага чиқиб кетди. Зум ўтмай ўша томонда сув шовуллади.

...Табак дегани шунақанги мазали таом эканки, бунақасини Чияли бозорда ҳам тополмайсиз. Шодивой иккаламиз қовурма товукнинг суягиниям ғажиб ташладиг-ов!

— Менга қара!— Раис бува ёғ босган қўлларини, қалин лабларини қоғоз рўмолчага артиб, ўрнидан турди. Эрталабдан бери ўзи кўтариб юрган дипломатни Шодивой танлаган каравотнинг тагига суқиб қўйди.— Йўқотиб қўйсанг...— деди Шодивойга чақчайиб.— Ичагингни суғуриб оламан! Уқдингми? Ёстиғингнинг тагига қўйиб ёт. Ташқари чиқсаларинг...— У энди менга ўгирилди.— Калитни этажний дежурга бермайсан!— Раис бува елкамга қоқиб қўйди.— Сен пишиқ боласан-ку, тутхўр! Жўранг аҳмоқ!

Шодивойга қарасам, бармоғини ялаб ўшшайиброқ ўтирибди.

— Унақамас, Раис бува,— дедим илжайиб.— Шоди — маладес!

— Бўпти!— Раис бува ўрнидан турди.— Менинг зарур ишларим бор. Эрталаб келаман. Эшикни қулфлаб оларинг. Калит оғзида қолсин. Ушанда биров кирмайди.

Шундай дедию чиқди-кетди. Шодивой менга қаради. Мен Шодивойга.

— Эшикни қулфладингми?— деди Шодивой қўрқа-писа.

— Қулфладим.

— Калит оғзида қолдимми?

— Қолди. Сал чапроқ томонга буриб қўйдим, Шоди...

— Энди нима қиламиз, Қўшо?

— Телевизор кўрмаймизми? Тошқанда бошқача кўрсатса керак.

— Дадам билиб қолса, ўлдиради.

— Музика эшитамизми?

— Ўлдиради.

— Кўчани томоша қила қолайлик, Шоди.

— Майли-и-и!

Иккаламиз дераза пардасини очиб, кўчани томоша қила бошладик. Ҳаммаёқ чироқ! Машиналар шовуллаб ўтади. Аллақаяқда трамвай ғийқиллайди. Пастдан, биринчи қават томондан «гумбир-гумбир», «вош-вош» деган садо келади. Ресторанда ўйин-кулги бўляпти, чоғи. Рўпарадаги боғ ичи чароғон. Боғ ўртасидаги пуштиранг ёзувга кўзим тушди: «Мороженое».

— Шоди-и!— дедим секин.— Морозний емаймизми? Менда пул бор. Бир юз ўн тўрт сўм.— Гапимнинг исботи учун белимни қашлаб қўйдим. Шунча пулни белга боғлаб юриш осон эмас экан. Эрталабдан бери биқиним қичишади.

— Иложи йўқ, Қўшо!— ўртоғим хўрсинди.— Эртага...

— Бўлмаса ухлай қолайлик.

— Майли...

Чироқни ўчириб ётдик. Шодивой у деразанинг тагига, мен бу деразанинг тагига. Уйқу келса қани? Дарпардани тортиб қўйганимиз билан Шодивойнинг ҳам, менинг ҳам ёстиғим устига бир тутамдан нур тушиб турибди. Нуқул бугунги воқеаларни эслайман. Тулпорим билан хайрлашганим. Онаминг йиғлаб қолгани, самолёт, булутлар. Қошини сартарошга олдирган хотин, «Муха» опа... Бир маҳал Шодивойнинг каравоти ғирчиллай бошлади.

— Шоди,— дедим бошимни кўтариб.— Нима қилясан?

— Дадам айтди-ку! Ёстиғимнинг тагига қўйиб ётмасам...— Жўрам аввал ёстиқни кўтариб, бояги дипломатни жойлаб кўрди. Кейин, кўнгли ўрнига

тушмади, шекилли, тўшак қатини очиб, дипломатни қўйди. Устидан тўшак ёпди. Унинг устидан чойшаб ёйди. Устига ёстиғини босди.

Шошма! Раис бува Шодийвони бекорга огоҳлантирдими?

Менинг чамадонимдаги нарсалар уникидан қамми? Ун олти патир, бир тўрва бўғирсоқ, ярим тўрва ёнғоқ, ярим тўрва қурут... Энг муҳими дадамнинг костюми, 3 сўм 60 тийинлик пайпоқ...

Мен ҳам ўрнимдан ирғиб турдим-да, ялангоёқ шипиллаб бориб, шкафни тарақ-туруқ қилиб очдим. Чамадонимнинг бандидан икки қўллаб кўтариб келиб, ёстиғимнинг тагига босдим.

— Нима қиялсан, Қўшо?— деди Шодивой пичирлаб.

— Чамадонимни эҳтиёт қиялман, жўра,— дедим мен ҳам пичирлаб.

Тўғри-да! Гастинсани ўғри босса, Раис бува йўқ. Шодивойнинг кичкинагина дипломатини ўғирлаганда менинг хуржундек чамадонимни соғ қўярмиди?

Бўшимни ёстиққа ташлаганимни биламан. Дўқ этган овоз эшитилди. Гарданам чунонам зирқираб кетдики, афтим олмақоқидек бужмайиб кетди-ёв. Бўйнимни силаб-силаб бу гал ёстиққа бошимни секинроқ ташладим.

— Ухлаймизми, Шоди...— дедим пичирлаб.

— Майли, Қўшо...

Шу Тошкент деганиям хўп серғалва шаҳар экан-да! Кўча тўла шов-шув, вағ-вағ. Хонамиз зириллайди. Ҳаммасиям майли-ку, ётибманми, ўтирибманми, ўзим билмайман. Ёстиқ остидан чамадоним гўдайиб турибди. Гарданам ҳалиям зирқиллаяпти.

Охири кўзим илинибди. Бир маҳал аллақандай шатир-шутир товушдан уйғониб кетдим. Товуш чап томондан келар эди. Аввалига қаерда ётганимни билолмадим. Ғалати товуш эса, ҳамон шипилларди.

— Олти минг бир юз йигирма беш... Олти минг бир юз эллик, олти минг бир юз етмиш беш... Олти минг бир юз саксон беш... Олти минг икки юз ўн...

Секин ўгирилиб қарасам, Шодивой каравотида чордона қуриб ўтирибди. Кун бўйи Раис бува қўлида кўтариб юрган дипломатнинг оғзи очик. Деразадан тушиб турган бир тутам нур остида каравотда юз сўмлик, эллик сўмлик, йигирма беш сўмлик, хуллас бир кучоқ пул ётибди. Шодивой ғайрат билан саналяпти.

— Етти минг йигирма беш. Етти минг эллик.

— Менгаям ошир!

Уйқутираб турганим учунми, овозим шунақанги дўриллаб чиқдики, ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

Шодивой пул санашдан тўхтаб қолди. Ичидан инграганга ўхшаш овоз чиқди. Кейин «дод» дедию ўзини дипломат устига ташлади. Уша захоти тўшакда ёйилиб ётган пуллар эсига тушиб қолди шекилли, патир-путир қилиб юз сўмлик, эллик сўмлик пулларни чангаллаб, майкасининг ичига тиқишга тушди.

— Вой-дод! Уғри!

Баттар қўрқиб кетдим. Сапчиб ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим. Уртоғимнинг ранги қув ўчиб кетган, тутқаноқ тугган одамдек оёқ-қўлини баравар типирлатиб, пулларни яширишга уриняпти.

— Шоди!— дедим бақириб.— Эсинг жойидами?

Стол устида турган графиндан стаканга сув қуйиб аввал юзига сепдим. Кейин ичирдим.

— Ким?— Шодивой тишлари такиллаб, стакандаги сувдан беш-олти қултум фўлқиллатиб ичганидан кейингина ранги сал ўзига келди.— Ким, Қўшо?— деди ҳамон титраб.— Пулингдан бер, деб ким айтди?

— Э, ўле!— жўрамнинг яланғоч елкасига қарсиллатиб собқолдим.—

Пулинг билан қўшмозор бўле!

— Меникимас...— Шодивой кўзимга илтижоли термулди.— Дадам айтган. Домланики... Санашиб юборасанми?

— Ухла!— дедим тўнғиллаб.— Эртага санайсан!

— Жон Қўшо...— Шодивой ҳамон титраганча ялинди.— Дадамга айтмагин, хўпми? Папкани нега очдинг деб ўлдироди!

Домлажоннинг «хатоси».

Э рталаб бўйним оғриб уйғондим. Хона тўридаги тошойнага қарасам, бошим чап елкамга ёпишиб қопти. Бундан чиқди, ўнг ёнбошим билан ётган эканман-да! Муттасил қичишаётган биқинимни қашлаган эдим, қўлим дўппайиб турган тугунчага тегди. Тугун баданимга ботиб, чуқурча қилиб юборибди.

Рўмолни ечиб, пулимни санаб кўрдим. Жойида: бир юз ўн тўрт сўм. Шошма, қийналиб нима қилдим? Киссамга солиб қўя қолсам бўлмайдими?! Зўр келса, қўлимни чўнтагимга суқиб юра қоламан-да!

Шодивойни уйғотиш қийин бўлди. Ювиниш учун ваннахонага кириб кетаётганида бундоқ юзига қарасам, афтини кўриб бўлмайди. Ҳамма ёғига учуқ тошиб кетибди. Кечаси ёмон кўрққан экан, шўрлик!

Чамадонимни очиб, иккита патир, бир ҳовуч туршак, ёнғоқ, тўртта курут олдим. (Хайрият-ей, қадрдон хуржуним сал-пал «озди»).

— Ана энди бир чойнаккина кўк чой бўлса...

Гапим оғзимдан чиқмасидан эшик тақйллади. Чопиб бордим:

— Раис бова...

Эшик ортидан қўнғироқдек овоз келди:

— Завтрак!

Анграйиб қопман. Нима бало, чўпчаклардаги сеҳрли саройга кириб қолганмизми? Нимани хоҳласанг, оғзингдан чиқмасдан муҳайё қилишади.

Калитни бураб, эшикни очсам, белига оппоқ пешбанд боғлаган нозиккина, чиройликкина қиз ялтироқ тутқичли аравача бандидан ушлаб жилмайиб турибди.

У бир зумда стол устини тўлдириб ташлади. Икки стакан қаймоқ, тўртта нон, икки чойнак чой, иккита ишқалат, пишлоқ... Ҳатто ўртачароқ лагандек келадиган торт ҳам бор. Яна иккита талинкада тўртбурчак перашкалар.

— Гўштли блинчик...— деди қиз жилмайиб.

Аравачасини ғилдиратиб эшик томон юрган эди «бойваччалигим» тутиб кетди.

— Қанча бўлади?— дедим Раис бувага ўхшаб, чўнтакка қўл суқиб.

— Пули тўланган...— Олдига пешбанд таққан қиз эшикда тўхтаб, ширингина жилмайди.

— Чойингиз тўқсон бешми?

— Икки хил.— Қиз бу сафар энсаси қотиброк илжайди.— Биттаси қора — индийский. Биттаси кўк.

Ваннахонадан елкасига сочиқ ташлаган Шодивой чиқиб келди.

— Ўтир, заптрик қиламиз.— Жўрамни қўлидан судраб стол олдига обордим.

Қаймоғи бирам ёғли, нонлари бирам иссиқ, тўртбурчак сомсаси бирам мазали...

Мен-ку, ноз-неъматларни пок-покиза туширяпман. Қарасам, Шодивой, кечаси бехосдан тагини хўллаб қўйган боладек бўзрайиб ўтирибди.

— Емайсанми?— дедим сомсага имо қилиб.— Қиймасини ўхшатиб қовурибди.

— Еёлмайман!— жўрам оғзини кафти билан бекитиб минғиллади.—

Лабим ачишяпти.

Бечора! Ювинганида икки лабининг бурчидаги учуқлар қонаб кетибди.

— Оғзимни очолмаяпман, Қўшо...

— Олдин қаймоқни ичгин, Шоди! Лабинг ёғланиб, ўзидан-ўзи йўли очилиб кетади.

...Нонушта қилиб бўлгач, дарс тайёрлашга ўтирдик. Яъни, шпаргалкаларни ўқиб чиқа бошладик. Тўғри-да, биринчи имтиҳон ёзмадан — иншо. Мактабдаги адабиёт маълумимиз ҳам роса ғайрат қипти, ўзи. Ўн олтита иншони ипга тергандек ёзиб ташлабди. Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги «Фарҳод ва

Ширин» достони, Горькийнинг «Она» романи, Маяковский шеърлари, Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»си, «Ҳамид Олимжон — бахт куйчиси», яна аллақанча иншолар. Эркин темаларни айтмайсизми? «Тинчлик — бизнинг ҳаётимиз», «Меҳнат — менинг бахтим», «Ватанимни севаман», «Мен севган касб...» Хуллас, ўн олтита.

— Кўшо...— деди Шодивой учуқ тошган лабини аранг қимирлатиб.— «Қутлуғ қон» тушса яхши бўларди. Шу тема осон.

Маълумимиз ёзиб берган иншолар орасидан «Қутлуғ қон»ни топдик. Тўрт ярим бет экан.

— Камроқмасми, Шоди?— дедим иккиланиб.

— Яна нимани қўшасан?

— Янами?— ўйлаб қолдим. Ўилафонлигимни кўрсатиб қўйгим келди.— Масалан, Йўлчи пахтада ишлайдими? Маълум «Йўлчи тўнка кавлайди, ғўза суғоради» дебди. Тўнка кавлашнинг пахтага қандай алоқаси бор?

Шодивой, яна нима қўшса бўлади, дегандек кўзимга термулди.

— Масалан, ягана қиладими? Утоқ қиладими? Чопиқ қиладими! Чеканкачи? Культивациячи? Пахта териш, подбор териш, varaхага кўрак ташлаш... Шулар ҳам меҳнат-да!

Қизишиб кетиб, жўрамга иншо қандай ёзилишини шунақанги бақириб тушунтира бошлабманки, эшик очилиб, Раис буванинг кириб келганини кўрмай қопман.

— Эшикни қулфлаб ўтирларинг демабмидим?!

Раис бувадан роса дакки еймиз деб кўрқиб кетдим. Йўқ, разм солсам, уришадиган ҳоли йўқ. Кечаси билан кўпкарида улоқ чопган айғир отдек сўлжайиб қопти. Ранги бир ҳолатда. Назаримда кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётгандек.

— Заптика бердими?— деди чўзиб-чўзиб эснаб.— Яхши! Кийинларинг. Бир жойга борамиз.

* / * *

Тошкент шунақанги катта шаҳар эканки, таксида бир соат юрсак ҳам охири кўринмайди! Юриб-юриб икки чети олчазор кўчага кирдик, пишиқ фишдан қурилган, деразасига темир панжара тутилган уй рўпарасида тўхтадик. Раис бува пуштиранг сирли бўёққа бўялган дарвоза томон юрди. Шодивой иккалаамиз биянинг кетидан эргашган тойчоқлардек зинғилладик. Раис буванинг дарвозасиниям мақтаб юрган эканман-да! Дарвоза деган мана бунақа бўлади! Раис буваникига танк сиғса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу дарвозага осмондан учиб тушган гурзовой самолёт пир этиб кириб кетаверади!

Раис бува дарвоза бурчагидаги тугмачани босган эди, ичкаридан «блём-блём» деган овоз келди. Раис бува бир қадам орқага чекиниб, кафтини оғзига босганча ҳузур қилиб, эснаб қўйди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, бориб, яна тугмачани босди. Қўнғироқ бийрон жиринглаб кетди. «Блём-блём-блём».

Дарвоза қия очилиб, ялтироқ, гулдор халат кийган новчагина, кўҳликкина хотин мўралади.

— Келинлар...— деди иккиланиброқ.

— Ассалом алайке-ем, янга! («Ферма тоға» Раис бувага қанақа салом берса, Раис бува ҳам «янга»га шунақа салом берди) — Ассаломалай-ке-ем! Янгажон! Саломат омонгина бормисиз! Эшик-эллар, кадрлар яхшими?

— Раҳмат!— «Янга» хавотирланиброқ ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. Раис бува унинг унсиз саволини тушунди, чоғи, илжайиб сўради:

— Домла уйдимлар?

— Йўғийдилара!— «Янга» афсус-надомат билан бош чайқади.

— Қаёқдалар?

— Ленинградга кетганлар.

— Қанчага?

— Икки ойга. Павишенияга.

— Ия, янгажон, катта домлаям павищена қиладими?

«Янга» тагин ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқди.

— Қачон қайтадилар?— деди Раис бува овозини баландлатиб.

— Сентябрьнинг охирларида келиб қолсалар керак.

— Домла Ленинградга павишенага кетган бўлсалар, сентябрда қайтсалар айтиб қўйинг, янга!— деди Раис бува шанғиллаб.— «Машъал» колхозидан раис жўрангиз келиб-кетди, бугун кечқурун соат ўнда яна келаркан, зарур юмуши бормиш, денг, уқдингизми?

«Янга» олазарак бўлиб, уёқ-буёққа қараб олди.

— Секин-е!— деди таҳдидли, аммо паст овозда.— Ўн иккидан кейин...— У бир зум жимиб қолди-да, норози тўнғиллади.— Таксини эшик олдиғача обкелишга бало борми!

— Бўлди, янгажон, бенават!— Раис бува мамнун илжайди.— Юрларинг!— дедию, Шоди иккаламизни етаклаб нарироқда пойлаб турган таксига қайтадан ўтқазди. Аллақайси бекатга борганда машинани тўхтатди.

— Буларни бояги жойга обориб қўясан!— деди шопирга 25 сўмлик узатиб.— Уқдингми?— Ўзи «дипломати»ни олиб, тушиб кетди.

Такси гастиниса олдида тўхташи билан жўрамга ялиндим.

— Биттадан морожний ейлик, Шоди.

— Пулим йўқ-да, Қўшо,— деди Шодивой мунғайиб.

— Бизда-да, пулнинг қони, жўражон!— пул туғуқли рўмол солинган чўнтагимни шугатилаб қўйдим.

Рўпарадаги боғ ичига кирдик. Салқин майдончага оппоқ, юмалоқ столлар қўйилган. Одамлар тўртта-тўрттадан ўтириб олиб, ялтироқ ликопчалардаги морожнийни уряпти.

— Сен жой олиб тур!— дедим Шодивойга. Ўзим ўнтача одам орқасидан очиридга турдим. Юмалоқ, ойнаванд уйча ичида ўтирган оппоққина, семизгина хотин (ҳар куни текин морожний ейди-ку, семирмайдими) ҳар минутда «следующий» деб турибди. Морожнийси ҳам ўзимизнинг хлопункт олдида сотиладиган музқаймоққа ўхшамайди. Ранги бошқачароқми-ей!

Морожнийчи хотиннинг ишиям осон экан. Биз томонларда морожнийни торозига солиб тортиб беради. Бу хотин тўртбурчак ялтироқ қутининг тутқичини бир айлантурса, ликопчага морожнийнинг ўзи буралиб-буралиб тушадию, гулга ўхшаб қолади. Семиз хотиннинг қўли-қўлига тегмайди. Ликопчага тушган морожний устига бир қошиқ ишкалад кукуни, бир қошиқ қипқизил шарбат, яна бир чимдим чақилган ёнғоқми-ей алланима, сепади-да, туйнукдан узатади.

— Следующий!

— Икки порс!— дедим яқин бориб.

Хотин бир зумда икки ликопча тўла морожнийни туйнукдан узатди.

— Следующий!

Оббо! Ўзим ҳам қизиқман-да! Ҳали пулни санаганимда иштапил рўмолни шунақанги чандилаб боғлаган эканманки, ечаман деб тирноқларим кўчиб кетди.

— Следующий!— хотин бетоқат бўлиб, қўлидаги қошиқ билан пештахтани уриб қўйди. Тугунчани тишим билан ечишга уриниб ётганимда кимдир орқамдан туртди:

— Сурилсанг-чи, ҳой!

Эси жойидами, пул тўламай, қаёққа суриламан! Хайрият, тугунни ечдим. Мана, бир сўмлик ҳам бор экан.

— Издача!— дедим бир сўмликни узатиб.

— Нима?!— семиз хотиннинг афти буришиб кетди.— Яна ўттиз тийин! Бир порцияси 65 тийин туради.

Оббо! Ўзимизнинг морожний яхши экан-ку! Бир сўмга беш порс бериб, тагин «келиб туринг, уқа» деб қўярди.

Уч сўмлик бериб, тўнғилладим:

— Майда йўқ!

Эрталаб лаби ачишиб, оғзини очолмаган Шодивой морожнийни кўриши билан иштаҳаси шунақанги қарнай бўлиб кетдики, ликопчага тўрт марта қошиқ ботириб, лўқ этиб ютиб қўя қолди. Шу, Шодивой ҳам ғирт саводсиз-да! Морожний ейишни анави қизлардан ўрганса бўлмайдими? Нариги столда иккита қиз ўтирибди. Қошиқнинг учига жичча морожнийни илиб олади-да, нозиккина пуштиранг тилини чиқариб, ялайди. Ўзлариям чунонам кетворган,

чунонам оппоқ. Иккаласиям атлас кўйлак кийган. Кўйлаги шунақа калтаки, дўмбоққина болдирлари кўриниб турибди.

Эсон-омон ўқишга кириб олай. Каттароқ домланинг кетворган қизи мени севиб қолади. «Кўшовой акажон!»— деб бўйнимга осилади.— «сизсиз ўлиб қоламан»,— дейди. «Йиғлама,— дейман оппоққина юзини силаб.— Майли, сенга уйланаман...» «Дадамга-айтаман, бизга уй олиб беради. Икки хонали», дейди. «Йўқ,— дейман оёқ тираб,— қишлоққа кетмасак бўлмайди. Келин бўлганингдан кейин ота-онамнинг хизматини қилишинг керак-да!», «Майли, беш хонали», дейди у ялиниб.

Хаёл суриб кетган эканман, бошим устида биров ғўлдиреди:

— Бўлдингми, ҳов бола! Жойни бўшат.

Қарасам, тепамда ингичка мўйлов кўйган йигит икки қўлида иккитадан тўртта ликопча кўтариб турибди. Ёнида учта қиз. Менинг биттаям «қизим» йўғу, буники учта! Э, ўл очофат! Жиллақурса иккитасини бер, Шодивой билан менга. Ия, Шодивой қани? Аллақачон морожнийни еб бўлиб дарахт тагига бориб олибди-ку! Бояги қизлар қани? Осмонга учиб кетдимиз?

— Энди дарс қиламиз!— деди жўрам гастиниса томон судраб.

* * *

Ярим кечадан ошганда Раис бува бизни эргаштириб яна «катта домла» жўрасининг уйига олиб борди. Фақат бу сафар таксига кўча бошида жавоб бериб юборди. Икки томонда олча дарахтлари саф тортган симёғочлардаги лампочкалардан ола-чалпоқ нур тўкилиб турган жимжит кўчадан ўтиб, ўша кадрдон дарвоза олдида тўхтадик. Бу сафар кўнғироқ икки марта жиринглаши билан дарвоза қия очилди. «Катта домла» деганда тилла кўзойнак тақадиган, тилла ҳасса тутиб юрадиган, сочлари оқариб кетган одам хаёлимга келган эди. Йўқ, телевизорда кўрсатадиган гимнастикачиларникига ўхшаган спорт кийими кийиб олган киши дарвоза пештоқида ёниб турган лампочка нурида жилмайиб турарди. Чамамда «катта домла»нинг юзидан ҳам нур ёғилиб кетгандек бўлди.

— Э, Тошмамат ака, хуш кепсиз!— «Катта домла» шундай деб Раис буванинг қўлини қисди. Ҳатто Шодивой иккаламиз билан ҳам қўл олишиб кўришди.

— Салом, йигитлар, салом!— деди мулойим кулимсираб.

Усти ёпиқ дарвозахонага киришимиз билан бир бурчакда ётган, қулоғи диккайган итни кўриб эгим жимирашиб кетди. Узиям Тулпоримнинг ярмичалик кепқолар-ов! Ечилиб кетсам ғажийди-да одамни! Йўқ, ит жонивор кечаси келиб-кетадиган бизга ўхшаган меҳмонларга ўрганиб қолганми, занжирини шиқирлатиб, бошини бир силкиб қўйдию, оғзини катта очиб эснади. Ҳар биттаси ўртачароқ қозикдек келадиган тишлари чироқ нурида йилтираб кетди. Обдан эснаб бўлгач, ёнбошидаги гулдор тоғорачада ётган яримта тортни бир-икки исқади-да, энсаси қотиб узала тушиб олди. Ё тавба, ақалли номига бўлсам бир марта «вов» деб қўймади-я!

— Кесинлар, Тошмамат ака, кесинлар!— «Катта домла» илдам қадамлар билан ҳаммамизни ҳовлига бошлаб кирди. Ҳовлимас, нақ жаннатнинг ўзи! Айвон пештоқидаги ўқловдек узун, оппоқ чироқ нурида ҳовлидаги анвойи гуллар товланиб ётибди. Тунука томга туташиб кетган баланд-баланд сўрилардан узум бошлари мўралайди. Узумга кул тушганини дарров пайқадим. Хомтокни чала қилган-да. Олим бўлгани билан деҳқончиликни билмаганидан кейин шу-да.

«Катта домла» ҳовли бурчагидаги олма тагига, нақшинкор сўри олдига бошлади:

— Лайло, қизим, битта чой ташкил қилинглар.

Раис бува дипломатини сўри бурчагига қўйиб, тўрга чиқди. Биз пастроққа чўккаладик.

— Йигитларни обкепсиз-да, Тошмамат ака!— «Катта домла» Раис бувага қараб яна кулимсиради. Шундагина унинг жудаям ёш эмаслигини, сочига оқ оралаганини, кулганда юзи беш йил бурун қазо қилган момоннинг маҳсисидек тириши кетишини пайқадим.— Кадрлар ўқисин дебсиз-да? Э, маладес! Маладес!

— Энди, домлажон, бизлар ўқиёлмадик!— Раис бува чордона қуриб жойлашиброқ ўтириб олди.— План дедик, хўжаликни машъал қиламиз дедик... Жилла курс кадрлар олим бўлсин-да энди.

— Зап ўйлабсиз-да!— «Катта домла» аввал сўри бурчагида ёнбошлаб турган «дипломат»га, кейин менга, ундан кейин Шодивойга, ана ундан кейин Раис бувага қаради.— Маладес,— дедию овози негадир ҳазинроқ чиқди. Чамаси, бу «кадр»ларнинг қайси бирига ёрдам беришим керак, демоқчи бўлди.

Шу пайт орқа томонда шип-шип қадам товуши эшитилди. Мундай қарасам, юзи сутдек тиниқ, қоп-қора сочлари елкасига ёйилган қиз кумуш патнисча кўтариб келяпти. Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ тошиб келди. Вой-бў! Шунақаям чиройли қиз бўларкан-да жаҳонда! Узиям чунонам нозикки, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади-я! Бояги морожнийхўр қизлар бунинг олдида нима бўпти! Мана-да, дадажонимнинг бўлажак келини! Ўқишга кириб олай, Лайлохоннинг бошини шунақанги айлантриб ташлайманки! Аввал узумларини хомтоқ қиламан, гулларини суғораман. Кейин секин-секин... Қарабсизки, бўйнимга осилиб йиғлайди. «Жон, Қўшожон ака...» Дадамга — буёққа жўнаётганимда хайрлашмаган, «ўғлинг бир ҳафтада тўрвасини кўтариб қайтиб келади» деган дадамга кўрсатиб қўямиз. «Дадавой, мана, келинингиз билан танишиб қўйинг!» деймиз. «Унча-мунча одам эмас, нақ энг катта домланинг ўзлари билан қуда бўлдингиз, энди хоҳласам, ҳамма қариндош-уруғларни Тошканинг энг зўр институтларига жойлайвераман» деймиз!

Шунақа-ку, келин бўлмиш сал озғинроқми? Зиёни йўқ. Кейин семириб кетади. Кийинишиям... А? «Катта домла»нинг ўзига ўхшаб «спортивный» кийим кийиб обди. Майли, эсли қизга ўхшайди. Тушунтирамиз. «Лайлохон, қишлоқ жойда бунақа кийиниб юриш уят бўлади. Энам хафа бўлади. Сигир соғиш бор, томорқа бор...»

Лайлохон зиналардан лип этиб сўрига чиқди-да, салом берди. Овози мунча ширин! Боя «блюм-блюм» қилган кўнғироқнинг ўзи-я!

— Ваалайкум ассалом! Бахтли бўлинг, қизим...— Раис бува илжайиб алик олди. Оббо, ўзининг Шодивойга мўлжаллаб қўйди. шекилли! Қўрамиз, ким олғирроқ экан. Менми, Шодивойими?

Лайлохон зинадан лип этиб тушдию, чопқиллаб уй томонга кетди. Қоматни қаранг!

— Қани, осинлар...— «Катта домла» нон ушатди. Чой қўйди. Қанд-курс, бодом, асал солинган биллур идиш тўла патнисчага имо қилди.— Марҳамат.

Асални бошимга ураманми? Икки кўзим Лайлохон кириб кетган уйда. Қарасам, Шодивой ҳам ўша томонга қараб кўзини лўқ қилиб ўтирибди. Вой, кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Биқинингга соб қолайми?

— Лайлохон қизим нечанчи синфга кўчди?— деди Раис бува чой хўплаб. «Катта домла» кулди.

— Бу йил тўртинчи курсга боради. Узимизда ўқияпти. Павишений стипендия олади. Комсорг!

Нима? Ширингина хаёлларим бир зумда алғов-далғов бўп кетди. Лайлохон тўртинчи курсга борса ... бундан чиқди мендан камида икки ёш катта экан-да. Мен уни нари борса саккизинчи синфга кўчган десам... Майли, бизга синглисиям бўлаверади. «Катта домла»нинг қизи битта эмасдир ахир!

— Хў-ўш...— «Катта домла» боя узилиб қолган гапини давом эттиргиси келди шекилли, бир менга, бир Шодивойга қараб, дангалига кўчиб қўя қолди.— Хуллас, Тошмамат ака, қайси бири кирмоқчи бизнинг факультетга?

— Бизнинг кадр буниси!— Раис бува Шодивойга имо қилди.— Муштдек болалигидан сўт бўламан, дейди. Бўлмаса-ку бошқа жойлардаям сизга ўхшаган кадрдонлар кўп.

«Катта домла», «бўлмаса манави нега эргашиб юрибди» дегандек менга чимирилиброқ қараб қўйди.

— Буям ўзимизнинг колхозни боласи. Отаси қўли қисқароқ одам-ку, ўзи дуруст бола. Бизни Шодивой, жўрамниям обормасангиз ўқишга кирмайман, деб туриб олса бўладими?

«Катта домла» хўрсинди. Нимага хўрсинганини тушунмадим. «Бир болангни-ку олиб келдинг, иккинчи дардисарга бало бормиди» демоқчи бўлдими, ё отасининг қўли қисқароқ деган гап ёқмадими, хуллас билмадим.

— Тошмамат ака, — деди «Катта домла» жиддий оҳангда. — Ҳозир замон нозик. Биринчидан бизга меҳнат стажи борлар кирәди.

— Бор-да ўша истаж! — Раис бува дарров унинг гапини кесди. — Буларга еттинчи синфдан бошлаб меҳнат дафтарчаси очилган. Иккаласиям меҳнатдан қочадиган болалармас! Эсон-омон кириб олса кўрасиз. Пахта теримида энг передовойи шулар бўлади.

— Тўғри-ку! — «Катта домла» қийшайиб ётган дипломатга зимдан қараб қўйди. — Имтиҳон комиссияси жа строгий! Ҳар томонлама синовдан ўтказди. — У бир зум ўйланиб турди-да, тўсатдан сўраб қолди. — Қани, айтинглар-чи, йигитлар: ку саккиз юз саксон беш квадрат илдиздан пи бир юз ўттиз уч куб илдизни айирса қанча бўлади?

Оғзим ланг очилиб қолди. Нима деяпти бу? Мен Шодивойга қарадим. Шодивой менга...

Тўсатдан пулим эсимга тушиб қолди. Чўнтагимни пайпаслаб кўрдим. Тугун жойида. Шунақа-ку пешинда бир юз ўн тўрт сўм пулим бор эди. Иккита морожний олдим. Семиз хотинга аввал бир сўм бердим. Яна ўттиз тийин сўради. Бир сўмлигим йўқ экан, уч сўмлик бердим. Ушанда морожнийчи хотин аввал берган бир сўмлигимни қайтардим-йўқми? Ҳа, қайтарди. Кейин яна бир сўм 70 тийин берди. Демак, бошида пулим бир юз ўн тўрт сўм бўлса, бир сўм ўттиз тийинга морожний олган бўлсак, ҳаммаси бўлиб ёнимда қанча пул қолди?

— Бир юз ўн икки сўм етмиш тийин! — Ҳисоб-китобга жуда берилиб кетган эканманми, овозимни чиқариб гапириб юборибман.

— Нима?! — «Катта домла»нинг пешонаси тиришиб кетди.

— Энди, домлажон... — Раис бува менга кўзини бир ола-кула қилиб, «домла»га юзланди. — Булар «қу-пу»ингизни биладимми? Эсини танибдики, даладан бери келмайди. Қолаверса, ҳисоб факультетига кираётгани йўқ-ку.

— Барибир... — «Катта домла» қовоғини солди. — Ҳозирги кунда юридика энг пристижний соҳа. Талабгорлар кўп. Кейин... умуман... адлия ходими ҳамма нарсани билиши шарт. Тарихиям, математиканиям, экономиканиям.

— Пул санашни, — деб қўйдим дадамнинг гапи эсимга тушиб. «Катта домла» мен томонга хавотирланиброқ қараб олди. Раис бувага шунақанги таъна-маломат билан ўқрайдики, ўзим ҳам кўрқиб кетдим.

— Аммо Шодивой — зеҳнли бола! — деди Раис бува шоша-пиша. — Кўрасиз, домлажон, ишончингизни бир юз эллик процент оқлайди. Қолаверса, бу ёқда ўзимиз турибмиз.

...Шодивой иккаламиз нимқоронғи кўча бошида Раис буванинг чиқишини пойлаб аңча туриб қолдик. Охири Раис бува «Катта домла»ни инсофга келтирди, шекилли, енгил тортиброқ чиқди. Ўзи ҳам, қўли ҳам...

— Бирпас гапга аралашмай турсанг ўлармидинг, тутхўр! — деди менга хўмрайиб. Аммо бошқа койимади. — Каттиқроқ тайёрланларинг. Экзаменни Бегматов деган одам оларкан. Домла айтиб кўядиган бўлди. Бегматовнинг ўзи сенларни топиб олади.

...Бегматов дегани юзи қошиқдеккина, кўзойнаги пиёладаккина киши экан. Бир куни консультациядан кейин Шодивойга имо қилиб, «сен қол» деди. Мени унутиб қўйди-ёв! Ҳамма чиқиб кетганидан кейин Шодивой иккаламиз аудиторияда қолдик.

— Сен нима қилиб ўтирибсан? — деди Бегматов кўзойнаги ўстидан менга ўқрайиб.

— Буям ўқишга кирмоқчи! — Бегматов менга қанақа ўқрайган бўлса, Шодивой ҳам унга шунақа ўқрайиб қаради.

— Бўпти! — Бегматов Шодивойнинг қоғоз папкасидан маълимимиз ёзиб берган иншоларни олиб текшириб чиқди. Баъзи жойларини тузатди. — Ўқитувчинг пишиқ экан, — деди хурсанд бўлиб. — Бехато кўчирсанг, бешга тортади. Эртага охирги қаторга ўтир. — Шундай деди-ю, чиқди-кетди.

...Мана, ўтирибмиз охирги партада! Омадни қарангки, худди ўша «Қутлуғ қон» тушса денг. Каттакон аудитория жимжит. Юздан ортиқ йигитлару қизлар шипиллатиб иншо ёзиб ётибди. Нариги қатор оралаб кексароқ хотин, бизнинг қатор томонда Бегматов уёқдан-буёққа бориб-келиб турибди. Маълимимиз ёзиб берган иншони ўртага қўйиб олганмиз. Уёқдан Шодивой кўчиради, бу ёқдан мен.

Энди учинчи бетга ўтган эдик, ўртароқда шовқин-сурон бўлиб кетди.

— Тур ўрнингдан!— деди Бегматов дағдаға билан.— Чўнтагингни кўрсат. Унисинимас, чап чўнтагингни!

Эскироқ дўппи кийган йигит талмовсираб ўрнидан турди.

— Кўчирганим йўқ, домла,— деди ялиниб.— Мен эркин тема ёзяман. Унақаси йўқ менда.

— Манавилар шпаргалка бўлмай нима?

— Ишонмасангиз қаранг! Менда унақаси йўқ!— Йигит бечоранинг ранги оқариб кетди.

— Чиқиб кет!

— Домлажон! Мен уч йилдан бери келаман.— Йигит алам билан ер тепинди.— Кўчирганим йўқ. Ўзим яхши биладман бу темани.

— Янаги йилга тўртинчи марта келасан!— Бегматов дўппили йигитнинг ёзаётган нарсасини олиб, икки буклади. Шошилмасдан чўнтагига тикди-да эшикни кўрсатди.— Марш!

Вой-бў! Домлажоннинг аччиғи ёмон экан-ку! Бир маҳал қарасам, домлажон биз томонга бостириб келяпти.

— Бекит, Шоди!— дедим жон ҳолатда.

Шоди шошиб қолганидан маълумимиз ёзган иншони бир тортган эди, қоғоз «шалоп» этиб стол тагига тушди. «Бўлди! Тамом бўлдик!» Мен-ку майли, қайтиб кетавераман. Жўрам дадасидан балога қоладиган бўлди-да!

Домлажон зипиллаб тепамизга келди. Ерда ётган шпаргалка-қоғозни энгашиб олди.

— Туппа-тузук ёзибсан-ку!— деди кўзойнаги орқасидан мулойим жилмайиб. Қоғозни стол устига қўйди.— Шошмасдан ёзгин, хўпми? Ундан кейин... «меҳнат қилип» деб ёзилмайди. Охирги ҳарфи «б» бўлади. «Меҳнат қилиб»... Тузатиб қўй...

Шодивой черновойдаги «п»ни «б» қилиб ўзгартирди. Мен ҳам иссиғида ўзгартариб қўя қолдим.

— Ёзишинг дуруст!— деди Бегматов домла Шодивойнинг ишига кўз югуртириб.— Шошилма, ҳали икки соат вақт бор.

Черновойни эсон-омон ёзиб бўлдик. Энди оққа кўчириш керак. Файрат билан ишлаб ётган эдим, домлажон яна Шодивойнинг тепасига келди.

— Яхши...— деди биринчи бетни ўқиб.— Кейин Шодивойнинг қўлидан ручкани олди-да иккинчи бетнинг бурчагига билинар-билинемас нуқта қўйди.— Ёзавер,— деб нари кетди.

Қаранг, иккинчи бетнинг бурчагига, нақд қизил чизик ёнбошига нуқта қўйиш кераклигини билмас эканмиз-да! Яхшиям, домлажон ўргатгани! Домлажон Шодивойнинг белавойига қанақа нуқта қўйиб кетган бўлса мен ҳам худди ўша иккинчи бетнинг худди ўша бурчагига, худди ўшандай нуқта босдим. Катта ҳам эмас, кичик ҳам.

Шодивой иккаламиз жудаям биринчи бўлиб эмас-ку, тўртинчимиз, бешинчимиз бўлиб, иншони топшириб чиқдик. Оғиз қулоқда.

— Иккаламизникиям беш бўлади!— деди Шодивой илжайиб.

— Йўқ, Шоди...— дедим камтарлик билан.— Сеники беш, меники тўрт бўлади.

Раис бува жуда меҳрибон-да! Садақайрағоч тагидаги скамейкада шляпаси билан юзини елпиб кутиб ўтирган экан. Умуман, институт олдидаги майдон одамга тўлиб кетибди. Ҳайронман, анави чол-кампирилар ҳам имтиҳон топширгани келганми, нима бало?

— Бўрими-тулки!— деди Раис бува шляпасини бошига илиб.

— Йўлбарс!— дедим илжайиб.

— Маладес!— Раис бува Шодивойнинг елкасига қоқди.— Индинга баҳонингни эълон қилишади. Шунисидан беш бўлса, оғзақиси чепуха!

...Индинга Раис бува, Шодивой, мен — узун-қисқа бўлиб яна ўша қўпқаватли бино олдида келдик. Вой-бў! Аввалги куни тўпланган одамлар ҳам баҳарнов экан. Чияли бозор бўпкетибди-ку, ҳаммаёқ! Похол шляпа кийган қориндор кишилар. Бири атлас, бири хилхилойим кўйлак кийган хотинлар. Майдонча машинага тўлиб кетган. «Волга»лар, «Жигули»лар... «Москвич»лар, хатто ойнасига «Р» деган ҳарф ёпиштирилган «Запорожец»гача бор. Тағин

номери ҳар ёқниқи. «АНИ», «БХИ», «ФНА», «ХЗИ», «СИЗ», «СНБ», «ДДИ», «ТШХ» «КФЛ»... Бутун Ўзбекистон кўчиб келганми, нима бало? Ота-оналар ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб туришибди. Олақуроқ матодан кенг-мўл кўйлак кийган хотин ўртачароқ самовардек келадиган термосдан чой қуйиб, ёнидаги олача тўнли кишига узатади. Ерга тўшалган ихчамроқ шолчага ўтириб олган тарашадек озгин хотин тоғордан манти олиб, ўғлига тиқиштиради: «Олсанг-чи, иби, кот-мотта бача уч кундан бери авқот ёмайсан-ку!»

Бизнинг факультетга харидор жуда кўп эканми, Раис бува бировни тирсаги билан, бировни думбаси билан туртиб, йўл очгунча терлаб кетди. Охири ёғоч панжара тахтага илиб қўйилган рўйхат олдига соғ-саломат етиб бордик. Шоша-пиша рўйхатни топдим. Мана, «Олтинчи В группа...» Юрагим така-пука бўлиб ўқий бошладим.

— Аббосова — 2, Абдуллаев — 3, Абдурахмонов — 2, Абусаломова — 2, Аъзамова — 3, Азимова — 4, Алимов...

Нима? Аввал ўнг кўзимни ишқалаб кўрдим. Кейин чап кўзимни... Ҳафсала билан ишқалаб-ишқалаб, қайта ўқидим. Алимов — 2. Ие, бу қанақаси? Ахир Бегматов — домланинг ўзи Шодивойни мақтовди-ку! Шошма, балки бошқа Алимов бордир? Йўқ. Аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйибди. «Алимов Ш.— 2».

Ёнимда аллаким отдек, йўқ, менинг Тулпоримдек пишқирди. Қарасам, Раис бува энтикиб-энтикиб нафас оляпти.

Шоша-пиша «С» ҳарфини қидира бошладим. Аслида-ку, изланишдан фойда йўқ. Шодивойники 2 бўлса, бизники 1 бўлади-да!

Садриев — 4, Самадова — 2, Сатторова — 5, (хайрият-ей «беш» ҳам кўяркан-ку) Салимов...

Салимовни пичирлаб ўқидиму кўзим тиниб кетди. Назаримда — ҳаво етишмагандек, нафасим қайтиб кетгандек бўлди. «Салимов Қ...»нинг рўпарасида 5 рақами жаранглаб турибди-да! Шошма, тагин бошқа «Салимов» бўлмасин! Йўқ, уёғи «Тўхтаев — 2»га айланиб кетибди. Шуни ғира-шира англадимки, бир юз йигирмата фамилия орасида бор-йўғи учта беш бор экан. Тўрттами-бештами — тўрт. Еттита — уч. Қолгани қаторасига — икки!

— Кетдик! — Раис бува шундай ҳайқирдики, муттасил чуғир-чуғир қилаётган одамлар ўқ овозини эшитган чумчуқлардек жимжит бўлиб қолди. Раис бува Шодивойнинг билагига чанг солди. — Тезроқ!

— Шошманг! — деди Шодивой юлқиниб. — Қўшоқникини кўрай!

— Э, Қўшоғингни! — Раис бува жўрамнинг билагидан чангаллаб судради. Ўз-ўзидан жонли йўлак очилганига хурсанд бўлиб, мен ҳам эргашдим.

— Падарингга лаънат! — Раис бува ташқарига чиқиб баттар энтикди. — «Катта домла» бўлмоқ тугул академик бўлмайсанми! Ҳали шунақанги ўйнатайки, шогирдинг билан... Тезроқ! — деди Шодивойга ўшқириб.

Катта йўл бўйига чиқиб олдик. Раис бува дуч келган машинага қўл кўтара бошлади. Аксига олиб, қани тўхтаса!

— Қўшо? — деди Шодивой пичирлаб, — сеники нечча?

— Бе-еш, — дедим мен ҳам пичирлаб. — Хафа бўлмагин, жўра, сен кирмасанг, менам кирмайман. Кетаман.

Ниҳоят, сурмаранг такси Раис бувадан сал нари ўтиб тўхтади.

— Гастинисага! — деди Раис бува олд эшикни очиб. Қайси гастинисага боришимизни айтди.

— Мен паркка кетаётган эдим, меҳмон... — Кексароқ таксичи хижолат чеккандек илжайди.

— Минг сўм олмайсизми, қанақа одамсиз! — Раис бува шопир олдига ўтириб эшикни қарс ёпди. — Ҳой, — деди бақириб. — Мин чаққонроқ!

Таксичи бир ранги ўчдию, индамади. Гастиниса олдига келгунча ҳеч кимдан садо чикмади. Етиб келишимиз билан Раис бува орқага қараб ўшқирди.

— Тушларинг! Шу ерда пойлаб турасан. Мен ярим соатда келаман. Кетдик! — деди шопирга имо қилиб. — Праписрский гародокка!

— Гастинисага дегансиз, меҳмон! — Шопир ниҳоятда хотиржамлик билан моторни ўчирди. — Мен паркка боришим керак.

— Ҳов, боди! — Раис қўли титраб чўнтагини кавлади. Битта эллик сўмликни олиб, шопирнинг тиззасига шапатилади. — етадимми ё яна берайми?

Ажаб, таксичининг жаҳли Раис буваникидан баттар экан. Лип этиб эшикдан чиқдию, машина олдидан айланиб ўтиб, бериги эшикни очди.

— Туш! — деди овози титраб.

Раис бувадек одамни «сенсираган» кишини иккинчи марта кўришим эди. Ҳов, мактабда физика муаллимимиз Ислом Қиличев шунақа муомила қилганда ҳайрон қолган эдим. Бу сафар ҳам оғзим ланг очилиб қолди.

— Туш! — таксичи чайир экан, Раис бувани бир силтаб ташқарига олиб чиқди. — Ол пулингни! — дедию, 50 сўмликни Раис буванинг юзига улоқтирди. Пул пирпираб-пирпираб ерга тушди.

— Шошма! — Раис бува ерда ётган 50 сўмликни юлқиб олди. — Шошма! — деди ўдағайлаб. — Сен нимани ерга отаяпсан. Биласанми, бу ерда... бу ерда... — у пулни ғазаб билан нуқиди. — Бу ерда давлатимизнинг герби борлигини биласанми? Ким сенга ҳуқуқ берди табаррук нарсамизни оёқости қилишга!

Ажаб, таксичи пинагини бузмади.

— Мен эмас, сен оёқости қиляпсан, — дедию, эшикни қарсиллатиб ёпди. Моторни гуриллатиб машинасини бир папаплатган эди, Раис бува жонҳолатда ўзини четга олди.

— Номири неччи, Шоди? — деди чийиллаб.

Шодивой иккаламиз эс-хушимизни йиғиб олгунимизча такси кўчадан шовуллаб ўтаётган машиналар дарёсига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Кутиб турларинг! — Раис бува такси номерини ёзиб олишнияму унутиб, кўча четига югурди. Аллақандай «Жигули»ни тўхтатиб, ўтириб олди.

Шодивой иккаламиз мунғайиб қолавердик. Қарасам, ўртоғимнинг кўзига ёш тўлиб турибди.

— Шоди-и! — дедим ялиниб. — Юр, морожний ейлик.

Жўрам индамай кетимдан эргашди. Оқшом тушиб қолгани учунми, морожнийхонада одам кўп эди. Бу гал бир эмас, иккитадан морожний олиб, нақд 2 сўм 60 тийин тўладим.

Аввалги сафар Шодивой морожнийни икки ямлаб бир ютган эди. Энди бўлса, қошиқни ялаб, эрмак қилиб ўтирибди.

— Шоди... — дедим секин. — Яна морожний опкелайми?

— Бўлди, — деди Шодивой илжайишга уриниб. — Тўйдим.

— Шоди, — дедим тагин ялиниб. — Хафа бўлмагин.

— Хафамасман, Кўшо...

Уйлаб-ўйлаб бир нарсани топдим.

— Менга қара, Шоди... — дедим тантана билан. — Биласанми, нима қиламиз? Мен ўзимнинг «беш»имни сенга бераман! Сенинг «икки»нгни мен оламан!

— Жиннимисан! — Шодивой боядан бери биринчи марта кулиб юборди. — Иккаламиздан биттамызники барибир «икки» бўлиши керак эди-ку!

— Бўпти-да! Меники «икки», сеники «беш» бўлади!

— Қўй, жўра! — Шодивой кўзимга шунақа ақлли, шунақа маъноли тикилдими, дами ичимга тушиб кетди. — Уқисам, сен билан ўқийман, бўлмаса керакмас! Сенсиз бир кун ҳам турмайман бу ерда.

Қоронғи тушиб қолганида иккаламиз шўлтиллаб, гастиниса-томонга ўтдик. Лифтга ўтириб, еттинчи қаватга кўтарилдик. Бугун «Муха» опанинг навбати экан. Негадир биздан олдин салом берди.

— Келдингларми? Раис ака кутяптилар, — деди илжайиб.

Узимизнинг етти юз ўн тўққизинчи номер эшигини энди итармоқчи эдим, ичкаридан келаётган овозни эшитиб, тўхтаб қолдим. Биламан, Раис буванинг аччиғи ёмон. Шодивойга «тўхтаб тур» деб имо қилдим.

— Тартиб борми ўзи сизларда! Лабз борми? Масалан, мен пахта планини бир юз эллик процент бажараман дедимми — бажараман! — Бу Раис буванинг овози эди. — ернинг тагидан олиб бўлсаям бажараман! Бригадиримга ҳар гектардан 55 центнердан оласан, дедимми — олади. Олмасин-чи, ичагини бошига салла қилиб кўяман! Сиз-чи, сиз? Ким бўпсиз? Нар и борса, бир домлачасиз? Нега катта домланинг топшириғини бажармайсиз?

— Бажариш бундан ортиқ бўладими? — Бегонароқ товуш асабий жанглади. — Катта домланинг айтганини қилдим. Черновикни текширдим.

Беловикка белги қўйдим. Нима, имтиҳон комиссияси аҳмоқми? Бу — сизнинг колхозингизмас, Раис ака! Шифрларни чалкаштириб ташлашган. Уғлингиз тайёр иншониям ўн иккита хато билан кўчирибди. Черновою, беловойини минг машаққат билан топдим. Катта домланинг юзидан ўтолмай уйимга обордим. Бешинчи курсда ўқийдиган синглмага қайта ёздирдим, тагин нима дейсиз?

— Кимникини? — Раис бува шунақанги чийилладика, йиғлаб юборай деди. (Бечорага раҳмим келиб кетди.)

— Қаёқдан билай? — Раис «домлача» деган одам ундан баттар йиғламсиради. (Энди «домлача» шўрликка юрагим туздек ачиша бошлади.) — Аниқ эсимда бор: белавойга ўз қўлим билан белги қўйганман. Мана шу қўлим билан.

— Кимникига?

— Қаёқдан билай! Белги қўйганимни «беш»га тўғриладимми ахир. Тагин нима дейсизлар?

— Гапни айланторма, домлача! Сенгаям улуш тегдими-йўқми? Шундан гапир!

— Э, қанақа одамсиз ўзи? Менга унақа гапларни гапирманг, ака! Хотиним бўлмаса, бола-чақам бўлмаса... — «Домлача» энтикиб қолди. — Жонимга тегди, — деди инграб. — Тўрт йилдан бери кандидатскийни ёқлолмайман. Катта домланинг юзидан ўтолмай...

— Вой, нимага кирмай турибсизлар? Раис ака кутяптилар! — қулоғим тагида шақиллаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, «Муха» опа икки қўлида икки чойнак кўтариб турибди. Мени Раис буванинг ўғли деб ўйлади, чоғи, огоҳлангирди. — Манг, йигитча, дадангизга айтиб қўйинг. Бунақа гапларни бақириб айтмайди одам. Гостиница — нозик жой. Бунақа ишлар ими-жимиди қилинади...

Эшикни қандоқ очдим, чойнак кўтариб қандоқ ичкарига кирдим, эсимда йўқ. Қарасам, тўрт чорси столнинг у томонида Раис бува, бу томонидан Бегматов домла бир-бирига жўжахўроздек буйини чўзиб турибди.

Бегматов домла аввал Шодивойга, кейин менга кўзойнаги орқасидан терсайиб қараб қўйди.

— Сен — Салимовсан-а? — деди Шодивойга.

— Йўқ — Алимов! — Шодивой елкасини қисди.

Домлажон энди менга юзланди.

— Сенинг фамилиянг Алимов эмасми?

— Йўқ, домла, Салимов — дедим ҳеч балога тушунмай.

Бегматов домла, негадир қўллари титраб, ҳар кўзи пиёладек келадиган кўзойнагини ечди-да, тарақлатиб столга ташлади. Тирнаб тешилгандек митти кўзларини менга қадаб, тахминан беш минут турди. Кейин Шодивойга юзланди. Чамамда жўрамга мендан кўра кўпроқ тикилди. Ундан кейин Раис бувага қаради-да, ингичка елкалари силкиниб ғалати овоз чиқарди. «Их-хи» дедими «хих-хо» дедими яхши эшитмадим. Ана ундан кейин тўсатдан ўзини орқага ташлаб, Шодивойнинг каравотига йиқилди-да, ғайритабий қилиқлар қила бошлади. Тикилиброқ қарасам, кулаётган экан. «Хих-хи-хо!» «Ҳи-ҳи-ҳи!» «Воҳ-ҳо-ҳо!» У каравотга ўтириб олиб чиллакдек тиззаларига уриб кула бошлади.

— Раис ака! — деди энтикиб. — Буларнинг фамилиясини адаштириб юборибмиз-ку, Раис ака! Алимов билан Салимовни чалкаштириб юборибмиз. Иншони Алимов «беш»га ёзган. — У дик этиб ўрнидан турди-да, кўзёшларини артиб, Шодивойнинг рўпарасига келди. — Оббо, ука-ей, оббо азамат-ей! Сал бўлмаса, фирт адолатсизлик бўларкан-да! «Қутлуғ қон»да инқилобий онгнинг ривожланишини сен ёзганмисан? Шуни айтмайсанми, укажон! Табриклайман! — у Шодивойнинг юмшоқина қўлини олиб қисди. — Ёзманг — зўр! Оғзакидан ҳам беш олсанг...

Шодивой аланг-жаланг бўлиб қолди.

— Қўшо-чи? — гоҳ домлаҳонга, гоҳ дадасига қаради. — Қўшонинг иши нима бўлади? — деди қўлини тортиб олишга уриниб.

— Адашибмиз-да, укам! — домлажон Шодивойнинг елкасига қоқди. — Уртоғинг бу йил бўлмаса янаги йил кираверади. Арзимаган хатолик ўтибди-да, Раис ака... Дарров тўғрилаймиз! — Домлажон пилдираб эшик томон юрди. Боядан бери анграйиб турган Раис бува энди ўзига келди.

— Катта домлага салом айтинг! — деди юзига қон югуриб.

Хатосини ўз вақтида пайқаган «домлажон» чиқиб кетиши билан учаламиз бир-биримизга қарадик.

— Домлалар ҳам тирик жон-да! — Раис бува хиёл қизаргандек бўлди. Эркалаб кифтимга қоқди. — Қара, Шодивой билан сенинг фамилиянгни адаштириб юборибди. Йигитлар, энди ресторанга тушиб бир маишат қилайлик.

Раис бува эшик томон йўналган эди, Шодивой тўсатдан ғўлдираб қолди:

— Дада!

— Ҳа! — деди Раис бува унинг рўпарасида тўхтаб.

— Дада... — Шодивой бошини қуйи солди. — Агар Қўшо институтга кирмаса, мен ҳам ўқимайман!

— Ним-ма? — Раис бува йкки қадам орқага чекиниб бўйнини чўзди. — Нима дединг?

— Агар Қўшоям кирмаса...

— Аҳмоқ! — Раис бува рапидадек кафтини ёзиб, Шодивойга пўписа қилди. — Учир!

Қарасам, Шодивойнинг кўзида ғалати, ёввойи ўт ёниб кетяпти. Қўйиб берсам, ота-бола ёқалашиб кетадиган.

— Шоди... — дедим ялиниб. — Барибир мендан сўт чиқмайди. Сен ўқийвергин, жўражон! Мен пахтада ишлаганим тузук.


— Ўқимайман! Қўшо ўқимаса, менам ўқимайман! — Шодивой жини қўзиб, ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юборди. — Бошида айтганман: Қўшо кирмаса, мен ҳам кирмайман, деганман.

— Хўп, улим, хўп... — Раис бува унинг елкасига қоқди. — Мана, жўранг шунча ўйнади, кўрмаган жойларни кўрди. Бир йилча сабр қилиб тургин. Янаги сафар жўрангни ўзим олиб келиб, ўзим ўқишга жойлайман... Ким билади ҳали сен ўқишни битириб боргунингча Қўшовой сенданам зўр одам бўп кетадими?

— Керакмас! — Шодивой қайсарлик билан ер тепинган эди, юпатдим.

— Унақа қилмагин, жўражон! Хўп дегин, ўқий қолгин!

Давоми келгуси сонда



Маъруф Жалил

КУЧ БЕРАДИ ИШОНЧ ОФТОБИ

Тўхтанг!

Табиат қонуни
Содда ва комил.
Ҳеч кимда туғдирмас
Зарра эътироз.
Келиб кетаверар
Оқилу ғофил,
Келиб кетган каби
Баҳор билан ёз.

Ҳаётда неки бор
Яшашга қодир,
Майса ҳуқуқини
Топтамас дарахт.
Аммо кучли жондор
Кучсизини ер,
Кучсиз жонивор ҳам
Турмайди қараб.

Фил кичик тешикча
Кўрса йўлида,
Нега ўтолмайди
Хотиржам босиб?
Филнинг жони эмиш
Сичқон кўлида,
Қушандаси бордир
Барин муносиб.

Яшашга ҳаққи бор
Туғилган экан,

Демак, макон лозим,
Егулик зарур.
Ҳаёт тўқис бўлса
Кошки шу билан...
Лекин бунга қуш ҳам
Қилмайди сабр.

Шер у ёқда турсин,
Ҳаттоки ит ҳам
Инига киритмас
Бегона итни.
Табиат,
Қойилман,
Бесас,
Хотиржам
Турибсан яратиб
Шундай муҳитни.

Агарчанд уларнинг
идроклари йўқ,
Йўқ ҳаққи ёзилган
Қонун китоби.
Ҳаётлари гарчи
Хатарга тўлиқ,
Лекин куч беради
Ишонч офтоби.

Нафсин тиёлмаган
Бандаи нодон,

Ер баҳри муҳитда
Кичик бир кема,
Кема ҳалок бўлса,
Омон йўқ, омон,
Ҳеч ўйлаб кўрдингми:
Мақсадинг нима?

Бир дўстим бўларди
Бола чоғимда:
— Варрагингни бергин,
Бир кўрай, — девди.
— Йўқ! — десам
Ўртаниб алам доғида
Варракни шарт йиртиб
Ташлаган эди.

— Сенга ҳам йўқ энди,
Менга ҳам, — дея
Қаҳ-қаҳ уриб кулди,
Мени йиғлатиб.
Бопладим дегандай
Кетди йўлига,

Ҳамон шу ҳол мени
Юрар ўйлатиб.

Сиз ҳам шу безори
Бола сингари,
Дунёни талашиб,
Ўйламай-нетмай:
«Бўлмаса,
Сенга ҳам,
Менга ҳам йўқ!» — деб
Тўхтанг,
ер шарининг
Бошига етманг!

Мен ундан яхшироқ
Варракни ясаб,
Орзуларим каби
Учирган эдим.
Янги ер шарини
Бўлмайди тузаб,
Атом уни яксон
Қилгандан кейин.

Кераксиз одам

Бир одам яшарди эски шаҳарда,
Худди даладаги якка қайрағоч.
Қувиб юрган каби қандайдир шарпа,
Ўзини асрашга изларди илож.

На бирор кимсага, на жамиятга
Фойда ҳам, зарар ҳам йўқ эди ундан.
Билмадим,
Бормиди пинҳон нияти,
Ўзини эҳтиёт қиларми шундан?
Биларди на фарзанд,
На ёру дўстни,
На кўни-кўшнию
На қариндошни.
Борар эди ҳаёт йўлида шундоқ —
Ўзига эп кўрмай бирор йўлдошни.

Негадир баридан қўлини ювиб,
Қўлтиғига артган, билмайман, нечун?
Ҳаёт шодликларин ўзидан қувиб,
Не кутиб яшарди ҳаётдан ҳар кун?

Ҳеч кимга кераги йўқ эди унинг,
Буни балки билар,
Билмас эҳтимол.
Қачондир унинг ҳам битади куни,
Кимдир кўмишини қилмасми хаёл?

Қанча доvon ошди умр йўлида,
Нимага интилди, нима кўзлади?
Шу олис йўллардан не бор қўлида?
Дерсиз: Юрак тўла афсус сўзлари...

Йўқ, у бўзламайди надомат чекиб,
Билади пушмондан энди йўқ фойда.
Гоҳ ўйлар осмонга кўзини тикиб:
Қайта туғилмоқлик иложи қайда?

Гарчи юрагида армони қат-қат,
Бўш уйдаги шамдай сўнар, қайтади.
Тутунсиз тутайди, кутмайди шафқат,
Кераксиз дардини кимга айтади.

Аммо ўлишни ҳам истамайди у,
Жилмаяр қайдадир кучук хурганда.
Ким ўлишни истар, беозор ёғду,
Умид билан олам яшнаб турганда.

Шу сабаб ёпишиб битта ниятга
(Энди кеч. Барчаси берилган барбод.)
Парво қилмай на эл, на жамиятга,
Кераксиз ҳаётин қилар эҳтиёт.

Меҳнат

Таъна-маломатга тобинг йўқ сира,
Таънали жойлардан қочасан нари.
Ғийбат ҳам қилади таъбингни хира,
Ундан ҳам қочасан яхши гап сари.

Алдамчи кимсадан юрасан узоқ,
Қочасан ўғрилар, риёкорлардан.
Чақимчи зотига дуч келсанг ногоҳ,
Қочиб кетгинг келар ҳатто шаҳардан.

Сен қочиб юрасан қайғу, кулфатдан,
Хаёлда беозор қитъалар очиб...
Шунингдек, қочасан оғир меҳнатдан,
Қайга борар эдинг меҳнатдан қочиб.

Меҳнатсиз мустақил яшамоқ мушкул,
Меҳнатсиз рўзгор ҳам бўлмайди обод.
Ялқов бора-бора бўлар муте — кул,
Ишчан кулни меҳнат қилади озод.

Кўзингни очади заҳмат сабоғи,
Ўйлайсан,
Ким учун тўкканингни тер.
Дилингни ёритар унинг чироғи,
Шунда равшан бўлар оддийгина сир.

Бахт ваъда қилади меҳнат азалдан,
Аммо бахт келтирмас ҳар қандай меҳнат.
Меҳнат дори эмас,
Ҳатто асал ҳам,
У — сен билан бирга туғилган қисмат.

Ташлаб кетдинг

Қор кечиб далада борасан ўйчан,
Атрофга қарашга мажولينг йўқдай.
Недир хаёлингни ўғирлаб қўйган,
Недир куйдиради ичингни чўғдай?!

Изтироб ўтини босай деб ҳарчанд,
Аёз ҳамла қилар совуқ нур сочиб.
Сен парво қилмайсан
Келгандай баланд,
Оҳиста борасан
Қорда йўл бичиб.

Оппоқ қор устида
Қоп-қора қарға,
«Қарр-қарр», деб ёздию қанотларини,
Совуқ сукунатга қилгандай зарда
Олға чорлаб кетди ҳамроҳларини.

«Сиз қуш ҳам эмассиз,
Товуқ ҳам эмас,
Эссиз», деб чиқдинг, сен, этагинг қоқиб:
«Шунча алданганим етар энди, бас!..»
Гапдонлар юзига бирма-бир боқиб —
Чиқиб кетдинг: аччиқ зардали кулиб,
Эслагандай тантик ёш чоғларингни.
Ташлаб кетдинг: сени ўзидай билиб,
Қуруқ гап сотувчи ҳамроҳларингни.

Амалсиз қуруқ гап тегади жонга,
Айниқса, сийқаси чиққандан кейин.
Энди бормоқдасан қайси томонга?
Борар жойинг аниқ бўлмаса қийин.

Бедаво эмасман йўлин билмаган,
Шу сабаб вақтида отим ниқтадим.
Ҳазаб ичра умид чўғи сўнмаган —
Манзилимдир менинг аниқ мақсадим,

Баллада

«Ариқларнинг сувини ичманг!»
«Меваларни еманг ювмасдан!»
«Дориланган пайкалга тушманг!»
Огоҳ этар шиор тинмасдан.
Шифокорлар телевизордан,
Радиодан қилади огоҳ.
Балиқ тутиб зилол анҳордан
Қармоқ билан дам олар ўроқ.
Шохдан-шоҳга сакраб қушчалар,
Чуғурлашар ўз ҳавонида.
Шиорларни ўқимас улар,
Не хавф борин билмас жонига.
Телевизор кўрмас балиқ ҳам,
Бақалар ҳам хатарни билмас.
Ўроқ йиғиб қармоғин шу дам
Жўнаб кетди. Энди ҳеч келмас.
Агар қушлар бўлишса огоҳ,
Учиб кетар бехатар жойга.
Балиқ қайдан топади паноҳ,
Балиқ шўрлик боради қайга?!
Ким уларни этади огоҳ?..



Саъдулла Аҳмад

СЕН МЕНИНГ КҮНГЛИМГА НАЗАР СОЛ

Осмон билан баҳс

I

Сенга қараб ётиш нақадар азоб...
Чексиздан-чексизсан, олисдан-олис.
Бағрингда юлдузлар қумлардай беҳисоб,
Чанг заррачалари қадар бемаън!
Юлдузлар бу — тўзғиган ари уя...
Шундан сўнг нима бўлди одам деган зот?!
Қаршингда —
Қумурсқадан ҳам кичрайиб бораётганимни
Қила туриб ҳис:
— Осмон,
Кўп керилмай, пастроқ туш, — дея
Сенга чинакам юксакликдан
дарс бергувчи менман,
Пойингдаги Инсон!

II

Булутлардан баландман, деб қутулмоқ осон!
Мўриларнинг тутунлари тутмаганда ҳам,
Оҳларимнинг дуди сени тутиши керак.
(Мунча биллур товланасан?!)
Сенинг тоза эканингда
Шубҳам бор,
Осмон!

III

Уфқларга югурдим. Сароб...
Узилиш бор!
Шишакори,
Ушал ишвакор,
Жимирлаган уфқнинг ўзи йўқ!
Энди...
Бир ҳақиқат мени айлагай хароб, —
Бир бўлмаган,
Бирлашмагай ҳеч бир
Замин ила кўк.

! Бемаън — беҳисоб, сон-саноксиз

Кўп ўзингдан қетмагин, осмон,
 Пуркама кўп оловларингни.
 Бир кун ёзсам, мулзам бўларсан,
 Юрагимга йиғиб қўйган
 Яловларимни!
 Юрагинг муз —
 Юз очар бир кун.
 Оловларга кўп ҳам бурканма!
 Мутеликда,
 Доим тиз чўкиб,

Неча кунки, осмон билан
 Айтишаман басма-бас.
 Кўргиликни кўкдан кўриб,
 Кўкараман ғазабдан.
 Ушқириб, мушт ўқталаман,
 Уқраяман азобдан!
 Лекин...
 Осмон мен-ла,
 Айтишган эмас.

Сен менинг кўнглимга назар сол, осмон.
 Расман,
 Кўнгли осмонларга ҳеч ўхшамасман.
 Пастлаб кел, сен мендай ер бўл демасман.
 Ҳайронман...
 Ҳолбуки, ер ҳам эмасман.
 Кўнгли кундузликни сен мендан ўрган.
 Гарчанд,
 Ҳарчанд назарногирман:
 Ердан кўкка нурман,
 Юраги ҳурман!


Ҳамлет

Қирол (заҳар қўшилган инжуни қадаҳга
 ташлаб)
 Тўхтат, Ҳамлет! Соғлигинг ҳаққи,
 Шу инжули қадаҳни сенга тутаман!
 (Шекспир. «Ҳамлет».)

Не азоб? Ҳар кун —
 Осмон қадаҳига қуёш инжусини солиб ичаман.
 Ҳар ичган сари
 Мен ортга кетиб...
 Кун сайин ортаверар кўкдаги чаман.
 Чаман деганим, ҳу!..
 Қадаҳ тубидаги инжулардай юлдуз чарақлар.
 Сон-саноксиз улар —
 Башарият бўшатган қадаҳлар!
 Кунлик заҳматимга қотишган заҳар!
 Тун — заҳар заҳмидан қорайган таним,
 Илондай пўст ташлаб...
 Қакнус боласидай
 Янгидан курашмоқ, яъни... заҳар ичмоқ учун
 уйғонаман ҳар саҳар
 Сенинг учун, Ватаним!

* * *

Ичимда бир ҳирс бор кўзлари ҳарис...
 Мен унга эрк бермай яшайман ҳаргиз.
 Уни ўлдирмоқлик мен учун азоб,
 Уни ўлдирмасам эмасман озод!..



Октябрь-70

Фотима Абдуллаева

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Абдуллаев ҳақида хотиралар¹

1947 йил 27 февралда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми қарори билан асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда Ҳабиб Муҳамедович геология институти-нинг директори қилиб тайинланди. 1947 йил 30 майда Бутуниттифоқ олий таълим министрлиги қарорига кўра Тошкентда, САЗПИда илмий Совет ташкил қилинди. Ҳабиб Муҳамедович САЗПИдаги Советга аъзо, тоғ факультетидаги Советга раис қилиб тайинланди.

1948 йил ёзида Ҳабиб Муҳамедовичнинг катта бир орзуси рўёбга чиқди. Ниҳоят, республика раҳбарлари у кишининг ҳақиқий ўрни илм соҳасида эканлигини тушундилар. 3 июнда Ҳабиб Муҳамедович давлат ишларидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти вазифасига ўтказилди.

Ҳабиб Муҳамедович ниҳоятда хурсанд эди. Энди бутунлай илм билан шуғуллани-ман, ўйлаб юрган ва йиққан материалларимдан тўлиқ фойдаланиб, катта-катта илмий ишлар яратаман, бунинг учун вақт ва имконият етарли бўлади, деб, мен билан шодлигини баҳам кўрарди.

1948 йил 16 декабрда оиламизда яна бир катта хурсандчилик бўлиб, учинчи фарзандимиз Рустамбек дунёга келди. Мана, энди бизнинг уч фарзандимиз — икки ўғил ва бир қизимиз бор эди, каттагина оилага айлангандик. Бошқа ота-оналар каби биз ҳам фарзандларимизни ардоқлаб тарбиялаб, келажақда Ватанга, халқимизга хизмат қиладиган софдил инсон бўлиб етишишларини орзу қилардик.

Шу йили Пўлатжон биринчи синфга борганди. Мактабдан сувчечак касалини олиб келиб, ётиб қолди. Касаллик Раънохонга, кейинроқ ҳали чилласи чиқмаган чақалоқ Рустамжонга ҳам юқди. Рустамда оғир бўлмай, фақат бетига уч-тўрт дона тошди-ю, тез тузалиб кетди.

Аммо 1949 йилнинг январида тўсатдан қаттиқ оғриб қолдим, бод касалим кўзғолиб, иситма кучайиб, ётқизиб қўйди. Кўкракдаги сут тортилиб, Рустам оч қола бошлади. У тинмай йиғларди. Бунинг устига, 33 кунлик бола ўпкаси шамоллаб, зотилжам бўлиб қолди. Ойим ҳам бетоб эди, юрак касали ва астмалари кўзғолиб, аҳволлари оғирлаша-ётганди. Мана, энди оиладаги вазиятни кўз олдингизга келтиришингиз мумкин: уйда беш касал чўзилиб ётардик, келган врач ва ҳамшираларни кутиб олиш ва кузатиш учун бир киши тик туриши керак. Уй хизматчиси ҳам чарчаб қола бошлади. Шу сабабли аёл киши бизни кўргани келса, овқатимизни пишириб беришни илтимос қилардик. Улар йўқ дейишмасди. Уша вақтда қариндошларимизнинг кўрсатган ёрдамларини миннатдорчи-лик билан эсга оламан.

У пайтларда уйларда катта голланд печкалари бўлиб, кўмир ёқилар эди. Бизнинг уйда хоналар кўп, 4 та печка ёқилар, овқат ҳам кўмир ва ўтин ёқиб, плитада тайёрланар эди. Шунинг учун бир йилда қишнинг энгил ва оғир келишига қараб 12 тоннадан 18 тоннагача кўмир, беш тоннагача саксовул кетар эди. Шунча ёқилғини омбордан олиб келиб ёқиш ва кулларини олиш учун қанча вақт ва куч кетишини бир тасаввур қилинг. Бу ишларнинг ҳаммасини уй хизматчиси билан тенг бажарардим.

Биз ётиб қолгач, ҳамма юмуш хизматчига қолди. Мен оғриқнинг зўрлигидан ва иситманинг баландлигидан кечаларни бедор ўтказардим. Аммо руҳим чўкмади. Бу қийинчиликлар эсдан ҳам чиқиб кетар, фақат бевақт ўлим бўлмасин, деб ўзимга ўзим тасалли берар эдим. Айниқса Ҳабиб Муҳамедовичнинг феъли кенглиги, меҳрибонлиги, зарур бўлганда бошқалар учун жонини ҳам аямаслиги мени мамнун қиларди. У киши ҳаммамизга далда берардилар.

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

1949 йил 5 мартда меҳрибон онам оламдан ўтдилар. У кишининг жасадларини васиятларига биноан Чорсудаги ҳовлимизга олиб бориб, ўша ердан чиқардик. Онамни дафн этиш маросимида Ҳабиб Муҳамедовичнинг ёр-дўстлари, ҳамкасблари, менинг қариндошларим, маҳалла-қўй қатнашди. Мен бетоблигим сабабли дафн маросимида зўрға иштирок этдим. Қолган маъракаларни қариндош-уруғларимизнинг ўзлари ўтказишди.

Ҳабиб Муҳамедовичда бир хусусият бор эдики, уйдаи, ишдаи, кўнгилсиз гаплар ёки оғир вазиятга учраб қолсалар, ўзларини одатдагидан ҳам кўпроқ ва тезроқ ишлашга мажбур қилар эдилар. Айниқса биз бетоб бўлиб ётганимизда, уйдаги оғир аҳволга қарамай, у киши кечалари соат уч-тўртгача ижод қиларди. Деярли ҳар куни мен ётган хонага кириб суҳбатлашар, тортаётган азобимга ачинар, дардимни енгиллатишга ожизлигини айтар, таскин берар эдилар.

Мен эфа, бошимизга бирдан шунча дарду бало ёпирилганига, Ҳабиб Муҳамедовичнинг ишлашига дуруст шароит қолмаганига куярдим. Айниқса, ишдан чарчаб келганларида кутиб олиб, овқатлантирадиган одам йўқлигидан хафалигимни қайта-қайта айтардим. Шунда у киши менга: «Азизим Фотимахон, дунёда ҳамма нарса инсон учун, инсондан азиз ва мўътабар нарса йўқ. Шундай бўлгач, инсон тани сўхатлиги олдида ҳамма нарса иккинчи планга ўтади. Сиз менинг ташвишимни қиялпсиз, ахир мен соғман-ку. Соғ киши учун бу қийинчиликлар ҳеч гап эмас, ҳозир сизларга қийин... Тузалиб, оёққа туриб кетсангиз, яна бахтиёр бўламиз. Ҳар вақтдагидек яна ўзингиз ҳаммамизни парвариш қиласиз. Илтимос, менинг ташвишимни қилмай, ўзингизни қўлга олиб, тезроқ тузалишни ўйланг. Бу қийинчиликлар унутилиб кетади», дерди.

Бу гапларни эшитар эканман, ўз тақдиримдан хурсанд бўлар эдим. Ҳадемай, оёққа тура бошладим. Ёзда Сочига бориб даволангач, ўзимни янаям яхши ҳис қилдим. Врачлар Сочига уч марта келиб даволанишни маслаҳат беришди. Мен улар айтганидай қилдим. Ниҳоят, бутунлай тузалиб кетдим. Мана, 35 йилдирки, бод касали бошқа қўзғолгани йўқ.

1950 йилда Тошкентда Ҳ. М. Абдуллаевнинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» деган йирик илмий асари босилиб чиқди. Мутахассисларнинг тан беришича, бу китоб ўз моҳияти билан геология фанида янги давр очди. Унда руданинг пайдо бўлиши ҳақида янги, қизиқарли назарий фикрлар баён этилганди. Бу ҳақда геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Геология министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Гарьковец қуйидагиларни эслайди: «Биз Ҳабиб Муҳамедович билан Урал тоғларига бир қанча скарн конлари билан танишгани борган эдик. Уша кунлари Ҳабиб Муҳамедовичнинг юқорида зикр этилган асари геологлар ўртасида муҳокама қилинаётган дамлар эди. Геолог олимлар билан қилган қатор суҳбатларимизда уларда бу асарга, ундаги ғояларга қизиқиш нақадар зўр эканлигини англади. Уралда асар муаллифининг рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари хусусидаги асосий фикрлари ва режалари билан таниш бўлмаган ва бу ғоялар асосида ўз материалларини қайта анализ қилишга киришмаган геологларни учратмадик. Очиғини айтсам, бу ҳол мени ҳайратга солди. Чунки бундан аввал бирор асар кенг геологлар оммасига бунчалик катта таъсир қилганини эслай олмайман. Шундагина мен бу китобни ва унда баён қилинган ғоялар кучининг нақадар зўр эканлигини ва улар республикамиз геологлари орасидагина эмас, балки Бутуниттифоқ геологлари (кейинроқ эса бутун дунё геологлари) орасида кенг қизиқиш уйғотганига ишонч ҳосил қилдим».

Одатда ҳар қандай янгилик ҳаётда ўзига қийинчилик билан йўл очади. Қарама-қарши фикрлар баён этилишига сабаб бўлади. Ҳ. М. Абдуллаевнинг янги асари нашр этилган ҳам худди шу ҳолат такрорланди. Бу асар Иттифоқимиз геология жамоатчилиги томонидан Москва, Ленинград, Киев, Боку, Свердловск, Тошкент ва бошқа шаҳарларда кенг муҳокама қилинди ва унда олдинга сурилган фикрлар маъқулланди. 1954 йилда китоб Москвада қайта нашр қилинди. Афсуски, Тошкентда асар устидаги тортишувлар дастлаб яхши бошланиб, кейинроқ носоғлом тус олиб кетди.

Мен геолог бўлмаганим учун қуйида Ҳабиб Муҳамедовичнинг СССР Фанлар академиясининг геология ва география бўлимининг академик секретари, академик Д. С. Белянкинга ёзган мактубини келтирсам, тортишувлар натижаси равшан бўлиб қолади. Бу мактубни Ҳабиб Муҳамедович ўз қўли билан ёзган.

«Қимматли Дмитрий Степанович!

Координация Советининг мажлиси тугагандан сўнг бир ойдан кўпроқ Москвада бўлдим, шу вақт ичида Сизнинг қабулингизга кириб, ўз ишим хусусида гапира олмадим. Сизнинг қабулингизда бўлмаганим вақтим йўқлигидан эмас, аксинча, менинг устимдан бўлаётган иғволарни сизга гапиришдан уялганим сабаблидир. Бусиз ҳам Сизга тез-тез мурожаат қилиб тураман-ку. Тошкентга қайтгач, Сизга хат орқали мурожаат этишга қарор қилдим.

1950 йилда менинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» номли китобим босилиб чиққанидан сўнг баъзи геолог олимлар аввал назариямга, сўнгра ўзимга қарши чиқдилар. Бошланишда буларнинг ҳаммаси илмий мулоҳаза тарзида бўлиб, улар назариямни ўз мақолаларида ва мажлисларда танқид қилишди. Энди эса шу

кишилар устимдан юқори партия ва совет ташкилотларига ёзмокдалар. Авваллари ҳар хил рецензиялар, кейинроқ иғволар ёза бошлашди. Тошкент шаҳар партия комитети томонидан тузилган комиссия ишни текшириб, уларни ноҳақ деб топганидан сўнг ҳам ёзишда давом этишяпти. Докторлик ишимнинг қўлёзмаси устида ҳам катта жанжал кўтаришди.

Узингизга маълум, мен докторлик ишимни юқори лавозимдалик давримда ёзганман, шунинг учун керакли материалларни ўзим йиға олмаганман ва табиийки, мен бошқа геологларнинг материалларидан фойдаланганман ва бу ҳақда кириш сўзида ва керак жойларда эслатиб ўтганман. Менинг докторлик ишим 52 манбадан фойдаланиб ёзилган бўлса, шундан 7—8 тасини ўзим ўрганганман, қолганларида бошқаларнинг материалларидан фойдаланганман.

Энди диссертация ёқлагандан 7 йил кейин, нашр бўдганига 6 йил тўлгач, улар менга бошқаларнинг материалларидан фойдаланган, бошқа геологларнинг фикрини такрорлашдан нарига ўтмаган, деб даъво қилмокдалар.

Лангар манбаси устида иккита картани мен ишлаб чиққанман, шундан биттасини 1939 йилда Москва геология институтининг ишларида чиқарганман, иккинчисини СССР Фанлар академиясининг ахборот геология журналида 1941 йили нашр эттирганман.

Бир группа геологлар илмий советга ҳам, менинг оппонентларимга ҳам ишончсизлик билдириптилар. Албатта, бундай шароитда ҳақиқатни юзага чиқариш жуда қийиндир.

Мен юқорида кўрсатган материалларнинг ҳаммаси ВАКнинг эксперт комиссияси томонидан тўғри тушунилди. Бу ҳужжатлар очикдан-очик иғводир. ВАКнинг эксперт комиссиясини эътиборсиз қолдириб, бошқа комиссия тузилди. Бу комиссияга Бетехтин бошлиқ, составида Вольфан, нашриёт редактори Дрождов, ишга ва соҳага ҳеч алоқаси бўлмаган профессор Жданов, нефть бўйича мутахассис ва профессор Тюретнов киритилди. Мана шу комиссия менинг ишимни текшириши керак. Тузилган комиссия составидан ҳафсалам пир бўлиб, 20 мартда Тошкентга қайтдим, энди комиссия қарорини кутиб ўтирибман.

Бу масала бўйича мен ўртоқ Жданов хузурида бўлдим. У бу масала билан Топчиев шуғулланади, деди. Топчиев хузурига бордим. У киши масалани жуда эътибор билан қараб чиқиб, ҳақиқат томонига ҳал қиламан, деб ваъда берди.

Мана, ишнинг қисқача мазмуни. Менинг Москвада кўпроқ ушланишимнинг боиси шу. Шу сабабларга кўра мен яқинда бўладиган петрография мажлисига қатнаша олмайман.

Азизим Дмитрий Степанович! Шаҳсий ва чалкашиб кетган ишларим билан Сизнинг дилингизда ҳам нохушлик уйғотганимдан хижолатдаман, ҳозирги вазият шуни тақозо

Ҳабиб Муҳамедович ижодий кучлари ва ижтимоийлари барқ уриб гуллаган пайтда ҳаётдан кетди. Шу сабабли у бизнинг, уни билган барча кишиларнинг хотирасида ёш ва ғайратли инсон бўлиб қолди. У жуда ёшлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади, Ўзбекистонда катта давлат ишларини бажарди. У геология институтининг директори бўлганида ҳали қирқ ёшга ҳам кирмаганди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти бўлганида эса андигина қирқдан ошганди. Қайноқ илмий ва ташкилотчилик фаолияти, тадқиқотлар учун ижтимоийлари чекланганлигига қарамасдан, унга улкан илмий материални ўзлаштириш ва бир қатор қимматли илмий асарлар ёзиш ижтимоини берди.

Г. ДЗОПЕНИДЗЕ,
СССР Фанлар академиясининг академиги

* * *

Ҳабиб Муҳамедович фақатгина йирик олим, ажойиб педагоггина эмас, балки билим доираси жуда кенг йирик давлат арбоби ҳам эди... Ҳабиб Муҳамедовичнинг кенг билими, магматив жинслар петрографияси ва руда конлари ҳосил бўлишини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларининг чуқурлиги ва миқёси катталиги айниқса унинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» монографияси ва бошқа илмий асарларига оид мунозара пайтида намоён бўлди. Маълумки, қаттиқ тортишувлар унинг ғоялари тантанаси билан тугади. Унинг чуқур тадқиқотлари натижалари партия ва ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди — унга Ленин мукофоти берилди.

К. АЛИЗОДА,
Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги

этяпти. Тез вақтда бундай гаплар тугайди, деган умиддаман. Бу икки йилдан бери давом этяпти, бу ишга жуда жиддий киришишган ва охирига етказиш учун қаттиқ туришибди. Текшириш вақтида геология институти илмий Советидан ва ишлаб чиқарувчилар фикрини сўрашмади, чунки улар мен билан бирга ишлаганлар. Натижада ҳақиқатни юзага чиқариш қийин бўляпти. Мана шу кишилар ўз вақтида В. И. Смирнов устидан ҳам ёзганлар. Дмитрий Иванович Шчербаков ва Урта Осие геологлари ишим ҳақида кўп нарсани айтишлари мумкин. Тошкентга қайтиб келиб, ишга тушдим, аммо ҳеч қўлим ишга бормаяпти. Одамларнинг ишлаш ўрнига шундай иғволар билан шуғулланиши нақадар ачинарли. Мен илм билан шуғулланмай, ўнлаб тушунтириш хатлари ёзишга мажбур бўлиб ўтирибман.

Хурматли Дмитрий Степанович, Сизни безовта қилганим учун яна бир бор узр сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Х. Абдуллаев.
1953 йил март.»

Менда 1951 йилдан то 1954 йилгача бўлган тортишувларнинг материаллари бор. Уларни Ҳабиб Муҳамедович йиғиб, муқовалатиб қўйган.

Мен юқорида Ҳабиб Муҳамедовичнинг ўз қўллари билан академик Д. С. Белянкинга ёзган мактубини келтирдим. Энди академик Д. С. Белянкиннинг Ҳабиб Муҳамедовичга ёзган жавоб мактубини ҳам келтираман.

«Азизим Ҳабиб Муҳамедович! Бахтга қарши хатингизни касал бўлиб ётганимда олдим, шунинг учун Сизга жавобни қисқа қилиб, қалам билан ёзаяпман. Мен сизни қувваатлайман, одамларнинг илм ўрнига иғво билан шуғулланишгани жуда ачинарли ҳол. Шунга қарамай, сиз иғволар ва тухматлар натижасида туғилган руҳий тушкунликдан мутлақо холи бўлишингиз керак. Мен сизга ишонман. Ломоносовни эсланг, уни ҳам озмунча эзишмаган. Сиз ўз ишларингиз билан бирдан бир тўғри йўлдасиз. Биз олимларни йўллардаги курашлар ажаблантирмаслиги лозим.

Чин юракдан салом билан Д. Белянкин.

1953 йил, 31 март».

Орадан бир оз вақт ўтди. Жанжал тинчиб, Ҳабиб Муҳамедович анча эркин нафас ола бошлади. Шунда яна бир хунук хабар пайдо бўлиб қолди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг рақиблари «Правда»га шикоят ёзишибди. Хат газетанинг ўша пайтдаги машҳур фельетончиси Семён Нариньянининг қўлида экан. У Ҳабиб Муҳамедович ҳақида фельетон ёзмоқчи экан.

Бу гаплардан Москвага Бутуниттифоқ геологлари йиғилишига иштирок этиш учун борган Ғани Орифонович Мавлонов хабардор бўлиб қолибди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг Москвада аспирантурада бирга ўқиган дўсти А. Д. Каленов Мавлоновнинг Москвага келганлигини эшитиб, унга кўнғироқ қилибди ва зудлик билан Ленин номидаги кутубхона олдида учрашишни сўрабди. Ғ. О. Мавлонов айтилган жойга борганида, Аркадий Данилович кутиб турган экан. У: «Ҳабибнинг иши ёмон, эрта ёки индин у ҳақда «Правда»да фельетон чиқади, мен фельетон билан танишдим», дебди. Аввалига Ғ. О. Мавлоновнинг бу гапга ақли бовар қилмабди. Кейин А. Д. Каленовнинг кайфиятини кўриб ишонибди, нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат сурабди. У фурсатни қўлдан бермай ҳозирок С. Нариньянининг ҳузурига бориш кераклигини айтибди. Ғ. О. Мавлонов ўша ердан тўғри «Правда» газетаси редакциясига, Нариньянининг ҳузурига кетибди ва уни топиб, воқеани тушунтирибди: «Сизлар Абдуллаевни билмайсизлар, гуноҳсиз катта бир олимни ва давлат арбобини бекорга бадном қиласизлар, жилла курса фельетонни ҳозирча чиқармай туринг, ўзингиз Москвада катта олимлардан, академиклардан сўраб-суриштиринг. Агар улар ҳам сиз олган шу хатни тасдиқлашса, унда ихтиёрингиз. Мен аминманки, улардан биттаси ҳам тасдиқламайди, аксинча, яхши баҳо беришади», дебди. Шундан сўнг Ғани Орифонович Ҳабиб Муҳамедовичга телефон қилиб, воқеадан уни воқиф этибди. Аксинча, биз ҳам ғафлатда қолардик.

Ғани Орифонович мажлисга қатнашиш учун Иттифоқдош республикалардан келган олимларни йиғиб, редакцияга хат ташкил қилдирибди. Баъзилар хатга меҳмонхонадаёқ қўл қўйишибди. Москвалик олимларга қўл қўйдириш учун ҳар бирининг уйига ёки иш жойига бир-бир борибди. Бу хатга Д. И. Шчербаков, В. И. Смирнов, Колчанов, А. Ализода, Аҳмад Сафин, Д. С. Коржинский, Алиев, Ғ. О. Мавлонов, А. Д. Каленов ва бошқа бир қанча машҳур геолог олимлар имзо чеккан.

Ғ. О. Мавлонов мазкур хатни олиб яна С. Нариньяни ҳузурига борибди. У Ғани акани жуда қистовга олиб, фельетон ҳақида қаерда ва кимдан эшитганини қаттиқ туриб сўрабди. Ғани ака бўлса, бу гапни ким айтганлигини ҳеч қачон айтмайман, у ҳам Ҳабиб Муҳамедовичнинг дўстларидан, деб туриб олибди. Бу тортишув бир ярим-икки соатга чўзилиб, охири С. Нариньяни шундай дебди: «Хўп, масала бугунча очиқ қолади, эртага эрта билан иш бошланишига келинг, сўнг хулоса чиқарамиз».

Ғ. О. Мавлонов эртасига иш бошланишидан анча илгари «Правда» газетаси редакциясига кираверишда кутиб турибди. С. Нариньяни Ғ. О. Мавлоновни кўриб, илиқ

сўрашибди ва унинг елкасига қоқиб: «Агар Абдуллаевнинг дўсти шундай одам бўлса, ўзи бундан ёмон бўлмаслигига ишончим комил», деб уни ўз хонасига олиб чиқибди. «Сиз мени ишонтирдингиз, ҳатто Иттифоқдаги машҳур геолог олимларни ҳам оёққа тургазиб, хат ташкил қилдирдингиз. Хотиржам бўлинг, мен шу ерда эканман, бу фелъетон чиқмайди. Дўстингиз Ҳабиб Абдуллаев бахтли экан: биринчидан, сиздек дўсти бор экан. Иккинчидан, ким эканлиги менга номаълум бўлган иккинчи дўсти сизни ўз вақтида хабардор қилибди. Қолаверса, шу фелъетон чиқиши Москвадаги геологларнинг йиғилишига тўғри келганлиги ҳам унинг омади. Хатга мажлисда қатнашган, Абдуллаевни яхши билганлар ҳам қўл қўйишди...

Ғани Орифхонвич С. Нариньянининг сўзларига ишонгилари келмай, «фелъетон ростдан чиқмайдиган бўлдимиз», деб қайта-қайта сўрармишлар. С. Нариньяни эса, «ҳа, рост» деганча кулармиш.

Энди бу хабарни эшитганимиздан сўнг Ҳабиб Муҳамедович билан менинг аҳволимизни тасаввур қилсангиз керак. Биз шу кеча иккимиз ҳам кўз юммай, хонада ўтириб чиқдик. Мен кўп йиғладим. Билар эдикки, агар шу фелъетон чиқса, Ҳабиб Муҳамедович ишдан бўшатилиб, партиядан ўчирилиши эҳтимолдан холи эмасди. Ҳабиб Муҳамедович ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси бўҳтондан иборатлиги учун ҳақ жойида қарор топиб, ҳаммаси яхшилик билан тугади.

Эрта билан катта болаларимни мактабга, Ҳабиб Муҳамедовични ишга жўнатиб, ўзим Рустам билан уйда қолдим. Кечаси йиғлаганим учун кўзларим қизариб, қовоқларим шишганди. Уй ишларимга ёрдам берадиган Зоя деган қиз мени кўриб: «Фотима хола, сизга нима бўлди, йиғлабсиз?» деб сўради. Мен, ҳа, амакинг билан уришдим, шунга хафа бўлиб йиғладим, дея ёлғон жавоб бердим. Эртасига тонгда «Правда»ни олиб қарасам, фелъетон йўқ, кўнглим бир оз тасалли топди. Соат ўн иккиларда Ғ. О. Мавлонов уйга телефон қилиб, тинчланинглари, ҳеч нарса бўлмади, қолган гапларни уйга борғач айтаман, дедилар. Мен ҳам шу ондаёқ Ҳабиб Муҳамедовичнинг ишхоналарига телефон қилиб, тинчлантирдим.

1951 йилдан то 1954 йилгача Ҳабиб Муҳамедовичнинг бошига кўп мушкул ишлар тушди. У киши буларнинг ҳаммасига чидаб, мардларча курашди ва ғолиб чиқди.

Ҳабиб Муҳамедович кўп геолог олимларни ҳаяжонга солиб, қанча-қанча муҳокамалардан ўтиб эълон қилинган китоби учун кейинроқ Ленин мукофоти лауреати



Тўғрилик Кичиклар ҳаётидан

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Лев Толстой «Ҳожимурот» қиссасидаги йигирма беш бобдан ўн иккитасини тарихий ёки мемуар манбалар асосида ёзган. Ҳожимуротнинг ўз кечмишлари ҳақидаги ҳикояси, бир оз ўзгартиришлар билан, «Русская старина» журналидан олинган. Кавказ бош қўмондони Воронцовнинг ҳарбий министри Чернишевга ёзган хати, Полторацкий хотираларида ҳикоя қилинган воқеалар, Тифлис архивларининг материаллари, Аваристон тарихи, географияси ва этнографиясига оид фактлар, Николай I имзо чеккан ҳужжатлар — ҳамма-ҳаммасидан Толстой ўз асарига ижодий фойдаланган. Ҳожимурот руслар томонига ўтган пайтда яшаб турган уй эгаси — Нух шаҳри қўшинининг бошлиғи А. А. Коргановнинг хотинига ҳам хат ёзган адиб ундан ҳам Ҳожимурот ҳақида кўп тафсилотларни билиб олган экан.

Куприннинг хотирлаш қобилияти кузатувчанлиги каби жуда ўткир бўлган. Замондош адибалардан бирининг ёзишича, у чекка вилоятлардан бирида пиёдалар офицери Куприн билан учрашган экан...

Орадан йигирма йил ўтибди. Бу вақт давомида истеъдодли ёзувчи бўлиб танилган Куприн худди шу адибани тасодифан учратиб қолибди. Шу заҳоти Куприн аёлга исм-фамилиясини айтиб мурожаат қилибди ва бир вақтлар у билан балда танишганини эслатибди.

Адиба ҳайратга тушиб сўрабди:

— Орадан шунча йил ўтса ҳам наҳот мени дарров таний қолдингиз!

Куприн кулиб юборибди ва йигирма йил муқаддам унинг эғнида қандай кўйлак бўлганигача тасвирлаб кетибди. Адиба ҳам буни тасдиқлабди.

«Гайдар ҳузуримга кириб деди:

— Истасанг, кеча ёзиб тугатган янги повестимни ўқиб бераман.

— Қани, эшитайлик-чи!

Шунда ғаройиб воқеа содир бўлди.

Гайдар қўлёзмани чўнтагидан чиқармади ҳам. У хона ўртасида тўхтаб, қўлини орқага қилиб олди-да, чайқалиб-чайқалиб турганича бутун повестини ёдаки, саҳифама-саҳифа, дедил, хотиржам овозда ўқий бошлади. Уқиганда ҳам камдан-кам адашди. Адашган пайтда ўз-ўзига ғазаб қилиб қип-қизариб кетар ва беихтиёр бармоқларини шақиллатарди. Асарининг яхши чиққан жойларига келганда эса кўзлари қисилиб, айёрона кулимсираб қўярди.

Биз — дўстлари, икки бор баҳслашиб, унинг ёдаки ўқиганларини босилиб чиққан китобига сўзма-сўз солиштириб ўтирдик. У эса бирор марта бўлсин адашмади, ўқийётганида сира ҳам тўтлмади», — деб ёзган эди К. Паустовский атоқли болалар адиби тўғрисида.

бўлди. Аммо шу даражага етгунча сочларимиз оқариб кетди. Ғавғолар тамом бўлгандан сўнг, бир куни Ҳабиб Муҳамедовичга республика Халқ Комиссарлар Советининг раиси Абдужаббор Абдурахмонов шундай дебди: «Мен сизга қойил қолдим. Курашда ёлғиз ўзингиз кўпчилик устидан ғолиб чиқдингиз. Катта ва оғир жангда ғалаба қозондингиз». Ҳабиб Муҳамедович: «Мен ёлғиз эмас эдим, бутун партия, москвалик ва ленинградлик таниқли олимлар, қардош республикалардаги ҳамкасб дўстлар мен билан бирга эдилар. Улар илмда ва маънавий софликда менга қарши бош кўтарган ҳамкасбларимдан анча юқори турар эдилар. Тошкентда ҳам илмга тушунадиган софдил одамлар, тажрибали саноат ходимлари кўп эдилар, шуларнинг ҳимояси билангина жангда ютиб чиқдим», дея жавоб қилибди. Бу гапларнинг ҳаммасини менга у кишининг ўзлари айтиб берган.

* * *

Мен ҳаётимда Ҳабиб Муҳамедовичдай мевани яхши кўрадиган одамни кўрмаганман. У киши учун неъматлар орасида мева биринчи ўринда, сут маҳсулотлари иккинчи ўринда, гўшти овқатлар эса учинчи ўринда турарди. Шу сабабли қишин-ёзин дастурхонимиздан мева аримасди.

Домла август ойи бошидан октябрь ойининг ўн бешигача Ўзбекистондан ташқарида дам олишни бемаънилик деб ҳисоблардилар. Ахир бу пайтда Ўзбекисон жаннатнинг худди ўзи бўлади-ку, дердилар.

1952 йилда Ҳабиб Муҳамедович мевага роса тўйганлар. У киши санаторийда дам олгандан саёҳат қилиб дам олишни ёқтирарди. Шу йили маслаҳатлашиб, аввал Бокуда меҳмон бўлиш, у ердан Тбилиси, Ботуми, Москвага бориб, сўнг Тошкентга қайтиш режасини туздик.

Бокуга кетаётганимизда, Тошкентда қулупнай, гилос, эртаги ўрик тугаб қолган эди. Бокуга келсак, бу мевалар фарқ пишган экан. Биз боришимизни аввалдан хабар қилган эдик. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг президенти Муса Мирзаевич Алиев бошлиқ бир қанча дўстларимиз аэропортда кутиб олишди. Озарбайжонликлар ҳам жуда меҳмондўст бўлади. Бокуда бир ҳафта туриб, сўнг поездда Тбилисига жўнадик.

Бокуликлар бизга айтмай, Грузия Фанлар академиясига хабар қилишибди. Поезд Тбилиси вокзалига келиб тўхтагач, бизни ҳеч ким кутиб олмайди, дея шошилмасдан, вагондагилар чиқиб бўлишини кутдик. Бир вақт ҳали ҳамма тушиб улгурмаган эди, вагонга бир киши кириб, қўлида Ҳабиб Муҳамедовичнинг китобини баланд кўтариб, одамларни ёриб ўтаркан, бор овози билан: «Мен Ҳабиб Муҳамедовични кўрган эмасман, мабодо орангларда шу киши йўқми?» дерди. Мезбонлар кўпчилик экан. Вагондаги кишининг имоси билан қолганлар ҳам ўзларини таништиришди. Китоб кўтарган киши вице-президент экан. Улар бизни меҳмонхонага олиб бориб жойлашгач, бир ярим-икки соатлардан сўнг хабар олишларини айтиб, қайтиб кетишди... Бу ерда беш кун меҳмон бўлиб, Ботумига жўнадик. У ерда денгиз бўйидаги меҳмонхонада 25 кун яшаб, сўнгра Москвага бордик.

Бизни меҳмон қилувчилар дастурхонга албатта қулупнай, гилос, ўрик, олча кўйишарди. Шунда Ҳабиб Муҳамедович кулиб, бу йил тоза мева еб мириқдим, бунақаси кам бўлади, деганди.

Бир сафар мен Раёно ва Рустамни олиб Ушга — оймларни кўргани кетдим. Ушнинг ҳавоси яхши бўлса ҳам менга ёмон таъсир қилар, ўзимни беҳузур ҳис этардим.

Бу гал борганимда Ҳабиб Муҳамедовичнинг акаси бизнинг Ушда эканлигимизни эшитиб келиб, Аравонга олиб кетди. Бир бу ерда икки кун меҳмон бўлдик. Ушга қайтишда Тошкентга — Ҳабиб Муҳамедовичга телефон қилдим. Кечки пайт бўлгани учун у киши уйда экан. Овозимни эшитиши билан салом-аликни ҳам унутиб:

— Нима қилиб юрибсиз? Нега Тошкентга қайтмаяпсиз? — деди шошиб. Мен:

— Домла, тинчликми? Биз Аравонда эдик, Тўйчи акам олиб кетган эдилар, — дедим.

— Қайтиб келинглар деб иккита телеграмма юбордим. В. Г. Горьковец билан индинга Уралга кетяпман. Сизни ҳам олиб бормоқчиман. Сизгаям билет олинган, — деди.

Шу ердан тўғри аэропорт кассасига бориб, навбатдаги рейсга билет олдик. Эртаси Ҳабиб Муҳамедович, В. Г. Горьковец ва мен самолётда Челябинскага учдик. Челябинскда икки кун турдик. Ҳабиб Муҳамедович Горьковец билан ўз ишлари бўйича кетишар, кечқурун кечки овқатга қайтишар, мен улар йўқ вақтларда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўриб, вақтни ўтказардим.

Учинчи куни биз Челябинскдан Свердловскага учиб келдик. Бу ерда ҳам геологлар кутиб олишди. Ҳабиб Муҳамедович В. Г. Горьковец билан эрталаб Свердловск яқинидаги конларга кетишар, мен яна ёлғиз қолар эдим. Аммо ҳеч зерикмасдим, чунки Свердловск катта ва қадимги шаҳар бўлиб, томоша қиладиган жойлари кўп эди.

Бир куни улар ишдан эртароқ қайтиб келишди, тезда овқатланиб, шаҳар айлангани чиқдик. Бир кинотеатр ёнидан ўтаётиб афишани кўргач, кинога кирмоқчимиз, сиз ҳам

юринг, дейишди. Мен, «майли, кино кўрсак кўра қолайлик, номига қараганда ёмонга ўхшамайди», дедим.

Томоша тугаб, эшикка чиққанимиздан кейин мен беихтиёр: «Уф, худога шукур, тамом бўлди», деб юборибман. Икковлари менга ялт этиб қараб: «Нима гап?» дейишди. «Сизлар ҳам битта фильмни уч марта кўрсанглар, шундай дер эдинглар», дедим...

Биз Уралдаги барча катта шаҳарларда бўлдик. Бир нарса ҳайрон қолдирди, қаерга бормайлик, кечалари ҳеч қоронғи тушмасди. Буни сезиб турсам ҳам, Ҳабиб Муҳамедовичдан сўрашга иймандим. Чунки у киши ўткир ҳазил қилардилар. «Ия, хоним, сизга ўзи нима бўлди, одатий кеча оқариб кўриняпти», дея кулишлари мумкин эди. Оқ тун ҳақида ўқигандим. Аммо уни биринчи кўришим эди. Шунинг учун охири чидай олмай сўрадим. Ҳабиб Муҳамедович: «Ҳа, тўғри, бу ерда ҳам Ленинградга ўхшаб ёзда оқ тун бўлади», деди.

1956 йилдан бошлаб Ҳабиб Муҳамедович геология масалаларига бағишланган илмий конгресслар ва симпозиумларда қатнашиш учун, шунингдек турли геология жамиятларининг таклифига биноан чет мамлакатларга бора бошлади. У киши Мексика, Франция, Чехословакия, Англия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда меҳмон бўлган. Домла биринчи марта чет элга чиққанида Мексикада ўтган бутун дунё геологарининг XX конгрессига делегат бўлиб борганди. Бу конгрессда у сермазун доклад қилди ва металлогения секциясига раислик қилиб, мажлисни очиб берди. Ушанда кўпчилик Ҳабиб Муҳамедовичнинг ҳозиржавоблиги ва ўткир ақлига тан берганди.

«Анжуманнинг сўнги кунлари эди, — деб ёзади ўз хотираларига СССР Фанлар академиясининг академиги Д. И. Шчербаков. — Совет ва Америка делегацияларининг аъзолари ўзаро суҳбатлашгани йўғилдик. Шунда Америка геологарининг бошлиғи менга қараб: «Совет геололари бизнинг геологаримизнинг иши билан таниш эмас, бундан ташқари, сизлар ўзларингиз якка иш олиб борасизлар», деса бўладими. Мен, очиги, бунга нима деб жавоб қилсам экан, деб ўйланиб қолдим. Кутилмаганда Ҳабиб Муҳамедович жонимга оро кирди. У совет геологарининг чет эллик ҳамкасблари билан олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди ва: «Мен Урта Осиё политехника институтининг металлогения кафедраси мудири сифатида ўз дарсларимда шоғирдларимга чет эл геололари, шунингдек америкалик ҳамкасбларимизнинг ишлари тўғрисида ҳам ҳақоқ қилиб бераман. Шу сабабли Холмс, Эммонс, Лингрэн каби сизларнинг олимларингиз қилган ишларни ҳатто студентларимиз ҳам билишади», деди. Сўнг у америкаликларга қатор саволлар бериб, уларни довридатиб қўйди. «Америкалик студентларни қўя турайлик, ҳатто мутахассис геологарингиз ҳам, боринги, шу конгрессда иштирок этаётганлар ҳам олимларимизнинг лоақал номини айта оларми-кан?» деди. Савол жавобсиз қолди.»

Шу сафар пайтида кўпгина воқеалар ҳам рўй берган экан. Ҳабиб Муҳамедовични мексикалик деб билишиб, турли жойлардаги учрашувларда унга таржимонлик қилишни таклиф этишган экан.

Қайтишда совет делегацияси аъзолари Парижда тўхташган ва бу гўзал шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришган. Ҳабиб Муҳамедович айниқса XX аср бошидаги машҳур геолог Э. Оганинг ажойиб музейини завқлиб томоша қилган.

1958 йил июнь ойида Ҳабиб Муҳамедович Чехословакия Фанлар академиясининг таклифи билан Чехословакияга бориб, Чехословакия Фанлар академиясида геолог олимлар билан, Прага университетида студентлар ва профессор билан учрашиб, у ерда совет геолог олимлари олиб бораётган ишлар тўғрисида маъруза ўқиганлар.

1958 йил сентябрь ойида эса Ҳабиб Муҳамедович тўсатдан Хитойга борадиган бўлиб қолдилар. Хитой Халқ Республикасининг ўн йиллик байрами олдиан у ерга СССРдан турли делегациялар қатори совет геолог олимлари делегацияси ҳам бориши керак экан. Ҳабиб Муҳамедович Москвада эдилар. Менга телефон қилиб, тезда келинг, Хитойга борамиз, дедилар.

Мен эртасигаёқ Москвага учиб бордим. Шу даврда Нуриддин Акрамович Муҳиддинов КПСС Марказий Комитетининг секретари эди. Шу кишининг ёрдами билан менга ҳам Ҳабиб Муҳамедович билан Хитойга боришга рухсат берилди. Хитойга биз бирга борадиган группа тўққиз кишидан иборат эди.

СССР Геология министри П. Я. Антропов раҳбари бўлган бу группда КПСС Марказий Комитетининг икки масъул ходими, СССР Министрлар Советининг икки масъул ходими, академиклар Ҳ. М. Абдуллаев, К. И. Сатпаев, бир геолог-профессор аёл ва мен бор эдик.

1958 йил 7 сентябрда кечкурун Москвадан Пекинга учдик. Байкал кўли устидан учаётганимизда самолёт 13,5 километр баландликка кўтарилиб, биз, пассажирлар музлаб қолай дедик. Ҳаммамизга жун одеял беришса ҳам ҳеч исимас эдик. Шу аҳволда Пекинга етиб келдик, бизни хитойликлар ва элчихона ходимлари кутиб олишди.

Пекиннинг эски шаҳар қисми, ундаги ҳунармандлар дўконлари худди Тошкентнинг эски шаҳаридаги сингари, кўчаларида юрсанг, Тошкентда юрганга ўхшайсан. Бозори

жуда катта бўлиб, бизнинг 25—30-йиллардаги бозорга ўхшайди, фақат биноларининг томлари шакл жиҳатидан фарқ қиларди.

Делегациямиз аъзоларининг мендан бошқа ҳаммаси эрталабки нонуштадан сўнг учрашувларга, университетларда доклад қилгани, карьерларни кўргани жўнаб кетиб, куннинг иккинчи ярмида қайтиб келишарди. Ҳабиб Муҳамедович мени ҳам бирга боришга ундардилар. Мен эса, турган жойимиз марказда бўлгани учун, шаҳар айла-нишни афзал билардим. Куннинг иккинчи ярмида эса делегация аъзолари билан тарихий обидаларни, музейларни кўргани борардик.

Пекинда бир ҳафта тургач, поездда Хитойнинг эски пойтахти Нанкинга, сўнг Шанхайга олиб боришди. Шанхай жуда катта порт шаҳар, ўша пайтда 8 миллион аҳолиси бор эди. Шанхай Европа усулида қурилган, қадимдан бутун дунё билан денгиз орқали савдо қилиб келган. Кўчалари кенг ва узун, улар чет эл мамлакатлари ва уларнинг пойтахтлари номи билан аталган. Масалан, у ерда Россия, Лондон, Париж кўчалари бор. Бизга шаҳарнинг музейларини, ибодатхоналарини, ноёб буюмлар магазинларини кўрсатишди. Кейинги ўн йил мобайнида шаҳарни ободонлаштиришда қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида гапириб беришди.

Тўртинчи кунни шаҳар мэри совет делегацияси шарафига зиёфат берди. Шаҳар мэрининг айтишича, Шанхайни қора шаҳар деб аташар экан, чунки жуда нотинч экан. 8 миллион аҳолининг 2 миллиони бошпанасиз бўлиб, кемаларда, қайиқларда, ертўла-ларда яшар экан. Шаҳардаги ҳаёт кечаю кундуз бир хил давом этиб, одамлари ҳеч ухламайдигандек туюлади. Шанхайдан Ханжауга бордик. Ханжау — хитой тилида жаннат дегани экан. Дарҳақиқат, шаҳарнинг табиий манзараси ҳайратда қолдирадиган даражада ажойиб эди. Инсон қўли уни янада кўркам, жозибали қилганди. Шаҳар парклари худди эртақлардаги боғи эрамни эслатарди. Биз Ханжаудан ўзимизни енгил ҳис этиб, бир олам таассурот билан қайтдик.

Пекинга келгач делегациямизни Хитой Халқ Республикаси геология министри уйига меҳмонга қақирди. 27 сентябрда саёҳатни тугатиб, Москвага жўнадик.

Ҳабиб Муҳамедович 1956 йил декабрда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти лавозимига сайланди. У бу ишга киришишдан аввал республикадаги фан ҳолатини яхшилаб ўрганди. Фаннинг ҳар бир соҳаси бўйича йирик мутахассис олимлар билан кўп кенгашди, маслаҳатлашди.

Фан ҳамиша ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлиши, халқ хўжалигининг юксалиши-га, аҳолининг турмуш шароитининг яхшиланишига хизмат қилиши керак. Масалага шу жиҳатдан қараганда, янги лавозимда Ҳабиб Муҳамедовичга илгари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг муовини ва республика Госплани раиси лавозимида ишлаганлиги жуда асқотди. У кабинет олими эмасди, республика экономикасини, областларни, районларни яхши биларди. Бу эса унга узққни кўзлаб иш қилишида, фаннинг истиқбол режаларини билгилашда қўл келди.

У республикада фанни ривожлантириш учун аввало кўплаб ажойиб илмий кадрлар зарурлигини англади ва бу масалани биринчи даражали деб билди. Фикримнинг исботи учун шуни айтиш мумкинки, 1952 йилда аспирантурадаги ўринлар сони 43 та эди. 1960 йилга келиб 400 тага етди. Мутахассислик эса номенклатура бўйича 27 тадан 97 тага кўпайтирилди. У марказий шаҳарлардаги олий ўқув юртларининг аспирантураларига республикадан ёшларни юбориш, айна пайтда у ерлардаги йирик мутахассисларни Ўзбекистонга ишга жалб этиш масалалари билан ҳам кўп шуғулланди.

Шахсан у кишининг бошчилигида академия қошида қатор институтлар очилди. Масалан, ҳозир республикамиз фахри бўлган, республика Фанлар академиясига қарашли йирик илмий марказлардан бири — атом реактори билан жиҳозланган ядро физикаси институтининг тўла комплекси, фалсафа ва ҳуқуқ институти, нефть ва газ, сув геологияси, геология инженерлиги каби институтлар ташкил этилди.

Ўша пайтда КПСС Марказий Комитетининг Мирэачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги қарори эълон қилинганди. Бу катта ишни амалга ошириш республиканинг сув ресурсларидан фойдаланиш, пахтачиликни механизациялаш, ерларни мелиорация-лаш, уруғчиликни ривожлантириш, республикани кенг миқёсда электраштириш масалаларини илмий ҳал этишни тақозо қиларди. Ҳабиб Муҳамедович президент сифатида бу ишларнинг ҳаммасига бош-қош бўлди ва ўз таклиф-мулоҳазаларини айтди.

Республика катта табиий газ запасларига, рангли металл конларига эгалигини геолог олимлар ўша пайтлардаёқ аниқлаганди. Ҳабиб Муҳамедович келгусида республика халқ хўжалигини юксалтиришда, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашда бу бойлиқлар муҳим аҳамиятга эга бўлишини қувониб гапирарди.

Бир кун Ҳабиб Муҳамедович ишдан сўнг «юринг, сизга бир нарсани кўрсатаман», деб мени ҳозирги Академиклар шаҳарчаси қад кўтарган жойга бошлаб бордилар. Қарасам, ҳаммаёқ сабзавот экинлари экилган дала. Мен таажжубланиб: «Нимани кўрай?» дедим. Ҳабиб Муҳамедович хандон отиб кулиб юборди. Мен эса индамай қараб туравердим. Шунда у киши кулишдан тўхтаб: «Фотимахон, мен бу далами илтимос қилиб, талашиб юриб қўлга киритдим. Келгусида бу ерда институтлар, олимлар учун



Ҳ. Абдуллаев ҳамкасблари даврасида

тураржой бинолари қад кўтаради. Унга «Академиклар шаҳарчаси» деб ном қўямиз. Энди қурилиш ишларини бошлаб юборсак, бас», дедилар. Мен ҳозир Тошкентнинг энг гўзал жойларидан бири бўлиб қолган шу шаҳарча ёнидан ўтарканман, ҳар гал Ҳабиб Муҳамедовичнинг сўзларини эслайман, у кишининг узоқни кўра билганлигига тан бераман.

Ҳабиб Муҳамедович президентлик даврида «ЎзССР Фанлар академияси ахбороти» («Известия АН УзССР») туркум журналлар ўрнига фаннинг йирик соҳалари бўйича ихтисослаштирилган журналлар чиқа бошлади, уларнинг ҳажми ва тиражи кўпайтирилди. Йирик-йирик монографиялар ва тўпламлар кўплаб нашр қилина бошланди.

У киши фан ютуқларини оммага кенг тарғиб қилиш, фаннинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият берди. Шу мақсадда олимларни республиканинг «Билим» жамияти ишида қатнашишга кенг жалб қилди.

Фанлар Академияси янги ташкил қилган журналлар қаторида урушга қадар чиқиб, сўнг чиқмай қолган «Фан ва турмуш» журнали ҳам бор эди. Ҳозир республикамиздаги миллионлаб меҳнаткашлар севиб ўқиётган бу журналнинг қайта нашр этиш масаласи кўп тортитувларга сабаб бўлганлигидан хабарим бор. Охири бу масала юқори ташкилотларда муҳокама қилинди. Айрим ўртоқлар, журнал ўзини оқламайди, обуначилари ҳам кўп бўлмайди, деган фикр айтишди. Лекин кўпчилик шундай журнал: жуда-жуда зарур, деган қарорга келди. Шундан сўнг 1957 йил март ойидан бошлаб «Фан ва турмуш» журнали қайтадан чиқа бошлайди.

Яна мен Ҳабиб Муҳамедович Ўзбек Совет Энциклопедиясини нашр қилишнинг ташкилотчиларидан бўлганликларининг гувоҳиман. У киши Киевга геологларнинг йиғилишига борганида Украин Совет Энциклопедияси нашр қилинаётганини кўрадилар. Қайтиб келгач, Ўзбек Совет Энциклопедиясини чиқариш ҳаракатини бошладилар. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг ўша пайтдаги директори Аҳмаджон Ёқубовни шу масалада Киевга командировкага юбориб, украинлар тажрибасини ўрганиб келиш вазифасини топширдилар. Афсуски, республикамизнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1-жилди Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг чиқди.

Эллагинчи йилларнинг иккинчи ярмида мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгая бошлади. Ўзбекистонга ҳам чет эллардан тез-тез меҳмонлар кела бошлади. Уларнинг баъзилари Фанлар академиясида ҳам бўлишарди. Ҳабиб Муҳамедовичга баъзида президент сифатида меҳмонларни ўз уйида қабул қилиш зарурати туғилиб қоларди. Бизда эса шаҳардаги квартирамиздан бўлак жойимиз йўқ эди. Шу сабабли меҳмонларни ҳукумат дачаларидан бирида қабул қилардик. Шундай вақтларда меҳмонларни кутиб олишда уй бекаси сифатида мен ҳам қатнашардим. Ҳабиб Муҳамедович меҳмонларга Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугунги ютуқлари ва эртанги истиқболи ҳақида завқланиб гапириб берардилар. Умуман, ўз халқини, диёрини у кишичалик севадиган кишилар кам бўлади.

Бир воқеа эсимда, 1951 йилда В. Виткович деган киши Ўзбекистон ҳақида китоб ёзган экан. «Новий мир» журнали фан бўлимининг мудирини унинг ўрнида Х. Абиб Муҳамедовичга юбориб, рецензия ёзиб беришларини сўрабди. Х. Абиб Муҳамедович китобни ўқиб чиққан, рецензия ёзиб Москвага — журнал редакциясига юборди. Бўлим мудирини рецензияни олгандан сўнг Х. Абиб Муҳамедовичга бундай деб ёзибди:

«Хурматли Абдуллаев! Бизга юборган рецензиянгиз учун ташаккур. В. Витковичнинг китобини эътибор билан ўқибсиз. Сиздан бир нарсани илтимос қиламиз. Рецензиянгизнинг кўп қисми китобни танқид қилишга бағишланган, сўнггида эса сиз умуман китобни фойдали, деб ҳисоблагансиз ва яхши жиҳатларини таъкидлаб кўрсатгансиз. Агар шу китоб фойдали бўлса, яхши томонларини кенгайтириб, яна бир-икки саҳифа ёзиб бера оласизми?

Фан бўлими мудирини: Пшеничников.

1951 йил, 28 декабрь».

Бу хатга Х. Абиб Муҳамедович шундай жавоб ёзган:

«Хурматли ўртоқ Пшеничников! В. Витковичнинг китобига рецензия ёзар эканман, мен унинг тўғри баҳолашга ҳаракат қилдим. Ўзбекистон ССРда эришилган ютуқларни оммага етказишни назарда тутдим. Шунинг учун мен рецензиямни яна кенгайтиришни ўринсиз, деб ҳисоблайман. Умуман, китобни бутунлай бошқатдан ишлаб чиқиш керак. Хурмат Х. М. Абдуллаев.

1952 йил, 10 январь».

Бу китобни Х. Абиб Муҳамедович менга ҳам ўқиб чиқинг, деб берган эдилар. Китобда совет даври воқеалар эмас, балки бундан юз йиллар, ҳатто ундан ҳам илгариги ўтмиш тасвирланган. Муаллиф бугунги Ўзбекистонда бўлмай, тарихий Туркистонни қаламга олганга ўхшарди. Шунинг учун ҳам Х. Абиб Муҳамедовичга бу китоб ёқмади, ҳудди бировнинг ўзини ёки отасини камситгандек, анча вақтгача хафа бўлиб юрди.

1959 йил оиламиз учун жуда қувончли келди. Шу йили Х. Абиб Муҳамедовичга руда пайдо бўлишининг интрузиялар билан боғлиқлиги соҳасидаги қатор илмий ишлари учун Ленин мукофоти берилди. У киши бу юксак мукофотни Ўрта Осиёда биринчи бўлиб олдилар. 22 апрель кунини эрталаб бу хушxabар Бутуниттифоқ радиосида эълон қилиниб, газеталарда босиб чиқарилганидан сўнг квартирамиздаги телефон бетиним жиринглай бошлади, уйимиз Х. Абиб Муҳамедовични табриклаш учун келган ёр-дўстлар билан тўлиб кетди.

Уша кунини кичик ўғлим Рустамжон ҳам пионерга қабул қилинган. У қизил галстук тақиб мактабдан келганида уйимиз одамлар билан тўла эди. Рустам уларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Дадаси эса дарҳол гап топиб: «Булар ҳаммаси сени пионерлар сафига қабул қилинганнинг билан табриклаш учун келишди, қани, бу ёққа ўтир, сени табриклашсин,» деди.

1960 йилда Х. Абиб Муҳамедович Франция геология жамияти аъзоси ва Буюк Британия қиролиги минералогия жамиятининг аъзоси қилиб сайланди. Инглиз олимлари у кишини Англияга меҳмонга чақирди.

Эсимда, Х. Абиб Муҳамедович Ленин мукофоти лауреати бўлганларидан сўнг кўп ўтмай Тошкент политехника институтининг ўзлари ўқиган геология-қидирув факультети студентлари билан учрашувга таклиф этишди. Бу учрашувдан оғла жуда ҳам мамнун қайтдилар. Факультет студентлари ва ўқитувчилари у кишини уйга кучатиб келишди. Квартирамиз студентлар совға қилган гулдастларга тўлиб кетди.

Умуман, Х. Абиб Муҳамедовични учрашувларга кўп таклиф этишарди. Радио ва телевидение журналистлари ҳам тез-тез мурожаат қилишарди. У киши эса ўзини реклама қилишни ёмон кўрарди, ҳар хил вақтлар билан бундай учрашувлар ва чиқишлардан қочиб ҳаракат қиларди. Мен баъзида, ахир, бу нима қилганимиз, одамлар бундай ҳурмат-эътиборга эришолмай армонда юради-ку, десам у киши: «Бошқаларники билмадим, шахсан мени биров мақтаса, уялганимдан курагимдан майда тер чиқиб кетганга ўхшайди, шунинг учун ёқтирмайман», дер эдилар.

«Дўстим Х. Абиб қисқа — бор-йўғи эллик йил умр кўрди, — деб эслайди чуқур дард билан Ғани Мавлонов. — Лекин ҳавас қилса арзийдиган сермазмун умр кўрди. Х. Абиб Муҳамедовичга ўхшаган одамлар юз йилда, минг йилда бир туғилади! Ишонч билан айтманки, мен у билан бирга, ҳамнафас кечирган ўттиз икки йиллик умрим давомида ана шу хулосага келганман. Билимдонлик, инсонпарварлик, лафзи ҳалоллик, камтарлик, фидойилик... Х. Абиб шундай хислатлар эгаси бўлган олижаноб инсон эди! Салобати, олимларга хос қиёфасидан уни кибру ҳаволи одам деб ўйлашлари ҳам эҳтимол эди. Йўқ, йўқ, у дилкашлиги, гапдонлиги билан киши қалбига йўл топа биларди. Айни чоқда у жуда камтар одам эди. Бир воқеани эслайман. Х. Абиб Муҳамедович ҳаётлигида республика мизининг атоқли олимлари туркумида унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида рисола чиқаришга қарор қилинган эди. Аммо бундан хабар топиб қолган олим рисолани босиб чиқаришни қатъиян ман этди. У дабдабани, ортиқча мақтовларни хуш кўрмасди. У кўмакка муҳтож кишиларга дарҳол ёрдам қўлини чўзарди. Менга шундай бир воқеани айтиб беришган эди. Урушнинг сўнгги йиллари, шароит оғир пайтларда шогирдларидан

бирининг онаси вафот этади. Бояқишнинг марҳумни кўмишга ҳам пули йўқ экан, Ҳабиб Абдуллаев бу оғир мусибат олдида довдираб қолган шогирдига ўз ёнидан моддий ёрдам берган, уни руҳан кўтарган. Яна бир шогирди имконсизликдан бир неча йилдан буён дам олмай юрганни билиб қолган Ҳабиб Абдуллаев ўз ҳисобидан унга путёвка олиб бериб, дам олиш уйига жўнатган. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Унинг илм-фанга, кадрлар етиштиришга сарф этган кучи беиз кетмади. У совет фанининг байроқдорларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, Ҳабиб Муҳамедовичда одамларга меҳр-муҳаббат беқиёс эди. Аини вақтда одамлар унга ҳурмат-эътибор билан жавоб қайтаришарди. Шунинг учун унинг дўстлари кўп эди. У Совет Иттифоқининг атоқли геологлари — академиклар В. А. Обручев, С. С. Смирнов, А. Е. Ферсман, Д. С. Коржинский, Д. С. Белянкин, В. А. Николаев, В. И. Смирнов, Д. М. Шчербаков, Х. А. Рахматуллин, Ю. А. Билибинлар билан дўст эди. Ўзбекистонда эса Ғани Мавлонов, Мирзаали Муҳаммаджонов, Ҳадича Сулаймонова, Муҳаммаджон Урозбоев, Василий Дмитриевич Наливкин, Мажид Йўлдошев, Абдулла Музаффаров, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Виктор Григорьевич Гарьковец каби ўнлаб ажойиб инсонлар билан бир умрлик қадрдон бўлди.

Ҳабиб Муҳамедович хорижий одамлар билан ҳам алоқа боғлаганди. Чехословакиялик А. Дудек, Ян Кутин, АҚШ олими Ален М. Бэтман, шотландиялик К. Ф. Девидсон каби таниқли олимлар билан хат ёзишиб, илмий масалалар бўйича фикр алмашиб турарди.

* * *

Ҳабиб Муҳамедович вафот этганидан сўнг менга ўнга яқин одам пул олиб келиб берган. Улар пулни турли вазиятларда Ҳабиб Муҳамедовичдан қарзга олганликларини ёки у кишининг ўзи берганлигини айтишганди. Шулардан бири домланинг шогирди О. М. Борисов эди.

У аспирантлигида ювилаверганидан ранги ўча бошлаган шимини кийиб юрган экан. Ҳабиб Муҳамедович шогирдига 150 сўм бериб, янги костюм-шим сотиб олишни тайинлабди. Борисов пулни олмайман деса, хафа бўламан, дебди. Шундан кейин пулни олиб, янги костюм-шим сотволибди.

Бир йилдан кейин у диссертация ёқлаб, фан кандидати бўлибди. Шунда устозига пулни қайтарса, олмабди. Борисов: «Ахир нега олмайсиз, Ҳабиб Муҳамедович, маошим кўпайди-ку», деса у: «Маошинг кўпайганлигини биламан, лекин ҳали ўзингни тутиб олганинг йўқ», деб жавоб қилибди.

Профессор Азиз Қаюмов шундай воқеани ҳикоя қилади: Ҳабиб Муҳамедович президентлигида унинг ҳузурига бориб, Хоразмда Огаҳий асарининг қўлёзмаси топилганини, лекин уни сотиб олиш учун тил ва адабиёт институтининг маблағи йўқлигини айтибди.

— Қўлёзма учун неча сўм тўлаш керак? — деб сўрабди Ҳабиб Муҳамедович.

— Уч минг сўм.

Ҳабиб Муҳамедович сейфни очиб пул олибди-да:

— Мана уч минг сўм. Москвада чиққан монографиямга кеча гонорар келганди. Дарров бориб қўлёзмани сотиб олинг, — дебди.

Ҳабиб Муҳамедович ҳар гал маош олганларида менга келтириб берардилар. Конвертдаги пулни стол четига қўярканлар:

— Мана, Фотимахон, маошингиз чиқди, — дердилар.

Мен эса атайлаб:

— Неча сўм? — дердим.

— Билмадим...

— Ия, домла, бу қанақаси, маош олган одам ведомостга имзо чекаётиб неча сўмлигига қарамайдими?

— Уяламан-да, Фотимахон...

Менга унинг шу жавоби ёқарди. Ҳар гал шу савол-жавоб такрорланишини истардим. У ўзига озгина пул олиб қоларди. «Менга пул асосан бошига кулфат тушган ҳамкасбларимга ёрдам бериш ва китоб сотиб олиш учун керак. Ортиқчасининг кераги йўқ. Пул инсонни бузади, менда эса бузилиш учун вақтнинг ўзи йўқ», дерди кулиб.

Президентлик пайтларида жуда кўп одамларга, ҳатто ўзлари хуш кўрмайдиган кишиларга ҳам ёрдам бердилар. Бир куни мен: «Домла, баъзи кишиларни хуш кўрмайсиз, лекин илтимос билан келса, қўлингиздан келган ёрдамни берасиз. Нега шундай қиласиз?» дедим. У эса кулиб: «Фотимахон, оламга тўйнуқдан эмас, тенг назар билан қаранг. Офтоб ҳаммага — гулга ҳам, алафга ҳам тушиши керак. Бу одам ёмон бўлса ҳам олим. Унга ёрдам бериш, мушкулини осон қилиш раҳбар сифатида менинг вазифам. Унинг яхши ёки ёмонлиги ўз йўлига», деди.

Уша пайтда Фанлар академиясининг вице-президенти бўлиб ишлаган С. Юнусов Ҳабиб Муҳамедовични илиқ сўзлар билан хотирлайди. У кишининг айтишича, Ҳабиб Муҳамедович президентликларида, қўл остидаги кишиларни тўплаб, шундай деган

эканлар: «Агар сизларнинг ҳузурингизга, ким бўлишдан қатъи назар, бирор киши илтимос билан келса, шу илтимосни бажариш қўлларингдан келса, ҳеч йўқ деманглар. Чунки ўша одам сизларни паноҳ тортиб, ёрдамингизга муҳтож бўлиб келади. Борди-ю, бу илтимосни бир ўзингиз ҳал эта олмагангиз, ўзаро маслаҳатлашиб битиринглар. Шунда ҳам бўлмаса, менга юборинглар. Агар мен ҳал этолмасам, ўзимдан юқорироқдаги кишиларга мурожаат қиламан. Ваъда бериб узоққа чўзманглар. Ҳаммаларингиз яхши биласизларки, ҳаётда энг ёмон нарса кутиш ва номатълумликдир».

Бировга ваъда берсалар, уни имкон борича тезроқ бажаришга ҳаракат қилардилар. У киши уйга келганларида кўпинча дастурмолчаларининг тўрт бурчаги тугилган бўларди. Буни домла берган ваъдаларини унутмаслик учун қилардилар.

1959 йил эди. Биз Ҳабиб Муҳамедович билан Москвага боргандик. Меҳмонхонадаги хонамизга бир киши телефон қилиб, Ҳабиб Муҳамедовичдан қабул қилишини сўради. У киши розилик билдирди. Афтидан, учрашмоқчи бўлган одам пастдан, меҳмонхонанинг ўзидан кўнғироқ қилганди, 2—3 минут ўтмаёқ кириб келди. Мен унинг исмини билмайман, чунки у кирганда иккинчи хонага ўтган эдим.

Хуллас, келган йигит Москвада қандайдир институтни эндигина тамомлаган экан, ўқишни давом эттирмаёқчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг вакили Азизовга учрашибди. Азизов эса ёрдам бермабди. Шу орада йигит Ҳабиб Муҳамедовичнинг Москвага келганини эшитиб, меҳмонхонага қидириб келибди.

Ҳабиб Муҳамедович шу заҳотиёқ Азизовга телефон қилиб, тезда етиб келишини сўради. Йигитга Азизов келгунча кутиб туришини айтди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг бунчалик ғазабланган ҳолда ҳеч кўрмаган эдим. Кўзининг қорачиғи ўйнаб, ранги ўчган, қафасдаги шердек уёқдан буёққа юрарди. Йигитнинг бир оз жиҳолат бўлаётганлиги афтидан сезилиб турарди. Мен бу вазиятни юмшатиш учун ўртадаги гапга ҳеч алоқаси йўқ воқеаларни сўзлай бошладим. Ҳабиб Муҳамедович аста-секин ўзини қўлга олди. Азизов етиб келганида у анча ҳовуридан тушиб қолган эди. Салом-алиқдан сўнг:

— Сиз у кишини танийсизми? — деди.

— Ҳа, танийман...

— Сизга аспирантурага кириш истагини айтганмиди?

— Ҳа, айтган эди.

— Сиз нима деб жавоб бердингиз?

— Биз бундай ёш, ўқишга қизиққан йигит ва қизларни қидириб юрибмиз-ку, сиз эса, ўз оёғи билан келган кишининг шаштини қайтарибсиз. Ахир, республика Фанлар академиясининг Президиуми сизни нима учун ишга олиб, Москвага ўтқазиб қўйибди? Нега ўз вазифангизга совуққонлик билан қарайсиз? Иккинчи устингиздан бундай шикоятлар эшитмай. Боринг, бу йигитни ҳозироқ аспирантурага жойлаш ҳаракатини қилинг.

Улар кетгандан сўнг, Ҳабиб Муҳамедович мендан миннатдор бўлиб, бундай ғазабланиш ва эркин қўлдан бериб қўйиш одатим йўқ эди-ку, ўзингиз ҳам мени шу аҳволда биринчи марта кўришингиз бўлса керак, дедилар. Мен кулдим-да:

— Ҳар кун кўраман, — дедим.

— Нотўғри, мен ҳеч қачон сизнинг олдингизда шу аҳволга тушган эмасман, — дедилар.

— Тўғри, мен ҳам шундай ҳолатга тушишингизга ҳеч қачон йўл қўйган эмасман. Ишдан келганингизда, кайфиятингиз қандайлигини ранги-рўйингиздан биламан ва шунга қараб иш тутаман, — дедим.

Ҳабиб Муҳамедович беихтиёр хохолаб кулиб юборди ва:

— Жуда кўп нарсани биласиз ва кўрасиз, балосиз-да! — деди.

— Иложим қанча, бегим, сиздек ақлли киши билан яшаганимдан сўнг кўп нарсани билиш ва кўришдан ташқари, худо берган ақлни ҳам доимо чархлаб туриш зарур, — дедим.

Ҳабиб Муҳамедович ўзбек ёзувчиларини севар ва ҳурмат қилар эди. Ойбек домла соғломликларида Фанлар академиясининг Президиум аъзоси ва бўлим мудури қилиб сайланган эдилар. Кейин касалга чалиниб ётиб қолдилар. Анча вақтдан сўнг оёққа турдилар. Бу орада Фанлар академиясининг Президиумига сайланганларнинг муддати тугаб, янги сайлов бўлиши керак эди. Шунда баъзилар Ойбекни Президиум аъзолигидан чиқармоққа уринишди. Ҳабиб Муҳамедович бу ишга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, жуда кўп одамлар билан гаплашди. У: «Ойбек бетоб одам, биз уни академиянинг Президиуми аъзолигидан чиқарсак, руҳини тушириб, дарди оғирлашувига сабабчи бўлишимиз мумкин», дердилар. Бировга ёқиб, бировга ёқмай қилган кўп ҳаракатларидан сўнг Ойбекнинг академиянинг Президиуми аъзолигида қолдирилишига эришиб, ўз инсоний бурчларини бажардилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Раҳматуллин, Дадонов ва Агокоснеки, мухбир аъзо Лавров Москвада яшаб, ишлардилар. Улар гарчи Москвада бўлсалар ҳам, ҳар бири ўз мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Фанлар академиясига

катта нафлари тегар, айниқса республикага кадрлар тайёрлашда кўп хизмат қилишарди. Билмадим, бу иш кимнинг гапи билан бўлган, бир сидра уларга Тошкентда доимий ишда бўлмаганлари учун академиклар гонорари бериш тўхатиб қўйилди. Шунда москвалик академиклар Ҳабиб Муҳамедовичга мурожаат этиб, бу масалани улар фойдасига ҳал қилишда ёрдам беришини сўрашди. Улар нотўғри иш бўлганлигини фақат сизгина исбот эта оласиз, шунинг учун сизга мурожаат қиляямиз, дейишибди. Дарҳақиқат, Ҳабиб Муҳамедович юқори идоралардаги масъул ўртоқлар билан анча тортишганидан сўнг москвалик академиклар гонорар ола бошладилар. Ҳабиб Муҳамедович вафот этганидан сўнг уларга яна гонорар берилмай қўйди. 1964 йилда Москвага борганимда Х. А. Раҳматуллиннинг уйига киргандим. Шунда унинг рафиқаси Татьяна Самойловна шикоят қилиб: «Мана, Ҳабиб Муҳамедовичнинг йўқлиги бизга жуда билинъяпти. Москвалик академикларга яна гонорар юбормай қўйишди», деган эди.

Ҳабиб Муҳамедович жуда саҳий, меҳмондўст, муруватли инсон эди. Шунинг учун ҳам хонадонимиз доимо гавжум, келди-кетди кўп бўларди. Уруш вақти, ҳаёт қийин, шунга қарамай, уйга ора-сира тузукроқ нарса келса, менга яхшилаб асраб, меҳмонлар келса қўйишни буюрардилар.

Уруш вақтида Ҳабиб Муҳамедович Бекобод металлургия комбинати қурилишига тез-тез бориб турардилар. Бир борганларида комбинат қурилишида ишлаётган бир мўйсафид билан танишиб қолибдилар. Унинг ўғли фронтда экан. Ҳабиб Муҳамедовични ўғлига ўхшатиб, ҳар борганларида суҳбатлашар, баъзан уйга бир пиёла чойга ҳам таклиф қилар экан. Бир куни Тошкентга қайтишларида шу мўйсафид қўлларига худди қўйнинг бошидек келадиган пўконга тиқилган қазини тутқазиб: «Шу қазини ўғлимга атаб тайёрлаган эдим, бу йил келмади. Илоё, ўғлим ҳам соғ-саломат келиб, сизга ўхшаб обрў-эйтиборли йигит бўлсин», дебди. Ҳабиб Муҳамедович «олмайман» деса: «Мени хафа қилманг. Уйга олиб бориб келин ва болалар билан бирга баҳам кўринг», деб туриб олибди. У киши уйга келгач, бўлган воқеани менга айтиб: «Олиб қўйинг, меҳмонлар келганда пишириб берарсиз, биз ҳам отадан қарздор бўлиб қолмасмиз», дедилар.

Бир неча кундан сўнг уйга меҳмонлар келди. Мен қазини пишириб, лаганга япроқлаб кесиб, дастурхонга қўйдим. Меҳмонларга қазини жуда манзур бўлди. Ҳақиқатан у жуда усталик билан тайёрланган экан. Пўкон ичига от гўштидан ташқари карта, зира ва бошқа хил хушбўй нарсалар солиниб, оқ пиёзи парраклаб тўғралган экан. Меҳмонлар менга тиқилинч қилишиб, яна олиб келинг, дейишар, ўзи битта эди, десам ишонишмасди. Шу қазини узоқ вақт эслаб юрдик.

Эсимда, уруш тугаб, ҳаёт анча яхшиланиб қолган эди. Уйимизга меҳмонлар тез-тез келишар эди. Мен бир неча хил овқат тайёрлардим. Ҳабиб Муҳамедович одат буйича ҳеч қачон ошхонага чиқмас, ишимга аралашмасди. Бир сафар: «Фотимахон, ҳасипни гўштинг ўзидан қилинг, гуручни умуман солманг, шавла кетса кетсин, обрў кетмасин», деб туриб олдилар. Мен озгина гуруч солинмаса бўлмайди, десам ҳам кўнмадилар. Нойлож айтганларидай қилдим. Дастурхонга тортаётганимда эса бу ҳасипни Ҳабиб Муҳамедовичнинг гапи билан фақат гўшдан тайёрлаганимни айтиб меҳмонларни кулдирдим. Шунда академик Султон Умарович Умаров ҳасипни еб кўриб: «Фотимахон, аттанг, шавла ҳам кетибди, обрў ҳам», деди. Ҳаммамиз роса кулдик.

Бир куни Мажид Йўлдошев рафиқаси ва икки кичик боласи билан, Мирзаали Муҳаммаджонов рафиқаси ва ўғли билан уйимизга ташриф буюришди. Мен манти пишираётгандим. Улар эндигина дастурхонга ўтиришганда, Отабой Эшонов кириб келди. Уша куни бизникига Ҳабиб Муҳамедовичнинг ўшлик холаваччаси Ғанижон ака ҳам меҳмон бўлиб келган эди. Меҳмонлар манти пишгунича бир оз ичишиб, товук, гўшт, турли кўкату газакдан еб ўтиришди. Кейин уч ярим қасқон манти ейилди. Меҳмонлар эса андишани йиғиштириб қўйиб: «Тўймадик, тўйгаза олмасангиз нега меҳмонга чақирдинлар», деб тўполон қила бошлашди. Ғанижон ака содда, ичмайдиган одам эди. Меҳмонлар қўймай унга озгина ичириб қўйишибди. Унинг бир оз кайфи ошиб: «Ҳабибулла, бу қанақаси бўлди, — дерди таажжубланиб, — меҳмонларнинг олдида сиздан ҳам мен кўпроқ уялиб кетяпман-ку».

Меҳмонлар эса тўхтовсиз кулишарди. Уша куни улар бир йиллик кулгини кулишгандир.

Бир вақт Мажид Йўлдошев билан Мирзаали Валиевич қайнонам ўтирган хонага кириб: «Ойи, очмиз, келинингиз нокас экан, қорнимизни тўйгазмади», деб стол устидаги бир сағил қатиққа нон тўғраб ейишди. Мен столга конфет, хўл мева қўйиб, чой тайёрладим. Меҳмонлар конфет ва мевалар билан чой ичишиб, қолганини болаларининг чўнтақларига солиб, дастурхонни қўп-қўруқ қилиб қўйишди. Мен ҳам охири аччиқланиб: «Овқатга эмас, сизларнинг ошқозонларингизга ачинапман», десам, улар яна овқат талаб қилиб кулишарди. Ойим бўлса: «Болаларим, оч бўлсанлар, мен сизларга палов қилиб берман», деб сабзи тўғрашга тушдилар.

Меҳмонлар кулиб-кулиб, тўполон билан тарқалишди. Кета туриб яна: «Фотимахон, уят-е, бундан кейин чақирсангиз, тузукроқ, қорнимиз тўядиган овқат қилинг», дейишди. Мен эса: «Хўп, кейинги сафар маҳалла қозонида овқат тайёрлайман», дедим.

Энди кейинги воқеаларни эшитинг. Мажид Йўлдошев уйга бориб қолган ваннага илик сув қўйиб, совуса янгилаб, икки соатча сувда ётибдилар. Мирзаали Валиевич бўлса нима қилишини билмай гиламга ётиб, уйнинг у бошидан бу бошига думалай берибдилар. Фақат уч-тўрт соатдан кейингина озгина ўзларига келибдилар.

Кейин айтишларича, иккиси бизнига келишадиганда «тўймадик, очмиз, овқат борми, деб тўполон қилаверамиз», деб пинҳона келишиб олишган экан. Ҳазилни ҳам жуда ўрнига қўйишди. Бу вақтда улар ёш бўлиб, овқат еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган даврлари эди.

Уруш вақтида ва урушдан кейинги даврда Ҳабиб Муҳамедович баъзан тун ярмидан оққанида ҳам идорадан қўнғироқ қилиб қолардилар:

— Фотимахон, бу менман, нима қиляпсиз?

— Ҳозир соат неча бўлди?

— Соатми... тўрт.

— Нима қиляпсиз?

— Соат тўрт бўлса одам нима қилади, ухлайди-да.

— Ҳадеб ухлайверасизми? Мана, олдимда фалончи-пистончилар ўтиришибди. Улар палов егимиз бор, дейишяпти.

— Марҳамат, келаверинглар, палов тайёрлаш ҳам иш бўлибдими?

Улар келишгунча дастурхонни тузаб турардим. Ҳабиб Муҳамедовичнинг феълени яхши билганим учун кўпинча сабзи-пиёзни олдиндан тайёрлаб қўярдим. Меҳмонлар келиб бир-икки пиёладан чой ичишгунча ошни ҳам сузардим.

Ҳабиб Муҳамедович Министрлар Советида ишлаган вақтларида нонуштани уйда, тушки овқатни идорада, кечқурунги овқатни уйда қилар эдилар. Кечқурун бизда ҳамма вақт суюқ ва қуюқ овқат бўларди, овқатдан кейин қишин-ёзин ҳўл мева ер эдик.

Фанлар Академиясида ишлаганларида тушки овқатга ҳам уйга келардилар. Тушда ҳам суюқ ва қуюқ овқат тайёрлардим. Ҳабиб Муҳамедович деярли ҳар куни шу тушликка келадиганларида кабинетда ким бўлса ўшани, «қани, юринг, қолган гапни йўлда гаплашамиз», деб бошлаб келаверардилар. Эшик қўнғироғи чалиниши билан югуриб чиқиб очсам, «Фотимахон, сиз хафа бўлманг деб меҳмон бошлаб келдим, яна сизни зўр пазанда деб мақтадим», дер эдилар.

Баъзан қутилмаган сабаблар билан тушликни ўз вақтида тайёрлаб улгуролмай, кўпинча суюқ овқат қилардим. Шунда домлага телефон қилиб:

— Ҳабиб Муҳамедович, барака топинг, бугун бир ўзингиз келинг, улгуролмай фақат суюқ овқат қилдим, — десам, у киши:

— Нима, бир-икки киши билан келинг, деясизми? — дердилар.

— Сизга нима бўлди? Аксинча, бир ўзингиз келинг.

— Мана, менинг олдимда фалончи-пистончилар ўтиришибди, ҳозир олиб бораман, — деб трубкани илиб қўяр эдилар.

Шунда, хизматчи бошқа иш билан банд бўлса, ўзим палов қилиб юборар эдим. Ҳабиб Муҳамедович эса айтганини қилиб икки-уч кишини бошлаб келар эди. Улар келиб суюқ овқатни егунларича палов ҳам пишарди. Ҳабиб Муҳамедович эса, меҳмонларга сездирмай менга қараб, боладимми, дегандек кўз қисиб, жилмайиб қўяр эдилар. Шу феъллари йигирма йил давом этди. Фақат ҳаётларининг охириги икки йилида бундай ишларни қилмай қўйдилар. Мен у кишидан: «Нима бўлди, илгариги ҳазилларни қилмай қўйдингиз?» десам, кулиб: «У вақтлар ёш эдим, сизнинг аччиғингизни келтирмоқчи бўлардим. Таажжубки, бунга муваффақ бўлолмадим. Сизни ҳамини хотиржам кўрдим», дегандилар.

Шу сатрларни ёзар эканман, Ҳабиб Муҳамедовичга қилган хизматларимдан ниҳоятда хурсандлигимни қониқиш билан таъкидлайман. Бордию, аксинча бўлиб, уйдан мен ҳам эрта кетиб, кеч келиб, у кишининг иссиқ-совуғидан яхши хабардор бўлмай юрганымда, ишламай уйда ўтирсам, яхши парваришласам, эхтимол ўлмасмидилар, деб умримнинг охиригача ўзимни койиб, виждон азобида ўтар эдим. Ҳозир-чи? Виждоним соф ва тинч. Қадрдонимга қўлимдан келган хизматимни қилдим-у, лекин умрларига умр қўша олмадим. Начора...

1960 йил июль ойи. Ҳабиб Муҳамедович инфаркт бўлиб стационарда ётибди, ҳаво жуда иссиқ. Мен у кишининг ёнидаман, бир қадам жилдирмайдилар. Уйга ўзлари айтганларидагина телефон қилиб, болаларнинг аҳволини сўрайман. Сўнг яна каравотлари ёнига келиб болалар тинч, дарс тайёрлашяпти, кечроқ сизни кўргани келишади, дейман. Болалар деярли ҳар куни дадасини кўргани келишарди. Уларни Ҳабиб Муҳамедович жуда интиқлик билан кутар эди. Буни айтмасалар ҳам сезардим.

Шундай кунларнинг бирида Ҳабиб Муҳамедович менга:

— Сиз жуда ажойиб ва олижаноб аёлсиз, — дедилар.

Қутилмаган бу гапдан мен кулиб юбордим, сўнг:

— Шу мақтовни эшитиш учун сиз билан йигирма йил яшашим керак бўлди, — дедим. — Йигирма биринчи йилда шундай баланд баҳо берганингиз учун раҳмат! Сиз оғир касал бўлгач, қўлимдан келганча парвариш қилиш менинг аёллик бурчим. Ҳеч

кимнинг бошига бизнигига ўхшаш ташвиш тушмасин, агар тушса, ҳар бир кишининг, у хоҳ эркак, хоҳ аёлдир, бир-бирига шундай муносабатда бўлиши инсонлик фарзидир. Ўз бурчини бажараётган кишини эса мақташнинг ўрни йўқ. Сиз мени олижаноб инсонлар қаторига кўшдингиз. Мен шундай киши бўлиш учун табиатнинг берган ақл-идрокини, билимини сарф қилдим. Буни сиз билганингиздан, сезганингиздан бениҳоят хурсандман. Дунёга келган ҳар бир инсон ўқиб-ўрганиб, хунарманд бўлиб, ақли, қобилиятига яраша иш топиб, жамиятга хизмат қилиши керак. Мен ҳам аввалига шундай қилдим. Актив комсомолка бўлдим, йигирма ёшимда Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайландим. Сиз билан турмуш қуриб, Пўлатжонга декрет отпускасига чиққач эса ишламасликка қарор қилдим. Сизга бўла шундай қилдим. Сиз давлат ишида банд бўлишдан ташқари, илмий иш билан шуғулланардингиз, институтда дарс берадингиз. Шуларни кўриб ўзим билан кўп гаплашиб ва маслаҳатлашдим. Ҳаётимни сизга ва туғиладиган болаларимга бағишлаб, уйда сизга яхши шароит яратиб беришни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим. Буни сиз сезганингиз — хизматларим эвазига берилган юксак мукофот...

Ўзингиз ўйлаб кўринг, олимдан кашфиётлар ва илмий асарлар, ёзувчилардан роман ва ҳикоялар, меъмордан эса қурган бинолари қолади. Мендан эса фақат машҳур олимнинг рафиқаси деган сўз қолади. Энди мана шу «машҳур олимнинг рафиқаси» деган сўз ёнига сиз «жуда ажойиб ва олижаноб» деган жумлани кўшдингиз.

Ҳабиб Муҳамедович касал бўлганлари учунми ёки ҳақиқатан ҳам гапим таъсир қилдими, кўзларига ёш олиб: «Ҳаётга шунчалик чуқур ва жиддий қараганингиз учун раҳмат! — дедилар. — Агар ишлаганингизда, институтни битирганингизда, сиз ҳам ўз соҳангизнинг яхши мутахассиси бўлишингиз мумкин эди. Эсингиздами, 1941 йилда, ҳали Пўлат туғилмасидан аввал, сизни Тошкент шаҳар партия комитетига чақириб, Сталин район соғлиқни сақлаш бўлимига мудир қилиб тайинламоқчи бўлишганди. Шунда борганингизда, ишлаб, юқори лавозимларга кўтарилишингиз мумкин эди. Ушанда кўнмаганингиз сабабини энди билдим, сиз биринчи ўринга ўзингизни эмас, мени ва бўлажак болаларимизни қўйгандингиз. Дарҳақиқат, киши ҳар қанча қобилиятли бўлмасин, бир пайтда икки ишни аъло даражада бажариши оғир. Менга сиз уйда яхши шароит яратиб берганингиз учун илмда кўп нарса ижод қила олдим... Аммо оилада фарзандлар тарбияси, олим эрига зарур шароит яратиб бериш билан банд аёлни ижтимоий меҳнат билан шуғулланмайди, деб ким айта олади. Оиладаги она меҳнати том маънодаги ижтимоий меҳнатдир. Шунинг учун ҳам бизда оналар зўр иззат-ҳурмат қилинади. Уларга «Қаҳрамон она» унвони берилади. Энди мен ҳам шифохонадан тузалиб чиққач ўйлаб юрган китобимни ёзаман-да, уни албатта сизга бағишлайман.

Ҳабиб Муҳамедович бу сўзларни 26 йил аввал айтган. Мана ҳозир унинг ҳақ эканлигини ҳис этайман. Мен ўнта эмас, учта фарзанд тарбиялаб етиштирдим. Катта ўғлим Пўлатжон дипломат, Бельгиядаги совет элчихонасида маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Раънохон қасаба союз ходими. Рустамжон отаси изидан кетди, геология-минерология фанлари кандидати. Фарзандларимнинг ҳеч бири ҳаётга доғ тушадиган иш қилгани йўқ. Ҳаммаси эл-юрт хизматини ҳалол бажариб юришибди.

Ҳабиб Муҳамедович ваъда қилган китобларини ёзишга ёздилар-у, аммо нашр қилишга улгурмадилар. Китоб у кишининг вафотидан сўнг менинг ҳаракатим билан Москвада нашр қилинди. Аммо унда китоб менга бағишланганлиги ёзилмаган. Чунки бу гаплар иккимизнинг ўртамизда бўлган эди.

* * *

Одатда Ҳабиб Муҳамедович қаерда бўлмасин, уйга телефон қилиб турар эди. 1960 йил май ойининг охирида Киевда ўтган геолог олимларнинг Бутуниттифок йиғилишида иштирок этганида эса ҳеч телефон қилмади.

Негадир кўнглимга безовталиқ оралади. Ўзим кўнгирик қилай десам, телефонларини билмайман. Охири академиянинг иш бошқарувчиси М. М. Маҳқамовга мурожаат қилиб, Ҳабиб Муҳамедовични қидириб топишни, ҳол-аҳволини билишни сўрадим. М. М. Маҳқамов Киевга телефон қилган экан, делегатлар Кривой-Рогга экскурсияга кетишганини, икки кундан кейин қайтиб келишларини айтишибди.

Ҳабиб Муҳамедович 3 июнда Москвадан уйга телефон қилиб, гап орасида чап қўли оғриётганини, оғриқ 2 июнда Киевда бошланганини, докторлар елка мускули шамоллаган, дейишганини айтди. Мен:

— Оғриқ қай тартибда, мунтазам оғрияптими ёки тўхтаб-тўхтаб хуруж қиялптими? — дедим.

— Тўхтаб-тўхтаб оғрияпти, — дедилар.

— Ундай бўлса, юрак-қон томирлари кўлингизга оғриқ бераётгандир, эҳтиёт бўлинг. Ҳозироқ врач чақиртиринг, — дедим.

Ҳабиб Муҳамедович шу пайтгача ҳеч юрагидан шикоят қилмаганди. Шунинг учун менинг гапимни назар-писанд этмай, телефонда ваҳима қила берманг, докторлар елка

мускули шамоллаган дейишяпти, дедим-ку, дедилар. Шу бугуноқ билет олиб Тошкентга учиб боришларини маълум қилдилар.

Мен:

— Сиз келманг, шу бугун мен учиб бораёй, бир-икки кун меҳмонхонада ётиб, ўзингизни докторларга кўрсатинг, қўлингизнинг оғриғи босилгандан сўнг иккаламиз бирга қайтамыз, — дедим. Ҳабиб Муҳамедович кўнмадилар. Айтишларича, москвалик врачлар ҳам елкангизни шамоллатиб қўйгансиз, дейишибди.

1960 йил 5 июнда Тошкент аэропортида Ҳабиб Муҳамедовични кутиб олдик. Унинг ранги кетган, кўзлари киртайган эди. Мен ҳайрон бўлиб:

— Нима, мажлисда ўтириб, экскурсияга бориб чарчадингизми? — деб сўрадим.

— Аксинча, ҳаммаса яхши бўлди, докладим аъло даражада баҳоланди. Фақат охириг кун қўлимда оғриқ туриб, табиатим хира бўлиб қолди, — дедилар.

— Шамоллатган бўлсангиз, уйда бир-икки кун дам олсангиз, ўтиб кетар, — дедим.

— Мен ҳам шундай бўлар деб умид қиялман, — дедилар.

Ҳамон ёдимда. 5 июнь, шанба кун эди. Ҳабиб Муҳамедович оғриқ тутганда жуда безовталанар, оғриқ босилса тинчланар эди. Эртаси кун Ҳабиб Муҳамедовичнинг Киевдан қайтганини эшитиб, уйимизга профессор Отабой Эшонов келди. Яқшанба бўлгани учун улар Чигатоёдаги республика Министрлар Советига қарашли дам олиш уйига бормоқчи бўлиб машина чақирди. Мен қаршилик кўрсатсам, «сиз жуда ваҳимачисиз», дедилар.

Дам олиш уйида Ҳабиб Муҳамедович болаларга қўшилиб волейбол ўйнади. Шунда қўлдаги оғриқ яна зўрайиб кетди. Биз тезда уйга қайтдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уйимизга Ҳосил Боймуҳамедов келди. У киши шу пайтда диссертация ёқлаш арафасида эди. Домланинг хузурига маслаҳатга келган экан.

Ҳабиб Муҳамедович Ҳосил Нурметович билан гаплашиб ўтирганида хуруж бўлиб, қўлида ҳар сафаргидек қаттиқ оғриқ бошланди, дод деб юборишларига оз қолди. Биз у кишини каравотга ётқиздик. Мен доктор қидира бошладим. Поликлиникага телефон қилсам, навбатчи врач касал кўргани кетган экан. Стационарга телефон қилсам, дам олиш кун бўлгани учун бутун корпус бўйича битта врач навбатчилик қилаётган экан; у касалларни қолдириб кетишга ҳаққим йўқ, деди. Ундан стационарнинг бош врач Ризаевнинг телефонини билиб, уйига кўнғироқ қилдим. Телефонни бир қизча олди-да, гапимни эшитмай, дадам йўқлар, деб трубкани илиб қўйди. Уч-тўрт кўнғироқ қилганимдан сўнг трубкани яна қизча олди. Мен унга дўқ қилиб, даданг бўлмаса, ойингни чақир, дедим. Ризаев трубкани олгандан сўнг: «Мени кўп гапиришга вақтим йўқ, Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи оғир, тезда профессор Умидованими ёки Павлованими топиб келинг», деб трубкани илиб қўйдим; Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Ризаев Умидовани бошлаб келди. Умидова беморнинг аҳволини кўрган, ҳозирок стационарга олиб бориш керак, деди. Биз стационарга борганда кун кеч бўлиб қолган эди. Шу кун Пўлатжон Москвадаги ўзи ўқийётган халқаро муносабатлар институтида ёзги имтиҳонларни тамомлаб, уйга келган эди. У Москвада дадасига 5 июнда эмас, 6 июнда бирга кетайлик деса, дадаси кўнмаган экан.

7 июнда эрта билан стационарга Ҳабиб Муҳамедовичдан хабар олгани бордим. У кишининг аҳволи кечагидан анча яхши экан, тунда ухлабдилар. Мен бир оз хотиржам бўлиб, ёнларидеки икки соатча ўтирдим, сўнг Ҳабиб Муҳамедович: «Ўтираверасизми, уйга боринг, ўзимни яхши ҳис қилаётганлигимни айтиб, болаларни тинчитинг. Пўлатжон уй овқатларини соғинган, яхши овқатларни тайёрлаб беринг», дедилар. Мен уйга келиб ҳали ечинмаган ҳам эдим, телефон жиринглаб қолди. Югуриб бориб трубкани олсам, стационардан Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи ёмонлигини, мени сўраётганлигини хабар қилишди. Мени олиб келган машина ҳали кетмаган эди. Пўлатжон билан иккимиз тезда стационарга етиб бордик. Бу пайтда Ҳабиб Муҳамедович жисмида миокард инфаркти хуруж қилаётган эди. Хуруж 7 июнь кундуз соат бирда бошланиб эрталаб соат 5 гача давом этди. Мен ҳам стационарда шу борганимдан 8 сентябрга қадар бўлдим. 8 сентябрда эса у ердан тўғри Москва яқинидаги «Барвиха» клиник санаториясига кетдик.

Ҳабиб Муҳамедович стационарда ётар экан, дастлабки ҳафталарда у кишини кўргани кунда-кунора республика раҳбарлари келиб туришди. Улар деярли ҳар кун бош врачга телефон қилиб, беморнинг аҳволини сўрашарди. Менга эса «Фотимахон, Ҳабиб Муҳамедовични эҳтиёт қилинг, бу ердан тузатиб олиб чиқинг. У киши ҳаммамизга ҳам керакли одам», дейишар эди.

Ҳабиб Муҳамедович ҳам кўпчилик эркаклар сингари врач муолажаларини ёмон кўрардилар. Шунинг учун даволаш вақти келганда безовталанардилар, турли баҳоналарни айтиб, инжиқлик қилардилар. Ҳатто бир кун мен у кишига: «Ҳадеб инжиқлик қила берманг, сизни шу ердан соғ ва саломат олиб чиқишни менга партия ва ҳукумат топширган, акс ҳолда устингиздан шикоят этаман», дедим. Шу гапимдан кейин Ҳабиб Муҳамедович инжиқликни кўпинча ҳазил тариқасида қиладиган бўлиб қолди.

Бир кун кечки овқатдан кейин тўсатдан домланинг боши қаттиқ оғриб қолди.

Навбатчи врач ҳамширага қандайдир укол қилишни буюрди. Мен икки қўлим билан бошларини сиқиб тургандим, фойда бермади. Шундан кейин бошларини сочиқ билан маҳкам боғлаб, стулга ўтириб олдим. Ҳамшира қандайдир укол билан кириб келди. Ҳабиб Муҳамедович «укол қилманг, ўзим ухлайман», деди. Дарҳақиқат, орадан беш минут ўтар-ўтмас у киши уйқуга кетди. Ҳамшира врачнинг имоси билан секин чиқиб кетди. Ҳабиб Муҳамедович ухлагандан кейин мен кўрқиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Қўлоғим титраб, стулдан йиқилиш даражасига етдим, иккинчи сочиқ билан ўзимни стулга боғлаб қўйдим. Орадан 40 минутча ўтиб, Ҳабиб Муҳамедович уйғонгунча шундай ўтирдим. Турай десам, мадор йўқ эди, йиқилиб тушишдан кўрқдим, шарпам билан бемор уйғониб қолишини ўйладим. Ҳабиб Муҳамедович мени боғлоғлиқ ҳолда кўриб тоза кулдилар. Мен бошқа иложим йўқ эди-да, деб ўзимни оқладим.

Домла анча тузалиб, юрадиган бўлиб қолганида ҳамшира у кишини коридорда кўриб: «Ҳабиб Муҳамедович, келинг, оқлини ўз хонамда қилиб қўяман», дебди. Унинг хонасига кирганда эса деразадан пишган кўксултонга кўзи тушиб, ҳамширага: «То ўша кўксултондан бермагунингизча укол қилдирмайман», деган эканлар. Ҳамшира ҳам югуриб ҳовлига чиқиб, кўксултондан олиб келибди. Ҳабиб Муҳамедович, мана энди укол қилсангиз бўлаверади, деб кулибдилар.

Ҳабиб Муҳамедовични кўргани стационарга кўп кишилар келишар эди. Дастлабки вақтда олдиларига деярли ҳеч кимни қўйишмасди. Аҳволлари яхшилана бошлагач, ҳар куни беш-ўн минутга рухсат беришди. Шундай қилиб, роппа-роса 5 ойда Ҳабиб Муҳамедович оғир касалликдан тузалиб уйга, оиласи бағрига қайтди. 7 ноябрь байрами яхши ўтди, чунки домланинг тузалиб уйга келишининг ўзи катта шодиёна эди.

1960 йил 10 ноябрдан Ҳабиб Муҳамедович ишга чиқдилар, иш соати докторлар айтганидек 2—3 соат эмас, балки аввалгидек тўлиқ 8 соат давом этиб, бундан бир соат тушки овқат ва дам олишга кетар эди. Ишдан қайтгач, енгил таом тамадди қилиб, бир соат-ярим соат ухлаб олардилар. Кейин яна иш столига ўтириб, кеч соат 12 ларгача шуғулланардилар. Шу тариқа 1960 йил ҳам тугади. Янги 1961 йилни уйимизда дўстлар даврасида кутиб олдик. Баҳорда Ҳабиб Муҳамедович яна «Барвиха» клиник санаторийсига бориб, дам олиб келди.

Май ойида янги куриб битказилган боғ ҳовлимизга кўчиб бордик. Мен Ҳабиб Муҳамедович билан боғ ҳовлида, Раъно, Рустамлар ўқиётгани учун қайнонам ва, менинг қариндошим Башор опа билан шаҳарда яшай бошладик. Ҳабиб Муҳамедович ҳар куни ўша ердан ишга келар эди. Мен учун жуда қийин бўлса-да, парво қилмадим. Домланинг соғлиғи учун ҳар қандай қийинчиликка бардош беришга тайёр эдим.

1961 йилнинг августида Американинг геолог олимлари Ҳабиб Муҳамедовични АҚШга таклиф этишди. Бу пайтда у киши «Барвиха»да эдилар. АҚШга кетиш муддати аниқ бўлгач, 15 августда санаторийдан чиқиб, шу кунгидек Тошкентга билет олибдилар. Биз деярли ҳар куни телефон орқали гаплашиб турар эдик. Чиққан кунлари гаплашганимда ҳам соғлиғим яхши, касаллигимни ҳеч эсламасликка ҳаракат қиламан, ҳозир билетга кетяпман, кечроқ телефон қилинг, қачон поездга чиқишимни айтаман, дедилар. Шу кун Ҳабиб Муҳамедовичга телефон қилолмадим. Эртасига телефон қилсам: «Мен касал бўлиб қолдим, ҳозир олдимда врачлар бор, яна 15 минутдан кейин телефон қилинг», дедилар. 10—15 минутдан кейин телефон қилсам, бир одам трубкани кўтариб, Абдуллаевни ҳозиргина Грановский кўчасидаги шифохонага олиб кетишди, деди. Эртасига эрта билан барвақт Москвага учдим. Внуково аэропортида мени Ўзбекистон ваколатхонасининг бошлиғи Бори Одиловнинг ўғли Володя ва Аминжон Ниёзовнинг катта ўғли Адҳамжонлар кутиб олишди. Уларни Б. Одиловнинг рафиқаси мени кутиш учун чиқарган экан.

Ётоқхонага етиб келганимизда Москва вақти билан соат 7 ҳам бўлмаган эди. Вақтни ўтказмай шифохонага югурдим. У ерда мени ичкарига киргизишмади. Нима қилай, десам, даволочви врачга қўнғироқ қилинг, деб телефон номерини беришди. Врач трубкани оларкан, аввал мени юпатиб, эрингизнинг аҳволи кечагидан яхши, деди. Кейин менга доимий пропусқа қолдиришини, фақат шифохонада ҳар куни соат 1 дан 3 гача, 5 дан кеч соат 10 гача бўлишимни тайинлади. Мен қайтиб кетиб, соат 3 ларда келиб, Ҳабиб Муҳамедович билан дийдор кўришдим.

Ҳабиб Муҳамедович ҳар куни врачга: «Мен 2 сентябрда Америкага кетишим керак-ку, сиз эса ҳатто палатада юришимга рухсат этмайсиз» дердилар. Врач эса: «Бу менга эмас сизнинг аҳволингизга боғлиқ, электрокардиограмма ўринда ётиш лозимлигини тақозо қилапти», дерди. Ҳабиб Муҳамедович 19 августдан 2 октябргача шифохонада бўлдилар. У ердан чиққач, беш-олти кун Москвада юриб, сўнг уйга қайтдилар. Октябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги съезди бўлиб, унда қатнашдилар.

1962 йилнинг январиди Фанлар академиясининг йиллик мажлиси бўлиб, Ҳабиб Муҳамедович аризасига биноан президентликдан озод этилиб, геология институти қошидаги регионал геология ва металлогения бўлимига мудир қилиб тайинланди.

1962 йил 31 январда домла Москвага кетди. Февралнинг бошида бу ерда қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилиши бўлиши, шу йиғилишда иштирок этишлари керак эди.

Шу йиғилиш тугагач, «Барвиха»га даволанишга жўнадилар. У ерда уч-тўрт кун бўлгач, буйрак касали зўрайиб, Кунцеводаги шифохонага ўтказишди. Мен бундан хабар топиб, Пўлатжонга кўнғироқ қилдим. У дадасининг шифохонага тушганлигидан хабардор эканлигини, хавотир олмаслигимни, у кишининг аҳволи яхши эканлигини айтди.

Ҳабиб Муҳамедович охириги йилларда (1961 йилги инфарктдан сўнг) икки-уч «Барвиха»да дам олдидлар. Врачлар самолётда учиб таъқиқлаб қўйишганди. У кишини «Барвиха»гача поездда ўзим кузатиб қўярдим. «Барвиха»дан чиқишига яна бориб, бирга қайтар эдик. 1962 йилнинг январида борганларида, уйда болаларнинг менсиз қийна-лишларини ваъж қилиб, кузатиб қўйишимга қаршилиқ кўрсатдилар.

Ҳабиб Муҳамедович Кунцеводаги шифохонада 10 февралдан 10 мартгача ётиб, врачларнинг рухсат бермаганига қарамай чиқдилар. 12 мартда поездга ўтиришларини телефон орқали маълум қилдилар.

У кишини Халил Раҳматуллин ва рафиқаси Татьяна Самойловна, Москвадаги бошқа ёр-дўстлари поездга олиб чиқиб кузатишибди.

Ҳабиб Муҳамедовични Москвадан келаётганини мен фақат ф. О. Мавлоновга айтдим. Ғани ака, Раъно ва Рустам билан вокзалга чиққанимизда эса ҳайрон қолдик, перрон одамга тўла бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси бизнинг дўстларимиз эди. Поезд келди. Ҳабиб Муҳамедовични кутиб ҳам олдик. Одамлар орасидан ёриб ўтиб боряпмиз-у, орқамиздан келаётган пассажирлар бир-бирларига «вагонимизда қандайдир делегат биз билан бирга келибди-ку, сезмабмиз-а», дейишарди. Кейин билсак, кутишга чиққан кишиларнинг ҳаммаси Ҳабиб Муҳамедовичнинг келишини бир-бирига кўнғироқ қилиб билишган экан. Бу кутиш охириги кутиш бўлди, буни албатта ўшанда ҳеч биримиз билмас эдик.

Ҳабиб Муҳамедович билан мен бир кун шаҳардаги уйда бўлсак, икки кун боғ ҳовлида яшаб юрдик. У кишининг қон босими кўтарилиб, аҳволи яна ёмонлашганидан сўнг 27 мартда стационарга ётқиздик. Мен ҳам у киши билан бирга бўлдим. Раъно ва Рустам дадасини кўргани тез-тез келиб туришди.

29 апрелда 1 Май байрамини уйда болалар билан ўтказиш ниятида стационардан чиқдик. Аммо Ҳабиб Муҳамедовичнинг дарди енгиллашиш ўрнига тобора оғирлаша-верди. Анализ натижалари яхши эмас, қон босими юқори эди, буйрак фаолияти ёмонлашиб бораётганди.

* * *

Геронтологлар, ҳар бир организм маълум бир программа билан туғилади, ташқи муҳит бу программанинг бажарилишини ўн йилга чўзиши ёки ўн йилга қисқартириши мумкин, дейишарди. Ҳабиб Муҳамедович ҳаётининг сўнгги даврини хотирлар эканман, ҳақиқатга хилоф иш қилмай, нима бўлган бўлса, ҳаммасини очиқ ёзишни истайман. Бундан мақсад кимларнидир айблаб ёки ранжитиб, аламдан чиқиш эмас, албатта. Мен бундай майда истаклардан йироқман. Асосий мақсад республика Компартиясининг XVI Пленуми қоралаган салбий ҳодисалар ортиқ такрорланмаслигига эришишдир.

Ҳабиб Муҳамедович ўз ажали билан вафот этди. Республика партия ва ҳукумати унинг касалини даволаш, қайта оёққа турғазуш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни кўрди. Аммо бу даврда баъзи бир кишилар Ҳабиб Муҳамедович атрофида асабийлик вазиятини юзага келтиришга ҳаракат қилганликлари ҳам рост. Улар олимни ҳатто оғир дардга чалинган пайтида ҳам аяшмади.

Бунинг бошларини шундай бўлган. Адашмасам, 1959 йилнинг кузи эди. Ҳабиб Муҳамедович стационарда даволанаётган катта лавозимдаги бир одамни кўргани бордилар. Шунда мен ҳам у киши билан боргандим. Ҳабиб Муҳамедович ичкарига кириб кетдилар, мен эса стационар ҳовлисида қолдим. У киши тўрт соатча йўқ бўлиб кетиб, бироз хомушланиб қайтиб чиқдилар. Мен домладан нега бу қадар узоқ қолиб кетганликларини, нега хомуш эканликларини сўрадим. У киши аввалига тайинли гап айтмадилар. Умуман Ҳабиб Муҳамедович менга ўз ишлари, ташвишлари ҳақида кам гапирардилар. Мен баъзида нега бундай қиласиз, юрагингизни ёзмайсиз, ёки менга ишонмайсизми, дердим. У киши, йўқ, Фотимахон, мен ишонмаганимдан эмас, сизни аяганимдан ўз ташвишларимни гапирмайман, ахир сизга рўзғор, оила ташвиши етарли-ку, дердилар. Бу гал ҳам мен икки-уч сўраганимдан кейингина ёрилдилар.

— Мендан шахсий садоқат талаб қилишяпти,— деди у киши.— Мен яхши одам, ажойиб олиммишман. Фақат «фалончи-пистончилар» билан алоқани узсам, янаям яхши иш қилган бўлармишман. Улар ифвогар эмиш.

— Сиз нима деб жавоб қилдингиз?

— Иш юзасидан ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрман. Лекин ким билан дўстлашиш, ким билан дўстлашмаслик масаласи юрак амри билан ҳал этилади. Мен сиз айтган кишилардан юз ўгиролмайман, чунки улар билан дўстман,— дедим.

Ҳабиб Муҳамедович бироз сукут сақлаб турди-да, таажжублангандай давом этди: — Фотимахон, одамлар ҳам қизиғ-а. Ҳар бир инсон ўзича бир қалъа эканлигини, унинг чегарасини бузиб киравериш яхши эмаслигини тушунишмайди-я...



Ҳ. Абдуллаев оиласи билан

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай баъзи бир кишилар Ҳабиб Муҳамедович атрофида ҳар хил майда гапларни тарқата бошлашди. Бу гап-сўзлар, шубҳасиз, бизнинг қулоғимизга ҳам етиб келарди.

Ҳабиб Муҳамедович билан мен икки ҳафтагина уйда бўлиб, 1962 йил 12 майда яна стационарга ётдик. Шу куни эрта билан Рустамни олиб боғдан шаҳарга тушдик. Машинада келар эканмиз, Рустам тўхтовсиз гапирар эди. Юрагим сиқилиб, Рустам, кўп гапирмай, тек ўтир, қулоқни батанг қилдинг-ку, дедим. Рустам дадасидан ҳимоя кутиб, сўзида давом этаверди. Мен Ҳабиб Муҳамедовичга:

— Сиз айтинг, жим бўлсин, асабимга тегяпти,— дедим.

— Ойиси, бунча асабингиз бўшашиб кетибди, бола-да, шўхлик қилгиси, гапиргиси келади. Қўяверинг, катта бўлганда қуйилиб қолади.

Шунда Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи ёмон бўла туриб, ўғлининг қилиғига тоқат қилиши мени таажжублантирган эди. Шаҳарга келгач, домла геология институтида қолди. Шу куни институтда илмий совет бўлиб, у кишининг шогирдларидан бирининг кандидатлик иши муҳокама қилиниши керак эди. Ҳабиб Муҳамедович институтидан уйга келиб, овқат емади. Узимни ёмон сезяпман, тез бўлинг, боққа кетамиз, дедилар. Мен тайёр эканлигимни айтдим. Боққа кета туриб, поликлиникадан врач чақириб, боғ ҳовлига боришини сўрадим. Боққа етиб келгунимизча Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи анча ёмонлашди шекилли, ҳовлида ўтириб олдилар. Биринчи қаватга жой тайёрлаб, кириб ётишларини сўрадим. Ҳабиб Муҳамедович кўнмадилар, ҳавода бўлай, деб баъзан ўтирар, баъзан юрардилар. Шу орада врач ҳам келиб, қон босимини ўлчади, 240—120 экан. Врач келган машинасида стационарга олиб кетаман, деб туриб олди. Ҳабиб Муҳамедович врач билан тортишиб турганида, Хадича Сулаймонова синглиси Гуля билан келиб қолишди. Орадан бирор соатлар ўтгач, профессор З. И. Умидова келди. Улар келишгунча мен Ҳабиб Муҳамедовични кўндириб, биринчи қаватга солган жойимга ётқизиб қўйдим. З. И. Умидова Ҳабиб Муҳамедовични кўриб, стационарга бориши зарурлигини айтди. У киши ҳеч кўнмас, нима бўлса уйда бўлсин, дер эдилар. Мен ҳайрон эдим. Ҳаммамиз анча ёлворишимиз ва мен бирга ётаман деганимдан сўнг Ҳабиб Муҳамедович стационарга боришга розилик билдирди. У ерга борганимизда кеч соат 8—9 лар эди. Врачлар биринчи навбатда Ҳабиб Муҳамедовичнинг венасидан қон чиқариб ташлашди. З. И. Умидова ва Хадичахон ҳам биз билан бирга келишганди, улар кеч соат 10 ларда кетишди.

Ҳабиб Муҳамедович 1960 йилда ўтказган миокард инфарктидан ёшқари, 1947 йилдан бери буйраги касал эди: Қон босимининг баландлиги учун доимо тусатдан

инсулт ёки юраги учинчи марта инфаркт бўлишдан қўрқар эдим. Аҳволлари кундан-кун ёмонлаша бошлади. Шунинг учун ҳам 12 майдан то вафот этган куни — 20 июнгача ёнбошим ўрин кўрмай, ўтириб ухладим.

Ҳабиб Муҳамедович ухлагунча ётсам ҳам, ухлагандан сўнг шарпа чиқармай ёнига ўтириб, нафас олишини кузатар эдим. Эрталаб уйқу зўрлик қилиб, ўтирган жойимда мудрардим. Ҳабиб Муҳамедович уйғониб қолиб, мени шу аҳволда кўрсалар: «Бу нима қилганингиз, кеча уйқу учун чиқарилган, сиз эса ухламай ўтирибсиз. Бунақада ҳолдан кетиб қолишингиз мумкин, ҳаммамиз учун доимо кераксиз», дер эдилар. Мен, ухлаётган эдим, ҳозиргина уйғондим, деб ёлғон жавоб берар эдим. Шу зайлда майни ҳам тугатиб, июнга етдик. Ҳабиб Муҳамедовичнинг иштаҳаси йўқ, ҳеч нарса емасди, доимо кўнгли айниб турарди. Ўзлари эса зийрак, дарди нима билан тугагини яхши билар, аммо ҳеч кимга, ҳатто деволаётган врачга ҳам бунини билдирмасликка ҳаракат қилардилар. Мен ҳам ўзимни сезмаганга олиб, ҳар хил ҳазил гаплар билан у кишини алаҳситишга ҳаракат қилардим.

У киши касал бўлишларига қарамай, сўнги монографияни тамомлаб, қўлёзма сифатида оз нусхада чиқариб, иттифоқдаги таниқли геолог олимларга тарқатиб, ўз фикрларини ёзиб юборишларини сўрагандилар. Шулардан олдин-кейин, китоб хусусидаги мулоҳазалари келаётган эди, 9 ёки 10 июнь бўлса керак, иккаламиз секин гурунглашиб ўтирганимизда, мен шу мактубларни кўрсатиб:

— Хўш, домла, ҳамкасбларингизнинг китоб ҳақидаги фикрлари яхшими ёки яна курашга бел боғлайсизми? — дедим. Ҳабиб Муҳамедович эса кулиб:

— Азизим, сочингизнинг қолганини оқартиришга тайёрлайверинг. Бу китобимда ҳам янги назарияни олға сурганман, албатта тортишув бўлади. Айтинг-айтинг, илгаригидек китоб бўйича тортишув душманликка айланиб кетмасин. Соғлом ва дўстона тортишув бўлсин, — дедилар.

— Бу китобингизни қаерда чиқармоқчисиз?

— Ҳар вақтдагидек Москвада-да.

Ҳабиб Муҳамедович билан иши ёки китоблари ҳақида суҳбатлашсам, қисқа вақтга бўлса ҳам яйраб кетардилар, дардларини бутунлай унутиб, келажак ҳақида, режалари ҳақида гапирардилар.

14 июнда «Известия»да СССР Фанлар академиясининг йиллик мажлиси тўғрисидаги хабар ҳамда академикликка ва мухбир аъзоликка номзодлар рўйхати эълон қилинди. Номзодлар рўйхатида 1958 йилдан СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳабиб Муҳамедовичнинг ҳам фамилияси бор эди. Бу гал у кишининг номзоди академикликка қўйилганди. Академиянинг сайлови 28 июнга белгиланганди. Ҳабиб Муҳамедович вафот этмаганларида академик қилиб сайланишлари эҳтимолдан холи эмас эди.

Болалар суюниб палатага газетани кўтариб киришди. Ҳабиб Муҳамедович Пўлатжондан хабарни ўқиб беришни сўради. Пўлатжон ўқиди. Шундан кейинги ҳолатни кўрсангиз: ҳаммамиз жим, кўзимиз у кишида. Ҳабиб Муҳамедович, лабларида майин табассум, хаёли суриб қолдилар. Бир неча дақиқа шу алпозда ўтди. Сукунатни у кишининг ўзлари буздилар:

— На чора, дунёдан ўтиб кетяпман-ку, мени академикликка кўтаришяпти. Майли, академикликка сайланмасам ҳам сайлангандек бўлдим. Иттифоқдаги олимлар илмимни тан олиб, ҳақиқий олим ҳисоблаб, ўзлари қаторида бўлишга тавсия этганларининг ўзи катта бахт. Менга шунинг ўзи етарли...

Домланинг ўз касалидан тўлиқ хабардорлиги ва охириги кунларни яшаётганини пайқагани, иккинчидан, энг азиз кишисига ёрдам беришдан ожиз эканлигим мени эзарди. «Яна сеvimли фарзандларимизнинг отасиз қолиши-чи! Менинг Ҳабиб Муҳамедович ва учта фарзандимдан ўзга ҳеч кимсам йўқ эди-ку, ҳаммасининг ўрнини фақат шу киши босар эдилар-ку, ахир. Наҳотки, тақдир менга нисбатан шунчалик меҳрибон ва айни вақтда шафқатсиз бўлса. Ўзи менга нодир, одамийликда ягона, софдил, ҳаётини одамларга бағишлаган, муҳаббати самимий бир зотни инъом қилиб, яна юлиб олса? Наҳотки суяган тоғимдан айрилиб, қолган умримни ғам-ғуссада ўтказсам. Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Менинг нима гуноҳим борки, бу қадар оғир жазога мубтало бўлсам? Бахтлиман, деб босар-тусаримни билмай қолган эмас эдим-ку. Аксинча, бахтим беқиёслигидан бу ҳақда сўз очишга қўрқар эдим-ку. Шу пайтгача кўп яқинларимдан жудо бўлдим. Тақдир менга ана шу кишиларнинг ўрнига, чидамлилигим учун мукофот тариқасида, мана шу нодир ва улуғ бир инсонни берганди, наҳотки уни яна тортиб олса? Бу мусибатда бардош бера олармиканман?..» Мана шу хаёллар ҳар куни неча бор миямда такрорланар эди.

Мутахассисларнинг маслаҳати ва менинг илтимосимга кўра Ҳабиб Муҳамедовични Москвага олиб бормоқчи бўлдик. 1 июнда жўнаб кетишим керак эди. Бахтга қарши у киши оғирлашиб қолиб, Москвага боришга розилик бермадилар. Домла оғир ётганмиш, бир кўриб қолайлик, деганларнинг сон-саногини йўқ эди. Булар қариндош-уруғлар, дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари эди.

7 июндан 8 июнга ўтар кечаси, роппа-роса икки йилдан сўнг, учинчи марта миокард инфаркти бўлди. Шу кеча Ҳабиб Муҳамедовичнинг ёнида Вера Ивановна (ҳамшира)

навбатчи эди. Домла юрак оғриғидан қаттиқ қийналар эдилар. Буни кўриб мен ҳам азоб чекардим. Ҳабиб Муҳамедович эса, менга тикилиб қараб, сиз ҳам менинг қасалим билан қийналиб кетдингиз, эшикка чиқиб ҳаво олиб келинг ёки уйку дори ичиб, ҳамшираларнинг хонасига кириб дам олинг, деб қайта-қайта айтардилар. Ҳеч қўймаганларидан сўнг коридорга чиқдим-да, эшикни қия очик қолдириб, яшириниб ўтирдим. Орадан бир соатлар ўтгач, гўё ухлаб дам олган кишидек яна палатага кирдим: У киши хурсанд бўлиб: «Мана, бу бошқа гап, озгина бўлса ҳам дам олдингиз», дедилар. Шу кеча, назаримда, Ҳабиб Муҳамедович умрининг охириги соатини эмас, охириги минутларини яшаётгандек туюлди. Мен ҳам ҳаяжонландим, ҳам нечундир жуда ўксиндим. Назаримда, Ҳабиб Муҳамедович иккимиз поёнсиз денгизда ёлғизмиз-у, у киши мени доғи-ҳасратда қолдириб, чўкиб кетаётгандай эди. Наҳотки, ўз Ватанимизда, уйимиздан бир ярим чақирим масофада руҳий ва жисмоний азоб чекиб ётсак-да, ёнимизда яқинларимиз бўлмаса. Шу ўйлар билан саҳар соат тўртларда Хадичахонга ва Мирзаали Валиевичга телефон қилдим. Ёз эди, ҳаммалари ҳовлида ётишгани сабабли улар ҳадеганда телефон кўнғироғини эшитишмасди. Охири соат 6 ларда Хадичахон трубкани олдилар. Менинг кўзимда ёш, у кишининг бир оғиз сўз айтишига ҳам қўймай, Ҳабиб Муҳамедовичнинг аҳволи оғир, мен ёлғизман, сизлар бўлсаларинг ухляпсизлар, деб трубкани илиб қўйдим. Шундан сўнг бир соат ўтмай Хадичахон ҳам, Мирзаали Валиевич ҳам келишди. Улар менга: «Эшикка бир қаранг-а», дейишди. Таъқарига чиқсам, ҳовли одамга тўлиб кетибди, кўриб кўрқиб кетдим. Хадичахондан:

— Нима гап, бирорта беморга бирор нарса бўлдимиз? — деб сўрадим.

— Йўқ, булар ҳаммаси эрингизнинг дўстлари, мухлислари, шогирдлари. Сизнинг кўнғироғингиздан сўнг мен фақат Мирзаали Валиевич ва Мажид Йўлдошевчига телефон қилдим, холос. Улар ҳам битта-иккитадан яқинларига телефон қилган бўлишса, зум ўтмай ҳамма билган-қўйган-да. Сиз ёлғизмиз, деб йиғлайсиз-а... — деди Хадичахон.

Эшик тагидаги қоровул одамлардан, овозларингиз баланд кўтарманглар, беморлар ҳали ухляшпти, безовта бўлишадилар, деб илтимос қилар эди. Аслида ҳовлидагилар бусиз ҳам сўз айтишга журъат қилишмасди. Ҳовлида пашша учса эшитилар эди. Хадичахон домланинг аҳволи дуруст, деб тинчитгандан сўнггина кишилар тарқаб кетишди. Мен уларга кўрина олмадим, чунки бу пайтда ташқарига чиқиб, уларга икки оғиз илиқ сўз айтишга қодир эмасдим.

8 июндан бошлаб кечасию кундузи ёнимизда болаларимиз, яқинларимиз бўлишди. 8 июнда зарур иш билан шаҳарга тушдим. Ҳабиб Муҳамедовични шу аҳволда қолдириб, шаҳарга кетишим ўринсиз бўлса-да, боришга тўғри келди. Чунки мен шаҳарда қиладиган иш у кишига оид эди, қолдириш мумкин эмасди.

Ҳабиб Муҳамедович оғир бетоблигини эшитган озарбайжонлик дўстлари Тошкентнинг ёзи иссиқлигини ўйлаб, Боқуда эндигина чиқарила бошланган кондиционердан биттасини юборишибди. Биз бу кондиционерни деразага ўрнатдиг-у, лекин фойдаланмадик. Сабаби, Ҳабиб Муҳамедович жуда заифлашиб қолгани ва буираклари касаллиги учун шамоллатиб қўйишдан кўрқдик.

Мени ҳамшира ўз хонасига чақириб, «Сиз шаҳарга кетганингизда бир киши мана шу гулларни келтирди, ўзининг кимлигини айтмади. Биз ҳам сўрашни унутибмиз», деди. Гуллар энг олий нав эди, жуда кўп эди. Мен кўрқиб кетдим, юрагим узилиб тушгандек кўрқиб, ўтириб олдим, сўнг секин-секин ҳушимдан кетибман. Умуман мен булар бўлмагача дод-фарёд солишни ёмон кўраман, ҳеч ҳушимдан ҳам кетмаганман. Бир маҳал кўзимни очиб, маст кишидек ўрнимдан турдим, ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим. Ҳушсиз ётганимда укол қилишган экан, турганимдан кейин дори беришди. Ҳабиб Муҳамедович менинг йўқ бўлиб қолганимдан безовталаниб хоналаридаги ҳамшира орқали қидиртирибдилар. У келиб тезда боришимни айтди. Хонадан чиқиб кетар эканман, бу гуллар менга керак эмас, нима қилсанглар ўзинглар биласизлар, дедим.

Пастдаги коттеждан битта палатани бўшатиб, бизни ўша ёққа кўчиришди. Дарҳақиқат, пастки коттежга ўтганимиз яхши бўлди. Корпус атрофида катта-катта ёнқоғ, ўрик ва манзарали дарахтлар бор экан, палатага деярли қуёш тушмас, салқин эди. Июнь ойи, ҳарорат 39—40 даражага етар эди. Ҳовлидаги дарахтлар остига ёғоч қаравот қўйилиб, устига гилам ва кўрпачалар солинганди. Болаларимиз, ёр-биродарларимиз кечаю кундуз ўша ерда бўлишар эди. Болалар навбатма-навбат дадасининг олдида ўтиришар, қолганлар эса Ҳабиб Муҳамедович йўқлаганда ёки мен таклиф этганимдагина киришар эди. Ҳеч бири ўзича киришга журъат этмасди.

Шу тариқа кунлар ўтаверди, мен учун эса кун билан тун фарқсиз эди. Бошимга тушаётган ғам-андух жисмимни тегирмон тошидай эзарди. Шунга қарамай Ҳабиб Муҳамедовичнинг кўз олдида ўзимни дадил тутишга, ҳаммиша лабда табассум билан

юришга интилардим. Ҳабиб Муҳамедович жуда зийрак эди, кўзимга қараб ички кечинмаларимни сезишларидан қўрқардим. Шунинг учун ҳам юзма-юз эмас, ёнбошларидан ўтиришга ҳаркат қилар эдим. У киши эса, рўпараларига ўтиришимни сўрар эдилар.

Ҳабиб Муҳамедовични кўргани келган кишилар шунчалик кўп эдики, уларни кутиб олишга имконим йўқ эди. Сабаби, 8 июндаги юрак хуружидан сўнг бир минут домланинг олтидан жилишга журъат қилолмадим. Шу кундан бошлаб навбатчи врач ва ҳамшира ҳам олдиларига деярли ҳеч кимни киритмай қўйишди. Келганлар болаларимиз ва яқинларимиз олдида бўлиб, аҳволларини сўраб кетаверишар эди. Хадича Сулаймонова, Ғани Орифхонович, Мирзаали Валиевич, Николай Петрович, Мажид Йўлдошевич, шогирдлари, ҳамкасблари бир кунда неча маротабалаб келишиб, ғамимизга шерик бўлишарди. Дарвоза олдида эса яқинларимизнинг иккита-учта машинаси мунтазам навбатчиликда турар эди. Москвага боришнинг имкони топилмагач, у ердан профессорларни таклиф этишди. Профессорлар 13—14 июнда келишди ва уч кун туриб жўнаб кетишди. Улар даволаш бўйича қилинаётган ҳамма тадбирларни тўғри деб топиб, ҳеч қандай янгилик кўшганлари йўқ. Менга эса:

— Эрингизнинг аҳволини кўриб турибсиз, у ҳаётда мўъжиза бўлсагина тузалиши мумкин. Сиз ҳар ҳолда ўзингизни яхшиликка эмас, оғир жудоликка тайёрлаб туринг, — дейишди.

12 июнь эрталабдан Ҳабиб Муҳамедович менга тикилиб-тикилиб қараб, бир нарса айтмоқчи ёки сўрамоқчи бўлавердилар: Мен ички бир сезги билан у киши нима демоқчи эканликларини англадим-да, индамай ўтиравердим. Орадан икки соатча ўтгач, Ҳабиб Муҳамедович ўзлари сўзлай бошладилар:

— Азизим, менинг қарашларимни сезясиз-у, лекин нима демоқчи эканлигимни сўрамаяпсиз. Сиз сўрасангиз, айтадиган гапимни бошлашим осон бўлар эди, деб кутаяпман. Энди... гапимни бошламасликка иложим йўқ. Бу гапларимни 4—5 кун аввал айтишим керак эди, фақат сизни аяб шу вақтгача оғиз очмадим. Энди ижозатингиз билан кучим борлигида, ақлим тиниклигида сизлар билан видолашиб, васиятларимни айтай, деб ўйлаяпман. Аввал Пўлатжонни чақиринг, — дедилар.

Шунда томоғимга бир нарса тикилиб, гапира олмай қолдим. Отилиб эшикка чиқиб, болалар ўтирган сўри ёнига бориб, Пўлатжонга дадаси чақираётганлигини айтдим. Ўзим одамлардан нарироқ кетиб, дарахт панасига ўтиб, тоза йиғладим. Шу кунгача Ҳабиб Муҳамедовичга кўзёшимни кўрсатмаган эдим. Энди ҳеч ўзимни тутолмасдим, кўзёшим ёмғирдек оқаверди.

Ҳабиб Муҳамедович болаларнинг учаласи билан алоҳида-алоҳида видолашиб, васиятларини айтдилар. Кейин уч фарзандни бир ўтказиб гапирдилар. У киши аста-секин, осойишта ва ҳаяжонланмай, кўзёши қилмай гапирар эканлар, мен ташқарига чиқдим, чунки менга сиз ҳам ўтиринг, демадилар. Эҳтимол, ўртада бўлаётган гапларни эшитишимни истамагандилар. Мен ҳам у кишининг хоҳишига зид иш қилишни истамадим. Бечора болаларим, улар мутлақо қутилмаган бу воқеадан ҳайрон, юраклари вайрон эди.

Ҳабиб Муҳамедович вафот этиб, орадан бир неча кун ўтгандан сўнг, Пўлатжон дадасининг васиятини айтиб берди. У киши шундай дебдилар:

— Ўғлим Пўлатжон! Мен сендан жуда хурсандман ва розиман. Чунки сен маъқул бола бўлдинг, мени ва онангни ранжитадиган ҳеч иш қилмадинг. Аксинча, биз сен билан доимо фахрланар эдик. Мактабда аъло ўқидинг. Институтда ҳам яхши ўқияпсан. Сен ёш бола эмассан, аҳволим оғирлигини ҳам, натижаси нима билан тугашини ҳам сезиб турибсан.

Мен ақлимни танибманки, меҳнат қилдим. Кишиларга қўлимдан келганича беминнат, холисанилло яхшилик қилиб келдим. Билиб туриб ёмонлик қилиб, кишиларни ранжитганимни эслай олмайман. Бирор марта бўлса ҳам ўзим ёки сизлар уяладиган иш қилганим йўқ. Ватаним, халқим, ёр-дўстларим олдида виждоним пок. Шунинг учун бошингни эгмай, ҳамиша адл туриб, одамлар кўзига тик қараб юр, аммо мағрурланма, кибр-ҳавога берилма. Ватанимизнинг қаерида бўлмагин ва қайси соҳада ишламагин, ҳамиша софдил бўл, одамларни ҳурмат қил. Кишиларга нисбатан шафқатли, мурувватли бўлгин. Ниҳоят, охирги васиятим, менинг шаънимга доғ туширадиган ишни қилмагин. Омон бўлгин, умринг узоқ бўлсин, меникига ўхшамасин.

Ҳабиб Муҳамедович учала боласига деярли бир хилда васият қилиб, учовини бирга ўтказиб, қуйидаги сўзларни қўшибдилар:

— Менинг васиятларимни ошириб бажаришларингизга имоним комил. Менинг яна битта илтимосим бор. Болаларим! Дунёда яхши ёки ёмон ота-она бўлиши мумкин. Аммо ота-она қандай бўлмасин, фарзандларига уларни ёмонлаб гапириш, беҳурмат қилиш, ҳақоратлаш ҳуқуқи берилмаган. Менинг онангларга ҳурмат-эътиборим ҳамиша юқори бўлган. Ойингни хафа қилмай, измидан чиқмай, унга ғамхўрлик қилсаларинг, кам бўлмайсизлар...

Фарзандларим отаси истаган ва орзу қилгандай инсон бўлиб етишдилар. Буни ҳис этиш қалбимни қувончга тўлғизади, умримга умр қўшади.

13 июнь Ҳабиб Муҳамедовичнинг оғирлашиб қолганликларини эшитиб, кўриб

видолашгани Усмон Юсупович Юсупов келдилар. Икки улуғ зотнинг учрашувларини ёзишга қаламим ожизлик қилади. Усмон Юсупов ярим соатлар гаплашиб ўтириб, кучоқлашиб хайрлашиб, чиқиб кетдилар.

15 июндан бошлаб Ҳабиб Муҳамедовичнинг охириги нафасигача оналари биз билан бирга бўлдилар. 16 июнда Ҳабиб Муҳамедович оналари билан видолашдилар. Бу пайтда мен ёнларида бўлдим. (Ҳабиб Муҳамедович оналарига сенсираб мурожаат қилардилар.)

— Бувижон, — деди у киши, — сенга қариган чоғингда қийин бўладиган бўлди. Ёлғиз ўғлингдан айрилиб қоладиганга ўхшайсан. Аввало мени дунёга келтирганингдан миннатдорман. Мени вояга етказгунча қилган хизматларинг меҳнатинг ва отасиз қолган фарзандингни катта қилгунигча чеккан азобларинг учун бир умр сенинг хизматингда бўлсам-да, қарзимни уза олмайман. Эсимни танибманки, меҳнат қиламан. Менинг меҳнаткашлигим ҳам сен туфайлидир. Мен сенинг хизматингда бўла олмадим, лоқал мириқиб гаплашиб ўтира олмас эдим. Бунинг сабаби менинг хоҳламаганим эмас, вақтим йўқлигидан эди.

1941 йилдан бошлаб, то шу кунга қадар иккита иш билан банд бўлдим: биринчиси илм бўлса, иккинчиси давлат иши эди. Бувижон, сен рози бўл, ҳали ёш эдим, эндигина эликка кирар эдим. Ҳали сенга ҳам, халқимга ҳам кўп хизмат қилишим мумкин эди. Начора, тақдир шуни хоҳлаяпти, энди сендан ёлвориб сўрайман, жуда заифсан, йиғлаб ўзингни кўп койитма...

Сен ёлғиз эмассан, қизинг Иноятхон, меҳрибон келнининг Фотимахон бор. Набиранг Пулатжон ҳам йигит бўлиб қолди, ҳадемай менинг ўрнимни босади. Раъно, Рустам, Иноятхоннинг болалари Баҳодир ва Бахтиёрлар бор. Ғаминг қанчалик оғир бўлмасин, ҳарнечук избосарларинг — фарзандларинг бор. Шуларнинг шуқурини қилгин... Кел энди, бир хайрлашайлик...

Она-бола кучоқлашиб, ўпишиб видолашдилар. Бечора она ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

Ҳабиб Муҳамедович болалари ва оналари билан видолашганларидан сўнг, мен билан видолашмоқчи бўлдилар. Мен аввалига кўнмай юрдим. «Йўқ, сиз ўлмайсиз, — дердим кўзёшларимни яширолмай, — наҳотки, табиат ўз қилар ишини билмаса, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир сиз ҳам, мен ҳам умримизни меҳнат билан ўтказдик. Билиб туриб бирор кишининг дилини оғритган эмасмиз. Бу бизга нима жазо?..»

Ҳабиб Муҳамедович охириги пайтларда фақат иккаламиз қолишимизни истар, ҳатто навбатчи врач ва ҳамшираларнинг ҳам айвонга чиқиб ўтиришларини, керак бўлса чақиришларини айтар эдилар.

17 июнь куни эрталаб қулай вақтни топиб, мени васиятларини эшитишга мажбур қилдилар:

— Азизим, Фотимахон, менинг хотиржам бўлишимни истасангиз, гапиришимга рухсат этинг, — деди у киши илтижо билан. — Тузалиб кетсам, кулиб юрарсиз, акси бўлса, ҳали танамда жоним бор, юрагим уриб турар экан, сиз ва бошқалар ҳақида ўйлашни, сизга қандай яшаш лозимлиги ҳақида гапиришни ўз бурчим деб биламан. Йигирма икки йиллик ҳаётимиз мобайнида сизни кўп синовдан ўтказдим. Мен бунда шахсий ҳаётимда, ишимда кўнгилсизликлар юз берганида ўзингизни қандай тутганингизни назарда тутаяпман. Сизнинг иродангиз ва ақлингиз эркак кишининг иродаси ва ақлидир. Сизни менга учратиб, қовуштиргани учун инсон сифатида тақдиримдан бениҳоя миннатдорман. Сиз йигирма икки йиллик бирга яшаган давримизда оиламизда бирор марта жанжал ёки захархандалик билан мени ранжитиб ёки таъбимни хира қилмагансиз. Уйда доимо тинчлик, осойишталик, хотиржамлик бўлишига ҳаракат қилдингиз.

Мен хурсанд вақтимда, айниқса хафа вақтларимда қаерда бўлмай, тезроқ уйга келиб, сизлар билан кўришишни истардим. Кўп дўстларимиз иккимизнинг оиладаги бир-биримизга муносабатимизни кўриб, сизларникига дам олгани келамиз, чунки сизларнинг ўртангиздаги муносабат ясама, қалбаки бўлмай, самимийлиги билан роҳат бахш этади, дейишарди. Бундай аҳилликка ҳамма оилада ҳам эришиб бўлмайди. Менга дўстларим, сиз энг бахтли эркаксиз, деб кўп айтишган. Энди ҳозирги аҳволимга келсак, буни мендан ҳам яхшироқ сиз кўриб-билиб турибсиз. Ҳолим танг. Қани энди бир мўъжиза рўй бериб, ҳеч бўлмаганда бир йил яшасам-у, мўлжаллаган ишларимнинг энг муҳимларини қилиб улгурсам. Начора, тақдир, бошқасини хоҳлаяпти. Мен сизга айтган сўзимнинг устидан чиқиб, охирига етказа олмапман. Мен умримнинг охиригача сизни бахтли қиламан ва бахтли эканлигингизни чин маънода тушунишимиз учун жоним борича ҳаракат қиламан, деб айтгандим. Бу ваъдамни охиригача бажармай, сизни ғам-ғуссада қолдириб кетаяпман. Начора, инсонда ақл ва идрок бор, бошига қандай мусибат тушмасин, сабр-қаноат қилиш хусусиятига эга. Ғам-ғуссага бардош бериш зарур. Бошингизга тушаётган мусибатни мардона кутиб олинг. Ўз аҳволингиз билан дўстларни ачинтириб, душманларни хурсанд қилманг. Имоним комилки, сиз мен айтгандай қиласиз. Бунинг учун сизда ирода кучи етарли.

18 июнда Ҳабиб Муҳамедович ярим стакан қисель, ярим стакан каша ва бир стакан қатиқ ичиб, бизни жуда хурсанд қилдилар. Шу куни қизим Раънохон: «Ойижон, энди

дадам тузаладилар, неча кундан бери ҳеч нарса емаган эдилар, бугун шунча нарса едилар», деди. Мен: «Қизим, ўчадиган чироқ ёниб ўчади, даданг бизни алаҳситяптилар, фафлатда қолдирмоқчилар», дедим.

Ҳабиб Муҳамедович охириги вақтда деярли ухламасди. Шу куни овқат еб, сўнг ухладилар, ухлаганда ҳам жуда тинч, осойишта ва текис нафас олиб, роҳатланиб ухладилар. Уйғонганларида:

— Азизим, нима бўлди, кўзингизни очмай ухляяпсиз? — десам, у киши:

— Қайдам, ўзим ҳам ҳайронман, кўзимни очолмаяпман, фақат ухлагим келяпти, — деб яна кўзларини юмдилар.

Шундай қилиб 18 июнь ҳам ўтиб, 19 июнь бошланди. Ҳабиб Муҳамедович ҳар кундагидек тетик, зийрак, ҳаммамизга тикилиб-тикилиб қарардилар. Назаримда бу билан у киши «сизларга қараб тўймапман» ёки «сизларни ташлаб кетгим келмаяпти», дегандек туюлар эди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг синглиси Иноятхон оғироёқ бўлиб, ой-куни яқин эди. 19 июнь кеч соат 7 да унинг эсон-омон кўзи ёриб, қизчали бўлди. Шу воқеани эшитибок болаларим қизчанинг исмини Ҳабибахон қўйишибди. Буни қаранг-а, бир одам дунёдан ўтиб кетяпти-ку, иккинчиси кўз очиб туғиляпти. Вазият жуда оғир, назаримда бутун коинот сукутда эди. Атроф шунчалик жимжитки, унда аста, эҳтиёткорлик билан босилган қадам ўқ отилгандек эшитилади. Ҳабиб Муҳамедович дардга жуда чидамли эди, ҳеч шикоят қилмасди. Кўричак рухурида ва инфаркт бўлганида ҳам шикоят қилмай, фақат оғриётган жойни ушлаб ўтиргандилар. Кун ботиб, қоронғи тушди. Ҳабиб Муҳамедович каравот ёнига қўйилган креслода ўтирибдилар, шикоятлари йўқ, ниҳоятда зийраклар, ким палатага кирди, ким чиқди — ҳаммасини биладилар. Баъзан савол ҳам берадилар. Бошқа пайт кўпроқ ҳаммамизга (болаларига, ойиларига, менга) тикиладилар. Мен, ётинг, бир оз дамингизни олинг, ўтиравериб белингиз оғриб кетгандир, десам, бир қараш қилдиларки, қарашлари билан гўё «сизга нима бўлди, мени ётгин дейсиз, кўпам мени шошилтирманг, ўтириш ҳам мен учун катта бахт» дегандек бўлдилар. Бугун ҳеч нарса емадилар. Яна ҳалигидек қараш қиладилар деб, бирор нарсани сўрагани кўрқаман.

Кеч соат 9—9,5 лар бўлса керак, даволовчи врач палатага З. И. Умидова, О. П. Павлова, М. Карамиянларни бошлаб кирди. Ҳабиб Муҳамедович уларни ҳали кўрмаёқ овозларидан таниб, секин: «Бу қариялар кеч бўлганда нима қилиб юришибди?» дедилар. Хонага киришгач, бу саволни уларнинг ўзига бердилар. Зулфия Иброҳимовна Ҳабиб Муҳамедовичга «Мени танияпсизми?» деди. У киши бўлса, «Ҳа, мен сизни жуда яхши танияпман. Сиз Умидовасиз, у киши Павлова», деб бошқаларнинг номларини ҳам айтдилар. Улар бироз ўтириб, уёқ-буёқдан гаплашиб чиқиб кетишгач, Ҳабиб Муҳамедович менга қараб: «Қалай, уларни боладимми? — деди. — Уни қаранг, уялмасдан менга «Танияпсизми?» дейди-я. Нима, менга бирор нарса бўлибдими, одамларни танитай қолай».

Ҳабиб Муҳамедович соат 12 лардан ошганда каравотга ётиш истагини билдирдилар. Мен у кишини каравотга ётқиздим. Каравотда ётар эканлар, баъзан кўзларини юмар, баъзан очар, ақл-ҳуши ҳамма вақтдагидан ҳам тиник, нафас олишлари тинч ва текис эди. Ўзларича сўзламайдилар, аммо бирон гапни сўрасам, ҳозиржавоблар. Кўзлари юмуқ чоғида юрагим ҳовлиқиб, «домла», десам, «лаббай, азизим», деб кўз очадилар. Шу вазиятда сахар соат 4 лар бўлди. Шу вақтгача Ҳабиб Муҳамедович деворга ўгирилиб ётдилар. Безовталанмай тинч, осойишта нафас олардилар. Врачлардан тортиб ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиз у кишининг нафас олишида эди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг юраги эрталаб соат 7 да уришдан тўхтади. Бу воқеа 1962 йил 20 июнь куни юз берди.

* * *

20 июнь эрталаб соат 7 дан 9 гача Ҳабиб Муҳамедовичнинг жасадини медицина қондасига биноан стационарда ётган палатасида сақлашди. Мен болаларни уйга юборар эканман, уларга ҳали бир марта тutilмаган гиламни стол устига тўшаб, устидан янги хитой кўрпасини, чойшабини солиб, дадасига меҳмон жойини тайёрлашни буюрдим.

Соат 9 дан кейин Ҳабиб Муҳамедовични «тез ёрдам» машинасида боғ ҳовлига олиб кетишди. Биз ҳам машина ортидан кетдик. Уйга етиб келганимизда Ҳабиб Муҳамедовични меҳмонхонага ётқизиб қўйишган эди. Кўчадан тортиб ҳовлигача супурилган, сувлар сепилган, дарвоза ланг очик, уй, ҳовли одам билан тўла эди. Айтишларича, республика радиоси эрталаб соатда 7 дан бошлаб ҳар ярим соатда Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшиттириб турибди.

Соат 11 да уйга ҳуқумат дафн қилиш комиссияси келди. Улар менга кун иссиқ, шунинг учун бугуноқ дафн этсак, деб таклиф қилишди. Мен розилик бермадим. Ҳабиб Муҳамедович Иттифоққа танилган олимлар, узоқ-яқинга хабар қилинган таниш-билишлар улғурса келишар, деб илтимос қилдим. Марҳум бир кеча ўз уйида азиз меҳмон бўлсин, дедим.

Кун бўйи боғимизда мунгли куйлар янграб, фарёд эшитилиб турди. Одамлар

тўхтовсиз келишар, йўлакдан кириб марҳум билан видолашиб, айвондан чиқардилар. Ҳабиб Муҳамедович худди ухлагандек ним табассум билан ётар эди.

Эртаси эрталаб Ўшдан ёр-дўстлар етиб келишди. Соат 11 да Ҳабиб Муҳамедовичнинг жасади солинган тобутни Фанлар академияси биносига олиб боришди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президиуми у вақтда Куйбишев кўчасида, ҳозирги Ўзбекистон ССР тарих музейи биносида эди. Биз академияга келганимизда ҳаммаёқ одам билан тўла, Ҳабиб Муҳамедовичнинг қизил бахмал билан ўралган тобути иккинчи қаватдаги мажлислар залида турар эди. Тобут усти, ён-тевараги гуллар билан кўмилган, марҳумнинг фақатгина юзлари очиқ эди. У киши ҳамон ним табассум билан ётибдилар. Узоқроқ тикилиб қараган кишига кўзларини очаётгандек туюлар эди. Иккинчи қаватга чиқиладиган зина ярмига етгач, иккига ажраларди. Мажлислар зали ҳам икки эшикли эди. Видолашишга келганлар бир эшикдан кириб, иккинчи эшикдан чиқиб кетар эди. Одамлар тўхтовсиз оқим бўлиб келишарди.

Видолашиш соат 3⁴⁵ гача давом этди. Соат 4 да республика ҳукуматининг раҳбарлари келиб, навбатма-навбат, фахрий қоровулликда туришди. Соат 4³⁰ да республика ҳукумати раҳбарлари Ҳабиб Муҳамедовичнинг жасади солинган тобутни кўтариб, эшикка йўл олдилар.

Биздан олдин қизил духоба ёстиқчаларга қадаб қўйилган орден ва медалларни, лауреатлик нишонларини ҳамда гулчамбарларни кўтарганлар, улар ортидан эса Ҳабиб Муҳамедовичнинг жасади солинган тобут қўйилган машинада биз, биздан сўнг партия ва ҳукумат вакиллари, олимлар, бутун халқ Чифатой қабристонини томон борарди. Кейин менга айтишларича, дафн маросимида қатнашганларнинг олди Эскижўвага етганда, охиридагилар Шайхонтоҳурда бўлган экан.

Ҳабиб Муҳамедовични дафн қилиб, боғимизга келганимизда, уй, айвон ва ҳовлини бутун саҳнига стол-стуллар қўйилган, дастурхонлар ёзилган эди. Одам кўп, ҳамма сукутда эди. Фақат академиянинг вице-президенти С. В. Стародубцев сўзлаётганда ўзимни қўлга олдим. У Ҳабиб Муҳамедович академиянинг президенти лавозимида ишлаганида мисли кўрилмаган ишлар қилганлигини таъкидлади. Академия қошида ўнлаб институтлар очилганини, айниқса кадрлар тайёрлашга кўп эътибор берганлигини қайд этди. «Ҳабиб Муҳамедович ўз замонасининг Беруний, Улуғбек, Ибн Сино сингари олими эди, — деди у. — У жуда ёш кетди, ҳали элликка тўлмаган эди. У яшаганда, партияга, халққа кўп хизмат қилар эди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг ўлими илм-фанимиз учун жуда катта йўқотиш бўлди».

Сўнг А. В. Хафкинга сўз беришди, у сўзга чиқишни ўзи сўради. А. В. Хафкин асли москвалик бўлиб, зиёли оилада ўсган, мармар ва гранитни қайта ишлаш бўйича мутахассис эди. У охириги вақтда Ҳозғон мармар заводининг директори эди. Хафкин ҳар гал Тошкентга командировкага келганда, Ҳабиб Муҳамедович уни уйга таклиф қилардилар. У корхона директори бўлгани учун республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашига аъзо қилиб сайланганди. Хафкин гапирар экан, кўзи тўла ёш, қийналиб, тўхтаб-тўхтаб гапирар эди. У шундай деди:

— Мен ўз ҳаётимда жуда кўп кишиларни учратдим, кўп одамлар билан ишлашдим, лекин Ҳабиб Муҳамедовичдек шахсни учратган эмасман. У ниҳоятда ақли тиниқ, зийрак, сезгир, бардошли инсон эди. Ҳабиб Муҳамедович давлат арбоби сифатида кенг қамровли эди, одамлар билан ишлашни биларди. Катта ва мураккаб масалаларни осонлик билан ҳал қила билиш қобилиятига эга эди. Бундай фазилатлар ҳаммада ҳам бўла бермайди.

Яна бир неча киши сўзлагач, маърака тугади. Меҳмонлар аста-секин тарқалишди. Қариндошлар, ёру дўстлар биз билан қолиб, ғамимизга шерик бўлишди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг дафн этиш маросими унинг халқ орасида қозонган катта обрў-эътиборининг намойишига айланди. Тириклигида унинг катта истеъдодига, олимлик шон-шўхратига ҳавас қиладиганлар ҳам, ҳасад билан қараганлар ҳам кўп эди. Буни қарангки, вафот этганида, унинг дафн маросимига ҳам ҳавас билан қараганлар бўлибди. Бир одам «Агар шундай обрў-эътибор билан дафн этишларини билсам, дарҳол ўлардим», деган экан.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг оиламизга, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Геология министрлиги адресига 400 га яқин таъзия телеграммаси келди. Бу телеграммалар орасида ССР Фанлар академиясининг Президиумидан, иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялар Президиумидан, геология илмий-тадқиқот институтларидан, геология министрликларидан, геология трестларидан, иттифоқ миқёсидаги йирик олимлар, мутахассислардан олинган телеграммалар бор.

* * *

Ҳабиб Муҳамедович вафотидан сўнг икки ойча боғ ҳовлида бўлиб, сўнг шаҳарнинг Демьян Бедний кўчасидаги уйимизга бутунлай кўчиб кетдик. Жудодилка кўникиш жуда оғир эди. Бечора болаларим бирданига катта бўлиб қолишди. Уларнинг бошига ғам

кутилмаганда тушиб, саратонда қор ёққандек таъсир қилди. Пулатжон билан Раъно-хонлар бир амаллаб тақдирга тан беришар, аммо Рустамжон ҳеч кўнмас ва чидай олмас эди. У ҳозирга қадар вақти-вақти билан қаттиқ хафа бўлиб, отасиз қолганига куяди.

Ҳабиб Муҳамедович охириги китобини Москвада чиқараман деганлари учун, шу масалада Москвага бордим. СССР Фанлар академиясининг геология ва география бўлимининг мудир, академик Д. И. Шчербаковга мурожаат қилдим. У киши ёрдам қилишга ваъда берди. Тез вақт ичида китобни чоп этиш масаласи ҳал этилди. Мен китобга Ҳабиб Муҳамедовичнинг дўсти ва доимий муҳаррири В. И. Смирнов редактор бўлишини илтимос қилган эдим. У сўзсиз розилик берди. Шу билан мен хурсанд ҳолда уйга қайтдим.

1970 йилда Ҳабиб Муҳамедовичга «Металлогения — фойдали қазилма конларини қидиришининг геологик асоси» асари учун Беруний номидаги Ўзбекистон ССР мукофоти берилди. Биз бу хабарни радиодан эшитиб ҳам хурсанд бўлдик, ҳам Ҳабиб Муҳамедович шу кунларгача яшамагани учун афсусланиб кўзёши қилдик.

Уша пайтда Пулатжон СССР Ташқи ишлар министрлигида ишларди. Хушхабардан сўнг орадан беш-олти кун ўтгач, мен Москвага Пулатжонни кўргани кетдим. Шунда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Обид Содиқов уйимизга келиб, Беруний мукофоти лауреатлиги дипломини, гувоҳнома ва нишонини топшириб кетибди. У киши республика Фанлар академияси Президиуми ва шахсан ўзи номидан табрик хати ҳам келтириб берибди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг менинг олдимга Ўзбекистон ССР тарих музейи директори Н. С. Содиқова икки-уч келиб, музейнинг совет даври бўлимида Ҳабиб Муҳамедовичга ўрин очамиз, домлага тегишли буюм ва ҳужжатларни беринг, деб илтимос қилди. Мен аввалига кўнмадим, сабаби — домлани йўқотганимга ҳеч қанча вақт ўтмасдан у кишининг шахсий буюмларидан ажралиш оғир эди. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида уйимизда кўп асбоблар синиб, зарар кўрганимиздан кейин Ҳабиб Муҳамедовичнинг буюмларининг бир қисмини музейга топширишга рози бўлдим. Музей ходимлари ҳам сўзларининг устидан чиқиб, Ҳабиб Муҳамедовичга совет даври бўлимидан ўрин очишди. Музейга домланинг 100 га яқин ҳужжатлари, орден, медаль, Ленин мукофоти лауреати ва Беруний мукофоти лауреати дипломлари, нишонлари ва гувоҳномаларини топширдим.

1964 йилда Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат инқилоб музейидан ҳам ходимлар келиб, Ҳабиб Муҳамедовичга тегишли нарсаларни олиб кетишган. Уларга жами 45 та ҳужжат ва буюм берилган.

1964 йил 30 сентябрда Тошкентда СССР Фанлар академияси ер бўлимининг кўчма сессияси очилди. Бу сессияда иттифоқимизнинг марказий шаҳарларидан ва Урта Осиё республикаларидан йирик олимлар қатнашди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг геологияга оид қандай йиғилиш бўлса, мени ҳам таклиф қилишар эди. Бу сафар ҳам менга таклифнома юборишган эди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг қабри устига қўйилган бюстнинг битиши шу катта йиғилишга тўғри келди. Тошкентлик олимлар маслаҳатлашиб, бюстни очиш маросимини шу йиғилишнинг ёпилишига тўғрилашди. Сессиянинг ёпилиши эълон қилиниши билан академик Ф. О. Мавлонов сессия қатнашчиларига мурожаат қилиб, Ҳабиб Муҳамедович номи берилган геология институтини дарвозаси олдига хоҳлаганлар йиғилиши ва бу ерда институт деворига ўрнатилган мармар тахтанинг очилишини, кейин Чигатой, ҳозирги Фаробий қабростонида бюстнинг очилиш маросими бўлишини эълон қилдилар.

Институт олдида кўпкишилиқ митинг бўлиб, мармар тахтани очишди, сўнг ҳамма олдиндан тайёрлаб қўйилган автобусларга ўтириб, Фаробий қабростонига боришди.

Бюстнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Р. Н. Нишонов иштирок этди. Бюст устидаги парда туширилганда ҳамма ҳайкалтарош маҳоратига офаринлар айтди. Бюстни Ҳабиб Муҳамедовичнинг дўсти, машҳур ҳайкалтарош Е. В. Вучетич ясаган, жуда ҳам ўзларига ўхшатган эди. Бу ердаги митингга академиклардан А. П. Виноградов, Д. И. Шчербаков ва бошқа кишилар сўзлашди.

1967 йил 20 июнда Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотига беш йил тўлиши муносабати билан йиғилиш ўтказмоқчи бўлишди. Шу йиғилишга бир ҳафта қолганда республика «Билим» жамяти ташаббуси билан Фарғона водийсидаги катта шаҳарларда Ҳабиб Муҳамедовичга бағишлаб докладлар, лекциялар ўтказилди. Агитацион группа йўлга чиқар экан, мени ҳам таклиф қилишди. Дастлаб Фарғонага бордик. У ерда пединститутдаги ва шаҳар партия комитетидаги учрашувларда Ҳабиб Муҳамедович ҳақида жуда кўп ёқимли гаплар айtilди. Иккала йиғилишда ҳам менга сўз беришди. Фарғонадан Андижонга, сўнг Ушга ўтдик. Ушда область партия активи ва студентлар, ўқитувчилар иштирокида катта йиғилиш бўлди.

Ушга борганимизда группамизга Тошкентдан академиклар Ф. О. Мавлонов, Х. Н. Боймухамедов ва И. Х. Ҳамробоевлар қўшилиб, 15 киши бўлдик. Ушдан Ҳабиб Муҳамедович туғилган Аравон районига бордик. Аравонда ҳам район партия комитети

ташаббуси билан катта йиғилиш ташкил этилиб, йиғилиш тамом бўлгач, меҳмонлар шарафига катта зиёфат беришди.

21 июнда Тошкентда кенгайтирилган илмий совет, геология министрлиги ходимлари ва бутун Тошкентдаги геологларнинг иштироки билан жуда катта йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш тугагач, унинг қатнашчилари гулчамбарлар кўтариб қабристонга зиёратга боришди. Кечқурун Ҳабиб Муҳамедовичнинг энг яқин дўстлари, шогирдлари уйимизга келишди. Биз дастурхон атрофида алламаҳалгача Ҳабиб Муҳамедовични эслашиб ўтирдик.

1972 йилда домланинг 60 йиллик юбилеи, 1982 йилда эса 70 йиллик юбилеи зўр тантана билан нишонланди. 70 йиллик юбилейларида аввал 21 сентябрь эрталаб республика Фанлар академиясининг мажлислар залида юбилярнинг илмий меросига бағишланган илмий сессия бўлди. Бу сессияни академик С. Ҳ. Сирожиiddинов очдилар. Академиклар Ф. О. Мавлонов, О. М. Акрамхўжаев, Х. Н. Боймуҳамедов, И. Ҳ. Ҳамробоев сўзлашди. Сўнг домланинг шогирдлари М. Аҳмеджонов, О. М. Борисов ва бошқа кишилар сўзлаб, устозларини хотирлашди.

Сессия қатнашчиларига Ҳабиб Муҳамедовични ҳаёти ва ижодига бағишланган хужжатли фильм кўрсатилди. Фильм тугагач, саватларда, қўлда даста-даста гуллар билан олимнинг қабрини зиёрат қилгани боришди.

Олимнинг 70 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Геология министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон техника жамияти правлениеси биргаликда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг мажлислар залида Бутуниттифоқ ёш геолог олимларнинг Ҳабиб Муҳамедовичга бағишланган илмий-назарий конференциясини ўтказишди. Бу конференция 30 сентябрда очилиб, уч кун давом этди ва унда ўнга яқин илмий доклад тингланди. Конференция ёпилгач, унинг қатнашчилари ҳам олимнинг қабрини зиёрат қилгани бордилар.


Мен бу ерда Ҳабиб Муҳамедович вафот этганидан бери у кишини хотирлаш, ёд этиш билан боғлиқ воқеаларнигина айтиб ўтдим, холос. Аслида эса бундай воқеалар кўп бўлган ва мен бу ерда уларнинг ҳаммасини батафсил ёзиб, ҳурматли ўқувчиларнинг қимматли вақтини олишни истамайман.

1960 йилда Ҳабиб Муҳамедович оғир дарддан тузалиб, ишга қайтдилар. Врачларнинг бир суткада 3—4 соатдан ортиқ ишлаш мумкин эмас, деб огоҳлантиришларига қарамай, у киши қадимгидай қаттиқ ишлай бердилар. Шунда мен бир куни куйиниб: «Ҳабиб Муҳамедович, бу нима қилганингиз, агар ўз жонингизга ачинмасангиз, ҳеч бўлмаса мени, ҳали биттаси ҳам оёққа турмаган фарзандларингизни ўйласангизчи», десам, у киши:

— Азизим Фотимахон, кишига ҳаёт бир марта берилади. Мен ҳаётимни илм-фанга, халқимга хизмат қилишга бағишлаганман. Агар шу йўлда қурбон бўлсам, ўзимни бахтиёр деб биламан, — деган эдилар.

Дарҳақиқат, умрини халқ хизматига тикканлар жисман йўқ бўлсалар-да, руҳан йўқ бўлиб кетмайдилар. Ўзларининг яхши ишлари, ажойиб фазилатлари билан кишилар хотирасида узоқ-узоқ йиллар яшайдилар. Вафотига шу йил чорак аср бўладиган Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг ажойиб тақдири бунинг яққол мисолидир.

Хотираларга Алиназар
ЭГАМНАЗАРОВ сайқал берган.



Барот Бойқобилов

**ЯНГИ ДАВРОН ДАЪВАТИ
БАРҚ, УРСИН ҚОНИМИЗДА**

Чароғбонлар

Қўлёмалар институти олимларига

Навойи даҳосига таъзим қилиб даставвал
Қўлёмалар махзанин зиёрат қилмоқ одат.
Бу олий даргоҳга ҳеч кирманг, қилиб таваккал,
Илм заҳматин чекмоқ бўлсин шараф, саодат.

Замонлар чангин ютган китобин айланг тавоф,
Унинг ҳар бир варағи — кўзимиз қорачиғи,
Нафасингиз пок бўлсин, дилинги тоза, шаффоф,
Ҳар сўзи, ҳар жумласи — қалбимиз ярашиғи.

Қўлёмалар бошидан кечган неча жанг, ўлим,
Маърифатчи кишилар йўлида бўлган қурбон.
Тутунли кечаларда юзини босган қурум,
Дўзахий ёнғинлардан жони қолгандир омон.

Урхун ёзувидан то янги ўзбек имлоси
Шаҳодат берур сизга битиклар хилқатидан.
«Қутаду билиг»дан то «Қутлуғ қон»нинг иншоси
Халқимизга азиздир дунёнинг давлатидан.

Беруний қўлёмаси, Навоийнинг дастхати
Қай бир қутлуғ даргоҳда йўлингизга интизор.
Неча замонлар ўтиб, балки, келди муҳлати,
Гавҳар йўқолган билан тупроқ ичра бўлмас хор.

Қадимги китобларни этганда мутолаа,
Замон зайли-ла боқиб, янги кашфиёт қилинг.
Бир дона дур топсангиз, айламай муболаға,
Элга инъом этгунча жондек эҳтиёт қилинг.

Раҳнамо бўлиб сизга, бирингизга қўшар минг
Бу маскан олимлари — фидойи, қалби чўғлар.
Тўполон асрларнинг қопқасини очиб кенг,
Мозий қароргоҳидан боқур гўё улуғлар.

Улуғлар нафасини туймоқ бахтдир — тенги йўк,
Дилингизни ёритар меҳри бўлиб зўр куёш.
Қамолингиз кўролмай, нодон зимдан узса ўк,
Кўкрагин қалқон этиб, бўлур сизга елкадош.

Машаққат тортиб фанда — аямай кўз нуруни,
Нодир кўлёмаларга меҳрин тўкиб берар жон.
Сарғайган варақларга сарф этиб ўз умрини,
Шамдек ёнмоқда равшан неча умри жовидон.

Алломалар табъи хуш, нозикдир фасоҳати,
Дил кўрки бўлмай тоза қилган чоғда мулоқот.
Фахр ҳиссин кўзғатар тилининг нафосати,
Мулоқотдан ўзга йўк сизга олий мукофот.

Бу маҳзаннинг соҳиби ўртада ой бўлса гар,
Теграсида нур сочар ёрқин юлдузлар унинг.
Даҳолар қисматига жони билан жавобгар,
Тарихий хизматлари даврон мазмунига тенг.

Бир миллат хазинасин жонкуяр посбонлари,
Китобларга гард қўнса киприк билан олурлар.
Замонамизнинг закий, хоксор қаҳрамонлари,
Унутилмас тарихда тарих бўлиб қолурлар.

Буюк насллар сизни жон уйида қадрлар,
Халқимизнинг мулкани асрадингиз қароғдек.
Давр чархи айланиб, ўтса ҳам не асрлар,
Бу маҳзанда қалбингиз ёниб турар чароғдек!

Ҳақиқатга суиқасд

Ташвишли кун эди... Визилларди ўк,
Ҳақиқат кўлидан бўлди ярадор.
Чор атрофга боқди — бирор кимса йўк,
Ким отди? Не учун? Билмайди зинҳор.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Барот Бойқобилов бу йил 50 ёшга тўлади. У ўзининг қатор туркумлари, баллада ва достонлари, таржима ҳамда адабий мақолалари билан адабиётга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардандир. Шоирнинг дастлабки шеъри чиққанидан буён ўтган вақт мобайнида ўзбек ва рус тилларида, «Самарқанд сатрлари», «Афросиёб», «Шарқ камалаги», «Сонетлар», «Мени кутинг, юлдузлар», «Ватан тупроғи» сингари тўпламлари, «Ҳайкаллар сўзлайди», «Учинчи авлод», «Адашган кема» каби достонлари, «Кун ва тун» шеърий қиссаси, «Шукуҳли қар-

вон», «Нотинч Хуросон» номли шеърий роман дилогияси нашр қилинди. Барот Бойқобилов айниқса, сонет жанрида самарали ижод қилди. Сонетлар гулчамбаридан иборат китоб тўзди. Барот Бойқобилов таржима билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Петрарка, Шекспир, Мицкевич сонетларидан, Неруда, Бехер, Ҳамзатов, Турсунзода шеърларидан қилган таржималари ибратлидир. Барот Бойқобиловнинг ҳозир айна ижодий кучга тўлган пайти. Шоирни қутлуғ ёши билан журналхонлар номидан табриклар, янги ёзган шеърларидан намуналар эълон қилаяпмиз.

Ногирон қўлини кўксига босди,
Бағрини ол этди тирқираган қон.
Кўзидан ўт бўлиб ғазаби тошди,
Чақинлар зарбидан титради осмон.

Булултар тарқалди — жилмайди қуёш,
Мусаффо ҳаводан олам беғубор.
Ҳақиқат дардига бўлиб қайғудош
Одил даврон боқди — дилида озор.

Давр-она, асил фарзанд-Ҳақиқат,
Фарзанд билан она жони туташдир.
Токи юрагида яшар ҳамият,
Фарзанди бошида она қуёшдир.

У, мажруҳ Ҳақиқат ҳолин сўроқлаб,
Жонин малҳам қилди жароҳатига.
Ноумид бўлма деб кучди, ардоқлаб,
Тан берди бардошу садоқатига.

Ҳақиқат бош эгди она қошида,
Қотилни топгани этди қасамёд:
Қиличлар синса ҳам гарчи бошида,
Маломат уйини қилмоқчи барбод.

Олий мақсад бўлиб қалбига қувват,
Даврон амри билан изига тушди.
Унсурлар кўзини босганда ғафлат,
Адолат тоғидан кўчкилар кўчди.

Кўчкининг қомида қолди малъунлар,
Буғзидан мардона тутди ҳақиқат.
Инсон либосини кийган маймунлар
Айбидан тонмас, деб, кутди Ҳақиқат.

Ўзини чаққандек чаён сўнгги дам,
Ҳақиқат кўзига боқдилар ёвуз.
Буруқсаб ёнди-да ичида алам:
Қилма, деди, бизга ноҳақ тажовуз.

Биз ушлаб турганда ер меҳварини,
Эгдик, вале сени синдирмадик, йўқ.
Обрўли зотлармиз, инсон қадрини
Топтамоққа сенга ким берди ҳуқуқ?

Ҳақиқат йигитдек тиклаб қаддини,
Қотиллар кимлигин фош этди бир-бир:
Даврон ҳокимидек билмай ҳаддини,
Эл-юртни талашди бир тўда олғир.

Оқни қора дебон чекдилар имзо,
Қоғоз тўлдирдилар йўқни б'ор дебон.
Кўшиб ёзишларга бўлдилар мирзо,
Айш-ишрат қурдилар келди деб даврон.

Қотиллар айбига бўлмасдан иқроп,
Ҳамонки, жар солиб оқлар ўзини.
Ҳақиқатга қилиб суиқасд кўп бор
Бўяшди давлат ва халқнинг кўзини.

Ҳақиқат сўзини маъқуллар она
Ва ўзи чиқарар энг одил ҳукм:
«Бу ҳаётнинг боғи бўлмай бегона,
Суиқасд қилса гар Ҳақиқатга ким».

Сонет

Буюк Навойга тиксам-да умрим,
Пушкин даҳосига кўнглимда ҳавас.
Юртини мен Макка дея топиндим,
Замину замонга бўлиб, ҳамнафас.

Барча йўл элтади шу Макка сари,
Йўқдир ундан азиз улуғ саждагоҳ.
Унда сокин ухлар назм сарвари,
Йўқдир ундан ўзга қутлуғ қароргоҳ.

Аммо шеърини уйғоқдир ҳамон,
Юраги тирикдек уриб турибди.
Номини шарафга буркаган жаҳон
Боғида у шодон кезиб юрибди.

То даврон сураркан фалакда қуёш,
Башарият унга эгиб ўтар бош.

Олқишлар

Олқишлар! Олқишлардан учиб юрдик ҳавода,
Замину осмон аро қолдик гўё муаллак,
Ерга ҳам тушолмадик, яшолмадик самода,
Тақдир бизни боши узра кўтарганди муҳаққак.

Олқишларга кўмилди биллур қандил саройлар,
Қарсақларнинг зарбидан майдон, боғлар тебранди.
Қирғоғини кўпориб тошди дарё ва сойлар,
Тушиб ҳайрат домига осмон, тоғлар тебранди.

Юракдан тошиб чиқди мадҳу сано сўзлари,
Тили бийрон кимсалар тушмади ҳеч минбардан.
Донолик даъво қилиб элга боқди кўзлари,
Олқиш совринин олди олқишсевар минглардан.

Олқишлар даври эди — олқиш билан яшадик,
Кимки олқиш айтмаса, давримизга дедик ёт.
Ҳазонсиз боғ синғари олқиш билан яшнадик,
Билмай ўзга ҳаётни олқиш излаб сурдик от.

Яратилди хушҳаво ва мўътадил бир иқлим,
Ҳаётбахш ёмғир каби ёғди олқиш сўзлари.
Бу ажойиб фурсатда мақтовга ўч бўлса ким,
Бошин кўтариб қолди кўзиқорин синғари.

Олқишлар — сўз шаклида узатилган поралар,
Кўнгил йўлини топди, руҳларни этди баланд.
Сўзлар — олқиш-ла йўлга кузатилган поралар,
Мўъжизадек дилларни дилларга қилди пайванд.

Олқишларга бел боғлаб хизмат қилди қарсақлар,
Қўллар енгин шимариб шўнғиб кетдилар ишга.
Мақтовни хуш кўрмаган дилни тилди қарсақлар,
Қарсақлар воситадир сўзлар тўққан олқишга.

Олқишларга қул бўлиб, ўзимизни ўнутдик,
Ҳаётда билмай қолдик босар-тусаримизни.
Қилкўприкни гўёки тахтиравон деб ўтдик,
Шаҳар деб эълон этдик, ҳатто гузаримизни.

Қайга боқма, «офарин», «тасанно» саси келди,
Ватанни тутиб кетди мадҳиялар садоси.
Мағлуб йўқдек, ҳар ёндан ғолиб нафаси келди,
Ер-кўкка чангал солди манманликнинг балоси.

Гарчи жар ёқасида турсак-да, кўзимизни
Олқиш пардаси тўсиб кўрмадик жаҳаннамни.
Қуламас устун каби санадик ўзимизни,
Ўзгармас деб ўйладик қалқиб турган оламни.

Аммо олам ўзгарди — ўзгарди олқиш, қарсак:
Энди ўзни саваймиз, ўзгалар бўлур ҳамдам.
Кошки, шуҳрат тоғини тағи билан кўпорсак!
Шубҳа билан боқмасак ўтган ютуқларга ҳам!

Улуғ инқилоб ясаб онгу виждонимизда,
Ислоҳот садосига қалблар бўлсин жўровоз.
Янги даврон даъвати барқ урсин қонимизда,
Олқишлар биносида пок инсон топсин эъзоз.

Орол қисмати

Занжирбанд шерсимон кўл-оёғи банд,
Замон зўрларидан еган каби панд,
Ҳаёт илдизлари узилган монанд,
Маҳзун кўзларида ҳасрат ва малол,
Мунғаяр Орол!

Танини тарк этиб бурунги кудрат,
Қалбидан қувғинди бўлиб эрк, журъат,
Табиатга тўлаб беҳад бож, пудрат,
Дармони кетгандек ҳорғин, бемажол,
Бенажот Орол!

Нолаваш, дилсўзон Амударёдан,
Қочиб қутулолмас келган балодан,
Умиди қолмаган телба дунёдан,
Мангулик умрига келгандек завол,
Нотавон Орол!

Дашту чўлга сочиб ҳаёт инжусин,
Синдириб қўйгандек умид кўзгусин,
Кифтида кўтариб тоғдек қайғусин,
Зўр дарё ирмоқдек қуюлса беҳол,
Эзилар Орол!

Янги ер очурлар — ерга йўқ инсоф,
Обиҳаёт эса қилинур исроф,
Харажати кўпу фойда йўқдир соф,
Талон-тарож бўлур юрт мулки алҳол,
На чора Орол?..

Осойиш сувлари тўлғин, лиммо-лим,
Қирғоғи жаннатдек сафобахш, сўлим,

Ким денгиз, эркалаб, ким дерди: кўлим.
Толей хур эди — ёр эди иқбол,
Бахтиёр Орол!

Совуқ шамол эсса шимолдан саҳар,
Унда бир чўмилиб, исиниб олар,
Шимолга йўл олса иссиқ шамол гар
Унда ҳоврин босиб, елар бемалол,
Мўътадил Орол!..

Боши чиқмай қолди қуюн, тўзондан,
Жони ғулғулада довул, тўфондан,
Табиат асрасин даҳшат, бўрондан,
Сувсизлик балоси зўрайди — дажжол,
Ўксинар Орол!

Қайга қочмоқдасан қирғоқни ташлаб?
Қайга чўқмоқдасан кун сайин пастлаб?
Қайга тикмоқдасан кўзларинг ёшлаб?
Ҳаёт ҳам шунчалик бўлурми қаттол?
Ғамгусор Орол!

Эй инсон, Оролни муҳофаза қил,
Фарзандсан, унутма, она қадрин бил,
Ҳаёт тўфонига кўксинг қалқон қил,
Инсоний бурчингни адо эт ҳалол,
Муҳтождир Орол!

Орол қуримоқда... яна эллик йил,
Еки юз йил яшар мисли Силсабил.¹
Сўнг эса не бўлур? Қўзғалмаса эл,
Табиат чиқарар ҳукмин, эҳтимол:
«Хайр!» деб Орол!

Келажақдан келмай «хайрбод» саси,
Бўғзидан бўғилмай Орол нафаси,
Мангуга сўнмасдан ҳаёт ҳаваси,
Наъра торт, жонингни пайванд қил дарҳол,
Интизор Орол!

Жангчи отлар

Урушда отлар ҳам жангларга кирди,
Жангчидек қилдилар душманга ҳужум.
Бешафқат, беаёв фашистни қирди,
Кўксига ўқ ботди, кўзларига қум.

Бошига дўл каби ўқ ёққанида
Окопга урмади ўзини шиддат.
Бағридан тирқираб қон оққанида
Ярадор бўлдим деб чекмади заҳмат.

Қуюнли тунларда қорда ётганда:
На тўшак топилди, на болишга тош.
Қаҳратон қишларда муздек қотганда
Маҳзунли кишнамай, термилди ювош.

1 Силсабил — афсонавий булоқнинг номи.

Оч-тўқин йўл босди, ботди ботқоқда,
Совуқ дарёлардан кечолди девкор.
Кўзлари чакнади ўхшаб чақмоққа,
Ўқдек учди душман устига ҳар бор.

Орқага чекинмай босди илгари,
Ўқ егаң чоғда ҳам олға йиқилди.
Ўрнидан кўзғалса ғолиб сингари
Душманнинг бўғзига жони тиқилди.

Ғолибона елди Берлингача то
Солдатдек билмади иссиқ-совуқни.
Эльбага қадами етганда, ҳатто,
Ғанимдан аяди олис-ёвуқни.

Отлар ҳам Ватан деб бўлишди қурбон,
Ватан деб, юртидан тушдилар йироқ.
Уруш қурбонларин эслаймиз ҳамон,
Унутганмиз жангчи отларни, бироқ!





Андре Моруа

ҚАЙТИШ

Машҳур француз адиби Андре Моруа (1885—1967) фашизм ваҳшийликларидан жаҳон маданияти хазиналарини сақлаб қолиш учун тинимсиз меҳнат қилган ёзувчилардан биридир. Серқирра бу ижодкор умрининг охирига қадар расмиятчиликка қарши турди, реалистик санъатни улуғлади. Уз ҳаёти ва ижодини ҳам шу олижаноб йўлга бағишлади.



Бу воқеа француз асирларини Германиядан — тутқинликдан олиб қайтаётган поездда бошланган эди. Ун кишилик купега ўн икки киши тиқилишган. Улар уйлари, оилаларини кўриш имкони туғилганидан ғоят ҳаяжонда. Деярли ҳаммаларининг ҳам фикру хаёлини энг аввало рафиқалари банд этган. Айримларининг кўнглида умид учқунлари чақнар, баъзилари эса хавотирланиб ўйлар эди: «Рафиқам аввалгидек вафодор ва содиқмикин? Узундан-узоқ танҳолик йилларида қандай ўзгаришлар рўй берди экан? У билан ҳаётни давом эттириш мумкин бўлармикин?»

Бола-чақалилар, ҳарҳолда, анча хотиржам. Уларнинг рафиқалари бола тарбияси билан ўймалашиб кун ўтказгандир. Бу учрашув ўн-ғайсизлиги болалар қувончи туфайли енгил кўчса ажабмас...

Купенинг бир бурчагида баланд бўйли, қотмадан келган, кўзлари чақноқ, француздан

кўра кўпроқ испанга ўхшаш киши ўтирар эди. Узини Рено Леймари деб таништирган бу одам шардейлик бўлиб, Перигорда яшарди. Тун оғушида илгарилаётган поезднинг бир маромдаги тарақа-туруқини паровоз гудоги бўлиб турар, Рено эса рўпарасидаги ҳамроҳи билан гаплашиб борарди.

— Сатурнен, уйланганмисан?

— Булмасам-чи! Урушдан икки йил аввал, икки болам бор эди. Хотинимнинг исми Марта. Суратини кўрсатайми?

Паст бўйли, юзи чандиқ, аммо қувноқ Сатурнен ички чўнтагидан титилиб кетган картмончани олиб, йиртиқ бир сурат чиқарди-да, ифтихор билан Ренога узатди...

— О, жуда чиройли экан, — деди Леймари. — Шундоқ гўзалнинг олдиға ҳеч хавотирланмасдан қайтпаганми?

— Нега энди хавотирланай?

— Чунки, хотининг жуда чиройли, шунча вақт ўзи ёлғиз қолди, атрофида эса бошқа эркаклар ҳам бор эди... — деди Леймари.

— Кулгимни қистатыпсан! Менинг Мартам шундайки... манман деган йигитга ҳам қарамайди. Биз шундай бахтиёр эдикки... Беш йил мобайнида менга ёзган хатларини кўргангнда борми?..

— Э-э... бу хатлар! Мен ҳам шунақа илиқ хатлардан озмунчасини олдимми! Аммо, бари бир, ташвишдаман.

— Қизиқ, хотинингга ишонамайсанми?

— Ишонишга ишонаманку-я, тўғрироғи — ишонардим. Олти йил бирга яшаб, сираям сан-манга бормаганмиз.

— Хўш?..

— Э, оғайни, бу — одамнинг табиатига боғлиқ... Мен боқибегамликка ишонмайдиган одамлар тоифасиданман. Ўз-ўзимга доимо: «Эленнинг тенги эмасман, у гўзал, жуда ақлли, одобли» деб келганман. Ростданам хотиним жуда билимдон, қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳар қанақа матодан шундайин кўйлак тикадики, ҳаммининг ҳаваси келади. Оддий кулбани жиҳозлашга киришса борми, нақ жаннат қилиб юборади... Шуларни ўйлаб туриб ўзимга-ўзим дейман: ахир юртимизда келгиндилар қанча йил изғиб юришди. Улар орасида мендан кўра истараси иссиқроқлари бўлгандир-ку... Қишлоқнинг энг гўзал аёли — Элен шулар эътиборини ўзига жалб этмадимикин?..

— Нима бўпти? Агар у сени севса...

— Шундайку-я, оғайни, беш йил ёлғизликни тасаввур қила оласанми? Элен Шардейда мусофир. Шардей менинг юртим, унинг бу ерда ҳеч кими йўқ. Шундай бўлгач, йўлдан тойиши ҳеч гап эмас-да...

— Э-э, жуда ғалати экансан-ку, эсинг жойидами ўзи? Хўп, бирор нарса юз берди ҳам дейлик. Ҳаётда нималар бўлмапти, ахир! Менга қара, агар бирор кимса: «Сенинг Мартанг...» деб оғиз очиши билан мен унга: «Оғзингни юм. Хотин меники, буни уруш дейдилар; у ёлғиз эди; энди эса тинчлик. Биз ҳаётни қайтадан бошлаймиз», — деган бўлар эдим.

— Мен сендақа эмасман-да, — деди Леймари. — Агар қайтганимдан кейин бирор нарса сезсам борми...

— Унда нима қиласан, хотинингни ўлдирасанми?! Тентак экансан-ку!

— Йўқ, унга қўлимни ҳам теккизмайман. Ҳатто бир оғиз гапирмайман. Аммо ўша заҳотиёқ ғойиб бўламан. Узоқларга кетиб қоламан, номимни ўзгартириб яшайман. Уй-жой — ҳамма-ҳаммасини унга қолдириб кетаман. Менга ҳеч нарса керак эмас, қўлимда ҳунарим бор... Ҳаётимни тамомила ўзгартириб юбораман. Билмадим, бу балки телбалиқдир, аммо табиатим шундай. Менга бахт бутун бўлса, ёнки...

Поезд узоқ гудок чалиб, рельсларни шарақлатиб вокзалга кириб келди. Икки сўхбатдош жим бўлиб қолишди.

Шардей оқсоқоли қишлоқ ўқитувчиси эди. У жуда кўнгилчан ва эҳтиёткор одам. Рено Леймари поездда қайтиб келаётганлиги ҳақида у министрликдан хабар олдию, ўзи бориб Эленга айтишга аҳд қилди. Оқсоқол борганида Элен боғида куйманиб юрган эди. Бу — қишлоқнинг энг хушманзара боғларидан бўлиб, эшикнинг икки томонини атиргуллар безаб турарди.

— Леймари хоним, сизни яхши биламан, эрининг қайтиб келаётганидан огоҳ қилиб қўйиш лозим бўлган аёллардан эмассиз. Аммо, шуни айтишим керакки, хатти-ҳаракатингиз, одобингиз билан бутун қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўлгансиз. Ҳатто оғзига келганини аямай, ҳар қандай аёлни бадном қиладиган ғийбатчи хотин-халажлар ҳам сизни ёмонлашга сўз тополмаяптилар.

— Бирор нарса топишар, жаноби оқсоқол, — деди Элен жилмайиб.

— Мен ҳам шундай бўлар, деб ўйлаган эдим, ҳа ўйлаган эдим!.. Аммо сиз уларни ҳам ром қилиб қўйдингиз. Мен сизнинг қувончингизни ўз кўзим билан кўргани келдим. Шуниси ҳам борки, унинг келишига ҳозирлик кўришингиз керак, Леймарий хоним. Турмуш оғир, ҳаммамизнинг аҳволимиз маълум: ҳар куни дастурхон туза олмаймиз-ку...

— Жуда яхши қилибсиз, жаноби оқсоқол. Мен Ренони шундайин кутиб олайки!.. Йигирманчи августда дедингизми? Поезд соат нечаларда келаркин? Билмайсизми?

— Министрликдан хабар қилишларича, соат йигирма учда йўлга чиқади. Бу поездлар жуда имиллаб юради... Тевьер вокзалида поезддан тушса, бу ергача Рено яна тўрт километр пиёда босади. Менимча, у тушда етиб келса керак.

— Мен уни кутиб олишга шундоқ ҳозирлик кўрайки, жаноби оқсоқол, шоҳона бир дастурхон тузайки... Шундоқ хушхабарни келтирганингиз учун мингдан-минг раҳмат сизга.

— Шардейда сизни ҳамма ҳурмат қилади, жонидан севади, деса ҳам бўлади. Сиз асли бу ерлик эмассиз, аммо ҳамма сизни ҳамқишлоқ деб билади.

Ниҳоят оқсоқол хайрлашиб чиқиб кетди.

Элен Леймари эри келишидан бир кун аввал бутун уйни саранжом-саришталади: полларни ярақлатиб, дераза пардаларининг эскирган ленталаригача янгилади. Кейин қишлоқ сартарошиникига бориб, сочини жингалак қилиб келди. Туни билан бошига сетка кийиб ётди. Сал-пал ухладими-йўқми, яна азонлаб туриб олди. Сўнг, кийимларини бир-

бир кўздан кечирди. Узоқ ёлғизлик даврида бирор марта ҳам кийилмаган, ўзи севган шоҳи ич кўйлагини ажратиб қўйди. «Қайси кўйлагимни кийсамикин, бир вақтлар эрим ёқтирган зарҳал йўлли ҳаворанг кўйлагим қалай экан?» Аммо уни кийиб кўргач, дарҳол ечиб ташлади: ўтган йиллар давомида шунчалик озиб кетганидан, кўйлак ҳалпиллаб, беллари осилиб қолган эди. Йўқ, ўзи тиккан қора кўйлагини кия қолади: ёқасини бежаб, белига рангдор белбоғ тақади.

Дастурхон тузашга киришишдан аввал, Элен эри ёқтирган таомларни эслашга ҳаракат қилди. 1945 йил Францияда ҳали аҳвол оғир эди. Бирини топсанг, бири йўқ... Эри эса шоколадни ҳам ёқтирар эди. Шоколад топиб бўлармишми? Яхшиямки, кичкинагина шахсий хўжалиги бор. Шу туфайли товуклар тухум бериб туради. Эри доимо: «Қуймоқни ҳеч ким сендек мазали тайёрлай олмайди» деб мақтарди. Рено яхна гўштни, қизартириб пиширилган олмани ҳам хуш кўргучи эди. Лекин шардейлик қассоб икки кундан бери дўконни очмай қўйди... Элен ўтган куни сўйилган товугини яхшилаб қовурди. Қўшни қишлоқдаги дўкончи яширинча шоколад сотар экан, деб қўшнисидан эшитган эди, бориб-келишга аҳд қилди. «Соат саккизда кетсам, тўққизгача қайтиб келаман... Кетгунимча дастурхон тузаб қўйсам, келгандан кейин фақат ошхонада банд бўламан», ўйлади Элен ва ишга киришиб кетди. У жуда ҳаяжонланган, шу билан бирга, беҳад шод эди. Ҳаво шунақа ҳам яхши эдики... назарида ҳеч қачон офтоб бунчалар чарақламагандек... Элен ширин хаёллар билан дастурхон тузашга тушди:

«Қизил катак оқ дастурхонни ёзаман. Тўйимиздан кейинги илк бор ёзган дастурхонимиз шу. Пушти ликопчаларнинг гуллари Ренога жуда ёқарди... Бир шиша вино ва гуллар қўяман. Ахир у столда гул бўлишини қанчалар яхши кўрарди: «Гулларни ҳаммадан ҳам чиройли дасталайсан», — дерди такрор-такрор.

Элен уч хил гул: оқ мойчечак, қизил лола, бинафшани дасталади, шинамгина безатилган хонани ўзи узоқ томоша қилди.

Ростданам ҳамма нарса жойида эди.

Не-не бахтиқароликларга дучор бўлган Рено шунча жудоликдан кейин уй-жойи ва хотинини ўша-ўшалигича кўриб қувониб кетса керак... Деразанинг бу томонидан туриб Элен катта тошойнага қаради. Озгина озганини айтмаса, ўзи ҳам деярли ўзгармабди. У бахтиёрликдан гангиб қолаётганини ҳис қиларди...

«Ётар! — деди ўзига-ўзи, — тезроқ бора қолай... Соат неча бўлдийкин? Вой, тўққиздан ошибди-ку! Бу ишлар ўйлаганимдан кўра кўпроқ вақтимни олибди-да. Поезд соат ўн иккиларда келади, деган эди оқсоқол. Мен ундан аввал қайтаман». Сўнг, уйдан шошилинч чиқиб кетди...

Леймарилар уйи қишлоқ чеккасида бўлгани учун ҳам кўзлари чақноқ, орик солдатнинг боғ томон ўтганини ҳеч ким кўрмади. У чарақлаган офтобу хушбахтликдан, асаларининг гўнғиллашидан гулларга мафтун боқиб, бир муддат мастона туриб қолди. Кейин оҳистагина чақирди:

— Элен!

Ҳеч ким жавоб бермади. У яна бир неча бор: «Элен! Элен!» деб чақирди. Жавоб бўлмагач, хаёли қочиб, дераза ёнига борди: икки киши учун тузалган дастурхон, гул ва винони кўриб юраги гупиллаб уриб кетди. У бир муддат деворга суяниб қолди.

«Ё раббим! Хотиним ёлғиз эмас экан!» — ўйлади Рено.

Бир соат кейин Элен қайтиб келганида қўшниси унга:

— Ренони кўрдим, у чопиб кетаётган экан. Шунча чақирсам ҳам, қайрилиб қарамади, — деди.

— Чопиб кетаётувди, дейсизми? Қайси томонга кетаётувди?

— Тевьер вокзали тарафга.

Элен аввал оқсоқолниккига югурди, у ҳеч нарсадан хабарсиз эди.

— Жуда кўрқяпман, шундай кўрқяпманки, оқсоқол жаноблари. Унинг феъли тор, жуда рашкчи. Икки кишилик дастурхон тузалганини кўриб... Узини кутаётганлигимни билмаган. Ҳозирнинг ўзидаёқ уни топиш керак, оқсоқол жаноблари, топиш керак! У энди бутунлай қайтиб келмаслиги мумкин. Мен уни шундай севаманки!..

Оқсоқол вокзалга велосипедчи юборди, полициячиларни огоҳлантирди, аммо Рено Леймари ғойиб бўлган эди. Элен иссиқдан сўлиган гуллар ва тузалган дастурхон ёнида туни билан туз тотмай тонг оттирди.

Орадан бир кун, бир ҳафта, бир ой ҳам ўтди. Бу бахтсиз кундан сўнг яна қанча йиллар ҳам ўтдики, эридан ҳамон дарак йўқ...

Рено ўқигач қайтиб келар, деган умидда бу ҳикояни ёздим.

Француз тилидан **Назира ЮСУПОВА** таржимаси



МЕН СЕНИ ҮЙЛАЙМАН

Амирқул Каримов

* * *

Куз. Мезон қушларни нурга ҳайдайди,
Қуш каби талпинар сенга хаёлим.
Мени олис юртга кузатиб қўйиб,
Онажон, не кечди сенинг аҳволинг?!

Яйдоқ майдонларда экилган умринг:
Ҳасрат қувончини тергунгми бетин?
Онажон, этакка сиғдими улар,
Айтгин кўтармоққа етарми кучинг?!

Қадоқ қўлларингни тилган чаноқлар,
Хайрихоҳ дилимга солдилар оғриқ.
Онажон, дунёнинг юки елкангда,
Сезмайсан, сен менга тилайсан соғлик.

Мен соғман. Бахтиёр эмасман лекин —
Оғир заҳматингга эш бўлолмадим.
Сезаман ўзимда чўнг гуноҳкорлик,
Пахта қанча бўлди, гоҳ биллолмадим.

Гавжум гўшаларда мўъжизаларга,
Боқдим, кимлигимни унутдим гоҳи.
Онажон, дардларинг ёдимга солгин,
Қийналсанг чорлагин, бўлай паноҳинг.

Мен сени ўйлайман оларкан сабоқ,
Сўзлар ахтараман, берай деб далда.
Инқилоб бешиги — Россия бу чок,
Жўшқин дардларимга айтади алла...

Пётр саройидаги фаввора

Ҳисларимга ўзан бўлган роҳ,
Мўъжизага борарди бошлаб.
Менинг содда ҳайратим ногоҳ,
Гўзалликни симирар титраб.

Ажаб дедим дуч келганида:
«Мўъжизалар ичра сараси».

(Айирарди Самсон шер жағин,
Кўкка сачрар унинг наъраси.)

Шамойили қувнатса ҳам кўз,
Недир дилни кемирар эди.
Одамларнинг чанқоқ ҳайрати,
Шер наърасин симирар эди.

* * *
Иккимизда ишқ мавжлари оқодир,
Сен — Сайхунсан, мен — Жайхунман, севгилим.
Қовушмоқдан ўзга йўллар хатодир,
Топишмасак қалблар ғамдан минг тилим.

Мен — Жайхунман, кел, Сайхуним, берироқ,
Васлинг ағёр дилларини доғласин.
Севгимизнинг тақдирини бағри оқ —
Орол бўлиб — Ўзбекистон боғласин!

Ихтиёр Ризо

Наво

Улуғ инсон, бастакор, академик Юнус Ражабийга бағишлайман.

САРАҲБОРИ НАВО

Тошлар:
хилма-хил рангда,
хилма-хил бичимда.
Тошлар абадий,
абадият ичинда.
Тошларнинг устида
қатор-қатор
номлар,
кунлар,
йиллар,
тиллар,
тилақлар,
орзулар!..

1. ТОШДАГИ ТАРОНА

Ҳар йил
қадам босганда,
бу ерларга, баҳор,
чечаклар, гуллар
барг ёзиб ўсганда,
бизларни,
авайлашингиз,
улуғлашингиз
шарт эди
дунёда, дунёмизда!..

2. ТАЛҚИНИ БАЁТ

бир замон:
мартабалар, унвонлар,
шуҳрату шонлар,
дақиқалар, онлар,
тўда-тўда конлар
меники бўлган.
Ўзаллар, гуллар
майин-майин
юзимга ифорин

сочиб қувнашган.
Афсус... афсус!..

3. НАСРИ БАЁТ

Неча-неча
тилларда, элларда;
қалин-қалин,
юпқа-юпқа қоғозларда;
катта-кичик мажлисларда;
нозик, ўзал
олижаноб ҳисларда;
оддий бир ўтиришларда
мен эдим,
мен эдим!..

4. ТОШДАГИ ТАРОНА

Мени тинч қўйинг.
Истамайман
чечакларни, гулларни!..

5. ОРАЗИ НАВО

Тўйларда,
азаларда,
ишларда,
ташвишларда,
мен ҳам бор эдим,
бор эдим!..

6. ТОШДАГИ ТАРОНА

Менга қолдиринг:
азобларимни, азиятларимни,
расмиятларимни.
Фақат ўзимга қолдиринг.
Ҳеч нарсангиз
керакмас менга:

на ҳимматингиз,
на шуҳратингиз,
на дабдабангиз.
Ҳеч нарсангиз
керакмас менга,
ҳеч нарсангиз!..

7. ТОШДАГИ ТАРОНА

Умидли-умидсиз,
орзули-орзусиз,
истакли-истаксиз
хоҳламасам-да
тошга айландим.
Бора-бора
тош бўлиб,
ёшга айландим.
Тошларнинг ичинда,
тошларнинг ичинда!..

8. ҲУСАЙНИН НАВО

Қара:
тош тошни авайлар,
тош тошни қитиқлар.
Ёстиғи тош,
кўрпаси тош,
атрофи тош,

бағрини ўйиб
ёзгани ҳам тош,
тошли,
ёшли салтанатимнинг!..

9. УФОРИ БАЁТ

Тўхта!
Меҳрибоним,
тўхтаб ўт бир он,
бу ер абадият...
Секин бос қадамингни
ости тошдир, ҳа!
Тўхта!
Кўриб турганларинг
дўстдир,
қариндошдир ҳа!
Дунёдан бевақт ўтган
уйғонар,
ҳали ёшдир, ҳа!
Тўхта!
Тўхта дедим:
гап кўзғалди
бу бир ташвишдир,
ташвишдир, ҳа!
Сенинг айланганинг
бир қора тошдир,
тошдир, ҳа!..

Олимжон Бўриев

Бир дилли икки халқ

Қадим, шеър аршидек юксалган Ҳирот,
Икки халқ дўстлигин айлади бино.
Бугун қўл ушлашиб икки буюк зот,
Икки халқ дилида оқар бир дарё.

Помир тоғларидан жўшиб Аму, Сир,
Орол денгизига келиб етгунча,
Сувин тенг улашиб бормоқда ахир,
Икки халқ дилида очиб бир ғунча.

Инқилоб байроғин кўтариб баланд,
Қаламдош дўст бўлди Ҳамзаю Айний.
Мирзо болаларга улашганда қанд,
Бағрига босарди Ғафур баайни.

Буюклар изма-из боришар зотан,
Қашқа воҳасидан эсди бир шамол.
Бугун Абдулланинг шеърдан Ватан,
Топди бир тароват, ўзга бир камол:

«Олис сарҳадларда таралиб охи,
Кезар Альянденинг қонли арвоҳи».
Шоир хаёлида чарх урар дунё,
Шоир хаёлига йўқдир интиҳо.

Сатрлар куйилиб келар галма-гал,
Унинг юрагида кўзгаб ғалаён:
Шонли Ўзбекистон — нақадар гўзал,
Ҳали битилмаган шукуҳли дoston:

Она сайёранинг тинчлигин ўйлаб,
Кунглини тирнайди сўлиб қолган гул.
Буюк Ибн Сино тарихин сўйлаб,
Кўкрак қафасида сайрайди булбул.

«Шаҳидлар қонидан қизарган тупроқ,
Маъзур тут мен қадам кўйганда ножо.
Бир коса сув узат, томоғим чанқоқ,
Кўшилган бўлмасин одам қони то» —

Нечоғ ҳайқирмоқда Мўмин Қаноат,
Юрак-юракларни титратар садо.
Шоир орзусига лозимдир шафқат,
Ягона истаги: тинч бўлсин дунё!

Бир сафда қардошлар куйи безавол,
Аждодлар номидан сўзлайди Лойик:
«Ёр наслимни унга пайванд эта қол,
Мен сўнгги суғд бўлиб қолмай халойик.

Қуёш агар Шарқдан Ғарбга оғаркан,
Жилғалар тоғлардан пастга оқаркан,
Тирикчилик, орзу-ҳавас бўларкан,
Ҳофиз шеъри май косаси тўларкан»,

Халқим абад яшар, дунёда боқий
Дўстлик ўлкасида, бузилмас девор.
Қардошлик жомини тўлдиргил соқий,
Бирлик йўқолмасин, бор бўлсин баҳор!

* * *

Сен мени билмайсан,
Дарду дилимни,
Қайси кўчалардан юришимни ҳам.
Маъсум нигоҳларинг сирғалиб тушса,
Уни кўзларимга суришимни ҳам.

Сен мени билмайсан,
Елғизлигимни,
Елғиз сени яхши кўришимни ҳам.
Қалбинг осмонидан ишқ юлдузини,
Бир куни бенарвон уришимни ҳам.
Сен мени билмайсан...

* * *

Сизда бордир, «ғалат истеъдод»,
Балки менга шундай туюлди.
Хаёлингиз бамисоли от,
Ҳар томонга чопди, суюлди.

Тўрғай каби қўшиғингиз ҳам,
Етиб борди аллақайларга.
Бир ҳолатда қайтдилар сархам,
Жўр бўлмай ҳазин найларга.

1 Сархам — бошини эгиб.

Қаҳ-қаҳ!
Ерда ожиз ҳақиқат,
Юлдузларга етмайди қалам.
Сиз бўғишни ўйлайсиз фақат,
Бўғиласиз, қилади алам.

Оҳ, инсонни тушуниш оғир,
Ҳамда унинг фикрига етмоқ.
Лекин жуда, жуда осондир,
Юксалмасдан тубанлаб кетмоқ.

Абдужалил Хўҷамов

* * *

Оқшом. Шамол. Бедазор
Ётар кўлдай чайқалиб.
Тўрт тарафда тутқатор —
Юртнинг ипак сайқали.

Синчкор ўйли қишлоқни
Пойлар соқчи тераклар.

Ойни, қизни, овлоқни,
Қўмсар энди юраклар.

Бодомлар айтади роз,
Тинглар гувала девор.
Риштон тунларида ёз
Ишком оралар бедор...

* * *

Тонг отар жуда эрта,
Кун ботади кеч-кеч.
Жоним, висол учун бу
Туннинг умри ҳеч-ҳеч...

Шамолларга айтайлик
Шамшир бўлиб эссинлар.
Кундузнинг бўй-энидан
Оқшом учун кессинлар.

Баланд-баланд тоғларга
Айтайлик эгиб бошни,
Тик чўққилар ортида
Тутиб турсин қуёшни.

Дарёларга айтайлик
Оқсинлар чўғдай қизиб,
Олиб кетсин кундуздан
Парча-парча оқизиб.

Алвон-алвон уфқлар
Кунботарда порласин,
Хаёл сурган қуёшни
Оғушига чорласин.

Тонг отар жуда эрта,
Кун ботади кеч-кеч.
Жоним, висол учун бу
Туннинг умри ҳеч-ҳеч...

Сувчи

Сувчи юрар пайкал оралаб,
Совисин деб, чайлада чойни.
Кескир кетмонида парчалаб
Эгатларга оқизар ойни.

Ниҳолларни тонгга элтувчи,
Пушталарга қўнар намхуш тун.
Ҳисоб берар осмонга сувчи,
Ойнинг ҳар бир томчиси учун.

Уватларда ўйнар саратон,
Дамбаларда изи қолади.
Сувчи, ногоҳ, уфқларда тонг
Ёришганин сезиб қолади.

Кескир кетмонида парчалаб,
Эгатларга оқизиб ойни
Шийпон сари кетар етаклаб
Ҳорғин шамол — ўйноқи тойни...

Тўртликлар

Керакмас унга ҳеч ортикча ранглар,
Табиатнинг ўзи асли кўзмунчок.
Сохта безак худди жонсиз қоғоз гул,
Бўёқ билан чирой сақланмас узоқ.

* * *

Камтарлик мисоли туганмас булоқ,
Ҳурматни сув каби доим мўл этар.
Манманлик жиҳати гиёҳсиз қумлоқ,
Бор-йўғинг симириб охир гул этар.

* * *

Бекорчи гўёки занглаган жисм,
Турган жойидаёқ чирир дам-бадам.
Оловнинг тафтига тобласанг, яна
Буюм қаторига киради у ҳам.

* * *

Ношукурми, дейман, инсон гоҳида:
Бир томчи сув учун зориққанда у,
Нафсиз бўлса ҳамки кичик рўзгорга.
Намакоб денгизни этади орзу.


Акбар Алиев

Мақсад

Қасрлар қурмоққа менда ожиз қўл,
Қасрлар қурмоққа етмас умрим ҳам.
Инсонлар қалбига қидирдим мен йўл,
Покиза қалб, айтинг, қай қасрдан кам?

Садоқат

Бир қултум сув ила ютгудек хилқат,
Қўлларин тутардим этмаса миннат.
Бир умр, олдида тиз чўкардим мен,
Бир умр, этса у менга садоқат.
Хилқат дедим: шудир тил ифодаси,
Сўзларин тингламоқ кўнглим шифоси.
Пойида тиз чўкай, майлига ҳар зум,
Садоқат гардини кўзимга суртгум.



Тамара Ёқубова

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ...

Республика киночилар уюшмасининг ташаббуси билан Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг (ВГИК) ўзбек актёрлик курсига қабул эълон қилинганда юзлаб йигит-қизлар Москвада таълим олиш истагини билдирган эдилар. Қабул комиссияси улар орасидан энг иқтидорлиларини саралаб олди.

Талабалар машҳур кино ва театр артисти Борис Петрович Чирковдан сабоқ ўргандилар. Устозлари иштирок этган фильмларни ва спектаклларни кўриш бўлғуси актёрлар учун катта мактаб бўлди.

Борис Петрович ўзидаги фидойиликни шоғирдларига ҳам юқтира билди. Вақти доимо зиқ бўлса-да, талабаларини ўз ҳолларига ташлаб қўймади. Улар билан ота-боладай бўлиб кетди. Устознинг эшиги шоғирдлари учун ҳамшиша ланг очик эди. Ҳамюртларимиз катта санъаткорнинг уйига маслаҳат сўраб боришар, кўнгилларидаги ўй-фикрларини ўз ўртоқларига сўзлаётгандай ошқора айтaverардилар. Устознинг фозиллиги шоғирдларда чуқур ҳурмат уйғотган эди. Шу боиски, улар Борис Петровичнинг вафотидан кейин ҳам бошқа мураббийлар қаноти остига ўтиб кетмадилар. Улар ҳамшиша ва ҳар ерда Чирковнинг издошлари бўлиб қолишни кўнгилларига туккан эдилар. Ахир, бу талабалар улуғ устознинг энг биринчи ва энг сўнгги талабалари эди-да!

Ўзбек актёрлари курсини ВГИКда ҳали-ҳануз ҳурмат билан тилга олишади. Борис Петрович Чирков фақатгина аҳил курс яратиб қолмасдан, фаол, изланувчан ва интилувчан, ўта яқдил ижодкорлар коллективини ярата олган эди. Чирковнинг шоғирдлари тўрт йиллик ўқиш мобайнида бешта спектаклни саҳналаштиргани бунинг ёрқин далилидир. Ҳамюртларимиз Москвада юрганларидаёқ, Тошкентга қайтиш билан янги театр труппаси ташкил этамиз, ўшанга яраша репертуарни ҳозирдан яратиб олганимиз маъқул, деб ўйлашарди. Саҳналаштирилган бешта спектакль — аини ўша репертуар эди. Ёшлар орзу қилган театр эса... Йўқ, бу ҳақда сал кейинроқ гапирганимиз тузук.

Ҳозирча Москвага ўқишга борган ёшлар билан яқинроқ танишиб олайлик.

Улардан бири — Баҳром Матжонов. Тўғриси, Баҳром кино артисти бўлишни кўпдан орзу қилмаган эди. У ғоят серҳаркат, эпчил ўспирин эди, циркни яхши кўрарди. Лекин цирк борасида омади чопмади — билим юртига ҳужжатларини топишолмади. Ноилож, Маданият институтининг режиссёрлик факультетига кириб ўқий бошлади. Маълумки, режиссёрлик факультети талабалари

вақти-вақти билан «эюд» деган сабоқдан имтиҳон топширадилар. Баҳромнинг дастлабки этюди ҳам цирк санъатига дохил эди — «Қанотли одам» деб номланган пантомима. Бунда у учишга иштиёқманд ғалати бир одамнинг табиатини бирорта сўз ишлатмай, нуқул имо-ишоралар билан тасвирлаб беролди. Этюди имтиҳон этувчиларга жуда маъқул бўлди. ВГИКка қабул эълон қилингандан хабар топиб, мен ҳам ўзимни бир синаб кўрсам-чи, деб ўйлади. Синаб кўрди ҳам. Қабул комиссияси Баҳромнинг «Ғаввос» номли этюдини яхши баҳолади. Улар йигитдаги ҳаракатлар пластикасини яхши пайқадилар, қолаверса, унинг мусиқани ҳис этиши ҳам дурустгина эди. Маълумки, кино санъатида рақс ва трюкларга бой м ю з и к л деган жанр бор. Баҳромнинг истеъдоди аини шу жанрга жуда мос эди.

Баҳромнинг кинодаги илк роли мюзиклдан анча йироқ эди: у ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романи асосида суратга олинган «Ўйламай ўқ узма» фильмида Хўжакентга муаллим қиёфасида келган чекист йигит Мақсуд ролини ўйнади. Мақсуднинг вазифаси — ўзидан олдин келган икки муаллимни ўлдирган душманларни топиш эди. Сценарий автори Али Ҳамроев ва режиссёр Мухтор Оғамирзаев романнинг барча воқеаларини фильмга кўчирмасдан, саргузашт жанри талаб этадиган кескин ва қизиқарли воқеаларнигина танлаб олдилар. Шу боисдан, Мақсуд образи ички динамика ва теранликдан маҳрум бўлиб қолди. Лекин ёш ижрочи Баҳром Матжонов Мақсуд образидаги муҳим бир жиҳатни — ўз эътиқодига садоқат ҳислатини томошабинга етказа олди. Унинг қаҳрамони — ҳали анча ғўр, анча содда, лекин келажак йўлида ўзини фидо этишдан ҳам қайтмайдиган мард йигит сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади.

Кейинроқ Баҳром Матжонов М. Оғамирзаевнинг «Нобоп кўниш» номли фильмида учувчи Темир ролини ўйнади. Бу фильм кескин танқид қилинган кино муҳлисига яхши маълум. Лекин Баҳром Матжоновнинг қаҳрамони Темир образида талайгина ижодий ютуқлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Темир ролида ҳам Баҳром аввалги роли — Мақсуд образига етакчи ҳислатларни, хусусан, инсондаги беғаразлик, фидойилик, мардлик каби фазилатларни очишга муваффақ бўлди. Қолаверса, «Нобоп кўниш» фильми миллий заминдан ғоят йироқ экани билан томошабинларга ҳам, кино танқидчиларига ҳам маъқул бўлмаганию уни миллий замин билан боғлаб турувчи ягона восита — Баҳром Матжо-

нов яратган учувчи Темир образи эканини эслаш ҳам фойдадан холи эмас.

Кинода актёрнинг тақдири кўпинча сценариячи билан режиссёрга боғлиқ. Узлари шарт қўйиб, ўзларича образ талқин этадиган катта актёрлар жуда оз. Бизнинг ёш актёрларимиз ҳали у даражага етишганича йўқ. Шу маънода Баҳромнинг режиссёр Фиёс Шермухамедовнинг «Олмос камар» фильмидаги Алибек ролини ижро этганию ундан не сабоқ олганини айтиб ўтсак жониз. Алибек — ҳаётга энгилтаклик билан қарайдиган йигит. Фильм авторларининг таъкидича, йигит ҳарбий хизматдан қайтгач, бутунлай ўзгариб қолади. Тушунарлики, яхши томонга. Бу роль ҳажман жуда кичик. Алибекнинг ҳаётида не воқеалар кечгани кадрдан ташқарида қолади, томошабинга эса, тайёр натижа — Алибекнинг яхшиликка юз бургани тақдим этилади, холос.

Лекин бундай талқин Баҳромга ёқмади. «Қаҳрамонимнинг таржимаи ҳолини тузукроқ билмай туриб, унинг образини яратишдан ор қиламан, — дейди у. — Дейлик, Алибек образи... Бунақа йигитларни ҳаётда жуда кўп учратганман. Уларнинг яхшиликка қараб юз бурганларини ҳам кўрганман. Лекин сабабсиз, бирор турткисиз бўларканми бу ўзгариш?..»

Баҳром сўзининг устидан чиқди. Қаҳрамонига таржимаи ҳол топиб берди, қаҳрамони қалтис ҳолатларга тушиди, шундан сабоқ олди, натижа шу бўлдики, ундаги ижобий ўзгаришлар ҳам жуда табиий чиқди, томошабинда эътироз уйғотмади.

Биз Баҳромдан: «Йўнаган ролларингиздан қониқиш олдингизми?» — деб сўрадик. Йигит сал ўйланиб туриб жавоб берди: «Умуман, суратга тушаётганимиз яхши, лекин... ҳозир айтган гапим: умуман суратга тушаётгандайми... Ношукурлик бўлса ҳам айтишим керак, актёрликка ўқиб келгандан кейин, шу ҳунлардан нон егандан кейин... сал теранроқ, жонирроқ, реал, ҳаммага таниш кишилар образини яратинг келади. Афсуски, бундай кишилар тасвирланган адабий сценарийлар жуда кам, йўқ ҳисоби.»

Шу сабабдан бўлса керак, Баҳром кейинги пайтларда классикага мурожаат қияпти. Ҳозир у Ҳамза номидаги Академик театр саҳнасида Гоголнинг машҳур «Ревизор» комедиясидаги Хлестаков ролини муваффақиятли ижро этмоқда. Театр саҳнасида Ойдин Норбоева, Ёқуб Аҳмедов каби номдор артистлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

«Ўйламай ўқ узма» фильмида Баҳром Матжонов билан биргаликда Сайдулла Мўлдахонов ҳам иштирок этган эди. Сайдулла ҳам Борис Чирковнинг шогирдларидан. У мактабни тамомлаб, Москвага, Театр институтига борди. Имтиҳонларни топширди-ю, лекин «мандатдан ўтолмади». Келаси йили бахтини синаб кўрмоқчи бўлиб, яна Тошкентга қайтиб келди, бу ерда тракторсозлик заводида чилангарлик қилиб юрди. Заводдаги ҳаваскорлар тўғарига аъзо бўлди. Завод агиттеатри составида БАМ қурилишига борди, ВДНХдаги кўриқларда қатнашди. Кейин ВГИКка ўқишга жўнади...

Сайдулла «Ўйламай ўқ узма» фильмида Шерхўжа ролини ўйнади. Дастлабки матнда бу образ нуқул қора бўёқлар билан тасвирланган бўлиб, теранлиқдан холи эди. Сайдулла бу образни жонлантириш учун анча тер тўқди. Натижада Шерхўжа унинг талқинида биз кўравериб тўйиб қолган золим қўғирчоқ эмас, балки анча чуқур, қилмишлари далилланган, ақлли ва фаросатли душман шаклини олди. Сайдулланинг Шерхўжасига томошабин тўла ишонди. У ғоят ёвуз, қаҳри қаттиқ одам, совет ҳукуматида нисбатан нафратига собит туради. Шерхўжа образининг табиийли-

ги ўз навбатида чекист йигит Мақсуд ролини янада бўрттириб кўрсатишга ёрдам берди.

Сайдулла Мўлдахоновнинг ижодий диапозони анча кенг. Зиновий Ройзмanning «Чўққидаги учрашув» фильмидаги карвонбоши, қизиласкар ва Қамара Камоловнинг «Набирамиз милицияда ишлайди» фильмидаги ашаддий жиноятчи, қотил образлари характер жиҳатидан ҳар хил — ижобий ва салбий, бош ва эпизодик роллардир. Ролларнинг турли-туманлиги ёш актёрдан теран билимни, етук истеъдодни талаб этади. Сайдулла Мўлдахоновнинг бу ролларни бирдай эҳтирос билан ижро этгани бу актёрдан келажакда юксак ижодий ютуқларни кутишга асос бўла олади.

Борис Чирковнинг талабалари орасида энг «сермаҳсули» — ёш актёр Жаҳонгир Файзиевдир. У суратга тушган фильмларнинг сони эллиқдан ҳам ошиб кетган.

Жаҳонгир илк бора кинога тушганида эндигина ўн ёшга кирган эди. Ушанда у Л. Бобохоновнинг «Мовий осмон қўйнида» номли телевизион фильмида Искандар исми бола ролини ўйнади. Фильм Улуғ Ватан уруши мавзусида эди. Искандар отасининг урушда ҳалок бўлганини ногоҳ билди қолади-ю, онасидан сир сақлайди. Оғир мусибатни кичик елкасида кўтарган, уруш касофати туфайли болалик завқидан айрилиб, жуда тез улғайган қаҳрамоннинг образи Жаҳонгирнинг ижросида жуда яхши чиққани эсимизда. Жажжи актёрнинг роли яхши чиққанига яна бир сабаб — Искандарнинг онаси ролини Жаҳонгирнинг ўз онаси, ЎзССР халқ артисти Ойдин Норбоева ижро этганига ҳам боғлиқ. Жаҳонгир киночилар оиласида ўсиб-улғайди. Онаси — ғоят талабчан актриса, муҳими, у аини фазилатини ўз фарзандига ҳам сингдирга олди.

Жаҳонгирнинг энг яхши чиққан ролларидан бири — режиссёр Али Ҳамроевнинг «Бахт қуши изидан» номли фильмидаги тиниб-тинчимас, ўта ҳаллпараст ва тоғагон бола — Фаррух образидир. Ҳамроевнинг бу картинаси услубий жиҳатдан жуда мураккаб, шоирона ташбеҳлар ва образларга бой; фильм XVI асрда яшаган ёш шоир ҳақида ҳикоя қилади. Ёш шоир дунёни теранроқ англашга, ҳаёт мантиқини билиб, адолат ўрнатишга интилади, бироқ ҳар қадамда шафқатсизлик ва мунофиқликка дуч келаверади. Фильмнинг асосий фалсафий-ғоявий юки Фаррух образида мужассам бўлмоғи керак эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Жаҳонгирнинг олдида турган вазифа ҳам ғоят чўнг эди. Мазкур фильмнинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кино фестивалида «Қумуш товус» мукофотини олганидан билиш мумкинки, Жаҳонгир ўз вазифасини уддалай олди. Одатда болалар ва ўсмирлар ҳақидаги фильмларда ижрочиларнинг ёшларига мос ўйинқароқликлари, соддаликлари жуда қўл келади. Лекин аини фильмда аҳвол сал ўзгачароқ эди. Фильм қаҳрамони оддийгина ўйинқароқ ўспирин эмас, балки дунёни ғоят шоирона идрок этадиган жиддийгина ўспирин эди. Бу образ ижроқидан юксак актёрлик техникасини ҳам талаб этарди, қолаверса, бу образ рамзийликни, маълум даражада шартлиликни ҳам тақозо қиларди.

Бундан бир неча йил олдин таниқли режиссёримиз Латиф Файзиев Жиззах қўзғолони мавзусига бағишланган «Ўйғониш» номли фильми суратга олди. Бу фильмда ёш актёр Жаҳонгир Файзиев Муҳаммади ролини ижро этди. Муҳаммади — асли темирчиннинг ўғли. Лекин у боининг қўлида тарбия топган, келажакда шу бойга тегишга заводга эга бўлишни орзу қилади. Ана шу йигит охир-оқибатда кўзи очилиб, қўзғолончилар сафига келиб қўшилади. Жаҳонгирнинг қаҳрамони

анча машаққатли йўлни босиб ўтади. Ёш актёр ана шу ролни жуда ишонарли қилиб чиқара олган. Жаҳонгир Файзиев ижро этган яна бир роль — «Чўққидаги учрашув» фильмидаги Худойберди роли ҳам мазмун жиҳатидан Муҳаммади ролига яқин туради. Бу фильм ҳам Туркистондаги граждандар уруши мавзусида. Худойберди — батрак фарзанди, лекин бойлар исканжасига тушиб қолган. Фильмда у босмачилар гуруҳига саркорлик қилади. Ёш актёр бу образни жуда чуқур, психологик жиҳатдан ишонарли талқин этди.

Жаҳонгир учун ролнинг катта-кичиги йўқ. У ҳар қандай ролни берилиб ўйнайди. Режиссёр Элёр Эшмухамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги» фильмида сарой шоири Умарий образи бор. Шу образда режиссёр фильмининг бош қаҳрамони — буюк олим ва маърифатпарвар Абу Али ибн Синога тамоман зид, ўлғудай айёр, чапдаст, хурофотга муккасидан берилган кишини кўрсатмоқни мақсад қилиб кўйган эди. Умарий роли — жуда қисқа, жуда кичикдай туюлса-да, роль ижросиси Жаҳонгир Файзиевнинг айни образни тўлақонли ва лўнда қилиб ижро этганини таъкидлашимиз керак.

Борис Чирков талабаларидан яна бири ва бизнинг назаримизда энг кўп шуҳрат топгани — Бахтиёр Зокировдир. У «Даҳонинг ёшлиги» фильмидаги бош ролга таклиф этилганида энди иккинчи курсга ўтган эди. Тўғриси, у Абу Али ибн Сино ролидек масъулиятли ролга тасдиқланишига дастлаб ишонмайроқ юрди. Масъулият буюк эди. Қомусий аллома Абу Али ибн Синонинг номи ва ишлари Шарқ тарихида ғоят зўр ўрин тутайди. У юртимиз санъати, фани, маданияти учун замин яратганлардан бири, умр бўйи адолатни деб курашган ғоят саботли, ёвузликка муросасиз бир инсон. Бахтиёрнинг бу ролдан чўчигани бежиз эмасди. Негаки, у ҳали жуда тажрибасиз эди, билими ҳам унча теран эмасди. Ҳали сўяги қотмаган ёшгина актёр даҳо ролини эплай оладими?

Бу фильм яхши чиқди. СССР Давлат мукофоти-га сазовор бўлди. Бахтиёр жуда кийналса-да, режиссёр, сценарист ва ёнма-ён суратга тушган етук актёрларнинг ёрдами ва маслахати билан даҳонинг ёшлигини келиштириб ўйнашнинг уддасидан чиқди.

Шу фильмда чеккан риёзатини ёш актёрнинг ўзини билади. Меҳнат оғир бўлгани ростдирки, у кейинчалик таклиф этилган роллардан бўйин товлайдиган, камроқ суратга тушадиган бўлиб қолди.

Бунинг сабаби нимада? Уртамиёна фильмларда ролларни ижро этишга хоҳишнинг йўқлигидами? Балки ўз ишига талабчанроқ бўлиб қолганидами? Бизнингча, бу важдларнинг барисиди ҳам жон бордай. Ҳар ҳолда, ибн Синодек даҳо ролини қойиллатиб ўйнагандан кейин «кўртача» роллардан ҳар қандай актёр ҳам чўчиб қолади. Бахтиёр — ориятли йигит, аввал эришган ютуғи поғонасидан пастга тушгиси келмайди.

Бахтиёрнинг кейинги роли — режиссёр Мелис Афзаловнинг «Бўри» номли фильмидаги бош қаҳрамон ролидир. Маълумки, бу режиссёр, гарчи сал кийнаиб бўлса-да, ўз ижодида миллий бўёқларни кўпроқ ишлатишга уринаётган ижодкорлардан бири. Фильм қаҳрамони Бўрининг бошидан кўп савдолар кечган. У отадан жуда эрта етим қолгач, чекист Тўхтаев билан шаҳарга кетади. Бирор ўн йил ўтиб она қишлоғига қайтиб келади, шу ерда бир қизга кўнгиб қўяди, лекин у қиз йигитнинг кўнглига эшлик қилолмайди. Шу ердан фронтга кетади, жангларда чиниқади. Фильмининг муваффақиятли чиққанига сабаб —

қаҳрамоннинг таржимаи ҳоли аниқ эканида. Ҳақиқий ҳаёт мактабини ўтаган Бўрининг хатти-ҳаракатлари ҳам бирдай ишонарли. Биз ҳали экранга чиқиб улгурмаган фильмининг сюжетини тўла айтиб ўтирмаймиз. Фақат бир нарсани — Бўрининг чекига тушган қийинчиликлар яна кўп бўлишини ва Бўри уларнинг ҳаммасини сабот билан енгиб ўтишини эслатсак кифоя.

Биз Борис Петрович Чирков таълимини олган ёш актёрларимиздан атиги тўрттасини тилга олдик. Қолган тўққизтасининг тақдири ҳам шу тўрттасининг тақдирига сал бўлса-да, ўхшаб кетади: улар ҳам актёрликка ўқишган, ҳозирда изланишяпти, суратга тушишяпти. Шундай қилиб, Москва мактабини кўриб келган ўн уч нафар ёш ижодкоримиз бор. Уларнинг келажакдаги тақдири кўп жиҳатларга боғлиқ. Энг аввало — студия раҳбарларининг ғамхўрлигига, қолаверса — режиссёр ўртоқларнинг бағри кенлигига! Ҳозирча уларнинг ижоди ҳақида тўлқинланиб ёзиш ножозирроқ. Услублари эндигина шаклланиб келяпти бу ёшларнинг.

Энди мақола бошида тилга олиб, гапимиз ниҳоясига ташлаб қўйган масалага қайтсак...

Айтган эдикки, ўн уч ёш актёр тўрт йил ўқиш давомида бешта мустақил спектакль тайёрлади, деб. Институтда ҳалигача бирор курс ёки группанинг шунча сахна асарини кўйганини ҳеч ким эслай олмайди. Бу борада бизнинг ҳамюртларимизнинг пионер бўлишгани аён. Улар баъзида тунлари ҳам институтга қолиб кетишар, баҳс юритишар, орзу этишар, муҳими, ўша беш спектакль устиди тер тўкишар эди. Беш спектакль тайёр бўлса, кейин ўн уч нафар йигит-қиз Тошкентга қайтамиз, ўша жойда театр-студия тузамиз, халққа томоша кўрсатамиз, деб ўйлашарди.

Тўрт йил бир пасда ўтиб кетди. Ёшлар Тошкентга қайтиб келишди. Келиб кўришсаки, улар орзу қилган студия номига тузилган экан-у, бир иш қилинмас экан. Студия штати киностудия қошидаги актёрлар томонидан бўлиб олинган ва улар ўзларининг фильмларда иштирок этиш ёки этмаслигига қараб маош олиб юраверар эканлар. Ўн уч нафар ёш йигит-қизларимиз ҳам келибоқ ўшаларнинг сафига тушдилар. «Ўзбек-фильм»нинг имконияти маълум: бешта жўн кинофильм ва бешта телевизорда қўйиладиган фильм; баъзида битта-иккита ошиши ҳам мумкин. Йилга ўн-ўн икки фильм олингандан кейин, уларда банд бўладиган актёрларнинг ҳам сони чекланган. Бизнинг ёшларимизнинг ҳам тақдири шу бўлди: ярми роль ўйнаса, ярми шунчаки кузатувчи бўлиб қолаверди. Улар ўзлари Москвада тайёрлаган сахна асарларини кўймоқчи бўлиб уринишди. Лекин ҳамдард топишолмади, қолаверса, ёшларнинг истагини қўллаб, уларга саркорлик қиладиган меҳрибон устозлар чиқмади.

Томоша кўрсатадиган жойининг йўқлиги, саркорнинг йўқлиги уларнинг ҳавасини анча сундириб қўйди. Штатда юришса ҳам, режиссёрларнинг назарларига тушавермагач, уларнинг ҳафсаласи тамом пир бўлди.

Уларнинг аввалги жипслигига ҳам дарз кетгандай эди. Энди собиқ курсдошлар олмавий сахналардагина иштирок этишар, пахта мавсуми бошланган пайтларда «Ўзбекининг кичиги» бўлиб теримга чиқиб кетишарди.

Ўн уч ёш актёрнинг ВГИКни тамомлаб келганига уч йил бўлди, айримлари ҳарбий хизматни ўтаб қайтишди, лекин ҳалигача бирор кескин ўзгариш бўлганича йўқ. Тўғри, киноактёрлар студияси эндиликда «театр» номини олди, уларга эски Киночилар уйи ажратиб берилди, лекин ҳозиргача янги ижодкор коллектив яралмади. Бошқа

шаҳарларда, дейлик, Москва ёки Тбилисида шундай театр-студиялар бугунги кунда катта шухрат қозонган, бу даргоҳлар доимо гавжум. Бизда эса, гарчи ҳозирги кунда жой ва ижодий кадрлар етарли бўлса-да, орзу этилмиш ижодий коллектив вужудга келмаяпти. Бунинг сабаби нимада?

Энг аввало — кино актёрининг кино режиссёрига ўта қарам эканлигида. Мабодо актёр киностудия ҳисобидан маош оладими, демак, у киши съёмка майдончасидан бир қадам ҳам четга жилмаслиги керак! Ҳозирча шу қоидадан чекиниш йўқ. Бу борада театр актёрларига мулозимат анча кучли. Съёмка плани кўпинча уларнинг театрдаги ишлари режасига мослаб тузилади. Агар театр актёри кинога тушиш учун бутунлай бошқа шаҳардан келган бўлса, унинг ҳурмати янада улгуроқ. Актёр ўз театридаги томошага улгуриши-учун барча шароит муҳайё: фильм директори самолётга билет олиб беради, аэропортга чиқариб узатиб қўяди. Хуллас, театр актёрининг ишлари «беш»!..

Съёмка майдонида келган киноактёрнинг аҳволи жуда оғир. Унга истаганча зуғум ўтказиш мумкин. Сабабини боягина айтдик — у киностудия ҳисобидан маош олади.

Агар кино актёрлари учун ҳам театрларнинг актёрларига берилган шарт-шароит яратилса эди, янги театр-студия фаолияти шунчаки яхши ниятлигича қолиб кетмасди. Кино актёрлари ўзларининг театрларида спектакллар қўйиб, санъат ишқибозларини хушнуд этган, шу баҳонада озми-кўп маҳоратларини оширган ва охир-оқибатда кино санъати учун сув билан ҳаводай керакли ижрочилик тажрибасини қўлга киритган бўлар эдилар. Бундай театр томошаларидан тушадиган пулнинг чўғини чамаи-чўт этмай қўяқолайлик. Борингики, бу пуллар яна ўша студиянинг — актёрларга маош тўлаб турган студиянинг кассасига туша ҳам зиён қилмасди.

Бу гаплар, бир қарашда, икки қарра иккидай жўн туюлади. Бу гапларни ҳамма тушунади, билади. Лекин, минг бора афсуски, на режиссёрларни ва на кино мутасаддиларини кино-актёрларнинг театр-студияга бориш-бормаслиги қизиқтиради.

Баъзи кино актёрлари, биз учун театр-студия очгандай бўлишди-ю, лекин план белгилашмади, балки план белгилаб беришганида тузук бўлармиди, деган фикрларни ҳам айтишади. Бунда жон бордай. Ростдан ҳам, янги театр-студияга йилига фалонча спектакль қўясан, давлатга шунча пул топширасан, деб қатъий топшириқ берилганида, тегишли раҳбарлар сал жонланиб қолишармиди? Ҳар қалай, театр-студиянинг фаол ҳаракатда бўлиши кино актёрларининг ижодий манфаатларига жуда мос келади. Ушанда йилда бир марта суратга туша — тушди, бўлмаса, ҳар ой сайин мунтазам тарзда маош олиб юрган айрим актёрларнинг кўнгли хижилликдан қутулармиди?

Борис Петрович Чирковнинг ўн уч нафар шоғирдига қайтадиган бўлсак, улар жой танлаб ўтирмай, қулай келган жойда томоша кўрсатишга шайдирлар. Аввал айтганимиздек, Баҳром Матжонов ҳамза номидаги Академик театрда Хлестаков ролини тайёрлади, Ж. Файзиев, С. Мўлда-

хонов, З. Мўмино ва яна ўша Баҳром Матжоновнинг ўзи «Илҳом» ёшлар клубида пластик спектаклни сахналаштиришяпти. Санъатга садоқатлари зўрдирки, улар ҳеч бир моддий ғаразсиз, бор-йўғи кўнгал эҳтиёжини қондириш ва шу баҳонада маҳоратларини чархлаш илинжида «Илҳом» клубига келадилар. Келганда ҳам кечки пайтларда, иш кунчи тугаган пайтларда келадилар.

Уларнинг иш билан бандлиги яхши. Лекин дуч келган имкониятга ёпишиб олиш ва дуч келган жойда томоша кўрсатиш охир-оқибатда ижодий кучларнинг тарқоқлигига олиб келмайдими?

Бу саволга ким жавоб беради? «Ўзбекфильм» киностудиясими? Республика Кинематография давлат комитети раҳбарларими?

Яна бир нарсани очиб айтишимиз керакки, кўпчилик ёш актёрларимизга фильмларда ўйнаётган роллари доимо ҳам завқ бераётгани йўқ. Бу ролларнинг кўпчилиги ўткинчи роллар. Ўша латифага айланиб кетган ролларки, артист сахна четида бир марта кўриниб, уй эгаларига: «Овқат тайёр!» — деб айтади, холос. Режиссёрлар ҳозирча уларга жаддийроқ ролларни ишониб топширишмаяпти. Ёшларни четга қўйиб турайлик, бошқа, ёш жиҳатидан ҳам, маҳорат жиҳатидан ҳам етук актёрларимиз бўла туриб, четдан актёрларни чақириб олиш кенг расм бўлган. Бу ҳол республикамизда яшаб турган актёр халқининг иззат-нафсига тегиши табиий. Лекин, майли, иззат-нафсини ҳам четга қўяйлик. Майли, ўша чақирилган актёрлар яхши-ю, маҳаллий актёрлар ёмон бўлақолсин. Хўш, ўша таланти ва машҳур актёрлар республикамиз воқелигини ўша ёмон актёрларимиздан тузукроқ биладими? Улар миллий санъат анъаналаридан хабардорми? Ўзлари ролларини ўйнаётган кишиларнинг ички дунёсига кириб бора оладиларми? Йўқ, ички дунёга кириш тугул, жўн қиёфага киришлари ҳам мушкул бўляпти уларнинг. Уртамёна фильмларнинг кўпайиб кетишига ҳам худди шу нарса — четдан чақирилган актёрларнинг республикамиз воқелигини билмаслиги ёки чала-чулпа билиши сабаб эмасми?


Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ экан-да, деб афсус қиласан, киши.

Ёшлар — бизнинг келажакимиз, деб гапиришни жуда яхши кўрамыз. Агар шу гап рост бўлса, агар шу гапни кўнгилдан чиқариб айтётган бўлсак, хўш, нега энди ҳурматли режиссёрларимиз сал-пал таваккал қилиб кўрмайдилар?

Тўғри, ёш актёрлар ёрлик қилишлари мумкин. Улар тўфайли съёмка кечикиши, план ортга сурилиши мумкин. Лекин кино дегани план эмас, энг аввало санъат эмасми? Қачонгача четдан чақирилган актёрларнинг шухратлари чўғига исиниб юрамыз? Ёки ёш актёрларни етук маҳоратли қилиб берадиган бирор мўъжизани кут-япмизми? Йўқ, мўъжиза рўй бермайди. Уша ёш актёрларни биз ўзимиз тарбиялашимиз, биз ўзимиз мўъжизага айлантиришимиз керак.

Мабодо бизда зўр актёрлар йўқ экан, бунга актёрларнинг ўзи эмас, уларни ишлатишни, тарбиялашни истамаган, нуқул осон йўллари танлаган режиссёрларимиз айбдор бўлиб чиқадилар.

Ўзгача бўлиши мумкин эмас.



ЎТМИШНИ ЭСЛАГАНДА

(Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири
Улғун билан суҳбат)

— Бугунги Ўзбек адабиёти Улуғ Октябрнинг самарасидир. Изланиш, машаққат ва ғалабаларга тўла йиллар ичида революцион адабиёт пайдо бўлди, шаклланди, дунё адабиётлари сафидан ҳақли ўрин олди. Янги санъат, янги шакл, янги бадий маҳорат дорилфунуни яратилди. Бу дорилфунуннинг яратувчилари бугун унинг асосчилари бўлиб қолдилар. У бу буюкликка етгунича қанча-қанча оғир довлар ошди, курашлардан ўтди. Лекин буюк Ленин тузган бу тузум бизни барчасидан омон олиб ўтди. Адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз ана шу давр долғаларида пилди, Ҳамза, Садриддин Айний оловлардан олиб чиққан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Сиз, Яшин давом эттириб келаётган адабиётимиз меваси бугун тўкин ва тўкис. Кейинроқ бу тўлқинли дарёга Усмон Носир, Султон Жура, Зулфия келиб қўшилди. Юсуф Хос Ҳожиб, Дурбек, Лутфий, Атоий, Навоий ва Машраб, Гулханий ва Мунис, Огаҳий ва Фурқат, Муқимий, Аваз ва Завқий меросларидан сув ичган бу адабиёт шундай адабиёт бўлиб етилиши табиий эди. Бугунги кунимиз, бугунги китобхон, бугунги адабий муҳит ўзининг бу тарихини унинг асл яратувчилари, давом эттирувчилари, гувоҳи муборакларидан эшитсалар яхши ва мукамал бўларди. Сизнинг ижодингиз шакланган давр бугунги китобхонларга кўп жиҳатдан қоронғи. Шу муносабат билан «Шарқ юлдузи» журнали ниҳоятда муҳим суҳбатни ўз журналхонларига тақдим этишга жазм қилипти. Бугунги ҳамма жиҳатдан мукамал бўлган давримизда баъзи эътиборсизликлар туфайли Ойбекнинг, Ғафур Ғуломнинг, Мақсуд Шайхзоданинг, Ҳамид Олимжоннинг, Миртемирнинг, Ойдиннинг муборак овози деярли сақланган қолмаган. Шундай шоири алломаларнинг ўзлари ўқиб қолдирган шеърлари йўқ. Мен радиода ишлаган даврларимда шахсан бу ўстозларнинг овозларини ўзим ёзиб олганман. Абдулла Қаҳҳорнинг бир неча ҳикояларига. Булар бугун ҳеч қайда йўқ, бепарқ баъзи ўртоқларимиз бу тарихни бемалол ўчириб ташлаганлар. Кино ленталарини-ку қўйбериб, бугун фильм қилмоқчи бўлган мутахассислар суратларгагина мурожаат қилмоқдалар. Мана шундай ғалати муносабатлар ҳам такрорланмасин деб бу юмушга кўл урдик.

— Ҳақиқатан, биз ижод қилган давр яралиш ва яратиш даври эди. Бизнинг зиммамизга жуда масъулиятли, оғир, аммо шарафли тарихий юк тушган эди. Биз, Ҳамза ва Айний бошлаб берган янги ўзбек совет адабиётини давом эттиришимиз, унга сайқал беришимиз, унинг мундарижасини бойитишимиз лозим эди.

Бизнинг ижодий ишимизга жаҳонга озодлик нурини сочган Октябрь инқилоби, янги замон, совет тузуми, улуғ Коммунистлар партиясининг оламшумул йўл-йўриқлари, буюк Лениннинг ўлмас ғояси илҳом бахш этди. Биз улуғ рус классиклари Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Гоголь, Толстой, Чехов, Островский ва бошқалардан ўргандик, рус совет шоирлари, ёзувчиларидан Максим Горький, Маяковский, Николай Тихонов, Асеев, Безименский, Иосиф Уткин, Александр Жаров, Исаковский, Алексей Сурков, Симонов, Твардовский каби замонасининг пешқадам ижодкорларидан сабоқ олдик. Буюк Шарқ классиклари Алишер Навоий, Лутфий, Фузулий, Низомий, Маҳтумқули, Фирдавсий, Огаҳий, Мунис, Муқимий, Фурқат каби алломаларнинг ўлмас асарлари бизни ажойиб, фусункор шеърят чаманига олиб кирди. Биз жаҳоннинг донгдор шоирлари, адиллари, драматурглари билан ўша маҳалдаёқ таниша бошладик. Шекспир, Шиллер, Гёте, Мольер, Виктор Гюго, Бальзак, Флобер, Байрон, Диккенс, Данте, Ромен Роллан, Анри Барбюс ва бошқа жаҳон классиклари қалбимизда адабиётга ихлос, муҳаббат уйғотди, уларнинг китобларини ўқиган сари, сахналарда кўрган сари адабиётга, санъатга бўлган ҳавасимиз орта борди. Бизда ўша маҳаллардаёқ рус тилини ўрганишга қизиқиш, мукамал эгаллашга уриниш бошланган эди. Чунки рус тилини яхши билмай туриб рус классик, рус совет адабиёти билан яхши танишиш, жаҳон классикларининг мумтоз асарларидан баҳраманд бўлиш мумкин эмас эди. Чунки, жаҳон адабиёти билан фақат рус тили орқалигина, жаҳон классикларининг рус тилига таржима қилинган дурдоналарини ўқибгина фойдаланишимиз мумкин эди. Шунинг учун рус тили бизнинг иккинчи она тилимиз бўлиб қолди. Биз учун рус тили жаҳон маданияти ва адабиётининг олтин хазинасига кирадиган қутлуғ эшик бўлиб қолди.

У маҳалларда биз жуда оз эдик. Шунинг учун ҳам янги яратилаётган ўзбек совет маданияти ва адабиётининг асосий юки ва оғирлиги бизнинг гарданамизга тушди. У маҳалларда биз ҳам шоир, ҳам ҳикоянавис, ҳам журналист, ҳам танқидчи, ҳам олим, ҳам муаллим, ҳам таржимон, ҳам жамоат арбоби бўлиб хизмат қилдик.

Биз ўзбек адабиётига янги мазмун, янги шакл, янги услуб — социалистик реализм услубини, янги дунёқараш, янги мавзуларни олиб кирдик. Еш ва тажрибамиз оз бўлишига қарамасдан замон,

совет воқелиги, ҳаёт, давлат ва партия томонидан олдимишга қўйилган вазифаларни, қўлимиздан келганча баҳоли қудрат амалга оширишга уриндик. Биз қайноқ ҳаётдан — халқ ҳаётидан, халқ адабиётидан руҳланиб, халқ дostonлари, халқ ҳикоялари, халқ термалари, халқ қўшиқларини, эртақларини кунт билан ўргандик, улардан фойдаландик. Нусха кўтардик. Ижодимишга янги қаҳрамонлар кириб келди. Шеърларимиш, дostonларимиш, ҳикояларимишнинг қаҳрамонлари ишчилар, деҳқонлар, инқилобчилар, коммунистлар, комсомоллар, ватанпарварлар, фидойилар, Жонтемирлар, Зайнаб ва Омонлар, Кўкан батрақлар, Жўра кофирлар, колхоз тузуми, ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, турли соҳанинг жонкуяр қурувчилари бўлиб қолди.

Биз ўз асарларимишда инқилоб, Ленин, Коммунистлар партиясининг ғояси, Совет тузуми, адолат, ҳақиқат, озодлик, тинчлик, ватанпарварлик, интернационализм, тантанаси учун курашдик. Биз ўз асарларимишда ёт ғояларга, миллатчиликка, шовинизмга, аксилнқилобчиларга, босмачиларга, хонларга, сотқинларга, эски урф-одатларга, жаҳолатга, нодонликка, диний ақидаларга, барча ёмон иллатларга омонсиз, қаттиқ жанг қилдик.

Инқилобдан кейин адабиётимиш фақат янги мазмунгина эмас, янги шакл ҳам касб этди. Шеъримишга, минг йиллардан бери ҳукм суриб келган аруз вази ўрнига халқ адабиётининг вази — бармоқ вази асосий вази бўлиб кирди. Замон талаби, адабиётни халққа яқинлаштириш талаби шуни тақозо қилар эди. Ахир биз халқ учун, халқнинг дидига мослаб асар ёзишмиш керак эди-да! Тўғри, биз аруз вазиндан тамом воз кечганимиш йўқ. Ахир, асосан аруз вазида ёзилган, ҳофизлар айтиб келган, «Шашмақом»га тушган классик шеъримишдан воз кечиш хато бўлар эди! Аммо шеърларимишнинг асосий вази бармоқ вази бўлиб қолди.

Инқилобдан кейин адабий тилимиш ҳам анча ўзгарди. Инқилобдан олдинги арабча, форсча сўзлар ва изофалар кўп аралашган, халқ оммаси тушуниши қийин бўлган, жонли тилдан узоқ, «житобий» тил ўрнини жонли, ҳаётий, халқ тилига асосланган янги адабий тил эгаллай бошлади. Илмода ҳам ўзгариш, тараққиёт вужудга келди. Бу прогрессив инқилобий жараёнларда ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз қўшган хайрли, эзгу ҳисса бор эди.

У маҳалларда биз ёш, ғайратли, куч-қудратга тўлган, яратиш завқи билан яшаидиган, кечаю кундуз ижод билан шуғулланадиган ҳаваскор «шеърят ошиқлари» эдик. Қўлимиздан китоб, қалам сира тушмас эди. Ҳаётда юз бераётган ҳар бир янгилик, ҳар бир воқеа, ҳар бир ҳодиса бизни жуда қизиқтирар эди. Биз ҳаётда юз бераётган ҳар бир воқеага аралашганимиз истар эдик, замондан орқада қолиб кетмайлик деб ўйлар эдик. Биз хонамишни, кабинетни тарқ этиб, қурилишларга, заводларга, фабрикаларга, қишлоқларга, колхозларга боришни яхши кўрар эдик. Ана шу сайру саёҳат, учрашувлар, халқ орасида бўлишлар натижасида ижодий планлар, янги шеърлар майдонга келар эди. Кўп шеърлар, дostonларимишнинг аниқ адреси, таржимаи ҳоли бўлар эди. Уша учрашувлар оқибатида «Жонтемир», «Гулалас», «Украина еллари», «Бригадир Карим», «Назир отанинг ғазоби» каби асарлар вужудга келган эди. Ҳамма нарсага қизиқиш, адабиётга, санъатга, илму фанга чанқоқлик, энтузиазм қон-қонимишга сингиб кетган эди. Бир кун китоб, газета ўқимасак, бир кун томоша кўрмасак, бир нарсасини йўқотган одамдек гангиб юрар эдик.

Биз ўша вақтларда оз бўлганимиш учунми, ниҳоятда бир-биримишга иноқ, бир-биримишга ўрганиб, суяниб қолган, бир-биримишни бир кун кўрмасак соғиниб қоладиган, ҳамфикр, ҳамжиҳат, қадрдон дўстлар эдик. Майдонга келган, журналларда эълон қилинган ҳар бир янги асар ҳаммамишни хурсанд қилар эди. Биримишнинг китобимиш нашр этилса, ҳаммамишга тўй бўлиб кетар эди. Ғайрилик, хусумат, кўролмаслик бизга ёт нарса. Ғафур Ғулумнинг, Ҳамид Олимжоннинг, Ғайратий, Ойбекнинг ҳар бир янги асарини хурсандчилик билан, худди ўзимизнинг ижодий ютуғимишдай кутиб олардик. Орамизда софлик, самимиёт ҳукм суради. Менинг Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Ғайратий, Назир Сафаров, Ойдин каби ёзувчилар билан самимий дўстлигим уларнинг охириги дамларига қадар давом этди. Менинг Яшин, Зиннат Фатхуллин каби тенгдошларим, қадрдонларим билан дўстлигим ҳамон давом этиб келмоқда ва давом этади.

Ҳозирги баъзи ёшлар, баъзи ёзувчилар адабиётимишнинг биринчи авлоди орасида майдонга келган самимий дўстлиқдан сабоқ олсалар ёмон бўлмас эди.

Сиз, ҳурматли Туробжон, Ойбекнинг, Ғафур Ғулумнинг, Мақсуд Шайхзоданинг, Ҳамид Олимжоннинг, Миртемирнинг, Ойдиннинг муборак овози йўқ деярли, деб куйиниб гапирасиз. Яъни, магнитофон, кино ленталарида уларнинг овози деярли ёзилмаган, қолмаган демоқчисиз. Ҳа, бу жуда хунук ҳол, ачинарли ҳол, бу кечириб бўлмайдиган, маданиятимишга, тарихимишга қусур етказган хатолардан бири. Бунга ҳаммамиш, биринчи навбатда радио, телевидение ва киностудияда, маданият ва кино министрлигида ўтирган ходимлар айбдор. Юқори идораларда ишлаган ва ишлаётган раҳбарлар ҳам айбдор. Ахир Ғафур Ғулум, Ойбек, Ғайратий, Шайхзода, Миртемир каби ёзувчилар яқингинада барҳаёт, орамизда юрган эди-ку? Ахир уларнинг овозинигина эмас, муборак сиймоларини, ёқимли табассумларини, меҳрибон кўзларини, қиёфасини бир маротаба эмас, юз маротаба олиб қолиш, келажак авлод учун сақлаш мумкин эди-ку! Ахир, бунга вақт ҳам, имкон ҳам, техника ҳам мавжуд эди-ку! Фақат ёзувчиларгина эмас, қанча санъат ва фан арбоблари исзис ўтиб кетдилар. Келажак авлод уларни киноларда кўриб, ленталардан овозини эшитиб эмас, фақат бошқаларнинг гаплари, ҳикоялари орқалигина билиши мумкин. Ахир, ҳар куни кундалик воқеаларни олиб, телевизор, кино орқали кўрсатишга сарф бўлаётган лента ва плёнкаларнинг озгина қисмини ўша эзгу ва муҳим ишларга сарф қилиш мумкин эдику! Масаланинг хунук томони шундаки, адабий мерос, санъатимишни абадийлаштириб қолиш борасидаги ишларимишда бу нуқсон ҳамон давом этаётибди. Ҳаммамиш фақат бугунни кўпроқ ўйлаб, эртани, келажакни унутиб қўяётимиз. Ахир, келажак бир кун эмас, бир кун биздан жавоб талаб қилиб, ўтган олимлар, санъаткорларнинг муборак овозлари, кутлуғ сиймолари қани демаядими?

— 1935 йилда атоқли олимларимишдан Олим Шарафутдинов сизнинг ижодингиз ҳақида «поззияда кўпдан ишламоқда бўлган, ижтимоий ва адабий томондан анча актив бўлган шоир Уйғун ижодиёти ва бу умумий қайта қурилиш процессининг индивидуал бир кўриниши бўлиши жиҳатидан мароқлидир» деб ёзган эди. Сиз ўшанда энди 30 ёшларга борган ўспирин эдингиз. Бугун шунга 50 йил бўлибди. Олим Шарафутдинов «каромат» қилган экан. Бугун ҳам шундайсиз, ижтимоий тузумишнинг фаол курашчисиз, адабиётимишнинг ютуқлари ва камчиликларига бефарқ қарай олмайсиз, бугунги шеърятимишнинг, прозасининг, драматургиямишнинг янги, ёш вакилларининг

ютуқларини ўз ютуғингиздек биласиз, биздан олдин ўқийсиз ва телефон қоқиб шошиб қоласиз, ўқимай қолган бўлсак койиб берасиз. «Сароб» муҳокамаси эсимда, унга қарши шовқин солганлар китобнинг ютуқларини эламаган эдилар... Ушанда ромanning биринчи ҳимоячиларидан бири сиз бўлган эдингиз.

— «Совет ёзувчиси» деган улуғ унвонга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун қобилиятга эга бўлиш, асар ёзишнинг ўзигина кифоя эмас. Совет ёзувчиси авваламбор совет позициясида мустақлам турмоғи керак, унинг зўр ва маҳкам эътиқоди бўлиши керак. Совет ёзувчиси Ленин ғоялари, коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида тинмай, чарчамай фидойиларча хизмат қилиши, ижод этиши, курашиши даркор. Совет ёзувчиси ўзининг бу эзгу эътиқодини фақат сўзда эмас, балки амалда исбот этиши лозим. У буюк Коммунистлар партиясининг жанговар, энгилмас, ҳар қандай тўсиқлар, қаршиликлар, қийинчиликларни дадил, матонат ва сабот билан енгиб ўтувчи солдайтидир. У халқимизнинг, давлатимизнинг олиҳ мақсадларини амалга оширишдаги садоқатли хизматкори, камарбастасидир.

Инсониятнинг минг йиллар бўйи давом этиб келган барча орзу-ҳаваслари, барча яхши фазилатлари, инсон ақлу идрокнинг барча дурдоналари коммунистик эътиқодда жамулжам бўлганини совет ёзувчиси яхши, аниқ ва равшан бўлиши керак. Совет ёзувчисининг дунёқараш — материалистик дунёқараш; у идеализми, диний ақидаларни тамом рад этади. У борлиқнинг моддий ва абадийлигини эътироф қилади. Совет ёзувчиси ғоявий курашнинг олдинги сафида туради. У халқ билан, замон билан баробар қадам ташлайди. У халқ ва жамиятнинг барча хайрли ишларига аралашади. У жамоат арбоби, у сиёсий арбоб, партиямизнинг ёрдамчиси.

Мен, мамлакатимизда, ҳаётимизда юз берган барча ишлар, барча ўзгартишларда иштирок қилиб келдим, десам муболага бўлмас. Еш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда, илму фанимиз, маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизнинг ривожини ва раванқига ҳам биз ёзувчиларнинг ҳам маълум даражада қўшган хизматимиз бор десам ёлғон бўлмас.

Биз адабиёт ва санъат соҳасида қилган ҳалол хизматларимиз учун партия ва давлат томонидан тақдирландик, халқнинг меҳру муҳаббатига, хурматига сазовор бўлдик. Партиямиз, халқимиз кўксимизга қатор-қатор орденлар тақиб қўйди, юксак унвонлар берди.

Мен, медаллардан ташқари «Олтин юлдуз» ва ўнлаб орденларнинг нишондори бўлдим. Бир неча бор Ўзбекистон Олий Советига «Олтин депутат» ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон Коммунистлар партияси ревизия комиссиясига аъзо бўлиб сайландим. Бу мукофотлар, унвонлар, бу хурматларни менга раво кўришда жамоат ишларида фаол қатнашганим ҳам эътиборга олинди. Ҳа, биз бутун истеъдод, бутун ақлу идрокни, бутун билимни, бутун кучни, бутун ижодни партия ва халқ ишига бағишлаган ёзувчилармиз. Биз фақат ўз ишларимизгагина эмас, балки мамлакатимизда юз бераётган барча ишларга ҳам, дунёнинг тақдирига ҳам баравар жавобгармиз. Биз, халқ олдида фақат ўз асарларимиз учунгина эмас, бошқа ёзувчиларнинг асарлари, бутун адабий жараён, бутун адабиёт учун ҳам жавоб берамиз. Шунинг учун биз, бир-биримизнинг асарларимизни ўқишимиз, улар ҳақида ўз мулоҳазаларимизга, ўз қарашларимизга эга бўлишимиз, уларга дўстона, объектив ёндашиб ҳалол ва одилонга баҳо беришимиз, яхши асарларни қўллаб, ёмон асарларга қарши курашимиз керак. Асар ҳақидаги мулоҳазаларимизни авторга хоҳ оғзани, хоҳ матбуот орқали тортинмай очиқчасига, дўстона, рўй-рост айта билишимиз лозим. Бу соҳада шубҳасиз, ютуқларимиздан ташқари, хато ва нуқсонларимиз ҳам бор. Бирор асар тўғрисида қарама-қарши фикрлар бўлиши мумкинми? Мумкин, албатта. Фақат мулоҳазалар, танқидлар ҳаққоний ва самимий бўлиши лозим. Ёзувчининг, айтиқса, шоирнинг кўнгли жуда нозик бўлади, уларни ўринсиз ранжитиб қўймаслигимиз керак. Гафур Ғулом айтганидек, биз бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирд бўлишимиз керак. Биз бир-биримиздан ўрганишимиз, бир-биримизни сева билишимиз лозим. Чунки, юқориде айтганимдек, биз фақат ўз асарларимизгагина эмас, бошқа ёзувчиларнинг, қаламкаш дўстларимизнинг асарларига ҳам жавобгармиз. Талант, истеъдод халқ бойлиги, деб тўғри айтишади. Биз, ҳар бир истеъдод эгасини, айтиқса ёшларни, кўз қорачиғидек асрашимиз даркор. Уларнинг янги ёзган асарларига тез ва ҳаққоний баҳо беришимиз, камчиликлари булса маслаҳат ва ёрдам кўрсатишимиз керак. Бу ишда Ёзувчилар союзи ижодий секциялари ва консультантларнинг вазифалари катта. Янги ёзилган асарлар расмиятчилик гирдобига тушиб қолмасин. Адабий бюрократларнинг қўлида, ёзув столлари галадониде узоқ қолиб кетмасин. Нашриётларда баъзи бир ғирром, нўноқ, диди паст танқидчи ва тақридчиларнинг ноўрин таъна-тўсқинликларига учрамасин, ёзувчи, айтиқса, ёш ёзувчи нашриёт эшиклариде ишини битиролмай, ўз вақтида тўғри жавоб ололмай саргардон бўлиб, ҳафсаласи пир бўлиб, қийналиб юрмасин.

Баъзан айрим ёзувчиларимиз билиб-билмай хато қилиб қўядилар. Ёзган асари жамоатчиликнинг ҳаққоний танқидига учрайди. Бундай вақтда хатога йўл қўйди деб уни ҳадеб дўппослайвершимиз, ҳатто уни четга суриб қўйишимиз, ишдан маҳрум қилишимиз, менимча, нотўғри, ким хато қилмайди, ким янглишмайди; улардан юз ўгиришимиз, уларга ола қарашимиз нотўғри. Балки уларга ёрдам беришимиз лозим. Айтиқса, улар ўз хатоларини англаб, кўпчилиқнинг ҳаққоний танқидларидан тўғри хулоса чиқариб олган, янги асарлар ёзиб, аввалги хатоларини тузатишга ваъда берган тақдирда. Менинг бу мулоҳазаларим бировга ёқар, бировга ёқмас, бу — уларнинг иши. Бугун ҳар ким ўз мулоҳаза ва фикрларини аниқ ва рўй-рост айтadиган кун. Ҳа, биз ҳар бир ёзувчининг хурмат ва обрўсини тан олишимиз керак. Аммо бу иш ҳам ҳаммадан олдин, ҳар бир ижодкорнинг иши. Халқ орасида эътибор, хурмат қозониш қийин. Бундай бахтга ёзувчи узоқ, захматли, ҳалол меҳнат натижасида муяссар бўлади. Ижодкор халқ орасида ўзининг ижоди, юриштириши, хулқи-атвори, ахлоқи, покизалиғи билан хурмат қозонади. Ёзувчи ўз хулқи-атвори билан бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Муғомбирлик, кибру ҳаво, манманлик, ичқоралиқ, ёлғончилик, мақтанчоқлик каби ёмон одатлар ёзувчининг шаънига доғ тушириб қўяди.

— Ижодингизнинг илк йилларидаёқ китобхонлар орасида шухрат топдингиз. Сизнинг 1931—35 йилларда ёзган «Коммунизм гулбоғларига», «Киров тирик», «Гулсал», «Украина еллари», «Уфа йўллариде», «Бригадир Карим», «Куз қўшиқлари» ва ниҳоят «Жонтемир» дostonларингиз адабиётимизнинг ютуқлари аталиб қолдилар. Улар ўша ойлардаёқ мактаб программаларига кирдилар. Бу асарларингизни ўқиб, уларнинг шовқинларига қулоқ солиб, уларнинг мавжларига

қараб, иқтидорингизга ҳамон ҳайратланаман, фахрланаман шундай поэзиямиз борлигидан. Уша даврларда сизнинг бу дostonларингиз билан сафба-саф «Кўкан», «Онамга хат», «Зайнаб ва Омон», «Нахшон», «Темирчи Жўра кофир» дostonлари ҳам тилдан тилга кўчган эди. Ҳамон ёд ўқиб юраман мана бу сатрларни:

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.
Кумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати!

«Украина еллари»нинг чақноқ мисралари:

Украина еллари, сарин еллар,
Сочларимни ўпиб кетдингиз.
Чечакларни қучиб, кула-кула ўйнаб,
Эх, тотли соз чалиб ўтдингиз...

«Жонтемир»нинг бошланишига қаранг:

На хотин, на фарзанд кўрмаган,
Кимсасиз, бечора бир йигит,
Кулбасиз, тўшаксиз, яланғоч,
Ҳаётнинг завқини сурмаган,
Роҳат кўрмай ўтган бир умр,
Кулфат билан ўсган подачи
Чўпон эди бизнинг Жонтемир...
На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб кўчмасдан,
На уфқ ўрамай ёқут зар,
На булут силкитмай олтин пар,
Тонг кулмасдан бурун турарди,
Тўрвасига солиб нонини,
Таёғини судраб, кўнгилсиз
Пода ҳайдаб қирга қетарди,
Майса гиламларга етарди...

Бу қайноқ, бу кўхлик мисралар, бу теран фикрларни киши кўнглига буюк тузумимизни интиқ бўлиб кутган, курашган, ниҳоят унга етишган халқнинг қаламкашигина сола билишини ҳис қиласан киши. Бир вақтлар Ленин билан суҳбатлашиб, юртига қаттиқ ҳаяжонда борган Уэллс шундай деган экан: «Россия зулматда. Бу зулматдан чиқолармикин!.. Мабодо чиқолса уни коммунистларгина олиб чиқадилар!» Мен сизнинг шу йиллардаги асарларингизни ўйлаганимда, мана шу сатрларни эсимга оламан. Сизнинг асарларингиз асосан шундай ҳаётбахш, жўшқин, ғалабасоз асарлардирки, Лениннинг, Ленин тузган Коммунистик партиянинг, Ленин тузумининг шижоатлари, идрок ва забардастликлари барқ урмади. Бугунги адабиётшуносларимиз бу даврни, сизнинг бу даврдаги асарларингизни, бу курашчан йилларни кам тилга оладилар. Бу йиллар шеърятимизнинг илк кашф йиллари-ку. Бу буюк давр, ғоят мураккаб, кўп масалаларнинг оқи-оққа, кўки-кўкка ажралган давр. Менимча, хотира дафтар тўтгансиз, бир суҳбатимизда у кейинги йилларга келиб бир оз тўхтаб қолган дегансиз. Ҳар нечук, Ҳар нечук, биз тилга олаётган даврлар хотираси бўлиши керак, ҳали юқорида тилга олганимиз, сафдошларингизнинг тарихга кирган асарлари, ўзингизнинг асарларингизнинг воқеа бўлган онлари, муҳокамалар, тортишувлар... «Алишер Навоий» драмаси ҳам, киносценарияси ҳам, машҳур «Қалтис ҳазил» комедияси ҳам, «Парвоз» пьесангиз ҳам халққа осонликча етмаган. У дафтарларда тағин қанақа сирлар бор!..

— Ҳа, биз илк ижод майдонига кирган давр ниҳоятда мураккаб эди. Бизнинг бошимиздан ҳаммаси ўтди. Биринчи жаҳон уруши кетаётган вақтларда мен эски мактабда ўқир эдим. Ёш болалигимизга қарамай, қонли урушнинг даҳшатларини катталарнинг ҳикояларидан эшитиб ваҳимага тушар эдик. Баъзан уруш лавҳалари, найзабозлик, оппоқ қорга оқаётган қип-қизил қонлар расми солинган картиналарни кўрқув ва ҳаяжон билан томоша қилар эдик. Очарчилик, қимматчилик ўша маҳаллардаёқ бизга таниш эди. Февраль ва Октябрь инқилобидан, граждандлар урушидан, «оқлар»нинг, босмачиларнинг хуружидан, ҳарбий коммунизм, НЭП давридан хабардор ва огоҳ эдик, гарчи ўзимиз иштирок қилмаган, аралашмаган бўлсак ҳам 1916 йилги Жиззах кўзгелонининг, Эттисувда бошланган «Ев-ёв»нинг шовқинлари қишлоғимизга, Маркига, бизнинг қулоқларимизга ҳам келиб етган эди. Бу йилларда юз берган воқеалар ҳамон кўз олдимда, ўша давр шовқинлари қулоғимда ҳамон жаранглаб турибди. «Ев-ёв»дан кейин бошланган очарчилик, вабонинг даҳшати қалбимизда чуқур из қолдириб кетган.

Эски мактабда Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Сўфи Оллоёрлар ҳам ўқитилар эди. Мен буларнинг асарлари билан ўша маҳаллардан бошлаб танишганман. Бу кунларнинг хотиралари дафтарга тушишга интиқ. Вақти келиб, имкон бўлса, ёзарман.

20—30-йилларда эса, ўқиш, ижод, қурилиш, кураш, ғоявий-мафкуравий жанглар билан умримиз ўтди. 20-йилдаёқ, биринчилардан бўлиб комсомолга кирганман. 1944 йили эса партия сафига қабул қилиндим. Комсомол, партия менинг ҳаётим, сиёсий, ижтимоий мактабим бўлди.

Туробжон, сиз сўзингизда кундаликларимни эсга олдингиз. Ҳа, мен тахминан 1934 йилдан кундалик ёза бошладим. Бу кундаликда ҳаётим, ижодим ҳақидаги мулоҳазалардан бўлак, баъзи бир олимлар, зиёлилар тўғрисида ҳам, адабий жараён ҳақида ҳам озми, кўпми маълумотлар бор. Ахир, мен умримда жуда кўп ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, зиёлилар билан бирга яшаганман, ишлаганман, суҳбатдош, таниш дўст бўлганман. Жуда кўп санъаткорлар, айниқса, ўзимга яқин, она

театрим бўлган, Ҳамза театрининг режиссёр, актёрлари билан яқиндан таниш-билиш эдим. Маннон Уйғур (Оға), Етим Бобожонов, Абдор Ҳидоятлов, Назруллаев, Сайфиқори Олимов, Сора Эшонтурбаева, Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Саъди Табибуллаев; Миршоҳид Мироқилов, Мария Кузнецова, Замира Ҳидоятлова, Марям Ёқубова, Шоҳида хоним Маъзумова, Шариф Қажумов, Наби Раҳимов, Тўла Ҳўжаев, Обид Жалилов, Амин Турдиев, Зайнаб Садриева, Тошхон Султонова, Қудрат Ҳўжаев, Маҳсум Юсупов, Яйра Абдуллаева, Икрома Болтаева; Эркин Маликбоева, Обид Юнусов, Холида Ҳўжаева ва бошқа кўплаб артистларни яхши биламан. Уларнинг кўпи Ҳамза театрида қўйилган пьесаларимда иштирок этишган, бирга ишлашганимиз. Юрагимда уларга нисбатан қанча муҳаббат, қанча ҳурмат ва миннатдорчилик, хотиралар қалашиб ётибди. Мен кўрган воқеаларни, мен ўз қўлогим билан эшитган суҳбатлар, ҳангомалар, гапларни ҳозирги авлод билмайди. Уша хотираларни ёзиб қолдириш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз. Аммо, бу шарафли вазифалар қачон бажарилади, буни яқин келажақ кўрсатади. Булардан ташқари яна қанча санъат арбоблари, саҳна аҳллари, созандалар, хонандалар, бастакорларни биламан. Улар билан ҳам ҳамсуҳбат бўлганман, ё бирга ишлашганман. Булар орасида Ҳалима хоним Носирова, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Уста Олим Комилов, Мухиддинқори Ёқубов, Тамара хоним, Комил Ерматов, Наби Ганиев, Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Манас Левиев, Юдаков, Сайфи Жалил, Эйтибор Жалилова, Раззоқ Ҳамроев, Асад Исмаилов, Жўраҳон Султонов, Турсуной Жаъфарова, Лутфихоним Саримсоқова, Маҳмуджон Гофуров, Рауф Болтаев Фароғат Раҳматова, Сойиб Ҳўжаев, Ҳамза Умаров ва бошқалар бор. Булар ҳақида кундаликимда оз-моз сўз юритганман. Аммо, бу сўзлар, маълумотлар оз. Кундаликимда унча аҳамиятга эга бўлмаган ёки замон ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотиб қўйган, майда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган гаплар ҳам анча бор. Шунинг учун кундаликлигимни қайта кўздан кеचириб, тузатиб, лаб-лунжини тўғрилаб, таҳрир қилиб, оққа кўчира бошлаган эдим, кейин қолиб кетди. Яқин вақтлар ичида бу ишни ҳам охирига етказишим керак. Ҳар ҳолда, менинг ҳаётим, ижодим ҳақида, адабий жараён ҳақида, озми-кўпми маълумот берадиган материал. Агар ўзим қараб чиқиб, ўзим оққа кўчириб, машинкалаб қўймасам, бошқаларнинг бу материалдан фойдаланиши анча қийин бўлади. Биринчидан, мен ўлгудай «бадхат»ман, баъзи ёзувларим стенограммани эслатади. Бунинг устига авваллари кўпроқ араб алфавитида ёзганман. Шунинг учун кундалигимни, хатимни ўзимдан бўлак одамнинг ўқий билиши амри маҳол.

Сиз, Туробжон, баъзи асарларимнинг ёзилиш тарихи тўғрисида айтиб беришимни сўрадингиз. Ҳа, ҳар бир асарнинг ёзилиш тарихи, ўз тарихиман ҳоли бўлади. Ҳар бир асар бирор таассурот, бирор сабаб, бирор туртки билан ёзилади — менинг кўп асарларим, айниқса пьесаларим шундай ёзилган. Мисол учун «Қалтис ҳазил»нинг ёзилиш жараёнини айтиб ўтмоқчиман.

Оғир, даҳшатли, қонли, ҳаёт-мамот уруши борар эди. Мамлакатда ўлим, «қора хат», мотам, аза, йиғи-сиги кўпайиб кетди. Озод ҳаётимизни, Ватанимизни қўриқлаб минглаб қаҳрамонлар қурбон бўлдилар, минглаб болалар етим, оналар есир бўлиб қолдилар, ҳисобсиз қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлди, ёнди. Одамларнинг кунглидан севинчи, юзидан кулги узоқлашиб кетди. 1943—44 йиллар эди. Шунда менда бирор комедия ёзиб, оз бўлса ҳам одамларни хурсанд қилиш, кулдириш, қалбини босиб олган ғам-ғуссаларни оз бўлса ҳам камайтириш, узоқлатиш фикри туғилди. Мен бу фикрни пиштириб мавзу, сюжет ўйлаб юрардим. Машхур комик артист Миршоҳид Мироқилов билан бўлган бир суҳбат бу хайрли ишنى тезлатишга туртки бўлди. Уша маҳалларда мен Ҳамза театрига тез-тез тушиб турардим. Театрнинг тўғрисида, тепаликда чойхона бўлар эди. Уша чойхонада артистлар билан бирга суҳбатлашар, чойхўрлик, ошхўрлик қилар эдик. Булар орасида Сайфиқори, Абдор Ҳидоятлов, Наби Раҳимов, Миршоҳид акалар ҳам бўлар эди.

Шундай ўтириш, суҳбатларнинг бирини менга Миршоҳид ака ҳасрат қилиб қолди:

— Уйғун, менинг умрим бекор ўтиб бораёпти, ёшим ҳам анчага бориб қолди. Машхур комик артист деган номим бор, аммо қониқиб ўйнайдиган бирорта ҳам ролим йўқ. Саҳнага майда-чуйда эпизодик ролларда чиқаман, аммо булар мени мутлақо қаноатлантирмайди. Каттароқ ролларда мириқиб, яйраб, бутун истезодимни намойиш қилиб ўйнагим келади. Менга атаб, мен боп қилиб битта комедия ёзиб беролмайсизми?

Шу суҳбатдан кейин бирор комедия ёзиш фикрига жиддийроқ киришиб кетдим. Ўйлаб юрган мулоҳазаларимни ишга солдим. Тез орада «Қалтис ҳазил» пьесаси майдонга келди. Энг аввало, бу комедия ўзимга маъқул бўлди, асарни ёзиш жараёнида ўзим роса мириқиб кулдим. Асарни ёзаётганиман-у кўз олдимдан Миршоҳид ака, унинг афти ангори, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, ҳазиллари нари кетмас эди, баъзан у менга суфлёрлик қилиб тургандай туюлар эди. Шундай қилиб, пьесанинг дастлабки томошабини ўзим бўлдим. Асарни кўчираётганим машинистка ҳам роса кулибди.

Ниҳоят, асарни Ёзувчилар союзига олиб бордим. У маҳалда Ҳамид Олимжон союзининг бошлиғи эди. Йиғилиб асарни ўқидик (ўзим ўқиб бердим). Муҳокама қилдик. Муҳокамада Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шукур Саъдулла ва яна бир катта ёзувчи иштирок этди. Асар ҳаммада ҳам яхши таассурот қолдирди, роса мириқиб кулишди. Айниқса, Ҳамид Олимжон, Миртемир. Муҳокамада баъзи бир жузъий камчиликларини айтишди. Аммо асар асосан маъқулланди.

Театрда бўлган муҳокамада бутун труппа қатнашди. Жумладан, Оға (Маннон Уйғур), Миршоҳид Мироқилов, Абдор Ҳидоятлов, Ладигин (ўша маҳалда театрининг режиссёрларидан), Назруллаев, Амин Турдиев, Сайфиқори, Саъди Табибуллаев, Маҳсум Юсупов, Ғани Аъзамов, Наби Раҳимов, Шоҳида хоним, Марям Ёқубова, Олим Ҳўжаев, Қудрат Ҳўжаев, Зайнаб Садриева, Обид Жалилов ва бошқалар бор эди. Асар мамнуният, хурсандлик, қарсақлар билан қабул қилинди. Амин Турдиев режиссёр қилиб белгиланди, роллар тақсимланди. Қамбар Назруллаевга, Ойинса Шоҳида Маъзумовага, Ҳамдам Саъдихон Табибуллаевга, Турди фасон Сайфиқори Олимовга, Мамадамин Наби Раҳимовга, Бўстон Сўйди Сотиболдиевга, Мамарасул Миршоҳид Мироқиловга топширилди. Назруллаев, Шоҳида хоним, Саъдихон, Сайфиқори, Наби Раҳимов, Сўйди, Миршоҳидлар ўз ролларини жуда дўндириб ижро этдилар. Роллар уларга ниҳоятда мос тушган эди.

Уша кунлари биз — мен, Ҳамид Олимжон ёзувчилар боғидан қайта туриб, йўлда аварияга учрадик. Ҳамид ҳалок бўлди, мен қаттиқ шикастланиб икки ойча касалхонада ётиб қолдим. Бу орада театр «Қалтис ҳазил»ни тайёрлаб, асар премьерасини ўтказмоқчи бўлишган экан.

Театрға бориб спектаклни кўрдик. У менга маъқул бўлмади. Режиссёр Турдиев асарни тамоман бошқача талқин қилибди, кўп қалтис жойларини бўяб «силлиқлаб» дамнини чиқариб юборибди.

Асарнинг ширасини сўриб ташлабди. Муҳокамада мен ётиги билан нима учун спектакль мақбул бўлмаганини таҳлил, далил, исботлар билан айтиб бердим. Менинг мулоҳазаларим асарда ўйновчи артистларга жуда маъқул тушди. Аммо режиссёрнинг жаҳли чиқди, хафа бўлди. Икки орада мунозара бошланиб, жанжалга айланди. Турдиев, майли, авторнинг ўзи қўйсин, мен норозиман, деб, аразлаб, ғазаб билан залдан чиқиб кетди. Орага ноқулай жимлик чўкди, премьера қоладиган бўлди. Мен артистларга ўз фикр-мулоҳазаларимни, ҳар бир образнинг моҳиятини, таржимаи ҳолини тушунтириб бердим. Зийрак артистлар фикрларимга дархол тушунишди, асарни қайтадан ишлайдиган бўлди. Ўзингиз репетициясига иштирок қилиб турунг, режиссёрга тушунтирунг, ҳовуридан тушиб қолар, дейишди. Мен кўндим. Артистлар мени яхши билишадди, аввалги пьесаларимнинг репетицияларига ҳам араллашиб, коллективга анча ёрдам берганман. Репетицияларда менинг асосий ишим артистлар ўйнайдиган роль ва образларнинг характерини, моҳиятини, мазмунини, айрим сўз ва лўқмаларнинг туб маъносини очиб беришдан иборат эди. Образни қандай ўйнаш, сахнада қандай ҳаракат қилиш, қандай мезансцена қуришни, сўзини қандай айтиш, қандай ифода қилишни артистларнинг ўзлари қойил қила беришар эди. Ниҳоят бир ойма бориб, кўплашиб қилинган қаттиқ меҳнат натижасида спектакль тайёр бўлди.

Спектакль қабулида комиссия асарга яхши баҳо берди, аммо премьерда Мамарасул ролини биринчи бўлиб Миршоҳид эмас, Аъзамов ўйнасин деган қарорга келишди. Бу ҳаммализ учун ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди. Ўқоридан келган ўртоқлар бизнинг гапимизга қулоқ солмай, ўз қарорига туриб олишди. Маълум бўлишича, Аъзамов ўзини Мамарасул образини тайёрлаб юрган экан. Комиссия ҳар иккала ижрони ҳам кўриб, сахнага биринчи бор чиқшини Аъзамовга топширди. Тўғри, Аъзамов Мамарасул ролини жуда пухта, ўзига хос, қойил қилиб, қиёмига ётказиб тайёрлаган экан. Улоғни у олиб кетди. Аммо Мамарасул образини Миршоҳид ҳам ниҳоятда чиройли ўйнаган эди. Унинг чиқishi ҳаммага, шу жумладан менга ҳам жуда ёққанди. Аъзамовнинг нозик, ажойиб ўйини ҳам ҳаммани дол қолдирарди. Аъзамов Мамарасул роли билан шўҳрат қозониб кетди. Уни узоқ вақт ўйнади. Уша куни комиссиянинг қарорини эшитиб, Миршоҳид аканинг юраги ёмон бўлиб йиқилиб қолди, комедия сал қолса фожиага айланиб кетай деди...

Миршоҳид аканинг бир нуқсини сўзни, репликани тез-тез эсдан чиқариб қўйиши эди. Чунки у кексайиб, хотира қуввати охириланиб қолганди. У баъзан чиройли бир сўзни айтиб, халқни кулдириб, беихтиёр қойил қилдимми, дегандек томошабинга қараб қўярди ва ўша заҳотиёқ образдан чиқиб кетиб, навбатдаги гапини унутиб қўярар ва партнёрнинг оғзига бақрайиб қараб турар эди. Айниқса, улоқни Аъзамов олиб кетгандан кейин «одамлар менга ишонмай қўйди, шекилли» деган андиша билан кўпроқ адашадиган, тугиладиган бўлиб қолди.

Лекин бари бир у кейин бир неча бор бу ролни ўйнади. Ахир, Мамарасул образи атай Миршоҳид акага мўлжалланган эди-да. Йўқ, кейин, Аъзамовнинг ижросига тан бериб, Мамарасул ролини ўйнамай қўйди. «Қалтис ҳазил» ҳам бошқа кўп пьесаларим сингари осонлик билан рўёбга чиққани йўқ, анча мунозаралар, жанжаллардан сўнг, баъзи бери доно, «хушёр» одамларнинг қаршилигига қарамай, кўпчиликнинг ёрдами, маъқуллаши туфайли сахна юзини кўрди.

Унинг премьераси 1944 йили «Ҳамза» театрининг ёзлик биносига бўлиб ўтди (Пушкин номли истироҳат боғининг юқорисига). Асар томошабинларга маъқул бўлди. Спектакль тугагач, Гафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳор келиб табриқлашди. Гафур хурсанд бўлиб: «Оғайни, бизни роса кулдиридинг-ку. Биз сени лирик шоир деб юрсак, юморда ҳам чанки эмас экансан, биздан ҳам ўтказиб юбординг-ку»,— дегани эсимда. Уша кеча мени жуда кўп таниш, нотаниш одамлар муборакбод қилишди, шулар жумласидан икки ҳарбий одам (офицерлар, урушдан қандайдир сабаб билан, отпускагами, келишган бўлсалар керак) ёнимга келиб қўлимни сиқашди, биттаси: «Яшанг, шоир! Спектаклни роса маза қилиб томоша қилдик, роса кулишдик. Бир неча йилдан бери урушда қон кечиб юриб, меҳримиз тошга айланиб, кулиш нималигини эсдан чиқариб қўйган эдик, бугун жуда яраб кулишиб олдик, хумордан чиқдик. Энди фронтга хурсанд бўлиб, шу қаҳқаҳаларнинг кучи билан борадиган бўлдик»,— деди. Бу гаплар мен учун катта муқофот эди.

Артистлардан бири: «Шоир, залга назар солдингизми, доим қовоғидан қор ёғиб турадиган, илжайиш, кулиш нималигини билмайдиган бир амалдор бор эди, ўшайам «Қалтис»ни томоша қилаётиб роса қаҳқаҳа урди, шу «муз»ки, эриган бўлса, асар ҳаммага ҳам бориб етди деяверинг!»— деб кулди. «Қалтис ҳазил» — ҳам ҳолат, ҳам кулгили сўзга асосланган комедия. У фақат кулдириш учунгина ёзилган эмас. Асар мазмуни янги ерларни ўзлаштириш, вақти келиб, кексайиб чеккага чиқиб қолган одамларни қайтадан актив меҳнатга қайтариш, ишەкмас, дангасаларни донгдор кишиларга айлантириш, одамларни интизомга чақириш, соф муҳаббат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, иттифоқ бўлиш каби ҳаётий муаммо ва мулоҳазалар асосига қурилган эди.

«Украина еллари» ҳам 30-йилларда Украинага қилинган сафар натижасида ёзилган. Уша кезларда «Известия» газетаси миллий республикалар ёш ёзувчиларидан ижодий бригадалар тузиб, мамлакатимиздаги муҳим объектларга юборган эди. Шу бригадалардан бирида мен ва Усмон Носир машҳур Харьков трактор заводига бориб, бир ойма ишчи бўлиб ишлаган эдик. Ана шунда «Украина еллари»ни ёзиш фикри хаёлимга келган эди.

«Жафо қилма» ғазалининг ёзилиши ҳам қизиқ бўлган. 1943 йилнинг апрель ойида, бир сабаб билан Янгийўл шаҳрига бориб, «Туркман сад» аталган боққа кирган эдик. Уша маҳалларда, уруш кетаётганига қарамай, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов, республика бўйлаб, катта-кичик санъаткорларни «Туркман сад»га тўплаб, уларга моддий ва маънавий шароитлар яратиб бериб, ижодий ишларни ривожлантираётган эди. Қизик, шу оғир шароитда ҳам Марказиом секретари ҳурматли Усмон ака, ғалабамизга комил ишонч билан, санъатимиз, маданиятимизнинг ривожини, келажагини ўйлар эди.

Кекса санъаткорлардан хоразмлик Шерозий, қўқонлик Маматбува акалар, Жўраҳон Султонов, шоир Бокий домла, Етим Бобожонов, Тўхтасин Жалилов, ёшлардан Саттор Ярашов, Саодат Қобулова, Фароғат Раҳматова, Эйтибор Жалилова, Эргаш Йўлдошев ва бошқалар қизгин ижод билан машғул эдилар.

Биз боғни айланиб юрган эдик, бирдан Усмон ака келиб қолди. Мени кўриб! «Ие, ҳа, шоир, бу ерда нима қилиб юрибсиз? Санъаткорлар билан танишгани, ашула эшитгани келдингизми? Юринг, ёшларга, янги кадрларга ашула қилдириб бераман. Маза қиласиз»,— деб кулди ва бизни кичикроқ

бир залга олиб кирди. Санъаткорлар тўпланди. Бир чеккадан ашула бошланди. Усмон ака, — завқи зўр одам, санъат шайдоси, — тиззасига аста уриб, шавқ билан хонандаларнинг биридан-бири ўткир, ёқимли ва чиройли наволарини жон қулоғи билан тинглаб ўтирди. Хар замонда менга қараб «қойилми?» дегандек имо-ишора қилиб кўярди. Концерт охирида, ўшлик ёш, ёқимтой Турсуной номли бир қиз шундай бир ашула айтдики, махлиё бўлиб қолдим. Бу қўшиқ юракка ларза солди. Менинг ҳолатимни дарров сезган Усмон ака кулиб: «Хўш, шоир, қалай, қайси бирининг ашуласи сизга ёқди», — деб сўраб қолди. Шошиб, беихтиёр, ҳамон ўша сеҳрли куйнинг таъсирида: «Ановий жуда зўр экан», — деб ўшлик Турсунойга ишора қилдим. Усмон ака қаҳ-қаҳ уриб кулди: «Топдинг, менга ҳам ўшанинг қўшиғи ниҳоятда ёқди», — деди.

У биз билан хайрлашиб кета туриб: «Уйғун, бўлмаса ўша ўшлик Турсунойга атаб битта ғазал бит, ўзи ашула қилиб юрсин», — деди.

Мен ўша кунидек, боғда ўтириб, Турсунойга бағишлаб, мувашшах қилиб «Жафо қилма»ни ёздим.

— Сизни ёзувчи сифатида совет адабиётимизнинг биринчи авлодига мансуб санайдилар. Сизнинг сафдошларингиз ажойиб образлар яратдилар, яратмоқдалар, улар ҳаётимиз қаҳрамонларининг тимсоллари бўлиб қолмоқдалар, тарихимизнинг силсилалари бўлиб қолмоқдалар. Навоий ҳам, Улуғбек ҳам, Йўлчи ва Фозилхўжа ҳам, Зайнаб ва Кўкан, Жонтемир ва Нахшон ҳам адбнинг теран томирларида пайдо бўлган, баланд иқтидор билан вояга етган образлар ва китоблардир. Уларда мураккаб ҳаётимиз ҳақиқатлари, фалсафий қарашлари таркиб толган. Булар ҳаётни теран англай олган, унга марксистик муносабатда бўлган, уни чуқур ҳис қилган адбларнинг ижодларида вояга етгандир. Сизнинг авлодингиз йўл солиб берган мана шу адабиёт бугун қай аҳволда, ўша кунларга, ўша курашчан адабиёт кунларига муносибми!

— Адабиёт, ижод бир ерда тўхтаб турмайди. Адабиёт замон билан, давр билан бирга қадам ташлайди, ўсади, камолга етиб боради. Ёзувчиларимизнинг сафи борган сари кўпайиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Ёзувчилар, санъаткорлар ижодкор халқ ичидан чиқади. Халқ бор экан, бу ижодий булоқнинг кўзи бекилмайди. Сафимиздан кетган ёзувчиларимизнинг ўрнини адабиётимизга кириб келган ва кириб келаётган янги авлод ола беради. Ижод — бу узилмас силсила. Ҳозирги адабиётимиз ўтмиш адабиётимизнинг, Ҳамза бошлаб берган совет адабиётининг давоми. Мақсадимиз, ғоямиз бир. Методимиз социалистик реализм. Эътиқодимиз партиявийлик. Мен бугунги ёш шоирларимизнинг шеърларидан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзодаларнинг овозини эшитгандай бўламан. Ҳозирги адбларимизнинг асарларида Айни, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳорларнинг нафаси йўқ эмас. Кейинги йилларда ҳеч шубҳасиз, шеърятимиз бойиди, илгариларди, сафимизга жуда етук шоирлар келиб қўшилди, прозамиз гуркираб ўсди. Ҳозирги кунда жуда бақувват, етук, ижоднинг бутун сирларини билган, эгаллаган, ҳадисини олган ёзувчиларимиз кўп. Мен бу ёзувчиларимизнинг номларини айтиб ўтирмоқчи эмасман, улар кўп. Бирини айтсам, бири қолади, бирининг номи айтилмай қолса, мендан хафа бўлиши мумкин. Мен ўрта авлодининг ижодий фаолиятдан мамнунман. Кейинги авлод, ёш авлодга мансуб бўлган шоир ва адбларимизнинг китоблари мени жуда хурсанд қилиб келмоқда. Албатта, ҳаммамизнинг ҳам, айниқса, ёш ижодкорларимизнинг ютуқлари билан бирга камчиликлари, хатолари ҳам мавжуд, зamon биздан яна ҳам муҳимроқ, яна ҳам зарурроқ, яна ҳам мазмуни чуқур, бадий жиҳатдан юксак; ҳаёт тақозоси билан майдонга қўйилаётган долзарб масала ва муаммоларни ҳал қилишда партияимизга, халқимизга ёрдам берадиган асар талаб қилмоқда. Мен, бу ўринда ютуқларимиз, вазифаларимиз ҳақида мукаммал тўхталишни лозим кўрмадим. Бу масалалар олимларимиз, танқидчиларимизга ҳавола.

Фақат бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, баъзан, баъзи асарларимизда ғоявий чалғишлар учраб қолади, ғоявий, мафкурвий курашда мутлақо ён бермаслигимиз, жанговарлики йўқотиб қўймаслигимиз керак. Кабинетда ётиб олмайлик, халқ орасида кўпроқ бўлайлик, завод ва фабрика, колхоз ва совхозларга борайлик, ҳамсуҳбатларимиз ишчилар, деҳқонлар, олимлар — барча меҳнат ахллари бўлсин.

Ахир, менинг сафдошларим Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Назир Сафаров каби ёзувчилар, шунақа эл кезар, юрт кезар, жаҳонгашта; ишчилар, колхозчилар орасида дўст, таниш-билишлари кўп ёзувчилар эди-да! Мен ёзувчиларимизга, айниқса ёш ижодкорларга шундай бўлишни тавсия қилар эдим.

— Сиз халқ орасида кўп юрасиз, кексалигингизга қарамасдан ҳали ҳам тиниб-тинчимасиз, деҳқонлар билан, халқ, партия раҳбарлари билан суҳбатлар кўрасиз. Мен буларнинг гувоҳиман. Биз кўп юрамыз бирга. Узга ёзувчиларимиз ҳам кам юрмайдилар. Аммо кўпинча ёз ёлғирга ўхшаган мақолалар билан чегараланадилар, улар қизитилмаган дапга ўхшайдилар, дап-дап қиладилар-у дап бўладилар. Бўлмасам, республикамиз ҳаётида қанча-қанча муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Уларни ўйлаганингда қанча-қанча масалалар пайдо бўлади, қанча китоблар учун муаммолар... Лекин улар китобларимизга камдан-кам кириб келадилар. Утган йили Хоразмда бўлганимизда қураб кетаётган минг йиллик гужумларни, шўрлаб кетаётган ҳосилдор ерларни кўриб қаттиқ қайғурдингиз. Одамларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини билмоқ бўлиб қанча-қанча суҳбатлар кўрдингиз. Амуга чиқдик, бутун кун Амуда суздик. Шунда энг катта муаммолардан бири сифатида Туюмўйин ҳавзаси масаласи қайта-қайта тилга олинди. Олимларимизнинг ишларига, ижодларига тасанно, албатта. Лекин уларнинг юмушларида ҳам шундай нарсалар юз берадики, ҳайратдан ёқангизни тutasи. Туюмўйин қурилаётганида балиқ ўтадиган, кема ўтадиган шлюз қурилмасдан, маблаг иқтисод қилинган экан. Бугун Оролга ҳам, Оролдан Амуга ҳам кема ўтмайди, балиқлар ўтолмайдилар. Уни лойиҳалашганларида пахтани ўйлаганлар-у, одамни ўйламаганлар, Хоразм билан Қорақалпоқ водийсининг тақдирини ўйламаганлар. Бугун ҳаммаёқни туз босиб кетмоқда, ҳосил камайиб бормоқда... Булар ҳақида жавобгар кишилар билан ҳам суҳбатлашганингиз, куюнганингиз ёдимда. Хўш, экология муаммоларига ким қарайди, одамларимизнинг саломатликларига ким қарайди! Кунни кеча, биз бир гуруҳ ёзувчилар Сурхондарёга бориб келдик. Агар у ерда юз бераётган исрофгарчиликларни сиз кўрганингизда, билмадим, нима дердингиз... Ипак пахта нақадар қимматли эканини биламиз. Аммо унинг ўз тарадиган машинаси йўқ, оқ пахта машинаси билан теришмоқда. У машина теролмайди бу пахтани, чувиб, тўкиб, оёқости қилиб кетмоқда. Биринчи сортга бериладиган пахта тўртинчи сортга қабул қилинмоқда. Чунки ифлос ипак

пахта уч марта чувиш, қуритиш машинасидан ўтади, нозик тола кукун бўлиб боради пунктга. 25 процентдан ортиқ ипак пахта мана шундай увол кетмоқда. Ўтган йили сентябрда ўтказилган академиямизнинг мажлиси қишлоқ хўжалиги машинасозлигига бағишланди. Аммо унда ҳам бу қимматли пахта машинаси ҳақида гап бўлмади. Ваҳоланки, ипак пахта истиқболи катта, яқин келажақда ҳамма ермизда шу пахта экилиши мумкин. Ҳозир Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Наманган миришкорлари эка бошлашди. Лекин уларни ҳам Сурхондарё миришкорлари дуч келган жиддий муаммолар кутмоқда.

— Ҳа, эсимда, «озиб» кетаётган Амунни кўриб хафа бўлдик. Ерлардан зах, туз кўтарилиб, қуриб кетаётган боғларни кўриб ранжидик. Орол денгизининг чўкиб кетаётганлигини ва бу фалокатларнинг оқибати хунук бўлишини эшитиб қайғурдик. Шўрлик Амунинг шўри ошиб кетаёзибди, сувини ичиб бўлмайди, дейишди. Бу ҳол бизда ёмон таассурот қолдирди. Ҳа, Амудан каналлар қазиб сув олдик. Амуга насослар ўрнатиб сув олдик, натижада дарёнинг суви камайиб, дарё оёғидаги Хоразм области, Қорақалпоқ АССР, Туркменистоннинг Тошовуз областларида сув танқислиги йилдан-йилга ортиб, ҳаммани ташвишга солиб бормоқда. Экинларни, пахталарни суғоришгина эмас, ҳатто ерларнинг шўрини ювиш учун ҳам сув етмай ётибди. Иш шу аҳволда давом этса, бу жараённинг оқибати нима билан тугашини тасаввур қилиш қийин. Қизиқ, минг йиллар давомида ўзанига тўлиб, қирғоқларни кемириб, емириб ётган Орол денгизини тоза ва ширин оби ҳаёт билан тўлдириб келган Амунинг шу аҳволга тушиб қолишига ўзимиз сабабчимиз. Фақат бугунни ўйлаб, эртани унутиб қўйдик. Келажак авлодларнинг ризқу рўзига путур етказдик. Бу ҳолни олимларимиз, донишмандларимиз, ирригаторларимиз, юрт оғалари наҳотки ўйлашмаган бўлса?

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганлари шу бўлса керак-да! Олдимиздан оқаётган дарёларнинг қадрига етмаётимиз. Туш-тушдан торт-торт қилиб дарёлардан сув олабердик. Бу сувларнинг аллақанчиси буғ бўлиб ҳавога учаётибди. Бир қанчаси ерга, қўмларга сингиб йўқолмоқда. Томчиси олтиндан ҳам қиммат сувни тежаб-тергаб ишлатиш, ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини унутиб қўйдик. Оғизда айтди-у, амалда қилмадик.

Ўтмишда ота-боболаримиз саҳроларда қор-ёмғир сувларини тўплаш учун ёпиқ «Сардоба»лар қуришган, сув йўлда кўп буғланиб кетмасин дейишди «қориз»лар — ер ости қувурлари ётқизиб сув олиб келишган. Уша маҳалда, техника йўқ, қуроқлар ибтидоий бўлган бир даврда шу ишларга уларнинг ақли ҳам, кўрби ҳам етган. Ахир, бугунги кунда ихтиёриймизда қудратли машиналар, фан-техника ютуқлари мавжуд бўлган замонда жуда кўп ишлар қилишимиз мумкин-ку. Нима учун каналларни, ариқларни бошдан-оёқ бетонлаштирмаймиз. Нима учун ҳисобсиз ариқларда оқадиган сувларни қувурларга кўтармаймиз? Гарчи, бу ишлар жуда қимматга тушса ҳам? Ахир бу меҳнат, бу сарфву харажатлар ўзини оқлайди-ку? Оқибатда миллион-миллион куб сув, биз учун, ҳаётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган «оби ҳаёт» тежалиб қолади-ку!

Баъзан сув келтириб, бир неча гектар янги ер очамиз-у, аллақачонлардан бери ишлатилиб келаётган эски ерларни ишдан чиқариб қўямиз. Улар шўрлаб кетади, ё ботқоққа айланиб қолади. Ахир, янги ер очмоқчи бўлган одамлар, бу ёғини ҳам — эски ерларнинг тақдирини ҳам ўйлашлари керак-да.

Жуда яхши ният билан Амуда «Туямўйин» сув омбори қурилди. Бу, шубҳасиз, савоб иш, керакли қурилиш. Аммо унинг оқибатида юз берадиган баъзи бир салбий томонлари керагича эътиборга олинмаган. Бу муҳим иншоот қурилиши натижасида Хоразмнинг кўп районларида ерости сувлари, тузлар юзага кўтарилиб, боғлар қуриб кетаяпти. Бу ҳалокатнинг олдини олиш учун, чуқур ва кенг қилиб зовурлар қазиб, ерости сувлари, сизот сувларни ё Оролга, ё «Сариқамиш»га ҳайдаш мумкин экан. Ҳа, шубҳасиз, бу ишлар катта сарфву харажатсиз бўлмайди. Агар ерларни бузишдан асраб, ўша ерларда яшовчи одамларнинг ҳаловатини сақламоқчи бўлсак, бу харажатлардан қочмаслигимиз лозим. Ҳамма нарсадан инсон кадру қиммати зўрку.

Бу борада яна бир муҳим муаммо бор: сувларни, дарёларни тоза сақлаш. Ҳеч кимга сир эмас, кейинги йилларда дарёларимизнинг сувлари анча ифлослашиб, бузилиб, шўри ошиб қолди. Чунки сизот сувларга қўшилиб турли химикатлар, баъзи корхоналарнинг чиқиндилари дарёларга оқизляпти. Ҳар йили ёғадиган қор-ёмғир сувлари бу жараённи жадаллаштирмоқда. Ҳар ҳолда, дарёларни тоза сақлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Дарёларни аллақайлардан келган зараркунандалар булғамайди, заҳарламайди-ку? Уларни тоза сақлайдиган ҳам, ё ифлос қилиб қўядиган ҳам ўзимиз. Ҳамма иш ўзимизга боғлиқ.

Туробжон, сиз ипак пахтани терадиган махсус машиналарнинг йўқлиги туфайли деҳқонлар анча қийналаётгани ҳақида гапирдингиз. Бу рост гап. Ҳа, ҳали пахтачилегимизда ечилиши лозим бўлган мураккаб муаммолар тўлиб ётибди. Деҳқонларимизга эртапишар, толаси узун, кам сув ичадиган, кўсаги барвақт очиладиган, баргини ўзи тўкадиган, вильтага, касаликка чидамли навлар керак. Кам сув талаб қиладиган гўза навлари борлигини эшитганман. Усимлик оламида вақти келганда баргини ўзи тўкиш ҳолати мавжуд-ку? Ахир, олимларимиз табиатдаги бу қонуниятни ўрганиб, гўза баргини ўзи тўкадиган ҳолга келтиришлари мумкин бўлмасмикин? У ҳолда гўзаларни дефолиация қилиш, пахтазорларни, атроф-муҳитни заҳарлаш барҳам топган бўлармиди?

Умуман, дефолиантлар масаласини тезроқ ҳал қилиш керак. Бутафоснинг ўта зарарли эканлигини ҳамма билади. Бу масала газеталарда ёритилди. Олимлар, шифокорларнинг жиддий хулосалари бор. Ўта заҳарли дефолиантлар ўрнига инсон саломатлигига, ўсимлик, жониворларга зарар қилмайдиган дефолиантлар яратиш, ишлаб чиқариш даври келди-ку. Энди, замон, халқ талаб қиладиган бу ишларни пайсалга солиш, ўринсиз чўзиш кони хато, кечирилмайдиган хато!

Бундан кейин машиналарсиз илгарилаш мумкин эмас! Бу ҳақиқат ҳаммага аён. Социализмнинг эзгу муддаоларидан бири инсонларнинг оғир меҳнатини, қўл меҳнатини энгиллаштиришдан иборат. Бундан ташқари бутун соҳада, хоҳ саноат, хоҳ қишлоқ хўжалиги соҳасида, ишларимизнинг ўлами, салмоғи, мураккаблиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳосилни машиналарсиз йиғиб-териб қилиш асло мумкин эмас. Машина ишимизни ҳам энгиллаштиради, ҳам тезлатади, жадаллатади. Шунинг учун яхши, мукамал машиналар, шу жумладан, пахта териш машиналарини яратиш ҳозирги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Албатта, пахта терадиган агрегатларимиз бор. Улар коримизга яраб турибди. Аммо бу машиналарнинг нуқсонини кўп. Деҳқонлар машинага қарши эмас, улар яна ҳам яхши, яна ҳам унумдор, пахтани тўкмай, тоза терадиган, очилмаган кўракларни

ғажиб ташламайдиган, мустақкам, чидамли янги машиналарни талаб қилмоқдалар. Ундан ташқари, ўз ишига меҳр қўйган, ўз касбини улуғлайдиган, ишқибоз, билимдон, тажрибакор ҳайдовчилар ҳам керак. Ахир машина инсонсиз ишламайди-ку! Ҳайдовчи нечоғлик «устаси фаранг» бўлса, машина ҳам шунча яхши, шунча узоқ хизмат қилади. Бинобарин, фақат машина эмас, ҳайдовчида ҳам гап кўп. Шунинг учун ҳайдовчи кадрларга алоҳида эътибор беришимиз, яхши ўқитишимиз, уларга шарт-шароит яратиб беришимиз, матбуот, радио, телевидение орқали ташвиқ ва тарғиб қилишимиз лозим. Механизаторга йил ўн икки ой хоҳ далада, хоҳ устахонада иш топилади. Бизда, менга унча макбул бўлмайдиган бир одат бор: мавсумда бирор механизатор, ҳайдовчи ўз иши билан шухрат қозондими, дарров уни бошқа ишга кўтарамиз. У ё бригадир, ё колхозга раис, ё совхозга директор бўляпти. Шундан кейин унинг номи механизаторлар сафидан йўқолиб кетади. Уша машҳур ветеранлар, машҳур механизаторлар, ҳайдовчилар — вақтида донг чиқариб, номлари газета, радиолардан тушмайдиган, алоҳида плакатлардан мағрур қараб турадиган Қурбон Кенжаев, Жавод Кўчиев, Шоймардон Қудратов ва бошқалар қани? Биз ҳар мавсум моҳир теримчилар, зангори кема капитанлари орасида ўша донгдор механизаторларнинг муборак номларини кўриб туришни истаймиз. Йўқ, мавсумда ўзини бир маротаба кўрсатган машҳур механизаторни, ҳайдовчиларни кўздан қочирмаслигимиз лозим. Донг чиқарган зангори кема капитанлари қаерда, ким бўлиб ишламасинлар, терим мавсумида пахта териши керак. Унга шу иш, механизаторлик иши муносибдир, у шу касб эгасидир. Унинг моҳияти, маҳорати шу касбда яхши намоён бўлади. Колхоз раислиги, ё совхоз директорлиги, ё бошқа бир иш унга ҳам муносиб бўлмас, механизатор бу ўринларда ўзини яхши кўрсатолмас. Ҳа, механизатор ҳозирги замонда янги сулола — «дала сўлтонлари». Буларнинг сафини озайтириш эмас, борган сари кўпайтириб боришимиз керак.

Пахта ҳосилдорлигини асосан майдонларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки бор ерларнинг унумдорлигини ошириш йўли билан кўпайтиришимиз керак. Айниқса, ўлкада сув жуда танқис бўлган бир вақтда, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун алмашлаб экишнинг фойдаси кўплигини фан исботлаб берган. Аммо кўп хўжаликларда бу муҳим тадбир бузилади, алмашлаб экиш керак дейилади-ю, тузилган планлар қоғозда қолиб кетади. Бошқа экин экиш лозим бўлган ерларга яна пахта экилаверади. Сўз билан амал бирлиги, иш бирлиги йўқ. Баъзи бир колхоз, совхоз раҳбарлари юқоридан қандай план топширишса, сўзсиз қабул қилаберади. Берилган планни хўжалик имкониятига қараб ҳозирги вазиятда бажариш мумкин бўладими-йўқми, кўп ҳам ўйлаб ўтирмайди. «Бажарамиз!» «Ошиғи билан бажарамиз!» дейди-ю, аммо ўзи катта юкни кўтара олмаслигини яхши билади. Ерларимиз кучсизланиб қолган, сувимиз чатоқ, алмашлаб экиш планимиз бор, пахта экиладиган ерларнинг бир қисмига бошқа экин экмоқчимиз, оширилган планни бажариш учун имкон йўқ, деб рост гапни айтолмайди. Район раҳбарлари нима деса, қулоқ қоқмай, «хўп, бажарамиз», дейиш керак деб ўйлашга ўрганиб қолишган. Бу ярамас, салбий, совет яшаш тарзига тамом ёт бўлган мутелик одатидир. Кейин ўша раис, ё ўша директор, реал бўлмаган планни қандай йўл билан бўлмасин бажаришга киришади. Алмашлаб экиш планини бузиб, бошқа экинлар ўрнига яна пахта экади. Яширинча бошқа ерларга ҳам қўшимча пахта экади. Ушанда ҳам план тўлмайди диган бўлса, қўшиб ёзади. Заводдаги баъзи бир виждонсиз одамларга пора бериб, квантация олади, жиноят қилади. Оқибатда жиноят очилиб, жавобгарликка тортилиб кетишади.

Бизни ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган яна бир муҳим нарса бор. Бу ғўза зараркундаларига қарши заҳарли химикатлар ишлатишдир. Натижада ер, ҳаво, сув ифлослашяпти. Фақат зарарли ҳашаротларгина эмас, фойдали набототлар ҳам қирилиб кетяпти. Ахир пахта зараркундаларига қарши биологик усулда курашиш ҳам мумкин, бу соҳада яхши натижалар бераётган тажрибалар мавжуд-ку. Гап шу усулни кенгайтириш, кўпайтиришда қолган. Ахир партиямиз, инсон ва унинг саломатлиги ҳамма нарсадан эзгу ва қимматли; деяпти-ку. Пахтани ўйлашимиз лозим, аммо инсон саломатлигини йўқотиш эвазига эмас-да!

Хуллас, замон олдимишга жуда катта вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш учун ҳаммамиз — ишчилар, колхозчилар, олимлар, ёзувчилар, колхозчилар, — қисқаси, барча касб эгалари бирдек масъулмиз. Зиммамиздаги бурчни ҳалол бажаришимиз учун партия ва халқ талаб этаётгандек, жадаллаштириш ва қайта қуриш даврида муносиб бўлишимиз, сўз ва иш бирлигига эришишимиз зарур.

Сўхбатни Ўзбекистон халқ шоири **Туроб ТўЛА** олиб борди.





ҲАҚИҚАТ

Ашрақат мин акси шамси-л-каъси анвору-л-худо,
«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.

Ғайр нақшидин кўнгул жомиди бўлса занг-и ғам,
Йўқтур, эй соқий, май-и ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид ани ичкан гадо.

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жом-и май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

Токи ул майдин кўнгул жомиди бўлғач жилвагар
Чехра-йи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин бир исм ила қилғай адо.

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳид-о!
Ташналаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу йо айюҳа-л-атшон» келур ҳам дам нидо.

Мазкур шеър Навоийнинг тўрт девондан иборат бўлган «Ҳазойину-л-маоний», яъни маъно оламининг хазиналари, деб аталган асарининг биринчи девонидаги биринчи ғазалдир. Аммо бу ғазал «Ғаройибу-с-сиғар», яъни кичиклик, ўсмирликнинг қизиқликлари, деб аталган биринчи девоннинг бошида келтирилган бўлса-да, у қолган девонларга ҳам, яъни бутун «Ҳазойину-л-маоний»га муқаддимадир. Шунинг учун бу ғазални Навоий айтган биринчи ғазал деб тушуниш керак эмас. У девонларнинг мажмуасидаги ўрнига кўра биринчи ғазалдир.

Ғазал тўққиз байтдан иборат. Ҳар бир байт икки мисрадан тузилган бўлади. Ғазалнинг биринчи байти «матлаъ» ва охириги «мақтаъ» дейилади. Ғазалда матланинг иккала мисраи ва қолган байтларнинг иккинчи мисралари ягона қофияга эга бўлади.

Бу ғазалнинг қофияси ридфли муқайяд қофия дейилади. Қофия ҳосил бўлиши учун такрорланиши шарт бўлган товуш равий деб аталади. Бу ерда равий «о» товушидир. Равий қофиянинг асосий элементидир. Аммо бу қофияда унинг ҳамоҳанглигини оширувчи ридф деган элемент ҳам бор. Бу «д» товушидир.

Ғазалнинг вази — фоилотун фоилотун фоилотун фоилун. Учинчи байтнинг биринчи мисраи — фоилон. Мисра охирида офоилон билан фоилон бир шеърнинг ўзида ўрин аллашиб келаберади. Бу вазнинг охириги рукин фоилун бўлганда «рамал-и мусаммани маъзуф» деб, фоилон бўлганда «рамал-и мусаммани мақсур» деб юритилади.

Ғазалда вазн ёки вазн туфайли тил қондалари бузилган услуб ва маънога нуқсон етган ҳолат йўқ.

Ғазалнинг энг яхши чиққан байтини шохбайт дейилади. Лекин бу ғазалнинг ҳамма байти шохбайт даражасида. «Жом» ва «май» сўзлари ҳамма байтларда такрорланган. Бу илтизом санъатидир. «Жому май» илтизому Навоийнинг фалсафаси, ушбу ғазал мазмунига мувофиқ тушган. Чунки етук инсоннинг кўнгли, яъни маънавий олами ҳақиқат майининг жомига айланган бўлади. Жомига мазкур май тушган, яъни борлиқнинг ҳақиқатидан огоҳ бўлган кимса мангу саодат эгаси бўлади ва бунинг битмас-туганмас кайфидан, яъни лаззатидан баҳра олади. Ғазалга борлиқда мана шу мақсадга эришиш йўли борлиги ва кишининг ўзида бунга зотий истеъдод мавжудлиги мавзу қилиб олинган. Шу билан бирга бу ғазал Навоийнинг фаолияти, жумладан, адабий ижодининг программаси ҳамдир.

Ғазал ҳусн-и матлаъ билан бошланган. Матла мазмунан ва шаклан ўз ўрнига муносиб бўлса, «ҳусн-и матлаъ» дейилади. Бу матла фақат мазкур ғазалга нисбатан эмас, балки умуман «Ҳазойину-л-маоний»га нисбатан ҳусн бўлиб тушган, ғазалнинг ўзини ҳам девонга нисбатан ҳусн-и ибтидо, дейиш мумкин. Бу матла мулъаммаъ (ширу шакар) ҳамдир: биринчи мисраи арабча, иккинчиси узбекча. Бу Навоийда ва у тарғиб қилаётган ғояда миллий чекланишнинг йўқлигини ва тил фарқининг ғоявий бирликка моне бўлолмастлигини кўрсатади. Мазмун бирлиги доирасидаги шаклий рангбаранглик бадииятнинг асосий принципларидан биридир.

Бу ғазалнинг мазмунини англаш учун биринчи навбатда «май» сўзининг рамзий маъносини билиб олишимиз керак.

Луғавий маъноси билан узумни ачитиб тайёрланадиган ичкиликни англатадиган «май» сўзи ва унинг «шароб», «бода», «хамар», «чоғир», «роҳ», «мул», «мудом», «саҳбо» сингари маънодошлари бадиий фалсафий асарларда истиора тарзида ҳақиқат маърифати ва ишқига нисбатан ҳам ишлатилади.

Ишқу муҳаббат бир неча жиҳатдан майга ўхшайди. Абдурахмон Жомий ўзининг «Лавомий» асарида муҳаббат билан майнинг ўхшаш жиҳатларидан ўнтасини баён қилган.

Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан ўзи қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам ғалаён қилиб зуҳур этишга интилади.

Иккинчиси, май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳурида муҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгул идишига боғлиқдир.

Учинчиси, майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялпи жараёндан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг қону жонига кириб унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май ўзининг ичкучисини, ишқ севгучини марду сахий қилиб қўяди. Аммо май масти пулни аямаса, ишқ масти жону жаҳонини, бору йўғини бахшида қилади.

Бешинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини кўркмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишқ шижоати ҳақиқат нурунинг ғолиблигидандир. Биринчиси шахсни фалокату ҳалокатга олиб боради, иккинчиси абадий ҳаёту саодатга бошқаради.

Олтинчиси, май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру ҳавони учиради ва ниёзу тавозуга туширади. Бироқ ичкиликнинг оқибати хорлиги разолатдир, пок ишқ натижаси иззату шарофатдир.

Еттинчиси, май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқат маърифат сирларини ишқ юзага чиқарган.

Саккизинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуш қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва ғафлатнинг энг тубан даражасидир, ишқ беҳушлиги эса сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир.

Тўққизинчиси, майпараст майни ичган сари яна кўпроқ ичкиси келади, ишқпараст ҳам ишқ дардида мубтало бўлган сари яна ортиқроқ берила боради. Лекин ичкучи борган сари одамийлик қиёфасини йўқота боради; севгучининг эса инсоний фазилатлари орта боради.

Унинчиси, май ҳам, ишқ ҳам номусу ҳаё пардасини кўтаради. Бироқ ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб, халққа озор беришдан уялмайди, севган эса ўзгалар учун ўзини хору зор қилишдан ор қилмайди.

Демак, ишқнинг май билан ўхшаш томонлари кўп, лекин оқибат жиҳатларидан улар бир-бирига тамоман зид экан.

Натижа эътибори билан май захр ва ишқ нўш экан, нима учун ишқни май билан таъбир қилинади, деган савол туғилиши табиийдир. Бунинг жавоби шундай: таъбирнинг таърибасиз, хом ёшлар ва айрим нафси аммораси қаримаган қариларнинг тасавурида ичкилик бор неъматларнинг энг олийси ва мастлик лаззатларнинг энг лаззизидир. Агар, ичмай ҳавас қилувчиларни ҳам ҳисобга олсак, бундай хато тасавурга эга бўлганлар дунёда жуда кўп. Бинобарин ишқни «май» деб аталганда, биринчидан, мавзуга кўпчиликнинг диққати тортилган бўлади; иккинчидан, май билан ишқ орасидаги ташқи ўхшашлик билан ички зиддият лаззатталабларга равшан бўлиб, мутлақ лаззат ҳақиқий ишқда эканлиги аён бўлади.

Май ишқ рамзи қилиб олинганда «жом» сўзи ва унинг маънодошлари кўнгилни билдиради. Аммо биринчи мисрадаги жом маъносидаги «каъс» сўзи кўнгилни англамайди. Буни Навоийнинг ўзи жомни қуёшга ўхшатиш йўли билан ифодалаган. «Ашрақат» порлаб чиқди, «мин акси шамси-л-каъси» май косаси қуёшнинг аксидан, «анвору-л-худо» тўғри йўл, яъни ҳақиқат нурлари деган маънода. Тўғри йўлга бошловчи «ҳодий», ҳодийлик «ҳидоят» дейилади. Демак «ашрақат мин акси шамси-л-каъси анвор-л-худо» май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади деган мазмунда экан. Бунда май косаси қуёшга ўхшатилган. Қуёш оламдаги нур тарқатувчи ягона мавжуд бўлгани учун май косасидан мурод ишқ, яъни жозоба манбаи мутлақ борлиқдир. Демак, Навоийнинг фикрига кўра, ҳақиқат йўлини мунаввар қилиб ёритиб, унга тўғри олиб борадиган восита ишқ экан.

Иккинчи мисра «Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.» Бундаги «ёр» ҳақиқат маъносида бўлиб мисранинг мазмуни шундай:

Оламнинг ҳақиқати ундаги барча мавжудотда акс этади. Аммо ишқ майи шу ҳақиқатни кўриш, яъни идрок қилиш воситасидир. Жом, яъни ишқ майининг идиши — кўнгил буни тасдиқлайди. Чулки ошқ ҳақиқатни ишқ воситаси билан кўнгилда, идрок этади. Иккинчи байтдаги «ғайр» деганда маъшукдан ўзга ҳамма нарсалар тушунилади. Эслатаман, Навоийнинг маъшуқи пок инсон кўнгилни ёритадиган борлиқ таъқиқатнинг нуридан иборат. «Ғайр нақши»дан мурод кўнгилга маъшук ҳаёлидан ўзга нарса таъқиқатнинг қаттиқ ўрнашиб олишидир. Жом ишлатилмаганда, яъни унга май тушиб турмаганда, ёки бошқа нарса солинганда занглаганидек, ҳақиқат нури тушиб туриши керак бўлган кўнгилда ўзга нарсалар, айниқса ёвуз фикрлар бўлса, шуларнинг занги, доғи, яъни таъсири уни ғамхонага айлантиради.

Шундай бўлган тақдирда, яъни маъшукдан ўзга нарсалар ғами маъшукнинг кўнгилда жилоланишига тўсқинлик қилганда, «йўқтур, эй соқий, май-и ваҳдат масаллик ғамзудо.»

«Масаллик» бамисоли, сингари дегани. «Май-и ваҳдат масаллик» май-и ваҳдат сингари, деган маънода. «Ғамзудо» ғамни ариткучи, кеткизгучи, ғамдан пок қилгучи дегани. Шoir соқийга мурожаат қилиб, май-и ваҳдатдек ғамни аритувчи нарса йўқ, деб, уни ўшандай пайтларда ваҳдат майини сунишга ундайди. Бу ўринда соқийдан мурод косагул эмас, балки шеър ўқиш ҳикматли сўзлар айтиш ёки бошқа шунга ўхшаш йўллар билан шавқ уйғотувчи кишидир.

«Май-и ваҳдат» — ваҳдат туфайли ҳосил бўлган жуда ширин беҳушлиқдир. Ваҳдатнинг ўзи нима?

«Ваҳдат» сўзининг луғавий маъноси бирликдир. Бунинг фалсафий маъноси ҳам бор бўлиб, ваҳдат эътиқодига кўра, борлик ягона бир вужуддан, оламдаги бор нарсалар шу вужуднинг турли ташқи кўринишдан иборат. Бу икки алоҳида мавжуд, яъни худо бор ва унинг яратган олам бор, деган эътиқодга қарши қўйилади. Ваҳдат тушунчасига кўра борлиқнинг ички томони азалий ва абадий ҳаракатга эга бўлган чексиз нур, ҳозирги физика тили билан айтганда энергиядан иборат. Мана шу нур, энергия оламнинг жони ҳисобланади. Бу нур рангу шаклга эга бўлмагани, маконун замонда чекланмагани ва узлуксиз бор бўлиб тургани учун киши уни сезмайди. Аммо оқкўнгилликни олий даражада кўтара олган киши илм ва ишқ орқали мазкур нурни идрок қилиши мумкин. Шунда киши ўзини унутиб, шу нур ичида йўқолгандай бўлади. Ваҳдат майдан мурод — мана шу ҳолат ва шунга бўлган жозоба ва ишқдир. Бунга эришган кимса оламнинг нималигидан, жумладан, ўзининг кимлигидан воқиф бўлади. Бундай кишининг кўнгилга ҳаётда юз берадиган турли балолар, кишилар ўртасидаги низолар, унга қарши қилинган иш ва гап сўзлар таъсир қилмайди. У ҳеч кўнгилни бузмай ўзининг инсоний вазифасини аъло даражада бажариб, халққа бегараз хизмат қила беради. Унинг гоъси ва амали кўнгилни фақат шодлик билан тўлдиреди. Киши, агар фалончи менинг ҳақимда ёмон гап қилди, деб ундан хафа бўлса, фалончининг машинаси бор-у, нега менда йўқ деб сиқилса, фалончини нега халқ ҳурмат қилади-ю менинг қадримга етмайди, деб бўғилса, унинг кўнгилда хурсандликка ўрин қолмайди.

Мабодо ўша кишилар билан ўчакиша бошласа, уларга зарар етказиш планларини туза бошласа, турли руҳий касалликларга чалинади ва ўзгаларга қазиган чоҳга ўзи тушади.

Мана шунинг учун Навоийнинг мазкур ғазалининг оммавий тарбия учун ҳам аҳамияти каттадир.

Учинчи байтдаги зарф — идиш, гетийнамо — жаҳонни кўрсатувчи. Афсоналарга кўра, Жамшид деган подшонинг сеҳрли бир жоми бўлган. Биринчидан, бу жомдаги май ичган билан тугамаган, иккинчидан, жаҳонда бўлаётган воқеаларни телеэкрандагидай ундан кузатиш мумкин бўлган. Жамшиднинг ўзи олий даражада айшу ишрат қилган шахс тимсоли сифатида тилга олинади. «базм-и Жамшид» деган иборанинг вужудга келиши ҳам шундандир. Жамшид қисқартириб «жам» шаклида ҳам қўлланади. «Жом-и Жам» деганда Жамшиднинг ўша сеҳрли Жоми тушунилади.

Навоий мазкур байтда агар кишига ваҳдат майи муяссар бўлса, жом ўрнида синган сафол косаси бўлса ҳам яхши бўлади, бундай синиқ сафол косага ўшандай май тушса, у Жамшиднинг сеҳрли жомидай гетийнамо, яъни жаҳонномага айланади, уни ичган киши эса, гадо бўлса ҳам, Жамшиднинг шохона айшу ишратининг кайфини суради, дейди.

«Синган сафол»дан мурод, биринчидан, синиқ кўнгил, яъни дардли кўнгил, иккинчидан, фанр яъни бойликка ҳирс қўймастикдир. Ҳақиқат майининг айшини сурш учун ортиқча молу мулк, олтин-кўмуш бўлиши шарт эмас, «Гетийнамо»дан мурод шуки, мазкур майдан баҳраманд бўлган кимса, борлиқ сирларидан воқиф бўлади.

Тўртинчи байтда Навоий агар жом билан май шундай бўладиган бўлса, бундай жом учун юз жаҳонни нисор қилиб, яъни сочқи қилиб, бундай май учун минг жонни фидо қилса бўлади, дейди.

Бешинчи байтдаги «дайр» сўзининг иккита ҳақиқий маъноси бор, биринчиси — гумбаз,

иккинчиси — ғайрисломий ибодатхона, мажозий маънода майхонани ҳам билдиради. Бу байтда «дайр» рамзий мазмундаги майхона бўлиб, ҳаммаслақ покбоз ошиқлар даврасини ва уларнинг мажлисини ҳамда йиғилган ерини билдиради.

«Муғбача» аслида муғлар хизматидаги бола бўлиб, кўча маънода соқийни билдиради. Муғ — умуман оташпараст, хусусан, оташпарастлар руҳонийси. Навоийнинг мазкур байтидаги «муғбача» ҳам «дайр» сўзи каби рамзий мазмундаги соқий бўлиб, ишқ даврасини қизитувчи кишини билдиради. Бу иккинчи байтнинг шарҳида мазкур бўлди. Бу ерда «муғбача» сўзининг ишлатилишига сабаб унинг «дайр» сўзига нисбати борлигидир. «Муғбача» ўрнида «соқий» ёки бошқа сўз ишлатилса, улар «дайр» сўзига уйғунлашмас эди. «Соқий» сўзи «майхона», «майқада» каби сўзларга уйғундир. Моҳир санъаткорлар сўзларни рамзий мазмунда ишлатганда ҳам уларнинг асл луғавий маъноларини назардан четда қолдирмайдилар.

Хуш аҳлидин мурод ишқ майдин маст бўлмаганлардир, «расво бўлмоқ»дан мурод ишқ беҳушлигининг сиридан беҳабарларнинг таънасига қолмоқдир. «Ибтидо қилмоқ» — бошламоқ дегани. «Мен-и» сўзидаги «и» изофа кўмакчиси дир.

Демак:

**Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали эй муғбача
Жом-и май тутсанг мен-и девонадин қил ибтидо**

деган байтнинг ташқи мазмуни «эй соқий, майхонада хушёрларни маст қилиб расво қилиш учун май ичирадиган бўлсанг, мени эси йўқдан бошла, шу расволикка мен жуда муштоқман», деган фикрдан иборат. Аммо ички, шoirнинг айтмоқчи бўлган ҳақиқий мазмуни «эй ошиқлар даврасини қизитувчи йигит, бизга сирдош бўлмаганлар расволик деб ўйлаган ишқ эссизлиги ҳолатини вужудга келтириш мақсадида кўнглимизга ишқ ўтини ёқмоқчи бўлсанг, бу ишни мендан бошла, чунки ўзгаларга нисбатан мен бунга кўпроқ муштоқман», деган фикрдан иборатдир.

Олтинчи байтдаги «ул май»дан мурод ваҳдат майи бўлиб, бунинг мазмуни иккинчи байтнинг шарҳида маълум бўлди. «Жилвагар бўлмоқ» — жилва қилмоқнинг маънодошидир. Кишига ўзни ўзига хос бир тусу тарзда кўрсатмакни жилва дейдилар. Шу сўздан тажаллий деган фалсафий истилоҳ ҳам ясалган. «Тажаллий»нинг луғавий маъноси жилваланишдир. «Тажаллий» бу мутлақ борлиқнинг мавжудот тусида жилваланишидир. Мазкур байтдаги «жилвагар бўлмоқ»дан мурод тажаллий этмақдир. «Чехра-йи мақсуд»дан мурод в ажхулҳақдир. В ажхулҳақ мавжудотни ҳақ, яъни бор қилиб турувчи абадий ва азалий жиҳатидир. Оламдаги турли-туман нарсалар мана шу жиҳати билан ягоналашади, ваҳдат ҳосил қилади.

Буни идрок қилган киши ўзини олам, хусусан, инсон билан боғланмаган алоҳида бир мавжуд деб тушунмайди. Ҳаммани бирдай кўради ва жамияту табиатга камоли эҳтиром билан қарайди.

«Маҳв ўлмоқ» йўқ бўлмоқ, «ҳамул» ўша, «моадо» ўзга нарсалар дегани, ўзга нарсалардан мурод чехрайи мақсуддан ўзга нарсалар, яъни мавжудотнинг в ажхулҳақдан ўзга, бирини биридан жудо қилувчи жиҳатларидир.

Шундай қилиб:

**Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар
Чехра-йи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо**

байтнинг ташқи маъноси «ул май воситасида кўнгул жомида мақсуд чехраси жилваланиши билан ундан ўзга нарсалар йўқ бўлади», деган сўздан иборат. Ички ҳақиқий мазмуни «киши ваҳдатга эришиб, унинг кўнглида мавжудотнинг азалий ва абадий бўлган ва уларни бор қилиб турган умумий жиҳати жилваланса, уларнинг бошқа хусусий бир-бирига қарама-қарши жиҳатлари ғойиб бўлади» деган фикрдан иборат.

Еттинчи байтнинг юзаки мазмуни шундай: жомга май тушгач, улар орасида бирлик ҳосил бўлади, шунинг учун жом ва майни бир сўз билан ифода қиладилар, яъни «жом» деганда ҳам жом, ҳам унинг ичидаги май назарда тutilади.

Бунинг ҳақиқий маъноси эса қуйидагича:

Сўзда ҳам ўз ифодасини топган ўша жом билан май орасидаги бирлик кўнгил билан ҳақиқат орасида ҳам бор. Ҳақиқат нури тушган кўнгил нурга айланиб, бундай кўнгил эгаси нуроний тус олади.

Саккизинчи байтда, юзаки қараганда, шундай дейилган:

Эй зоҳид, яъни охираат учун тарки дунё қилган киши, сенинг тасаввурингдаги салбий хоссаларга эга бўлган жом билан майдан ўзга ижобий жому май ҳам бор. Шунинг учун сен бу майхонадаги биздек майпарастларни билар-билмас инкор қилма.

Бунинг ҳақиқий маъноси шундай:

Эй, масалага юзаки қараб, ўзгаларни камситиб, ўзини улуг деб билувчи кимса, сўз бошқа, нияту амал бошқа, шакл бошқаю мазмун бошқа, мақсад бир, йўл кўп. Шунинг учун тушунар-тушунмас ишқ аҳлини буларнинг тутган йўли нотўғри дейишга шошилма!

Ғазал мақтанининг ташқи мазмуни тубандагича:

Эй Навоий, азал соқийсидан дам-бадам «ичингиз, эй ташналар», деган нидо келиб тургач, ташналаб бўлиб юрмасдан ўша майни ичиш ҳаракатида бўл! Бунинг ички маъноси қуйидагича: Инсоннинг ҳақиқатга бўлган ташналигини қондириш борлиқнинг азалий хоссаларидан бири. Оламда бунинг равшан белгилари намоён. Шунинг учун агар сидқидилдан ҳаракат қилсанг, борлиқ сенинг ҳам ҳақиқатга бўлган ташналигингни қондиради. Шунга ҳаракат қил, умрингни зойе қилма!

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори

НАВОИЙ ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Буюк ўзбек шоири ва мутаффакири Алишер Навоий давридаги адабиёт, архитектура, рассомлик, хаттотлик, музыка ва бошқа санъатлар етарли даражада ўрганилган ва бу ҳақда бой илмий адабиёт мавжуд. Аммо у даврдаги табиий фанлар, шу жумладан, тиб илми ва унинг йирик арбоблари эса тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда.

XV асрнинг иккинчи ярмида яратилган тиббий асарларнинг кам сақланганлиги ва етиб келганларининг ҳам Иттифоқимиз кутубхоналарида йўқлиги сабабли Навоийга замондош табибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар ахтариб, тегишли тарихий манбаларга мурожаат қилишга тўри келади.

Маълумки, Навоийнинг бевосита ҳомийлигида ижод этган машҳур тарихчи Ғиёсиддин Хондамир (1475—1536) ўз асарларида Хусайн Бойқаро даврида яшаган олимлар, ном чиқарган табиблар ҳақида ҳам хилма-хил ва муҳим маълумотлар келтиради.

Масалан, унинг «Хулосатул-ахбор», «Мақоримул-ахлоқ» ва «Ҳабибус-сияр» номли асарларида Навоий бино қилган биргина «Шифоия»нинг ўзида тиб илмидан дарс берган ёки касалларни даволаш билан машғул бўлган 5 табибнинг номи зикр этилади. Булар Муҳаммад Муин, Қутбиддин Одам, Муҳаммад табиб, Ғиёсиддин Муҳаммад ва Низомиддин Абдулҳай.

Булардан Низомиддин Абдулҳайнинг номи Навоий ҳаётининг сўнги дамларига оид воқеалар билан боғлиқ ҳолда зикр этилганлигидан, унинг шахсияти алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, Астробод юришидан қайтаётган Хусайн Бойқаро кутгани чиққан Навоийнинг ҳушдан кетиб йиқилиши ва уч кун ўзига келмай ётгандан кейин вафот этганлиги воқеасини Хондамир тафсилотлари билан ёзиб қолдирган. Қизиғи шундаки, Хондамир бу воқеани икки хил тасвирлайди — «Мақоримул-ахлоқ»да бир хил ва «Ҳабибус-сияр» билан «Равзатус-сафо»да бир хил.

Мана шу фарқни кўрсатиш учун ҳамда «Ҳабибус-сияр»дан олиб эълон қилинган таржималарнинг деярли ҳаммасида ҳам бизни қизиқтирган парча тўла берилмай, айрим ибора ва жумлалар ташлаб кетилганлиги ёки ноаниқ берилгани туфайли унинг мақола мавзусига тегишли жойларини ўз таржимамизда келтирамиз:

«906-йил жумодо-л-охир ойининг 6-сида душанба куни Ҳиротга Хусайн Бойқаронинг Астробод юришидан қайтаётганлиги хабари келади. Сешанба куни пешин намози вақтида хоқон ҳазратларининг яқин кишиси (яъни Навоий) бир гуруҳ юқори мартабали кишилар ва мулозимлар билан бирга шоҳни кутиб олиш учун йўлга чиқади

ва чоршанба куни кечаси Париён работига келиб тушади. Эртасига (пайшанба куни) Поёб работига етганда подшоинг яқинлашиб қолганлиги хабарини эшитилади. Подшоҳ билан учрашув шарафига эришажагидан ғоятда севинган Навоий ўша кечаси ақсар вақтини бедорликда ўтказди ва (жума куни) эрталаб кун чиқиши биланоқ сиҳат-саломатликда отга миниб, подшо ўша кечаси келиб тушган Амир Муҳаммад Вали-бек работи томон йўл олади. Бир оз йўл юрилгач, подшо мулозимлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишиб, ул жанобнинг қўлини ўпишар ва унинг меҳрибонлик билан айтган сўзларидан шод эдилар.

Хўжа Аббос исми билан машҳур бўлган жойда узоқдан хоқоннинг тахти равони (асли «муҳаффа», бу — ичида ётиб кетиш ҳам мумкин бўлган махсус кажава бўлиб, унинг икки томонида от ёки хахир қўшиб юрилган — У. К.) кўринади. Хўжа Шаҳобиддин Абдулло отини илғорлатиб келади. Навоий у билан қучоқлашиб кўришади ва ҳол-аҳвол сўрашиб бермасдан, аҳволида кескин ўзгариш юз беради ва қаттиқ изтироб билан: «Хўжа Абдулло, мендан хабардор бўлиб тур», дейди. (Навоий Хўжа Шаҳобиддин Абдуллога насихат тариқасида ёзган бир хатида уни «фарзанди дилбандим» деб атайдиган) («Мақоримул-ахлоқ» 1967 й., 59-бет), шунинг учун бу ерда унга «сен» деб мурожаат қилиши ажабланарли эмас.) Шу сўзни айтаётганида ҳазрати хоқоннинг тахти равони яқинлашиб келади ва Навоий подшо билан қучоқлашиб кўришмоқ учун отдан тушади. Аммо оёқларида юришга қувват қолмаганлигидан бир қўлини Хўжа Абдуллонинг елкасига ва иккинчи қўлини Мавлоно Жамолиддин Қосим Хондамирнинг (Хусайн Бойқаронинг амалдорларидан бири; тарихчи Хондамирдан бошқа шахс) қифтига қўйиб, бир амаллаб тахти равонга яқинлашади ва подшоинг қўлини ўпади-ю, ниҳоятда заифлашиб ўша ерга ўлтириб қолади. Хоқон у софдил амрига ҳарқанча меҳрибонлик ва мулойимлик билан мурожаат қилиб аҳвол сўраса ҳам, у ҳеч жавоб беролмайди.

Бу аҳволдан ташвишланган хоқон ўзининг бўш тахти равонига ул жанобни ётқизиш шў кечасиёқ² шаҳарга етказишни буюради ва ул фазлу камол осмони қуёшининг аҳволдан хабардор бўлиб туришни Хўжа Абдуллога топшириб, ўзи Париён работига қараб йўл олади. Шу пайт Навоийнинг томир уриши ва ташқи кўринишида сакта аломатлари пайдо бўлади ва тиб илмини биладиган бир гуруҳ кишилар касалдан шу ернинг ўзида қон олиш керак, токи тузалиш аломати кўринсин, дейдилар. Аммо табобатдан лоф уриб юрвчи Мавлоно Абдулҳай Зиёратгоҳий бунга тескари йўл тутади ва бирон хато рўй бермаслиги учун Ҳиротга етиб бориб, табибларни йиққандан кейин

¹ Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги вақтида яшаб ижод этган табиблардан бири Абдураззоқ ибн Абдулқарим ибн Абдураззоқ ат-табиб ал-Кермоний томонидан, Навоийга бағишлаб форс тилида ёзилган «Шифо ал-асқом» («Касалликларни даволаш») номли рисоланинг қўлёзмаси Машҳадда Имом Ризо мақбараси қошидаги кутубхонада сақланади. Хондамир «Мақоримул-ахлоқ»да (ЎзССР ФА Шарқшунослик институтидаги қўлёзма, № 5340, varaқ 17 А) Навоийга атаб ёзилган асарлар орасида Мавлоно Абдураззоқ Кермоний қаламига мансуб бўлган «Рисола дар илми фаросат» («Физиономика ҳақида рисола»)ни ҳам кўрсатган. Шу иккала муаллиф бир киши бўлса керак.

² Қуйироқда Хондамир Навоийнинг уйига жума куни ярим кечада етиб келинганини ёзади. Воқеанинг юқоридаги баёнидан ҳам маълумки, Навоийнинг касал бўлиб йиқилиши жума куни содир бўлган, бу эса 1501 йилнинг 1 январига тўғри келади. «Мақоримул-ахлоқ» матнидан ҳам (3-нашир, 124-бет) бу воқеанинг жума куни юз берганлиги аниқланади. В. В. Бартольд Навоий билан Хусайн Бойқаронинг бу сўнги учрашуви 1500 йилнинг 31 декабри пайшанба куни бўлган, деб бир кунга янгилишган (Сочинения, т. 11 (2), стр. 256). Е. Э. Бертельс ҳам шуни такрорлайди (Навои, М.—Л, 1948, стр. 255).

даволашга бошлаш керак, деди. Хўжа Шаҳобиддин Абдулло иккинчи фикрни тўғри деб ҳисоблаб, Навоийни тахти равонга ётқизади ва йўлга тушади. У олий мартабали амирнинг яхшиликлари денгизига ғарқ бўлган бу хайрихоҳ камина (Хондамир) ниҳоятда ташвишланиб, Хўжа Абдуллога касалликнинг шиддати шу даражадаки, агар қон олиш касктирилса, кейин даволашдан фойда чиқмаслигини айтди. У жаноб иккиланиб қолди ва подшоҳ ҳузурига чопар жўнатиб, аҳволни хабар қилди. Ул ҳазрат каминанинг фикрига мувофиқ иш кўриб қон олишни буюрдилар. Аммо то чопар қайтиб келиб, ундан кейин қон олувчини¹ топгунча уч фарсах (бир фарсах тахминан 6 км га тенг, демак 18 км ча) йўл юрилган ва фурсат бой берилган эди.

Ноилж қон олинганда 5—6 сер²дан ортиқ қон чиқмади. Касаллик зўрайиб кетади, жума куни ярим кечада ул жанобни ўз уйига олиб келадилар. Эртасига эрталаб барча табиблар йиғилиб, иккинчи марта қон олмоқчи бўладилар, аммо фурсат қўлдан кетганлиги учун фойда бермади. Шу пайтда подшоҳ ҳақ йўлдан борувчи амир ёстиғи тепасига етиб келади ва уни бутунлай беҳуш ҳолда кўргач, бу беилж ҳодисадан дилгир бўлиб, кўз ёшларини тўқади. Шанба куни касаллик янада оғирлаша боради ва яқшанба куни (Яъни 1501 йил 3 январда) тонгда Навоийнинг пок руҳи қуши тан қафасини синдириб, жисмоний ҳайкалдан абдий жаннат боғига парвоз қилад...

Демак «Ҳабибус-сияр» нинг юқорида келтирилган матнидан шу нарса аңглашладики, Навоий ҳушидан кетиб йиқилгандан кейин унга кўрсатилиши лозим бўлган тиббий ёрдам ҳусусида табиблар орасида келишмовчилик юз берган. Кўпчилик табиблар ўша ернинг ўзида тезлик билан чора кўриб, қон олишни тавсия қилган бўлсалар, Низомиддин Абдулҳай бунга қарши чиқиб, Ҳиротгача ҳеч нарса қилмаслики лозим топади ва шу фикрини бошда амалга ҳам оширади. Абдулҳайнинг бу фикрини Хондамир ҳам хато деб билган ва бошқа табиблар қатори дарҳол қон олишни талаб қилган.

Хўш, ўша давр табobati нуқтан назаридан қараганда, Навоийни даволашда ҳақиқатан ҳам хатога йўл қўйилганими? Навоийда юз берган касаллики Хондамир сакта деб атайди. Шарҳ табобатида бу термин билан аптопекция, яъни инсульт, ёки бошқача қилиб айтганда мянга қон қўйилиши касаллиги ифодаланади. Ибн Сино ўз «Қонун»ида бу касаллики муфассал баён қилиб, жумладан, шундай дейди: томирлари хилта тўлиқ бўлган киши учун ҳаракат қилиш хатарлидир, чунки у кўпинча томирларни ёриб юборади

ва натижада... сакта келиб чиқади. Бунинг давоси қон олишдир (Абу Али ибн Сино, «Тиб қонунлари», 1-китоб, Тошкент, 1954 й., 228—229-бетлар). Ёки: «Қондан бўлган (сактани) дарҳол томирдан қон олиб, кўп қон оқишиш орқали даволанади. Шундай (касал) ўша ондаёқ ўзига келади (Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари», III (1) китоб, Тошкент, 1979 йил, 164-бет).

Ибн Сино билан Навоий ўртасида 500 йиллик бир давр ётади, шунинг учун бу муддат ичида сактани даволаш усули ҳам ўзгаргандир, деган савол туғилиши мумкин. Навоийга замондош табиблар ичида энг билимдонларидан бири Ғиёсиддин Муҳаммад бўлиб, у касалларни даволаш билан бирга, Навоийнинг «Дор иш-шифо»сида табобатдан дарс берган ва илмий асарлар ёзган. Масалан, Хондамир унинг 1500 йилда «Муъолажат Илоқий»га шарҳ ва Мавлоно Нафиснинг «Шарҳ Мужаззига ҳошия ёзаётганини айтди»³. «Мақоримул-ахлоқ»да ҳам Навоийга атаб тасниф қилинган китоблар ичида Ғиёсиддин Муҳаммад томонидан ёзилган «Ҳошия-и Шарҳи Мужаззи Мавлоно Нафис»ни кўрсатиб ўтади.

Мавлоно Нафис ибн Иваз Улуғбекнинг сарой табиби бўлган ва у 1438 йилда Самарқандда «Шарҳ ал-мужазз» номи асарини ёзиб, Улуғбекка тақдим қилган. Бу асар Ибн Сино «Қонун»ининг қисқартмасига ёзилган шарҳ бўлиб, Ғиёсиддин Муҳаммад шу шарҳга ҳошия қилган. Бироқ бу ҳошиянинг бирон нусхаси сақланиб қолганлиги бизга ҳозирча маълум эмас, аммо ўша Нафис ибн Ивазнинг «Шарҳ асбоб вал-аломат» номи бошқа асари бизгача етиб келган. Унда сакта ҳақида шундай дейилади: «Сактанинг давоси миядан моддани қисқа муддатда қайтариш учун икки кифол томиридан қон олишдир (Нафис ибн Иваз, «Шарҳ ал-асбоб вал-аломат», Техрон, 1886; 150-бет. Қифол томири — билак веналаридан бири).

Ҳиротда туғилиб вояга етган (эҳтимол, Навоийнинг «Шифоия»сида ўқиган), кейинчалик Ҳиндистонга кетиб Бобур ва Ҳумоюнлар ҳузурига сарой табиби бўлиб ишлаган Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳаравий (Юсуфий) ўзининг 1511 йилда ёзган ва «Тибби Юсуфий» номи билан машҳур бўлган асари «Жомий ал-фавоид»да сакта ҳақида шундай дейди:

«Кимки сакта касаллигидан йиқилса, Унинг сезгиси ҳам, ҳаракати ҳам барбод бўлса Ва унинг юзу кўзи қизарганини кўрсанг, Уша ондаёқ сароруй томиридан қон олиш керак»⁴

Демак, Навоий даврида энг мўтабаар саналиб, мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган ки-

¹ Фасод. Эски табобатда ҳам медицинининг фақат маълум бир соҳасини ўзига ҳунар қилиб олган мутахассислар бўлган: шикаста банд, яъни чиққан — синганни оловчи, кўз касалликларини даволовчи, қон олувчи ва ҳ. к.

² Сер оғирлик ўлчови бўлиб, 64 граммга тенг; демак, тахминан 350 гр қон чиққан. «Мақоримул-ахлоқ»да (ЎзССР ФА Ш. И. қўлёмаси, № 5340, варақ 76 а): «қарийиб ярим ман қон олинди»; 1 ман—680 гр. Навоий ҳақидаги илмий адабиётда «сер»ни «томчи» деб берилган. О. Шарафиддинов, ўша асар, 65-бет; Е. Э. Бертельс, ўша асар, 255-бет. «Ўзбек адабиёти тарихи»да (11-том, 1977 й., 79-бет): «қортиққа қон чиқмайди», деб таржима қилинган, ваҳоланки, бу хил қон олиш (фасад)да қортиқ ишлатилмайди, балки томирни ништар билан тилиб қонни эркин ра-

вишда оқизилади. Қортиқ қўйишни хижома дейилади, у фасаддан фарқ қиладди ва бошқа ҳолларда қўлланади.

³ «Хулосатул-ахбор», ЎзССР ФА ШИ қўлёмаси, № 2209, варақ 490 б. Навоий ҳам «Мажолисуннафоис»да (Тошкент, 1961 й., 160-бет) Мавлоно Ғиёсиддиннинг табобатда суҳрат қозонгани ва бу фанда рисолалар тасниф қилганини ёзади.

⁴ Форсча ёзилган бу рубоийнинг асли шундай: Ҳар кас, ки зи ранжи сакта аз пой фитод, Ҳам хисси ваю, ҳам ҳаракат рафт барбод, Гар сурхни чашму рўй билан уро, Дар дам бояд раги сароруй биқишод. (ЎзССР ФА ШИ қўлёмаси, № 3531, варақ 113 а). Сароруй — кифол томирларининг форсча номи.

тобда ҳам, XVI асрнинг бошларида ёзилиб, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган тиббий асарда ҳам сактага қарши тезликда қон олиш тавсия этилади. Шунинг учун ўша ерда ҳозир бўлган барча табиблар бу қондаги ривоят қилиб қон олишни талаб қиладилар, аммо биргина Низомиддин Абдулхай бунга қарши чиқади:

«Хўш, Абдулхай ўзи ким, унинг ҳақида қандай маълумотлар бор? «Ҳабибус-сияр»да бир неча Низомиддин Абдулхайлар ҳақида гап боради ва уларнинг қайси бири ким эканлиги хусусида илмий адабиётда бир оз ноаниқлик бор. В. В. Бартольд ўзининг «Мир» Али-шир и политической жизни» номли мақоласида Мажиддин можаролари ҳақида гапириб, шундай ёзади: «Мажиддин Абу Саид ҳузурида девонда оддийгина мансаб эгаси бўлиб, бўлажак табиб Абдулхай унинг дўстларидан бири эди» (Бартольд В. В. Сочинения, т. 11 (2), стр. 133).

Бартольд бу фикрини Хондамирнинг «Хўжа Мажиддин Мухаммад Мирзо Султон Абу Саид замонида бир қанча вақт муншилик мансабида Мавлоно Низомиддин Абдулхай мунши билан шерикликда ишлади; («Ҳабибус-сияр». Бомбей, 1273/1857 й., 231-бет) деган сўзлари асосида айтиб, мана шу Низомиддин Абдулхай муншини бўлажак табиб деб изоҳлаган. Аммо «Ҳабибус-сияр»нинг бошқа бир бобидан маълум бўладики, бир вақтлар Мажиддин билан шерик бўлган Абдулхай яхшигина хатто бўлиб, узоқ вақтгача Абу Саид подшоҳлигида «Девоний иншоъга бошчилик қилган. Кейинчалик Оққўюну султонлари хизматида ўтиб, умрининг охиригача муншилик мансабида ишлаган ва ҳеч қачон табобат билан шуғулланмаган (Уша асар, 200-бет).

Абдулхай муншидан ташқари бир вақтнинг ўзида айнан шу исмда иккита табиб ҳам ўтган, Хондамир ўзининг «Хулосатул-ахбор»ида улардан бирини Мавлоно Низомиддин Абдулхай табиб деб атаб, уни шундай таърифлайди:

«У авваллари ҳидоятли амирнинг «Дор ишшифо»сида беморларни даволаш билан машғул бўлди. Раҳматлик Хўжа Убайдулло (Ахрор) ҳазратлари касал бўлганида Хиротга одам юбориб, Навоийдан бир табиб юборишни сўради. Шунда Навоийнинг буйруғига биноан Абдулхай Самарқандга борди. Бу сафардан қайтиб келгач, унга бўлган эътибор орта борди ва кундан-кунга қадр қиймати кўтарилиб, бахт юлдузи соат сайин ўзининг аъло даражаси томон юқорилаб кетди. Ниҳоят, унга хоқоннинг илтифот назари тушди ва у хатто ҳарамга ҳам кира оладиган ва каттаю кичикнинг сирларидан хабардор бўладиган бўлди. То шу кунгача у шону шавкат авжида бўлиб, аксар вақтини олий ҳазрат хизматида ўтказди».

Демак, Мавлоно Низомиддин Абдулхай Хусайн Бойқаронинг сарой табиби бўлган. У табиб сифатида хатто ҳарамга ҳам кира олганки, бу подшонинг энг ишончли кишиларигагина мумкин эди. Хондамир бошқа бир муносабат билан ҳам

Низомиддин Абдулхайнинг саройда нуфузли киши бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Маълумки, 1499 йил баҳоринда Навоий ҳаж қилиш учун руҳсат сўраб ўша пайтда Марвада турган Хусайн Бойқаронга Машҳаддан мактуб юборди: «Хондамир» шу мактубни подшоҳ саройида сўз айтиш ҳуқуқига эга бўлган Мавлоно Абдулхай табиб Зиёратгоҳий олиб борганлигини ёзади.²

Табибларнинг иккинчисини Хондамир Мавлоно Абдулхай Туний исми билан келтириб, унинг ҳақида шундай дейди: «Уткир зехнли киши бўлиб, тиб илмига жуда мойиллиги бор, муолажалари ҳам кўпинча тўғри чиқади. Аммо шу кунларда шаҳзода Иброҳим Хусайн мирзода садрлик мансабига кўтарилиб, мулозимат билан банд бўлганлиги ва айшу ишратга кўп берилганлигидан табобатга парво қилмай қўйган».

Шу Абдулхай исмли икки табибдан Навоийни даволашга аралашгани қайси бори? «Ҳабибус-сияр»нинг 1857 йили Бомбейда бирилган нухасида бу ишга аралашган табиб Мавлоно Абдулхай Туний деб кўрсатилади. Шу нашрдан фойдаланган Бартольд ҳам Абдулхай Тунийнинг сарой табиби деб атайди (Бартольд В. В. Сочинения, т. 11 (2), стр. 256).

Биз «Ҳабибус-сияр»нинг УзССР ФА ШИДА сақланган иккита қўлёзмаси (№ 1714, варақ 321 а; № 2153, варақ 609 а) ва «Равзатус-сафо»нинг Хондамир томонидан ёзилган VII жилдини («Равзатус-сафо», Тейрон; 1270/1854 й., 196-бет.) солиштирганимизда шу нарса маълум бўлдики, уларнинг ҳаммасида ҳам Навоийни даволашга аралашган табиб Мавлоно Абдулхай Зиёратгоҳий деб кўрсатилади. Навоийнинг ҳажга боришга руҳсат сўраб ёзган хатини ҳам Мавлоно Абдулхай Зиёратгоҳий олиб боради.

Демак, Навоий хўшдан кетиб йиқилганда унинг тепасида бўлган Абдулхай исмли табиб Балх ҳокимида садрлик вазифасини бажарувчи Абдулхай Туний эмас, балки Хусайн Бойқаронинг сарой табиби нуфузли Абдулхай Зиёратгоҳий бўлган. Ана шундай бутун мамлакатда биринчи даражадаги табиб мансабида бўлган кишининг бошқа табиблар у ёнда турсун, хатто тарихчи Хондамирга ҳам маълум бўлган қоидадан, яъни сактага қарши дарҳол қон олиш лозимлигидан беҳабар бўлиши эҳтимолдан узоқ, албатта. Шундай экан, у нима учун бу чорани қўллашга қаршилиқ қилган деган савол туғилиши табиий. Эҳтимол жавобгарликни устига олишдан чўчиб шундай қилгандир? Агар сактага қарши биринчи галда қўрилиши лозим бўлган тадбир иккита ёки ундан ортиқ бўлганда эди, қайси бирини қўллаш масаласида ҳикманиш мумкин бўларди. Ваҳоланки, мўтабар тиббий китобларда биринчи чора фақат қон олиш деб кўрсатилади. Бундан ташқари, касал тепасида Абдулхайдан бўлак яна бир гуруҳ бошқа табиблар ҳам бўлган ва қон олишни ўшалар таклиф қилган эдики, бу ҳам масъулиятни бир кишига юкламаз эди. Навоийни

¹ «Хулосатул-ахбор», ўша қўлёзма, варақ 494 б, Хондамир «Олий ҳазрат» деб Навоийни назарда тутаяпти. Навоий «Мажолисун-нафонс»да 5 га яқин табибнинг номини зикр этади, аммо доимо ўз мулозиматида бўладиган Абдулхайни эсламайди.

² «Ҳазрати подшоҳ даргоҳида сўз айтиш ҳуқуқига эга бўлган Мавлоно Абдулхай табиб Зиёратгоҳийни (Навоий ҳажга) руҳсат сўраш учун халифалик тахти поёсига юборди» («Ҳабибус-сияр», Бомбей нашри, 280—281 бет).

Навоий олдинлари ҳам ҳаж қилишга руҳсат сўраб подшоҳга бир неча бор мурожаат қилган, аммо ҳар гал рад жавобини олар эди. Бу гал эса Абдулхай

умуман ижобий жавоб олиб келади, фақат Хусайн Бойқаро Навоийга ёзган хатида йўл нотинч бўлгани учун сафарни бир оз кечиктиришни тавсия қилади. Ҳажга ижозат берилишида Абдулхай ҳам маълум роль ўйнаган бўлиши мумкин. Чунки подшо ўз хатида Навоийнинг ҳақиқатдан ҳам ҳажга кетмоқчи бўлганига «Мавлонаи аъзам» (яъни «буюк Мавлоно») Абдулхай билан учрашгандан кейингина ишонганини аятади («Мақоримул-ахлоқ», 1967 й., 77-бет).

³ «Хулосатул-ахбор». Уша қўлёзма, варақ 491 а. Иброҳим Хусайн мирзо Хусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири, 1497 йилдан бошлаб Балх ҳокими бўлган. Садр-вақфлар устидан назорат қилиб турувчи амалдор.

Ҳиротга олиб келганларидан кейин йиғилган барча машҳур табибларнинг аввал касалдан қон олиб, кейин бошқа дори-дармон қўллаганликлари ҳам. Хондамир айтганидек, Абдулхайнинг тўғри йўл тутмаганлигини кўрсатади.

Агар бу воқеанинг «Ҳабибус-сияр» билан «Мақоримул-ахлоқ»даги тасвири орасидаги фарққа диққат қилинса, юқоридаги савол менимча, бир қадар ойдинлашади.

Маълумки, «Ҳабибус-сияр»нинг Хусайн Бойқаро ва унинг авлодига бағишланган III қисми 927/1520—21 йили ёзишга бошланиб, 930/1524 йилда тугалланган. Узининг шу асарида Навоийнинг касалига қарши ўз вақтида чора кўрилмаганлигини, зорланиб ёзган Хондамир, 1501 йили Навоий вафотидан сўнг тугатиб подшога тақдим этган «Мақоримул-ахлоқ»да бу тўғрида лом-мим ҳам демайди, балки «Ажал етган, даводан не фойда» каби ибораларни икки-уч марта такрорлаш билан кифояланади. Умуман, Навоийнинг вафотигача бўлган воқеаларни «Ҳабибус-сияр»дагига нисбатан анча қисқа ёзади, дафн маросими ва ундан кейин ўтказилган маъракаларни эса аксинча жуда муфассал баён қилади (ҳатто қанча қўй ва қанча от сўйилганигача кўрсатади; «Ҳабибус-сияр»да бу хил тафсилотлар йўқ). Таажжубланарли жойи шундаки, «Ҳабибус-сияр»да касалдан дарҳол қон олишга бирдан-бир қарши чиққан киши сарой табиби Абдулхай деб кўрсатилгани ҳолда, «Мақоримул-ахлоқ»да бунинг тескарисини ёзади: «Йўл асносида ҳикмат паноҳ Мавлоно Низомиддин Абдулхай ва Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Гилонийларнинг маслаҳатларига биноан ул-илоҳий марҳаматлар тимсолининг томирини тилиб, нозик ҳунарлар ишлатиш орқали қарийб ярим ман қон олинди.

Бу ерда яна бир нарса кўзга ташланади. Хондамир «Ҳабибус-сияр»да Абдулхайнинг номини унчалик ҳурмат билан тилга олмасдан,

унинг табиблиги ҳақида истеҳзо билан «Табобатдан лоф уриб юрувчи Абдулхай Зиёратгоҳий...», деб ёзган бўлса, «Мақоримул-ахлоқ»да аксинча уни: «Ҳикмат паноҳ Мавлоно Низомиддин Абдулхай...» деб таърифлайди. Бундан шу нарса англашиладики, Хондамир «Мақоримул-ахлоқ»ни ёзган вақтида Навоийнинг касалига жуда кечикиб, фурсат ўтгандан кейин чора кўрилганлиги ва бу хатонинг айбдори Абдулхай эканлиги ҳақида рўй-рост гапиршига журъат этолмай, воқеани хаспўшлаб ўтишга мажбур бўлган. Фақат орадан 25 йиллар чамаси вақт ўтиб, Хусайн Бойқаро давлати ва унинг сарой амалдорлари тугаб битгандан кейинги на ҳеч нарсадан чўчимасдан ҳақиқатни ёзиб қолдиришни лозим топган. Шу ерда «Мақоримул-ахлоқ»нинг ўзбекча нашрига УзССР ФА муҳбир аъзоси Иззат Султон томонидан ёзилган сўз бошидан икки жумла келтиришни ўринли деб биламиз. «Табиий, — деб ёзади Иззат Султон, — авторнинг олдига қўйган мақсадлари Навоий билан унинг муҳити орасида, айниқса, сарой аҳллари орасида бўлган низолар ҳақида индамай ўтишни талқин этганлар. «Равзатус-сафо»нинг VII томида Навоийнинг Астрободга сургун қилинганлигини ва бунга Маждиддин иғволари сабаб эканлигини аниқ айтган Хондамир, «Мақоримул-ахлоқ»да бу масала устидаги хашакни очмасдан ўтиб кетади (Уша асар, 13-бет).

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган фактлар, биринчидан, профессор Иззат Султоннинг мана шу фикрини тасдиқласа, иккинчидан, Навоий даврига оид тарихий ва бошқа манбаларни синчиклаб қиёсий ўрганишда давом этиш буюк шоир ҳаёти ва ижодининг айрим томонларини янада тўлароқ ёритишга ёрдам бериши шубҳасиз эканлигини кўрсатади.

Убайдулла КАРИМОВ,
Ўзбекистон ФА муҳбир аъзоси





ПУШКИН ЁЗИШМАЛАРИ

Пушкин — Л. С. Пушкинга¹

4 сентябрь — 6 октябрь 1822 йил. Кишинёв (француз тилида)

Сен ҳозир келажак мартабанг ҳақида ўйлаш керак бўлган ёшдасан; ҳарбий хизмат мен учун бошқа касблардан кўра афзалроқ эканини сенга аввал ҳам айтган эдим. Ҳарҳолда, қилган муомаланг ва феълү атворинг ўз обрў-эътиборингни, эҳтимолки, тинч-омонлигингни белгилаб беради.

Сенга, ҳали таниш бўлмаган кишилар билан иш олиб боришинга тўғри келади. Дастлабки учрашувдаёқ улар ҳақида ҳаёлинга келган ёмон нарсаларни ўйлайвер: фикринг унчалик хато чиқмайди. Одамларга сен ўзингдан келиб чиқиб баҳо берма, чунки, мен шунга аминманки, сенинг юрагинг олижаноб туйғуларга, раҳм-шафқатга тўла, бунинг устига ҳали ғўр; улардан хушмуомалалик ила ҳазар қила бил: бу — юқори табақаларга кириб боришингда сен учун кўнгилсизликлар туғдирувчи майда таассуб ва эҳтирослардан ўзингни эҳтиёт қилишинг учун йўл очади.

Вазмин бўл; бетакаллүфлик ҳамиша зарар етказади; айниқса, бошлиқларинг сенга ҳар қанча меҳрибонлик қилмасинлар, уларга, мурожаат этганда ортиқча мулозаматдан эҳтиёт бўл. Уларнинг бизни тарк этишлари жуда осон ва биз, буни қанчалик кутмаган бўлсак, улар бу камситишдан шунчалик роҳатланадилар.

Кўлингдан келганича одамларнинг кўнглини овла; лекин оғиздан чиқар-чиқмас, буюрилган ишга югураверма: улар буни тушунмайдилар, бажонидил хушомад деб қабул қиладилар, негаки, улар ўзларига қараб бошқаларни баҳолашдан завқланадилар.

Ҳеч қачон уларнинг марҳамату илтифотларини қабул қилма. Марҳамат ва илтифотларга кўпинча хиёнат аралашган бўлади. Ҳомийлардан қоч, негаки, ҳомийлик кўрсатувчилар ғурурингни поймол қилади ва таҳқирлайди.

Мен сени дўстлик вазасаларидан эҳтиёт бўлишингни истар эдим, лекин ширин хомхаёлларга берилувчан ҳозирги даврингда бағритош қилиб қўяманми, деб иккиланаяпман. Аёллар ҳақида айтадиган барча оғоҳлантиришларим бари бефойда қолажаги аён. Фақат шуни эслатайки, аёлларни қанча кам севсак, уларни бўйсундиришимиз шунча осон кўчади. Лекин бунақа кўнгилхушликлар ўн саккизинчи асрнинг қари маймунларига муносиб иш. Сен севадиган ўша аёлга келадиган бўлсак, унга муносиб ёр бўлишингни чин дилдан тилайман.

Атай дилиннга озор етказганларни ҳеч қачон унутма, камгап бўл ёки умуман индамай қўя қол, ҳеч қачон ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарма.

Ўзингни намоён қилишга имконият ёки вазият йўл бермаётган экан, ётишмовчиликларни яширишга тиришма; вақт ўтказмай бошқа бир заруратнинг этагини тут, негаки, шуҳрат қозониш учун қилинадиган арзимас ҳийла-найранглар одамни кулги ва нафратга дуч қилгани сингари, сурбет одамнинг кўрслиги ҳам доирадаги пуч гапларнинг исботи учунгина хизмат қилади.

Ҳеч қачон қарз кўтарма; яхшии муҳтожликка бардош бер; ишон, муҳтожлик сира одамлар тасаввур қилганчалик кўрқинчли эмас, ҳарҳолда муҳтожлик шармандалиқдан ёки шунга ўхшаш ҳолга тушиб гап-сўз бўлгандан кўра тузук.

Сенга ўргатаётган бу қондаларни мен бошимдан ўтган ачиқ тажрибалар орқали тўпладим. Сен буларни бошдан кечирмай туриб ўзлаштириб олсанг, яхши бўларди. Булар сени ҳуда-беҳуда ғам-ғусса ва ғазаблардан халос қилиши мумкин. Сен қачон бўлмасин менинг тавба-тазарруларимни ҳали эшитасан; қилган ўзбошимчаликларим менга қанчалик қимматга тушганини англайсан, агар гап сенинг бахтли бўлишинг ҳақида кетар экан, хатоларимни сенга айтиб беришдан мени ҳеч бир куч тўхтата олмайди.

Пушкин — В. А. Жуковскийга²

1824 йил октябрь охирлари, Михайловское

Сенга ёзган жуда муҳим бир мактубимни олдингми-йўқми, билмайман? Ҳар эҳтимолга қарши, мени тириклай ғажийётган нарса ҳақда қисқача яна эслатиб қўймоқчиман. Сқулан жангида ҳалок бўлган қаҳрамон грекнинг 8 яшар қизи Родоев Сафианос Кишиневда, Бессарабия собиқ вице-губернаторининг хотини Катерина Христофоровна Крупенская қўлида тарбияланмоқда. Етимчага бошпана беришинг иложи йўқми? У рус полковнигининг жияни, шундай экан, дворян қизи ҳисобланишга ҳақли. Шоир, Мария³нинг юрагида раҳм-шафқат уйғот, шунда илоҳий бурчимизни

¹ Лев Сергеевич Пушкин (1805—1852) — шоирнинг укаси.

² В. А. Жуковский (1783—1852) — шоир, Пушкиннинг дўсти ва устози.

³ Мария Федоровна (1759—1828) — малика, шоҳ Павел I нинг хотини, Россия хотин-қизларига ҳомийлик қилган.

оқлаган бўламиз. Узим ҳақда эса гапириш ниятим йўқ, мен вазминлик қилиб, ниятимдан қайтолмайман; агар юрагимда борини айтаверсам, эшитиб, сенинг ҳам жаҳлинг чиқиши мумкин¹. Укам сенга менинг шеърларимни олиб боради, сенинг ҳам малҳамдай шеърларингни кутаман. Сени қизинг ва ғамгинг дил билан қучаман. Мен ҳақимда Карамзинлар оиласига хабар бер, айтгинки, улар учун мен ҳамон ўша-ўшаман. Мен учун ҳар бирини қучиб қўй.

Пушкин — Н. М. Язиковга²

1826 йил 9 ноябрь, Михайловское

Азиз Николай Михайлович — Москвадан келяпман, ҳозиргина сизнинг «Тригорский» шеърингизни ўқидим. Сизни қучиб табриклагим келяпти. Сиз бундай яхши нарса ёзмаган эдингиз, лекин кўпгина яхши нарсаларни энди ёзасиз. Худойимнинг ўзи умрингизга омонлик, соғлик, фароғатлик ва тинч-хотиржамлик ато этсин. Подшо мени цензурадан озод қилди. Менинг цензурам унинг ўзи. Мен бундан бениҳоя манфаатдорман. Шундай қилиб «Годунов»ни ҳам ёруғликка чиқарамаз. Цензура устави ҳақида сўз энди бўлади. Менга хат ёзинг. Сизни ва Вулфни қучаман.

Менинг шеърларимни олдингизми? Узимда бошқа нусхаси йўқ. Шу сабаб ўзимга юборинг, ҳа айтгандай; биринчи номани ҳам юборинг.

Москва ҳақида сизга кўп ёзиб юбораман.

Пушкин — Н. И. Кривцовга³

1831 йил 10 февраль, Москва

Азиз дўстим, сенга ўзимнинг сеvimли асаримни юбораяпман⁴. Сен бир пайтлар менинг илк тажрибаларимни ўқиб, мақтаган эдинг. Энди бирмунча етук асарларимга ҳам ўша меҳр билан қара. Сен ўз хилват гўшангда нима ишлар билан бандсан? Утган кузда сенга яқин бир жойда бўлдим. Сен билан кўришишга ва ўтган кунларни эслаб валақлашишга иштиёқим жуда кучли эди-ю, карантинлар халал берди. Шундай қилиб, энди тақдир бизни қачон ва қаерда учраштиради — бу ёлғиз яратганинг ўзига аён. Қанийди, сен билан мен қўл-оёғи енгил, вақти бўш одамлар бўлсак эди. Афсуски, сен оёқсиз, мен эса уйланган одамман.

Уйландим ёки қарийб уйланганман. Бўйдоқ ҳаётни мақтаб ва уйланишга қарши менга айтишинг мумкин бўлган барча гапларни мен аллақачон ўйлаб кўрганман. Танлаган йўлимнинг фойдали ва фойдасиз томонларини узоқ ўтириб ўйладим. Ешлигим шовқин-сурон ичида, бесамар ўтиб кетди. Шу пайтгача одатдагидан бошқача яшаб келдим. Бахт нима эканлигини билмадим. Бахтни эса ҳамма юрадиган йўлдан юрибгина топиш мумкин⁵. Уттиздан ошдим. Уттиз ёшда одатда одамлар уйланадилар. Мен ҳам ҳамма каби иш тутяпман, бундан афсусланмасам керак, деб ўйлайман. Бунинг устига, мен, ҳавас учун, болаларча мафтункорлик билан уйланаётганим йўқ. Келажагим кўз ўнгимда, фақат боғ-бўстон бўлиб эмас, балки бутун аччиқ-чучуғи билан намоён бўлаётир. Куйиш-куйишлардан ҳам сира ажабланмайман, сабаби, булар оилавий ҳисоб-китобда учрайдиган ҳодисалар. Ҳар бир қувончли воқеа мен учун қутилмаган бахт бўлади.

Бугун жуда соғиниб, ғусса чекадиган кун бўлди. Хатимни шу ерда тўхтатаман, ёзаверсам, бу ғамлар сенга ўтиб, қийнаб қўйиши мумкин. Ваҳоланки, сенга ўзингнинг ўйловинг ҳам етиб ортади. Менга, Арбатдаги Хитрова уйига хат ёз. Яқинда мен, Вяземский орқали сенинг 1824 йилда ёзган хатингни олдим. Миннатдорман, лекин жавоб қайтармайман.


¹ Бу ерда, 1824 йил ёз ойларидаги Пушкиннинг Михайловскоега сургун қилиниши ва шунга алоқадор можаролар кўзда тутилмоқда.

² Н. М. Язиков (1803—1846) — шоир, Пушкиннинг дўсти.

³ Н. И. Кривцов (1791—1843) — Пушкиннинг дўсти.

⁴ «Борис Годунов» асари назарда тутиляпти.

⁵ Хатда француз тилида келтирилган бу ибора ахлоқшунос олим Монтеньга тегишли бўлиб, Пушкин уни бир оз тузатиш билан қўллаган.



Мамадмусо Мамадазимов

ЯДРО УРУШИ—ТЕЛБАЛИҚДИР

Хурматли редакция! Мен уруш қурган одамман. Биз Ер юзиде энди ҳеч қачон уруш бўлмаслиги учун жанг қилганмиз. Афсуски, АҚШнинг ҳукмрон доиралари ядро қуролини космосга олиб чиқмоқчи. Бундай урушқоқларнинг нимага нишонаётгани, аслаҳахонасини нималар билан тўлдираётгани ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

**А. ҚОДИРОВ,
Уруғ Ватан уруши қатнашчиси,
Андижон области.**

Атом асри инсоният тарихида мисли кўрилмаган ва фавқулудда янгиликлар билан кишини ҳайратга соладиган аср бўлди. Илмий-техника тараққиёти, беҳисоб кашфиётларнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди. Киши қўл меҳнати енгиллаштиришга қаратилган йирик техник ва энергетик қурилмалар, янги типдаги транспорт ва алоқа воситаларининг ҳамда халқ хўжалиги учун хизмат қиладиган фазо аппаратларининг ишга туширилиши, цивилизациямиз тарихида ажиб бир босқич сифатида майдонга келди. Жамият тараққиёти эришган ютуқлар планетамиз барча аҳолисининг фаровон яшашини таъминлаш учун тўла етарлидир.

Бироқ осойишта тинчликнинг қадрига етмаган капиталистик дунёнинг «Сэм тоғаси» — АҚШ инсониятнинг ақл-заковати яратган ютуқларидан, меҳнаткаш-омма яратган бойликларни инсоният манфаатига зид, унинг ҳаётига завола бўлувчи мақсадларда фойдаланмоқда. Бойлик ва савдогарлик кетидан қувиб, тарих сабоқларини унутган бир ҳовуч монополистлар ва улар қўлида кўғирчоқ бўлган

сиёсатчилар планетамизга ўт қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар меҳнаткаш халқ яратган бойликларни ядровий ҳамда кимёвий бактериологик қирғин қуролларини яратишга совуриб, митти сайёрамизни бу қуролларнинг синов ва жанг майдонига айлантириш ниятидирлар. Аммо ўт кетган ўрмонда ҳўлу қуруқ баровар ёнгани каби ўзларини ҳам ўт чангалидан қочиб қўтилолмаликларини сезмай, ўта калтафаҳмлиқ билан «рекорд қўяётганликларидан» бехабарлар.

Совет ва чет эл олимларининг ҳисоб-китобида кўра, сўнгги 5566 йил ичида сайёрамиз аҳли 14 минг 550 катта ва кичик урушларни бошидан кечирган. Бу урушларда ҳалок бўлганларнинг сони 3 миллиард 640,5 миллион кишини ташкил этади. Бу миқдор, тахминан 1970 йилдаги Ер шари аҳолисининг сониға тенгдир!

Шунингдек, эслатилган урушларда 115;13 квадриллион (115 130 000 000 000 000) долларга тенг миқдордаги жамиятнинг асрлар давомида яратган бойликлари барҳам топган. Бундай бойлик сайёрамизнинг шу кундаги 5 миллиардга яқин аҳолисини бир-неча минг йил давомида кийинтириш ва едириб-ичириш учун бемалол етарди!

Аслида узоққа бормаи, асримизда юз берган икки жаҳон урушининг «каромат»лари билан танишишнинг ўзиёқ, ёвуз урушининг кирдикорларини яққол очиб ташлаш учун кифоядир. Ана шу икки жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг сони 70 миллион кишини, қўлсиз, оёқсиз ва бошқа жисмоний путур етганларнинг сони эса 48 миллион кишини ташкил қилди. 1914-18 йилларда давом этган биринчи жаҳон урушида 38 мамлакат иштирок қилиб, урушга қатнашганлар сони 70 миллион кишига етди, фашистлар Германияси бошлаган иккинчи жаҳон урушида эса 61 давлат қатнашиб, Ер шари аҳолисининг 80 фоизга унга жалб этилди. Уруш ҳаракатлари 40 мамлакатнинг чегарасида олиб борилди. Ҳарбий қисмларга 110 миллион киши қақирилди. Урушдан кўрилган моддий зарар инсоният учун 1 триллион 17 миллиардга тушди. Уруш 50 миллионга яқин кишининг ёстиғини қуритди.

Планетамизнинг айрим гўшаларида очлик ва яланғочлик туфайли кунига ҳаётдан кўз юмаётган (расмий маълумотларга кўра кунига очликдан 40000 бола ўлади) минглаб бегуноҳ болаларнинг, уй-жойсиз қолаётган юзлаб оилаларнинг, ишсизликдан хор-зор бўлган миллионлаб бахтсизларнинг сабабчиси шу қирғин қуролларининг «муаллиф»ларидир. Бунинг арифметикаси жуда содда бўлиб, қуйидаги мисоллар айтилганларга яққол далил бўла олади.

Айни пайтда ҳар куни планетамизда қуролланиш пойғаси учун минутига 1,5 миллион долларга яқин пул сарфланади. Агар планетамиз миқёсида ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш бир ҳафтага тўхтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафтасига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирган бўлув эди. Ҳозирги замоннинг битта танкига кетадиган харажатга ўттиз олтига уч хонали квартиралаи уй қуриш мумкин. «МХ» типидеги қитъалараро ракета пулига эса, бешта ўртача катталикидаги

касалхона курса бўлади. «Трайдент» типдаги сувости кемасига сарфланган маблағ 16 миллион болади бир йил ўқитиш учун бемалол етади. Ердан учириладиган оддий қанотли ракета 5,8 миллион, F—14 самолёти 34,8 миллион, узоқдан сезиш ва тактик авиацияни бошқариш системаси (E—3A самолёти) 118 миллион, кўпмақсадли атом сувости кемаси 581,8 миллион, ракетали крейсер эса 1 миллиард доллар туради. Аини пайтада планетаалнинг ҳар бир кишиси бошига 3,5 тоннага яқин портловчи модда тўғри келади. Мана сизга қураолнинг пойгасининг хунук оқибатлари!

АҚШ ташиқ сиёсатининг милитаристик моҳияти шундаки, дунё бозорида сотилаётган ҳарбий қурол-яроғларнинг асосий қисмини унинг монополиялари ишлаб чиқармоқда. Расмий маълумотларга кўра, 1949 йилдан 1975 йилгача Пентагон томонидан қурол-аслаҳа, ўқ-дори, ҳарбий техника ва АҚШ иттифоқчилари учун тайёрланган инструкторларга жами бўлиб 40 миллиард доллар, 1974 йилдан 1983 йилларга қадар эса бундай харажатлар учун 152 миллиард доллар сарфланган. Фақат охириги 30 йил ичида (1950 йилдан 1980 йилгача), АҚШ томонидан 26800 самолёт ва вертолёт, 32300 танк, 50000 бронетранспортёр ва бронемашина, 29700 танкларга қарши артиллерия, 240 минг турли синфдаги ракета ва 31900 ҳарбий кема экспорт қилингани — фикримизнинг яққол далилидир!

АҚШ милитаристик сиёсатининг хусусияти яна шундани, 1960 йили ҳарбий муассасаларнинг хусусий мулки 155 миллиард долларни ташкил этгани ҳолда, 1973 йилга келиб 220 миллиард долларга етди.

Пентагон миллионлаб кишиларни боқиш қудратига эга ер майдонини турли қирғин қуролларининг синов майдонига айлантирган. Унинг қўл остида Американинг 22 штатида ястанган 65 миллион гектарга яқин ер майдони бор. Булардан ташқари АҚШнинг 48 штати Пентагон «ажал уруғларини» ундирсин учун 1 миллион 515 минг гектар ерни «ҳадя» қилган.

АҚШ ҳарбий кучлари, иттифоқчилари мудофаасини таъминлашни «мақсад» қилиб, 32 ташқи мамлакатда (бу мамлакатлар меҳнаткашларнинг норозиликларига қарамай) 1,5 мингга яқин ҳарбий объектини жойлаштирган. АҚШ мудофаа министри Уайнбергнинг 1982 йилги докладыда, чет элда, қуруқликдаги ҳарбий қисмларнинг тўртдан бир қисми, жангчи қисмларнинг учдан бир қисми, ҳарбий ҳаво кучлари самолёт парklarининг учдан бир қисми, 2 оператив флот ва бир қатор ҳарбий денгиз кучлари бирикмалари, жумладан атом сувости ракета элтувчи кемалари борлигини маълум қилди. Бирор бир бошқа мамлакатнинг бу қадар йирик ҳарбий кучлари чет элда мавжуд эмас. Бу ҳол эса, АҚШ ўзининг ҳарбий сиёсатини ҳар қанча ниқобламасин, унинг тажовузкорлигини намоиш этиб турибди.

Қурол-яроғ ишлаб чиқаришда корпорациялар АҚШда етакчи ўрин тутади. АҚШ Мудофаа министрлигининг умумий ҳарбий буюртмалари қийматининг 70 фоизига яқини юзта шундай компания зиммасидадир. «Локхид эйркрафт», «Жепертал дайнэмикс», «Макдональд-Дуглас», «Мартин Мариетта», «Рокуэл-интернэйшнл», «Грумман эйркрафт», «Норс америкэн рокуэлл», «Нортрон» ва бошқалар шулар сирасига киради.

1984 йилнинг августида биринчи — синов учун чиқарилган қирувчи В—1 самолётининг намунаси портлаб кетишига қарамай, ҳар бири 250 миллион доллар турадиган бундай самолётлардан юзга яқинини ишлаб чиқаришни «Рокуэл интернэйшнл» корпорацияси ўз зиммасига олган. Оқибатда ана шу корпорациянинг мамлакат ҳарбий кучлари учун бу «халис хизмати» АҚШ меҳнаткашлари учун 25 миллиардга тушади.

Бошқа бир йирик компания «ЭГ энд Г» эса, Невада саҳросида, фазода ядровий урушни машқ қилиш билан шуғулланади. Бу компания, ядровий эра бошланганидан буён, АҚШ маъмурияти расмий эълон қилган 745 ядровий портлашни амалга оширишда қатнашган. Тинч океанида биринчи водород бомбасини портлатиб, Элужлаб деб номланган оролни дунё харитасидан бутунлай йўқотган ҳам шу компания бўлади.

АҚШ маъмуриятининг кун тартибига қўйилган масаласи янада аҳмоқона бўлиб, ядро қирғин қуролларига фазодан жой излаётганига нима дейсиз? АҚШ ҳукумати бошлиқлари фазони ҳарбий жангларнинг театрига айлантиришни режалаштирмоқдалар. Орбитал самолёт «Колумбия» кемаси астронавтлари билан учрашувда Рейган бу режалар ҳақида гапириб, «АҚШ хавфсизлигини таъминлаш»ни мақсад қилиб, маъмурият фазовий урушга тайёргарлик кўраверади, деди. Янги типдаги фазовий қуролларни ишлаш мақсадида иш юритиб, АҚШ баллистик ракеталарни ишдан чиқарадиган лазер қурилмалари тайёрлади. Ҳарбий лазер қурилмаларини тадбиқ қилиш бўйича Пентагон йилга 300 миллион доллар сарфламоқда. Фазовий лазер қурилмаларини ўз ихтиёрига олган сенатор Малькольм Уоллонинг маълум қилишича, уларни яратиш ва фазога чиқариш программаси 50—60 миллион долларга тушади. АҚШ 1985 йили фазо милитаризацияси учун 2 миллиард доллар ажратди, сўнгги беш йил ичида эса бу хилдаги турли лойиҳалар учун 26 миллиард доллар сарфлаш мўлжалланган. Шунингдек, яқинда АҚШ ҳукумати 1987 йили сунъий йўлдошларга қарши Ердан ҳужум қиладиган системаларни ишга тушириш ҳақида қарор чиқарди. Шундай системалардан бири икки босқичли ракета бўлиб, уни фазога қирувчи F—15 самолётидан учиртиш кўзда тутилган.

1984 йили АҚШ маъмурияти «бегона» сунъий йўлдошларни йўқ қилувчи ракеталар синовини ўтказиш бўйича шартномага қўл қўйди. Шунингдек, Пентагон, аини кунларда Ердан берилган командага мувофиқ портловчи ва «нишон» яқинидан жой олувчи «космик мина» яратишни мўлжалламоқда. Фазода уришиш жазавасида, АҚШ ҳукумати ядровий «Минетмен—2» қитъалараро баллистик ракеталарни модификациялаштирилган ва «Минетмен—4» деб аталувчи намуналаридан юздан ортинги Ер атрофи орбитасига чиқаришни лойиҳалаштирмоқда. Бундай ракеталарни АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли фазовий станциялардан бошқариш кўзда тутилган.

Фазони милитаризациялаштиришда «Спайс Шаттл» деб номланувчи моки системасидаги фазовий аппаратларга аиниқса урушқоқлар катта эътибор беришмоқда. Эронавтика ва фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА — директори Ж. Флитчер) АҚШнинг «миллий мудофааси» ҳақида қайғуриб, бу типдаги фазовий кемалар ёрдамида ҳарбий алоқа, навигация бўйича ва разведкачи йўлдошларни Ер атрофи орбитасига чиқаришни хаёл қилмоқдалар. Шунингдек, «Орбитал самолёт» деб юритилувчи челнок системасидаги космик аппаратлар, фазога ҳарбий йўлдошларни айланма орбитадан стационар орбитага (айланиш даври Ерининг ўз ўқи атрофида

айланиш даврига тенг йўлдошлар) ўтказувчи, шатакка олувчи, таъсир ишларини бажарувчи йўлдошларни ҳамда узоқ даврга мўлжалланган фазовий станцияларни чиқаришни мўлжаллаганлар. Бундай станциялар, «Бизнес уйк» журналининг маълум қилишича, тахминан 400 километрча баландликда уча оладиган орбитал ҳарбий базаларнинг хизматини ўтади.

АҚШ 1994 йилга қадар «Спейс Шаттл» системаси бўйича фазога 117 марта учиш режалаштирган. Канаверал бурнидан 1985 йили 25 январда беш фазоғир билан учирилган «Дискавери» — орбитал самолёти, шундай типдаги кемалардан бўлиб, старт пайти ва орбитасининг параметрлари ҳақида ҳеч қандай маълумот эълон қилинмади. Шубҳасиз, кема фақат ҳарбий мақсад билан учирилгани ўз-ўзидан маълум. Кема экипажи тўла ҳарбий кадрлардан ташкил топгани ҳам фикримизнинг далилидир.

АСАТ программасига кўра, F—15 дан учириладиган «ўта ўқ» деб номланган ва соатига 45000 километр уча оладиган ракетани синаш мўлжалланган. Бундай ракеталарнинг размери 18 фут (1 фут 30,5 см) бўлиб, боеголовкасининг ҳажми консерва банкаси катталигидadır. Жуда катта тезликда бу ракета автоматик бошқарилиб, мўлжални нишонга олади.

Колорадо—Спринтс (Колорадо штати) да эса Хьюстондаги НАСАга эквивалент фазовий операцияларнинг умумлашган маркази қурилмоқда.

Айни пайтда АҚШ маъмурияти Пентагон триада деб номланган ҳарбий станцияни тузиш устида иш олиб бормоқда. Триада программаси жуда қувватли кимёвий лазер билан боғлиқ «Альфа», «Катта кўрсаткичли оптик эксперимент» дейилувчи лазер нуруни узайтирувчи ва нишонга мўлжалловчи «Лодэ» ҳамда мўлжални топиш ва нишонга уриш билан боғлиқ қидирув системаси — «Талэн голд» дейилувчи уचा программани ўз ичига олади.

Яқинда эса АҚШда «Тил руби» деган кодли ном билан аталувчи «космик уруш»нинг янги воситаларини ишлаб чиқиш программаси тузилаётганиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинди. Ҳарбий фазовий станциянинг датчиклари, учирилаётган ракета ва йўлдошдан ажраладиган иссиқликни, акс эттириб, бундай системә, барча аппаратлари ўчирилган сунъий йўлдошни ҳам фазода осонгина қайд қила олади.

АҚШ Аэрокосмик саноти маҳсулотларининг 80 фоизига яқини Калифорния штатида ишлаб чиқарилади. Калифорния штатининг саккиз ярим мингдан зиёд фирмаси ҳарбий корхоналар учун маҳсулот етиштиради, Пентагоннинг 22 фоиз маҳсулотини тайёрлайди, АҚШ ядро арсеналининг 40 фоиздан ортигини етиштириш ҳам Калифорния штатининг зиммасида. Бу штатдаги Салинон водийси (Кремнин водийси) АҚШнинг электрон ва аэрокосмик санотининг маркази ҳисобланади. «Ньюсуик» журналининг маълум қилишича, бу водийдаги салкам 600 фирма ҳарбий буюртмаларни бажаради. Қиргин қурооларининг янги системалари ва оқибатини ўйламай яратилаётган «назариялар»ни ишлаб чиқиш бўйича биринчиликни қўлдан бермай келаётган Калифорния штатининг бошқа бир маркази Э. Лоуренс номидаги ядро тадқиқотлари Ливермор лабораториясидир. Маълумки, бу лаборатория 1952 йили Пентагоннинг буюртмаси билан очилган эди. Лабораториянинг асосчилари циклотроннинг ихтирочиси Эрнест Лоуренс ва Фарбда «водород бомбасининг отаси» деб донг чиқарган Эдвард Теллер эди. Теллер бир вақтлар «Фақат оллоҳгина бизниқидан афзал боеголовкаларни ато этишга қодир», деб мақтанган эди.

Бу лабораторияда дастлаб «Поларис» ва «Посейдон» ракеталари учун боеголовкалар, кейинроқ эса «Минетмен» учун кассетали боеголовкалар яратилди. Кейинги йилларда Ливермор территориясиде нейтрон бомба ва «айни замоннинг В—83 типдаги стратегик бомбаси» яратилди. АҚШнинг 80 фоиздан ортиқ ядровий тадқиқотлари ана шу «мия маркази»да олиб борилади.


«Эскалибур» деб номланган программа, фазода ишлатишга мўлжалланган рентген лазерларини яратиш йўлида изланмоқда. «Юлдузлар майдонидаги жанг»да компьютерларни ишга солиб, Пентагон электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) экранда планетамизнинг исталган 15 квадрат миль (салкам 3,5 минг гектар) майдонини кўрсатадиган ва бу асосда катта офицерларга «чегараланган» ядровий урушни уюштириш усулларини ўргатиш мўлжалланган «Янус» деб номланган программани амалга ошириш учун 2,45 миллион доллар маблағ ажратилди.

Йирик Калифорния концерни «Рокуэлл интернейшнл» Пентагоннинг ҳарбий мақсад учун ишлатилишга мўлжалланган 28 қимматбаҳо сунъий йўлдошини қуриш бўйича буюртмасини бажариш билан овора бўлгани ҳолда, бошқа бир компания — «Хелинетикс» фазо учун лазер қурилмалари тайёрлаш устида ишламоқда. (Э. Теллер — бу компания директорларидан бири).

«Сайнене эппликейшнз» компаниясига эса, ҳам разведкачилик, ҳам бомбардимон қилиш вазифасини ўтовчи фазовий кема яратиш каби «шарафли» вазифа топширилган.

Ливермор лабораториясидан ташқари янги типдаги фазовий қурооларни «Локхид», «Аэрожет — Женерал», «Си-Си-Аи аэроспейс» ва «ТРВ» концернлари ҳам тинмай ишламоқдалар. Станфорд университети, Калифорния Технология институти ва Жанубий Қоролина университетлари ҳамда бошқа бир қанча олий ўқув юртлари қошидаги илмий-тадқиқот марказлари ҳам фазовий қурооллар ясаш бўйича талай буюртмаларини бажариб, Пентагон «кўлтиғига сув пуркамоқдалар». Мана бир неча йилдирки, «Хьюз эйркрафт» фирмаси қошидаги илмий лаборатория «Бегона» йўлдошларни лазер нури ёрдамида сафдан чиқарувчи йўлдошларни ишлаб чиқаришга киришган.

Кўриниб турибдики, миллионлаб америкаликларнинг яратган бойликлари фазога ҳамда ялли қиргин ядровий қуроолларга совуриляпти. Фазодан жой олаётган, бортида қиргин қурооллари ортган бу ракеталар ютаётган халқ бойлиги, аслида меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёжларини, сиҳат-саломатлигини атроф-муҳит софлигини таъминлашга қаратилса, цивилизациямиз тараққиёти туфайли вужудга келаётган табиатнинг номутаносиблиги, энергетик ҳамда экологик муаммолар бартараф этилса, инсоният ҳаётини сермазмун қилган бўлур эди. Бироқ АҚШнинг «ўлим концернларининг» хўжайинлари, АҚШ маъмурияти бутун жаҳон тинчликсевар ҳукмларини тавқе лаънатига қолиб, тинчликни эмас, балки қиргин урушни ёқлаб чиқмоқдалар. Бизнинг партия ва ҳукуматимиз тинчликсеварлик сиёсатини оғишмай олиб бормоқда. Рейкьявикдаги учрашувда ҳам, кейин ҳам биз интилимизини бутун дунё кўрди ва кўриб турибди. Жаҳон халқлари ядро уруши бориб турган телбалик эканини тушунади. АҚШ урушқоқларининг уринишлари беҳуда эканини тарих кўрсатади.



Бегали Қосимов,
филология фанлари доктори

ЙЎЛ БОШИДА

(Инқилобий йиллар адабиёти ҳақида қайдлар)

Ўзбек адабиёти тарихининг тараққиёт босқичларини кўздан кечирганда бир нарса яққол кўзга ташланади: Узоқ асрлар шеърятимиз (айниқса лирика) даврнинг кундалик ҳодисаларидан узоқда турди. Масалан, ғазал тадқиқотчилари ундаги ғоя ва образлар силсиласи ҳамиша икки марказ, икки ўқ атрофида — ёр тасвири билан ошиқ аҳволи теварагида уюшганини маълум қиладилар. Ёр тасвири, асосан, унинг таъриф тимсолини кўзда тутса, ошиқ «шарҳи ҳол»и лирик қаҳрамоннинг аксарият мубҳам, конкрет воқелик билан боғланмайдиган, тарихий заминдан узиб олинган ишқий-интим «дард»ларидан таркиб топар эди. Адабиётимизда жуда катта мавқе эгаллаган лирик поэзиянинг давр ҳодисалари билан боғланиши ғоят ночор эди.

XX аср бошида кутилмаган аҳвол юз берди. Бирдан ҳар қандай ишқий интим кайфиятлар номуҳим топилиб, ижтимоий оҳанг, граждонлик адабиётнинг, шу жумладан, лирик поэзиянинг жон томирига айланди. Ҳаётдаги ҳар бир катта-кичик ҳодиса шеърятда озми-кўпми ўз акс-садосини топиб борди. Адабиётдаги бу ўзгаришлар аслида «бирдан» бошлангани йўқ. Давр руҳидан яхши хабардор бўлган машҳур турколог А. Н. Самойлович 1916 йилда бу ҳолнинг ҳатто «кутилган» эканлигини эътироф этган эди. Адабиётдаги ўзгаришлар эстетик қарашларнинг янгиланишидан бошланган, у эса ўз навбатида ўлка бағрида юз бераётган муҳим тарихий ҳодисалар, инқилобий ғояларнинг томир отиши билан изоҳланар эди.

В. В. Маяковскийнинг «Ҳайқиреқ» поэмасида шоирлик ҳақида шундай бир гап бор. Инқилобнинг оташзабон куйчиси келгуси авлодларга «замона ва ўзи» тўғрисида сўзлаб бераркан, ўзини ахлат тозаловчи («ассенизатор»), сув ташувчи деб таништиради.

Касбим ахлат супурувчи,

сув ташувчилик,

революция мени сафарбар этди —

танноз кампир — шеърятнинг фараҳли, чирик

танбаллик боғидан

фронга кетдим.

Буюк шоир уни иқтидорсизликда, назокатсизликда айблаган ҳавойи ва енгил назмбоз муҳолифларига қарата ўз касбининг моҳиятини шундай белгиллаган, «салобатли, қўпол» «рядовой» шеърини — «тирноғигача қуролланган кўшин»ни «планетанинг пролетари»га «бахш эт»ган эди. Юқоридаги шоир — ассенизатор ибораси чирик турмуш ва тушунчалар устида янги ҳаёт ва маслак барпо этиш даврининг моҳиятини ва бу жараёндаги санъаткорнинг ўрни ҳамда хизматини бениҳоя аниқ ва оригинал ифодалаган. Қизиғи шундаки, тошкентлик шоир Тавалло ҳам Туркистонда янги ҳаёт, янги турмуш учун шиддатли кураш авж олган бир пайтда ижодкорнинг бурчи ва вазифасини шунга жуда яқин тушунган ва деярли ўшандай ифодалаган эди.

* Қиёслаб курайлик:

Кел Тавалло, миллат(н)нинг отхонасида хизмат эт,

Тоза қил, бир хосият бор. миллатинг шалтоғида.

(Тавалло, Миллий шеърлардан, I-жуз, «Ғуломия», Т., 1914, 22-бет)

Бу Тавалло томонидан тасодифан айтилган гап эмас. Бидъат ва жаҳолатни қораловчи, тараққиёт ва маданиятни улугловчи, халқнинг оғир тирикчилигини, ҳукмрон синфларнинг ахлоқий-маънавий тубанлигини руй-рост кўрсатувчи шеърлар унинг ижодида жуда кўп. Масалан, «Виждондилара» мусаддаси шундай сатрлар билан бошланади:

**Келди бизларга ғаму ғуссани ёзмақга замон,
Ёзаман қанча қўлумдан келадур аз дилу жон.
Ўқур ўлсанглр агар бу мани шеъримни қачон,
Сўкмангиз деб ўтунам, яхши бўлур, хоҳ ямон.**

**Эзмас эрдим муни ман қўймади ҳаргиз виждон,
Деди: ёз, миллат учун, миллата жонлар қурбон.**

«Қаламга хитоб» шеърида унга хитобан «ҳасрату андуҳу меҳнат»ни ёзишини, «тўғри ёз»ишини, «аҳли виждон» қалбига ўт солишини уқтиради. Унингча, қаламнинг вазифаси виждонни уйғотмоқдир.

Мана, шоирнинг «Ўз виждон-вужудима хитоб» шеърининг бошланмаси:

**Эй қўлим, пул тутма, миллатга ёрдамлашмасанг,
Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат гамин ғамлашмасанг,
Фикрим очилма, агар шеъринг ёзуб дардлашмасанг,
Чиқ ичимдан жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.**

Шоир фикрича, аҳвол ғоят мудҳиш. Ундан сўзламаган киши — «ўлук». Турмуш даҳшат ва фожиа билан тўла. У ҳақда илиқ гапириш мумкин эмас. Шу сабаб, шоир сатрларидаги «алиф — ўқ».

**Камчиликни назму таҳрири Тавалло қилмасанг,
Кел, бу кун манзур эмас, ёзма бўлак ашъор, ҳеч.**

деб ҳаёт иллатларини айтиш ва тузатишни қалам аҳлининг муқаддас бурчи ҳисоблайди.

«Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» шеърида қизлар ўз оталаридан уларни «ҳалоқатдан», «маломатдан» кутқаришни — ўқитишни, эрк ва ҳурлик беришни илтижо қиладилар. Бугина эмас. Шоир келажак оила, тенг ва саодатли, муҳаббатли ва садоқатли турмуш масаласини ҳам кўзгайди.

Янгиланиш руҳи, замон билан ҳамнафаслик XX аср бошида яшаб ижод этган деярли ҳар бир қалам соҳибида учрайди. Ҳамза, Авлоний, Анбар Отин сингари бевосита халқ орасидан чиққан ижодкорларда бу ғоят самарали кечди. Маърифатпарварлик билан бир қаторда ҳақ ва ҳуқуқ учун кураш ғоялари, халқ ҳаётини реалистик тасвирлаш, келажак ўйлари, хотин-қизлар эрки, Ватан, халқлар дўстлиги каби ғоялар улар ижодидан кенг ўрин олди: «Тараққий» газетаси 1906 йилда чор ҳукуматининг миллий масалаларда тутган сиёсати ҳақида шундай ёзган эди: «...сен рус, сен қозок, сен тотор, сен сорт, сен яҳудий деб миллатлар орасини ойируб, оралариға адоват солмоқға ижтиҳод этилди» (17-сон). Иккинчи томондан эса тор буржуа миллатчилиги, исломчилиги авж олди. Масалан, Мунаввар Қори 1907 йилда босилган «Адиби аввал» китобида «Дунёдаги динларнинг энг ҳақ ва тўғриси ҳам олло-таолло қошида дин деб саналғони ислом динидур» (45-бет) деб ёзади. Шоир Ғофил бўлса:

**Яҳуду арманилар тўлғузуб савдо-бозорларда
Тижорат ўрниға бизда давом этган шароратдур, —**

(Сабзозор. Т., 1914, 44-бет.) дея «миллат»дан «ҳасрат» қилади. Мирмуҳсин Шермухамедов булар ҳақида «...миллатчи зиёлар «миллат»ни ўзларига қурол этдилар, «миллат» исми билан «байналмилалият»га қарши кураш очдилар», — деб ёзган эди. («Қизил байроқ» 1920 й., 2-сон.) Инқилобий шеъриятда буларга қарама-қарши ўлароқ, барча миллатларнинг, ирқ ва динларнинг тенглиги масаласи кўтарилди. Бугина эмас. Шоирларимиз бу миллатларнинг эзилган қисмини ажрата олдилар ва ана шуларни ўзаро яқинлаштиришга, эрк ва озодлик йўлида бирлаштиришга уриндилар, чинакам «байналмилалият» учун курашдилар. Чунончи, Тавалло «Театру ҳақида» шеърида «рус, арман, ўзбеку тоторимиз» илк миллий сахна асарларимиз томошасида ёнма-ён ўтириб «бахра» олганидан беҳад қувонди. Сиддиқий-Ажзий келажак Самарқандни ҳар қандай диний, миллий айирмалардан холи кўрди. Анбар Отин «ҳуқуқсиз, шўр пешона» яҳудийнинг ёнини олиб чиқди. Эрксевар «рус»ни мадҳ этди. Сиддиқий Хондайлиқий эса 1917 йилдаги инқилобчи ёшларнинг қуйидаги фазилатларига алоҳида эътиборни қаратган эди:

**Демаслар бу қозоқдур, ё нўғойдур, ё бу қишлоқи,
Бўлақлаб ё ўғайлаб четга қўймак ҳеч бир он ёшлар.
Разолатпешалар ахлоқин ислоҳига саяй айлар,
Туғушгондин зиёда барча элға меҳрибон ёшлар.**

XX аср боши ижтимоий ҳаётдагина эмас, адабиётда ҳам муайян кўтарилиш давридир. Бадий ижоднинг ҳамма турларида асарлар ёзилди. Ёзганларини китоб қилган муаллифлар адади юздан ошиқ. Табиийки, уларнинг барчасини адабиётимиздаги мавқеи бир хил эмас. Бинобарин, уларнинг ҳаммасини атрофлича текшириш ва ўрганишга имкон ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Лекин улар шахсини аниқлаш, ижодий меросини тўплаш, зарурларини илмий муомалага киритиш шарт.

Бу давр адабиётда ҳам, ҳарбий терминларни қўллагудек бўлсак, авангард ва аръергард бор. Ўзбек инқилобий адабиётининг майдонга келиши ва янги социалистик маданиятимизнинг туғилишида фаол иштирок этган Ҳамза ва унинг сафдошлари ижоди ҳақли суратда кенг кўламда тадқиқ этилмоқда. Уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини нашр қилиш борасида катта ишлар амалга оширилаётир. Қувонарлиси шундаки, бу саф тобора янги номлар ҳисобига кенгаймоқда. Халқимизнинг инқилоб ва озодлик йўлига ҳамкору ҳамдаст бўлган революцион адабиёт кўлами ва мазмуни борган сайин ойдинлашиб бораётир. Назаримизда, бу соҳадаги вазифалардан бири мазкур адабиёт вакилларининг ишончли ва изоҳли нашрларини тайёрлаш бўлиб турибди. Масалан, Ҳамза мукамал асарларининг 4 томлиги нашр этилиши бу соҳадаги жиддий қадамдир.

1905—1917 йиллар ўзбек адабиётини ўрганишнинг долзарб масалаларидан бири адабиёт ва инқилобий ҳаракат бўлиб турибди. XX аср тарихий тараққиётининг энг буюк ҳодисаси 1917 йилги Октябрь революцияси экан, унга муносабат ҳар бир ижодкор фаолиятининг бош йўналишини аниқлашда энг муҳим мезонлардан бирини ташкил этади.

Қайд этиш керакки, адабиётимизнинг Ҳамза, Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Сиддиқий-Ажзий каби вакиллари ўз йўди ва ижтимоий фаолияти билан Туркистонда Октябрь инқилобини яқинлаштириш, амалга ошириш, сўнг эса бу ютуқларни мустаҳкамлаш ишида фаол иштирок этдилар. Завқий ва Тавалло 1918 йилдан (шу йили у партияга ўтган ва «особий отдел»да ишлаган), Суфизода эса 1919 йилдан ўлкада совет ҳокимиятини ўрнатиш, аксилинқилобчиларга қарши курашда қатнашди. Машҳур Абдулла Қодирий Октябрьдан кўп ўтмай, совет идораларида ишга тушиб кетди (1917 йилда у «Турон» жамиятига аъзо бўлиб кирган эди. 1918 йилда Тошкент Эски шаҳар озиқ комитетида ишлаганини эслайлик).

Умуман, ижодкорларимизнинг халқ дардини ўз дарди билиб, ўз тақдирини ундан айри тасаввур қилолмаган катта қисми бири эртароқ, иккинчиси кечроқ бўлса-да, инқилоб ҳақиқатиغا етиб келдилар.

Адабиётимизнинг инқилобий ҳаракат билан боғланишини ўрганишда Ҳамза билан бир сафда борган Авлоний ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар фаолияти бой ва қизиқарли материал беради. Уларнинг айнақса Февраль ва Октябрь революциялари оралиғидаги фаолиятлари қизгин ва самарали бўлди. 1917 йилнинг апрелида Авлоний муҳаррирлигида чиққан «Турон» газетасида Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Тарихий икки воқеа» мақоласи босилди. Марказий Россияда икки йил бўлиб, инқилобий ишлар билан анча қотишиб қолган Мирмуҳсин маҳаллий фактларни таҳлил қилар экан, ҳали чинакам инқилоб олдинда эканлигини айтди. «Турон» можароси» деб ном олган воқеа шундан бошланган эди. Бу ҳақда Авлоний таржимаи ҳолида ўқиймиз:

«Турон» газетасининг 5-нумерасин ўртоғим Низомиддин қорининг номига чиқардим. Бу нумерада журтгага уламоларга қарши хотин-қизлар ҳақинда ёзилган ўртоқ Абдулҳай Тожининг мақоласин босиб юбордим. Мана мундан сўнг уламолар мени йўлимни тўса олмасликларига кўзлари етуб, бошқа йўллар изладилар. Матлабим мусулмон матбааси бўлиб, мундан бошқа матбаада газета чиқарулик мусулмонча ҳарф йўқлигиндан, бошқа бир матбаада ҳарф бўлса ҳам ҳукумат газети босилиб турғонлигиндан истифода қулуб, уламолар матбаа эгаларининг уйларига вакиллар юборуб: — агарда, сиз Авлоний газетасин матбаангизга боссангиз, улсангиз сизга жаноза ўқутмасмиз, деб қўрқутуб, мени газетамни босмасликга сўз олишлар. Мана шул кундан эътиборан мени газетим Тошканде матбаа кўп бўлмаса-да, ҳарф ва наборшиқ йўқлигиндан тўхтамоққа мажбур бўлур. Лекин мен яна нима бўлса ҳам газетани чиқармоқ чорасига киришдим. Бисотимда бор оқчани ва «Турон» жамиятидан бироз оқча олуб, Боқуга боруб, 25 пуд ҳарф ва икки наборшиқ олиб келуб «Харидмон» матбаасида «Турон» газетасин чиқармоққа бошладим. Бу замонда Тошканде зўр куч олғон «Уламо» жамиятининг бармоғи билан «Турон» газетасининг тўхтатувнинг чорасига киришса-да, чора тополмай, фақат исмин ўзгартуб, «Турк эли» исми ила чиқарува ўз аҳбобларимиз бир мажлисда қарор қилдилар. Мана шул кундан эътиборан газетадан қўлимни тортдим». (Абдулла Авлоний, Таржимаи ҳол (Автобиография) № 5, 1921 йил, 7-8-бетлар.) Авлонийнинг «Турон»дан бутунлай кетиши бежиз эмас, Газетанинг номигина эмас, йўналиши ҳам ўзгарган эди. У энди пантуркист, «Турк адам марказият»ининг Тошкентдаги вакили Афандизоданин етовига ўтган эди.

Кўқонда Ҳамза шу пайтлари деярли шундай сабаб билан «Кенгаш» журналидан, сўнроқ «Хуррият»дан кетди. Дарҳақиқат, Февраль инқилобидан сўнг бирдан кўпайиб кетган газета ва журналларнинг ҳаммасини ҳам тўғилиб келаётган янги жамият учун бир хилда фойдали ва беозор дейиш мумкин эмас эди. Шiorлар кўпинча бир хил бўлса-да, мақсадлар ҳар хил эди. Ҳамзанин «Хуррият»да босилган «Бугунги қадрли кунлар» мақоласидаги «Ҳой биродарлар, кўзингизни очинг ва огоҳ бўлинг! Қулоқ солинг! Бу кун майдони ҳақиқат миллат хизматиға ходим чакирур экан, қарангиз, ким югурур, ким сукут қилур? Фарқ этинг, танинг, ажратинг! Илм ила ажратолмасангиз, қилуб турган хизматларидан ажратинг!» — деб ўртага чиққан ходимнинг фаолиятини, амалий ишчи мезон тутиши бежиз эмас эди. Ҳақиқатан ҳам шоир таъкидлаганидек, бениҳоя қадрли кунлар эди. Лениннинг сўзларини эслайлик: «...1917 йил мартдаги рус революцияси бутун чор монархиясини ағдариб ташлаш ва бутун ҳокимиятни буржуазияга топшириб қўйиш билангина қолмасдан, балки пролетариат ва деҳқонларнинг революцион-демократик диктатурасигача етиб борди» (В. И. Ленин. Асарлар. Тўртинчи нашри, 24-том, 44-бет).

Туркистондаги шароит жуда мураккаб бўлиб, буржуазиянинг таъсири ва мавқеи катта, маҳаллий аҳолининг кўпчилиги сиёсат ва сиёсий тушунчалардан узоқ эди. Икки ҳокимият — икки диктатура ва икки идеология ўртасидаги кураш шу сабабли бу ерда жуда кескин ва шиддатли кечди. Февраль ўзгариши берган сўз эркинлиги маҳаллий зиёлиларнинг асл қиёфасини дарров кўрсатиб қўйди. Улар орасидаги ажралиш кучайди. Буржуазия мавқеи ва таъсиридан фойдаланиб, иккиланиб юрган қаламқашларни оғдириб олиш, «ёт» қарашдагиларнинг эса хатти-ҳаракатини чеклаш, таъқиб ва таъйиқ ўтказиш пайдан бўлди. Ҳамзанин «Кенгаш» ва «Хуррият»дан кетиши, 3 июлда эса «Шўроий ислом»дан «истеъфони лозим кўриш» сабаби шунда эди.

Петрограддаги Бутун Россия VII конференцияси оммани революцияга жалб этиш, социалистик революциянинг сиёсий армиясини вужудга келтириш масаласини қўйди. Ленин «Апрель тезислари»даёқ Муваққат ҳукуматни дарҳол ағдариб ташлашга қарши чиққан, ишчиларнинг унга ишонаётганлиги, у эса советлар мададига суянаётганлиги ва оммага зўрлик ишлатмаётганлигини айтиб, бу ишнинг советларнинг ўзига, ишчи ва солдатларнинг кўпчилигига қарши бориш бўлишини курсатган ва биринчи вазифа қилиб омманин кўпчилигини большевиклар томонига ўтказиб олишни белгиллаган эди. Партия омма учун кураш бошлади. Муваққат ҳукуматнинг асл башарасини очиб ташлаш ва шу орқали уни ишчи ва солдатлар мададидан маҳрум қилиш, муросачи эсер ва меньшевикларни фош этиш ва шу орқали советларда большевикларнинг кўпчилик овозга эга бўлишини таъминлаш устида кураш кетди. Мана шу вазият кўзда тутилса, Ҳамзанин май охирларидан Кўқондаги революцион-ишчилар билан боғлаган алоқасини тушуниш осон бўлади. Ҳамза шу тариқа большевиклар позициясига келиб қўшилди.

Лекин, айтиш керакки, ўлкада большевиклар сони реакция йилларида кескин қисқариб кетган бўлиб, 1917 йилнинг апрель-майида улар жуда оз эди. Маҳаллий кадрлар эса бармоқ билан санарли эди. Шу сабабли, халқ онгини оширишда ишчи союзларининг, касаба ташкилотларининг роли катта бўлди.

Май ойида мардикорлар қайтиб келиши билан уларнинг советлари тузила бошланди. «Тиловой рабо(т)чилар организациясига иштирок этдим. Идора аъзоси-да бўлуб хизмат қилдим», — деб ёзади Авлоний ўз таржимаи ҳолида. Иккинчи бир ўринда эса, «Тиловой рабoчилар» жамиятида президиум бўлиб ишладим» деган қайдга дуч келамиз. Дарҳақиқат, у май ойининг охирида Муваққат ҳукумат билан апоқ-чапоқ бўлишгина эмас, кескин контрреволюцион позицияга ўтиб олган собиқ турончилар — шўройи исломчилар билан бутунлай алоқани узган эди.

Айни пайтда Туркистонда либерал-буржуа руҳидаги кичик-кичик миллий группалар ва жамиятлар ҳам кўпайди: Чунончи, биргина Тошкентнинг ўзида шундай ташкилот ва тугараклардан 20 га яқини тузилгани маълум. Шу билан биргаликда большевиклар партияси раҳбарлигида ҳам кўплаб бирлашган жамиятлар ташкил топди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаол иштирок этган «Мусулмон меҳнаткашлар союзи», «Иттиҳоди толибин» жамиятлари шулар жумласидандир. Самарқандда шоир Сиддиқий-Ажзий фаол иштирок этган «Иттифоқ» жамиятининг иши ҳам самарали бўлди. Чинакам меҳнаткашлар уюшмаси бўлган «Иттифоқ» билан «Шўройи ислом» ўртасида шиддатли кураш кетди. «Иттифоқ» аъзолари «Шўройи ислом»чиларнинг сохтакорликларини фош қилиб бордилар. Бу соҳада айниқса, мазкур жамиятнинг илғор вакили Сиддиқий-Ажзийнинг хизматлари катта бўлди. Шоирнинг уруш ва унга муносабат мавзусидаги икки мақоласи мисолида ҳам бунни кўриш мумкин. Унинг ёзишига қуйидаги нарса туртки бўлган эди. 1917 йилнинг 7—15 апрелида Тошкентда ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Биринчи ўлка съезди бўлиб ўтди. Съездда кўпчилики эсер-меньшевиклар ташкил қилган эди. Шу сабабли съезд Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақирди. Революциянинг авж олишига қарши чиқди. Уруш ҳақида эса «Уруш иттифоқчилар билан батамом келишиб олинган ҳолда герман милитаризмини бутунлай тор-мор келтирилгунча олиб борилиши керак» деган резолюция қабул қилди. 18 апрелда Муваққат ҳукумат ташқи ишлар министри П. Милюков иттифоқчи давлатларга нота юбориб «ғалаба қилмай сулҳ йўқлигига, урушни қатъий ғалабагача давом эттиришга Россия тайёр эканлигини билдирди. Керенский 18 июнда жанубий-ғарбий фронтда ҳужум бошлаш тўғрисида буйруқ берди: Сиддиқийнинг «Таажжуб сўз», «Йўл бўлсин, қаерга борамиз?!» мақолаларининг мана шу воқеаларга жавоб сифатида майдонга келганини пайқаш қийин эмас. Шоир «Таажжуб сўз»да шу кунлардаги расмий ҳукумат йиғинларида кўп тилга олинаётган, «ҳукумат буюрса, ёзмоқдан бошқа чораси бўлмай, оламини ағфол» қилаётган матбуотдаги урушпарастликка қарши чиқади. «Душманга ғалаба қилмай сулҳ йўқ!» деган шioriни ҳар нимарсадан ортиқ таажжублик бир сўз!» — деб ҳисоблайди («Хуррият» 1917 й., 24-сон).

Иккинчи мақоласида эса шоир халқ ташвишидан узоқ сийасатдонларга қарата истеҳзо билан «Йўл бўлсин, қаерга борамиз?!» деган саволни қўйди. Мақола «Халқ учун ғалла зарур, ғалла!» деган сўзлар билан тугалланади...

Шуни айтиш керакки, зиёлиларимизнинг, айниқса, ижодий интеллигенциянинг Октябрга келиш йўли ғоят мураккаб ва қийин кечди. Бунни ҳатто 1917 йилдаги матбуотимиз ва маданиятимизнинг ғоят пешқадам вакили деб эътироф этилган Мирмуҳсин Шермуҳамедов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мирмуҳсиннинг Февраль революциясидан 15 кун ўтар-ўтмас ёзилиб «Нажот» газетасининг 5—6-сонларида босилиб чиққан «Хурриятдан нечук фойдаланамиз?» мақоласи ўша давр вазиятини кенг ва чуқур таҳлил қилиш билан жуда кўп ҳамкасблари асарларидан кескин ажралиб туради. У майдонга келган вазиятни баҳолашда ҳатто Биринчи Рус революцияси фактларидан кенг фойдаланади. У 1905 йилдаги инқилобнинг мағлубияти сабабларини излайди ва уларни қуйидагилардан топади:

1. «Хуррият руҳи ила суғорилуб хурриятни(нг) нима эканин билган киши»ларнинг оз бўлиши (инқилоб ғояларининг кенг ёйилмаганлиги);
2. «Хуррият талаб этувчилар фақат ишчи синфларига» бўлганлиги (уларнинг деҳқонлар ва солдатларни ўз орқаларидан эргаштира олмаганликлари);
3. «Аларни (ишчиларни) ҳам фикри юз турли» бўлиши (меньшевикларнинг ажратувчилик, сафбузарлик фаолияти).

Шу мулоҳазалардан кейин Мирмуҳсин 1917 йилнинг бошларидаги аҳволга тўғри характеристика беради: «Ҳозирги олинган ҳуриятда қувват айтуб битирмаслик даражада жуда кўп, аммо фикр бир тегиш ҳаммага таралуб етмаган».

В. И. Лениннинг Советларнинг I Бутунроссия съездидаги сўзларини эслайлик. У съезд делегатларига қарата шундай деган эди: «Сиз 1905 ва 1917 йил даврларини кечирдингиз, сиз революциянинг заказ билан қилинмаслигини биласиз, Россияда эса Советлар ҳокимиятига қаршилик кўрсатди оладиган группа, синф йўқ. Россияда бу революциянинг, мустасно тариқасида, тинч йўл билан борадиган революция бўлмоғи лозим».

Мирмуҳсиннинг «Истиқболда бизнинг ҳаёт» («Юрт» журнали, 1917 йил, 3-сон) мақоласида эса қуйидаги фикрга дуч келамиз: «Фараз этингиз, биз — катта денгизга ташланган бир кема. Шу л денгиздан кўзлагон еримизга саломат чиқа оламизми ёки ҳаётнинг ҳаяжонлик тўлқуни билан фарқ бўлуб денгиз тахтига кетамизми?»

Есениннинг машҳур сатрлари эсга тушади:

Ер катта кемадир,
Кимдир ногихон
Янги ҳаёт учун,
Янги шон учун.
Бу улкан кемани
Даҳшатли бўрон
Тўлқинлар қаърига
Йўллади бу кун.
Кема чайқаларкан
Нотинч денгизда.

**Боши айланмаган
Йиқилмаган ким!
Жуда кам, жуда кам
Бундайлар бизда,
Уларнинг идроки
Қалбига ҳоким.**

Мирмуҳсин «идроки қалбига ҳоким»лардан эди. У катта денгиздаги кеманинг кўзланган ерга саломат етиб бориш йўлларини қидирди. Унга ҳамқору ҳамдаст бўлишга уринди. «Миллатнинг муқаддас минбарига минган зотлар» уни ҳалокатга судраётганини айтди. «Провақатор буржуазларни ўйдирма фикрларига, кўр-кўрона таассубларига алданадургон вақт эмас! Аларни эзиб ташлаб маълум-миллатни юзага чиқартургон вақт!»— деб ҳайқирди. У «Динчилар, тараққийчилар» («Шўро» журнали, 1917 йил, 20-сон) мақоласида Ҳамза сингари ҳар бир миллат ходимининг кимлигини аниқлаб берадиган мезон унинг қилаётган иши деб ҳисоблади. Шундан келиб чиқиб, «динчиман» деб даъвода юрганларнинг ўндан саккизи дин ўғрилари», «тараққийчиман» деб оғиз очуб юрганларнинг ўндан тўғизи миллий хулиғанлар» эканлигини рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, 1917 йилги «Турон» можаросида Ғуломхон қозининг Мирмуҳсинни «бузғунчи большевои» деб тошбўрон қилишга ҳукм этиши бежиз эмас эди.

Профессор Лазиз Қаюмов Ҳамзанинг сўнгги икки инқилоб орасидаги ҳаёти ва ижодий фаолиятини атрофлича тадқиқ этиб, унинг «Ҳой ишчилар», «Биз ишчимиз», «Шундоқ қолурму, қолурму?» шеърларини ҳамда машҳур «Бой ила хизматчи» драмасини Октябрь арафаларида ёзилган деган хулосага келади. Шоирнинг «Миллий шеърлардан VIII бўлим»га киритилган юқоридаги шеърлари 1919 йилда босилиб чиққан. Лекин мазмунига кўра уларнинг ўлкада социалистик инқилоб учун кураш қизғин тус олган бир пайтда ёзилганига шубҳа йўқ. Шунингдек, «Бой ила хизматчи» ҳам Ҳамзанинг Октябрь арафасидаги революцион фаолияти бадий ижод билан қўшиб олиб борилганига оидин бир далилдир.

Бу асарларда етилиб келаётган социалистик инқилоб руҳи ифодаланди; тарихни золим ва мазлум ўртасидаги курашдан иборат деб тушунган, «Ҳой ишчилар!» дея уларни бойларга қарши қуролланишга чорлаган, янги турмуш куриб абадий яшашга аҳд қилган инқилобчи бунёдкор образи яратилди. Оташанафас шоирнинг бу қизғин палладаги алангали шеърини ҳақида ҳамзашунос олимлримиз кенг ва батафсил тўхтаб ўтганларки, уларни такрорлаб ўтиришга бу ерда ҳожат йўқ. Шу сабабли унинг замондошлари тўғрисида сўз юритамиз. Бу жиҳатдан Авлонийнинг ижодий фаолияти диққатга сазовор.

У 1933 йилда босилиб чиққан «Адабиёт хрестоматиясида «инқилобгача ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, тўрт театр китоби» ёзганини маълум қилган эди. Авлоний шахсий архивида «тўрт театр китоби»нинг автограф қўлёзмаси, айрим кўчирилган нусхалари ва қораламалари сақланиб қолган. Шундан учтаси («Адвокатлик осомни?», «Пинак», «Биз ва Сиз») 1979 йилда биринчи мартаба эълон қилинди. Дастлабки икки асар комедия бўлиб, 1914 йилларда ёзилган. Лекин кейингиси — «Биз ва Сиз» трагедияси инқилоб арафаларида яратилган. Унинг марказида Европада 10 йил ўқиб «янги ҳаёт», «янги турмуш» ҳақидаги жўшқин орзулар билан қайтган Камолнинг тақдири туради. У «чуруб, билжираб кетган» эски турмушни «тузатмоқчи». Унинг бутун фикри-зикри шу билан банд. У ўқимишли Марямни севади. Унинг севгиси ҳам, айтиш мумкинки, ғоявий-маънавий яқинлик асосига қурилган. Бироқ қора кучлар устун келади. Камол ва Марям ҳалок бўладилар. Аммо уларнинг ўлими катта оптимистик мазмун учун хизмат қилади. Авлоний жуда муҳим бир масалани — инсоннинг бахти ва турмушини асар марказига қўяди ва жиддий социал конфликтни кескин вазиятларда очиб беришга уринади.

Авлонийнинг яна бир драматик асари — «Португалия инқилоби» бор. (Драманинг икки қўлёзмаси сақланган. Биринчисида тузатишлар кўп, саҳифалар 45-бетгача рақамланган. Иккинчиси анча мукамал. Сарғиш қоғоздан дасталаниб дафтар қилинган. Муқовада Туркгазлитнинг 8/Х. 1924 санаси билан 962-рақамли рухсат муҳри бор. Чамаси, у ўшанда нашрга тайёрланган ва номасълум сабабларга кўра босилмай қолган.) У адибнинг бошқа асарларидан ажралиб туради. Беш парда ўн кўринишли бу пьесани муаллиф фожиа («трагедия») деб атаса-да, мазмунига кўра у қаҳрамонлик драмасига яқин. Қўлёзма муқовасига «1921 йил 23 январда ёзилди» деб қўйилган. 20-йиллар адабиётимизда «жаҳон революцияси» деган гап кенг тарқалган пайт эди. Шу жиҳатдан буни ҳам шу йилларда ёзилган деб тахмин қилиш мумкин. Лекин муаллифнинг таржимаи ҳолидаги фикри ва унинг 1917 йилдан бошлаб театр ишларидан узоқлашгани бизни ўйлатиб қўяди. Биз бу асар ҳам 1916 ёхуд 1917 йилнинг бошларида ёзилган деб тахмин қиламиз. У 20-йилларда саҳнага қўйилган. 1924 йилда ҳатто нашрга тайёрланган эди.

1910 йилнинг 5 октябрига ўтар кечаси Португалияда Англиянинг тазйқидан, монархиянинг зулмидан тоқати тоқ бўлган халқ кўзғолон кўтарди. Унга республикачилар бош бўлдилар. Уларни армия қисмлари ҳамда ҳарбий-денгиз флоти кучлари қувватлаб чиқди. Лиссабонда бутун халқ оёққа турди. Қирол Мануэль қочиб кетади. Шоҳлик тугатилиб, Португалия Республика деб эълон қилинади. Вақтли ҳукумат бошқиб қилиб Брога тайинланади.

«Португалия инқилоби» драмаси заминда мана шу конкрет тарихий воқеа ётади. Муаллиф ўз Ватани ва халқи озодлиги учун курашга чоғланган революционерларни фидойи кишилар сифатида талқин қилади. Шундан бўлса керак, хусусий-маиший тафсилотларга кам ўрин беради. Ёзувчининг диққат марказида кўпроқ уларнинг ижтимоий фаолиятлари, яна аниқроғи, инқилобни амалга ошириш йўлидаги кураш жараёнлари туради. Кўп ҳолларда қаҳрамонларнинг бой руҳий дунёси етарли очилмайди. Образ ва персонажлар кўпинча эсда қоладиган типлар даражасига кўтарилмайди. Индивидуаллаштиришга кам эътибор берилади. Табиийки, булар драманинг бадийлигига путур етказган.

Авлоний кўп асрлик адабиётимиз тарихида биринчи мартаба узоқ Португалия халқлари ҳаётига муурожаат қилди. Улар тарихидаги масъулиятли бир пайтни — 1910 йилги революция воқеаларини (гарчи у Ленин таъбири билан айтганда, «чала» бўлган бўлса-да) ўз асари учун мавзу қилиб олди. Уларнинг орзу-умидлари, интилиш-кайфиятларини ўзбек ўқувчиларига етказди. Инқилоб ҳақида асар ёзиб, яқинлашиб келаётган буюк ўзгариш садоларига жўр бўлди. Бугина эмас.

Интернационал мавзуни революцион ғоя нуктаи назаридан ёритишга ҳаракат қилди. Асардаги интернационал руҳ ўзга мамлакатдаги, бошқа тил ва эътиқоддаги халқни шунчаки ҳурмат қилиш шаклида эмас. Авлоний воқеаларни тасвирлар экан, бутун вужуди билан Мануэль истибоддига қарши оёққа турган меҳнаткаш халқни ҳимоя қилади, уларни инқилобга бошлаган революционерларни шарафлайди. Бошқача айтганда, Авлонийдаги интернационализм пролетар интернационализмига яқин келади.

Дарҳақиқат, бу ҳассос инқилобчининг «Фирқамиз олийларина», «Қизил байроқ» каби юксак партиявий шеърлари Октябрь воқеаларидан кўп ўтмасдан майдонга келганлиги бежиз эмас эди.

«Хуррият меваси» асари билан Февраль инқилобига биринчилардан бўлиб муносабат билдирган Хуршиднинг ҳам Октябрьга келиш йўли ибратли. Санъатшунос Б. Насриддинов шоирнинг Февраль ва Октябрь оралиғида ёзган «Хитоб марши», «Туркистон интернационали», «Огоҳ шарқиси» шеърларини келтиради ва «Саргузашт лавҳаларидан» номли инқилобий мавзудаги трагедияси ҳақида хабар беради. «Туркистон интернационали» шеъри «Тошкент оқшоми»да эълон қилинган (1968 йил, 22 июль) Уччала шеърда ҳам даврнинг шиддатли инқилобий руҳи етакчи. Буни сарлавҳалари ҳам таъкидлаб турибди. Шоир «Хитоб марши»да Туркистонга мурожаат қиларкан, «чин уёнмоқ вақти» етганлигига алоҳида урғу беради. Топталган инсоний қадрни эсга солади:

**Эй, заволли, тургин энди чин уёнмоқ вақтидур,
Утди ёлқовликни даври, вақти ғайратдур букун.
Ерлара кирдинг, босилдинг, ухламоқ ортиқ етар!
Ухламоқ ортиқ етар, ўқувга навбатдир букун.**

Шеърда асрий зулм ва эъронликнинг сабабларини аниқлашга мойиллик кучли. Мана бу байтга эътибор қилайлик:

**Етма эй тур, энди айла сен вазифангни адо,
Билмаганликдан эзилдик катта ибратдир букун.**

Бу икки сатрда Февраль сабоғи натижасида ўз инсоний қадрини мушоҳада этиб кўраётган, қаддини ростлаб чинакам озоодлик нафасидан баҳра олиш устида уйдаётган лирик қаҳрамоннинг кенинмалари бор. Сунғи байтда эса «тўда» билан «эд» бир-бирига зид қўйилади. Шундай долғали кундаги «гафлат» халққа хиёнат» деб белгиланади:

**Туда жоҳил олдида ҳеч беқадр улма, элим,
Ухламоқ гафлат ила халққа хиёнатдир букун.**

«Огоҳ шарқиси»да бу фикр янада конкретлашади. Шоир Ватан учун ғайрат, жасорат кўрсатмоқ, лозим бўлса жон бермоқ ҳақида сўзлайди. Бундай хизматни авлоднинг «бурчи» ҳисоблайди: «Ўзбек эли, тур энди, оёғлан!...» «Койфидир ортиқ шунча эзилмоқ» деган сатрларга алоҳида матно юклайди. Айниқса, кейинги шеърда 1917 йилда кенг тарқалган машҳур инқилобий гимнлар «Марсельеза» (Руже де Лиль) ва «Интернациональ» (Эжен Потье) таъсири яққол сезилиб туради. «Туркистон интернационали» ўзбек инқилобий шеъриятининг кўркам намунасидир. «Туркистон интернационал»даги «ғариб» ўлкани «обод» этиш, «хўр миллат»ни «яшнатиш»дек юксак ва олижаноб туйғулар, «душманлар» билан «чолиш»иб, уларнинг «уйини»вайрон қилишга чорловчи курашчанлик Хуршид чинакам поэзиянинг социалистик революция арафасидаги юксак мақсадини тўғри англаганлигидан далolat беради. Шеърнинг бошидан охиригача ўтувчи хитоб оҳанги инқилобнинг шиддатли, ҳужумкор руҳига ниҳоятда уйғун эди:

Эй ўзбек халқи, тур уйғон!

Уйғон, ғайрат-ла боқ ҳар ён.

Етар санга бу эзилмоқ—

Тур, тур, уйқунгни от бу он!

деган ҳайқирик билан бошланади шеър.

Хуршид Улуғ Октябрь революциясидан кўп ўтмай, «Марсельеза» ва «Хитоб марши» шеърларини ёзди. Бу шеърларда инқилобий руҳ янада балоандроқ пардаларда ифода қилинди. Дарҳақиқат, ундаги умумдемократик қарашлар Ҳамза ва Авлоний ижодидаги сингари Октябрь арафаларига келиб пролетар нуктаи назари дейиш мумкин бўлган ғоявийликка кўтарилган эди.

Шу тариқа, халқ ва мамлакат тақдирида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган Февраль ва Октябрь оралиғида ижодкор кучларимизнинг бир қатор истеъодли вакиллари илтимой турмушда юз берган ҳодисаларни кенг халқ манфаати нуктаи назаридан баҳоладилар ва пролетар революцияси билан биргаликда қадам ташладилар. Уларнинг айримлари эса буюк Октябрнинг ҳам жарчиси, ҳам жангчиси бўлди. Уларнинг асарлари Октябрь инқилоби билан бошланган ўзбек совет адабиётининг ўзгичани ташкил қилди. 1917—1918 йилларда шахрихонлиқ Ҳайратининг «Хуррият» (1917), Нозимахонимнинг «Қутлуғ кунинг муборак» (1918), Хислатнинг «Инқилоб» каби Октябрни қуқур идрок этувчи ва шарафловчи шеърлари майдонга келдики, бу Ҳамза ва Авлонийлар революцион поэзиясининг қонуний давоми эди: КПСС XXVII съездида қилинган Сийёс докладыда ҳақли суратда қайд этилганидек, «Адабиётимиз янги дунёнинг туғилишини акс эттириб, шу билан бирга янги дунёнинг қарор топишида актив қатнашди; ана шу дунё кишисини — ўз она юртининг ватанпарварини, чинакам интернационалистини вояга етказди. Бу билан адабиётимиз умумхалқ ишидаги ўз ўрнини, ўз ролин тўғри танлаб олди».

Совет адабиётининг бу шарафли йўлини ўзбек адабиёти материаллари ҳам тасдиқ этиб турибди.

ҚОВУН ҚОВУНДАН РАНГ ОЛАДИ-Ю...

Жаҳон шеърляти даҳоларининг асарларини синчиклаб ўргансак, ўзаро таъсир, бир-биродан ўрганиш, илҳомланиш каби ҳолатларга кўплаб дуч келамиз. Бу ҳодиса адабиётларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган ижобий фазилат эканлиги маълум.

Бироқ ўзгаларнинг фикрини, образларини, шеърый оҳангини, сўз ва ибораларини ўзгартириш олиш, баъзан эса бошқа сўзлар билан такрорлаш тақлидчилик ёки очикдан-очик кўчирмакашлик ҳисобланади.

Кейинги йилларда таъсирланиш тушунчасига бошқачароқ қарашлар пайдо бўляпти. Айниқса — айрим ёшлар ижодида. Улар таъсирланишни ўзлаштириш ҳамда кўчирмакашлик билан аралаштириб юбораётганга ўхшайдилар. Шу масалага яқинроқ, ёндашиш, унинг туб моҳияти ҳамда ташвишли, хунук томонларини рўй-рост очиб ташлаш адабий танқидчиликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Тўғриси, баъзи шеърларни ўқиганда, мазмуни ёки маъносини, фикр динамикаси ёки оҳангини, қофия ёки вазнини, образ ёки муқоясаларини қаердадир учратгандек бўлаверасиз.

Узини ўзи такрорлаш, тақлидчилик кўчирмакашлик касалининг бошланишидир. Демак, тақлидчиликка қарши кескин кураш олиб борилмаса, бу дард бора-бора кўчирмакашликка айланиб қолади. Айрим ёшлар илк изланиш жараёнида дастлаб кимгадир тақлид қилиши мумкин, лекин улар аста-секин бунинг ижодга алоқасиз йўл эканини тушуниб оладилар ва ундан воз кечадилар.

Афсуски, шеърятимизда ана шундай ачинарли ҳол — кўчирмакашлик иллати аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кўзга ташланиб турибди. Рўй-рост айтиш керакки, айрим шоирлар бировларнинг фикрини, ғоясини айнан кўчириб ёки тўғридан-тўғри тақлидчилик қилиб, шеър ёзишнинг осонгина йўлини топиб олганлар.

Шу ўринда яна бир нарсани очиқ айтишга тўғри келади. Бу мақолани ёзишдан мақсад бировларни камситиш ёки бадном қилиш эмас, балки адабиётимиз, шеърятимизнинг софлиги ҳақида қайғуришдан иборатдир.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Чўлпон Эргаш, Миразиз Аъзам, Рауф Парфи сингари истеъдодли шоирлар 70-йиллар ўзбек шеърлятида барқарор, такрорланмас, ўзларига хос йўлни топа олдилар. Уларнинг шеърлари адабиётдаги бошқа жанрларга ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини тан олиш лозим. Афсуски, баъзилар ўша шоирлардан у ёки бу хилда нусха кўчириш билан шуғулланадилар.

Масалан, академик шоир Ғафур Ғуломнинг «Олма отди» шеърда «Олма отди ўйнаймиз тарафма-тараф» мисрасини Барот Исроил «Қор бўрон ўйнаймиз биз бўлишиб тараф-тараф» каби ўзлаштиради. Ёки қирқ-эллик йилдан буён оғиздан-оғизга ўтиб, кўйланиб келаётган машҳур халқ кўшиғи бор:

**Осмондаги самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт,
Қанотингга хат ёзай,
Кремлга ташлаб ўт.**

Бу мисраларни Барот Исроилнинг «шеър»и билан солиштириб кўринг:

**Осмондаги самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт,
Дўстларимга хат ёзай,
Уй, уйига ташлаб ўт.**

Халқ кўшиғидаги «қанотингга», «Кремлга» сўзларини Барот Исроил «дўстларимга», «уй, уйига» сўзлари билан алмаштирган, холос. Қўшиқда совет халқининг Кремлга меҳр-муҳаббати, кўтаринки руҳи тараннум этилади. Барот Исроил эса ҳамма ёд биладиган халқ кўшиғи обрўсига путур етказган.

Шу ўринда Озод Шарафиддинов ва Иброҳим Ҳаққулов каби мунаққидлар ёшлар ижодидаги тақлидчилик ҳақида куюниб ёзган мақолаларини ҳам эслатиб ўтиш керак.

Бадий адабиётда тақлидчилик, кўчирмачилик касали қаердан пайдо бўлар экан, деган савол кишини ўйлантириб қўяди. Бизнингча, аввал ўқилган таъсирчан асарлардаги фикр, мазмун, сатрлар мияда қайта гавдаланиши ва ёш ижодкор уни билмасдан такрорлаши мумкин. Лекин иқтидорли, эътиқодли қаламкаш бунинг ўз вақтида пайқайди ва бошқаларнинг «танбеҳ»исис ўзига тегишли хулоса

чиқариб олади. Таниқли шоиримиз Нормурод Нарзуллаевнинг баъзи шеърларини ўқиганда қизиқ бир аҳволга тушасиз: уларни қаердадир ўқигандек ё эшитгандек бўлаверасиз. Охири маълум бўладики, шоир ўз-ўзини такрорлар, баъзан иборалар, ташбеҳлар, образларни шеърдан шеърига кўчириб юрар экан. Бинобарин, Алишер Навоий айтганидек, сўзки такрор топди, марғуб эмас, бир деганни икки демак хўб эмас. Ўз-ўзини такрорлаш, топилган яхши бир иборани ҳадеб қайтаравериш яхши эмас. Мана бу сатрларга диққат қилинг:

Қарши даштидан садо келади,
Гулларни ўйнаб сабо келади,
Далалар узра қанот қоқиб,
«Мени куйла» деб, нидо келади!

(«Суворий қизлар»)

Субҳидамда сабо бўлиб келганман,
Келажакка садо бўлиб келганман.

(«Қуёшли элим»)

Боғлар, сизда бўлса ёр,
Сабо бўлиб келсинлар.
Тоғлар, сизда бўлса ёр,
Садо бўлиб келсинлар.

(«Излаганим»)

Мисралар мазмунан тарқоқ: айтилик, шоир «Мени куйла» деб, нидо келади» сатри орқали нима демоқчи? Нидо «мени куйла» деб келадими? Ёки «мени куйла» деган нидо келадими? Ноаниқ. Бу ҳам етмагандай, нидо «Далалар узра қанот қоқиб» келар эмиш. Қанот қоқиб келиш ҳолатида кўтаринкилик пинҳон. Ҳолбуки, нидо кўтаринки нарса эмас, у ингрок, фарёд сўзларига муқобил маъно ташийди. Шундай экан, тўртликда манتيқий зидлик бор. Кейинги тўртлик ҳам ғализ: келажакдан садо бўлиб келиш мумкин. Лекин келажакка садо бўлиб келишни қандай тушуниш керак? Ҳеч бўлмаганда келажакка садо бўлиб бориш мумкин. Шоир сўзларнигина эмас, айрим фикр ва ибораларни ҳам шеърдан шеърга кўчиради. Қоғиштиринг:

Ҳаёт борки кураш бор,
Ҳам висол бор, ҳам ҳижрон.
Эзгулик ва ёвузлик
Жанги мудом ёнма-ён.

(«Мухаббат фарзандиман»)

Висол ва ҳижрон
Азал ёнма-ён
Кимга у эзгу,
Ё афсус келди.

(«Гул наврўз ҳақида»)

Висол, ҳижронда аён
Изтироблар тугёни.

(«Меҳри вафода кўрдим»)

Кулги билан ёндошдир қайғу,
Қувонч билан андух ёнма-ён.

(«Кулги билан ёндошдир қайғу»)

Кўриб турганингиздек, фикрлар, ҳатто сўз ва иборалар шоирнинг аксарият шеърларида бот-бот такрорланаверади.

Шоир баъзи шеърларида бошқа шоирларнинг фикрларини, баъзи ибораларини, оҳангини, қофияларини, ҳатто айрим мисраларини такрорлайди.

Абдулла Ориповнинг машҳур ва манзур бир ғазали бор:

Бу ишқ сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,
Ўқурман, деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Худди ана шу мазмундаги шеър Нормурод Нарзуллаевада ҳам учрайди:

Ишқ дарсини ўқий-ўқий китоб этдинг сен...
Севаман деб қулоғимга хитоб этдинг сен.

Ёки Абдулла Ориповда:

Мухаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг қалбин,
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен борман.

Н. Нарзуллаевада:

Шайдо Нарзий
Гул кўнглини рубоб этдинг сен.

Марҳум ғазалхон шоир Шариф Нурхоннинг «Кекса бўйдоқ» деган шеърини билмаган одам кам бўлса керак. Бу асар 60-йиллар охирида «Табассум» радио журнали орқали эшиттирилган, кейин грампластинкага ёзилган, сўнг бу шеър шоирнинг «Яхшидан шарофат» (1980) китобига киритилган. Шунга жуда ўхшаш шеър Н. Нарзуллаевада ҳам бор.

Солиштиринг:

Шариф Нурхонда:

Бир замон боқсам парининг кўлидан маҳкам тутиб,
Лабларига чўзди лабни оғзида носи билан.

Тарсаки зарби ўжарни гангитиб қилди ювош,
Довдираб бурнини артди кўли ифлоси билан.

Юпатиб секин Шарифий кекса бўйдоққа деди:
Ҳар киши учрашса яхши ўзининг моси билан.

Н. Нарзуллаевда:

Бир ошиқни учратдим қўлда раъноси билан,
У ёнарди, ўртанарди севги савдоси билан.

Гулни берди, қиз уялди, ранжиди бу лақмадан,
Қиз бетига лаб чўзибди оғзида носи билан.

Тарсаки зарби «кўёв»ни гангитиб қилди ювош,
Ростлади жуфтакни бирдан қўлдаги сози билан.

Севгида савдо бўлурми, ишқ эса кўргил иши,
Ҳар киши ўйнаса яхши тенгию моси билан.

Биринчи байтнинг биринчи сатри машҳур «Қўлда раъноси билан» қўшиғидан айнан олинган, бошқа байтлар эса кекса ғазалхон Шариф Нурхон шеърдагидек айнан такрорланган.
Мантиқ-маъно ҳамда арузнинг мукамаллиги жиҳатидан ҳам Шариф Нурхон шеъри анча мукамал. Н. Нарзуллаевдек эл таниган шоир ижодида бундай такрорлар учраши одамни ранжитади.

Қадам Саидмуродовнинг «Қадаминга гуллар очилсин» деган шеъри бор. Унда «Боғларда гул, тоғда лола бор, Мендек севган қайси бола бор», «Ошиб борар кундан кун оҳим» каби жўнгина сатрлардан сўнг халқ қўшиғидаги «Қадаминга гуллар очилсин» мисраси такрорланаверади. Бу хилдаги шеърлар халқ оғзаки ижодини обрўсизлантирмасмикан деган хаёлга боради киши.

Муҳаммад Солиҳ лирик қаҳрамоннинг оний, бир лаҳзалик кечинмаларини «Баъзан юрак ҳалқумга келар, У бўғзимда туради шундоқ. Шунда осон, эҳ, қандай осон Бу юракни туфлаб ташламоқ» каби тасвирлайди. Қ. Саидмуродов эса ўша сўзларни, фикрларни, ифода ва ҳолатларни бошқача, хийла жўн маънолар билан такрорлайди «Бўғзимда бўғарман юракни». М. Солиҳ «Бу юракни туфлаб ташламоқ» деса, Қ. Саидмуродов ўша топилмани сал бошқачароқ қилиб, ўша вазн ва ўлчовда «Чекиб-чекиб ташлайсан тунни» тарзида ифодалайди.

Буюк немис классиги Ф. Шиллернинг «Асоратдаги Пегас» шеърини эсланг. Унда Фермер Ханс Пегасни аравага қўшиб, ўзи хоҳлаган ишларни бажармоқчи бўлади. Шунда Пегас чавандозини излайди, унга интилади. Қ. Саидмуродовнинг «Боғланган тулпор» шеърида ҳам худди шу ғоя илгари сурилади. Ҳар иккала шеърда ҳам бир хил фикр, бир хил ғоя.

Унлаб китоблар чиқарган шоир Раҳим Бекниёз ижодида ҳам, афсуски, баъзан шундай ҳолат кўзга ташланиб қолади. Унинг мана бу тўртлигига эътибор беринг:

Езни ол-у, қишни менга қўй,
Дурни ол-у, тошни менга қўй,
Сен кул-у, кўзёшни менга қўй,
Кўзёш менга, хандалар сенга.

Биринчидан, бу тўртлик оддий қофиялар тизмасидан иборат. Учинчи сатрда «кўзёшни менга қўй» бирикмаси охириги мисрада «кўзёш менга» тарзида бадий зарурат сезилмаса-да, вазн учунгина такрорланади. Шунинг учун ҳам Раҳим Бекниёзнинг бу мисралари ўқувчига кучли завқ-шавқ бағишламайди. Иккинчидан, шу фикрни завқбахш мисраларда Эркин Воҳидов аллақачон айтган:

Барча шодлик сенга бўлсин,
Бор ситам, зорлик менга,
Барча дилдорлик сенгаю,
Барча хушторлик менга,
Бу жаҳоннинг роҳатин ол,
Бор азобин менга бер,
Сенга бўлсин барча ором,
Барча бедорлик менга.

Тўғри, Эркин Воҳидов шеърида айнан ёз ва қиш, дур ва тош, кулги ва кўзёш ҳақида гап йўқ. Раҳим Бекниёз бу шеърдаги маъно ва мазмунни, ҳолатни, илгари сурилган ғояни, кўзда тутилган мақсадни бошқача сўзлар билан ўзлаштирган.

Хуллас, айрим шоирларнинг китобларида бизга таниш оҳангларда ёзилган, нимаси биландир бошқаларнинг шеърларини эслатиб турадиган ана шундай «ижод намуна»ларини кўплаб учратиш мумкин. Хўш, бу ҳол тасодифми? Наҳотки, шоир бировларнинг ибора ва жумлаларини, оҳанглари ва образларини, яхлит-яхлит сатрлари ва фикрларини тасодифан ўзлаштириб олса? Бизнингча, бунга ишониб қийин. Негаки, агар шоирнинг ўзига, ўзига хос овози, услуби, дунёқараши ва халққа айтадиган гапи бўлса, у ҳеч қачон бошқаларга ўхшамайди.



«ҲАҚИҚАТ УЧУН КУРАШИШ КЕРАК...»

Журналимизнинг 1986 йилги 5, 6, 7-сонларида атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Оққушлар, оппоқ қушлар...» романи босилган эди. Роман кўп минглаб ўқувчилар томонидан қизғин кўтиб олинди. Бунинг боиси, унда жамиятимиз ҳаётининг муҳим бурилиш даври, КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ва республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми каби тарихий анжуманларда кескин фош этилган негатив ҳодисалар, уларнинг жамиятимизга келтирган жуда катта иқтисодий, маънавий, ахлоқий зарарлари бошқа асарлардагидан кенгрок бадиий таҳлил этилади. Асарда халқ дилидаги гаплар, унинг ижтимоий адолат, ҳақиқатни қарор топтириш истаги, аммо бу йўлда учраётган жиддий ғовлар муфассал тасвирланади. Асардаги айрим воқеалар, қаҳрамонларнинг қисмати ҳақида адибга ва редакцияга кўплаб хатлар келмоқда. Турли касбдаги ва савиядаги ўқувчилар асарга турлича баҳо беришмоқда. Биров «Оққушлар...»ни адибнинг катта ижодий ютуғи деса, бошқалар уни «Дибнат» романига нисбатан сустроқ ёзилган, дейишмоқда.

Ҳўш, Одил Ёқубов янги романида аввалги асаридан юқорига кўтарилганми! Жуда кўп журналхонларнинг хатларида кўтарилган муаммоларга қисман жавоб бериш, шунингдек, адибнинг янги асари ҳақида илк таҳлилни бошлаш мақсадида редакция кичикроқ доирада баҳс-мунозара ўтказишга қарор қилди. Адабий баҳсда таниқли мунаққидларимиздан филология фанлари доктори Умарали Норматов, ёзувчи ва мунаққид Маҳкам Маҳмудов, фан кандидатлари Санжар Содиқ ва Ортиқбой Абдуллаев қатнашдилар.

У. Норматов: Аввало, Одил Ёқубовнинг янги романи «Оққушлар, оппоқ қушлар...» деб аталиши ҳаммани қизиқтиради. Ажабо! Асар жамиятимизга кейинги вақтда жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар келтирган негатив, салбий ҳодисалар ҳақида, аммо асарда деярли биринчи марта кенг ва чуқур тасвирланган ижтимоий иллатларнинг оппоқ қушларга қандай алоқаси бор? Ёзувчининг ўзи асар бошидаги ихчам муқаддимада бу саволга жавоб берганга ўхшайди. «Дейдиларки, дунёда оққушлардай беозор, пок, беғубор парранда йўқ эмиш. Мен ана шундай олижаноб қушлардаги бебаҳо фазилатларни оддий меҳнат кишиларида кўраман. Айрим ҳолларда пора-хўрлик, ифвогарлик, мансабпарастлик каби иллатлар илдиз отган 80-йиллар бошида ҳам ўзларига гард юқтирмай, покиза яшаб, ҳалол кун кўрган заҳматкаш бобо-деҳқонларимизни ўша гузал оққушларга қиёс қилгим келади...» Рассомлик санъатида нур-соя қонунияти бор. Манзарада фон қанчалик қора бўлса, оқ ранг шунчалар бўртиб кўринади ва аксинча. Шу маънода романдаги турли порахўр, маишатпараст, такаббур, номард одамлар орасида ҳалол, меҳнаткаш одамнинг поклиги янада кўпроқ кўзга ташланади...

М. Маҳмудов: Даҳо санъаткор Достоевский ҳам «Телба», «Бечора одамлар» каби романларида ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини акс эттирувчи қора фондан яхши фойдаланган. Эсингиздами, жуда кўп худбин, тошбағир одамлар орасида соддадил князь Мишкин телба бўлиб кўришган эди. Бундай одамлар ҳозир ҳам бор.

У. Норматов: Аммо, «Оққушлар»да бошқа давр кишилари тасвирланган. Асардаги энг софдил одам Шораҳим шоввоз ёмон одамлар орасида телба бўлиб кўринмайди. Чунки, у ёлғиз эмас. Асарда бош ижобий қаҳрамоннинг Расул, Шоқосим, Нигора, Белобородов сингари софдил, меҳнаткаш, истеъдодли маслакдошлари бор. Аммо, ҳаётда учровчи худбин, порахўр, амалпараст одамлар ҳам ожиз эмас. Улар осонликча жон бермайди.

С. Содиқ: Жон бериш у ёқда турсин, бошқаларнинг — яхши одамларнинг жонини олади. Чунки, романда жамиятимизни орқага тортаётган кучлар — совхоз директори, калондимоғ Фотиҳ Музаффаров, унинг отаси — «Даштстрой» раҳбарларидан бири, ОРС бошлиғи Музаффар Фармонов фаолиятлари реал ижтимоий ҳодиса сифатида тасвирланади.

М. Маҳмудов: Юқори идораларда Фотиҳ ва Музаффардай виждонсиз одамлар бор экан, яхши, софдил одамларнинг шўри қурийверади. Чунки, ўша виждонсизлар ўзини ақлли, ишчан ва ғайратли қилиб кўрсатишади.

О. Абдуллаев: Жуда унчалик эмас, Шораҳим, Шоқосим, Расул Нуриддинов, Белобородовга ўхшаш кучлар бор экан, жамиятимизда поклашиш давом этади. Одил ака ўз ўқувчиларига ёган жавобларидан бирида «Ижтимоий иллатлар ўз-ўзидан йўқолади», деб кўтиб ўтириш керак эмас, балки ҳақиқат учун фаол курашиш зарурлигини айтади. Асар бошдан-оёқ ана шундай кураш руҳи билан йўрилган.

У. Норматов: Романда ана шу икки қутбни ташкил этувчи кучларнинг ички дунёси, тўқнашувлари худди ҳаётдагидай ҳаққоний тасвирланган. Асарда теран психологизм, лиризм, драматик коллизия билан айна вақтда, ижтимоий пафос, публицистик руҳ ҳам жуда кучли. Мана шу жиҳатдан «Оққушлар, оппоқ қушлар»да В. Распутиннинг «Енғин», В. Астафьевнинг «Ҳайғули детектив», Чингиз Айтматовнинг «Кунда» асарларига, айниқса, «Кунда»нинг учинчи қисмига ҳамоҳанглик бор. Демак, бугунги ўзбек прозаси умумиттифоч адабиётининг илгор аъналаридан четда эмас.

С. Содик: Тўғри, асарда жуда муҳим ижтимоий муаммолар бор. Ёзувчи шу бугун ҳаммани ҳаяжонга солаётган жуда кўп муаммоларни қаламга олади. Асарда уруш даври, Гоби саҳроларидаги воқеалардан тортиб, бугунги кунларгача, деярли қирқ йиллик вақт қамраб олинган. Бундай узок вақтний тасвирлаш анъанаси аввалдан бор. М. Горькийнинг «Артамоновлар иши», Айнийнинг «Қуллар» каби асарларини эслайлик. Аммо, шунча вақт давомида қаҳрамонлар ҳаётида учраган муаммолар ҳаддан ташқари кўп эмасми? Романда Шораҳим ҳаёти мисолида уруш йилларидаги дўстлик, оилавий муносабатлар, Расул Нуриддинов, Беҳзод, Нигора образлари орқали зиёлилар ҳаётидаги мураккаб муаммолар, студентларнинг пахтадаги қийин шароити, ҳатто атеистик мавзугача — ҳаммаси тилга олинган. Аммо шу муаммоларнинг ҳаммаси ягона қаҳрамон атрофида бирлашмайди. Аксинча романдаги уч ўрток ҳамма воқеаларни жамлаб туради. Шораҳим, Нуриддин, Музаффар нимаси биландир бизга таниш, қадрдон. Улар адибнинг аввалги асарлари қаҳрамонлари ҳаётининг давомига ўхшайди. Айниқса, «Эр бошига иш тушса» романидаги ёш дўстлар улғайиб, катта ҳаётга аралашиб, бугунги кунга кириб келгандай.

О. Абдуллаев: Асарнинг баъзи ўринларида шунга ишора ҳам бор. Қирдан дон ташиган ёшлар, эшакли карвонлар бот-бот тилга олинади.

С. Содик: Тўғри, айни вақтда Одил аканинг аввалги асарларидаги бош муаммо — инсон қадр-қиммати проблемаси янги романда янада кучлироқ очилган. Бу эса жуда зарур, умуминсоний проблемадир.

У. Норматов: «Ларза», «Бир-фельетон қиссаси» асарларида ҳам инсон қадр-қиммати масаласи кескин қўйилган эди.

М. Маҳмудов: Аслида инсон қадр-қиммати, гуманизм ҳаммиша жаҳон адабиётининг бош масаласи бўлиб келган. Классик адабиётда ҳам, ҳозир ҳам шундай. Гуманизм нафоси ҳозир айниқса Чингиз Айтматов асарларида кескин қўйилапти. Бу адиб бугунги инсон драматини журъат билан тасвирламоқда.

У. Норматов: Жамият ва инсон тақдири проблемасини ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийчилик ёрқин ва теран тасвирлаган адибни топиш қийин. «Ўтган кунларни ўн мартабалаб ўқисангиз ҳам яна ўқингиз келеради. Бу мўъжизанинг сирини нимада экан, деб ўйлашиб қоламиз, кўпинча.

М. Маҳмудов: Менимча, бунинг сирини шуки, адиб асарда деярли ҳамма одамларнинг кўнглидан кечадиган, ниҳоятда инсоний туйғулар жозибасини тасвирлашда бўлса керак.

О. Абдуллаев: Ушандай асарни ёзиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, албатта. Ҳозирги аксари ёзувчиларимиз теран ва самимий инсоний туйғулар ўрнига кўпинча проблемабозликка, ҳатто ғоябозликка берилиб кетишади. Тўғри, юксак ғоявий асарлар керак, аммо ўша муҳим ғоялар табиий характерлар мантқиқдан келиб чиқиши зарур.

У. Норматов: Ўзбек прозасида ҳам теран гуманистик руҳдаги асарлар оз эмас. Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Улмас Умарбеков, Учқун Назаров, Уктам Усмонов, Шукур Холмирозев ва булардан кейинги истеъдодли ёшларимизнинг асарларида яхши инсон учун қийинчи оҳанглари кучли. Одил Ёқубовнинг аввалги асарлари-чи?

М. Маҳмудов: Айниқса, адибнинг лирик қиссаларида мард, оқкўнгилик, лекин замон шиддатидан орқада қолаётгандай кўринадиган, «илғор», «маданиятли», «бойваччалар» томонидан камситилаётган, баъзан хўрланаётган «кичик инсонлар» тақдирига қизиқиш кучли эди. Шу маънода унинг янги романидаги Шораҳим билан Ойсулув образлари таъсирчан чиққанлигининг сирини ҳам шунда бўлса керак. Бу дарё қалб инсонлар умр бўйи ҳалол яшаб келган, ҳеч қачон ўзларини ҳузур-ҳаловатини ўйламаган, аксинча, фақат ўзгалар бахти учун қайғуриб яшаганлар. Шораҳим билан Ойсулув ҳатто ўзларининг қишлоқлари яқинидаги қирларнинг, боғларнинг гўзаллигини кўриб завқланишга вақтлари етмаган, умуман, ўзларини ўйлашга фурсати бўлмаган. Шораҳим вафодор ва гўзал умр йўлдоши Ойсулувнинг соғлиги жуда оғирлашиб, ҳаёти охирига қолганидагина кўзи очилиб, инсоний қувончлардан ўзларини маҳрум этганликларини, бутун умрлари меҳнат ташвиши билан ўтиб кетганлигини сезади. Нозик кўнгли гулдай хотинига, унинг оддий сихат-саломатлигига эътибор бермаганидан, яна ҳам аччиқ ҳақиқат билан айтганда, энг яқин одамга инсоний ғамхўрлик қилполмаганидан юраги эзилади. Айни вақтда адиб, инсон руҳий олами диалектикасидан келиб чиқиб, Шораҳим ва Ойсулув ҳаётида армонли кунлар билан бирга ғоят нафис, гўзал бахтиёрлик дақиқаларини ҳам оз эмаслигини кўрсатади. Ана шу инсоний муносабатлар тасвирини ўқиганимда Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун», романидаги энг жозибали, инсоний образлардан Зарифа билан Қуттибоев муносабатларини эсладим. Бу икки софдил инсон шифқатсиз йиллар вазиятида чидаб бўлмайдиган ғам, кулфат изтиробларида яшадилар. Йўқ, уларни яшадилар, дейиш ҳам қийин. Улар одамлардай яшашга муносиб инсонлар эди-ку, деган ғояни илгари суреди роман автори. Албатта, Шораҳим билан Ойсулувлар яшаган давр бошқа, вазият бошқа. Худди шунинг учун ҳам Одил Ёқубов бу иккала чин инсон қисматида ёруғ кунлар ҳам оз эмаслигини кўрсатади. Шунга қарамай, булар яхшироқ яшашлари мумкин эди, шунга муносиб эдилар дегимиз келади.

У. Норматов: Дарҳақиқат, бу порлоқ образлар адибнинг ва адабиётимизнинг ютуғи десак арзийди. Адибга келаётган мактубларнинг кўпчилигида ҳам шу иккала қаҳрамон тақдирига ҳайрхоҳлик, меҳр ва ҳамдардлик ифодаланган. Чиндан Шораҳим билан Ойсулув образларини ёзувчининг ўзи ҳам меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик билан тасвирлайди. Одил ака билан шу ҳақда гаплашганимизда бу образларда қисман автобиографик деталлар борлигини айтди. Баъзи ўқувчилар эса бу образларда ўзларининг яқин одамларини кўргандек бўлишяпти. Сурхондарё областининг Шўрчи районида яшовчи Мамаб Бобомуродов асар ҳақидаги таассуротларини бундай ифодалайди:

«Одил ака! Асалида бу хатни ёзиш ниятим йўқ эди. «Шарқ юлдузи»да босилган «Оққушлар, оппоқ қушлар...» романингизни ўқиб чиққанымга икки ойдан ошди. Романини ўқиб бўлгач, қаттиқ таъсирландим. Авваллари бу илк таассурот натижаси бўлса керак, вақт ўтган сари унутиб юборарман деб ўйладим. Бироқ, ҳали-ҳануз унутолмаяпман, сиз қаламга олган одамларни ҳаётдан қидираман, қилмагандир қиёс қиламан. Мана, ниҳоят беихтиёр қўлимга қалам олдим. Табриклайман, роман ўта ўқишли, равон ёзилибди. Қаттиқ ҳаяжон билан ўқидим. Композицияси ва сюжетини жуда бакуват, воқеалар бир-бирини тўлдириб, шиддат билан ривожланиб боради. Фавқулодда табиий; сунъийлик, гапдонлик сезилмайди. Лекин мени мафтун қилган тамоман бошқа нарса —

Ойсулув образидир. Баъзи ўринларда бу ўта оддий, камтарин ва маҳзуна аёл тақдирига шўнғиб кетиб, кўз ёшларивимни тия олмадим. Негаки, аввало Ойсулува турмуш машаққатлари, хасталик изтироблари туғайли 1945 йилда вафот этган онажонимнинг худди ўзгинаси эди. Шоввоз образи ҳам ўзига хос, эркакча, мафтункор. Унинг характери тўпори, «ёввойи» ўзбекларга хос. У ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан кучли шахс, ушлаган ерини узмай қўймайди. Асарда мана ман деб, ҳайқириб, бўртиб турибди. Калондимоғлики билмайди, ўрнак олса арзийдиган шахс. Ҳақгўйлик бобида ҳеч нарсадан қайтмайди. Лекин у ҳам инсон-да. «Баайб парвардигор» деганларидек, анчайин қусурлари ҳам бор. Бу қусурлари ҳам ўзига ярашиб турибди. Асарнинг асосий бадий қийматларидан бири шуки, унда жамиятимизда кейинги йилларда илдиз отган салбий кўринишлар ҳаққоний ифодасини топган. Менинг назаримда, партиямизнинг негати ҳолатларга қарши курашишига доир тадбирлар баъзи бадий асарларда худди иллюстрацияга ўхшаб қоларди. «Оққушлар...»да эса ундай эмас, ҳаммаси ҳаққоний ва табиий талқинини топган. Айниқса, бу соҳада нўноқ ёзувчи-журналист, адабий жараёндаги чайковчи Жаъфар Мавлонов образи кашфиёт даражасига кўтарилган. Ҳаётда бундай устамонлар, билиб туриб гирром йўл ахтарувчилар жуда кўп. Шунингдек, қалби қашшоқ, манфаатпараст, дили қора Мардон Зокиров, Ҳалим Салимов ва сирти ялтироқ Клара Жамолованнинг беҳаё қилмишлари, онгли жиноятлари тўғри талқин қилинган.

Бу мактуб журналхон, китобхонларимизнинг савияси нақадар ўсиб кетганини кўрсатади. Мактуб автори М. Бобомуродов янги роман ҳақида фақат яшасичилик руҳида фикр юритмайди. Ҳаттининг давомида у асарнинг камчиликларини ҳам жиддий таҳлил қилади. Мана эшитинг:

«Билмадим, асарларингизни қолдирмай ўқиб борганлигим учунми менда баъзи эътирозлар ҳам пайдо бўляпти. Биринчидан, «Оққушлар...»да менингча, оҳанг бироз маҳзундек туюлади. Асар тилида ҳам анча-мунча гализликлар бор. «...бирда ундай, бирда бундай» ибораси кўпчилик персонажлар тилида ҳам, автор тилида ҳам баб-баравар такрорланаверади. «Оққушлар...»даги баъзи бир образлар аввалги китобларингиздаги характерларга у ёки бу жиҳатдан ўхшаб қоляпти. Бу, асар қимматини туширади. Масалан, «Оққушлар...»даги Расул Нуриддинов образи «Диёнат»даги Нормурод Шомуродовдан деярли фарқ қилмайди. Фақат фарқлари — уларнинг бири санъатшунос, бири мелиоратор; бири колхоз тузуми деб босмачиларга қарши курашса, бири — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. «Оққушлар...»даги Музаффарнинг ўғли Фотиҳ билан «Диёнат»даги Отақўзининг ўғли ўртасидаги ўхшашлик ҳам яққол кўзга ташланиб қоляпти. Шунингдек, Мардон Зокировнинг ўз асарини муқофотга қўйишни истаб совхозга келиши ҳам «Диёнат»даги сохта олимнинг муқофот ташиши картинасига айнан ўхшаб қоляпти. Бироз бошқачароқ қилиб олиш керакмиди, билмадим. Яна бир ўхшашлик шундаки, «Диёнат»да ҳам, «Оққушлар...»да ҳам воқеалар шаҳарда ва қишлоқда кечади. Борди-келдилар жуда ўхшаш. Албатта, булар менинг шахсий фикрларим».

М. Маҳмудов: Журналхон Бобомуродов асарга жуда холис баҳо берган. Фақат баъзи ўринларда у билан баҳслашишга тўғри келади. Чунончи, у Шораҳим образига керагидан ортиқча баҳо бераётгандек кўринади. Тўғри, Шораҳим асардаги энг яхши, мусаффо образ. Ҳатто, журналхон айтганидек, баъзи қусурлари ҳам ярашиб туради. Айниқса, Шораҳим меҳнат жараёнида ажойиб тасвирланади. Бу жиҳатдан асар адабиётимиздаги маълум бўшлиқни тўлдирарди. Адиб меҳнат поэзиясини яхши ифодалаган, унинг севимли умр йўлдоши Ойсулувга муносабати ҳам инсоний ва жозибали. Аммо, бари бир Шораҳим образида нималардир етишмайди. Менингча, у ҳаётдаги ноҳақликлар ҳақида исёнкор ўйларни дилдан кечира экан, ёзувчи баъзи ўринларда ҳадиксираб, қаҳрамон бу ўйларидан қайтганини, ҳаётимиз у ўйлаганчалик ёмон эмаслигини айтиб ўтишни лозим топади. Бу ҳадиксираш эса характер яхлитлигига озми-кўпми пугур етказарди. Худди шундай қаҳрамон исёнини жилловлаш Расул Нуриддинов характерида ҳам кўринади.

У. Норматов: Бу образ ҳам романдаги йирик ижобий қаҳрамонлардан бири. У кўп эзгу ишлар қилган, ҳақиқат, адолат учун курашдан бир лаҳза бўлсин чекинмаган олим... Лекин чинакам қаҳрамон учун яна «нимадир» керак экан-да! Зеро, қаҳрамон — қалбнинг туғени, қалбнинг бир бўлаги...

Назаримда, ёзувчи Расул Нуриддинов образида ўз имкониятларидан яхши фойдалана олмаган. «Ёнғин»ни эсланг! Ундаги Иван Петровичнинг салбий ҳодисаларнинг илдизи ҳақидаги аламли ўйлари китобхонни қанчалик хаёлга толдиради. Ёки «Қунда»даги Авдийнинг руҳий ғалаёнлари-чи?.. Расул Нуриддинов образи талқинида ҳам ана шундай ички имкониятлар мавжуд эди. Афсўски, булар амалга ошмай қолиб кетган. Уни ҳаёт гирдобларига янада шиддат билан олиб кириш керак эди.

М. Маҳмудов: Мен юксак савияли журналхон М. Бобомуродовнинг ўхшашликлар ҳақидаги фикрига қўшилмайман. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам муайян жиҳатлардан ўхшаш одамлар бўлади. Адабиётшуносликда шунинг учун «типологик образлар» деган тушунча бор. Масалан, «Ута маданиятли» одамлар томонидан баъзан камситилаётган чинакам, софдил кишилар бор. Улар жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларга қарамай, ўзларининг соддалигини, гўдакларча беғуборлигини, камтаринлигини йўқотмайди. Бундай одамларни, Абдулла Орипов айтганидай, нодир мавжудотларни асрагандай, йўқотмай асраш керак. Ва асинча, ҳаётни яхши тушунадиган ижодкорлар орасида ҳам эл-юртга хизмат қилишдан кўра, кўпроқ шон-шўҳрат таъма қилиб юрувчилар учраб туради. «Оққушлар...» романидаги Шерзод Комилов шундай ижтимоий адабий типни гавдалантиради. У истеъодли, ишчан, лекин, Беҳзод каби талантларга бахиллик қилади. Расул Нуриддинов билан Нормурод Шомуродов типидagi одамлар эса шоғирдлари учун жонларини ҳам аямайди, уларни ёвузлардан ҳимоя қилиб, бошқа гуруҳдаги ёки баланд мансабдаги олимларга ёмон кўринишдан кўрқинмайди. Шу маънода Отақўзини ҳам, Фотиҳ, Музаффарни ҳам, Шораҳим, Расул Нуриддинов ва Нормурод Шомуродовни ҳам, ёзувчи Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» романидаги уч ўртоқни ҳам ўхшаш жиҳатларига қарамай, адабиётимиздаги ижтимоий типлар десак энглишмаймиз. Зеро, файласуфлар устози Сўқрот ҳақим «Ҳар бир янгилик — илгари унутилган эскиликдир» деган экан. Аммо эскилик бошқа, шаблон, сийқалик бошқа. Масалан, мен сийқаликни янги асарларда бобларни рақамлар билан аташда кўраман. «Оққушлар...»да ҳам шундай. Ахир, Европа классик романчилигида ҳар бир бобга қизиқарли сарлавҳа қўйилар, бу ҳам етмагандек, сарлавҳада қизиқарли воқеалар айтиб ўтиларди. Абдулла Қодирий романларидаги боб сарлавҳала-

рининг ўзиёқ ўқувчи эътиборини дарров жалб қилади, тасаввурини жонлантиради. Ҳозирги боб рақамлари эса, Темур Пўлатов айтганидек, В-1, Ц-15 деган микрорайонларга ўхшайди. Албатта, асосий гап сарлавҳада эмас. Лекин инсон сарлавҳада ҳам рақамлардан кўра мазмун кўришни истайди. Ана шунда қаҳрамонлар тақдири яна ҳам равшанроқ кўринади.

У. Норматов: Романдаги Шораҳим билан Ойсулув тақдири бошқа синчков журналхонларни ҳам тўлқинлантирган. Самарқандлик Ғанижон Файзиев, сирдарёлик Эркин Нурбоев, хоразмлик Аҳмадҷон Нийёзматов, ховослик Гулҷеҳра Бойматова, арнаслик Фароғат Сатторова янги асарни умуман юксак баҳолаш билан бирга Фотиҳ ва Музаффар каби худбин, амалпарастлар талқини ҳали қиёмига етмаган деган фикрни билдиришган. Уларнинг фикрича, Фотиҳ ва Музаффар каби кишилар ҳаётда жуда мураққаб ва бундан ҳам ярамасроқ ишлар қилишади. Менимча, бу фикрда жон бор. Чунки асардаги салбий қаҳрамонлар жамиятимизни орқага тортаётган ижтимоий кучларнинг ёрқин бадий ифодаси бўлиши учун яна қандайдир ранглар, бўёқлар етишмайди. Ота-бола образлари мантиқий асослинишига қарамай, бир-бирига ўхшайди, маълум стереотипларни эслатади. Шунинг учун ҳам асар охирида уларнинг осонгина таслим бўлиб кўяқолиши менга анча енгил, жўн туюлади. Оригинал ечим топиш керак эди.

М. Маҳмудов: Аслида бундай одамлар тез-тез қиёфасини ўзгартириб туради. Уларнинг олдида баъзи хизмат кўрсатган артистлар» ҳам ип ечолмайди. Уларнинг кутилмаган ишларини кўриб ҳайратланасиз.

У. Норматов: Фармоновлар қаердан, қандай пайдо бўлади? Менимча, ёзувчи мана шу ижтимоий муаммонинг илдиэларини чуқурроқ очиши керак эди.

С. Содик: Романда шунга интилиш*бор. Бу ижтимоий муаммонинг илдиэлари Узкомпартия Марказий Комитетининг XVI пленумида ва партия XXVII съездида анча кенг очилган.

О. Абдуллаев: Ахир қанча-қанча райком секретарлари, министрлар, ҳатто Марказком секретарлари бекорга бўшатилдыми?

С. Содик: Асарда Фармоновнинг «Даштстрой»да суянчиғи борлиғига ишора қилинади. Саҳна ортида «Даштстрой» бошлиғи Фармоновдан кўра анча олғирроқ эканлиғи ғира-шира сезилиб туради. Менимча, ёзувчи унчалик ҳадиксирармай, бошқарма бошлиғидан ҳам юқорироқ бошлиқларнинг кирдикорларини ғира-шира эмас, равшанроқ очиши мумкин эди.

У. Норматов: Ёзувчилардан Бобомурод Даминов билан Абулқосим Мамарасулов ўз мактубларида «Оққушлар...»ни гоят баркамол асар деб баҳолашади. Айни чоғда, истеъдодли ёш ёзувчи Абулқосим устозига романда қайд этилган ОРСлар жуда катта ташкилот — УРС (ишчилар таъминоти бошқармаси)га бўйсунганини, УРС бошлиқлари шоҳона яшабини, Музаффар Фармонов ана шу УРС бошлиғи қилиб олинса, ҳаётга мувофиқ бўлишини айтади. Менимча, бу фикрда қўшилиш керак. Эҳтимол, ана шунда Фармоновнинг ўзбошимчиликлари янада равшанроқ ва дадилроқ очилармиди?

М. Маҳмудов: Ахир Чингиз Айтматов «Кунда» романида софдил чўпон Бўстонларнинг фожиаси шахсий эмас, катта ижтимоий иллатлар билан боғлиқлигини, партком секретарининг демагоглиги, маънавий қашшоқлиги, меҳнатқашлар қолиб, аблаҳ одамларни ёқлаши қандай фожиаларга олиб келганлигини журъат билан кўрсатган-ку! Қаҳрамон иложсиз аҳволда қолгач, аблаҳ Бозорбойни отиб ташлайди. Ёзувчи асарни ана шундай шиддатли, кутилмаган ечим билан тамомлайди.

О. Абдуллаев: «Оққушлар...»да ҳам ана шундай журъатли ўринлар бор. Хусусан, совхоз директори Фотиҳ, рабобком Меҳринисога ўхшаган маҳаллий раҳбарлар халқнинг эзгу туйғуларини оёқ ости қилиши, амалдор бўламан деб, қайнона-қайнота, ҳатто эрини ҳам танимай кетишини анча дадил тасвирлайди. Яна бир фикр. Асар ечимида Музаффар Фармоновнинг барча текин бойликларини давлатга топширишга қарор қилиши унчалик ишонарли эмас. Редакцияга хат йўллаган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Мирсапиев, Матмуродов, Абдураҳмоновлар ҳам Фармоновнинг бу ҳаракатига ишонинмаган.

У. Норматов: Романдаги баъзи эпизодик образларнинг қиёфаси кўринмайди. Профессор Расул Нуриддиновнинг ўғли Улуғбек студентларнинг пахтадаги қийинчиликларини кўрсатиш учунгина олиб кирилган. У автор иродаси билан ҳаракат қилади, кейин умуман кўздан йўқолади. Романдаги энг бўш образ шу бўлса керак.

М. Маҳмудов: Шунга қарамай, бу образ ўзи кўринмаса ҳам, ўз атрофидаги номуносиб муҳитни, баъзи раҳбарлардан, кўр-кўрона тартиб-интизомдан кўриб, инсоний қиёфасини йўқотган айрим масъул кишиларнинг хунук башарасини фош этишда катта ёрдам беради. Чўлдаги хўжалик раҳбарлари студентларнинг фақат икки-уч ой туришини ўйлаб, бошпана қуришга, уни иситишга харажат сарфламас экан. Чингиз Айтматов «Литературная газета»даги баҳс-суҳбатда айтганидай, инсон қадри, саломатлиғи бобида пулни, меҳнатни тежаш жиноят билан тенг. Ахир, студентлар машина, робот эмас, инсон-ку?! Шу маънода ёзувчининг қишлоқ касалхонасидаги инсонийликка зид муҳитни қоралаши, бу муаммога раҳбарлар эътиборини тортиши бизни қувонтиради. Илгариги вақтларда газета, журналлар жуда катта тарбиявий таъсир кучига эга эди. Газета-журналда асосли танқид қилинган раҳбарлар дарҳол кескин жазоланар, кўпинча дарров ишдан олиб ташланарди. Ҳозир-чи? Газета, журналлар такрор-такрор танқид қилаверади. Бу танқидни айбдор маҳаллий раҳбарлар ҳатто ўқиб ҳам кўришмайди. Шунинг учун аҳвол узоқ йилларгача ўнганмайди. Баъзан, аксинча, ноҳақликка қарши курашган одамлар ишдан олиб ташланади.

Гапим исботсиз бўлмасин. Жамиятимиздаги салбий ҳодисаларга қарши кураш бадий равшан тасвирланган мана шу романи кенг меҳнатқашлар ўқийди, лекин район ва областларни бошқараётган барча масъул ўртоқлар ўқиб, ўзига зарур сабоқ чиқариб олармикан? Бунга унчалик ишонмайман. Мабодо шундай романиларни (майли, энг муҳимларини) жамиятимизни поклаш ишларининг бошида турган масъул ўртоқлар вақт топиб ўқиб, бошқаларга ҳам дўстона тавсия этса, ҳаётда яхши ишларни амалга ошириш тезлашар эди.

О. Абдуллаев: Мен ҳозирги кўп масъул раҳбарлар жиддий асарларни ўқишига шубҳаланмайман. Бу борада аниқ мисоллар ҳам келтиришим мумкин. Лекин, Маҳкам ака, ҳозир асарнинг бадий қиммати ҳақида гаплашяямиз. Романининг яна бир сюжет чизиги ҳазрат Уккоша

мозоридаги археологлар меҳнати, диний хурофотга қарши курашга бағишланади. Менимча, шу баҳонада жиддий фалсафий муаммоларни кўтариш мумкин эди. Лекин, ёзувчи бу муҳим нуқтани етарли ривожлантирмаган.


С. Содик: Тўғри, асарда диндор қаҳрамонларнинг маслаги чуқур очилмай, фельетон даражасида қолиб кетган. Шунингдек, у романдаги асосий воқеалар билан чамбарчас боғланмайди. Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» романини эсланг. Унда тасвирланган космос муаммолари ҳам, диний муаммоларга бағишланган эпизодлар ҳам асосий проблемага, марказий воқеага боғланади, асар тўқимасига сингиб кетади.

М. Маҳмудов: «Кунда» романида эса қолоқ диний ақидаларни рад этувчи, айтилишича, айни замонда эгулик, покликка таянувчи мустақкам, покиза эътиқод, имон учун курашувчи Авдий Каллистратов образи меҳр билан тасвирланади. Асарда диний таълимот яхлит қадимий ҳаёт фалсафаси тарзида, ҳаётнинг маъносига етиш йўлларида бири сифатида чуқур талқин этилади. «Оққушлар...» автори, сохта авлиёни фож қилиш билангина чекланиб қолади.

Роман сюжети ва композицияси жуда сертармоқ. Қаҳрамонларнинг энг ҳаяжонли, драматик лаҳзаларда Гоби саҳроси, Хинган уруши воқеаларини тасаввур қилишлари менга ижобий маънода Михаил Булгаковнинг «Оқ гвардия» романини (ва шу асосдаги «Қочиб» фильмини) эслатади. Лекин, баъзи ўринларда такрорлар учрайди. Сир сақлаш усулига адиб кўпроқ ўрин бергани яхши эди.

У. Норматов: «Оққушлар, оплоқ қушлар...» романига хос фазилатлар ва айрим нуқсонлар ҳақида яна гапириш мумкин. Уйлаймизки, бу ромanning тасвир услуби, тили, характерлар динамикаси, образ яратилгандаги ўзига хосликларни, сюжет ва композициясини, ёзувчи маҳоратини тадқиқ этувчи мақолалар ҳали кўплаб чиққан бу ёрқин замонавий асар ҳар хил баҳамунозаралар, турли талқин ва умумлашмалар учун бой материал беради. Бугунги суҳбатимиз ана шу хайрли ишдаги дастлабки қадамлардан биридир. Ёзувчи бизнинг айрим танқидий мулоҳазаларимизни тўғри тушунса керак, деб умид қиламиз. Шу билан, дўстлар, ушбу қисқа адабий баҳсимизни тугалласак. Ҳали, кўп муаммолар бор. Улар ҳақида кейинроқ гаплашамиз.





ХОТИРАДА АДИБ СИЙМОСИ

Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Тўплаб нашрга тайёрловчи Ҳабибулло Қодирий. Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1986.

«Урта бўйли ва миқти гавдали, доимо тўн ва бахмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишидан деҳқонларга ўхшаган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан бўлгандай бепарво кўринган бу киши ўша пайтлардаёқ машҳур ёзувчи, ҳаммамиз кўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва ғузал романнинг авторни эди!»

Бу сатрлар ҳали техникум талабаси, ҳаваскор қаламкаш Ойбекнинг атоқли адиб Абдулла Қодирийни илк бор кўрганда олган таассуротининг ифодаси. Бўлажак ёзувчининг ташқи қиёфасига ҳамда характер хусусиятига оид белгиларни бунчалик аниқ ва ёрқин эслаб қолиши, энг аввало, унинг ижодкорларгагина хос синчков нигоҳини кўрсатади. Иккинчидан, деярли барча кишилар машҳур шахсларни учратганларида, қиёфаларидаги майда белгиларгача, алоҳида қизиқиш билан қарашади, уларни эслаб қолишга интилишади. Абдулла Қодирий ҳам халқимизнинг энг сеvimли ёзувчиларидан бўлгани учун ташқи кўринишига оид белгилари, ҳаракатлари, характерининг ўзига хос томонлари адибни кўрганлар хотирасига муҳрланиб қолган. Зотан, унинг асарларини ўқиган авлодлар учун бу белги ва хусусиятларнинг барчаси ҳам азиз ва ардоқлидир.

Маълумки, биз — китобхонлар Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли хотира рисоласи орқали улкан адибнинг ижод йўли, жонли сиймоси, асарларининг яратилиш тарихи билан қисман танишишга муяссар бўлгандик. Яқинда босилиб чиққан «Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида» китоби ҳам сеvimли ижодкор ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитишга ёрдам беради.

Хотираларнинг кенг китобхонлар учун ҳам, ҳаваскор қаламкашлар учун ҳам, профессионал ёзувчилар учун ҳам қизиқарли бўлишини кўзлаган тўпловчи уни имкон даражасида мундарижа жиҳатидан ранг-баранг қилишга интилган. Рисола ўзбек совет адабиётининг кўзга кўринган вакиллари — Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Миртемирларнинг хотиралари билан бошланади. Бунда қонуният ва маълум даражада рамзийлик мавжуд. Зотан, улар улкан адиб аъналарининг давомчиларидир ҳам. Шу боисдан уларнинг эсдаликларида Абдулла Қодирийдек улкан эса санъаткори билан ҳақли суратда фахрланиш, унинг ижодий жасоратидан, ўлмас асарларидан

чексиз ҳайратланиш туйғуси ёрқин сезилиб туради. Бу бежиз эмас, албатта. Адабиётшунос Иззат Султон «Хотиралар»да ёзганидек, «Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига худди момақалдиқроқдек гулдирос билан кириб келди ва худди қақмоқдек ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди...» Дарҳақиқат, «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари 20-йилларда адабиётимизда жуда катта воқеа бўлган, мана 60 йилдирки, улар китобхонлар қўлидан тушмай келади. Ҳатто саводи йўқлар ҳам бировларга ўқитиб бўлса-да, Отабек ва Қумушбиби, Раъно ва Анварлар қиссасини тинглашган. Улар орқали ёзувчи ижодидан баҳра олиш, ёзувчини кўриш, мусоҳаба қилиш шарафига муяссар бўлишган ҳамда бундан ўзларини бахтли санашган. Агар бошловчи ижодкор ўз машқларини атоқли адибга кўрсатолган бўлса, у бу воқеани умрбод эсда сақлаган. Китобдан Ғайратий, Миртемир, Йўлдош Шамшаров, Мумтоз Мухамедов ва Раҳмат Азизхўжаевларнинг улкан ёзувчига илк ижод намуналарини кўрсатиб, маслаҳат олганлари ҳақида фахрланиб ёзишган дил сузлари ўрин олган.

Адиб ҳақидаги Хотиралардан билинадики, Абдулла Қодирий вазим табииатли, камтар инсон бўлганидан замондош ёзувчилари ижодига ҳам нисбатан кам муносабат билдирган. Шундай бўлса-да, айрим хотираларда Абдулла Қодирийнинг эстетик диди, адабиёт ва санъатга, замондошларининг ижодига бўлган қарашини кўрсатувчи, кичик бўлса-да, эпизод ва деталларнинг барчаси адабиётшунослар учун қимматлидир. Ойбек, Уйғун, Йўлдош Шамшаров, Зиннат Фатхуллин, Нодир Назаровларнинг хотираларида ёзувчининг ўз асарларини қандай яратгани, умуман ижодий лабораториясига оид қизиқарли маълумотларнинг келтирилгани бу жиҳатдан характерли.

Абдулла Қодирийнинг ижтимоий фаолияти, шахсиятига оид маълумотлар табиийки, қимматли бўлиб, қизиқиш билан ўқилади. Бу жиҳатдан Ҳ. Қодирийнинг хотиралари айниқса, эътиборга лойиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, «Хотиралар» ёзувчини таниган, билганларнинг шунчаки эсдаликларидангина иборат бўлмай, унинг маълум бир қисми атоқли адиб ижодининг айрим жиҳатларини аниқлаштиришга хизмат қилиши билан ҳам ардоқлидир. Чунончи, ёзувчининг ўғли Ҳ. Қодирий ёзган «Баъзи изоҳ ва қайдлар» фаслида Абдулла Қодирий ижоди ҳақида адабиётшунослигимизда мавжуд нотўғри маълумотлар ҳақида кенгроқ фикр юритилган. Таассуфки, салкам 20 йилдан буён атоқли адиб ижодига эътибор берилиб, ўрганилиб келинаётгани ҳолда, ёзувчи асарлари ҳақида чалқаш фикрлар, текстологик хатоликлар нашрларда ҳамон давом этиб келяпти. Бу ҳақда жиддийроқ фикр юритиладиган вақт аллақачон келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ҳ. Қодирийнинг адиб ижодига жонкуярлик йўлидаги саъий ҳаракатлари диққатга сазовор. Хусусан, унинг адабиётшунослар Ш. Турдиев ва А. Алиев тадқиқотларига аниқлик киритиши қодирийшунослар, умуман, ўзбек совет адабиёти

масалалари билан шуғулланувчилар учун аҳамиятли ва иборатлидир. Урни келганда айтиш лозимки, илмий-тадқиқотларда ҳеч ким хато ва чалкашликлардан бутунлай мустасно, бўлолмайди. Гап — ана шу хато ва чалкашликларни тузатишда. Буни эса бир-икки тадқиқотчи амалга ошириши қийин.

Ҳабибулло Қодирий «Хотиралар»да Абдулла Қодирийга нисбат берилган бир гап ҳақида «Қодирий шундай мантиқсиз гапни айтишига ишониб бўлмайди», деган тўғри фикрни билдиради. Дарҳақиқат, «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дек машҳур романлар автори Абдулла Қодирий бадиий жиҳатдан буш асарлар, ёзиши мантиқсизлик бўлиб туюлади. Лекин, негадир, Ҳ. Қодирий куйидаги шеърни Абдулла Қодирийга нисбат беради:

АЛВИДО


Яна бир марта алвидолашдик,
Йўлинг устида ай хунук парда.
Яна кулларни кўкка совуришдик,
Қолмасин сендан ҳеч дарак ерда!
Шунча вақт сақладинг қизил юзни,
Жириканч тор қафас — қаро тўрда.
Чўрилиқ байроғи аланга олиб,
Нур билан ёрилсин кўлаганг ерда!

Бу шеърнинг Абдулла Қодирийники эканлиги китобхонни сира ишонтирмайди. Чунки ижоднинг бошланишида унча-мунча шеър машқ қилган Абдулла Қодирий кейинчалик бу жанрда ижод этган эмас («Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидаги шеърӣй текстлар бундан мустасно). Аввало, мазкур тўпламдаги Обидхўжа Тошхўжаев эсдалиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Иккинчидан, борди-ю, зарурат юзасидан жуда долзарб мавзуда ижод этишга тўғри келганда ҳам, бадиий жиҳатдан бунчалик заиф шеър ёзишни Абдулла Қодирий ўзига эп кўрмаган бўларди. Фикримизча, Ҳ. Қодирий кўқонлик шоир Убайдулло Қодирийнинг шеърини янглиш тарзда улкан адиб қаламига мансуб деган.

Шу ўринда «Қурбонлик» фельетони ҳақидаги Ҳ. Қодирийнинг фикрларига ҳам тўхтаб ўтишни лозим топамиз. Қайд этиш керакки, ушбу публицистик асарнинг Абдулла Қодирийники эмаслигини Ҳ. Қодирий тўғри кўрсатган. Мазкур асар А. Сулаймон қаламига мансуб бўлиб, у дастлаб «Қизил Байроқ» газетасининг 1922 йил 4 август сонида босилган. Кейин «Адабиёт парчалари»га «Қ» имзоси билан жиритилган. Ҳ. Қодирийнинг ушбу мақолани Абдулла Қодирийники эмас дейиш учун келтирилган айрим далиллари ўринли. Лекин умуман асар ҳақида билдирилган фикрлари эътироз уйғотади. Чунончи, Ҳ. Қодирийнинг «асарнинг мақсади ёрқин... эмас» дейиши тўғри эмас. Чунки асар 1922 йилда, Фарғонада босмачилик ҳаракати ҳали тугатилмаган бир вақтда ёзилган бўлиб, унда бегуноҳ одамларнинг босмачилар томонидан қўйдек бўғизланаётгани ҳақида фикр юритилади. Муаллиф оллоҳ номига қурбонлик учун қўй сўйиб, гуноҳларини ювишни ва у дунёда жаннатга тушишни орзу қилган «муслмон»ларнинг бир бегуноҳ йўқсилни қўйдек сўйишни қиёслаб, кучли публицистик хулоса чиқаради. Бу билан дин номидан иш кўраётган босмачи каллакесарларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатиб берган. Мана шунинг ўзи «асарнинг ёрқин мақсади»дан иборат. Яна, Ҳ. Қодирийнинг «қўй сўйилишига шунча оҳ-воҳ, ҳаяжон керакми?» дегани ҳам тўғри эмас. Чунки асардаги ҳис-тўйғулар, ҳаяжон қўй сингари бўғизланаётган бегуноҳ одамлар учундир. Бизнингча, бир асарнинг Абдулла Қодирийники эмаслигини исботлаш учун субъектив, асоссиз тарзда уни камситишга уриниш ўринли эмас.

Умуман олганда, «Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида» тўпламининг нашр этилгани хайри иш, у адабиёт мухлислари учун ёқимли бир тўхфадир. Ундаги ранг-баранг эсдаликлар улкан адиб сиймосига чизгилар хизматини ўтайди. Кўрсатилган камчиликлар эса қайта нашрларда ҳисобга олинади, деган умиддамиз.

Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ





БЎЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ

«ИЖОДКОРЛАР» ДАВРАСИДА

ЙЎТАЛ ДАВОСИ

Мамаҳузур деган одам тўйда ҳам, азада ҳам бўлар-бўлмас ғазалларини ўқийвериб, ҳамманинг жонига текканди. Бунинг устига, бетиним биғиллаб йўталаверарди. Кунларнинг бирида Мамаҳузур Юсуфжон қизиққа зорланди.

— Уста, шеърларимни ифодали ўқиб, ўзим маза қиламан-у, томоғим қурғур қимирчилайди-да... — Шу йўтал зорманданинг давоси бормикан?

— Бор, — деди Юсуфжон қизиқ. — Шифтга осилган узум енг, Самарқанд майизидан енг, ҳар куни ёнғоқ чақиб енг, кейин саҳарлаб шеър ўқинг.

— Ие, — таажжубланди Мамаҳузур, — унда баттар бўлмайдими?

— Бўлади. Сиз йўталдан қутуласиз, бошқалар эса сиздан.

АЖОЙИБ ИСМ

Юсуфжон қизиқ ҳикоя қилади:

— Ҳаваскор шоирларнинг бири ўғил кўрди. Бу хабарни телефонда эшитдию, туғруқхона қолиб, касалхонага югурди. Чунки унинг устози, бўлим мудири Маҳрамбой касалхонада ётарди.

— Хурсандчилик, акахон! — деди палатага кириб. — Ўғил кўрдим...

— Қутлуғ бўлсин!

— Раҳмат! Ижозат берсангиз, ўғлимга сизнинг муборак исмингизни қўйсам, Маҳрамбой бўлсин. Сиздай истеъдодли, сиздай улғувор, сиздай буюк ижодкор...

— Майли, розиман, — деди қолиб Маҳрамбой. — Аммо мен касаллигим туфайли эртароқ пенсияга чиқадиган бўлиб қолдим.

— Ие, шунақами? Урнингизга...

— Урнимга кимни қўйишларини аниқ билмайман-у, миш-мишларга қараганда бошқа шаҳардан Маразбек деган одам келармиш.

— Маразбек? — эшик томон юрди ходим, хайрлашишни ҳам унутиб. — Маразбек, Маразбек... Умуман, ёмон эмасга ўхшайди. Маҳрамбой дегани нимаси?! Ўғлимга Маразбек деб исм танлаганим бўлсин-э!...

«АҚЛИ» ОДАМ

Бир одам район газетасида босилган шеърларини Юсуфжон қизиққа кўрсатди.

— Мана, ўқинг, уста. Деярли ярим бетни эгаллабман. Уқиганлар яхши фикр айтишяпти. Юсуфжон қизиқ шеърларни ўқиб, эътироз билдирди:

— Бу нарсаларни сиз эмас, бошқа одам ёзганга ўхшайди.

— Нега ундай дейсиз? Ҳаммаси ўзимники...

— Сиз ақлли одамсиз, — деди Юсуфжон қизиқ салмоқлаб, — бунақа бемаза шеърларни ёзмасангиз керак?

ҒОЙДАЛИ ХУРРАК

Театр администратори ширакайф томошабинни ғойега етаклаб чиқди.

— Қачон кирса, ухлагани-ухлаган. Тинч ухласа ҳам майлиди, мушукдек хуриллашини айтмайсизми! — шикоят қилди администратор бу воқеага бош қўшган Юсуфжон қизиққа.

— Сизлар бунақа томошабиннинг қадрига етишинлар керак, — эътироз билдирди Юсуфжон қизиқ.

— Нега энди? — хайрон бўлди администратор.

— Хуррак отиб, бошқа томошабинларнинг уйқусини қочириб ўтирадида!

КАРНАЙЧИЛАР ЖАЗОСИ

— Охунжон сассиқ деган бой карнай овозини яхши кўрарди. Тўй қилиб, теварак-атроф музофотдаги борлиқ карнайчиларни топтириб келди. Эртадан-кечгача ўттиз-қирқ карнайнинг овози маҳалла-кўйдагиларнинг қулоқларини қоматга келтирди. Беморлар безовта бўлишди. Қариялар қулоқларига пахта тиқиб олдилар.

Юсуфжон қизиқ қараса, тўй яна икки-уч кун давом этадиган. Боққа чиқдию, беш-олти ўсмирни чақириб, ғўра тердирди. Унтача болага бир ҳовучдан тарқатиб, карнайчиларнинг рўпарасига ўтқазиб қўйди. Узи ҳам ўртага турволиб, бараварига ғарчиллатиб ғўра чайнай бошладилар. Оғзидан суви келган карнайчилар ноилож чалишдан тўхташди.

«ТҮНКА»

Юсуфжон қизиқ ҳикоя қилади:

— Кекса артист спектаклдан кейин тор чалувчи созандани чақириб, бор овози билан ўшқирди:

— Мен ария айтаётганимда усулдан чиқиб кетдинг. Шуни ўзинг биласанми?

— Биламан, — тан олди торчи.

— Сен ландавурсан! — қичқирди артист.

— Тўғри.

— Сен ўтакетган аблаҳсан!!

— Тўғри.

Чидамаган артист айюҳаннос солди:

— Вой дод, нега гап қайтармайсан, тўнка!

Юсуфжон қизиқ ҳангомаларини оққа кўчирувчи:
АБДУҒАНИ АБДУҒАФУРОВ

ИЛҲОМ ПАРИСИ БИЛАН СУҲБАТ

(Неъмат Аминов асарларига пайров)

Ассалому алайкум илҳомим париваши!

«ЕЛҒОНЧИ ФАРИШТАЛАР»нинг гапига кириб сени андак хафа қилганим учун узр. «ҒИЙБАТУЛЛО АРХИВИДАН» янги саҳифалар титишдан фойда йўқ, «ҚИШЛОҚ БАЙРАМЛАРИ»га чиқинг, «ЧИНОРЛАР ҚУШИҒИ»ни тингланг! каби маслаҳатларинг ўзимга ҳам маъқул тушиб турувди-ю, «ЁШУЛЛИНИНГ КҮММАСИ»ни еб, «ҚАССОБ БОБОНИНГ ИТИ»дай семириб ётаверасизми» деганинг оғир ботиб кетди-да! «БИР ДУОГА УН ҚАРҒИШ»ми?— деганим шундан эди.

Сен кетгач, «Ари» уясидек ғувиллаган бошимдан дўппини олиб қаттиқ ўйладим. «ШАЙТОНГА ҲАЙ» бериб тан ол,— деди ички бир садо.— У сенга отанг ҳам «ВАСИЯТ» қилмаган гапларни айтди. Агар гапига кирмасанг гуноҳингни «ОБИ МАҲРАМ» қилиб ҳам ювиб бўлмайдими». Ҳақиқатан ўшанда сенга «ҲАҚОРАТ УЧУН РАҲМАТ» айтсам бўлар экан. Чунки, ўзим сепган «ЕЛҒОННИНГ УРУҒИ» бошимдан ташвиш бўлиб ўсиб чиқа бошлаганини энди сезиб ўтирибман.

...Мана, ўзинг айтгандай, фойдали меҳнат билан шуғуллана бошладим. Маҳалламиз кўчаларию теварак-атрофни супуриб-сидириб, «ТОМЧИДАН ДАРЁ» деганингдай, эл ишига ҳиссамни қўшиб юрибман.

Мен сенга айтсам, паривашим, иш одамни ёшартириб юборар экан. Уша — ўзингга учрашмай, «УНИ-БУНИ» ёзиб юрган кезларим «САНДАЛ»нинг бир четида «КУЛОЛМАЙДИГАН УЛПОНЧИ»дай чўзилиб ётардим. Соч-соқолим ўсиб, кўча-кўйда бир аҳволда юрсам, биров кўриб «КУЙДИРГИ», бошқаси «ЛАТТА» деб кетарди. Энди бўлса соч-соқолни паратка қилиб, қоровулхонада ҳар кунги газета-журнални қолдирмай ўқийман. Ёшариб бораётгандайман. Утган куни фаррошимиз «ТЎТИХОН» ичкаридан бир журнал кўтариб чиқиб:

— «ХУРОЗНИ ЧЎҚИГАН МАКИЕН» деган ҳикоя босилибди, ўқинг ака, — деб қолди.

— «АКА ДЕМАНГ!»— жеркиб ташладим,— эҳтимол мен сиздан ёшроқдирман.

«ТЎТИХОН» чимирилиброқ бир қарадио супургги, челагини кўтариб жўнаб қолди. Ортидан тикилиб туриб, ўринсиз гап қилиб қўйганимни билдим. Эртасигаёқ кўнглини кўтариб қўйиш мақсадида ўша фаррошимизга бир шеърини «ТАБРИКНОМА» ёздим. «ЎРГАНГАН КҮНГИЛ...» деганларидек, бир оз суюқроқ гаплар аралаштириб юборган эканман, «ЧАҚИМЧИ»нинг қўлига тушиб қолса бўладими... Мен «ШҲҮРЛИК ТУЛКИ»га сичқон тугул «СУВАРАК»нинг ини минг танга бўлиб кетди. Энди ишга ўрнашганимда

«ЕЛВИЗАК» шамол учуриб кетишига сал қолди. «Ха, «ШАЙТОНГА АЙЛАНГАН ФАРИШТА» деб ёқамдан олиб қолишадигандай, ҳали-ҳали ҳадиксирайман.

Шундоқ кунларнинг бирида қўшчинор остидаги чойхонага чиқиб кетдим. Буш пайтларимни кўпинча шу ердаги сўрида ўтказаман. Бу овлоққа «НУСРАТ ЧАМАН», «СОДИҚ ДАҚАНГ», «КАССОБ ШОИР», ўша ўзинг билган «МАҚОЛ ОДАМ» келади. «ШАФҚАТ» спорт жамиятидан пенсияга чиққан «ЕЛКАСИЗ ПОЛВОН» ҳам кунда шундалардан. Биров «ДУМЛИ ЮЛДУЗ»лардан сўзласа, бошқаси «ШУДГОРДАН ТУТИЛГАН БАЛИҚ»ни, яна бирови «СУЗОНЧИ РОМАН»ни ҳикоя қилади. Хуллас, ҳар кимда бир «ТОПИЛДИҚ». Сўхбатимиз баъзан «ТАРБИЯВИЙ СОАТ»га, гоҳ «КУЛ-ГИДОШЛАР ГУРУНГИ»га айланиб кетади.

Чойхонага бора туриб, хаёлимга бир фикр келди: «Уч-тўрт кундан буён «НУСРАТ ЧАМАН» кўринмайди, «ҚОН БОСИМИ» ошиб кетмадимикин? «ЭТУ ТИРНОҚ»дай одамлармиз, ҳол-аҳвол сўраб қўяй», дедим. Кирсам, ҳовлисининг ўртасидаги супада ёнбошлаб, «АДАБИЁТ ВА ҚАНД КАСАЛЛИГИ»ни ўқиб ётган экан. Кайфияти тушкунроқ. Қитиғига тегиш учун:

— Анов кунги «МАНДАРИН ПУЛИ»ни қачон берасиз?— дедим.

— Э-э, ҳозир неварамга «СЎРҒИЧ» олганиям пул йўқ,— деди минғирлаб. Хижолатдан «ЖИГАРИ ТҶУКИЛДИ» «ШҲРЛИК»нинг.

— «АЧЧИҚ КЕКИРИК»ларнинг вақти ўтди, Чаман,— дедим,— ишлаш керак. «ЧАПАК» чалиб ўтиргандан ёки «БИР ҚОП ҒАЛЛА»дай чўзилиб ётгандан фойда йўқ. Маслаҳатим маъқул тушдими, менга «ИСМИНШИК» бўлиб ишга кирди.

...Ана шунақа гаплар, паривашим, «ЧАРХПАЛАК ДУНЁ» экан-да! Маслаҳатларинг билан «АСАБИЙ КИШИЛАР» даврасидан, «ЖОНДАН ТҲИДИРАДИГАН ТОМОША»лардан кутулдим. «КУРАШЧАН ВОСИТА»ларинг устун келди. Беҳуда ўтган кунларимнинг ҳаммасига «СОҒИҲА» ўқиб қўйдим. Ўзинг: «Кечки мактабда дарс берган экансиз, «ПЕДАГОГИКА»дан ҳам хабардорсиз, шикоятбозлик қилмай яхши нарсалардан ёзинг», деддинг. «ДЕВОРДА СИЧҚОН БОР...», Сичқонда қулоқ» деб бировга айтмай юрган гапларим битилган ушбу мактубни илк «МАШҚ»им сифатида қабул қиларсан.

Дуои салом билан:

«МАҲАЛЛА МУЛКИ»нинг «ҚОРОВУЛ»и:

«Қоровул» дил изхорини оққа кўчирувчи:
Ҳабиб СИДДИҚОВ

ТАҒАЛЛО НАҒНО ҚОНДАТ МОҶАД

(ҚОҶИБТ ЁЗУВЛАРГА ВОҚИФА ТЕМАСИ)



Мундарижа

ИНҚИЛОБНОМА	
Аваз Утар. Хуррият	3
НАСР	
Шукр Холмирзаев. Йўловчи. Роман. Давоми	4
Уткир Ҳошимов. Икки карра икки — беш. Сатирик қисса.	59
ШЕЪРИЯТ	
Сирожибдин Саидов. Тўполондарё билан хайрлашув. Достон	49
Маъруф Жалил. Куч беради ишонч офтоби	114
Саъдулла Аҳмад. Сен кўнглимга назар сол	118
Барот Бойқобилов. Янги даврон даъвати барқ урсин қонимизда.	147
ОКтябрь — 70	
Фотима Абдуллаева. Эл фарзанди. Хотиралар	120
ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ	
Андре Моруа. Қайтиш	154
МУШОИРА	
Мен сени ўйлайман. А. Каримов, И. Ризо, О. Бўриев, А. Хўжамов, Ш. Дадаш, А. Алиев	157
САЊЪАТ	
Тамара Ёқубова. Олдиндан оққан сув...	163
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Уйғун, Т. Тўла. Утмишни эслаганда	167
НАВОИЙХОНЛИК	
Алибек Рустамов. Шоирнинг биринчи ғазали	176
Убайдулла Каримов. Навоий ҳаётининг сунгги кунлари	180
ПУШКИНХОНЛИК	
А. С. Пушкин ёзишмалари	184
ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ	
Мамадмусо Мамадазимов. Ядро уруши — телбалиқдир	186
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Бегали Қосимов. Йўл бошида	189
Сафо Очил. Қовун қовундан ранг олади-ю...	195
БИР АСАР БАҲСИ	
«Ҳақиқат учун курашиш керак...» У. Норматов, М. Маҳмудов, С. Содик, О. Абдуллаев	198
ТАҚРИЗ	
Бойбўта Дўстқораев. Хотирада адиб сиймоси	204
ГУЛҚАЙЧИ	
Юсуфжон қизиқ «ижодкорлар» даврасида	205
Ҳабиб Сиддиқов. Илҳом париси билан суҳбат	206

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ
[Звезда Востока]
№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1987

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Корректор М. Имомов

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 25.12.86 й. Босишга рухсат этилди 23.01.87 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-08522. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 169332. Заказ 5261.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъминланган. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.